Ушбу бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони билан жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш, уни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда самарадорлигини такомиллаштириш мақадида махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистонда янги Агентлик ташкил этилганини бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари юксак мамнуният билан кутиб олиб, агентлик фаолиятини йўлга қўйиш ва агентлик зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга ҳамда бу йўналишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлигини маълум қилди.

Манфаатлар тўқнашуви.

Манфаатлар тўқнашуви коррупцияни ҳаракатга келтирувчи ички таркибий қисми саналади. Коррупция каби мазкур иллатнинг энг ёмон жиҳати шундан иборатки, ҳам марказий давлат бошқарув органлари, ҳам маҳаллий давлат ҳокимият органлари ходимлари ва мансабдор шахслари манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини фош етмасликдан манфаатдор саналадилар. Чунки агар бундай ҳолат очиқланадиган бўлса, нафақат уларнинг шахсий манфаатлари, балки давлат ҳокимияти (маҳаллий ҳокимият) органининг имиджи ва обрў-эътибори, нуфузи учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлади. Айнан мана шу жиҳатдан келиб чиқиб ҳам манфаатлар тўқнашуви субъектлари бир-бирларининг қилмишларини имкон қадар

очиқламасликка ҳаракат қиладилар, шахсий манфаат ва фойда илинжида давлат, жамият манфаатларини оёқости қиладилар.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси бир қарашда аниқ кўринади, чунки “манфаат” ва “зиддият”, “тўқнашув” сўзлари ҳамма учун тушунарлидек туюлади. Кенг доирада олиб қараганда, “манфаатлар тўқнашуви” давлат бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, идоралар фаолиятини, уларда фаолият юритувчи хизматчиларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Шунингдек, давлат хизмати фаолиятини тартибга” солишга қаратилган халқаро, хорижий ва ички қонунчиликда, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу билан бирга, давлат бошқаруви ва корпоратив фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтириб ўтиладиган ҳамда акс эттириладиган энг мураккаб ва энг аҳамиятли тушунчалардан бири сифатида белгиланган.

Хорижий ҳуқуқшунослардан Астанин, А.Д.Иляков, О.В.Казаченкова, С.Е.Чаннов, А.Дементев, С.Качушкин, А.В.Куракин, А.М.Куренной, Е.В.Талапина, С.Н.Юзҳаковлар томонидан манфаатлар тўқнашувиининг мазмун моҳияти очиб берилаганлигини кўришимиз мумкин. А.Д.Иляковнинг фикрига кўра: “Ҳар қандай коррупцион ҳуқуқбузарлик негизида манфаатлар тўқнашуви ётади. Давлат бошқаруви тизимида фаолият олиб борувчи ваколатли субъектда давлатнинг муайян ваколати мавжудлиги ва ушбу ваколатдан шахсий манфаатлар, шу жумладан мулкий манфаатларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлигини англатади [6]”. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коррупциянинг вужудга келиши учун, албатта, манфаат бўлиши талаб этилади. Мазкур манфаат эса муайян ваколатнинг суиистеъмол қилиниши орқали таъминланади. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, манфаатлар тўқнашувига давлат иродасини қўллаш орқали тўсиқларни олиб ташлаб, ўз шахсий эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиши (Н.Обозов, Х.Ҳекҳаусен, У.Юри ва бошқалар) дея изоҳ берадилар [7].

Манфатлар тўқнашувининг қонунчилигимизда акс этганлик ҳолати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунунига юзланишимиз керак бўлади. Қонунга кўра: “**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият [8]” - дея таъриф берилган. Шуни назарда тутиш керакки, бир томондан давлат манфаати майдонга чиқса, иккинчи томондан шахсий манфаат юзага келади, икки манфаат эса бир нуқтада тўқнаш келади. Мазкур вазиятда эса албатта қонунни четлаб ўтиш, уни менсимаслик, жамият ва давлатда ўрнатилган ҳуқуқий тузумга итоатсизлик қилинади.

Манфаатлар тўқнашувининг асосий натижаси шундан иборатки, давлат бошқарувии органларининг функцияларни бажариш сифатини пасайтириш, давлат ва жамият турли соҳаларининг аҳамиятини пасайтириш, жамоатчилик манфаатларини эътиборсиз қолиши каби салбий оқибатлар

келтириб чиқаради. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш давлат ваколатларини сифатли амалга оширишга ёрдам беришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Манфаатлар тўқнашуви давлат ва маҳаллий бошқарув институтининг қадриятларини хавф остига қўйиб, давлатнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини барбод этиши эса энг оғир оқибатлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига биноан “манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият” эканлиги кўрсатилган. Мазкур норманинг киритилиши ҳам халқаро миқёсдаги ҳуқуқий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ саналади, хусусан, “манфаатлар тўқнашуви” концепциясининг киритилиши БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси”дан келиб чиққан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари билан боғлиқ [19]. Бироқ БМТнинг мазкур Конвенциясида “манфаатлар тўқнашуви” атамаси ишлатилмайди, лекин унинг моҳияти “манфаатлар низоси”, “манфаатлар келишмовчилиги” ва бошқа тушунчалар билан изоҳланади ҳамда ўзаро жуда яқин саналади. БМТ Конвенциясининг 7-моддаси 4-бандида “ҳар бир иштирокчи давлат ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ шаффофликка кўмаклашадиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган бундай тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга интилади” - деб белгиланганлигини кўриш мумкин.

Грузия.

Грузиянинг давлат аппарати фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базаси ўз мустақиллигини, шаффофлигини, ҳисобдорлигини ва ҳалоллигини таъминлаш учун мўлжалланган муҳим қоидаларни ўз ичига олади. Бироқ, давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонунчилик қоидаларини амалга ошириш заифлигича қолмоқда. Ижобий ислоҳотларга қарамай, давлат харидлари тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупция хавфи сақланиб қолмоқда.

Конституция ва бошқа қонунлар манфаатлар тўқнашуви каби масалаларни тартибга солади хусусан, турли кўринишдаги манфаатларнинг ифодаланиши, совғалар олиш, активларни декларация қилиш ва бошқалар ҳаракатлар давлат томонидан назоратда тутиб борилади. Грузиянинг "Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг мос келмаслиги тўғрисида"ги қонуни давлат муассасаларида манфаатлар ва коррупциянинг мос келмаслигини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган, мансабдор шахсларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги декларацияларни тақдим этиш механизмини тартибга солади, тақдим этилган декларацияларни мониторинг қилади. 2-моддага мувофиқ: Грузия Президентидан бошлаб "расмий" атамаси назарда тутилган давлат органи субъектлари кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, қонун депутатларнинг ҳалоллигини таъминлайдиган кўплаб қоидаларни ўз ичига олади.[10]

Қонунда кенг доирадаги чеклов чоралари ҳам мавжуд. Қонун, шунингдек, совғалар ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловлар қўяди. "Давлат хизмати тўғрисида" ги қонун[11] манфаатлар тўқнашувини, давлат амалдорларининг бизнесдаги иштирокини, совғаларга чекловларни, давлат амалдорларининг ўз активларини ошкор қилиш ва ахборот берувчиларни ҳимоя қилиш мажбуриятини тартибга солади. Қонун шунингдек, давлат ва хусусий сектор ўртасида ишчиларнинг ўтишига оид қоидаларни ҳам ўз ичига олади.

Грузияда давлат хизматчиларининг яхлитлиги тўғрисида бир неча Қонунчилик қоидалари мавжуд. Улар “Давлат хизматида манфаатлар ва коррупциянинг мос келмаслиги тўғрисида”ги қонун ва ҳукуматнинг “Давлат муассасаларида ахлоқий ва хулқ-атворнинг умумий қоидаларини белгилаш тўғрисида”ги қарорида[12] баён этилган. Ушбу қонунларга кўра, давлат хизматчилари манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай ҳолатларини олдини олишлари ва юзага келган ҳолатларда бундай ҳолатларни билдиришлари шарт.

Грузияда давлат харидлари асосан электрон тизим орқали амалга оширилади. Сўнгги йилларда рақобатбардош бўлмаган харидлар миқдори камайган бўлиб, ҳарид қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун самарали механизм мавжуд, аммо манфаатлар тўқнашуви қоидалари тўлиқ ҳал етилган эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Грузия ҳукумати давлат секторида манфаатлар тўқнашувини ва коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларига риоя қилишни таъминлаш муаммоларини бартараф этиш масаласини ҳал қилишга кераклиги назарда тутилади. Грузиянинг ижро этувчи ҳокимият кучи амалда унинг фаолиятига норасмий ташқи таъсир туфайли мустақил эмаслигини кўриш мумкин. Ҳукумат мустақил давлат хизматини яратиш ва давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш учун етарлича ҳаракат қила олмаяпти. Сўнгги йилларда ижро этувчи ҳокимиятда манфаатлар тўқнашуви ва коррупция билан боғлиқ кўплаб ҳолатлари бўлган, аммо бу ҳолатлар одатда соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилмаганлиги, айбдорларга нисбатан таъсир чоралари кўрилмаганлиги халқаро ташкилотлар томоидан эътироф этилмоқда[13].

Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ташкилотнинг кўрсатмаларига кўра Грузияда коррупцияга қарши сиёсатни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган коррупцияга қарши кураш бўйича Идоралараро кенгаш (Коррупцияга қарши кенгаш) манфаатлар тўқнашувини содир этиш ва уларга жавоб бериш учун самарали тизимни яратиш кераклигини, ушбу кенгаш давлат бошқарув органлари вакиллари билан бир қаторда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳам фаол иш олиб бориши кераклиги алоҳида таъкидланган [14].


Хулоса қилиб айтганда, коррупция ва манфаатлар тўқнашувга қарши курашиш бу биргина давлатнинг бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият эмаслигини барчамиз англашимиз даркор. Зеро ҳар қандай оқибат юзага келиши учун муайян сабаб бўлмоғи даркор. Шундай экан, давлат бошқаруви органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини юзага келишини олдини олиш, мавжуд ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай салбий вазиятларнинг ривожланишини кескин камайтириш мақсадида ҳар бир орган фаолиятида жамоатчилик назоратини ташкил етиш, маълумотлар очиқланишини таъминлаш ва шу билан бирга, жазо

чораларини кескинлаштириш талаб этилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. CORRUPTION: CAUSES, CONSEQUENCES AND CURES. U Myin. Asia-Pacific Development Journal. Vol. 7, No. 2, December 2000. Pn:33
2. http://sampayarik.uz/uz/node/515
3. https://www.transparency.org/en/cpi#
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон
6. Конфликт службе государственной на интересов. Монография. А.Д.Иляков. Россия. 2017. (Conflict of interest between the state and the state. Monograph. A.D.Ilyakov. Russia. 2017.)
7. Кабашов С.Ю. Урегулирование конфликта интересов и противодействие коррупции на гражданской и муниципальной службе: теория и практика. – М.: ИНФРА-М, 2016. – 192 с
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019-й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019-й., 03/19/542/3177-сон, 2019-й., 2-сон, 47-модда.(Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 1, Article 2; national database of legislation data, 16.01.2019-y., 03/19/516/2484-SEC; 24.05.2019-y., 03/19/542/3177-San, 2019-y. Article 47.)
9. https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-36.65/
10. https://matsne.gov.ge/ru/document/download/33550/55/ru/pdf
11. https://matsne.gov.ge/en/document/download/3031098/1/ru/pdf
12. https://tbilisi.media/main/63250-pravitelstvo-gruzii-prinyalo-postanovlenie-ob-obshhih-pravilah-etiki-i-povedeniya-v-gosudarstvennyh-uchrezhdeniyah
13. https://transparency.ge/en/post/georgia-national-integrity-system-assessment-2020
14. Разработка системных мер по предотвращению конфликта интересов. разработка системных мер по предотвращению конфликта интересов – Под научным руководством Ж.К.Рысбековой, Казахстан, Нур-султан, 2020 г. 99 с.
15. https://www.gov.uk/government/publications/ministerial-code
16. http://europam.org/?module=legislation&country=France
17. Zoilboyev J.K. (2020). Administrative Reforms In The Republic Of Uzbekistan: Some Problems And Prospects. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, *2*(12), 1-4.
18. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенсияси (Ню-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) 140 та давлат томонидан имзоланган. Ўзбекистон Республикаси 2008-йил 7-июлдаги ЎРҚ-158 сон Қонуни билан қўшилган.(The United Nations Convention Against Corruption (New York, 31 October 2003) was signed by 140 countries. The Republic of Uzbekistan was annexed by the law of 7 July 2008 number of-158.)
19. United Nations Convention against Corruption, Article 7. https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



POLITICAL, SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF "KASHKA" OAS IN THE XVIII-XIX CENTURIES

Shodiyeva Surayyo Salohiddin qizi [1]

[1] Teacher of the Department of Literary Studies, Karshi State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4698456

ARTICLE INFO

Received: 11th April 2021
Accepted: 15th April 2021
Online: 17th April 2021

KEY WORDS

Bukhara Emirate, Khiva and Kokand khanates, political turmoil, Qashqa oasis, political, social, literary environment

ABSTRACT

This article deals with the environment of the khanates in Turkestan, in particular, the political, social and cultural life of the Kashkadarya oasis, a branch of the Bukhara Emirate.

QASHQA VOHASINING XVIII–XIX ASRLARIDAGI SIYOSIY-IJTIMOIY VA MADANIY HAYOTI

Shodiyeva Surayyo Salohiddin qizi [1]

[1] Qarshi davlat universiteti Adabiyotshunoslik kafedrasi o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 11-aprel 2021
Ma'qullandi: 15-aprel 2021
Chop etildi: 17-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonligi, siyosiy parokandalik, Qashqa vohasi, siyosiy, ijtimoiy, adabiy muhit

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Turkiston o'lkasidagi xonliklar muhiti, xususan, Buxoro amirligining bir tarmog'i hisoblangan Qashqadaryo vohasining siyosiy-ijtimoiy va madaniy hayoti xususida so'z boradi.

ПОЛИТИЧЕСКАЯ, СОЦИАЛЬНАЯ И КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ КАШКИНСКОЙ ОАЗ В XVIII-XIX ВЕКАХ

Шодиева Сурайё Салохиддин кизи[1]

[1] Преподаватель кафедры литературоведения Каршинского государственного университета.

https://doi.org/10.5281/zenodo.4698456

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 11 апреля 2021 г.
Утверждено: 15 апреля 2021 г.
Опубликовано: 17 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Бухарский эмират, Хивинское и Кокандское ханства, политические беспорядки, Кашкайский оазис, политическая, социальная, литературная среда

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается среда ханств в Туркестане, в частности политическая, социальная и культурная жизнь Кашкадарьинского оазиса, ответвления Бухарского эмирата.

O‘rta Osiyoda XVIII asr davomida yuz bergan siyosiy parokandalik natijasida mazkur hudud uch xonlikka: Buxoro, Xiva va Qo‘qon xonliklariga bo‘linib ketdi. Har bir xonlik tepasida turgan hukmdor o‘z davlatining sarhadlarini mustahkamlashga harakat qildi. XVIII asr o‘rtalarida, ya’ni so‘ngi Ashtarxoniy hukmdor Abulfayzxon davrida (1711-1747) Buxoro xonligi bir necha mustaqil hokimliklarga bo‘linib ketdi. Mustaqillik da’vo qilgan bekliklarda qavm boshliqlari boshqaruvni o‘z qo‘llariga oldi. Abulfayzxon davrida Qashqadaryoda ikki katta urug‘: Mang‘itlar va Kenagas boshliqlari xon huzurida o‘z mavqelarini oshirish uchun kelisha olmas edi. Shu bois, Mang‘itlar vohaning quyi qismida, Qarshi va uning tevarak-atrofida, Kenagaslar esa Shahrisabz, Kitob tumanlarida joylashdi. Ikki o‘rtadagi o‘zaro nizolar xalqni tobora bezor qilishi natijada ular o‘zlari yashab turgan hududlardan ketib qolishga majbur bo‘lgan. XVIII asrning 20-yillarida Qashqadaryo butunlay huvillab, shahar xaroba holatiga kelib qoladi[1]. Bunday holat vohaning Qarshi va Shahrisabz singari shaharlarida kuchayganligini ko‘rish mumkin.

Xonlik urug‘ boshliqlari o‘rtasidagi adovatni bosti-bosti qilish o‘rniga, bir tomonga yon bosgan holda qarama-qarshilikni yanada kuchaytirib yuborardi. Jumladan, Shahrisabz begi, Kenagaslar boshlig‘i Ibrohimbiy Otaliq Mang‘itlarga qarshi kurashda omadi chopmaganiga Abulfayzxonni sababchi qilib, oshkora holda dushmanlik yo‘liga o‘tadi. U Samarqandga borib, kuyovi Rajabxonni xon deb e’lon qiladi. Bu vaqtda Buxoroda bo‘lgan Pyotr Ining elchisi Benevenining aytishicha: “…g‘alayon ko‘targanlar gohida poytaxtni besh oylab qamalda tutib turganlar”. Garchand Rajabxon tez orada vafot etgan bo‘lsa-da, Buxoroning yon atrofidagi qishloqlarni talash qariyb yetti yil davom etgan.

XVIII asr o‘rtalarida xonlikda mang‘itlarning mavqeyi o‘sib borgan va juda yuqori darajada bo‘lgan. Ayniqsa, bu borada Qarshida otaliq vazifasini bajargan Muhammad Hakimbiyning o‘g‘li Muhammad Rahim ham o‘z maqsadiga erishish yo‘lida eronliklar bilan qo‘shilib, faol harakat qilgan. Nodirshoh qo‘lida xizmat qilgan Muhammad Rahim biroz xizmatdan so‘ng, Buxoroga kelib, “amir ul-umaro” mansabini egallaydi.

1747-yildan boshlab amalda hokimiyat mang‘itlar sulolasining asoschisi Muhammad Rahim qo‘liga o‘tadi. Muhammad Rahim o‘z hokimiyatini mustahkamlash va markazlashtirish maqsadida ko‘pgina istilochilik yurishlarini amalga oshiradi.

[1] Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 516.

Natijada 1756-yilning kuzida din peshvolari tashabbusi bilan unga rasmiy xon unvonini berish masalasi qo‘yiladi.

Ko‘pgina manbalarda Buxoro amirligi 27 beklikdan iborat ekanligi aytib o‘tilgan. Tarixchi va sayyoh Boljuvoniy esa bu bekliklarni quyidagi tartibda sanab o‘tadi: “Chorjo‘y, Karki, Kalif, Qarshi, Karmina, Nurota, Ziyovuddin, Xatirchi, G‘uzor, Shahrisabz, Kitob, Yakkabog‘, Chiroqchi, Jomchi va Sherobod, Boysun, Dehnav, Sariosiyo, ya’ni Sarijo‘y, Hisor, Qorategin, Darvoz, Boljuvon, Ko‘lob, ya’ni Xatlon, Qo‘rg‘ontepa, Kubodiyondir” [2].

Qashqadaryo hududi Buxoro amirligida o‘ziga xos o‘rin egallagan. Jumladan, amirlik ixtiyorida bo‘lgan Qarshi bekligi “valiahd bekligi” sifatida talqin etilgan. Masalan, rus olimasi O.Suxareva “Buxoro xonligidagi shaharlar tarixiga doir” (1958) asarida quyidagilarni bayon qiladi: “Qarshi Buxoro xonligining ikkinchi siyosiy markazi bo‘lgan. Bu yerda Buxoro taxti vorisi qarorgohi bo‘lgan, u soliq yig‘ish ishlarini nazorat qilgan bek bilan boshqaruvga qo‘yilgan”. Qarshida XIX asrda ko‘plab chorbog‘lar yaratilgan. Hattoki 1863-yilda Qarshida bo‘lgan venger (mojor) sayyohi G.Vamberi ham o‘z asarida to‘xtalib: “Qarshida omma uchun mo‘ljallangan bog‘larni ko‘rib tamomila hayratda qoldim,” − deb ta’kidlab o‘tgan.

Qashqadaryo vohasi kishilari chorvachilik, dehqonchilik, kulolchilik, zargarlik qilib kun kechirishgan. Bu davrda voha kulolchiligida o‘ziga xos badiiy uslub vujudga kelgan. Kulolchilikning asosiy markazlari Qarshi, Shahrisabz va Kitob shaharlari edi. Vohada zargarlik ham taraqqiy etgan XVIII-XIX asrlarda Qarshi, Shahrisabz ham Buxoro, Xiva, Samarqand, Toshkent va Qo‘qon shaharlari kabi O‘rta Osiyoning yetakchi zargarlik markazlaridan biri bo‘lgan. Qarshi bekligi tarkibiga kirgan ayrim qishloq yoki mahalla nomlari, o‘sha qishloq aholisining qaysi hunar bilan shug‘ullanganligidan dalolat bergan. Masalan, Qarshida Degrez, Misgarlik, Charmgar, Sandiqchi, Dukchi, Kosagir, Duradgor kabi ko‘plab mahallalar mavjud bo‘lgan.

Qarshi bekligida ijtimoiy va madaniy sohada o‘zgarishlar xalq orasida “amir ma’sum” (begunoh amir) nomi bilan shuhrat qozongan, mang‘itlar sulolasining vakili amir Shohmurod davrida (1785-1800) ko‘zga tashlanadi. Amir Shohmurod ko‘plab ijobiy jihatlari bilan boshqa mang‘it hukmdorlaridan farq qilgan.

Amir Shohmurod o‘z mamlakatini XIX asr boshlarida bir qadar yuksaltirishga erishgan. Shohmurod davrida aholidan olinadigan soliqlar obodonchilik ishlariga, qishloq xo‘jaligini rivojlantirish kabi muhim ishlarga sarf qilinganligi ham uning naqadar ezgu ishlarning homiysi ekanligini ko‘rsatadi. Amir Shohmurodni sug‘orish tarmoqlariga alohida e’tibor berganligini rus sharqshunosi V.Bartold ham “…uning podshohligi davrida Zarafshon, Amudaryo va Qashqadaryodagi sug‘orish tarmoqlari tiklangan edi,”[3] − deb e’tirof etib o‘tadi.

Qarshi shahrini tiklash ishlariga faqatgina amir Shohmurod davrida kirishildi. Qarshi shahri mang‘itlar sulolasining o‘ziga tayanch hududlaridan hisoblanar edi. Amir Shohmurod o‘limidan biroz oldinroq o‘g‘li va valiahdi Haydarni Qarshi bekligiga hokim qilib jo‘natadi. Amir Haydar davrida Qarshi shahrining qo‘rg‘oni, masjid va madrasalari,

[2] Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи Нофеий. – Т.: Академия, 2001. – Б. 27.

[3] Ko’charov Jamshid. Qarshi shahrining XVIII asr ikkinchi yarmi XX asr boshlaridagi tarixidan (magistrlik dissertatsiyasi). – Samarqand: 2008, – B. 19.

karvon saroylari, namozgoh masjidi ta’mirlandi, shahar obodonlashtirildi.

Buxoro amirligida XIX asr birinchi yarmida, amir Nasrullo (1826-1860) hukmronligi davrida ajnabiylar (ruslar, inglizlar)ning tashriflari tez-tez takrorlanadigan bo‘lib qoladi. Bunday kuzatuvchilarning birdan bir maqsadi Turkiston o‘lkasini o‘z mustamlakalariga aylantirish ekanligi keyinchalik aniq namoyon bo‘ldi.

Buxorodagi rus elchixonasi xodimi Meyendorf 1820-yilda Qarshini Buxoro amirligining yirik aholi maskani va xalqaro savdo yo‘lidagi shahar sifatida ta’riflagan[4]. Hirot va Kelifdan kelayotgan karvonlar, eng avvalo, Qarshi shahrida to‘xtashib, bozorda turli qorako‘l terilari, quruq mevalar, paxta xomashyosi va tolalari mahsulotini sotib olishgan.

Venger sharqshunosi o‘z ma’lumotlarida Qarshi aholisining etnik tarkibi to‘g‘risida ham to‘xtalib, aholining aksariyat qismini o‘zbeklar tashkil etishi bilan birga shaharda tojiklar, afg‘onlar, hindular, yahudiylar ham istiqomat qilishi haqida xabar qoldiradi.

Tarixchilarning ko‘rsatishicha, “Buxoro xonligi siyosiy nuqtayi nazardan katta shaharlar soniga qarab bo‘linadi. 1) Qorako‘l, 2) Buxoro, 3) Qarshi, 4) Samarqand, 5) Karki, 6) Xizor (Xuzor), 7) Miyonqol yoki Karmana, 8) Kattaqo‘rg‘on, 9) Chorshuy (Chorjo‘y), 10) Jizzax, 11) O‘ratuba, 12) Shari Sabe (Shahrisabz). Bu so‘nggi beklik kattaligi jihatidan Samarqandga tenglashadi, biroq amir bilan muntazam olib borilgan urushlar oqibatida uning faqat bir qismini xonlikka tobe deyish mumkin”[5].

Buxoroni G‘uzor, Yakkabog‘ kabi bekliklar bilan qiladigan savdosi Qarshi shahri orqali o‘tgan. Shuningdek, Buxoro shahri Toshkent, Samarqand vohalari, Farg‘ona vodiysi hamda Afg‘oniston va Hindiston, Xitoy bilan ham Qarshi vositasida bog‘langan. Natijada XVIII asrning boshlariga kelib Qarshi savdo-sotiq bo‘yicha Buxoro shahridan keyingi ikkinchi o‘rinda turadi.

Manbalarda bayon etilishicha, Qarshida 1840-yilda uchta, 1863-yilda esa o‘nta karvonsaroy mavjud bo‘lgan. Buxoro xonligida Qarshi shahri nufuzining oshishi XVI asrning ikkinchi yarmidan ko‘zga tashlanadi. Tarixiy manbalarning guvohlik berishicha, XVIII asr o‘rtalarida Qarshi yirik savdo shahri bo‘lib, qo‘rg‘onning barcha bosh ko‘chalarida savdo do‘konlari faoliyat ko‘rsatgan, lekin ularning asosiy qismi shaharning shimoliy qismida joylashgan. XVIII asrning oxirlarida, Haydar To‘ra Qarshiga hokimligi vaqtida, qo‘rg‘ondan tashqarida savdo do‘konlari qurishni taqiqlovchi farmon chiqaradi. XIX asrning boshlariga kelib, Qarshining shahar aholisi ko‘payib, hududi kengayganligi bois bu farmon o‘z-o‘zidan bekor qilinadi. Asta-sekin qo‘rg‘on atrofida o‘z bozorlariga, savdo do‘konlariga ega bo‘lgan yangi shahar paydo bo‘ladi, qo‘rg‘on esa Eski shahar nomini oladi. Eski shahardan janubiy-sharqiy tomonda aholi ancha zich yashagan. XX asrning boshidagi hunarmandchilik va savdo markazi aholi zich joylashgan hududi shu yerda shakllangan. Asosiy katta bozor Yuqori bozor deb atalardi[6]. Qarshi shahridagi tarixiy, me’moriy yodgorliklar o‘zbek me’morchiligining noyob namunalaridan bo‘lib, ularning har biri alohida bir tarixga egadir. Bu noyob obidalar O‘zbekistondagi ko‘plab tarixiy madaniy yodgorliklar kabi yuksalish-u ulug‘vorlik

[4] Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши -Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 46.
[5] Равшанов П. Қарши тарихи. —Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 526.
[6] O‘sha asar, 83-bet.

davriga ham, tahqir-u tazyiqlarga ham, vayrongarchiliklarga ham duchor bo‘lgan.

Arxeolog olim M.Masson XIX-XX asrlar chegarasida Qarshida yigirmata madrasa mavjud bo‘lganligini aytib o‘tadi. Ammo hozirgacha ulardan Sharofboy, Xo‘ja Abdulaziz, Qilichboy va Bekmirqozoq madrasalarigina saqlanib qolgan, xolos.

XVII–XVIII asrlarda Turkiston xalqlari madaniyati, san’ati, ma’naviy hayoti asosan, mustaqil uch xonlik hududida rivojlandi. Bu xonliklarda ko‘plab iste’dodli tarixchilar, tazkiranavislar, xattotlar, musiqashunoslar, shoir va adiblar yashab, barkamol asarlar yaratdilar. Qarshi shahrida o‘tmishda o‘ziga xos xattotlik maktabi shakllangan edi. Mavlono Soyiliy, Saidnazar Nasafiy, Arab Nasafiylar shu maktabning yetakchi namoyondalaridan bo‘lgan.

Xattotlikda Arab Nasafiy nomini alohida qayd etish lozim. Arab Nasafiy ko‘chirgan “Farhangi Zafango‘ya va Jahonpo‘ya” (Jahonni kezuvchi va o‘rnatuvchi) deb ataluvchi yetti qismdan iborat lug‘atda 5170 so‘zning ma’nosi izohlab berilgan. Qo‘lyozmaning so‘nggi yettinchi qismida 500dan ortiq o‘zbekcha so‘zning lug‘ati keltirilgan.

Nasaflik xattot mulla Muhammad Amin ibn Mulla Muhammad ham yetuk xattotlardan bo‘lgan. U 1882-yilda ko‘chirgan “Riyozan nasixin” hozirgi kunga qadar yaxshi saqlanib qolgan.

Madaniy−adabiy hayot uch xonlik doirasida ijtimoiy-tarixiy sharoitga qarab, goh siljishda, goh turg‘unlikda, goh tanazzulda bo‘lib turdi. Ammo bu fikrlardan butun jamiyat inqirozga yuz tutgan, madaniyat va adabiyot tanazzulga uchragan degan xulosaga kelish kerak emas. Chunki har qanday mushkul vaziyatlarda ham inson hamisha ezgulikka, taraqqiyotga intiladi. Eng g‘amgin, qorong‘u kunlaridan ham umid izlaydi. Shuning uchun ham bizga bu davrlarda yaratilgan ulug‘ meros yetib kelgan. Ko‘p podshohlar hukmdor sifatida murosasiz bo‘lsalar-da, ijodkor qalbi bilan iztirobga tushishgan, dard bilan yashashgan. Mamlakatning mustaqilligini mustahkamlash, uning ravnaqi yo‘lida imkoniyatlar izlagan. Jumladan, Qo‘qon xoni Amir Umarxon (Amiriy) saroyiga uzoq-yaqindan barcha ijodkorlarni yig‘ib, ularga rahnamolik qilgan. Rafiqasi Nodira ham uning ishini davom ettirgan. Ko‘plab ijod chashmalari ko‘z ochishiga da’vatkor va homiy bo‘lishgan. Yoki Xorazm xonlari, jumladan, Muhammad Rahim I, Muhammad Rahim II lar zamonida adabiyot va san’atning nodir namunalari yaratilishi bevosita ularning faoliyati bilan bog‘liqdir. Biroq Xiva va Qo‘qon xonligidan farqli o‘laroq, Buxoro amirligida adabiy jarayon ancha qiyin kechdi. Bu holat bir tomondan o‘sha davrda Buxoro adabiy muhitiga homiylik qiluvchi va adabiyotni qadrlovchi hukmdorlarning yo‘qligi bilan izohlanadi. Jumladan, hokimiyat Subhonqulixon qo‘liga o‘tgandan so‘ng, u otasi va akasi tarafdorlari bo‘lgan iste’dod egalarini, xususan, ko‘plab ilm ahlini ta’qib ostiga oladi. Bu esa ularning erkin ijod qilishiga to‘sqinlik qiladi. Bunga birgina misol tariqasida Turdi Farog‘iyning hayotini keltirish mumkin. Subhonqulixon hamda Nasrulloxon hukmdorligi paytida avom xalq bilan birgalikda juda ko‘plab ilm ahlini turli qiynoqlarga soladi.

Buxoro amirligiga kiruvchi hududlarda o‘ziga xos adabiy muhitlar shakllandi. Shulardan biri Qashqadaryo adabiy muhiti edi. Bu orqali xalq manfaatlarini himoya qiladigan, mehnatkashlarning jabr-zulmga qarshi noroziligi, ularning erkin hayot to‘g‘risidagi qarashlari ifodalangan demokratik ruhdagi adabiyot shakllana boshladi. Bu, albatta, bevosita ijtimoiy-siyosiy jarayon bilan bog‘liq. Buxoro ijtimoiy hayotida islom dini g‘oyalari, qoidalari yetakchi mavqeda turgan. Islom dini O‘rta

Osiyoga kirib kelgach, Nasafdan juda ko‘plab din peshvolari, hadisshunoslar, fiqhshunos, alloma-yu ulamolar voyaga yetishib chiqqanligi tarixdan ma’lum. Bu allomalar ichida tariximizning boy merosiga “Nasafiy” taxallusi ostida qalam tebratib katta hissasini qo‘shgan, o‘zining sara asarlari bilan dong taratgan ilm homiylari bisyordir. Ularning har biri o‘z davrining yetuk olimlari bo‘lgan. Zero, zamondosh shoirimiz Barot Boyqobilov ta’kidlab o‘tganidek:

Nodir zotlar yurti ekan, bilsam Nasaf,
Ne asrdir boshi uzra toj-u sharaf.
Kishilikning ummonida g‘avvos kabi,
Durlar sochib hamon shahri sadaf.

Qashqadaryo adabiy muhitida XVIII–XIX asrlar tarixini, ya’ni xalqning o‘sha davrdagi ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy hamda madaniy hayotini eks ettirgan, xalq manfaatlarini himoya qiladigan badiiy va ilmiy adabiyotlar yuzaga keldi. XVIII-XIX asr Buxoro adabiy muhitining tarkibiy qismi bo‘lgan Qashqadaryo adabiy muhitidagi xususiyatlar deyarli bir xil bo‘lgan. Lekin ular boshqa adabiy muhitlar (Qo‘qon Xiva)dan ayrim xususiyatlari bilan ajralib turgan. Qashqadaryo adabiy muhiti aholi etnik qatlamidan kelib chiqib, ayrim o‘ziga xos xususiyatlarga ega.

Birinchidan, bu yerda zullisonaynlik (ikki tillilik) an’anasining uzoq tarixi bor. Ijod sohiblari, asosan, ikki − o‘zbek va fors−tojik tilida ijod qilishgan. Ikkala tilda ham ibratli asarlar yaratilgan. Xususan, Lomeiy Nasafiy, Sayidxo‘ja Nasafiy, Salohiddin Salohiy, Hoziq, Xiromiy, Tohira Nasafiy kabi ko‘plab ijodkorlar yaratgan adabiy merosni e’tirof etish mumkin.

Ikkinchidan, boshqa xonliklardan farqli o‘laroq bu yerda markazlashgan adabiy muhitning yo‘qligi hamda ijodiy jarayonning tarqoq holda mavjud ekanligi bilan izohlanadi. Ammo bu adabiyot ravnaqiga salbiy ta’sir etmagan. Adabiy muhitda yaratilgan asarlarni kuzatar ekanmiz, ularda diniy tushunchalarning faolligini hamda dunyoviylik esa ular zamirida yuzaga chiqqanligini ko‘ramiz.

Uchinchidan, bu adabiy muhitda Jomiy, Navoiy, Fuzuliy, Bedil, Hofiz kabi donishmand shoirlarimiz an’analari davom ettirildi. Jumladan, Salohiddin Salohiyning “Yusuf va Zulayho”, Xiromiyning “To‘tinima”, “Yusuf va Zulayho” hamda Xayoliyning “Layli va Majnun” kabi dostonlari yaratildi.

To‘rtinchidan, mavzu, g‘oya va janrlar takomillashtirildi. G‘azal, muxammas, ta’rix, qit’a, masnaviy kabi an’anaviy janrlarning yangi qirralari kashf etildi. Yangi zamonaviy fikrlar bilan boyitildi.

O‘sha davrda yaratilgan adabiyotlar ikki yo‘nalishda rivojlandi:

1. Shohlik va saroy muhitini kuylovchi adabiyot.
2. Zo‘rovonlikka qarshi norozilikni va qoloqlikni tugatishga qaratilgan demokratik adabiyot.

Birinchi yo‘nalish ijodkorlari, asosan, Qo‘qon (Amiriy saroyida Fazliy boshchiligidagi ijodiy guruh) va Xiva (Feruz saroyida Munis, Ogahiylar ijodi) adabiy muhitida uchraydi, ammo Buxoro, xususan, Qashqadaryo adabiy muhitida bunday holni kuzatish qiyin.

Ikkinchi yo‘nalish tarafdorlari esa har bir hududda uchraydi. Chunki haqiqiy adabiyotning birinchi navbatdagi vazifasi yurt dardini kuylashdir. Mazkur yo‘nalishda ijod qilganlar Qashqadaryo adabiy muhitida nisbatan ko‘proq ekanligini kuzatishimiz mumkin. Xususan, bunday ijodkorlar qatoriga Hoziq, Xiromiy, Xayoliy, Mushtoq Shahrizabziylarni sanab o‘tish o‘rinlidir.

Xullas, Qashqadaryo tarixida ko‘pgina o‘zgarishlar (hukmdorlar almashinuvi, siyosiy tazyiqlar) bo‘lishiga qaramasdan, Qashqa vohasining markazi bo‘lmish Nasaf (Qarshi)

yirik ilm-fan markazi sifatida Markaziy Osiyodagina emas, balki sharq olamida ham o‘z salohiyatiga ega ekanligi bilan alohida ajralib turgan.

Biz ko‘rib o‘tayotgan davrda, ya’ni XVIII asr boshlari hamda XIX asrning birinchi yarmida faoliyat yuritgan ayrim “Nasafiy”lar va boshqa ijodkorlar madaniyatning bir qirrasi hisoblangan badiiy ijod namunalari bilan Qashqa vohasining yuksalishiga o‘z hissalarini qo‘shishdi.

Agar qadimda Kesh shahri “Ilm val adab qubbasi” deb nom qozongan bo‘lsa, Nasaf shahri hadis va fiqh sohasida nafaqat Movarounnahrda, hatto uzoq olis yurtlardan olimlar ham kelib fikrlashadigan, bahs-munozara yuritadigan “majlis-tadris” (dars yig‘ini), xalqaro ilmiy kongresslar o‘tkaziladigan shahar hisoblangan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Hasanov A. XVI-XIX asrlarda shaharsozlik va me’morchilik (Qashqadaryo vohasi misolida): Nomzodlik dissertatsiyasi. – T.: 2008. 200-b.
2. Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши − Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. –Қарши: Насаф, 2006. 154-б.
3. Ko‘charov J. Qarshi shahrining XVIII asr ikkinchi yarmi XX asr boshlaridagi tarixidan. – Samarqand: 2008. 71-b.
4. Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи Нофеий. – Т.: Академия, 2001. 284-б.
5. Ravshanov P. Naxshab va Kesh tarixi manbalari. – Qarshi: Nasaf, 2005. 120-б.
6. Равшанов П. Қарши тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 647-б.
7. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. 784-б.
8. Равшанов П. Шаҳрисабз тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. 548-б.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



NURTURING YOUNG PEOPLE WITH HIGH ARTISTIC AND INTELLECTUAL POTENTIAL. ISSUES OF DRAMATURGY IN PUPPET THEATER

Avezov MirzoUlug'bek Komiljon o'gli [1], Abduxalilov Azamjon Abdullaxanovich [2]
[1] 2nd year student of "Puppet Theater Acting"
[2] Supervisor: Associate Professor
https://doi.org/10.5281/zenodo.4700348

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Puppet theater, fairy tale, child, upbringing, personality.

ABSTRACT

This article discusses the types, history and drama of the Uzbek National Puppet Theater. The author also tries to assess the role of the industry in the field of educational work, educational issues, as well as problems of drama.

ЮКСАК БАДИИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ТАРБИЯСИ. ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА ДРАМАТУРГИЯ МАСАЛАЛАРИ

Avezov MirzoUlug'bek Komiljon o'gli [1], Abduxalilov Azamjon Abdullaxanovich [2]
[1] 2-курс “Қўғирчоқ театри актёрлиги санъати” таълим йўналиши талабаси
[2] Илмий рахбар: доцент
MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma’qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Қўғирчоқ театр, эртак, бола, тарбия, персонаж.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада ўзбек миллий қўғирчоқ театри турлари, тарихи ва драматургияси хусусида сўз боради. Шунингдек, муаллиф соҳани хизмат фаолияти, тарбия масалаларида аҳамияти, қолаверса драматургия масалалари холатини баҳолашга интилади.

ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ С ВЫСОКИМ ХУДОЖЕСТВЕННЫМ И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫМ ПОТЕНЦИАЛОМ. ВОПРОСЫ ДРАМАТУРГИИ В КУКОЛЬНОМ ТЕАТРЕ

Авезов МирзоУлуғбек Комилжон ўгли[1], Абдухалилов Азамжон Абдуллаханович[2]
[1] Студент 2 курса факультета «Актерское мастерство театра кукол».
[2] Научный руководитель: доцент
ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 13 апреля 2021 г.
Утверждено: 17 апреля 2021 г.
Опубликовано: 19 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Театр кукол, сказка, ребенок, воспитание, личность.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются виды, история и драма узбекского национального театра кукол. Автор также пытается оценить роль отрасли в области воспитательной работы, образовательных вопросов, а также проблем драматургии.

Ўзбек миллий қўғирчоқ театр санъати жуда чуқур тарихга эга бўлиб, унда ,,Чодир жамол", ,,Чодир ҳаёл" ва ,,Фонус ҳаёл" турлари фаолият олиб боргани манбалардан маълум. Шулардан; ,,Чодир жамол" тури томошалари мамлакатимизда ўз даврида кенг тарқалган. Унда айлана ёки тўрт бурчак шаклда актёр белига махкамланувчи чодир шаклидаги бир актёр ижросига мосланган ва корфармон жўрлигида томоша кўрсатиладиган туридир. Аксар бундай томошаларда бир ёки икки персонаж иштирок этиб, қўғирчоқларнинг қўлқопли тури ишлатилган. Бугунги кунда ҳам Мустақиллик куни, Наврўз, Бойсун бахори, Миллий бахшичилик, Хосил байрами, Гул байрами каби халқ сайиллари ва давлат тадбирларида бу тур томошаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Аксарият бу каби томошаларда махсус пьесалар ёзилмай, одатда байрам мавзусидан келиб чиқиб, миллий қахрамонларимиз Качал полвон ва Бичихоннинг турмуши намунасида замон камчиликларни енгил юмор асосида импровизацияга қурилади.

,,Чодир ҳаёл" эса қўғирчоқларнинг ипли тури-марионеткалардан кенг фойдаланилган. Томошалар махсус пьесалар асосида тайёрланган. Одатда бу тур томошалари учун махсус қурилган катта хонани эслатувчи жойларда фаолият кўрсатган. Актёрлар қўғирчоқларни юқоридан, махсус мосламалар орқали бошқарганлар.

Бизнинг давримизгача маълумотлари етиб келган яна бир қўғирчоқ театри санъатининг тури ,,Фонус ҳаёл"дир. Номланишидан ҳам илғаш мумкинки унда томошалар аксарият қоронғуликда чироқ, шағам ёки фонуслар ёрдамида кўрсатилган бўлиб, бугунги соялар театрини эслатади.

Ўзбек халқи қўғирчоқбозлари санъати илк бор Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан қизғин шуғулланган рус олимлари Н.П.Остроумов Н.С. Лукошинларнинг дикатини ўзига тортган ва улар ўз асарларида бу санат хусусида қизиқарли саҳифалар битиб қолдирганлар.

Қўғирчоқ театри томошалари ҳам санатнинг бошқа турлари қаторида ўз даври меҳнаткашларнинг оғир турмуши, ундаги адолатсизликларни сатирик жанрда саҳнада акс эттирган. Шу билан бирга албатта болалар ва ўсмирларга ахлоқий аҳамиятга эга пьесаларни кўрсатганлар. Ўз ўрнида бу уларни юксак манавятли қилиб тарбиялашда мухим қурол бўлиб хизмат қилди.

Ҳозир кунда қўғирчоқ театри санъатида турфа хилдаги замонавий, миллий рухдаги, ёрқин рангларда ифода этилган қўғирчоқларни учратиш мумкин. Мисол ўрнида; симли, қўлқопли, планшет, марионетка, соя қўғирчоқлар турлари ва театр ниқобларни санаб ўтиш мумкин.

Қўғирчоқ театри ўзига ҳос бетакрор санъатдир. Ёш томошабиннинг санъатга ошнолиги илк бор қўғорчоқ театридан остонасидан бошланади. Театр саҳнасида жонланиб, тилга кирган қўғирчоқ персонажлари болаларга беқиёс завқ- шавқ, манавий озуқа бахш этади. Болаларни хаёт жумбоқлари устида бош қотиришга ундайди. Гўзаллик, дўстлик, адолат, ҳалолик, поклик, меҳнатсеварлик, туйғуларини уларнинг қалбига жо этади. Бир сўз билан айтганда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбиялашда ўрни сезиларли. Шу сабабли қўғирчоқ театр соҳасида жанр жихатдан ранг-баранг, замон талабига жавоб бера оладиган, бой мазмунга эга, ғоявий етук ва миллийликни тарғиб этувчи асарлар бўлиши шарт.

Бугунги кунда Республикамизда 10та профессионал давлат қўғирчоқ

театрлари ёш томошабинларга хизмат қилиб келмоқда ва уларнинг репертуарларидан миллий ва хорижий муаллифлар томонидан ёзилган асарлар жой олган. Биргина пойтахтдаги “Ўзбекистон давлат қўғирчоқ театри” мисолида ўнлаб шунга ўхшаш спектаклларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан; “Қарсилдоқ” Гофман асари, ,,Гугурт кўтарган қиз” Ганс Християн Андерсон, ,,Қуёш нурчаси” Александр Попеску, ,,Уч чўчқача” Сергей Михалков, ,,Оппоғой ва етти гном” Ака-ука Гримм эртаклари асосида в.х.к. Бу асарлар жахон саҳналарининг ўлмас дурдоналардир. Шунингдек, “Яна Андресен” Д. Йўлдашева, реж; Динара Йўлдашева, рассом Сергей Сидухин, “Сирли ўғирлик” Д. Йўлдашева, “Миёвлаган ким бўлди?” Д.Йўлдашева, реж; Д. Йўлдашева, рассом Нодира Йўлдошева, “Юлдузли бола” Д. Йўлдашева, реж; Динара Йўлдашева, “Қувноқ арава” Исоқтой Жуманов, реж; Ф.Хўжаев, “Фотиманинг саргузаштлари” Н.Хабибуллаев асари реж; Михаел Бобожонов, “Карвонсарой” Лукиянова асари, реж; Исо Ёкубов ва бошқалар.

Кўринадики, ёш авлод яъни бизнинг келажагимиз бўлган болалар дунё қараши тўғри шакилланиши, манавий юксалтириб, миллий қадриятларни улар онгига сингдиришда ва тўғри шакллантиришда қўғирчоқ театри драматургларининг хиссаси каттадир. Шу маънода “Қўғирчоқ театри санъати” кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашурова шундай ёзади; “– Қўғирчоқ театри драматурги болалар психологиясини, улар хулқ-атворини, руҳиятини, хаётда тутган ўрнини, қизиқишлари-ю, интилишларини, атрофини ўраб турган борликдаги хал қилолмаган жумбоқлари ечимини билиб, уларни оқил йўлбошчисига айланиши керак”[1] дейди.

Қўғирчоқ театри драматургларининг елкасида жуда улкан масулят бўлиб, улар ёзаётган пьесаларда болаларга хос беғуборлик, доим янгиликка интилиш, мехр, гўзаллик, садоқат каби туйғуларни саҳна воқеалари орқали шакллантирмоғи лозим. Чунки болалар билан ишлаш, уларнинг рухиятини тушиниш, яхши-ёмони ажратишни ўргатишда минг бора айтгандан бир бора кўрган яхши қабилида иш тутмоқ натижалироқдир. Бунда қўғирчоқлар ёрдамида уларнинг рухиятига миллийликни, ананаларимизни сингдириш ўзига хос услубларни асарлари орқали кўлловчи бу драматурглардир. Ана шундай ўзбек ижодкор-драматурглардан М.Қодиров, Х.Расул, Т.Йўлдошев, Т.Қозоқбоев, Н.Қобилов, М.Ашуроваларни айтиш мумкин.

Бугунги кунда қўғирчоқ театри учун янги асарларни ёзаётган драматурглар камайиб кетмоқда. Шундан бўлса керак республика қўғирчоқ театрлари чет эл ёзувчилари асарларига кўпроқ мурожаат этилмоқда ва ёш томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Аммо бугуннинг талаби миллий профессионал, юксак бадиийликни акс эттирган спектаклларга эхтиёж баланд. Ахир қўғирчоқ театри санатида орзулар рўёби, ақил бовар қилмас мўъжизалар рўй берар манзил экан, нега энди миллий тарихимизни ёритувчи ва буюк боболаримиз Жаллолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо в.х.к. авлодларга ўрнак бўладиган

[1] М.Ашурова. Меҳрдан яралган олам. Т,: “Zamon poligraf” ОК, 2019 й.4-б..

ватанпарвар, марифатпарвар сиймоларимиз театр репертуарларини безамаслиги керак? Томошабин доимо хайратланиши, янгилик кутиши бу сир эмас. Айниқса жажи томошабинлар. Балки шулар сабаб, энди ота-оналар фарзандлари билан қўғирчоқ театрларига боришдан кўра уларни уйда кампьютер олдида қолдиришни авзал кўрадилар.

Ахир келажак авлодни миллийлик рухида тарбиялаш, замон билан хамнафас қилиб тарбиялашда қўғирчоқ театри катта аҳамият касб этади. Профессианализм борасида аввало кемтиклар репертуар танлашда кўриняпти. Буни тўлдириш учун театрда қўғирчоқ театрида саҳнанинг ўзига хос имкониятларидан хабардор, уни инобатга олувчи драматург-инсценировкачи муҳим ўрин тутади. Афсуски бундай мутахассислар камайиб кетмоқда.Эртак, қисса ва ҳикояда адабий баёнчилик мавжуд ва сўз кўп. 2018 йил анъанавий Республика профессионал давлат қўғирчоқ театрлари кўрик-фестивалида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Сарвиноз Қодирова шундай дейди; “–Қўғирчоқ театри саҳнаси ҳар қандай жанрий кўринишдаги пьесаларни ҳазм қила олмайди. Бу театр турининг ўзига хос репертуари бўлади. Мазкур театр саҳнасида мусиқа, рақс, юмор, сатирик кўринишлар, эртак мўжизалари жиддият билан қоришиб кетади.”[2]

Бадиий адабиётда тасвирланган воқеликни қўғирчоқ театрининг ўзига хос мезонлари нуқтаи назаридан қайта тузиш мураккаб жараён. Шунинг учун эса маҳоратли драматургларни театрга жалб қилиш, саҳналаштирувчи режиссёр билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур. Театр саҳнаси имкониятлари, актёрлар ва қўғирчоқ турларини пухта билиш керак. Ишни бизнингча таълим жараёнидан, бу таълим йўналиши тайёрланаётган босқичларни ўрганишдан бошлаш керакдек.

Умуман, олганда ҳар бир ишнинг ёмон ва яхши томони бўлганидек. 2018 йил июнь ойида Тошкентда ўтказилган XI-Республика профессионал давлат қўғирчоқ театрлари фестивалида юқоридаги истаклар рўёбига гувоҳ бўлдик. “Широқ”, “Тўмарис” каби элпарвар миллий қахрамонларимизга аталган спектакллар сўзимиз исботи.


Шу камчилик ва ютиқларни инобатга олган ҳолда айтиш керакки, республика қўғирчоқ театр жамоалари доимий изланишдалар. Болалар драматургиясини шакилланишида, талқин ва ижрода профессионал, бадиий уммумлашмаларга бой саҳна асарлари яратишга ҳаракат қилишмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. М.Ашурова. Меҳрдан яралган олам. Т,: “Zamon poligraf” ОК, 2019 й.
2. Республика давлат қўғирчоқ театрларининг профессионал фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-амалий ечимлари. Республика илмий-амалий семанари. Тошкент. 2018й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият., 2008
4. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.: Ўқитувчи.,1981.
5. Қодиров М. Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. Т.: Талқин, 2006.

[2] Республика давлат қўғирчоқ театрларининг профессионал фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-амалий ечимлари. Республика илмий-амалий семанари. Тошкент. 2018й.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE MAIN FEATURES OF WRITING FOR SOCIAL ACTION

Gulisora To'ychiyeva
[1] UzSWLU, Masters' department

https://doi.org/10.5281/zenodo.4700383

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Social action, sociological creature, sociology, types of social action, sociological viewpoint.

ABSTRACT

The article deals with the main features of writing for social action. Actions are affected by the behavior of other sociological creature and according to them decided their activity.

In this article we are going to find out the main characteristics of writing for social action and in order to recapitulate the main factors of writing in social action and the role of writing in teaching foreign languages.

Facione divided teaching writing into five skills: interpretation, analysis, evaluation, inference, and explanation. Later he added the sixth skill self-regulation as the ability to evaluate one's own process of reasoning, utilizing analysis skills, and through questioning, correcting and validating one's results (Facione,1998). Pupils were engaged in lessons and writing tasks that enhanced their ability to apply these skills. The scores were valued on a scale from 1 (poor) to 4 (very good) based on Facione and Facione (1994) scoring rubric. Ennis found six elements which constitute teaching writing (1996), known as FRISCO: Focus, Reasons, Inference, Situation, Clarity and Overview. In approaching any situation, pupils have to be focused by identifying the main arguments or problem as guidance for pupils not to get distracted during the thinking process. After bearing in mind the main idea, they can proceed to see the reasons behind the main idea and decide its acceptability (Ennis, 1996). Carter, Bishop, and Kravits (2007) described teaching writing as the process of collecting information, analysing it in different ways, and evaluating the objective of gaining understanding, solving a problem, or making a decision. Rankin (1999) confirmed this, saying that good searchers show the ability to evaluate critically the information they are looking for and apply their judgment to the search process. However, Wade (1995) identifies eight characteristics of teaching writing. From his viewpoint, teaching writing involves asking questions, defining a problem, examining evidence, analysing assumptions and biases, avoiding emotional reasoning, avoiding oversimplification, considering other interpretations, and tolerating ambiguity.

Glock (1986) suggests ways that teachers can reinforce verbal teaching writing skills by focusing greater attention on pupils' "why" questions than their "who," "where" and "how" questions. Teachers should also review their own methods of asking questions, questioning answers, and questioning questions, by performing some of the following techniques:

- When a student asks a “why” question, have the rest of the class discuss the kinds of questions that are most powerful and the sources of their power. Explain the structure of analytical questions. Use such questions especially those generated by pupils in quizzes.
- After pupils are accustomed to answering analytical questions using in-class materials, ask similar questions that they must answer via their own work experience or out-of-class inquiries.
- Have pupils analyse the information presented in the textbook to discern which forms of inquiry were used to generate it.
- Have pupils read critical analyses of their text, and encourage pupils to develop their own criticisms based on their personal experiences.
- Compare opposing positions on a topic, and help pupils identify the sources of the differences of opinion. Avoid emotion-laden topics until pupils begin to perceive the "universality of reinterpretation and redefinition."

In another example, Tripp’s (1990) second-year oral communications course pupils’ (1) select, define, and establish the parameters of a school-related problem; (2) analyse the problem to identify underlying causes, its scope and seriousness, and potential impact; (3) conduct a brainstorming session to generate creative solutions; (4) assess the proposed solutions in terms of viability and potential effectiveness; (5) reach consensus on the solutions; and (6) implement the decision. This process helps to develop pupils’ group research projects, including producing a technical report based on these efforts, where all student, group members participate in the talking, listening, gathering data, writing and editing portions of these reports. Pupils need to acquire critical evaluation skills which enable them to identify information that meets their needs. To achieve this, pupils were encouraged to compare and contrast different information using criteria including questioning the accuracy "Is this information accurate?", authority "Who is the author?", objectivity "Is the information biased?", authenticity "Is the information authentic?", timeliness "Is the information current?", relevance "Is the information helpful?", and efficiency "Is this information worth the effort?" (Kuhlthau, 2004). The key point is to start developing ideas about what makes up a ‘good’ or ‘sound’ argument in a piece of reading, or our own writing, and what criteria we need to apply to test this. Teaching writing requires detective-like skills of persistence to examine and re-examine an argument, in order to take in all the angles and weigh up evidence on every side. To think critically is never to take something on ‘face value’ but to question and think independently about an issue, however ‘authoritative’ a writer or thinker may be. Critical analysis is a key activity in evaluation. Evaluation is about weighing up the strengths and weaknesses of an argument in order to decide how much it contributes to a particular body of knowledge in your subject.

Accordingly, the researcher used David R. Heise and Max Weber’s assumption and analyses. According to Max Weber, human are performing any time any action in reference of their need. Max Weber considered an important unit of actors in editing of social actions. When an actor performs any type of work then it is action. For this, it is necessary

that it have vested the personal interest of actors at the time of actions. By which many persons are affected or get some sense. [2.4]

If we deliberated the above definition of sociology by Max Weber then these can be describe different type of specialties.

a. Social Action
b. Interpretation of Social Action
c. Causal relationship of course and results of Social Action

To clear the above interpretation Weber writes that action can be say social action in which actor changed their action to think about the others action. In brief, it called social action.

Characteristics of Social Action: Max Weber tells those specialties of social action which can briefly divided in following parts: [3.7]

1. Only action cannot say sociological action. According to Weber an activity can only be called as social activity in which the action is affected by others people of society. That affect can be three types-

a. Social action are affected by the action of past. In other words the seed of today's action is hidden in past.

b. Social action could also being the result of today's behavior.

c. Social action has future based result so people perform any action today their affect can find in the future life.

2. As written above that the action of single person cannot say sociological action. The only activity can be called social activities, which are affected from others. So in brief, other person is necessary for sociological action. In the reference of other people, social action is transacting.

3. The third specialty of social action is that it is perform affected with others. When person performs action affected the behaviors of other.

4. Sociological activities are inter-related. Weber says social action only those action in which actions are affecting to other person

Types of Social Action: Social action is more important in sociological viewpoint of Weber. Social action is the subject matter of sociology. Max Weber describes the level of sociological action. These different level and type describe the sociological behavior of human of sociological action. Max Weber divided in following four parts the main type of sociological action: [2.4]

Accordingly, teachers can help writers develop teaching writing by providing opportunities and guidance for pupils in social action:

- read texts from multiple points of view (e.g., sympathetic to a writer's position and critical of it) and in ways that are appropriate to the academic discipline or other contexts where the texts are being used;
- write about texts for multiple purposes including (but not limited to) interpretation, synthesis, response, summary, critique, and analysis;
- craft written responses to texts that put the writer's ideas in conversation with those in a text in ways that are appropriate to the academic discipline or context;
- create multiple kinds of texts to extend and synthesize their thinking (e.g., analytic essays, scripts, brochures, short stories, graphic narratives);
- evaluate sources for credibility, bias, quality of evidence, and quality of reasoning;
- conduct primary and secondary research using a variety of print and non-print sources;
- write texts for various audiences and purposes that are informed by research (e.g., to support ideas or positions, to illustrate alternative perspectives, to provide additional contexts); and


- generate questions to guide research

According to the Foundation for Teaching writing by John Chaffee, by enhancing critical reading and teaching writing skills, we enhance our writing skills.

References:

1. MacKinnon, Neil J. and David R. Heise. Self, Identity, and Social Institutions (Palgrave, 2010), Chapter 4
2. Weber, Max. (1978) [1968]. Economy and society: An outline of interpretive sociology. Berkeley and Los Angeles: University of California Press. p. 4.
3. Weber, Max. The Nature of Social Action in Runciman, W.G. 'Weber: Selections in Translation' Cambridge University Press, 1991. p. 7.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



GEOMETRIC ANALYSIS OF CENTRAL ASIAN ARCHITECTURAL MONUMENTS

Yakubova Nafisa Odiljanovna[1]

[1] Lecturer at Gulistan State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4700502

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Drawing, abilities, imagination, the formation of spatial imagination, perception, modeling, activity.

ABSTRACT

Plays an important role in the formation of geometric representations, the expansion of their spatial imagination, the development of constructive and inventive skills, the development of geometric laws in accordance with the rules, the development of qualities necessary for professionals

MARKAZIY OSIYO ME'MORIY YODGORLIKLARINING GEOMETRIK TAHLILI

Yakubova Nafisa Odiljanovna[1]

[1] Guliston davlat universiteti o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma'qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Chizma, qobiliyat, tasavvur qilish, fazoviy tasavvurlarini shakillantrish, idrok, modellashtrish, fa`oliyat.

ANNOTATSIYA

Geometrik tasavvurlarini shakllantirish, ularning fazoviy tasavvurini kengaytirish, konstruktiv va ixtirochilik qobiliyatlarini oshirish, geometrik qonun qoidalar asosida rivojlantirish bilan kasbiy ixtisoslikdagi xodimlarga zarur bo'lgan sifatlarini paydo qilishda katta rol o`ynaydi.

ГЕОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Якубова Нафиса Одилжановна[1]

[1] Преподаватель Гулистанского государственного университета

https://doi.org/10.5281/zenodo.4700502

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 13 апреля 2021 г.
Утверждено: 17 апреля 2021 г.
Опубликовано: 19 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Рисунок, способности, воображение, формирование пространственного воображения, восприятие, моделирование, деятельность.

АННОТАЦИЯ

Играет важную роль в формировании геометрических представлений, расширении их пространственного воображения, развитии конструктивных и изобретательских навыков, разработке геометрических законов в соответствии с правилами, развитии качеств, необходимых для профессионалов

O`zbekiston me`morchiligining tarixiy ildizlari uzoq asrlar qa`ridan suv ichadi. U davrning vakili bo`lishi, jamiyaatning foydalilik, chidamlilik va go`zallik xaqidagi ko`tarinki g`oyalarni o`zida saqlaydi.

Rivojlanayotgan ijtimoiy va ilmiy-texnika taraqqiyoti o'zgarishlarni taqozo etmoqda oily o'quv yurtlarida talabalarni tayyorlashning barcha sohalarida ruscha ta'limning tarkibi va mazmuni. Buning davomida yangi davlat ta'lim standartlari, talablari joriy etilmoqda kelajak xohlaydi mutaxassis nafaqat talabalarga bilim olish imkoniyatini berishga tayyor mutaxassis uchun o'sib bormoqda. Shuning uchun zamonaviy jamiyat kelajakni ko'rishni balki, o`sib kelayotgan avlodga kasbiy kompetensiyalarni rivojlantirib borish zarurdir. [4]

Qurilish chizmachiligi fanining oliy ta’lim muasasalari “Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi” yo‘nalishida o‘qitilish jarayonida Markaziy Osiyo xalqlarining qadimgi me’morchilik va shaharsozlik sohasidagi tarixiy materiallaridan foydalanib, o‘qitishni chizma-geometriya fani bilan bog‘lab olib borish alohida ahamiyatga ega.

Geometriya fanining metod va xulosalari inson faoliyatining turli sohalarida, jumladan, me’morchilik, loyihalash ishlarida va tasviriy san’atda ham qo‘llaniladi.

Geometriya fani insonga geometrik figuralar chiziqlari gruppasining tashqi go‘zalligidan zavq olishigagina emas, balki go‘zallik asosida yotuvchi mutonosiblik va simmetriyaning geometrik asosini tushinishga imkon beradi.

Markaziy Osiyoning qadimgi me’morchilik va shaharsozlik san’atini o‘rganish, me’moriy obidalarning qurilishini geometrik tahlil etishdan maqsad asrlar davomida tuzilgan va geometrik asoslangan loyihalar asosida ajdodlarimiz yaratgan me’morchilikka oid bilim, madaniyat, san’atni tahlil qilish orqali chuqurroq o‘rganish va kelajak avlodga o‘rgatishdan iborat.

Bizning zamonamiz tadqiqotchilari, bo‘lgan L.I.Rempel, G.A.Pugachenkova, M.S.Bulatov, P.Sh.Zohidov kabi olimlar Markaziy Osiyo me’morchilik obidalarning qurilishlarini tahlil qilganlar.

Markaziy Osiyoning qadimiy me’morchilik yodgorliklarida aniq geometrik shaklga ega bo‘lgan ravoq va gumbazlar qurilishi alohida o‘rinni egallaydi. Me’morchilikda ravoqlarni turli klassik namunalari yaratilgan. Ravoq - tokcha va tokning mehrob shakldagi birlashgan yuqori qismi bo‘lib, tuzilishi jihatdan bir necha turga bo‘linadi. Xalq me’morlari uch va to‘rt markaz orqali ravoq yasash usullaridan keng foydalanganlar.


EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

XIV-XVII asrlarda Samarqand, Buxoro va Xiva shaharlari me’morchilik yodgorliklaridagi ravoqlar o‘zining konstruktsiyasi bilan boshqalaridan farqlanadi. Bu davr me’morchilik binolarida uch, to‘rt, besh markazli nayzali ravoqlar ko‘p qo‘llanilgan. Mirzo Ulug‘bek qurdirgan Buxoro, Samarqand va G‘ijdivondagi Ulug‘bek madrasalari ravoqlari uch markazli nayzali ravoqlar bo‘lib, binolarda ravoqning kvadratidan balandroq ko‘tarilish shakli qo‘llanilgan. Ravoq yasalish markazlarini soni asosiy ahamiyatga ega emas, ammo egrlilikning yasalish ahamiyati katta bo‘lib, ular past, o‘rta, baland holatdagi qurilishdan tsilindrik, shargumbaz shakllarda yasalgan.

Ravoqlar va gumbazlar bir-biriga yasash usullari jihatidan bog‘liqdir. Asosan yog‘och, hom g‘isht, pishiq g‘ishtdan qurilgan gumbazlarning balxi, charxi, chortak, chorkunjak, mirzoiy, kulohiy, sholg‘omiy turlari mavjud.

Qadimiy me’morchilik yodgorliklari bino va inshootlarining tom yopmalarida gumbaz va boshqa egri sirtlar mavjud bo‘lib, binokorlik tarixida ko‘p uchraydigan murakkab qurilmalarni bunyod qilish matematik hisoblarni hamda geometrik sirtlarni tasvirlashni talab etadi. Gumbaz qubba shakldagi yarimsharsimon tom yopmasi bo‘lib, asosi (tarxi) kvadrat, to‘g‘ri to‘rtburchak, ko‘pburchak, tsilindr shakldagi binolarning ustida barpo etilgan.





Buxorodagi IX asr oxiri X asr boshlarida barpo etilgan Ismoil Somoniy maqbarasi 10,8 x 10,8 m kvadrat tarxli bino bo‘lib, tomi yarim shar shakldagi gumbaz bilan yopilgan. Bu ulkan gumbaz o‘zgaruvchan uch o‘lchamdagi 90,76,57 sm qalinlikda barpo etilgan bo‘lib, gumbazning hosil qilinishida o‘ch o‘lchamdagi 90,76,57 sm qalinlikda barpo etilgan bo‘lib, gumbazning hosil qilinishida me’morlar 31x31x5, 27x27x4, 23x23x3 sm o‘lchamdagi pishiq g‘isht turlaridan foydalanganlar. Har xil o‘lchamdagi g‘ishtni yarim shar shaklidagi gumbaz holatiga keltirib terish o‘sha davr me’morlaridan aniq matemetik va geometrik nazariy, amaliy bilimlarga ega bo‘lishni talab etgan. XI asrda sodda «Balxi» gumbaz turi keng tarqalgan bo‘lib, bu gumbaz kvadrat tarxli bino ustida to‘rt burchagidan parabola shaklidagi ravoqqa o‘xshatib, g‘isht bilan qiya terilib tom yopmasi hosil qilingan.

Samarqanddagi Shohi Zinda ziyoratgohi turli obidalar majmuasidan iborat bo‘lib, u deyarli to‘qqiz asr XI-XIX asrlar davomida shakllangan. Bu obidalarni maxaliy me’morlar va Eron, Hindiston, Shomdan kelgan ustalar hamkorlikda barpo etishgan. Bu tarixiy majmuadagi Shodi ulk maqbarasi (1372-yil) ustiga qirrali qatlam shaklli gumbaz barpo etilgan. Ushbu maqbara yonida esa Amirzoda maqbarasi (1386-yil) qurilgan. Maqbara kvadrat tarxli, poygumbazi sakkiz irrali tsilindrik bo‘lib, gumbazi qovurg‘a yuzli shaklda qurilgan. Uning arxitekturasi o‘ziga xos jiddiy va ko‘rkamdir. O‘sha davrda

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

me’morlarning ijodiy izlanishlari tufayliy maqbara konstruktsiyasi ancha takomillashtirilgan. Sherdor madrasasi va Go‘ri Amir maqbarasi gumbazlari yopilmalari keltirilgan. Bu gumbazlarning gorizontal kesimlari turlicha bo‘lib, ular tsikloidalardan iborat.


Bu gumbazlarni tahlil qilganimizda gumbazlarning o‘q kesimlari kon gurent egri chiziqlardan iborat. Gumbazlar esa aylanma, parabaloid, elipsoid yoki shar sirtining bir bo‘lagi bo‘lishi mumkin.



Gumbazlarda yopishtirilgan qo‘shimcha bo‘rtib chiqgan sirtlar tsiklik sirtlardir. Bu sirtlarni geometrik tahlil qilganda uning aylanalari markazlarining geometrik o‘rni L chiziq bo‘lib, yasovchi aylanalar esa K bo‘ladi. Osiyo me’morlarining tarixiy obidalar va me’moriy shakllar barpo etishlari ularning yuqori darajali bilimdon va zukko kishilar bo‘lganidan dalolat beradi. Geometrik tahlil va nazariy bilimlar asosida binolarni qurish qadimiy Markaziy Osiyo me’morchilik san’ati usullari asosini tashkil qilgan. Me’morchilikka oid tarixiy manbalarni ham ilmiy, ham amaliy tahlillar asosida ta’lim jarayoniga tadbiq etish yoshlarimizning bilim saviyasini yanada ortishishiga amaliy yordam beradi hamda qadimiy binolarni ta’mirlashga nazariy asos bo‘ladi.

Shuning uchun qurilish inshootlarini loyihalashda turli shakldagi egri chiziqlar va sirtlarni geometrik nazariyasi va ularni amaliy qo‘llanilishini chuqurroq o‘rganishga to‘g‘ri keladi.

Egri chiziqlar mavzularini chizmachilik va chizma geometriya fanlaridan dars o‘tish jarayonida ularni tarixan yaratilishi va mamlakatimizning qaysi inshootlarida qo‘llanishi haqida ma’lumotlar berish o‘quvchini tushinish darajasini rivojlantiradi va ularni egri chiziqlar to‘g‘risidagi tasavvurini kengaytiradi.



Mamlakatimizning Samarqand, Buxoro, Xiva, Toshkent va boshqa shaharlarida uchraydigan tarixiy obidalar gumbazlarini geometrik tahlil qilganda ular ikkinchi tartibli sirtlarning biror bo‘lagidan qurilgan deb qarash mumkin.

Masalan, elipsning to‘rtdan bir bo‘lagini aylanishidan aylanma elipsoidning bir bo‘lagi yoki sektori, parabolaning bir bo‘lagini aylanishidan hosil bo‘lgan aylanma paraboloid sirti.

Giperbolaning bir bo‘lagini aylantirishdan aylanma giperboloid sirti; giperbolik paraboloid sirtining biror bo‘lagi.

Shar sirtining yarmi yoki uning sektori sirtlari bo‘lishi mumkin.


Masalan, Go‘ri Amir maqbarasi va Toshkentdagi Amir Temur muzeyi ustidagi aylanma yopilmaga (qobiq. gumbaz) yopishtirilgan egri chiziqli sirtlar tsiklik sirtlar turkumiga kiradi. Shuningdek, mamlakatimiz

shaharlaridagi barcha obidalarga o‘rnatilgan yopilmalarni guruhlarga bo‘lib, ularni geometrik tahlil qilish zarur. Bu yopilmalar qanday geometrik sirtlardagi yoki ularni bo‘laklardan tuzilganligini tahlil qilib, ta’mirlash ishlari, nazariy va amaliy tavsiyalar ishlash va o‘quv jarayonida qo‘llash maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.K.Murodov va boshqalar Chizma geometriya “Iqtisod-moliya”, 2006 yil.
2. J.Yo.Yodgorov Mashinasozlik chizmachiligi O‘zbekiston 2009 yil.
3. I.Rahmonov, A.Valiyev. Chizmachilik, “Voris-nashriyot” T.:,2011
4. A.A.Berikbaev Annals of the Romanian Society for Cell Biology 3 (21), c.8965-8989

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



INNOVATIONS AND "CASE STUDY" TECHNOLOGY IN TEACHING "DRAWING"

Usmanov Botir Allaberdiyevich[1]

[1] Teacher of Gulistan State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4700803

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Innovation, case studies, design, technology, practice, pedagogy, method.

ABSTRACT

This article is devoted to the effectiveness of an innovative approach in the changing field of innovative technologies, technology of case studies, the development of these innovations by the pedagogical community and their effective use in practice on a scientific basis.

"CHIZMATASVIR" FANINI O'QITISHDAGI INNOVATSIYALAR VA "KEYS-STADI" TEXNOLOGIYASI

Usmanov Botir Allaberdiyevich[1]

[1] Guliston davlat universiteti o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma'qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Innovatsiya, keys-stadi, chizmatasvir, texnologiya, amaliyot, pedagogika, metod.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola, innovatsion texnologiya, "keys-stadi" texnologiyasi, bu yangiliklarning pedagogik hamjamiyat tomonidan o'zlashtirilishi va ulardan ilmiy asosda amaliyotda samarali foydalanishning o'zgarib boruvchi sohada innovatsion yondashuvning samarasi haqidadir.

Keng ko'lamli islohotlarning muhim bo'g'ini – innovatsiyalar ham bugun har bir sohada bo'lgani kabi ta'lim tizimida ham o'zining afzalliklarini namoyish qilmoqda. Hozirgi vaqtda «innovatsiya» tushunchasi juda keng qo'llanilmoqda. Innovatsiya so'zi inglizcha so'z bo'lib, yangilik, yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi, ya'ni tizim ichki tuzilishini o'zgartirish, deb ta'riflanadi. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy-madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga yo'naltirilgan ijtimoiy sub'ektlarning harakat tizimidir.

Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir. Ular tashabbuslar

va yangiliklar asosida tug'ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo'ladi. Shuningdek, umuman ta'lim tizimi rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Innovatsiya – ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni echish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishiga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijadir.

Bugun ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni quyidagicha tasniflash mumkin:

– faoliyat yo'nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi, boshqaruvdagi);

– kiritilgan o'zgarishlarning tavsifiga ko'ra (lokal, modulli, tizimli);

- kelib chiqish manbaiga ko'ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan).

Ta'lim tizimidagi har qanday yangilik innovatsiya bo'la olmaydi. Shu sababli «novatsiya» va «innovatsiya» tushunchalari o'rtasidagi asosiy farqlarni ko'rsatib o'tish zarur. Buning uchun islohot faoliyatining aniq shakli, mazmuni va ko'lami asos bo'lib xizmat qiladi. Agar faoliyat qisqa muddatli bo'lsa va yaxlit tizim xususiyatiga ega bo'lmasa, o'z oldiga muayyan tizimdagi faqat ba'zi elementlarini o'zgartirishni vazifa qilib qo'ygan bo'lsa, u holda biz novatsiya xususida fikr yuritayotgan bo'lamiz. Agar faoliyat ma'lum kontseptual yondashuv asosida amalga oshirilayotgan bo'lsa va uning natijasi o'sha tizim rivojlanishiga yoki uning printsipial o'zgarishiga olib kelsa innovatsiya degan tushuncha shakllanadi.

Har ikkala tushuncha mezonlari quyidagicha: innovatsiya mavjud nazariya doirasida amalga oshiriladi, ko'lam va vaqt bo'yicha chegaralanadi, metodlar yangilanadi va natijasi avvalgi tizimni takomillashtiradi. Innovatsiya esa tizimli, yaxshi va davomli bo'ladi, ma'lum amaliyotda yangi faoliyat tizimini loyihalaydi, amaliyot sub'ektlari pozitsiyalarini to'la yangilaydi. Bunda faoliyatning yo'nalishlari ochiladi, zamonaviy texnologiyalar yaratiladi, faoliyatning yangi sifat samaralariga erishiladi, natijada amaliyotning o'zi ham yangilanadi.

Innovatsiyaning amaliyotga kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi. Innovatsion jarayon deb – innovatsion o'zgarishlarga tayyorgarlik ko'rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi. Innovatsion jarayon – bu pedagogik yangiliklar, bu yangiliklarning pedagogik hamjamiyat tomonidan o'zlashtirilishi va ulardan ilmiy asosda amaliyotda samarali foydalanishning o'zgarib boruvchi yaxlitligidir.

Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar, tizimga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o'rganilgan. Innovatsion faoliyat – bu uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo'lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. Innovatsion faoliyat – yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yorining yuzaga kelgan me'yor bilan to'qnashuvchi natijasida vujudga kelgan qator muammolarni yechishga qaratiladi. Innovatsiyalar doimiy ravishda pedagogik faoliyatga yangiliklar olib kirish orqali ta'lim rivojiga hissa qo'shadi, pedagogik faoliyatga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Bugungi kunda davlatimiz ta'lim sohasiga katta e'tibor bermoqda. Kelajagi buyuk davlat uchun komil insonlar kerakligi va zarurati bir necha bor ta'kidlanmokda. Yosh avlodni komil inson qilib voyaga etkazish, ko'p jihatdan o'qituvchi shaxsi, uning salohiyatiga bog'liq kadrlar tayyorlash milliy dasturining asosiy maqsadi ham har tomonlama etuk, yuksak malakali kadrlar,

jumladan pedagog qadrlar tayyorlashga erishishdir.

O‘qitishga texnologik yondashish, ya’ni o’quv jarayonini ishlab chiqarish jarayoni kabi takrorlanuvchan tavsifga ega bo’lishini ta’minlashga oid dastlabki izlanishlar asrimizning 50-yillarida amerikalik pedagog olimlar tomonidan olib borilgan. Xususan, “o’qitish texnologiyasi” iborasi ham, birinchi marta amerikalik olim B. Skinner tomonidan ishlatilgan. U o’qitish texnologiyasi – psixologiya fani yutuqlarini amaliyotda qo’llashdan iborat deb ta’riflagan. Pedagogik aloqalar va texnologiyalar assotsiatsiyasi matnlar qo’mitasi professori Golbrayt esa, pedagogik texnologiya tushunchasiga quyidagicha ta’rif beradi: “O’qitish texnologiyasi – ilmiy va boshqa bilimlarni amaliy masalalarni hal etishda sistemali ravishda qo’llashdan iborat”. Albatta, bu ta’rifni ham mutlaqo to’g’ri deb bo’lmaydi, chunki jahon pedagogikasida pedagogik texnologiya tushunchasining ko’plab ta’rifi mavjudligi ham ma’lum. Bular orasida YUNESKO tomonidan berilgan quyidagi ta’rif pedagogik texnologiyaning tub mohiyati va uning barcha jixatlarini ochib beradi:

“Pedagogik texnologiya- ta’lim shakllarini maqbullashtirish uchun inson va texnika resurslarini hamda ularni o’zaro ta’sirini e’tiborga olgan holda o’qitish va bilimlarni o’zlashtirish jarayonini yaratish, qo’llash va aniqlashning sistemali metodidir.

“**Keys-stadi**” (ingliz tilida “**case**” – chemodan, metod, “**studi**” – muammoli vaziyat; vaziyatli tahlil yoki muammoli vaziyatlarni tahlil qilish) texnologiyasi o‘quvchi(talaba)larda aniq, real yoki sun’iy yaratilgan muammoli vaziyatni tahlil qilish orqali eng maqbul variantlarini topish ko’nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. U o‘quvchi (talaba)larni har qanday mazmunga ega vaziyatni o’rganish va tahlil qilishga o’rgatadi.

Texnologiyaning negizida muayyan muammoli vaziyatni hal qilish jarayonining umumiy mohiyatini aks ettiruvchi elementlar yotadi. Bular quyidagilardir: ta’lim shakllari, ta’lim metodlari, ta’lim vositalari, ta’lim jarayonini boshqarish usul va vositalari, muammoni hal qilish yuzasidan olib borilayotgan ilmiy izlanishning usul va vositalari, axborotlarni to‘plash, ularni o‘rganish usul va vositalari, ilmiy tahlilning usul va vositalari, o‘qituvchi va o‘quvchi (talaba) o‘rtasidagi ta’limiy aloqaning usul va vositalari, o‘quv natijalari.

“Keys-stadi” metodi dastlab AQShning Garvard biznes maktabida, 1924 yilda qo‘llanilgan. Hozirda ushbu metod xorijiy mamlakatlarda iqtisodiyot va biznes yo’nalishlarida keng qo’llaniladi. Rossiyada esa u o’tgan asrning 80-yillarida dastlab MDUda, keyinchalik esa boshqa ta’lim muassasalarida ham faol qo’llanila boshlandi. O’zbekistonda “Keys-stadi” metodi ta’lim jarayoniga mustaqillik yillaridagina tatbiq etildi.

Metod talabalarda predmetni o’zlashtirishga bo’lgan qiziqishni, amaliy ko’nikmalarni, vaziyatni tahlil qilish va to’g’ri qaror qabul qilishga nisbatan ijodiy yondashish malakalarini rivojlantiradi, turli muammoli vaziyatlar va ularni hal qilish asosida ular tomonidan bilimlarning faol o’zlashtirilishi uchun imkoniyat yaratadi.

“Keys-stadi” yordamida talabalar quyidagi ko’nikma, malakalarga ega bo’ladi:

1. Tahliliy ko’nikmalar (ma’lumotlarni axborotlardan ajrata olish, ularni turkumlashtirish, ma’lumotlarni zarur va nozarurga ajratish, tahlil qilish, taqdim etish; buning uchun shaxs aniq, mantiqiy fikrlay olishi kerak).

2. Amaliy ko’nikmalar (muammoning murakkabligidan kelib chiqib, real vaziyatni tahlil qila olish, eng muhim nazariya, metod va tamoyillarni qo’llay bilish).

3. Ijodiy ko’nikmalar (bunda mantiqiylik asosida vaziyat (muammo)ni echish muhim emas, balki ijodiy yondashuv asosida muammoning bir necha echimlarini topish va ularni tahlil qilish talab etiladi).

4. Muloqot ko’nikmalari (unga ko’ra talaba bahs-munozara olib borish, o’z nuqtai nazarini himoya qilish, qaroriga boshqalarni ishontirish, juda qisqa va ishonarli hisobotni tayyorlash ko’nikmalarini o’zlashtira bilishi zarur).

5. Ijtimoiy ko’nikmalar (qarorni muhokama qilish jarayonida talabalar boshqalarning xatti-harakatini tahlil qilish, boshqalarni tinglay bilish, bahsda o’zgalarning fikrlarini qo’llab-quvvatlash, ilgari surilgan fikrga qarama-qarshi fikrni bildira olish va o’zini boshqara olishi lozim).


6. O‘z-o‘zini tahlil qilish (bahs-munozara jarayonida o‘zini tuta bilishi, boshqalarga namuna bo‘lishi muhim).

Chizmatasvir fanini o‘qitishda ham yuqoridagi texnologiyalardan samarali foydalanib, talabalarda ijodiy ko‘nikmalarga erishish mumkin. Masalan: mahobatli kompozitsiyalarni katta formatdagi yuzaga tushirishda proektordan foydalanish qulaylik yaratadi. Tanlangan rasm kerakli yuzaga yo‘naltiriladi va qalam, ko’mir hamda boshqa yumshoq ashyolardan foydalanib, tasvir tushiriladi. Bu usulning qulayligi shundaki, ko’p vaqt talab qiladigan masshtab masalasi qisqa vaqt ichida hal qilishga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xudayberganov R.A. Rangshunoslik asoslari. – T.: G’.G’ulom nashriyoti. 2006.
2. Bulatov S. Tasviriy va amaliy san’at asarlarini falsafiy-psixologik tahlili.-T., 2010
3. Taviriy san’at amaliyotida pedagoglarni tayyorlash-T, 2006

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE VIEW OF OUR NATIONAL SPIRITUALITY IN ANIMATED FANTASY FILMS. EDUCATIONAL IMPORTANCE OF ANIMATED FANTASY

Mamatxonova Shaxrizod Bahodir qizi[1]

[1] Gulistan State University, teacher of fine arts

https://doi.org/10.5281/zenodo.4700929

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Animation, fantasy, nature, emotions, education, man, artist, psychology, work, future.

ABSTRACT

The article tells about the Uzbek cartoon "Heavenly Guest", its achievements and shortcomings. In subsequent similar films, we have outlined what we should focus on.

АНИМАЦИОН ФАНТАСТИК ФИЛЬМЛАРДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ КЎРИНИШИ. АНИМАЦИОН ФАНТАСТИК ФИЛЬМНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМЯТИ

Маматхонова Шахризод Баҳодир қизи[1]

[1]Гулистон давлат университети, тасвирий санъат ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma’qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Анимация, фантастика, табиат, ҳиссиёт, тарбия, инсон, рассом, психология, асар, келажак.

ANNOTATSIYA

Мақолада ўзбек анимацион фильмларидан “Самовий меҳмон” фантастик фильми, унинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида келтирилган. Кейинги шу каби фильмларда нималарга эътибор беришимиз кераклиги ҳақида келтирилган.

Анимацион фантастик фильм келажакни давомий чизмаларда акс эттириб, ёшларни ўзгача йўсинда тарбиялаб, эртанги кун ҳақида маълум бир даражада тасаввур уйғотиб, янги ғоялар устида ишлашда ўзларига ишонч уйғотишни мақсад қилади.

Фикрлари, қарашлари, мақсадлари турлича бўлган инсорларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиришни ёшларнинг онгига сингдириш доимий мақсадимиз. Шу сабабли асосий вақтини телевизор кўриш билан ўтказадиган уй бекаларию, кичкинтой болажонларимизни севиб томоша қиладиган чет элнинг турли

ғояларини ўз ичига олган “Яхши бўлиш осонми-3” “Антиқа оила1-” каби фантастик мультфильмларидаги ота-оналар билан бемалол баҳслашиш, ўзини дунёга келтириб тарбиялаганларга норозилик билдириш, ўз мақсади йўлида туғишган укасидан алдов йўлида фойдаланиш, ёшлар ўз ҳисларини катталар олдида ошкора кўрсатишдан уялмаслиги, оилада эркаклар уйда ўтириб аёллар ишлаши ва янаям дахшатлиси эр-хотин ажралишига табиий ҳолдек қараши каби ғоялардан узоқ бўлган халқимизга, ўзлигимизни англатадиган қатор мультфильмларимизни экранга намоиш қилиб келинмоқда. Хусусан “Самовий меҳмон” (Сценарий муаллифи: У. Қочқоров режиссор: М. Махмудов, рассомлар: Д. Жалилов, С. Жумаев, Ш. Рахматуллаев, С. Каримов, бош аниматор: Ж. БўтаеВ) мультфильми миллатларимизга ҳос минталитетни ўзига хос йўсинда ёритиб берган. Ушбу анимацион фильм ўзбек шоири А. Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир” шеъри мотивлари асосида илк маротаба янги (3D) технологиясида яратилган. Фильм халқимизга ҳос инсонийлик, ўзга олам мавжудоти бўлсада меҳр бера олишдек фазилатларни мадҳ этади. Бу биз учун ўзлигимизга сингиб кетган, миллий удумларимиз, урф-одатлар, одамийлик, халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик мадҳи тасвирий образларда талқин этилади. [1]

Мультфильм давомида самодан тушган номаълум жисмни ниҳоятда ривожланган техник апаратларга бой илмий тадқиқот маркази олимлари томонидан ўрганишга ҳаракат қилишади, ҳаттоки улар обйектни жарроҳлик йўли билан текширмоқчи бўлишади. Аммо соддагина фаррош аёлнинг оналарга ҳос ўзбекона меҳри бизга мутлақо бегона бўлган ўзга сайёраликнинг ҳам юрагини тўлқинлантириб юборади ва у ҳам жавобан дўстлик қўлини чўзади.

Асар қахрамонлари образлари ўзбек актёрлари қиёфаларида гавдалантиришга ҳаракат қилинган. Жумладан олимлар ролида Маҳмуд Исмоилов, Абдураим Абдуваҳобов, фаррош аёл ролида Тўти Юсупова, ёш олимлар ролида Собиржон Рахимжонов, Қахрамон Ҳайдаров, Санжар Сатторов, бобо образида Йоқут Йўлдошев, қизиқувчанг болалар Анвар Худойберганов, Жамолиддин Нуриддинов ташқи кўринишларидан фойдаланилган. Шунингдек ушбу образларга юқорида саналган актёрларни ўзи овоз берган. Аммо образларни таъсири имкон қадар.

Фаррош ҳола- содда, меҳрибон аёл. Лекин, бош қахрамон бўлишига қарамасдан образни ёритишга етарли эътибор берилмаганг. Мультфильмда фаррош ҳола қария кўринишида гавдалантирилган. Лекин елкалари кенг ҳудди эркак кишиникидек. Қария бўлса ҳам битта ажин йўқ, қошлари ҳам тиниқ қора. Ҳаракатланётган вақтда кўйлаги букилмаган ҳам, ҳатто кўйлак жуда тор ва кампирнинг гавдаси ҳам шунақа бесўнақай қопол. Юз ифодалари ва қўл ҳаракатлари устида бироз ишланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мультфильмда ёркин ва тоза ранглардан унумли фойдаланилган. Табиатни табиий ҳолатича кўрсатилган. Тоғ йон-бағирлари, далалар орқали юртимизни қанчалар гўзаллиги кўрсатилган бўлса, оддий фаррош аёл орқали халқимизни қанчалик самимий ва меҳмондўстлигини ифода этган. Ҳар

[1] Ўзбекистон анимацион фильмлари 86-б. Тошкент “ TURON IQBOL” 2019.

қандай тирик жон мехрга муҳтожлигини болаларга етказиб берган.

Мультфильм 3 ўлчамли тасвирда олинган илк фильм. Бироқ камчиликларсиз дея олмаймиз. Образлар ҳиссий жиҳатдан бойитилмаган. Инсонларни туйғулари асосан унинг кўзлари орқали ошкор қилинади, ғам, кулгу, қайғу кабилар. Аммо мультфильмда айнан шу жихатлар умуман эътиборсиз қолдирилган. Кўзлар шунчаки юмилиб-очилган холос. Бошқа ҳечқандай маъно англатмаган. Кўз қорачиқлари жойидан жилмаган. Атрофга қараш учун кўзлардан эмас аксинча бошдан фойдаланган. Болалар ўзга сайёраликларни кемасини илк бор кўриши бўлсада, аммо юзида ҳечқандай ҳайрат ифодаси сезилмаган. Ҳудди уларда бу табиий ҳолдек. Осмондан кемани кўриб, унинг ёнига узоқ масофадан, далалардан, катта-кичик чуқурлардан ошиб, қуйош тик турган вақтда югуриб келишган, лекин, чарчаб, ҳансираб қолганини уларга берилган овоз орқалигина тушунса бўлади. Юзларидан бир томчи тер оқмаган.

Бу вақтда Илмий тадқиқот марказида номаълум жисм ерга тушганлиги ҳақида маълумот берилиб, унинг хавфли бўлиши мумкинлиги ҳақида қайта-қайта айтилйотган бир вақтда бизнинг соддагина фаррош ҳоламиз, “эсон-омон қўниб олсинда” деб дуо қилиш билан банд. Бу билан бизни гапга тушунмайдиган оми деб кўрсатмоқчими, ёки ўта даражада содда. Ёки бу ерда ишлайдиган одамлар шунчалар ёвузки, уларга эмас мутлоқо нотаниш бўлган бегоналарни омади келишини хоҳлаябди. Агар учала фикр ҳам бўлмаса фаррош ҳоламизнинг қулоғлари оғирроқ, яхши эшитмагани туфайли нотўғри тушунган бўлябди. Агар бош ролдаги фаррош холани гапларига ва атрофдаги содир бўлаётган воқеага қарайдиган бўлсак, демак давлатимизда меҳмонларни қурол-аслаҳалар орқали ўз меҳмондўстлигимизни кўрсатамиз. Бундан ташқари тезкор гурух билан олимлар битта жойда ишлашадими-? Нега улар битта жойдан чиқиб келшябди, бу билан бизда ишлашга ҳамма техника бор-у аммо еримиз тор демоқчими-? Ёки ҳар бир қисм ердан унумли фойдаланамиз деган фикр илгари сурилябдими-? Болалар ўта кузатувчанг бўлишади, биз учун оддий кўринган майда деталлар ҳам уларда ўзига хос фикр уйғотиши мумкин. Воқеа бошланишада қилинган шунча эътиборсизлик кичкинтойларимизнинг келажак ҳақидаги тасавурига салбий таъсир ўтказмайди деб ким айта олади.

Ўзга сайёраликларни кемаси ерга тушгани ярим тунда содир бўлишига қарамасдан, тезкор гуруҳга кун ярмида хабар берилди. Мантиқий олганда технология ривожланган вақтда ахборот етказиш тезлиги тўғри келмаябди. Тезкор гурух учун дақиқалар ҳам ҳисобли бўлган вақтда куннинг ярмига қадар улар ҳечнарсадан беҳабар бўлишган.

Тезкор гурух етиб келиб, номаълум жисмни биринчи бўлиб кўрган болаларни воқеа жойида учратиб, улардан ўзлари билган маълумотни сўраб, сўнг бошқа ҳечкимга айтмаслиги ҳақида огоҳлантирилади, лекин самовий кемани безарар эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг уни ошкора, ҳеч жойини беркитмасдан, маҳкамламасдан олиб кетишди. Болаларга ҳечкимга айтмайлар деган гап шунчаки гап йўғида гап бўлябдими -?

Ўзга сайёраликни кемасини келтириб, уни маҳсус роботлар орқали очиб, ичидан ўзга сайёраликни бехуш ҳолда олиб, тадқиқот хонасига ҳечқандай эҳтиёт чораларисиз олиб киришди ва замонавий ускуналар ёрдамида уни мураккаб текширувдан ўтказишди.

Эътибор тортадиган томони олим, докторларимизнинг ўзлари оддий кунлик иш кийимида текширувдан ўтказмоқда. Уларга маҳсус либос берилмаганми ёки ўзларига ҳаддан ташқари ишонадими. Чунки бу номаълум жисмлигини билиб туришибди, балки унда фанга маълум бўлмаган қандайдир вирус ташувчидир, ёки ташланиб тишлаб олар. Юмшоқ қилиб айтганда ниҳоятда ақлли олимларимиз ишга шўнғиб кетгандан маҳсус либосни кийишни унутган, илк бор кўриб турган ўзга сайёраликка ишонадиган даражада содда олимларимиз уни ҳатто қўлини ҳам бойламаган деймизми-? Шу билан меҳмондўстликни кўрсатмоқчими-? Агар шундай бўладиган бўлса биз аввалига меҳмонларни ўқ отар қуроллар билан кутиб олиб, мутлоқо нотаниш бўлса ҳам ишонаверадиган даражада содда бўлябмизми-?

Олимлар бир тўхтамга келгунга қадар фаррош ҳола хонани тозалайдиган вақт бўлди. Олимлар бу вақтдан фойдаланиб бироз тоза ҳавода дам олгани чиқиб кетишди. Ўзга сайёралик меҳмонимизни эса шундайича кампирга, кампирни эса Худога омонат қилиб. Ҳушига келаётганини билса ҳам ҳечқандай йомон ҳаёлга боришмади. Фаррош ҳола ҳам ўзини уйида юргандек ҳечқандай руҳсатсиз ичкарига кириб, олимлардан фақатгина хона тозалашга руҳсат сўради. Бу ҳам камдек ўзга сайёралик меҳмонни келишини эшитиб кийимини ҳам алмаштириб чиққан, бу билан нимани исботламоқчи, бизда тартиб йўқлигинимми?

Яна бу содда ҳоламиз техникани ҳам тушунади, ҳечкимни рухсатисиз уларни бошқаради, ҳали аниқланмаган мавжудотга бемалол сув ичириб, бошидан силайди, унга ҳали сув мумкинми йўқми ҳолани иши йўқ, режиссор, рассом, сценаристларни ҳаёли унга бераётган мехрида, қолгани аҳамятсиздек гўё, ёки меҳрни ифодалашни бошқа йўлини тополмаган...

Бунданам қизиғи шундаки олимларимиз қўлларини теккизганда уларни қўлини тўк уради, ҳола эса силаб сув ичириб қўйса ҳам ҳечнарса қилмайди, демак ҳолада тўк ўтмайдиган қобилят бор, у тўк ҳолага тегмасдан сув орқали ўзига урилиб ўзга сайёралик ойоққа турган бўлябди. Ҳола билан муроса қилишдан бошқа йўли қолмасдан ўзга сайёралик меҳмонимиз унга бўйсиниб, бошлаган томонига юриб, тилини ҳам тушунворибдида... Бундан яна қандай хулоса чиқариш мумкин.

Фаррош кампир билан ҳолани кўрган олимларимиз бунга билдирган муносабати бунданам ажойиб чиққан, Олимлардан бири тўғри фикр билдираётган вақтда бошқаси фаррош кампирда сеҳр борлигига ишонябди. Бундай фикрлайдиган олим бўлмаса керак.

Воқеа сўнгида аввал бошида давлатга қарашли шундай ҳурматли касб эгалари ер танқислигидан қийналиб, мутлоқо бир-биридан фарқ қиладиган ишда ишлайдиган кишилар битта жойда ишлаётган вақтда, чиройли кенг уйда йолғиз бобо ва икта набира овқатланишябди. Қиссадан-хиссани ҳам агар бобо гапириб бермаганда қизиқ болажонлар қандай хулоса чиқарган бўларди, умуман фильм мазмунини тушуна олармиди.


Мультфильм асоси тўғри танланган. Лекин унга кетган меҳнат, вақт, пул ўзини оқламаган. Замонавий жиҳозлар, кенг далалар бир сўз билан айтганда орқа пландагина ҳато йўқ холос. Бееътиборлик билан қилинган ушбу анимацион фильмни ўз болаларимиз учун лойиқ эмас. Уларга миллийликни кўрсатишдан олдин аввал уни нималигини тушуниш керак. Ахир ўз болаларимизни тарбиялаябмиз. Келажакни

шундай нуқсонларга бой кўринишда кўрсатмаган мақул. Фантастик фильмни яратаётганда унинг фақат бир жиҳатигагина эътибор берибгина қолмай, мазмунан ҳам бойитишни билиш керак.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон анимацион фильмлари 86-б. Тошкент “ TURON IQBOL” 2019
2. И.Жуманов. “Санъат – менинг ҳаётим” яна ҳаётимизда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари. илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журнали. Т. 2020 йил 2-сон.
3. З.Бозорова. Илм-фан ривожи ва мамлакат тараққиётида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллиги. «Актуальные проблемы науки, просвещения и цифровых технологий в профессиональном становлении личности XXI века». Т. 2020 г. 3-том.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



EDUCATION AND CULTURE - REGULATORS OF PUBLIC LIFE

Baymukhamedova Lola Aliyena [1]

[1] Teacher of the Department of Uzbek language and literature, Tashkent Institute of Chemical Technology,

https://doi.org/10.5281/zenodo.4701473

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Regulator Of Social, Development, Goal Of Education, Management, Potential

ABSTRACT

In this article education, culture and moral as a factor of a sustainable development of society and as the mighty regulator of public life is considered.

ОБРАЗОВАНИЕ И КУЛЬТУРА – РЕГУЛЯТОРЫ ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ

Баймухамедова Лола Алиевна [1]

[1] Ташкентский химико-технологический институт, Кафедра Узбекского языка и литературы

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 13 апреля 2021 г.
Утверждено: 17 апреля 2021 г.
Опубликовано: 19 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Регулятор Общественной, Развития, Цель Образования, Управлении, Потенциал.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается образование, культура и нравственность как фактор устойчивого развития общества и как могучий регулятор общественной жизни.

В нынешнее тысячелетие мир еще не обрел стабильности, духовного подъема, процветания культур и равномерного экономического развития. Пугающим фактором стала угроза и практика терроризма в мировом масштабе. Возросли противоречия во многих областях жизнедеятельности человека. Растет стена непонимания между людьми: сытые не понимают голодных, богатые - бедных, верующие - неверующих. Кажется, в таких ситуациях только образованные и нравственные люди могут спасти мир от

всепоглощающей ненависти, беспомощности и уязвимости большинства, призвать к общечеловеческим ценностям, терпимости и любви к ближним, а значит уважению как самого Я, так и Другого.

Степень развития общественных отношений зависит от действенности таких регуляторов, как культура, традиции, нормы морали, идеология, зрелость сознания, научность, образованность и нравственность. Образование является уникальным общественным явлением. Уникальность его представления в том, что оно служит социальному, культурному, научному прогрессу всего человечества. В центре феноменов **«образование», «культура», «нравственность»** находится сам человек. Высокая степень социально-экономических изменений, возросший темп жизни, фактор быстротечности времени, возросший поток нелегко разрешимых противоречий предъявляют к современному человеку особые требования.

Человек должен и может следовать законам среды его обитания, не нарушая их. Понятие «образование» буквально означает формирование образа, образца, связанное с усвоением ценностей науки, культуры, нравственности. Образованием человек изменяет мир, творя его по человеческим меркам, так же изменяет собственную жизнь. Условием осуществления образования служит реализации человеком своего выбора.

Широкий контекст понимания образования неоднозначен, его составляющие

проявляются в культурном целом, и включает онтологию образования, аксиологию и этику образования. В процессе образования совершается культурное «воспроизводство человека и воспроизводство культуры человека в обществе». Образование дает возможность развивать социальную практику человеческому индивиду, изменить формы его объективации. Формирование человека, его образование идет по пути создания знающего человека, культурного, нравственного и деятельного субъекта. Осваивая мир и себя самого в этом мире, индивиды в процессе образования получают возможность найти свое место в системе социальных отношений, активно реализовываться как самостоятельные агенты пространства отношений, соотнести свою самость.

Образованный человек – это человек, не только имеющий знания о предельно многих объектах, предметах, процессах действительности, но и тот, который всегда поступает нравственно. Необходимо понять, что нам не обойтись без духовности и морали, без учета их норм и требований. В обществе нельзя ставить цели, достигаемые любыми средствами. Если цели безнравственны, несут людям зло, разрушают основную ценность – человеческую жизнь, игнорируют или не учитывают смысл человеческого общежития –гуманизм, подавляют жизненные силы общества и личности, тогда целеполагание как основной инструмент управленческого воздействия бессмысленно, ущербно и антигуманно. Горький опыт всей истории свидетельствует о тех неизмеримых бедствиях, которые пережило человечество из-за расхождения этих начал.

Нравственность – могучий регулятор общественной жизни. Кризис духовно-нравственных ценностей проявляется в нарастании настроений мещанства, ухода в мир частных интересов, неадекватного поведения и т.п. Восстановление

нравственных ценностей всегда связано с возрождением общественных интересов.

Объединяющим стержнем в духовно-нравственном воздействии и регулировании, в эффективном управлении является наличие сильных плодотворных идей. Идеи в системе духовных ценностей объединяют, обеспечивают целостный взгляд на мир. Как только в обществе возникает дефицит современных идей, так ослабляются сознание и воля людей, разрушается государственная идеология, которая всегда остается духовным стержнем сильной государственности. Поэтому образование наряду с нравственностью является неотъемлемой частью духовной жизни общества, частью его теоретического сознания, мощным регулятором общественной жизни. Но если духовную категорию «нравственность» завуалировать под мораль как одну из форм общественного (массового) сознания, тогда получаем абстракцию, отвлеченное представление, не раскрывающее ее истинного значения. Ведь мораль, олицетворяемая в форме общественного сознания (или мнения), не может отождествляться с личностной нравственностью.

Поэтому, нравственность – категория не социальная, не порождаемая

обществом, а антропологическая, в смысле она изначально присуща человеку, его личности. И нравственность, можно сказать, обобщенный термин, как, к примеру, красота. Им охвачены такие духовные категории, как любовь, совесть, стыд, вера в Бога, сострадание, благородство, достоинство. Нравственность, как и красота внешнего мира, открывает красоту внутреннего мира личности человека, и она научит его добру, солидарности, помогает постигать законы, объединяющие людей с природой. Все знают высказывание Ф.М. Достоевского «красота спасет мир», но не все до конца понимают его

смысл, что оно имеет религиозное, нравственное наполнение. Потому что человека характеризуют его поступки, чем больше будут у него нравственных поступков и духовной красоты то и мир станет спокойней и красивей. Создавая красивое, поступая нравственно, человек совершает бескорыстную жертву, которая и приобщает его к высшему бытию.

Нравственное воспитание является делом общенациональной важности, и

ответственность за осуществление процесса воспитания ложится, прежде всего, на семью и образовательные учреждения. Воспитанию предшествует образование.

Воспитание – это прочный фундамент, на котором созидаются все последующие способности человека, и строится вся его жизнь.

Образование и нравственное отношение человека формируется в процессе

взаимодействия личности с культурой. Понятие культуры несет в себе множество оттенков смысла. Как говорил Бердяев Н.А., всякая культура, даже материальная есть культура духа, всякая культура имеет духовную основу – она есть продукт творческой работы духа над природными стихиями В обыденной жизни культура ассоциируется с суммой ценностей, с определенными эстетико-этическими, гуманистическими позициями. *Э.Орлова* считает культурой «все то, что создано людьми», представляющее ценностное образование, совокупность норм, как символический аспект

современной жизни и деятельности людей, технологии адаптации человека как окружению, способы трансляции

социально значимой информации, коммуникативные системы в обществе.

Культуру нельзя рассматривать как культуру «вообще». Речь идет о конкретной проявленный культуры, ее компонентах, артефактах, ценностях. В культуре выделяются не только духовные и материальные компоненты, но и внешние и внутренние стороны, их сложные взаимосвязи. Культура проявляется глубинно, не транслируется, не передается механический от преподавателя к обучающемуся, а осваивается и присваивается.

Наши действия в сфере культуры и образования должны опираться на историческое сознание, на исторические корни и иметь своей целью синтез традиционных достижений и современных возможностей.

Целью современного образования не может быть накачивание учащегося знаниями, так как это бессмысленно при современном потоке информации, темпах ее изменения и устранения.

Цель образования – сформировать осознанного, ответственного, духовно продвинутого, зрелого человека. Человеческая личность должна быть многогранной, но эти грани определяются единой, единственной его сутью, сердцевиной его духовного

«Я». Нравственный человек – это духовно продвинутый человек с чистым сердцем, способный реализовать свой духовный потенциал в любой власти.

Сохранение духовно-нравственного потенциала человечества через возрождение национальных традиций, преемственность поколений, духовное и патриотическое воспитание и образование подрастающего поколения должны стать главным приоритетами для современного общественного развития и государственного строительства.

Литературы:

1. Бердяев Н. А. Смысл истории. -М., 1990.
2. Духовно-нравственные факторы как регуляторы общественной жизни//base.mobi_phone.info/stat/2847stat.html.
3. Орлова Э.Л. Динамика культуры и целеполагающая активность человека//Мифология культуры. Структура и динамика. -М., 1994.
4. Розов Н.С. Методические принципы ценностного прогнозирования //Социально-философские проблемы образования. -М., 1992.
5. Савелева С.Б. Образование // Новейший философский словарь. -Мн., 1998.__

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



CORRECTION OF COGNITIVE PROCESSES IN CHILDREN WITH HIV INFECTION

Karimjonova Yoqutxon[1]

[1]Teacher of the Department of Psychology, FarSU

https://doi.org/10.5281/zenodo.4704906

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

HIV infection, immune system, cognitive development, antitroviral therapy, antitretrovirus drugs, CD4 cells.

ABSTRACT

This article discusses the cognitive development of children and adolescents living with HIV. The opinions and experiences of a number of researchers on this issue are described.

OIV INFEKSIYASI BOR BOLALARNING KOGNITIV JARAYONLARI KORREKSIYASI

Karimjonova Yoqutxon[1]

[1]FarDU psixologiya kafedrasi o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma'qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

OIV infeksiyasi, immun tizimi, kognitiv rivojlanish, antitetrovirusterapiya, antitetretrovirus preparatlar, CD4 hujayralar

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada OIV virusi bilan kasallangan bolalar va o'smirlarning kognitiv rivojlanishi haqida so'z boradi. Bu masala yuzasidan bir qator tadqiqodchilarning fikrlari, tajribalari bayon qilinadi.

OIV (VICh) – Odam organizmidagi Immunitet Tanqisligini keltirib chiqaruvchi Virus. Asosan odamning immunitet (himoya) tizimiga ta'sir qiladi.

OIV-infeksiyasida odam organizmiga tushgan virus ta'siriga immunitet tizimi ma'lum darajada javob qaytaradi. Kasallik alomatlari deyarli bo'lmaydi. Uni faqat laboratoriya tekshirishlari ko'rsatadi. ART qabul qilmagan holatlarda organizmda kasallikning avj olish davri tezlashadi. Virus miqdori oshib, immun tizimi sustlashib ikkilamchi kasalliklar rivojlanishi mumkin.

Shu vaqtdan OITS davri boshlangan hisoblanadi. Bu davr uchun xos bo'lgan alomatlar yo'q. Zeroki, bu davrda

organizmda duch kelgan mikrob kasallik qo‘zg‘atishi mumkin. Shuning uchun bu davr tuzalishi qiyin bo‘lgan turli-tuman kasallik alomatlari bilan namoyon bo‘ladi.

Infeksiya yuqqan dastlabki davrlarda odam o‘zini sog‘lom his etishi mumkin. Bunday holat hech qanday alomatlarsiz 8-10 yilgacha cho‘zilishi mumkin. Bu davrda odam sog‘lomdek ko‘rinsa ham, o‘zi bilmagan holda, kasallik virusini boshqalarga yuqtirish xavfi yuqori.

Immunitet tanqisligi sindromi asab tizimi va bolaning bilish funksiyalari holatiga o’zining salbiy ta’sirini o’tkazadi. OIV bilan kasallangan bolalarning qobiliyatlari, ulardagi kognitiv rivojlanish ko’rsatkichlarini o’rganishga bag’ishlangan tadqiqodlar natijasiga ko’ra, OIV bilan kasallangan bolalarning rivojlanishi tengdoshlariga qaraganda belgilangan yosh normalariga nisbatan past.

Yuqori darajada faol antitetrovirusterapiyasi (keyingi o’rinlarda ART deb yuritiladi) OIV bilan kasallangan bolalar va o’smirlardagi omon qolish darajasini yaxshilashi, kasallik rivojlanishini sekinlashtirishi isbotlagan.

Antitetroviruslarning paydo bo'lishi bilan terapiya paytida bolalarda kognitiv jarayonlarni o’rganish masalasi ko’tarildi. OIV bilan kasallangan bolalar va o’smirlarda kognitiv jarayonlarni o’rganish bo’yicha tadqiqotlarga ko’ra antitetrovirus preparatlarini qabul qilganda qarama-qarshi natijani ko’rsatmoqda. Shunday qilib, bir guruh tadqiqotchilar fikriga ko'ra(T. Puthanakit), OIV infeksiyasi bilan kasallangan maktab yoshidagi bolalar va o’smirlarda uch yil davomida antitretrovirus preparatlarining qabul qilinishi natijasida, ularda kognitiv rivojlanish darajasifunksiyalar ko'paymaydi. Bundan tashqari virusli bo’lmagan bolalarning CD4 (viruslar va bakteriyalarni “tanib olish” uchun javob beradigan immunitet tizimining hujayralari) darajasi bilan mos tushadi.

D. Koplan boshchiligidagi tadqiqotchilarART chaqaloqlarida nutq elementkarining buzilishi, nevrologik test va tomografiyadan chetga og’ishlarni aniqlanmaganligi tashxisini qo’yishdi.

R. D. Jeremi olib borgan tadqiqotlar shuni ko’rsatdiki, OIV virusiga chalingan bolalar va o’spirinlarda bir yillik antitetrovirus terapiyasidan so’ng yuqori virusli o’lchov ko’rsatkichlari faqat bittasida biroz yaxshilangan.

Mazkur mavzuda K. Le. Doar va boshqa tadqiqotchilarning fikriga ko’ra 12 hafta antitetrovirus terapiyasini olgan chaqaloqlarda motorika va kognitiv ko’rsatgichlar o’rtacha o’sishni davom ettirishini ko’rsatmoqda. Shuningdek dori-darmonlarni qabul qilgan katta yoshdagi o’smirlarda kognitiv jarayonlarning rivojlanishida o’rtacha ko’rsatgichlarni ko’rsatdilar.

K. C. Krouell bilan boshqa bir guruh olimlar antitetrovirus yordamida OIV bilan kasallangan bolalarda neyrokognitiv ko’rsatgichlarni erta bostirish, ularning intelektual rivojlanish koeffitsientni rivojlantirish nazorat guruhi ko’magida o’rganildi.

E. D. Gluxova va boshqalar tomonidan olib borilgan taqdiqotlarga ko’ra antitetrovirus preparatlarini qabul qiladigan bolalar mazkur terapiyani olmaydigan bolalardan ko’proq samaradorlik va diqqatning susayishi bilan farq qilishini ko’rsatdi.

S. Koekkok va yana bir guruh izlanuvchilar CD4 hujayralarining soni

yuqori ekanligiga qaratishdi va antiretrovirusdan uzoq muddatli foydalanish maktab o'quvchilarida xotira va diqqatning yaxshilanishiga sabab bo'lishini aniqlashdi.


E. B. Yastrebova va boshqalarning fikriga ko'ra ART bolalarning diqqatini yaxshilaydi, konsentratsiya qobiliyatini oshiradi, ammo yuqori virusli yuklama mantiqiy materiallarni yodlashni qiyinlashtiradi. OIV bilan kasallangan bolalarni davolashda qaysi terapiyadan foydalanmasin, u virusli yuklamani kamaytirishga, avvalo, bolalaning psixologik funksiyalarini tiklashga qaratilgan bo'ladi.

ARTning mavjudligi, olib borilayotgan tadqiqotlar OIV bilan kasallangan bolalarda kognitiv qobiliyatni rivojlantirishga xizmat qilishi shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Акопова М. М. Программа психолого-педагогического сопровождения познавательного развития ВИЧ-инфицированных младших школьников в период пребывания в стационаре // Актуальные проблемы психологического знания. – 2014.
2. Глухова Е. Д., Гайсина А. В., Кольцова О. В. Ястребова Е. Б. Когнитивные функции у детей, инфицированных ВИЧ, воспитывающихся в домашних условиях // ВИЧ-инфекция и иммуносупрессии. – 2013.
3. С. Зайхнера и Дж. Рид. – Режим доступа: https://arvt.ru/sites/default/files/Pediatric_HIV_Care_2006_ZeichnerRead_RUS.pdf (дата обращения: 15.01.2018).
4. Coplan J., Contello K. A., Cunningham C. K. [et al.]. Early language development in children exposed to or infected with Human Immunodeficiency Virus [Electronic resource] // Pediatrics. – 1998.
5. Crowell C. S., Huo Y., Tassiopoulos K., Malee K. M. [et al.]. Early viral suppression improves neurocognitive outcomes in HIV-infected children [Electronic resource] // AIDS. – 2015.
6. Jeremy R. J., Kim S., Nozice M. [et al.]. Neuropsychological functioning and viral load in stable antiretroviral therapyexperienced HIVinfected children [Electronic resource] // Pediatrics. – 2005.
7. Koekkoek S., de Sonneville L. M., Wolfs T. F. [et al.]. Neurocognitive function profile in HIVinfected schoolage children [Electronic resource] // Eur. J. Paediatr. Neurol. – 2008.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



LEADERSHIP ACTIVITY AND ITS SPECIFIC RESPONSIBILITIES, CONFLICT RESOLUTION SKILLS

Djalolova Moxinur[1], Alijonov Nurbek[2]

[1] Teacher of the Department of Psychology, FarSU

[2] 2nd year master's degree in psychology, FarSU

https://doi.org/10.5281/zenodo.4704946

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Leader, person, management, liberal, authoritarian, democratic, destructive, responsible.

ABSTRACT

The article describes the management staff and the requirements for them, responsibility, and conflict resolution in the team and its prevention in a destructive way, management methods, and the essence.

RAXBARLIK FAOLIYATI VA UNING O'ZIGA XOS MA'SULIYATI , NIZOLARNI BARTARAF ETISH MAHORATI

Djalolova Moxinur[1], Alijonov Nurbek[2]

[1] FarDU psixologiya kafedrasi o'qituvchisi

[2] FarDU psixologiya yo'nalishi 2 kurs magstri

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma'qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Raxbar , shaxs, boshqaruv, liberal, avtoritar, demokratik, distruktiv, ma'suliyat.

ANNOTATSIYA

Maqolada raxbar kadrlar va ularga qo'yilgan talab , ma'suliyat jamoada yuz beradigan nizo va uni oldini olish distruktiv usulda bartaraf etish , boshqaruv uslubiyati , mohiyati yoritib berilgan.

Mamlakatimiz o'z oldiga qo'ygan huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyati barpo etish, jamiyatimiz hayotining barcha jabhalarini yanada erkinlashtirish vazifalari rahbar kadrlarning kasbiy mahorati, ma'naviy qiyofasidagi axloqiy jihatlari masalalarining mavqeini yanada oshiradi. Davlatimiz rahbari kadrlar tarbiyasiga, ma'naviyatiga, salohiyatiga muhim ahamiyat berayotganligi, rahbar kadrlar faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirishga da'vat etayotganligi boisida ham ana shu ehtiyoj yotadi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning chuqur tahlil va tanqidiy yondashuvga asoslangan

“Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik — har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak” nomli kitobida ta’kidlaganidek, “bugungi kundagi eng muhim vazifamiz — mamlakatimizda tinchlik va farovonlikni mustahkamlash, xalqimizni hayotdan rozi qilishdan iborat. Buning uchun el-yurtimiz, avvalo, rahbarlarning faoliyatidan mamnun bo’lishi kerak”. Bu haqda so’z borganda, necha ming yillik tarixga ega xalqimiz uchun jamoa bo’lib yashash tuyg’usi g’oyat muhim ahamiyat kasb etishini, o’z navbatida, munosib obro’-e’tibor, hayotiy tajriba, yuksak odob-axloq fazilatlarini o’zida mujassam etgan ana shu jamoa raisi yoki oqsoqoli, ya’ni rahbar shaxsning yetakchilik faoliyati hamisha odamlarni bir-biriga yaqinlashtirishga, bir-birini qo’llab-quvvatlab, tinch va farovon hayot kechirishiga zamin yaratib kelganini ta’kidlash lozim.

Milliy an’analarimizga ko’ra, xalqimiz hamisha rahbarga tayanadi. Bu o’z navbatida, rahbar shaxslar zimmasiga ulkan mas’uliyat yuklaydi. Davlatimiz rahbari 2017- yil va undan keyingi davrga belgilangan vazifalarni amalga oshirish uchta eng muhim talabga bog’liq ekanini alohida ta’kidladi: “birinchi — davlat rahbari — Prezidentdan boshlab barcha bo’g’indagi rahbarlarning yakuniy natijalar uchun shaxsiy javobgarligi. Ikkinchi — hamma sohada aniq tartib va qattiq intizomni ta’minlashimiz darkor.Uchinchi talab — qatorlarimiz va kadrlarimizning sofligini ta’minlash, ishdagi har qanday salbiy holatlarning oldini olish va bunday illatlarning ildizini quritish”

Mazkur vazifalarni ado etish ham oson ish hisoblanmaydi. Ushbu talablarni bajarish vaqtida rahbar shaxsining o’zida ham turli qiyinchiliklar, to’siqlar va muammoli vaziyatlar yuzaga kelishi tabiiy holdir. Bunday holatlarda nizo va to’siqlarni bartaraf etish, nizoli vaziyatlarni oldini ola bilish hamda stress va shaxs kayfiyatidagi noqulay holatlarni yenga olish ham rahbar kompetentligining asosiy shartlaridan hisoblanadi.

Aniqlanishicha, mehnat jamoalarida nizodan so’nggi kayfiyatning buzilishi va tinchlanguncha o’tadigan vaqt shu nizoga tayyorlanish davriga nisbatan uch baravar ko’proq muddatni egallar ekan. Chunki, nizo natijasidagi salbiy holatlar jamoa xodi[1]mining hissiyoti, xatti-harakatlari, tafakkur va hatto xarakterida ma’lum o’zgarishlar sodir etadi. Bu o’zgarishlar xodimning xulq-atvorida namoyon bo’lib, mazkur subyekt qatnashayotgan boshqa vaziyatlarga ham tarqaladi va o’zaro munosabatlarning keng sohalarini egallay boshlaydi. Shu nuqtayi nazardan barcha hollarda nizoning sabablari hamda uni vujudga keltirgan holatlar rahbar tomonidan diqqat bilan tahlil qilinishi lozim.Jamoa a’zolari orasidagi nizolarning ko’pchiligi ishlab chiqarishning qoniqarsiz tashkil qilinganligi, rahbarlarning ish jarayonida o’ziga bo’ysunuvchi jamoa a’zolarining ruhiy holatlarini hisobga olmaganligi, zarur ish sharoitining yaratilmaganligi va boshqa sabablar natijasida vujudga keladi. Nizolar qanchalik ko’p bo’lsa, mehnat jamoalarida ijtimoiy-ruhiy iqlim shunchalik yomonlashadi. Mehnat jamoalarida ayrim nizo chiqarishga moyil shaxslar bo’lishi tabiiy. Bunday shaxslar ish vaqtida foydali mehnat bilan shug’ullanish o’rniga o’zlarining nizolarida ko’rsatilgan masalalar rahbar xodimlar tomonidan qanday qabul qilinayotgani to’g’risida fikr yuritib, o’zlari va boshqalarni ishdan chalg’itib, ishga xalaqit beradilar. Bunday nosog’lom vaziyat jamoat a’zolari asabiga tegadi, ayrim ishchi-xodimlar bundan vaqtincha manfaatdor bo’lib, ular g’iybatlar uyushtirib, vaziyatni keskinlashtirishga harakat qiladilar. Jamoadagi

ijtimoiy-ruhiy holat yomonlashadi, bu esa o'z-o'zidan ishga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Amaliy nizo – odatda qat'iy prinsipal tortishuvlarda mavjud bo'ladi. Amaliy nizo odamlarni ahillashtiradi, muhim muammolarni yechishga yordam beradi va har yerda sog'lom ruhiy muhit yaratadi. U foydali raqobatchilikni rivojlantiradi va ochiqdan ochiq, prinsipial tanqidlarga va o'zini-o'zi tanqid qilishga asoslanadi. Bu ko'pincha demokratik boshqarish usulida va ishlab chiqarishga oid bo'lgan tortishuvlarda uchraydi.Ta'lim va tarbiya ishlarini tashkil etish bilan bog'liq kamchiliklar: mehnat qilish uchun sharoitning yomonligi, xodimlar orasida majburiyat va vazifalarning noto'g'ri taqsimlanishi, mehnatni tashkil qilishdagi kamchiliklar, mehnat resurslarining chegaralanganligi, xodimlarning tashkilot kelajagi haqidagi tasavvurlarining noaniqligi.Xodimlarni ularning malakasi va ruhiy xususiyatlariga muvofiq joy-joyiga qo'ya olmaslik, ma'muriyatchilik orqasida vujudga kelgan boshqaruv sohasidagi kamchiliklar. Ya'ni boshqaruv tizimidagi nomutanosibliklar, qo'yilgan vazifalarga mos professionallikni xodimlarda kuzatilmasligi; ishchi o'rinlarining yetishmasligi tufayli ishlarni taqsimlashdagi adolatsizlik; mehnatga haq to'lashda adolatsizlik va uning takomillashtirilmaganligi; zahiralarni taqsimlashdagi adolatsizlik; erkinlik, mustaqillik va o'z qadrini bilishdagi har xillilik; manmanlik, qaysarlik; rahbarlikning qoniqarsiz sabablar bo'lishi mumkin.

Nizoning yuzaga kelishi bir necha bosqichlarda bo'lib o'tadi. Nizoning birinchi bosqichi – bu bajarilmagan talab, boshqarilmagan mayl, istak, xohishdir. Shaxs o'z ruhiyatidagi biron-bir istakni qondirmas ekan, u o'z atrofidan mana shu istakni, maylni qondirishga yo'l qidira boshlaydi.

Raxbar shaxs mumkin qadar o'z ichki holatining yaxshi his qilib borishi lozim va o'zichki holatining stressga kirib qolmasligini nazoratdan chiqarib yubormasligi katta rol o'ynaydi. Psixologik jihatdan olganda, bu holatlarning barchasida shaxs ruhida asabiylashuv kuchayib boradi. Shaxslararo nizolarda shaxslarning o'zaro bir-birlarini bilmasligi, ularning bir-biridan hadiksirashi, atrof-muhitning ham salbiy ta'siri, kishilarning shaxsiy xususiyatlari katta ta'sir ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boshqaruv psihologiya maruza matni Toshkent 2019 y
2. Marketing va menejment psihologiyasi maruza matni Toshkent 2017 y
3. 3.Umumiy psihologiya E.G'oziyev 2014 y Toshkent.
4. Internet ma'lumotlari

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



UZBEK MUSICAL INSTRUMENTS ARE NEIGHBORS AND THE BASICS OF PLAYING THEM

Dehqonov Abdulatif Anvarjon o'g'li [1]

[1] Senior teacher of Fergana specialized art school

https://doi.org/10.5281/zenodo.4704973

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2021
Accepted: 17th April 2021
Online: 19th April 2021

KEY WORDS

Instrument, flute, dutar, neighbor, diameter, inheritance, method, music.

ABSTRACT

The article describes the Uzbek musical instruments and its history, the specific types of each musical instrument, the appearance of the playing methods and how they are made.

O'ZBEK CHOLG'U ASBOBLARI QO'SHNAY VA UNI CHALISH ASOSLARI

Dehqonov Abdulatif Anvarjon o'g'li [1]

[1] Farg'ona ixtisoslashtirilgan san'at maktabi katta o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021
Ma'qullandi: 17-aprel 2021
Chop etildi: 19-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Cholg'u, nay, dutor, qo'shnay, diametr, meros,usul, musiqa

ANNOTATSIYA

Maqolada o'zbek cholg'u asboblari va uning tarixi har bir musiqiy asbobning o'ziga xos turlari ,chalish usullari ko'rinishi va qanday tayyorlanganligi yoritib o'tilgan.

Yurtimizda har bir soxaning o'ziga xos o'rni , ahamiyati , kelib chiqish tarixi bir so'z bilan aytganda o'tmishi mavjud. Bu azaliy haqiqat bo'lib o'zbek sa'natida ham huddi shunday . Shu o'rinda biz cholg'u asboblari va qo'shnayning kelib chiqish tarixiga to'xtalib o'tmoqchimiz .

Chertma cholg‘u asboblari Dutor — noksimon korpusli, dastasi uzun ikki torli choIg‘u asbobi. Dutorning um um iy uzunligi 1150 mm dan 1200 mm gacha b o ‘ladi. Kosaxonasi alohida egma taxtacha (qovurg‘a) yopishtirib ishlanadi, qopqog‘i yupqa, tekis, ba’zida unda rezonator teshikchalar bo'ladi. Dastasining niqa tomoni lo‘la qilib ishlanadi, yuqorisi ingichka, bo‘g‘izga qarab kengayib horadi. Dastaga 13—14 parda bog‘lanadi. Uchiga ikkita — vertikal va Horizontal quloq

o ‘matiladi. Asbobning barcha qismlari tut yog'ochidan iiiyyorlanadi va ko'pincha suyak hamda sadaf bilan bezatiladi. Tori ipak ipclan eshilgan va bir uchi kosaxona ostidagi ilgakka (bo‘rtiqqa), ikkinchi iichi esa quloqlarga bog‘lanadi. Qopqoqda torlar kichkina yog‘och xarak iislidan o ‘tadi. Torlari ko'pincha kvarta (Tanovar sozi)ga, ba’zan unison (Qo'shtor sozi) va kvanta (Munojot sozi)ga sozlanadi. Tovushqator past piirdada xromatik baland pardada esa diatonik bo‘ladi. Cholg‘u (liapazoni bir yarim oktavaga teng. Dutorning uncha baland bo‘lmagan lovushiga o ‘ng qo‘l timoqlari qopqoqqa tegishidan hosil bo‘lgan tovush (sliovqin) qo‘shilib eshitiladi. Dutor — o ‘zbek xalqining eng keng tarqalgan torli cholg'ularidan biri. Dutor — yakkanavoz, qo‘shiqchilarga jo ‘r bo‘luvchi va ansambl cholg'u iisbobi sifatida qo^llaniladi. Unda turli janrga oid qo‘shiqlar, raqs kuylari hamda cholg'u (instrumental) pyesalar, shu jumladan maqomlaming ayrim t)()‘limlari ijro etiladi. U haqda m a’lumotlar adabiy va ikonografik manbalarda ko‘p uchraydij Arxeologik qazishmalarda topilgan terrakota haykalchalarda tasvirlangar sozandalar qo‘lida ham uni uchratish mumkin. Ud chalish juda ko‘p vaqtdar buyon taom ildan chiqib ketgan. Hozirgi paytda uni tiklashga hamde yakkanavoz va ansamblda ishlatishga urinilmoqda. Takomillashtirilgan udni sozlash va uning diapazoni JX. 32 G‘ijjak — sharsimon kosali va yuqorisi yo‘g‘onroq bo'lgan, pastga qarab ingichkalashib boruvchi yumaloq kalta dastali uch va to'rt torfi soz. Kosa ichidan o ‘tkazilgan metall sterjenning bir uchi dasta tubiga qoqilib, uni kosa bilan bog‘laydi. Boshqa uchi tashqariga 150—200 mm chiqqan bo‘lib, sozni yerga yoki sozanda tizzasiga tirab turadigan oyoqcha sifatida xizmat qiladi. Kosa og'ziga teri tortiladi. Dasta o ‘ymakor shakldagi bosh qismi bilan tugaydi. Torlar tub tarafda steq'enga o‘matilgan metall ilgaklarga ilinadi, yuqori larafda esa yog'och quloqlarga tortiladi. Dasta yaqinidagi teri parda ustida lorlar yotadigan yoysimon xarak bor. Uning o ‘ng (birinchi tor o ‘tadigan) oyoqchasi kosa devoriga yaqin joylashadi, chap oyog'i esa teri parda markaziga tomon og‘ib turadi. Xarakni bunday og‘ma joylashtirish natijasida ham baland, ham past pardada tovush ancha kuchli va to‘liq chiqadi. Sozning barcha yog‘och qismlari ko'pincha tut va yong‘oq yog'ochidan yasaladi. Kosa va dasta olchamlari juda xilma-xil bo'ladi; g'ijjakning o'rtacha umilmiy iizunligi (oyoqchasi bilan) 550—900 sm va undan ortiq bo'lishi mumkin. 0 ‘rta Osiyo g‘ijjagi o'ziga o'xshash, biroq ma’lum darajada standartlashtirilgan kavkaz kamonchasidan shu bilan farqlanadi. Ilgari g‘ijjak kosasi qazma, ipak ipdan eshilgan 3 torii va kvartaga sozlanadigan bo‘lgan. So‘ng kosasi alohida taxtacha (qovurg'a)lardan yopishtirib yasaladigan, ipakdan eshilgan toriar o‘miga ichak hamda metall toriar tortiladigan bo'ldi. So'nggi yillarda kvintaga sozlanadigan 4 torli g‘ijjaklar ko‘proq tarqalmoqda. G'ijjak 0 ‘zbekistonning hamma joyida yoyilgan. Unda qo‘shiqlar, raqslar, cholg‘u asariari (shu jumladan maqomlar) ijro etiladi, qo‘shiqchilarga jo ‘r bo'linadi, ko‘pincha dutor hamda doira yoki dutor, tanbur, nay va doira qatnashadigan ansambllarda chalinadi. G ‘ijjak haqida ko‘plab afsonalar mavjud bo‘lib, ularda g'ijjakning yaratilishi turli buyuk olimlarga, shu jumladan al-Forobiyga nisbat beriladi. G'ijjak to‘g‘risida tasnif etilgan vaqti ko‘rsatilgan qo‘lyozmalar Temuriylar davridan (XIV asr oxiri — XVI asr boshi) buyon saqlanib qolgan. Uning yakkanavoz va jo'rnavoz (ansambl) soz sifatidagi tasviri ko‘proq XVI— XVIII asrlarga oid kitoblardagi miniatyuralarda uchraydi, bunda sozanda sifatida ko‘pincha ayollar tasvirlanadi. 1920- va 1930-yillarda sadosini kuchaytirish va past registrdagi soz yaratish maqsadida g‘ijjak bir necha bor takomillashtirildi. Doira 0

‘zbekistonda eng ko‘p tarqalgan cholg'u asbobi bo‘lib, unda ko'pincha raqs, ashula kuylari chalinadi. Bironta ham cholg'u ansambli yoki orkestri doirasiz bo‘lmaydi. Barcha rang-barang g'aroyib ritmlarni faqat doirada chiqarish mumkin, shu bois doirakashlar ijro mahorati bilan ajralib turadi. Doira — ko'hna cholg'u asbobi, u haqda m a’lumotlarni hamda uning tavsifi va tasvirini X asrdan boshlab ko'plab adabiy manbalarda va rasmlarda uchratish mumkin. Rasmlardagi tasviriarga ko‘ra, ilk doira shaklan tog‘ tojiklari chirmandasi — gardishidagi teshiklarda jaranglaydigan «likopchalar» bo'lgan dafga ancha yaqin bo'lgan. Biroq ko‘hna cholg‘u asboblari hozirgilardan hajman birmuncha kichik bo‘lgan. Nog‘ora — hajmi har xil bo‘lgan ikki tuvaksimon litavra (qo‘sh nog‘ora). Tuyakning ochiq tomoniga teri qoplanadi. Tuvak gildan yasalib, pishiriladi, teri hayvon (odatda, echki) terisidan tayyorianadi. Teri bir-birini kesib 0‘tadigan tasmalar bilan tortiladi. Tuvak tubida dumaloq teshik qilinadi. Teriga yo'nilgan ikki tayoqcha bilan uriladi. Tuvaklar hajmi har xil bo‘lgani 36 Iicluin ular chiqaradigan tovush ham har xil: biri — past, boshqasi — lialandroq bo‘ladi, biroq ular aniq sozlanmaydi. Chalishdan oldin nog‘ora ici isi quyosh yoki olov tañida qizdiriladi. Xalq musiqa amaliyotida hajmi uncha katta bo‘lmagan nog‘oralar r.lilatiladi. Ikkala tuvakning balandligi taxminan 200—250 mm. Nog'ora kiichli tovushga ega bo‘lgan surnay va karnay singari cholg'u asboblari liilan jo'rlikda, ayniqsa, yaxshi jaranglaydi. Torli cholg'u ansamblida unda, liucldi doiradagi kabi, usul beriladi. Surnay, karnay, nog'oradan tuzilgan ansambl ochiq joyda o'tkaziladigan turli ommaviy bayram lar hamda ilorbozlar, qo'g'irchoqbozlar va h. k. ko'rsatadigan tomoshalarda albatta I'.lilirok etadi. Nog'orada professional sozandalar kuy ijro etishadi. O'tmishda nog'oradan harbiy musiqa cholg'usi va saroy qo'riqchilarining lai-solish vositasi sifatida foydalanügan, uning yordamida farmoni oliy hamda aniirlar va xonlaming tantanali yurishlari to'g'risida xabar berilgan. Yurishlar iK'.hun katta nog'oralar tayyorlangan va ular ko's nog'ora deb atalgan. Bunday iiog'oralarni ba’zan ikkita nog'orachi chalgan va uning tovushi uzoq- (i/,oqlarga yetib borgan. Ozarbayjonlarning g'o'sha nog'ora, armanlarning migara, gruzinlaming diplipito va dog'istonliklaming tiplipitomlari nog'oraga it'xshashdir. O'zbek xalq cholg'u orkestrlarida xalqona namunadagi nog'ora ishlatiladi.

Puflama sozlar U — r ko'ndalang tutiladigan fleyta. Tayyorianadigan materialdan kelib chiqib har xil: yog‘ochdan tayyorlangani og‘ochnay, bam bukdan tayyorlangam — garovnay, oq tunukadan tayyoriangani — misnay, jezdan tayyorlangani - birinchnay (birinjnay, birichnay) yoki ko‘pincha u ham misnay deb ataladi. Nay - uzunligi 400-600 mm bo'lgan silindr shaklidagi trubka. Yuqori yopiq uchi (boshchasi)da havo puflash uchun teshikcha, quyi qismida 6 asosiy teshikcha ochiladi. Og'ochnay va garovnayda yana bittadan qo‘shimcha teshikcha bo‘ladi. U puflanadigan teshik bilan birinchi (yuqoridagi) asosiy teshik oralig'ida bo‘ladi va unga qog'oz yopishtirib qo'yiladi; uning vazifasiz tovushga alohida ohang baxsh etishdan iborat. C halayotpnda nay boshchasi chap tomonga qaratilib, ko‘ndalang tutiladi, tasmasimon havo oqimi puflanadigan teshikcha chetiga yuboriladi natijada qattiq bo‘lmagan xushtaksimon kuchli tovush chiqadi. Sozning tovushqatori diatonik, séptima hajmida, qattiq puflaganda ikki yarim oktavagacha kengayadi. Ijrochilar oraliq applikaturani, shuningdek teshiklami barmoqiar büan qisman yopish usulini qo'llashadi, natijada xromatik tovushqatornmg istagan tovushini chiqarish mumkin bo‘ladi. Nay texnik jihatdan harakatchan bo‘lib, unda

turii melizmlar (qaltiroq tovush, forshlaglar 38 va h. k.), keng oraliq sakrashlar, passajlar oson ijro etiladi, shtrixlar (|oilaniladi. Nay 0 ‘rta Osiyoning ko‘hna fleyta sozlari jumlasiga kiradi. Uning tuzilishini va chalinishini al-Forobiy (870—950) va Ibn Sino (980—1037) o‘z Msarlarida tavsiflashgan. Nay XVI—XVII asrlarga oid miniatyuralarda uchraydi, bu hoi ushbu soz o‘sha olis davrlarda ham ommalashganligidan (larak beradi. Nay 0 ‘zbekistonda eng ko‘p tarqalgan puflama sozlardan 1)0‘lib, yakkanavoz tarzda ham, torli xalq cholg‘u ansambllari tarkibida ham ishlatiladi. Xalq orasida taomilda bo'lgan nay xalq cholg'u orkestri tarkibiga kiradi. Shuningdek kichik nay (pikkolo fleyta tipidagi) ham yaratilgan. Uning konstruksiyasi oddiy nayniki bilan bir xil, biroq bir kvarta yuqori sozlangan. Nay tovushqatori If: z t m Nay pikkalo tovush qatori* —1———lJ „- *•a—1f — i V 0—p h -4 0“- f t Z E. .J • ^----- \--- Qa: yta p u flasnaa Qo‘shnay — bir xil uzunlikdagi, bir-biriga o ‘zaro bog'langan, katta bo‘lmagan (250 mm ga yaqin) ikkita qamish naydan iborat. Ularning puflanadigan uchi tomoni berk, ikkinchi uchi ochiq. Nayning yuqori qismida bir qayat tilchalar bor. Tilchalarini qisqartirish yoki uzaytirish uchun suriladigan ip halqa bo‘ladi. Nayda bir-biridan barobar masofada bir oktava atrofida 7 ta (ba’zan 8 ta) teshikcha bo'ladi. Tilchalarning tebranadigan qismini lablar bilan qisqartirish va ularga bosish bilan kuy ijro etiladi . Bi yuqorida to'xtalib o'tgan musiqa cholg'u asboblari bu keng tarqalgan va xalq orasida ko'p mutojat qilinganlari holos , musiqiy cholg'u asboblari va ularning turlari shu qadar ko'pki har biri o'ziga xos ahamiyatga egaligi va ohangi bilan bor biridan keskin farq qiladi .Insonlar o'zlariningichki dunyosiga harakter va temperamentlariga qarab turli hil ohanglarni hush ko'radilar, kimdir sokin yana boshqa kimdir shovqinli musiqiy cholg'u asboblarini yoqtiradilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.S. Begmatov , M. Matyoqubov " O'zbek ananaviy cholg'ulari " Toshkent

2. S.Azizboev " Ananaviy gijjak ijrochiligi " Bilim 2005 y

3 Akmaljonova .M " Dutor arkestri " Toshkent 2004 y

4 Matyoqubov. M " Surnay " Toshkent 2003 y

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF STUDENT ACTIVITIES IN THE INDEPENDENT LEARNING PROCESS

Sanobar Asilova Xatamboyevna[1]

[1] Namangan State University Theory and history of pedagogy

1st year master's degree,

https://doi.org/10.5281/zenodo.4706566

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

education, family, independent study, process, ability, capability, talent, thinking, knowledge efficiency, incentives, motivation.

ABSTRACT

This article discusses ways to improve the effectiveness of student learning in independent learning.

MUSTAQIL BILIM OLISH JARAYONLARIDA O'QUVCHI FAOLIYATINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI.

Sanobar Asilova Xatamboyevna[1]

[1] Namangan State University Theory and history of pedagogy

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ta'lim-tarbiya, oila, mustaqil ta'lim, jarayon, tafakkur, qobiliyat, iqtodor, fikrlash, bilim samaradorligi, rag'bat, motivatsiya.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mustaqil bilim olish jarayonlarida o'quvchi faoliyatining samaradorligini oshirish yo'llari haqida fikr va mulohazalar yuritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 64-moddasida "Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga yetkunlaricha boqish va tarbiyalashga majburdirlar" deb ko'rsatib o'tilgan. Farzand dunyoga kelganidan so'ng, uni voyaga yetkazish, moddiy ta'minlash, o'qitish va tarbiya berish ota-ona zimmasidagi ulkan mas'ulyatdir. Har bir ota-ona farzandini kelajagiga befarq bo'lmasligi, bolaga g'amxo'rlik, oiladagi

huquqini ta’minlash haqida muqaddas kitobimiz Quroni Karimda va Hadislarda ham juda ko’p pand-nasihatlar keltirilgan. Muqaddas Quroni Karim kitobida keltirishicha bola Olloh tomonidan ota-onaga omonat topshirilgan. Anashu omonatni voyaga yetkazish, ilimli, oqila va tarbiyali qilib ulg’aytirish ota-onaning vazifasi sanaladi. Hadislarimizda esa ”Beshikdan to qabirgacha ilm izla.”- degan hikmatli so’zlarni o’qishimiz mumkin. Bola maktabga kelgunga qadar va maktab davrlarida ham ko’p vaqtlarini oila davrasida o’tkazadi. Bolani mustaqil faoliyatga yo’naltirishning ilk ko’rinishlari aniqroq qilib aytganda oilada shakillanadi.

Mustaqil ishlashga o’rgatish ko’nikmasi shakillangan bolalarda maktab davrida bu o’zini ijobiy samarasini beradi. Ta’lim jatrayonlarida har bir o’quvchining ta’lim-tarbiya jarayonidagi faoliyati o’ziga xos va bir-birini takrorlamaydi. O’quvchilarning salohiyati, iqtidori va mustaqil bilim olish jarayonlaridagi faoliyati ham bir xil emas. Shularni hisobga olgan holda aytib o’tish kerakki, o’quvchilar mustaqil bilim olish jarayonlarida fikr yuritishlari,salohiyati bir-birlaridan katta farq qiladi. Pedagogik jarayonda o’quvchilarni mustaqil bilim olishlarini faollashtirish va faoliyatlari samaradorligini oshirish uchun bir qator samarali ishlar olib borilmoqda. O’quvchilarda mustaqil bilim olishni shakillantirishda, unga tayyorlashda o’qituvchidan katta mas’ulyat va materiallarni muammoli tarzda bayon etish kabi yo’llar bilan ta’limni tashkil etish talab etadi. Pedagogik jarayonlarda o’qituvchi bolalarni boshlang’ich sinflardan boshlab mustaqil bilim olishga o’rgatib borishi maqsadga muvofiq hisoblanadi. Mustaqil bilim olish jarayonlari o’quvchilarda avvalo ziyraklikni, hozirjavoblikni, mantiqiy fikrlashni boyitib boradi. Shu sababdan mustaqil bilim olishni kichik maktab yoshidagi o’quvchilarda uyg’un holda olib borilsa, rivojlanishda ijobiy natijalar yuzaga keladi. Masalan: boshlang’ich sinf o’quvchisidga mustaqil o’qish uchun uyga vazifa qilib ertak berildi. Bola ertakni o’qish uchun o’zi mustaqil harakat qilib bilimini boyitadi. Shu ertakni o’qish jarayonida fikrlaydi. Dunyoqarashi kengayadi. So’z boyligi ortadi. Savollarga javob topishda hozirjavoblik o’rganadi. Bolada shu kabi ijobiy sifatlar shakillanar ekan, buning uchun o’quvchilarni mustaqil bilim olishga ruhan tayyorlash, ularda bajamoqchi bo’lgan ishlarini sifatli qilib bajarishga o’rgatish va eng muhimi o’ziga bo’lgan ishonchni hosil qilish lozim. Boshlang’ich sinflarda mustaqil bilim olishga bolalarni o’rgatish,o’quvchidagi mustaqil bilim olish ko’nikmasini shakillanishiga sabab bo’ladi desak mubolag’a bo’lmaydi. O’quvchi mustaqil bo’lmagan faoliyatida o’qituvchi bilan hamkorlikda ishlaydi, tengdoshlaridan yordam oladi. Mustaqil bilim olish jarayonida esa o’qitvchi bilan kam faoliyatga kirishadi. Mustaqil hech kimni yordamisiz ishlaydi. Bunday vaziyatda o’qituvchi tomonidan o’quvchiga qanday yordam berilishi kerak? Avvalo, ish turlari o’qituvchi tomonidan puxta o’ylangan, ta’lim maqsadiga asoslangan bo’lishi kerak. O’qituvchi bu jarayonda har bir o’quvchining imkoniyatini hisobga olishi, ularni yosh xususiyatlarini, nimalarga qiziqishini ham e’tiborga olishi kerak.

O’quvchilarni mustaqil bilim olish jarayonlarida faoliyatini samaradorligini oshirishda pedagoglar nimalarga amal qilishi kerak?

-o’quvchida mustaqil bilim olishga qiziqish uyg’otish

-o’quvchini mustaqil ishlashga o’rgatish

-mustaqil bilim olish jarayonida o’quvchi faoliyatini faollashtiruvchi topshiriqlarni berib borishi

-topshiriqlarni osondan qiyinga, soddadan murakkabga qarab yo'naltirilganligiga e'tibor berishi

-topshiriqlarni o'quvchiga tushunarli bo'lishi va ma'lumotlarni darsliklardan topish imkoniyati borligi

-berilayotgan topshiriqlar o'quvchining yoshiga mos kelishi

- o'quvchilarni faolligini oshiruvchi metodlar bilan ish olib borish

- o'quvchilarni doimo qo'llab-quvvatlash va ularni rag'batlantirib borish

Yuqorida biz pedagoglar uchun tavsiyalarni ko'rib chiqdik. Bu tavsiyalar amalda qo'llanilishi orqali biz o'quvchilarni faollshtirib bilimlarini boyitib boramiz. Bu tavsiyalar natijasi qandy bo'ladi degan savolga esa albatta ijobiy fikrlarni ham topishimiz mumkin. Mustaqil bilim olayotgan o'quvchida mustaqil izlanishi uchun imkoniyat keng bo'ladi. Bu jarayonda o'quvchida oldiga qo'ygan muammoni aniq va tez hal qila olish, tafakkur yuritish qobilyati faollashadi. Hatto bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarda ham mustaqil bilim olish jarayonida o'zlashtirishning ijobiy tomonlari ko'rinadi. Bunday o'quvchilar mustaqil izlanishlari natijasida o'z imkoniyatlarini ko'rsata oladilar. Yashirin qirralarini namoyon qiladilar. Sababi mustaqil bilim olishga qaror qilgan o'quvchi doimo faol bo'ladi va o'z xatti-harakatlarini idora qila oladi. Kimgadir tobe bo'lishdan yiroq bo'lib mustaqil izlanadi. Mustaqil izlanish jarayonlarida o'quvchi o'zining imkoniyatlarini sinab ko'radi. O'ziga-o'zi baho berishni boshlaydi. O'qituvchi tomonidan berilgan topshiriqni a'lo darajada bajarishi uchun harakat qiladi. Chunki o'quvchida erkinlik bor, u mustaqil ishlayapti, o'quvchida izlanuvchanlik qobiliyati shakillanib boryapti. Mustaqil bilim olish jarayonida o'quvchida yangi innovatsion g'oyalar paydo bo'lyapti. Bu innovatsiyani o'qituvchi o'z vaqtida anglab qo'llab-quvvatlashi juda muhimdir.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, yurtimizda ta'lim sohasida o'quvchilarning iqtidori va salohiyatini yuzaga chiqarish, ularga ilm olishlari uchun keng yo'l ochib berishga qaratilgan chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Bugungi kunda mustaqil bilim olayotgan o'quvchilarning faoliyatini samarali tashkillash va ularni faolligini oshirish uchun o'quvchidagi mustaqil bilim olishga bo'lgan anglangan ehtiyojni shakillantirish, ularni qo'llab-quvvatlash, faollikka undovchi vazifalarni bajarishlari uchun to'g'ri yo'l ko'rsatib borish pedagoglar zimmasiga yuklatilgan vazifalardan biridir. Ta'limda kutilgan asosiy natijaga erishish, chuqur va puxta bilim berish, yuqori sifatdagi o'zlashtirishga erishish o'quvchining bevosita nazariy va amaliy bilimlarni boyitib borishga xizmat qiluvchi usullar orqali o'quvchilarni mustaqil bilim olishga o'rgatish zarur. Bilim olish jarayonida o'quvchida o'zligini anglash, o'ziga bo'lgan ishonchni mustahkamlash, bilim doirasi naqadar kengligi va tafakkur dunyosini boyligiga bo'lgan ishonchni ortib borishi juda ahamiyatlidir. O'quvchi o'zining imkoniyatini to'g'ri anglab yetsagina uning faolligi oshib boradi. Pedagoglardan o'quvchilarni faoliyatini samaradorligini oshirish uchun e'tibor va maqsadli harakatlar kutib qolinadi. Shu o'rinda rag'bat ham juda katta samara berishini aytib o'tishimiz kerak. Rag'bat orqali o'quvchining maqsadga bo'lgan intilishi jadallashadi, bajarayotgan ishidan ilhomlanib yangi bilimlar olishga ishtiyoq kuchayadi. O'z-o'zini rivojlantirish uchun o'quvchida motivatsiya paydo bo'ladi. Mustaqil bilim olish jarayonlarida o'quvchiga berilgan har bir topshiriqni pedagog albatta tekshirishi shart. Tajribalar shuni ko'rsatadiki , o'quvchi o'qituvchi rahbarligida ishlaganda tez fikr yuritadi. Qaror qabul qilishda ham

o’quvchida xozirjavoblik, va aniq xulosaga tez kela olishishini kuzatishimiz mumkin. Bu hollga o’rganib qolmasligi uchun o’quvchilarga ko’proq mustaqil o’qib o’rganishga yo’naltirilgan topshiriqlarni berib borish maqsadga muvofiq bo’ladi. Bu usul mustaqil bilim olish jarayonlarida o’quvchi faoliyatining samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Mustaqil bilim olish bugungi kunda ta’lim sohasining talabiga aylanib borayapti. Shu sababdan o’quvchi yoshlarimizni ilk maktab davrlaridan boshlab bu jarayonga tayyorlab borishimiz, kelajakda ta’lim sohasida biz kutayotgan ijobiy natijalarga erishishimiz uchun keng yo’l ochib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ozbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. –T. 1992 yil 8.12
2. “Tarbiyaning umumiy metodlari” –T. 2017 yil 13.04
3. “Rag’batlantirish metodlari” –T. 2020 yil 16.01
4. “Tarbiyaning umumiy metodlari, mazmuni va mohiyati” -Nukus. 2014 yil

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



INCLUSIVE EDUCATION AND ITS POSITIVE IMPACT ON THE LIVES OF HEALTHY CHILDREN.

Dilfuza Turgunova[1], Nafisa Ikromova[2]

[1,2] Namangan State University Theory and history of pedagogy direction I-year masters,

https://doi.org/10.5281/zenodo.4706590

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

education, equality in education, inclusive education, adaptation, support, disability, psychological support, inclusive education participants.

ABSTRACT

The article provides ideas and feedback on the psychological support of students studying at home.

INKLYUZIV TA'LIM VA UNI NOSOG'LOM BOLALAR HAYOTIGA IJOBIY TA'SIRI.

Dilfuza Turgunova[1], Nafisa Ikromova[2]

[1,2] Namangan State University Theory and history of pedagogy direction I-year masters,

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ta'lim, ta'limda tenglik, inklyuziv ta'lim, uyg'unlashuv, qo'llab

ANNOTATSIYA

Maqolada uy sharoitida ta'lim olayotgan o'quvchilarning psixologik qo'llab-quvvatlash to'g'risida fikir va mulohazalar keltirib o'tilgan.

Mamalakatimizda mustaqillikka erishilgan kundan boshlab, ta'lim sohasiga jahon standartlari talablarini joriy etish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Imkoniyati cheklangan bolalarning sog'lom tengdoshlari orasida bir xil sharoitda ta'lim olishning ta'minlash tendensiyasi ham shular jumlasidandir. Ta'limda tenglik bo'lishi, barcha bolalar birgalikda ta'lim olishi **Inklyuziv ta'lim** deb nomlanadi va bugungi kunda davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Inklyuziv –

(inklyuziya-inglizcha uyg'unlashish) hamkorlikdagi ta'lim, butun dunyo hamjamiyati tomonidan eng insonparvar va eng samarali ta'lim sifatida tan olingan. Inklyuziv ta'lim –imkoniyati cheklangan va sog'lom bolalar o'rtasida to'siqlarni bartaraf etish, ta'limda maxsus yondashuvga muhtoj bolalarni, barcha tengdoshlari bilan uyg'unlashgan holda ta'lim olishni ta'minklaydigan tizimdir. Nogironligi bor o'quvchilarning o'qitish, va rivojlanishiga yondashuvlarni o'zgartirish zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy sharoitda ijtimoiy moslashuvchan xulq-atvor ko'rinishga ega bo'lgan shaxslarni tarbiyalashga va ijtimoiylashuviga ko'malklashish bugunning eng dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Ushbu muammoning hal qilish usullaridan biri "Inklyuziv" ta'lim bo'lib u, teng huquqlar, erkinlik, jismoniy yoki boshqa qobilyatlaridan qat'iy nazar har qanday bola uchun mos ta'lim yo'nalishini tanlash imkonini beradi. 2020 yil 13.10 da qabul qilingan" Alohida ta'lim ehtiyojlari bo'lgan bolalarga ta'lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari"to'g'risidagi Prezident Qarorida ham inklyuziv ta'limga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish bo'yicha aniq ko'rsatmalar berilgan. Mazkur qarorni ijrosi mamlakatimizda izchillik bilan amalga oshirilib kelinmoqda. Hozirgi kunda asosiy vazifa nogiron bolalarni o'qitish, o'qitish sohasidagi mavjud tajribaga asoslanib har xil turdagi va turli xil muassasalarda inklyuziv ta'limni psixologik va pedagogik qo'llab-quvvatlashni maqbul va samarali tizimini yaratishdir. Inklyuziv ta'limning maqsad va vazifalari ta'lim muassasasida imkoniyati cheklangan bolalar va o'smirlarning ta'lim olishlari uchun zaruriy psixologik-pedagogik, korreksion sharoitlarni yaratish, ularning imkoniyatiga yo'naltirilgan umumta'lim dasturlari va korreksion ishlarni amlaga oshirish orqali ruhiy rivojlanishi, ijtimoiy moslashishini amalga oshirish, o'quvchilarning ta'limdagi tenglik huquqini ta'minlash. Psixologlar maktabda imkoniyati cheklangan o'quvchilar bilan ularni jamiyatga qo'shish va tengdoshlari bilan do'stona mehr-muhabbatli munosabatda bolishlari uchun korreksion va rivojlantiruvchi ishlarni amlaga oshirishi lozim. Imkoniyati cheklangan o'quvchining avvalo ruhiyatida ko'tarinkilikni barqarorlashtirishga qaratilgan alohida dastur yoki rejalar asosida ishlansa imkoniyati cheklangan bolalarni normal bolalar kabi topshiriq va vazifalarni tezlik bilan mukammal amlaga oshira olmasalarda , ammo imkoniyat darajasida amalga oshirishlari uchun ularda motivatsiya paydo qilinsa bu psixologning eng katta yutuqlaridan biri hisoblanadi. Psixolog ish jarayonida inklyuziv ta'lim ishtirokchilari bilan ham ish olib borishlari kerak. Inklyuziv ta'lim ishtirokchilari kimlar? Oila, mahalla, maktab jamoasi, sinfdoshlar, Xalq ta'limi, Sog'liqni saqlash tizimi. Inklyuziv ta'lim ishtirokchilari birgalikda faoliyat olib borsa maqsad va natija ham samarali bo'ladi.

Inkyuziv ta'lim bolalar hayotiga qanday ta'sir ko'rsatadi?

- Ozlariga o'xshamagan tengdoshlarini ehtiyojlarini his qiladilar
- Qo'llab-quvvatlash, yordam berishga intilish-insonparvarlik hissi tarbiyalanadi
- Yordamga muhtoj insonlarga e'tiborsizlik qilmaydigan shaxsga aylanadilar
- Tengdoshlariga g'amxo'rlik hissi uyg'onadi
- Insonlarga imkoniyati cheklanganlarga pozitiv munosabat, o'zaro hurmat tarbiyalanadi.

Maktabda inklyuziv ta'lim o'qituvchisiga quyidagi tavsiyalar beriladi:

- O'quv materiallarini imkoniyati cheklangan o'quvchining qabul qilish darajasida ekanligiga e'tibor berishi

- O’quvchining barcha analizatoriga ta’sir qiladigan ish olib borishi
- O’quv jarayonini samarali tashkil etishda interfaol usullarni qo’lash
- Kasbga yo’naltirish-va kasbga tayyorlik olib borishda maktab psixologi bilan hamkorlikda ish olib borishi
- O’zlashtirishni baholashda rag’batlantiruvchi usullarni qo’llashi
- O’zaro hamkorlikda ishlash orqali do’stona munosabat muhitini yaratishi

Xulosa o’rnida shuni aytib o’tishimiz mumkinki inklyuziv ta’lim nafaqat ta’lim borasida balki bolalarni ma’naviyva jismoniy o’sishlari, shuningdek vositalarni iqtisod qilish borasida ham samaralidir. O’zbekistonda inklyuziv-korreksion ta’lim va bolalar ta’lim muassasalarini asosiy tayanch punkitlarini tuzish Xalq ta’limi vazirligi va YuNESKO ning asosiy loyhasi hisoblanadi. Bu dasturning maqsadi yordamga muhtoj bolalarni o’qitish, rivojlantirish, ularni realibitatsiyasi bilan shug’ullanishga qaratilgan. Inklyuziv ta’limni davlat tashkilotlari va jamoatchilik bilan bo’lgan munosabatlar orqali rivojlantiradi. Bugun biz inkluyiz ta’lim natijasida nogironligi bor bolalarni ham eshitishni o’rganyapmiz. Kuzatuvlar shuni ko’rsatyaptiki inklyuziv ta’lim natijasida nogironligi bor bolalar ham haqiqiy hayotni bilish uchun insonni do’sti bo’lishi kerakligini tushundi. Chunki haqiqiy hayot bu atrofdagi insonlar bilan doimiy bog’lanish va muloqotda bo’lish degan fikrlar bolalar ongida shakillandi va shakillantirilib borilyapti. Bolalr o’zlarini hayotda o’rinlarini topishi uchun bilim va mehnatning ahamiyatini tushunib yetyaptilar. Nogironligi bo’lsada sog’lom tengdoshlariga nisbatan yutuqlari ko’p bo’lgan o’quvchilarni soni kundan-kunga ko’payib borayotgani quvonarli hol. Demak, inklyuziv ta’lim jarayonlari o’z natijalarini ko’rsatmoqda. Bolalarni hayotga qaytarish, ulardagi iste’dod va qobiliyatlarni yuzaga chiqarish yo’lidagi harakatlar besamar ketmayapti. Maktablarda pedagoglar va psixologlar belgilangan vazifalar va tavsiyalar asosida ish tashkillasalar yutuqlar yanada ko’payadi. Sog’lom tengdoshlari qatorida maktabda ta’lim olishlari uchun nogironligi bor bolalar uchun ham ma’naviy- ahloqiy tarbiya, kamolot uchun imkoniyati, ularni barkamolligi yo’lidagi harakatlar bundan buyon ham izchillik bilan davom ettiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Alohida ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarga ta’lim-tarbiya berish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari” to’g’risidagi Prezident Qarori –T.2020y. 13.10.
2. “Inkyuziv ta’lim” muvaqqat nizomi -T 2005 yil .
3. “Maktablar hamma uchun”, “Bolalarni qutqaring jamg’armasi” –T 2020yil.
4. “Xalqaro forum” materiallari – T. 2005 yil.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



HARMONY OF PRINCIPLES OF EDUCATION AND UPBRINGING

Yoqutxon Qoraboyeva[1], Rayhona Komilova[2]

[1,2] Theory and history of pedagogy of Namangan State University direction I-year masters,

https://doi.org/10.5281/zenodo.4706895

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

education, pedagogy, personal education, development, norms, social society, activity, educational content.

ABSTRACT

The article provides ideas and comments on the compatibility of the principles of education and upbringing.

TA'LIM VA TARBIYA TAMOYILLARINING O'ZARO UYG'UNLIGI

Yoqutxon Qoraboyeva[1], Rayhona Komilova[2]

[1,2] Namangan Davlat Unversiteti pedagogika nazariyasi va tarixi yonalishi I-kurs magistrantlari

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

tarbiya, pedagogika, shaxs tarbiyasi, rivojlanish, me'yor, ijtimoiy jamiyat, faoliyat, tarbiya mazmuni

ANNOTATSIYA

Maqolada ta'lim va tarbiya tamoyillarining o'zaro uyg'unligi haqida fikr va mulohazalar keltirib o'tilgan.

Tarbiya nazariyasi pedagogika fanining muhim tarkibiy qismi bo'lib, tarbiyaviy jarayonning mazmuni, shakl, metod, vosita va usullari hamda uni tashkil etish muammolarini o'rganadi. Hayotga yangicha siyosiy va iqtisodiy nuqati nazardan yondashish o'sib kelayotgan yosh avlod tarbiyasi bilan bog'liq jarayonni ham qaytadan ko'rib chiqishni taqozo etmoqda.

Tarbiya nazariyasi Sharq mutafakkirlari va xalq pedagogikasining tarbiya borasidagi boy tajribalariga tayanadi. Tarbiya nazariyasi o'z qoidalarini asoslash uchun falsafa, sotsiologiya, etika, estetika, fiziologiya, psixologiya kabi fanlarning ma'lumotlaridan foydalanadi. Tarbiya nazariyasi pedagogikaning boshqa bo'limlari: pedagogikaning umumiy asoslari, ta'lim

nazariyasi hamda xalq ta'limi tizimini boshqarish bilan uzviy bog'liq.

Tarbiya – muayyan, aniq maqsad hamda ijtimoiy-tarixiy tajriba asosida shaxsni har tomonlama o'stirish, uning ongi, xulq-atvori va dunyoqarashini tarkib toptirish jarayoni. Boshqacharoq talqin etilganda, tarbiya yosh avlodni muayyan maqsad yo'lida har tomonlama voyaga etkazish, unda ijtimoiy ong va xulq-atvorni tarkib toptirishga yo'naltirilgan faoliyat jarayonidir.

Turli zamon va makonda ijtimoiy tarbiya mohiyati turlicha bo'lib, uning mazmuni ijtimoiy maqsadlardan kelib chiqib asoslangan. Tarbiya g'oyasi turlicha ifodalangan bo'lsada, ammo yo'naltiruvchanlik xususiyati hamda ob'ektiga ko'ra yakdillikni ifoda etadi.

Tarbiya xususida taniqli o'zbek pedagogi Abdulla Avloniy shunday deydi: **«Al-hosil, tarbiya bizlar uchun yo hayot, yo mamot, yo najot - yo falokat, yo saodat – yo falokat masalasidur»**. Ushbu fikrlardan anglaniladiki, shaxs tarbiyasi hissiy ish emas, balki ijtimoiy, milliy ishdir. Zero, har bir xalqning taraqqiy etishi, davlatlarning qudratli bo'lishi avlodlar tarbiyasiga ko'p jihatdan bog'liq.

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy mustaqillikni qo'lga kiritgach, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida tub islohotlar olib borilmoqda. Islohotlarning asosiy g'oyasi respublikaning riojlanish va taraqqiyot yo'li deb e'tirof etilgan demokratik, insonparvar, huquqiy jamiyatning barpo etish uchun xizmat qiladi. Demokratik, insonparvar, huquqiy jamiyatning barpo etish vazifasi o'sib kelayotgan yosh avlod zimmasiga yuklanadi. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'qrisida»gi Qonuni, «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi» hamda I.A.Karimovning qator asar va nutqlari, chunonchi, «Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori», «O'zbekiston XXI asrga intilmoqda» nomli asarlarida mustaqil respublikada ijtimoiy tarbiyani yo'lga qo'yish maqsadi va vazifalari belgilab berilgan.

Tarbiya - shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtirilgan pedagogik jarayon bo'lib, tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkonini beradi.

Tarbiya jarayoni o'qituvchi va o'quvchi (tarbiyachi va tarbiyalanuvchi)lar o'rtasida tashkil etiluvchi hamda aniq maqsadga yo'naltirilgan hamkorlik jarayonidir. Tarbiya jarayonida tarbiyalanuvchining ongi shakllana boradi, his-tuyg'ulari rivojlanadi, ijtimoiy hayot uchun zarur bo'lgan ijtimoiy aloqalarni tashkil etishga xizmat qiladigan xulqiy odatlar hosil bo'ladi.

Tarbiya jarayonida bolalarning hayoti va faoliyatini pedagogik jihatdan to'g'ri uyushtirish g'oyat muhimdir. Faoliyat jarayonida bola tashqaridan kelayotgan tarbiyaviy ta'sirlarga nisbatan ma'lum munosabatda bo'ladi. Bu munosabat shaxsning ichki ehtiyoj va xohishlarini ifodalaydi. Psixolog va pedagoglarning tadqiqotlari shaxsga tashqi omillarning (xoh salbiy, xoh ijobiy) ta'siri bolaning ularga munosabatiga bog'liqligini ko'rsatadi. Bola faoliyatini uyushtirishgina emas, balki tarbiyalanuvchining bu faoliyatga nisbatan turli kechinmalarni qanday anglashi, baholashi, his qilishi, ulardan o'zi uchun nimalarni olayotganligini bilishi zarur. Zero, tarbiya ijtimoiy munosabatlarning murakkablashib borishi asosida kechadi.

Tarbiya jarayonida o'quvchining ongigina emas, balki his-tuyg'ularini ham o'stirib borish, unda jamiyatning shaxsga qo'yadigan axloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlarini hosil qilish lozim. Bunga erishish uchun o'quvchining ongi, hissiyoti va irodasiga

ta’sir etib boriladi. Agar bularning birortasi e’tibordan chetda qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi. Tarbiya jarayoniga o‘qituvchi rahbarlik qiladi. U o‘quvchilar faoliyatini belgilaydi, ularning ijtimoiy jarayonda ishtirok etishlari uchun shart-sharoit yaratadi.

Ijtimoiy jarayonda faol ishtirok etish orqali o‘quvchilarning mustaqilligi, ijodiy tashabbuskorligi ortib boradi. Faoliyat o‘quvchilar jamoasi manfaati va istagi asosida uyushtirilsa, bu jarayonda bolaning tengdoshlari va o‘zini o‘zi anglash jarayoni yuzaga keladi. Bola o‘z xulqi, xatti-harakati uchun jamoa oldida javobgarlikni sezishga erishgach, ijrochi emas, balki umumiy ishning faol qatnashchisi bo‘lib qoladi.

Tarbiyani samarali yo‘lga qo‘yish uchun uning harakatlantiruvchi kuchi, tarbiya jarayonining manbaini yaxshi bilish va hisobga olish muhimdir. Bu tarbiya jarayonidagi ichki va tashqi qarama-qarshiliklardan iborat.

Tarbiyada o‘quvchilarning tarbiyalanganlik darajasini ham hisobga olish kerak bo‘ladi. Bu jihat unutilsa, muayyan qarama-qarshiliklar vujudga keladi.

Faoliyat jarayonida hosil bo‘lgan malaka va odatlar axloq me’yorlariga rioya qilishni engillashtiradi.

Demak, tarbiyachi bola shaxsining tez rivojlanadigan davri – o‘quvchilik yillarida uning ongiga turli faoliyat (o‘qish, mehnat, ijtimoiy ishlar, o‘yin, sport, badiiy havaskorlik) yordami bilan maxsus ta’sir etish muhimdir. Aks holda xulq me’yorlari, axloq talablarini yaxshi tushunmay qolishi natijasida shaxs ijtimoiy munosabatlarda beqaror, tasodifiy ta’sirga beriluvchan bo‘lib qolishi mumkin.

Tarbiya yaxlit jarayonda amalga oshirilib, uning tarkibiy qismlari ayni bir vaqtda, faoliyatning biror turi asosida namoyon bo‘ladi.

Umumiy pedagogika jarayonida tarbiya muhim o‘rin tutadi. SHaxsni shakllantirish, boshqarish, nazorat xarakteriga ega bo‘lib, bu borada belgilangan vazifalar tasodifiy harakatlar orqali emas, balki oldinda belgilangan va puxta o‘ylangan rejalar asosida hal etib boriladi. Tarbiya jarayonida uning maqsadi, shakl va metodlari, shaxsning o‘zini-o‘zi tarbiyalash va qayta tarbiyalash jihatlari muhim o‘rin tutadi.


Xulosa o’rnida shuni aytishimiz mumkinki, tarbiya mazmuni ijtimoiy tuzum buyurtmasi asosida belgilanib, uning amalga oshishi uchun ma’lum shart-sharoitlarning mavjudligi talab etiladi. Har qanday ijtimoiy jamiyatda yosh avlod tarbiyasi muayyan maqsad asosida tashkil etiladi. Tarbiya maqsadi ijtimoiy jamiyat taraqqiyoti, uning rivojlanish yo‘nalishi, ijtimoiy munosabatlar mazmunidan kelib chiqib belgilanadi.

Tarbiya mazmunida oldinga qo‘yilgan maqsad va vazifalarga muvofiq o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalar, shaxs xulq-atvori hamda sifatlari mohiyati aks etadi. Tarbiya mazmuni shaxsning shakllanishiga qo‘yiluvchi ijtimoiy talablar mohiyatidan iborat bo‘lib, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot, kishilik munosabatlari mohiyati va darajasi, shuningdek, jamiyat mafkurasi g‘oyalari asosda belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida» gi Qonuni.
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi.
3. I.A.Karimov. “ Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori”. T. «Sharq», 1997 yil.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE ROLE OF GAME TECHNOLOGY IN THE FORMATION OF ORGANIZATIONAL QUALITIES IN GENERAL SECONDARY SCHOOL STUDENTS

Kamalova Azima Odiljon qizi [1]

[1] Namangan State University master of History of Pedagogical Theory

https://doi.org/10.5281/zenodo.4706984

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

Education, Capability , pedagogic technology , game technology, Private idea, motivation

ABSTRACT

Today, we turn to modern pedagogical technologies to solve educational problems. In the process of education, we can use the technology of "Game", as well as its implementation, the formation of moral norms in students, as well as the achievement of aesthetic and labor education tasks.

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTAB O'QUVCHILARIDA TASHKILOTCHILIK SIFATLARINI SHAKLANTIRISHDA O'YIN TEXNOLOGIYASINING O'RNI

Kamalova Azima Odiljon qizi [1]

[1] Namangan davlat Unversiteti pedagogika nazariyasi tarixi magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Tarbiya, qobilyat, pedagogik texnologiyalar, "Oyin" texnalogiyasi, mustaqil fikr, motivatsiya .

ANNOTATSIYA

Bugungi kunda ta'lim masalalarni yechish uchun biz zamonaviy pedagogik tehnalogiyalarga murojat etamiz. Ta'lim tarbiya jarayonida " Oyin " texnalogiyasidan foydalanish ,uni amalga oshirish bilan bir qatorda o'quvchilarda axloq normalarining tarkib topishi , shuningdek estetik va mehnat tarbiyasi vazifalarining xam bajarilishiga erishish imkoniyatiga ega bo'lishimiz mumkin .

Jamiyat taraqqiyoti ko'p jihatdan fuqorolarning intelektual saloxiyati, shijoati, yosh avlodnong kamoloti xamda ularning ma'naviy-axloqiy sifatlariga egaliklari bilan bog'liq. O'zbekiston Respublikasida komil inson malakali mutaxsisni tarbiyalsh yo'lida amalga oshirilayotgan ijtimoiy xarakat yosh avlodda ijtimoiy faollikni shaklantirish, ta'lim, mehnat va ishlab chiqarish jarayonlarini shaxsiy qobilyatlarini to'laqonli namoyish etish, shuningdek , o'zlari mansub bo'lgan jamoallarning imkoniyatlarini muyyan maqsad atrofida birlashtirish

borasidagi layoqatni tarbiyaalshda muhum axamiyat kasb etadi

Ma’lumki mamlakatimizning barcha jabhalarida bo’lgani kabi Ta’lim soxasida xam keng ko’lamli islohotlar amalga oshirilmoqda .Shu asnoda o’quv muassasalari moddiy tehnika bazasini mustahkamlash va o’sib kelayotgan yosh avlodning zamon talablari darajasida bilim olish, kasb egallashga yordamlashish maqsadida, ta’lim muassasalarida bu yaratilayotgan imkoniyatlardan foydalangan holda tarbiyalanuvchi o’quvchi yoshlar qobiliyati va istedodini rivojlantirishni, aniq maqsadlarini ko’zlagan holda ular bilan ishlash tizimini takomillashtirish , ushbu yo’nalishda oila ,mahalla va maktab hamkorligini kuchaytirish, jamoatchilik etiborini o’quv tarbiya va o’quvchi yoshlar shaxsini qobiliyatlarini rivojlantirishga jalb etish chora tadbirlari ishlab chiqildi.

Bugungi kunda ta’lim jarayonlariga berilayotgan imkoniyatlardan foydalangan holda zamonaviy pedagogik tehnalogiyalarni to’g’ri o’rganib o’quvchi yoshlarga tadbiq etib keng fikrli barkamol xar soxada xabardor intelektual salohiyatli kadrlarni tayyorlash bugungi kun pedagoglarining oldiga qo’ygan eng dolzarb masalalaridan biri.

Bugungi kunda bu kabi masalalarni yechish uchun biz zamonaviy pedagogik tehnalogiyalarga murojat etamiz. Zamonaviy pedagogik tehnalogiyalardan biri “Oyin “ texnalogiyasidir. Ta’lim tarbiya jarayonida “ Oyin “ texnalogiyasisida foydalanish ,uni amalga oshirish bilan bir qatorda o’quvchilarda axloq normalarining tarkib topishi , shuningdek estetik va mehnat tarbiyasi vazifalarining xam bajarilishiga erishish imkoniyatiga ega bo’lish mumkin .

Pedagogik ta’lim tarbiya berish jarayonida o’z oldiga aniq maqsad qo’yishi va shu maqsadni amalga oshirish yo’llarini belgilab olishi lozm. Bu yo’nalishlarni belgilashda o’quvchi yoshlarni individual psixologik va jismoniy xususiyatlari va o’quv faoliyati predmetlarini inobatga olgan xolda tanlab belgilab olishlari , yangi o’quv predmetlarini o’zlashtirishda amaliy samaradorlik darajasini oshiradi. “Oyin “ tehnalogiyalaridan foydalanish o’quvchi faoliyatining psixologik tomonlarini ochib berish bilan birga o’rganilayotgan mavzuga o’quvchining mustaqil fikrlarini namoyon qilish imkoniyatini beradi, bu esa faoliyat jarayonida o’z o’zini topish imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga imkon beradi.

“Oyin “ tehnologiyasi orqali o’quvchilarning o’z qobiliyatlari va imkoniyatlarini ijod maydonida erkin ijod qilishga ega , xamda aniq maqsadni ko’zlagan xolda o’z iqtidorini namoyon etadishlari mumkin.

Bu kabi imkoniyatlar fanlar - aro bog’lanishlardan unumli foydalanishlari uchun kichik amaliyot vazifasini o’taydi, bu amaliyot jarayonida pedagog o’quvchilarning uyushqoqlik , ta’sirchanlik raxbarlik , liderlik, sofdillik , mardlik va o’zaro o’rtoqlik munosabatlarida o’zlarini qanday tutishlari , xamda jamoa oldida o’z burchlarini qanday xis etib bajarishlarini o’rganib nazorat qilish imkonini baeradi. “Oyin “ o’zaro kurash musobaqalashish raqobat va imkoniyatlarni to’g’ri tanlash tashabbuskorlik tarzda kechganligi, bu faoliyatda o’quvchi mustaqqil fikrlar , o’zini tashabbuskorlik qobiliyatini namoyon eta oladi. “Oyin “ faoliyatida o’quvchini o’z fikrlarini mustaqqil belgilab xarakatlar mavzuni boshqa fanlar va faoliyat turlari bilan bog’laydi. O’quvchini o’z rejasini bildira olishi uni amalga oshirish , unga eltuvchi metod usullar va vositalarni ishlab chiqishi o’z faoliyatini baholab tahlil etish imkonini yaratadi. Bu orqali esa tarbiyalanuvchi o’zidagi ijobiy sifatlarni baxolab tahlil etadi. Tadqiqot davrida maktab

o’quvchilarida tashkilotchilik sifatlarini shaklantirishga xizmat qiluvchi o’yinlarning ayrimlarini sinf raxbari , fan o’qituvchilari shu jumladan metodistlarga ham tavsiya etish mumkin “O’rin almashtirish ”

“Quyonlar va fillar”

“Lider bo’ling”

“Taqiqlangan xarakatlar ”

Tavsiya etilayotgan “O’yin” texnologiyalardan foydalangan holda o’quvchilarda tashkilotchilik sifatlarini shaklantirib, ko’zlagan maqsadga erishishlari mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Safo Ochil. “ Mustaqillik ma’naviyatida va tarbiya asoslari” , “ O’qituvchi “ nashriyoti - T . : 1995.

2.Z. Mirtursunov .” Xalq pedagogikasi” – T : 1994.

3.A.Q.Munavvarov . “ Pedagogika “ ,”O’qituvchi” nashriyoti.1996.

4.Tolipov . O’. Q. Usbonboyeva M. “ Pedagogik tehnologiyalarning tadbiqiy asoslari “ – Toshkent : “Fan “ 2006.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



USE OF ABDULLAH AVLONI'S WORKS IN EDUCATIONAL LESSONS

Yo'ldosheva Mohidil Sobirjon qizi [1]

[1] Namangan State University, Faculty of Pedagogy and Psychology

Master of Theory and History of Pedagogy 1st stage

https://doi.org/10.5281/zenodo.4707111

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

education, upbringing, ethics, behavior, enlightenment, pedagogy, thought education, moral education, pedagogical skills.

ABSTRACT

This article discusses the use of the ideas of education in the works of Abdullah Avloni in the newly introduced "Education" lessons and its application in practice. Abdullah Avloni's writings focus on education and morality.

TARBIYA DARSLARIDA ABDULLA AVLONIY ASARLARIDAN FOYDALANISH

Yo'ldosheva Mohidil Sobirjon qizi [1]

[1] Namangan davlat universiteti Pedagogika- Psixologiya fakulteti

Pedagogika nazariyasi va tarixi 1-bosqich magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ta'lim, tarbiya, axloq, xulq-atvor, ma'rifat, pedagogika, fikr tarbiyasi, axloq tarbiyasi, pedagogik mahorat

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yangi joriy etilgan "Tarbiya" darslarida Abdulla Avloniy asarlaridagi tarbiyaga oid fikrlardan foydalanish va uni amaliyotga tadbiq qilish to'g'risida fikr mulohazalar yoritilgan. Abdulla Avloniy yozgan asarlarida tarbiya va odob- axloq masalasini alohida e'tibor berilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni xamda Kadrlar Tayyorlash milliy dasturi asosida ta'lim soxasida tubdan islohotlar amalga oshirildi. Ta'lim mazmuni yangilandi, yangi ishlab chiqilgan davlat ta'lim standarti, o'quv dasturlari asosida esa zamonaviy pedagogik va axborot tehnologiyalariga asoslangan darsliklar yaratildi. Vazirlar Mahkamasi 2020-yil 6-iyuldagi "O'rta umumta'lim muassasalarida "Tarbiya" fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 422-son qarorni qabul qilingani

esa ta’lim sohasidagi eng katta islohotlardan biri bo’ldi.

Mazkur darslik maktablarda avval o’qitilgan “Milliy g’oya”, “Odobnoma”, “Dinlar tarixi”, “Vatan Tuyg’usi”kabi fanlar asosida yagona fan sifatida yaratildi. 2020-2021 o’quv yilida 1-9- sinflarda o’qitish yo’lga qo’yildi. 10-11-sinflarda esa mazkur fan 2021-2022 o’quv yilidan boshlab joriy etilishi aytildi.

Mazkur darslikda yoshlarni fikrlashga o’rgatadigan, vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, irodalilik, mafkuraviy immunitet, mehr-oqibatlilik, ma’suliyatlilik, bag’rikenlik, huquqiy madaniyat, innovatsion fikrlashga o’rgatish, mehnatsevarlik kabi ko’nikmalar shakllantirish asosiy maqsad qilib olingan. Milliy an’analarimiz, ulug’ allomalarimiz ijodidan na’munalar keltirilgan.

Tarbiya darslarining muqovasiga Abdulla Avloniyning tarbiya haqidagi fikri keltirilgani ham bejiz emas. Tarbiya biz uchun qay darajada kerakli ekani to’liq yoritib berilgan.

“ Tarbiya biz uchun yo hayot- yo mamot, yo najot- yo halohat, yo saodat-yo falokat masalasidir “

Taniqli ma'rifatparvar adib Abdulla Avloniy pedagogik fikr taraqqiyotiga salmoqli hissa qo‘shgan, o‘z asarlarida o‘zbek xalqining eng yaxshi an'analarini, ta'lim-tarbiyaga oid muhim hayotiy masalani aks ettirgan pedagog, olimdir.

«Turkiy guliston yoxud axloq» asari axloqiy va ta'limiy tarbiyaviy asardir. Asarda insonlarni «yaxshilikka chaqiruvchi, yomonlardan qaytaruvchi» bir ilm- axloq haqida fikr yuritiladi.

Abdulla Avloniy farzand tarbiyasi haqida fikr yuritib «Agar bir kishi yoshligida nafsi buzulib, tarbiyasiz, axloqsiz bo‘lib o‘sdimi, allohu akbar, bunday kishilardan yaxshilik kutmoq yerdan turub yulduzlarga qo‘l uzatmak kabidur», - deydi. Uning fikricha, bolalarda axloqiy xislatlarning tarkib topishida ijtimoiy muhit, oilaviy sharoit va bolaning atrofidagi kishilar g‘oyat katta ahamiyatga ega.

O‘zbek pedagogikasi tarixida Abdulla Avloniy birinchi marta pedagogikaga «Pedagogika», ya'ni bola tarbiyasining fanidir», deb ta'rif berdi. Tabiiy bunday ta'rif Avloniyning pedagogika fanini yaxshi bilganligidan dalolat beradi.

Abdulla Avloniy bola tarbiyasini nisbiy ravishda quyidagi to‘rt bo‘limga ajratadi: 1. «Tarbiyaning zamoni». 2. «Badan tarbiyasi». 3. «Fikr tarbiyasi». 4.«Axloq tarbiyasi» haqida hamda uning ahamiyati to‘g‘risida fikr yuritadi. «Tarbiyaning zamoni» bo‘limida tarbiyani yoshlikdan berish zarurligini, bu ishga hammani: ota-ona, muallim, hukumat va boshqalarning kirishishi kerakligini ta'kidlaydi.

Tarbiya xususiy ish emas, milliy, ijtimoiy ishdir. Har bir xalqning taraqqiy qilishi, davlatlarning qudratli bo‘lishi avlodlar tarbiyasiga ko‘p jihatdan bog‘liq, deb hisoblaydi adib Tarbiya zurriyot dunyoga kelgandan boshlanib, umrning oxiriga qadar davom etadi. U bir qancha bosqichdan - uy, bog‘cha, maktab va jamoatchilik tarbiyasidan tashkil topgan. Avloniy tarbiyaning doirasini keng ma'noda tushunadi. Uni birgina axloq bilan chegaralab qo‘ymaydi. U birinchi navbatda bolaning sog‘ligi haqida g‘amxo‘rlik qilishi lozimligini uqtiradi.

Avloniyning fikricha, sog‘lom fikr, yaxshi axloq, ilm-ma'rifatga ega bo‘lish uchun badanni tarbiya qilish zarur. «Badanning salomat va quvvatli bo‘lmog‘i insonga eng kerakli narsadur. Chunki o‘qumoq, o‘qutmoq, o‘rganmoq va o‘rgatmoq uchun insonga kuchli, kasalsiz jasad lozimdir».

Abdulla Avloniy badan tarbiyasi masalasida bolani sog‘lom qilib o‘stirishda ota- onalarga murojaat qilsa, bolani fikr

tomondan tarbiyalashda o‘qituvchilarning faoliyatlariga alohida e'tibor beradi.

«Turkiy guliston yoxud axloq» kitobi ma'rifatparvarlik g‘oyalarini targ‘ib qiladi. Abdulla Avloniy kitobda ilm to‘g‘risida bunday deydi: «Ilm dunyoning izzati, oxiratning sharofatidur. Ilm inson uchun g‘oyat oliy, muqaddat bir fazilatdur. Zeroki, ilm bizga o‘z ahvolimizni, harakatimizni oyina kabi ko‘rsatur. Zehnimizni, fikrimizni qilich kabi o‘tkur qilmoq, ... Ilmsiz inson mevasiz daraxt kabidur...». Avloniy ilmni umuman emas, balki uning amaliy va hayotiy foydalarini aytib, «Bizlarni jaholat, qorong‘ulikdan qutqarur. Madaniyat insoniyatni ma'rifat dunyosiga chiqarur, yomon fe'llardan, buzug‘ ishlardan qaytarur, yaxshi xulq va odob sohibi qilur... Alhosil butun hayotimiz, salomatimiz, saodatimiz, sarvatimiz, maishatimiz, himmatimiz, g‘ayratimiz, dunyo va oxiratimiz ilma bog‘lidur».

U ilmning jamiyat taraqqiyotidagi rolini yaxshi tushunadi. Shuning uchun ham u, yoshlarni ilm sirlarini bilishga, hodisalar mohiyatini yechishga, kitob mutolaa qilishga chaqiradi. Uning fikricha, ilm agar jamiyat manfaatiga xizmat qilmas xalq farovonligi yo‘lida qo‘llanmasa, u o‘likdir. A.Avloniy o‘z ilmini amalda qo‘llay oladigan kishilarga yuksak baho beradi, ularni dono insonlar, deb ataydi.

Abdulla Avloniy o‘tmish mutafakkirlari kabi yoshlarni foydali kasb-hunar egallashga chaqiradi. Adib boylik ketidan quvuvchilarni, ularning odamgarchilikka to‘g‘ri kelmaydigan ishlar bilan shug‘ullanayotganini ko‘rib, ulardan nafratlanadi. Avloniy yoshlarni boylikka ruju qo’ymaslikka undaydi. Boylikni o’tkinchi bulutga o’xshatadi.

Abdulla Avloniy o’z asarida sabr , toqat, sabot va matonat masalalariga to’xtalib, “ Har bir ishda sabr ila harakat qilmoq lozimdur. Sabr insonlar uchun buyuk bir fazilatdir, maqsadga yetish yo’lidir. Nafsni sabr ila rom qilgan kishi xar ishda oshiqmay, oxista harakat qilur. Nafsini halokatdan, g’ururdan saqlar. Sabr shunday bir kuchli narsadurki, tavoz’uga, yomonlikni yaxshilikka aylandurmoqg’a quvvati yetar… Sabr shodlig’ning kalitidur…”.


“ Turkiy guliston yoxud axloq”ning birinchi sahifasidan to so’ngi sahifasigacha Avloniyning insonparvarlik g’oyalari ifodalangan. U hammadan burun xalq manfaatini ko’zlaydi, xalqqa bajonu dil hizmat qilishni o’zining muqaddas burchi deb biladi. Uning nazarida kishilar g’amini yemagan, xalqdan uzoq turgan ig’vogar , g’iybatchi inson emas.

Abdulla Avloniyning ta’lim-tarbiya sohasidagi qarashlari o’zbek xalqining ruhiyati, turmush tarzi, milliy qadriyatlari bilan chambarchas bog’langan. Uning boy pedagogik merosi milliy maktab, milliy pedagogikani rivojlantirishda qimmatbaho manba bo’lib hizmat qiladi. Shu ma’noda Avloniyning siymosi, faoliyati biz uchun qadrlidi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Asqar Zunnunov. “ Pedagogika nazariyasi”. Toshkent “Aloqachi”-2006.
2. B.X.Xodjayev. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. “Sano –standart” nashriyoti Toshkent -2007.
3. Vazirlar Mahkamasi 06.07.2020 yildagi «Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida «Tarbiya» fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 422-son qarori.
4. Abdulla Avloniy. ,, Tanlangan asarlar” 1- jild Toshkent “Manaviyat” 2006.
5. Abdulla Avloniy. ,, Tanlangan asarlar” 2- jild Toshkent “Manaviyat” 2009.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHODS OF TEACHING THE MODULE "SPEECH TECHNIQUES AND ITS OWN PROPERTIES" ON THE BASIS OF INNOVATIVE APPROACH

Jurayeva Mushtariy Muxaydinovna[1]

[1] Namangan State University

1st year master's degree at the Faculty of Theory and History of Pedagogy

https://doi.org/10.5281/zenodo.4707205

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

Speech, speaker, innovative, speech technique, high breath, sound, thinking, high breath, chest breathing.

ABSTRACT

It is gratifying that words and phrases such as innovation, pedagogical technology, interactive methods, communication have penetrated into almost all areas of education. The aim is to keep pace with the times and to solve the problem of effective, fast and easy delivery of scientific and theoretical information. The effectiveness of education is determined not only by the demands of development, but also by the increase in the level of knowledge, intellectual capacity, mastery. This article discusses the specifics of the art of speech and public speaking, the role of innovative technologies in the formation of speech skills.

INNAVATSION YONDASHUV ASOSIDA "NUTQ TEXNIKASI VA UNI ÒZIGA HOSLIKLARI " MODULINI ÒQITISH METODLARI

Jurayeva Mushtariy Muxaydinovna[1]

[1] Namangan Davlat Universiteti

Pedagogika nazariyasi va tarixi fakulteti 1-kurs magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-aprel 2021
Ma'qullandi: 19-aprel 2021
Chop etildi: 21-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Nutq, notiq,innovatsion, nutq texnikasi, yuqori nafas, tovush, fikr yuritish, yuqori nafas,ko'krak nafas.

ANNOTATSIYA

Innovatsiya, pedagogik texnologiya, interaktiv metodlar, kommunikatsiya kabi so'z va so'z birikmalari ta'limning deyarlik barcha yo'nalishlariga kirib borganligi quvonarlidir. Bulardan ko'zlangan maqsad zamon bilan hamqadamlik va yangiliklarni, ilmiy-nazariy ma'lumotlarni ta'sirchan, tez va oson etkazish muammolarini hal etishdir. Ta'lim-tarbiya ta'sirchanligi taraqqiyotning talabigina bo'lib qolmay, balki bilim olish, intellektual salohiyatni oshirish, o'zlashtirish darajasining yuksalishi bilan ham belgilanadi. Ushbu maqolada nutq va notiqlik san'atining o'ziga xosligi, nutq mahoratini shakllantirishda innovatsion texnologiyalarning o'rni masalasiga munosabat bildiriladi.

Taraqqiyotning talabi zamonaviylik va yangilikka intilish bilan ekani ma’lum. Barcha jabhalarda bo‘lgani singari madaniyat va san’atning ravnaqi ham ana shu mezonlarga tayanadi. Hozirgi kunda innovatsiya, pedagogik texnologiya, interaktiv metodlar, kommunikatsiya kabi so‘z va so‘z birikmalari ta’limning deyarlik barcha yo‘nalishlariga to‘la kirib borganligi quvonarli holdir. Bulardan ko‘zlangan maqsad zamon bilan hamqadamlik va yangiliklarni, ilmiy-nazariy ma’lumotlarni ta’sirchan, tez va oson etkazish muammolarini hal etishdir. Ta’lim-tarbiya ta’sirchanligi taraqqiyotning talabigina bo‘lib qolmay, balki bilim olish, intellektual salohiyatni oshirish, o‘zlashtirish darajasining yuksalishi bilan ham belgilanadi. Prezidentimiz I. A. Karimov ta’kidlaganlaridek, “Yuksak bilimli va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim shartidir.”

Shubhasizki, barqaror taraqqiyot va modernizatsiyaning tub mohiyati ham ta’lim-tarbiya ta’sirchanligiga borib bog‘lanadi. Bu esa novatorlikni ya’ni, yangilikka intilishni, interfaol usul va uslublarni istifoda etishni, turli innovatsion va axborot kompyuter texnologiyalardan foydalangan holda ta’lim ta’sirchanligi, samaradorligi va sifatini oshirishga erishishni taqozo etadi.

Nutqning aniqligiga, talaffuzning tiniqligiga erishish, yutuq va kamchiliklarni anglash, ularni tuzatish uchun tinimsiz mashqiy jarayonni amalga oshirish kerak. Dastavval, har bitta talabaga berilgan matnni qanday o‘qishi tekshiriladi. Nazmiy yoki nasriy matnni o‘qishida uning o‘z tushunchasi aks etadi. Ya’niki, kimning qanday o‘qishi uning shunday tushunishidir. Navbatma-navbat boshqa talabalarga o‘tishdan oldin matnni ifodali o‘qib, uning mazmunini so‘zlab bergan talabaga xos bo‘lgan nutqiy yutuq va nutqiy nuqsonlarni aniqlash jarayonini amalga oshirish talab etiladi. Har biri o‘z nuqtai nazarini kuzatuvlari asosida bayon etishadi. Shu yo‘sinda kamchiliklar aniqlanadi. CHunki, aksariyat talabalar turli viloyatlardan bo‘lib ular nutqida mahalliy sheva unsurlari sezilib turadi. Adabiy til me’yorlariga rioya etishlari uchun mashaqqatli mashqiy jarayondan o‘tishlari kerak. Bu esa uzluksiz va muntazam ravishdagi izlanish va takroriy mashqlar bilan hal etiladi. Talabalarning nuqsonlari bilan o‘qilgan ovozli matnlari saqlab qo‘yilishi, imkoni bo‘lsa, o‘zlariga ko‘chirib berilgani ma’qul. Toki, ular o‘z kamchiliklarini bilib, tugatsinlari uchun. So‘ng taqdim etilgan she’riy yoki nasriy matnning taniqli va tajribali suxandon yoki aktyorlar ijrosida o‘qilgan ovozli variantini ularga qo‘yib berish ham bu borada ancha samara berishi haq. To‘g‘ri, did bilan dillashish mushkul. Hammaning o‘z qarashi, didi va baholash mezoni bor. Lekin shuni yodda tutish zarurki, matn mazmuni, so‘z ma’nosi qanday o‘qishni ko‘rsatuvchi yo‘llanmadir.

Notiqlikda so‘z qo‘llash mahorati borasida so‘z ketganda, notiq nutqida uch bosqich amalga oshiriladi. Bu topish, tanlash, va qo‘llashdir. Topish notiqning so‘z boyligiga daxldor bo‘lsa, tanlash didi, saviyasiga, qo‘llash esa uning mahoratiga tegishlidir. Topish til boyliklaridan, sinonimlardan qanday foydalana olishingizga mezon bo‘lsa, tanlash psixologik, etik va estetik normalarga amal qilish zaruratini bildiradi. Qo‘llash esa og‘zaki yoki yozma ravishda bo‘ladi. Siz tinglovchi yoki tomoshabin bilan yuzma-yuz bo‘lasiz. Aytilgan so‘z otilgan o‘qdek keta boshlaydi. Zal yoxud auditoriyada o‘zingizni, so‘zingizni, yuzu ko‘zingizni jamoaga roslaysiz, xoslaysiz, moslaysiz. Aks holda, fikr ommaga etib bormaydi, maqsad to‘g‘ri

yo‘naltirilmagan bo‘ladi. Jamoaga etkazmoqchi bo‘lgan fikringiz, oliy maqsadingiz strategiya bo‘lsa, uni amalga oshirish bilan bog‘liq usul va yo‘llar esa taktikadir. Har qanday taktik harakat strategik maqsad bilan ekanini yodda tutish mohiyatlidir. Vaziyatga, omma kayfiyatiga qarab taktikani almashinib turishini e’tibordan soqit qilish yaramaydi. Nutqning jonli, ta’sirchan va aniq ifodalashga intilish, ya’ni, ijro mahoratiga erishish ahamiyatli.

Notiqning nutqiy jarayoni uch bosqichli bo‘lsa, sahna nutqida esa ikkita bosqich amalga oshiriladi. Bu yodlash va aytish. Matn turg‘unligi aktyorning erkin harakat qilishiga imkon bermaydi. U ta’bir joiz bo‘sa, jilovlangan ot kabidir. To‘g‘ri, aktyor matn mazmuni va ruhidan kelib chiqqan holda, ba’zan improvizatsiyaga yo‘l qo‘yishi mumkin. Lekin, me’yordan oshib ketishi ma’qul ko‘rilmaydi. Aktyor quvvai hofizasi va so‘zlarni aniq, jozibador, ta’sirli ayta olishi bilan notiqlarga ibrat bo‘ladi deyish mumkin. CHunki, ularda ovoz, nafas mashqlari, til, tish, burun, lab, jag‘ kabi nutq a’zolarining maromli, me’yoriy harakatlari qayta-qayta ishlanib takomillashgan bo‘ladi.

Pedagogik texnikaning tarkibiy qismlaridan biri o‘qituvchining nutq malakalarini, ya’ni savodli gapirish, o‘z nutqini chiroyli va tushunarli, ta’sirchan qilib bayon etish, o‘z fikr va his-tuyg`ularini so‘zda aniq ifodalash malakalarini egallashdan iborat.

O‘qituvchining nutq madaniyatiga ega bo‘lishi, to‘g`ri nafas olishni ishlab chiqishi eng katta – eng asosiy qiymatdir. Og`zaki nutq mahoratini yuksaltirish, nafaqat hikoya va tushuntirish, balki urg`u berilgan so‘z ham pedagogik ta’sir usullaridan yaxshiroq foydalanishga imkon yaratadi.

Bugungi kunda nutq texnikasi bo‘yicha bir necha mashq komplekslari ishlab chiqilgan. Ular, asosan teatr pedagogikasi tajribasiga asoslangan bo‘lib, so‘zlashish paytida nafas olish, tovush hosil qilish va uni ma’noli ifodalash malakalarini takomillashtiradi, bu esa o‘qituvchiga o‘z so‘zi mazmunini o‘quvchilarga yanadi to‘laqonli qilib yetkazishga imkon beradi.

Nafas olish organizmga hayot bag`ishlovchi fiziologik funktsiyani bajaradi. Shu bilan birga u nutq energiya bazasi bo‘lib ham hisoblanadi. Nutq so‘zlayotganda nafas olish – fonatsion nafas olish deyiladi (rengo-tovush). Kundalik hayotdagi nutq asosan dialog shaklida bo‘ladi. SHuning uchun ham nafas olish ortiqcha qiyinchilik tug`dirmaydi. Dars davomida o‘qituvchi juda ko‘p gapiradi, yangi mavzuni tushuntiradi, ma’ruza o‘qiydi. Nutq so‘zlashda qaysi mushaklarning ishtirok etishiga qarab nafas olish 4 turga bo‘linadi.

Yuqori nafas – yelkalarning ko‘tarilib tushishi va ko‘krak qafasining yuqori qismi ishtirokida hosil qilinadi. Bu bo‘sh yuzaki nafas bo‘lib, unda o‘pkaning faqat yuqori qismi ishtirok etadi.

Ko‘krak nafas - qovurg`alar o‘rtasidagi mushaklar yordamida hosil bo‘ladi. Bunda ko‘proq nafasning ko‘ndalang hajmi o‘zgaradi. Diafragma ishtirokidagi nafas - ko‘krak nafasning bo‘ylama hajmini oshishi hisobiga vujudga keladi. Diafragma - qovurg`ali nafas, diafragmaning qisqarishi qovurg`alar oralig`idagi nafas mushaklari ishtirokida vujudga keladi.

Tovush – chiqarilayotgan havo hiqqildoqdan o‘tishi paytida ovoz pardalarining tebranishi natijasida vujudga keladi. Tovush o‘zining qo‘yidagi xususiyatlari bilan xarakterlanadi:

Tovush kuchi - tovush apparati organlarining faol ishlashiga bog`liq. Chiqarilayotgan havo oqimining tovush tarqalishiga bo‘lgan bosimi qancha katta bo‘lsa, tovush ham shuncha kuchli bo‘ladi.

O‘qituvchilar asabiylashmasligi, ayniqsa, ovqat yeyish kun tartibiga rioya

qilishlari kerak. Masalan: achchiq, issiq, sovuq, spirtli ichimliklar ichish, chekish ovoz paydo bo‘lish a’zolarining qizarishiga, yallig`lanishiga sabab bo‘lishi mumkin. Tomoqni qurib qolishidan saqlash uchun mutaxassislar soda va yod eritmasi bilan halqumni chayqab turishni tavsiya etadilar. Quyidagi maslahatlar ham o‘qituvchilarga foydali:

1) bir xil tonda gapirish ovoz muskullarini charchatib qo‘yadi. Agar har xil, ifodali belgilar bilan gapirilsa, ovoz apparatlari sog`lom bo‘ladi;
2) bo‘r-melning mayda changlari ovoz paylari uchun juda ham zararli, doimo doskani ho‘l latta bilan artish kerak;
3) dars bergandan so‘ng, agar havo sovuq bo‘lsa, tez yurmaslik kerak. Chunki, sovuq havo xalqumni yallig`lantiradi.

O‘quvchilarning o‘qituvchi nutqini yaxshi idrok etishlari uchun o‘qituvchi tovush, so‘zlarni aniq va ifodali talaffuz qilishi kerak. Tovush, bo‘g`in va so‘zlarni to‘g`ri talaffuz qilishda ovoz apparati: lablar, til, tish, jag`lar, tanglay, kichik til, halqum, ovoz paylari qatnashadi. Nutqdagi organik kamchiliklarni jarrohlik va logopedik uslublar bilan bartaraf etish mumkin.

Noorganik kamchiliklar esa: to‘ng`illab gapirish, soqovlanish, duduqlanish, ba’zi bir tovushlarni talaffuz eta olmaslik, burunda gapirish, tez gapirish, chala gapirish.

Bularni bartaraf etish uchun nutq organlari harakatini artikulyatsiya gimnastikasi orqali mashq qildirish tavsiya etiladi. Bu ikki yo‘l bilan amalga oshiriladi: a) nutq apparatlarini mashq qildirish, b) har bir unli va undosh tovushlarning to‘g`ri artikulyatsiyasini mashq qilish.

Nutqning tezligi, alohida bo‘g`inlarning va so‘zlarning jaranglashi, shuningdek, nutq ritmidagi pauzalarga rioya qilish nutqning ritmini tashkil etadi. K.S.Stanislavskiyning ta’kidlashicha, intonatsiya va pauzaning o‘zi, so‘zdan ham ortiqroq eshituvchiga hissiy ta’sir etar ekan. Nutq tezligi o‘qituvchining individual xususiyatlariga, nutq mazmuniga va muloqot vaziyatiga qarab o‘zgaradi.

Pedagogik texnikani egallashning asosiy yo‘llari: o‘qituvchi rahbarligidagi mashg`ulotlar (pedagogik texnikani o‘rganish) va mustaqil ishlash (kasbiy jihatdan o‘z-o‘zini tarbiyalash)dir.

Nutq qobiliyatini o’stirish vositalari. Matn o’qish. Matnni baland ovozda o’qish. Bunda vaqti-vaqti bilan faraz qilinayotgan auditoriyaga nigoh tashlab turing. Bunda faraziy ko’z qarashlar orqali erkin nutq hissiga erishishga harakat qiling. SHu bilan birgalikda matnning keyingi so’zlarini bir zumda oldindan o’qib xotirangizda saqlash va keyin talaffuz qilishga o’rganing. SHunda nutqingizda uzilish bo’lmaydi.

Matn ma’nosini etkazib berish. Matnning ikkitadan beshta gapgacha bo’lgan qismini o’qib uni gapirib bering. Bunda so’zma-so’z gapirishga yoki o’z so’zlaringiz bilan ifodalashga harakat qiling.

Fikr yuritish. Erkin nutqqa ko’p marotaba o’qish yoki yodlash olib kelmaydi. Aksincha bu maqsadga erishishga konspekt va tayanch iboralar asosida nutq tuzish va fikr yuritish zamin yaratadi.

“Fikr yuritish” iborasidan tafakkur va nutq o’rtasidagi mustahkam bog’lanishni belgilash uchun foydalanamiz. Bu degani, fikrning asosi kalit so’zlar qatori orqali ifodalangan. Bitta fikrni kalit so’zlarga tayangan holda turlicha shakllantirish mumkin.

Hikoya. O’zingiz yoki boshqa kimdir bilan sodir bo’lgan voqealarni gapirib berishda mashq qiling.

Ish yuzasidan axborot berish. Gazeta maqolasidan kalit so'zlar majmuasini tayyorlang va "o'zingizning so'zlaringiz"ga o'girgan holda uning mazmunini yoriting. Shundan so'ng maqolani birgina gapgacha qisqartiring, keyin esa o'z fikrlaringizni qo'shish orqali uni kengaytiring.

Rasmlarni sharhlash, ekspromt tarzda nutq so'zlash ham katta samara beradi.

Notiq nuqtai nazarini ifodalovchi nutq. Aniq mavzuga (xobbi, kasbiy maqsad va hokazo) bag'ishlangan 3 minutdan 5 minutgacha bo'lgan axborot tayyorlang. Uning boshki qismida kalit so'zlardan foydalaning, oxirgi qismini esa erkin tarzda shakllantiring (nutqni ham ovoz chiqarib, ham ovozsiz takrorlab ko'ring). Maqolada berilgan ma'lumotga o'z munosabatingizni aniqlang: shu fikrga qo'shilasizmi yo'qmi? Fikringizni tasdiqlovchi qo'shimcha ma'lumotlar keltiring.

Notiqlar nutqini o'rganish. Notiqlar chiqishlarini kuzatganda ularni ikki nuqtai nazardan tahlil qiling:

1) nima deyildi?

2) qanday aytildi? (ovoz kuchi, balandligi, urg'u, temp, talaffuzi, imo-ishora).

Nutq tahlili. Chop etilgan nutq "jonli" nutqni aynan ifodalay olmaydi, lekin ko'p narsaga o'rgatishi mumkin: tuzilishi, kompozitsiyasi, uslub va boshqaga.


Munozaralar. Nazariy tayyorgarlik, mashqlarni mustaqil bajarganingizdan so'ng oldin kichik, keyin esa kattaroq auditoriyalar oldida nutq so'zlashda mashq qilishingiz kerak.

Nutq. Endi dokladga o'tsa ham bo'ladi. Buning uchun oldin o'zingiz puxta bilgan bilimlar sohasini tanlang va barcha ko'rsatmalarni yodda tutgan holda nutq so'zlashga harakat qiling.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. YUksak ma'naviyat engilmas kuch-T Ma'naviyat, 2008
2. Ishmuhammedov R., AbduqodirovA., Pardaev A.Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – Toshkent, 2008.
3. A.Nosirova. "Sahna nutqi" "Tafakkur bo'stoni", T – 2013.
4. Xodjimatova M. "Sahna nutqi" XrestomatiY. T. 2011.
5. Jumanov I. Sahna nutqi. –T., 2007.
6. Stanislavkiy K.S. Rabota aktyora nad soboy chast-2.-M.: Isskustvo.
7. Inomxo'jev S.Badiiy o'qish asoslari. –T.: O'qituvchi, 1973.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF ACCOUNTING IN THE CONDITIONS OF AN INNOVATIVE AND DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN

Vafokhojaeva Dilafruz Marufovna [1]

[1] Assistant, SBTSUE

https://doi.org/10.5281/zenodo.4707304

ARTICLE INFO

Received: 15th April 2021
Accepted: 19th April 2021
Online: 21st April 2021

KEY WORDS

innovative technologies, innovative development strategy, accounting, crypto-assets, "blockchain", cloud technologies, Internet service

ABSTRACT

The article reveals the content of the concept of the process of transition of a market economy to a digital one, and also considers the most important tasks for the further development of the digital economy of the Republic of Uzbekistan. The role and importance of accounting in the digital economy and the phased implementation of this process are highlighted and described. Particular attention is paid to economic reforms for the development of the national economy and the accelerated introduction of modern innovative technologies of the Republic of Uzbekistan.

In Uzbekistan, the socio-economic reform aimed at the interests of the population is being consistently carried out. In order to ensure the dynamic development of the national economy and the accelerated introduction of modern innovative technologies, the "Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" and "Strategy of innovative development of the Republic of Uzbekistan for 2019-2021" were adopted. These documents stipulate priority tasks for the further development of sectors of the national economy.[1]

The state takes large-scale measures to develop the digital sector of the economy. Electronic document management systems are being introduced, electronic payments are developing and the regulatory and legal framework in the field of e-commerce is being improved.

Digital economy. Functioning on information and technological platforms is developing with intensive speed, which causes the need to create new models of such platforms.

“Blockchain” technology (distributed data registry technology), "artificial intelligence", the use of supercomputer capabilities, as well as cript-assets activities are one of the directions of development of a digital economy in many countries of the world. Technologies "Blokchain" are gradually being introduced not only in many sectors of the economy, but also to the system of public administration and other public relations.

Accounting plays an important role in the functioning of the economy. The right organization of accounting is important and to improve production efficiency. Therefore, national accounting standards are developed and introduced, which are based on

international standards, and take into account the characteristics of the accounting system of our republic. Today it is impossible not to notice the trend towards automation and modernization of systems. It also affected accounting - almost all organizations need to automate this process. Huge volumes of ledger and endless accounts and overheads, which were constantly lost, now went into the past.

In addition, on July 3, 2018, the President of the Republic of Uzbekistan signed a decree "On measures to develop the digital economy in the Republic of Uzbekistan", which outlined such important tasks for the further development of the digital economy in the republic as:

- taking measures to develop the turnover of crypto assets;

- taking measures to develop blockchain technology;

- implementation and development of smart contracts;

- improving the training of personnel for the development and implementation of platforms;

- taking measures to develop cooperation with international and foreign organizations in the development and implementation of platforms, as well as for the joint implementation of projects.[2]

The resolution of these tasks determines the further improvement of the management system, accounting and control of the activities of economic entities. According to statistical data, there are currently more than 314 thousand economic entities in Uzbekistan in five forms of ownership. A lot of material, financial and labor resources have been formulated at these enterprises. The rational use of these resources is an important condition for the growth of the national economy.

In the age of information and technology, it is imperative to observe technological conditions of life and work of people. Separate and hold accounting education from such events is impossible. “E-learning environments ”, which is one of the main training tools and communication today, presents many new opportunities for practitioners and learners in all areas of accounting education.

The objectives of the development of technology for processing and transmitting information primarily contribute to improving the quality of life of individuals, enterprises, institutions and, therefore, society. Information technologies today significantly affect the business world and our social life. As for accounting, accounting software is effectively used in our country. There are many accounting packages in the market written for a single accounting system. Along with the unified accounting, computerized accounting applications increased rapidly, and almost all companies in Uzbekistan began to conduct their reporting with such applications. Consequently, the recording and control of transactions has become easier. The use of computers in accounting, respectively, increased the development of information technologies and at the same time it became more complex. While simple operations, such as receivables, the salary calculation is performed in accounting using a computer, after that, such as invoice invoice, warehouse records, customer entry, began to be performed simultaneously.

Recently, foreign economic activity has been improving in Uzbekistan, many enterprises with foreign capital are being

created, the volume of exports and imports of products is increasing, the requirements for the competitiveness and financial stability of the activities of economic entities are increasing. In resolving new tasks due to market transformations of the economy, much depends on correct and reliable accounting, transparent audits, and objectivity of audit reports based on the results of audits of enterprises.

Nowadays, the issue of using advanced information technologies in various fields of activity, in particular, in accounting, which is the central component of the management system of any object. The development of the digital economy requires the improvement of modern information and telecommunication technologies, which provides new opportunities for accounting. The use of information technology helps to increase the competitiveness of organizations by reducing costs, reducing the influence of the human factor and accelerating work.

Digital technologies are the most important components of the process of using information resources in accounting and reporting.

“Cloud” technology is a service for renting space on the Internet for storing and processing information. Cloud technology has enough advantages to be used for accounting purposes, but it also has disadvantages, the main one being uninterrupted Internet connection.

The advantages of using the "cloud" in accounting are as follows:

- cost reduction;

- the possibility of remote access;

- reliability (risks of technical failures are minimized);

- the ability to work in the system at any time.

However, the disadvantages of using cloud technologies should be highlighted:

- the need to provide information of internal use to third parties, therefore, data leakage is possible;

- most electronic accounting departments offer users a standard set of settings;

- the risk of lack of Internet connection, which may interfere with the work in the service.

The digital economy expands the capabilities of a modern accountant, improves the quality and efficiency of accounting, forms modern innovative approaches to integrating various types of accounting. Replacement paper work with automated accounting using personal computers and special accounting programs has freed the accountant from routine work and improved the results of their work.

Currently, special Internet services have appeared in the accounting department, which allow performing all accounting operations online, banks and information technology portfolios that are introduced into the daily work of an accountant.

Does an online store need an accountant.Many entrepreneurs want to save money by abandoning the work of a professional specialist who is able to register business transactions and draw up tax reports. This solution is advisable for start-up stores with low turnover. If the owner knows the basics of accounting, then he can take on these responsibilities for some time.

A separate employee is required to organize the work of a large online store with a general taxation scheme. Accounting

formation will require significant expenses, including:

• remuneration of a specialist;

• creation of a workplace;

• purchase of licensed programs.

It is possible to save and simplify this part of the organization of work by turning to outsourcing services or hiring an employee who works remotely. The maintenance of the warehouse register can be delegated to managers who, through cloud services, can receive primary documents, synchronize balances.

Phased organization of online store accounting.Stores operating in the network must choose a taxation system adequate to the circumstances, peculiarities of their activities, prepare the correct policy for conducting warehouse, accounting, tax accounting. Each of these stages requires a separate detailed consideration.

Organization of accounting, tax accounting. After the choice of the taxation system has been made, it is necessary to determine how to structure the accounting procedure, what tools and software will be required. To answer all these questions, you need to understand the list of procedures performed in the course of the online store, the list of documents for their implementation, registration.

For the most part, the sale of goods, products via the Internet implies the following costs:

• technical support of the web resource;

• purchase of goods;

• storage;

• delivery services;

• return of goods in case of their unsuitability.

To provide all these expenses with a sufficient documentary base, fixing the income received, it is necessary to carry out many operations. Accounting for an online store requires the following procedures:

1. Drawing up, conclusion of contracts, agreements.

2. Preparation of consignment notes.

3. Making payments through the cashier of an economic entity.

4. Transfer of compulsory payments, including tax payments.

5. Drawing up, sending reports to supervisory and regulatory authorities.

6. Payroll.

Each of these procedures must be documented. The necessary papers must be issued in printed and electronic form at the same time. The confirmation of the legitimacy of the documents is the presence of the signature of the responsible persons. Each online store is an economic entity (legal entity or entrepreneur) and therefore is obliged to keep accounting. This process is impossible without the organization of a competent warehouse register. In carrying out such operations, paying taxes, interacting with controlling structures, one cannot do without special knowledge and skills. For the first time, you should refuse to hire an accountant or delegate his authority to an employee working remotely. As the turnover grows, you will have to think about organizing a full-fledged accounting department. The key difficulty in organizing accounting for an online store is choosing the most suitable systems, developing a strategy for its maintenance. Otherwise, accounting, taxation, tracking the movement of goods and materials does not present serious difficulties, if at the

initial stage the process was properly structured and organized. I would like to note that there are many materials that, to one degree or another, reveal the essence of e-commerce. However, most foreign authors in their works rely on the practical side of this problem and, as a rule, pay less attention to theory. One of the first authors to consider the theoretical aspects of this phenomenon, and gave a characterization of e-commerce, is the American economist David Kozier. He is one of the researchers considering e-commerce as e-commerce. Kozier considers the structure of traditional trade to be the basis of e-commerce, specifying that the use of electronic networks gives it flexibility. Today, e-commerce has found its niche everywhere, replacing the traditional international marketplace in almost every country, especially in the retail sector.

Speaking about e-commerce in Uzbekistan, we can assume that this sphere of the economy is just beginning to show its potential, and if we speak in the language of numbers, then only in the first three months of 2018. the amount of e-commerce transactions in the country amounted to 663.5 billion soums ($ 82.697 million), an increase of 49.3% compared to the same period last year - 444.4 billion soums ($ 55.376 million). Of course, one of the main levers in the development of this area is provided by state reforms, for example, on February 12, 2018. The Association of Electronic Commerce of Uzbekistan was created, the main tasks of which are - establishing ties, as well as partnerships with local authorities and management, conducting and organizing trainings, targeted seminars, presentations and conferences, organizing arbitration courts to resolve disputes arising from civil legal relationships and many others.

Despite the ongoing developments in this area, the e-commerce market in Uzbekistan is still in the process of growth, so it is very early to say what exactly stimulates our consumers to make electronic purchases. There is a set of things that will determine how e-commerce will evolve.

Firstly, this is the veiled market, that is, it can be legislative problems (lack and inferiority in the laws of our country on e-commerce), regulatory aspects and the level of access of the population to the Internet in general. Today, the percentage of users is increasing, and the consumption of entertainment content is at a steadily growing level.

In parallel with entertainment content, the digital economy is also developing, because it is with the development of domestic content that trust also develops, and when there is trust, there is also the opportunity to sell / buy something, to carry out mutually beneficial deals and auctions, because they are all ultimately based on trust. Problems with the legal framework have hampered the development of e-commerce until today, however, on May 14, 2018. The President of the Republic of Uzbekistan, Sh.Mirziyoyev approved the program for the cardinal development of e-commerce for 2018-2021 by decree "On measures to accelerate the development of e-commerce."The National Register, on a free and voluntary basis, includes individual entrepreneurs and legal entities that provide services for the delivery, storage of electronic documents and messages, as well as providing electronic trading platforms, whose e-commerce revenues account for at least 80% of the total.It all comes down to how quickly the legal framework and taxation will be modernized. There is a fairly large number of players both inside the country and abroad

who would build their business after the rational settlement of existing difficulties, but already now many players are moving forward on the enthusiasm and belief that everything will change very soon and the leadership of our country will arrange everything. back to square one.

Thus, over the past few years, the profession of an accountant has remained one of the most demanded in the labor market. Recently, the number of accountants who want to improve their professional level has been steadily growing. Actually, this is the future of the profession - the transition of accountants from low qualification levels to higher ones, which is a positive trend in the development of the profession. In the context of the "digital economy", "knowledge economy", the capabilities of an accountant and an auditor are expanding, while the range of competencies necessary for these specialists is growing. The needs of employers make it necessary to strengthen the orientation of the training of accountants to solve urgent problems of accounting, analysis and audit. This requires not only the harmonization of educational programs of universities and professional standards, but also the use in the educational process of the latest achievements of economic science, systematic advanced training, as well as impeccable adherence to the norms of professional ethics.

Ilk o‘rta asrlar Sug‘dning Naxshab hukmdorligi dastlab Kesh tarkibida bo‘lib, keyinchalik alohida ajralib chiqib mustaqil maqomga ega bo‘lgin. N a x sh a b – Qarshi vohasida, Qashqadaryoning quyi oqimi bo‘ylarida joylashgan o‘rta asr shahri va viloyati nomi bo‘lib, Naxshab shahri Qarshi shahridan 8 km shimoliy-g‘arbdagi Shulluktepa shahar xarobasi o‘rnida bo‘lgan.Milodiy VII-VIII asrlarda Naxshabda ot tasviri, G - belgisi va turkiy yuz tuzulishdagi hokim rasmi tushirilgan mis tangalar zarb qilingan. VIII asrning 2-yarmidan bu tangalar fels deb atalgan. Arablar istilosidan so‘ng Naxshab viloyatning ma’muriy markazi bo‘lgan. Naxshab o‘rta asrlarda 3 qismdan – ark, shahriston va raboddan tashkil topgan, mudofaa devori bilan o‘ralgan, 4 ta darvozasi – Buxoro, Samarqand, Kesh va G‘ubdin darvozalari bo‘lgan.

Quyi Qashqadaryodagi Naxshab shahrining Eftaliylar hukmdorining qarorgohlaridan biri bo‘lganligi Janubiy Sug‘dning (Qashqadaryo vohasi) siyosiy mavqyei oshishiga olib kelgan omillardan biri bo‘lganligini ta’kidlash lozim. Voha hududi orqali qadimdan Buxoro va Samarqand Sug‘didan Janubiy-Sharqiy Eron, Afg‘oniston va Hindistondagi savdo shaharlariga olib boruvchi yo‘llar o‘tgan bo‘lib, bu karvon yo‘llari yo‘nalishlarini o‘rganish Janubiy Sug‘d va undagi mulklar, makonlarning joylashuviga xos xususiyatlarni va chegaralarini, tarixiy geografik o‘rnini aniqlashtirishda muhim ahamiyatga egadir. Shu bois ushbu masalalarga to‘xtalib o‘tish lozim.

Samarqand va Buxorodan keluvchi yo‘llar quyi Qashqadaryoning yirik shahri Naxshabda tutashgan. Bu davrga mansub Xitoy manbalarida (Bey shi, Suy shu, ushbu ikkala yilnomada keltirilgan ma’lumotlar Tan shu yilnomasida takrorlanadi) Nashebolo deb keltirilgan bu shahardan Amudaryoning o‘rta oqimidagi kechuvlarga (Kalif, Kerki, Burdaliq) yoki Subah, G‘uzor, Temir Darvoz orqali Termizga borilgan (Ilk o‘rta asrlarga kelib, Yerqo‘rg‘on o‘rnidagi ko‘hna shahar xarobaga aylangach, voha markazi Qala’i Zahoki Moron yodgorligi o‘rnida bo‘lgan Naxshab shahriga ko‘chgan). Samarqanddan janubga ketuvchi asosiy yo‘llarning bir yo‘nalishi hozirgi Ko‘kdala dashtlari va Qo‘ng‘irtog‘ning shimoliy yonbag‘irlari orqali o‘tgan[1].

Bu hududda ilk o‘rta asrlarda o‘troq makonlar kam uchrab, asosan ko‘chmanchi chorvador qabilalarning qishlik qarorgohlari, quduqlar mavjud bo‘lib, ular Samarqand – Naxshab yo‘lining muhim bekatlari sifatida ham katta ahamiyatga ega bo‘lgan. Shu bilan birga vohadagi qadimgi yo‘llarni o‘rganish davomida to‘plagan ma’lumotlarimiz Samarqand – Naxshab oralig‘idagi dashtlarda ilk o‘rta asrlardayoq yirik istehkomlar ko‘rinishidagi qo‘rg‘onlar paydo bo‘lganligini ko‘rsatmoqda. Bunga misol tariqasida Ko‘kdaladan 20 km.cha g‘arbda joylashgan Hazorbuqa va Qoratepa yodgorliklarini ko‘rsatish mumkin. Samarqand – Qarshi temir yo‘lidan 1,5-2 km. cha g‘arbda, Olatun temir yo‘l bekatiga yaqin joyda joylashgan Hazorbuqa va Qoratepa yodgorliklari XX asrning 70-yillarida Qarshi arxeologik tadqiqotlar ekspedisiyasi tomonidan o‘rganilgan[2].

Tadqiqotchilarning fikricha, bu yodgorlikka mil. III-IV asrlarda asos solingan. Bu yodgorliklar mahalliy chorvadorlarning qishlik qarorgohlari hamda Samarqand – Naxshab savdo yo‘lining muhim oraliq bekatlari sifatida ham muhim ahamiyatga ega bo‘lgan. Bu makonlarning geografik o‘rni chorvador qabilalarning joylashuvi, qishlik qarorgohlarini va yaylovlarini aniqlashtirishda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Samarqandni janubdagi xalqaro savdo markazlari bilan bog‘lovchi yo‘l ham qadimdan Qashqadaryo vohasi orqali o‘tgan. Ularning eng muhimi va faol foydalanilgani Samarqand – Nasaf yo‘nalishi bo‘lgan. Samarqanddan Jom dashti orqali Nasafga kelgan yo‘l bu yerda bir necha tarmoqqa bo‘lingan. Bir yo‘nalishi Buxorodan kelgan yo‘lga qo‘shilib Subah, Kindik qishlog‘i, Temir Darvoza orqali Termizga olib borgan[3]. Kindik qishlog‘i Nasafdan va Keshdan

[1] Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 24; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах … Ч. II. – С. 273.

[2] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 127.

[3] Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 127; Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия... – С. 191; Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с сопредельными территориями // Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М., 1990. – С. 103.

3 kunlik yo‘l masofasida bo‘lib, bu yerda Samarqanddan Kesh orqali keluvchi savdo yo‘li Nasaf – Termiz savdo yo‘liga qo‘shilgan. Samarqanddan Nasaf orqali Amudaryodagi kechuvlarga (Kelif, Kerki, Amul) ham borilgan.

Samarqanddan, shuningdek, Jom cho‘li – Chiroqchi – Huzar (G‘uzor) yo‘nalishi orqali Temir darvozaga va Chag‘oniyonga (Surxon vohasiga) chiquvchi o‘rta yo‘l ham bo‘lgan. Qashqadaryoning o‘rta oqimi o‘ng qirg‘og‘idagi Oltinboshtepa va Chandaraktepa nomlari bilan saqlanib qolgan yodgorliklar bu yo‘nalishni aniqlashtirishga yordam beradi[4].

Janubiy Sug‘dda, shuningdek, Buxorodan to‘qqiz kunlik masofada bo‘lgan Amudaryoning chap sohilidagi Kelif va Kerki shaharlariga eltuvchi yo‘llar tizimida Kasbi va Bazda, Iskifagn, Kesh va Naxshab oralig‘ida Navkad Quraysh, Oltintepa kabi hunarmandchilik markazlari hamda ko‘plab qishloqlar rivoj topadi. Topilmalar va yodgorliklarning tarixiy-geografik joylashuvi bo‘yicha amalga oshirilgan tadqiqotlar bu yodgorliklar asosiy qismining iqtisodiy rivojini birinchi navbatda dehqonchilik xo‘jaligi tashkil etganligini tasdiqlaydi.

Ilk o‘rta asrlarda ham Turk xoqonligining ikki yirik shahri Buxoro va Samarqandni Xuroson va Hindiston bilan bog‘lovchi tranzit savdo yo‘llari Qashqadaryo vohasi orqali o‘tardi. Bu yo‘llar bo‘yida joylashgan shahar va qishloqlar vohaning tarixiy geografik chegaralarini aniqlashtrishda muhim ahamiyatga ega. Shu sababali bu yo‘nalishlarni ko‘rib o‘tish maqsadga muvofiqdir.

Bu davrda vohaning bosh shahri hisoblangan Nasaf haqida manbalarda ko‘plab ma’lumotlar keltiriladi. Qashqadaryo vohasinining ikkita bosh Xususan, Chandaraktepa (IX-XIII asr boshlari) Qashqadaryodagi kechuvini nazorat qiluvchi muhim manzil hisoblangan. Quyi Qashqadaryoda yangi shaharga asos solinadi. Mahalliy aholi Naxshab deb atagan bu shaharni arablar o‘z talaffuzlariga moslab Nasaf deb nomlanganlar.

Shaharning rivojlangan davri X–XII asrlarga to‘g‘ri keladi. Nasaf shahri (bu shahar mo‘g‘ullar bosqinidan so‘ng xarobaga aylangan), arxeologik tadqiqotlarga ko‘ra, Qarshidan 8 km. shimoli-g‘arbdagi Shulluktepa yodgorligi o‘rnida bo‘lgan. shahri - Nasaf va Keshni bog‘lovchi ichki savdo yo‘li ilk o‘rta asrlarda Qashqadaryoning chap qirg‘oqlari bo‘ylab o‘tgan. Bu yo‘nalishda Zuhratepa, Qamaytepa, Oltintepa, Kishmishtepa va boshqa yodgorliklar o‘rganib chiqilgan[5].

Bu davrda Buxoro – Nasaf yo‘nalishi (30 farsax) Qorachun, Miyonqal, Maymurg‘ orqali o‘tgan bo‘lib, uni karvonlar 4 kunda bosib o‘tishgan[6]. Nasafda Buxorodan keluvchi yo‘l tarmoqlanib, Balxga quyidagicha: Nasaf – Subah – Kindik qishlog‘i – Temir Darvoza – Termiz – Balx yoki Nasaf – Kelif – Balx yo‘nalishlarida borish mumkin edi. Amudaryoning o‘rta oqimidagi muhim kechuvlardan bo‘lgan Kelif Termizdan 2 kunlik yo‘lda, Balxdan 18 farsax uzoqlikda joylashgan edi.

Arab manbalarida, bu kechuv nomi bilan ataluvchi Kelif shahri Amudaryodagi daryoning har ikki tomonida joylashgan yagona joyligi qayd etiladi. Nasafning g‘arb tomonida Kaspi (4 farsax) va Bazda qishloqlari (6 farsax) joylashgan bo‘lib, ular ilk o‘rta asrlarda Naxshab mulkining g‘arbiy

[4] Лунина С.Б. Города Южного Согда ... – С. 35-36.

[5] Камолиддин Ш.С. К вопросу об этнической ситуации // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 233

[6] Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия ... – С. 191.

chegaralarida joylashgan edi. Kaspi arman manbalarida mustahkam qo‘rg‘on sifatida qayd etiladi. Sosoniylar davrining mashhur sarkardalaridan biri Bahrom Chubin Turk hoqonligi yerlarini zabt etganda Balxdan barcha “Kushonlar yerini” Kaspigacha bo‘lgan hududlarni qo‘shib bo‘ysundirganligi manbalarda yozib qoldirilgan[7].

X asrda, arab manbalariga ko‘ra, Kaspi Nasafdan ham kattaroq shahar bo‘lgan. Naxshabning g‘arbiy qismida joylashgan Bazda shahri ham Janubiy Sug‘dning muhim mulklaridan biri bo‘lgan. Suv manbalari yetarli bo‘lmasa-da, Bazda atrofidagi mulklarda dehqonchilik rivojlangani, aholi ekinlarini quduq suvlari bilan sug‘orishi manbalarda aks etgan. Bazda shahriga mil. era boshlarida asos solingan. Turk hoqonligi davrida Naxshab mulkining g‘arbiy chegaralaridagi muhim istehkomlardan biri hisoblangan. Naxshabdan Bezdagacha bo‘lgan masofa 40 km ni tashkil etgan[8].

Bu shahar xarobalari Kuhna Fazli yodgorligi o‘rnida bo‘lgan. Kaspi va Bazda shaharlari o‘zlarining qulay geografik holati tufayli Buxorodan Termiz, Balx va Xurosonning boshqa savdo shaharlariga o‘tuvchi karvon yo‘llari tizimida muhim o‘rin tutgan. Manbalarda Buxorodan Kaspi orqali Termizga, Bezda orqali Kelif kechuviga va Termizga (ular orasida Jiken, Ko‘hna rabot, Said qudug‘i, Bezda, Horan Raboti, Buxoroliklar qishlog‘i, Xorazmliklar qishlog‘i va Balxan kabi oraliq manzillar bo‘lgan) boruvchi karvon yo‘li haqida ma’lumotlar mavjud138. Karvonlar Buxorodan Bezdagacha bo‘lgan masofani 4 kunda, Buxoro – Kelif yo‘lini esa 5 kunda bosib o‘tganlar[9].

Bu yo‘nalish savdo karvonlarining yo‘lini ancha qisqartirib, vaqt va yo‘l xarajatlarini tejash imkonini berardi. Janubiy Sug‘diyonaning asosiy suv manbai bo‘lgan Qashqadaryo hamda uning chap irmog‘i bo‘lgan G‘uzordaryo havzasidagi Kesh, Nakshipa (Ksenipa), Naxshab, Subah kabi shaharlar vohaning ichki va tashqi iqtisodiy aloqalarida katta o‘rin tutgan. Tadqiqotlarning ko‘rsatishicha, milodiy era boshlarida Yerqo‘rg‘ondan Qashqadaryoning o‘ng qirg‘og‘i bo‘ylab Beshtepa, O‘ratepa, Qo‘ziboy tepa, Shahri-Xaybar yoki Qorabayir tepa, Payshanbatepa kabi yodgorliklar orqali shimolga ketuvchi yo‘llar, Nasaf (Shulluktepa), Kofirtepa, Qal’ai Zahoki Moron orqali G‘uzor vohasiga ketuvchi yo‘llardan foydalanilgan[10]. Bu davrda Sharqiy Qashqadaryoning bosh shahri bo‘lgan Keshni Nakshipa (Yerqo‘rg‘on) bilan bog‘lovchi yo‘l vohaning ichki yo‘llari tizimida bosh bo‘g‘in bo‘lib qoldi

Xitoy manbalarida keltirilgan ma’lumotlarga e’tibor qilinsa, Naxshabning Kesh tarkibida bo‘lganligini anglashiladi. Ammo Naxshab hukmdorlari qadimdan o‘z nomlaridan tanga zarb etganliklari ma’lum. Xitoylik mualliflar Naxshabning ma’muriy chegaralarini keltirishda xatolikka yo‘l qo‘yishgan. Ularda Naxshab Eron bilan chegaradosh deb keltiriladi. Balki, bu o‘rinda yilnoma mualliflari bir muddat Sug‘dga Amudaryo orqali chegardosh bo‘lgan Sosoniylar davlatini nazarda tutishgandir.

Naxshab hukmdorlari ham o‘z nomlaridan tangalar zarb qilgan bo‘lib, ushbu tangalar kam o‘rganilgan. Qashqadaryo hududidan 1953 yilda Qarshi shahridan 3 km. sharqda joylashgan milodiy III-IV asrlarda

[7] Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 56.
[8] Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 58
[9] Бартольд В.В. Туркистан в эпохи монгольского нашествия ... – С. 190-191
[10] Бартольд В.В. Туркистан в эпохи монгольского нашествия ... – С. 190-191

oid bugungi Chimqo‘rg‘on suv ombori atrofidagi Pirmat bobo-tepa, Qo‘shtepa, Sho‘rtepa va Ovultepa yodgorliklaridan topilgan tangalar orasida “sherni mag‘lub etayotgan hukmdor” tasviri tushirilgan tangalarning ushbu hukmdorlik tarixi bilan bog‘liqligi xususida qarashlar mavjud[11].

Sug‘dshunos V.A. Livshisning ta’kidlashicha, O.I. Smirnovaning ushbu tangalardagi sug‘diy yozuvni “kushoniy, kushonga oid” talqin etishi S.K. Kabanovning Qashqadaryo vohasida so‘nggi kushonlarning manzilgohlari bo‘lganligi to‘g‘risidagi taxminni ilgari surishiga sabab bo‘lgan edi[12]. Dastlab xioniylar so‘ngra kidariy va eftaliylar tarkibiga singib ketgan kushonlar manzilgohlarining Sug‘dning Naxshab hukmdorligi hududida bo‘lganligi ehtimoli ham yo‘q emas. Lekin ma’lumot bahsli va isbot talab. Bundan tashqari tangalardagi jumlaning “kushoniy” yoki “kushonga oid” deb talqin qilinishi Janubiy Sug‘ddagi so‘nggi Kushon hukmdorlariga taqlidan tanga zarb qilinganligidan darak berishi mumkin. Chunki, Markaziy Sug‘dda Xitoy ta’sirida tanga zarb etilgani kabi Janubiy Sug‘dda kushonlarga taqlidan tanga zarb etilgandir.

Tangada aynan kimning tasviri aks ettirilganligini tadqiqotchilar quyidagicha izohlashga harakat qiladilar. Agarda tanga turklarning eftaliylar ustidan g‘alabaga erishguniga qadar (563-567) zarb qilingan bo‘lsa, u holda tangadagi hukdor eftaliy, aks holda esa tangadagi shaxs Turk xoqonligining Naxshabdagi vassallaridan birining tasviri bo‘lishi mumkin. Lekin yuqorida kushonlar bilan bog‘liq holda keltirilgan ma’lumotlar tangadagi hukmdorning xoqonlikning Naxshabdagi vassali emas balki, undan oldingi davrlarga oid ekanligi haqida fikr yuritishga imkon beradi.

Ushbu tangalarni tahlil qilgan S.K. Kabanovning fikricha, tangalardagi hukmdor eftaliy bo‘lib, u tojsiz tasvirlangan. Bu esa o‘sha davrdagi Naxshab hukmdorlarining eftaliylar yuqori sulolasidan bo‘lmagan degan taxminni ilgari surishga asos beradi. Bu esa mazkur davrda Naxshabda mahalliy hukmdorlar hukmronlik qilganligidan dalolat beradi[13].

Tangadagi sug‘diy *βrz* (“uzun”) iborasi ba’zi tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, hukmdori unvoniga nisbatan emas balki shaxsiy ismga xosdir[14]. Agarda bu iborani shaxsiy ism deb hisoblaydigan bo‘lsak, u holda tangada Naxshabni boshqargan noib ekanligini borasidagi fikr yanada oydinlashadi.

Milodiy VII-VIII asrning boshlarida zarb qilingan Naxshab tangalarining ma’lum qismini bir tomonida “hukmdor” tasviri, bir tomonida esa “ot” tasviri va uning atrofida sug‘diy jumlalar (“qut (sohibi) hukmdor”) aks etgan tangalar tashkil etishini ko‘rish mumkin[15].

Naxshab tangalarining boshqa guruhida esa bir tomonida ot tasviri va yozuv (*βγγ γwβ* - “ilohiy hukmdor”), ikkinchi tomonida esa ∾ shaklli tamg‘a va uning ustida yozuv o‘rin olgan. Mazkur yozuvni tadqiqotchilar *’šknδk – aškandak* shaklida o‘qishgan[16]. O.I. Smirnova bu so‘zni dastlab “xshikatlik”, “Xshikatga tegishli” deb talqin qilgan. Tadqiqotchilarning fikricha, arab manbalarida 730-yillarda Nasaf ispahbodi sifatida tilga olingan al-Ashkandning ismi mazkur tangada

[11] Кабанов С.К Нахшабские монеты V-VII вв. // ВДИ. 1961. – №. 1 (75). – С. 137.

[12] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С. 277.

[13] Кабанов С.К. Нахшабские монеты V-VII вв.. ... – С. 134.

[14] Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. ... – С. 277.

[15] Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981. – С. 343-344.

[16] Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 25.

aks etgan[17]. Al-Ashkand Turk xoqonining sodiq kishilari sifatida tilga olinib, u Nasaf “ispahbod”i deb keltiriladi[18]. Forscha “sipoh”, “sipahbod” so‘zlari “qo‘shin boshlig‘i”, “harbiy qo‘mondon” ma’nolarini anglatadi[19]. “Sipahbod” yoki “ispahbod” unvonli hukmdorlarning Sug‘ddan tashqarida ham qo‘llanilganligi ma’lum. Masalan, Eronning tarixiy viloyati bo‘lgan Tabariston hukmdorlarining unvoni “ispahbod”lar bo‘lib, ular Ispahbadon shahrida yashaganlar[20]. Ammo Eron va Naxshab ispahbodlari orasida aloqa-lar bo‘lganligi yoki aksincha ekanligi ma’lum emas.

Shu o‘rinda e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan yana bir masala shuki, Naxshabda ham boshqaruv tepasida Keshdagi kabi harbiylar (axurpatlar) – ispahbodlar turgan. Ehtimol, konfederasiya ixshidlari o‘z mamlakatlarining chegaralarini kuchaytirish va barqaror ushlab turish uchun harbiylar boshqaruvini kuchaytirgandirlar.

Xitoy yilnomalarida 738 yilda Turgash hukmdori Tuxosyan Qut-cho‘rga qarshi kurashgan turgashlar lashkarboshisi Bag‘a Tarxonning yonida joy olgan Shi (Kesh) hukmdorining nomi Sыszinti (Siginti) shaklida keltiriladi[21]. Mazkur hukmdor ismining asli *Ashkand* bo‘lib, u ayni vaqtda Naxshab hukmdori bo‘lgan. Xitoy yilnomalarida uning Kesh hukmdori sifatida tilga olinishi o‘sha paytda mazkur hukmdorning yaqin qo‘shnilari ustidan o‘z mavqyeini oshirganligi bilan bog‘liq.

Ashkand Turk xoqonligi bilan faol aloqalarda bo‘lgan. Tabariy bergan ma’lumotlarga ko‘ra, Naxshab ispahbodi al-Ashkand Turk xoqonligi qo‘shinlariga yordam berib, arablarning Amudaryodan o‘tishlariga qattiq qarshilik ko‘rsatgan[22]. Bu davrda al-Ashkand Kesh va Naxshab hukmdori sifatida tilga olinadi. Bu esa arablar bosqini arafasida Naxshab Kesh tarkibida bo‘lganligi taxminini kuchaytiradi[23]. Naxshabda turkiy qiyofali hukmdor tasvirining uchrashi o‘sha davr tarixiy voqyeliklari bilan bog‘liq. Xususan, 560-yillarda Naxshab atrofida Eftaliylarga qarshi asosiy zarbani bergan Turk xoqonligi bu hududda o‘z qo‘shinlarini joylashtiradi[24]. Turk xoqonligining Sug‘d konfederasiyasini egallashi yo‘lidagi hal qiluvchi jang ham Naxshabda bo‘lganligi haqidagi taxminlar bor. Natijada Naxshabning boshqaruv markazi Yerqo‘rg‘ondan janubroqqa (*hoz.* Shulluktepa) ko‘chadi va yangi sulola vakillari bu yerdan turib vohani boshqara boshlaydilar. Arxeolog olim R. Sulaymonov fikricha, mazkur sulola vakillarining kelib chiqishi turkiy bo‘lgan[25]. Ushbu sulola o‘zlaridan oldingi mahalliy suloladan farqli tangalar zarb qila boshlagan va ularda o‘zlariga xos an’analarni aks ettirishgan deb xulosa qilish asosli.

[17] История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 225, 238, 239, 244, 245.

[18] История ат-Табари. ... – С. 244.

[19] Форсча-ўзбекча ўқув луғати / тузувчилар А. Рустамов, Қ. Каримов, З. Умаров. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 99.

[20] Бартольд В.В. Работы по исторической географии и истории Ирана / Соч. VII. – М.: Наука, 1971. – С. 221-222, 443.

[21] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. – СПб.: 1903. – Вып. 6. – С. 46.

[22] Истрия ат-Табари. … – С. 225.

[23] Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: Ирфон, 1989. Кн.1. – С. 316.


[24] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux. ... – С. 228-229.

[25] Сулейманов Р. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 69.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Массон М.Е. Столичные города в низовьях Кашкадарьи с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 24; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах … Ч. II.
2. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008.
3. Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия... – С. 191; Лунина С.Б. Культурные и торговые связи средневековых городов и поселений долины Кашкадарьи с сопредельными территориями // Культурные связи народов Средней Азии и Кавказа. Древность и средневековье. – М., 1990.
4. Лунина С.Б. Города Южного Согда .
5. Камолиддин Ш.С. К вопросу об этнической ситуации // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005.
6. Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия ..

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



DIPLOMATIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND TURKEY DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

Xoliqulov Rustam Sharipovich [1], Turakulov Mexroj Turakulovich [2]

[1] Docent of Samarkand State University, teacher of the department of history of Uzbekistan

[2] Master of the Department of History of Uzbekistan, Samarkand State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717480

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

collaboration, consultation, development, strategy.

ABSTRACT

To study the important aspects of cultural, trade and economic relations, strategic ties between Uzbekistan and Turkey during the years of independence and the importance of these relations at the level of the two countries. Clarification of Uzbekistan's membership in the Council of Turkic Speaking States and the role of the states in the future cooperation.

MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTON VA TURKIYA DIPLOMATIK ALOQALARI

Xoliqulov Rustam Sharipovich [1], Turakulov Mexroj Turakulovich [2]

[1] Samarqand Davlat Universiteti dots.O'zbekiston tarixi kafedrasi o'qituvchisi

[2] Samarqand Davlat Universiteti O'zbekiston tarixi kafedrasi magistri

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

hamkorlik, kengash, rivojlantirish, strategiya.

ANNOTATSIYA

Mustaqillik yillarida O'zbekiston va Turkiya o'rtasidagi madaniy, savdo-iqtisodiy munosabatlar,strategik aloqalarning muhim jihatlarini va bu munosabatlaning ikki davlat miqyosidagi(o'rtsidagi) ahamiyatini o'rganish. O'zbekistonning Turkiy tilli davlatlar kengashiga a'zoligini davlatlarning istiqbolli hamkorlikdagi o'rnini yoritish.

O'zbekiston uchun dunyoning Rossiya, AQSh va Xitoy kabi yetakchi davlatlari, Osiyo-Tinch okeani mintaqasidagi rivojlangan mamlakatlar, xususan, Koreya Respublikasi va Yaponiya, Yevropa mamlakatlari va Yevropa Ittifoqi, arab-musulmon hamda turkiy tilli davlatlar xususan Tutkiya respublikasi bilan o'zaro manfaatli, samarali va ko'p qirrali hamkorlikni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Albatta, qayd etilgan ustuvor yo'nalishlar tartibiga muayyan tuzatishlar kiritish mumkin. Tashqi siyosat nafaqat puxta o'ylangan, vazmin, balki bir vaqtning o'zida ildam va qulay bo'lishi hamda hozirgi tez o'zgaruvchan, dunyoda yuzaga kelishini oldindan aytib bo'lmaydigan yangi muammo

va tahlikalarga o‘z vaqtida va munosib javob berishi kerak[1].

O‘zbekiston Tashqi ishlar vazirligining Yevropa mamlakatlari bilan hamkorlik boshqarmasi tomonidan muvofiqlashtiriladi. Mazkur tashriflar natijasida siyosiy, savdo-iqtisodiy, investitsiya, madaniy-gumanitar va boshqa sohalarda natijador kelishuvlarga erishildi. Germaniya Prezidenti F.-Sh.Shtaynmayer (2019-yil) va Turkiya Prezidenti R.T.Erdo‘g‘onning (2018-yil) respublikaga javob tashriflari muvaffaqiyatli amalga oshirildi. Turkiya Respublikasi O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini birinchi bo'lib tan olgan. 1996-yilda mamlakatlarimiz o'rtasida Abadiy do'stlik va hamkorlik to'g'risidagi shartnoma imzolangan. Xalqlarimiz ko'p asrlik tarixi, tili, dini, qadriyatlari va mushtarak urf-odatlari bilan bir-biriga chambarchas bog'langan. Davlatlarimiz o'rtasida o'zaro ishonch asosidagi do'stona munosabatlar bugungi kunda izchil mustahkamlanib bormoqda.keng qamrovli ravishda amalga oshirildi.Turkiya O’zbekiston respublikalarining munosabatlari eng yangi zamon tarixiga nazar tashlasak Turkiya O‘zbekiston Respublikasining mustaqilligini tan olib, ikki davlat o‘rtasida diplomatiya munosabatlari o‘rnatilgach, 1992 yil aprelda Turkiyaning Toshkentdagi elchixonasi, 1993-yil yanvarda esa O’zbekiston respublikasining Anqaradagi elchixonasi o‘z faoliyatini boshladi. Istanbulda O’zbekiston respublikasining Bosh konsulxonasi ochildi[2]. O’zbekiston respublikasi Prezidenti I. A. Karimov 1991 yil dekabr, 1994 yil iyun va 1997 yil noyabrda rasmiy tashrif bilan Turkiyada bo‘ldi. 1998 yil okTurkiyada Turkiya Respublikasining 75 yilligiga bag‘ishlangan tantanalarda ishtirok etdi. O‘z navbatida, Turkiya Prezidentlari Turkiya O‘zal, S. Demirel va boshqa davlat arboblari bir necha bor rasmiy tashrif bilan O‘zbekistonda bo‘ddilar. Ana shu tashrif va mulokrtlar natijasida ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarning shartnomaviy huquqiy asoslari yaratildi. Jumladan, O‘zbekiston bilan Turkiya o‘rtasida "Abadiy do‘stlik va hamkorlik to‘g‘risida"gi shartnoma hamda siyosiy, savdoiktisodiy, ilmiy-texnikaviy, harbiy va harbiytexnikaviy aloqalar, terrorizm va narkotik moddalar savdosiga qarshi kurash, huquqiy yordam, sog‘liqni saklash, transport, sayyoxlik, madaniyat va boshqa sohalarda 78 hujjat imzolandi. O’zbekiston Respublikasi va Turkiya Respublikasi o’rtasida diplomatik aloqalar o’rnatilganiga chorak asr to’ldi deyish mumkin. O’sha 1992-yildayoq Toshkentda Turkiyaning elchixonasi ochildi, 1993-yil may oyidan boshlab esa Anqara shahrida O’zbekistonning diplomatik vakolatxonasi faoliyat yurita boshladi[3]. Jahonda kechayotgan keskin va shiddatli siyosiy jarayonlar, xavfsizlikka solinayotgan tahdidlar Turkiyani tashqi siyosatda “yetti o‘lchab bir kesgan” holda muvozanatli siyosat olib borishini talab etmoqda. Zero, mavjud voqealik ham Sharq, ham G‘arb bilan birdek munosabatlarga ega bo‘lmagan davlatlar siyosatda ham, savdo iqtisodiy sohalarda ham yutqazishini namoyish etayotir. Xalqaro ekspertlar e’tirof etayotganidek, Yevroosiyo jahonning eng yirik va geosiyosiy jihatdan g‘oyat muhim mintaqasi. Yevroosiyo umumiy kuch-qudrati va iqtisodiy salohiyati jihatidan hatto AQShni ortda qoldirayotgani bu mintaqa

[1] Sh.Mirziyoyev “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi”. Toshkent., 2018

[2] Xonazarov Q. Mustaqillik va milliy munosabatlarning rivojlanishi. T.,2016

[3] Bekmetov E. Xalqlar hamkorligi va iqtisodiy aloqalar. T., Mexnat, 1999.

imkoniyatlaridan dalolat beradi[4]. Yevroosiyoning yirik va kuchli davlatlaridan biri bo‘lgan Turkiya yangi sharoitda o‘z geosiyosiy vaziyatini yana qayta ko‘rib chiqa boshladi. 1991 yildan keyin o‘tgan davr mobaynida Turkiyaning rasmiy geosiyosiy faoliyatida ham, hokimiyat tepasiga kelgan kuchlarning va hokimiyat uchun kurashayotgan muxolifatning bayonotlarida ham, ilmiy va ijtimoiy fikr vakillarida ham mamlakatning kelgusidagi geosiyosiy faoliyatiga yondashuvlar ancha rang-barang ekani ko‘zga tashlanadi. Ularning ba’zilari Turkiyaning G‘arb dunyosi bilan munosabatlarni yaxshilash va Yevropaga qo‘shilish yo‘lini yana davom ettirishni qat’iy turib talab qilmoqdalar, boshqa guruhlar esa, Turkiyaga Yevropa va G‘arbdan Yevroosiyo tomonga yuz o‘girib, Markaziy Osiyo, Rossiya, Xitoy, Eron, Hindiston va boshqa katta davlatlar bilan jahonning yangi kuchini barpo etishni, integratsiyaning Yevropa Ittifoqining o‘rnini bosadigan modelini, masalan, Shanxay Hamkorlik Tashkilotini rivojlantirishni taklif etmoqdalar.

XX asrning 90-yillaridan to 2000 yillarning boshiga qadar Turkiyaning, odatda partiyaviy manfaatlarga suyangan koalitsion hukumatlarining tashqi siyosat taktikasi va manevrlari yagona va uzoq muddatli strategik tashqi siyosat konsepsiyasiga emas, balki ko‘proq an’anaviy, tavakkaldan xoli faoliyat amaliyotiga asoslangan[5].

Hokimiyat faoliyatidagi hamma narsa eng avvalo, mamlakatni Yevropa Ittifoqiga a’zo bo‘lishiga qaratilgan edi. Siyosiy doiralarning aksariyati Turkiya ertami-kechmi bu tuzilmaga a’zo bo‘ladi, deya qat’iy ishonch bildirar, ayni chog‘da “Adriatikadan Xitoygacha Turkiyadir” shiori ostidagi da’vodan alternativ sifatida foydalanar edi.

Biroq keyingi o‘n yil ichida Turkiya davlati jumladan, tashqi siyosatida muayyan geosiyosiy o‘zgarishlar kuzatilmoqda. Xususan, AKP (Adolat va Taraqqiyot partiyasi) hokimiyat tepasiga kelganidan keyin Turkiya jahon va mintaqada oldingidan biroz farqli ancha mustaqil geosiyosiy yo‘lni o‘tkazishga harakat qilmoqda.

O‘z milliy manfaatlarini ta’minlashga, chet davlatlar, xalqaro geosiyosiy “aktyorlar” bilan o‘zaro munosabatlarini, o‘zining u yoki bu siyosiy maqsadlarini avvalgi yillarda bo‘lgani kabi “NATO va AQShning intizomli va itoatkor hamkori” sifatida emas, balki yangi sifatda – “mustaqil dunyo davlati” maqomida amalga oshirishga intilmoqda.

Asosida “jahon va mintaqa mamlakatlari bilan hech qanday muammo bo‘lmasligi, aksincha, iloji boricha ko‘proq integratsiyalashish”, “Turkiyaning Yevropa Ittifoqiga ehtiyoji – uning Turkiyaga bo‘lgan ehtiyojidan katta emas”, “Qaerda bir turk bor bo‘lsa, u yerda Turkiyaning milliy manfaatlari bordir”, “Turkiyaning NATO va AQSh bilan birga umumiy manfaatlari bo‘lgani kabi, boshqa mamlakatlar bilan ham umumiy manfaatlari bordir”, “Turkiya jahon musulmon xalqlari va davlatlarining himoyachisidir” singari strategik yondashuvlar turgan bu geosiyosiy yo‘lning muayyan natijalari ko‘zga tashlana boshladi.

Agar bu yangi yo‘l to‘g‘ri va izchil amalga oshirilsa, u holda Turkiyani AQShni istisno etganda, jahonning 10 buyuk davlati (Angliya, Fransiya, Germaniya, Yaponiya, Rossiya, Xitoy) qatoriga olib chiqishi mumkin[6]. Bir so‘z bilan aytganda, Yevroosiyoda joylashgan Turkiyaning jahon

[4] Iskandarov I. Bozor iqtisodiyotiga o’tish: qiyinchiliklar, yechimlarni izlash. Inson va siyosat. 1995. №8

[5] Salimov va b. Yangi O’zbekistonning 3 zafarli yili. T., Sharq, 2019.

[6] Fozilxo’jaeva I. Millatlararo munosabatlarni tartibga solish. T., Fan, 2003.

muammolarini yechishdagi ishtiroki oshib bormoqda. U dunyoda, xususan, O‘rta Yer dengizi sohillarida, Liviya va Suriyada o‘z manfaatlariga ega.Turkiya Respublikasi Prezidenti matbuot kotibi Ibrohim Kalin ta’kidlaganidek, «G‘arb bilan yaqin aloqalar mamlakat tashqi siyosatini sharqiy ufqlarda kengayishiga xalaqit» qilmaydi.

U “Daily Sabah” nashriga bergan intervyusida Turkiya so‘nggi 16 yil ichida birinchi marta G‘arb bilan tashqi siyosiy aloqalardagi iliqligini yo‘qotmay, boshqa mintaqadagi hamkorlar bilan ham munosabatlarni mustahkamlash haqida o‘ylayotganini bayon qilgan edi.

«Bizning NATO doirasidagi munosabatlarimiz dunyoning istalgan boshqa burchagida joylashgan davlatlar bilan aloqalarni mustahkamlashimizga ta’sir qilmaydi. Aynan mana shu mantiq Turkiyaning Afrika, Yaqin Sharq, Markaziy Osiyo va Lotin Amerikasida faollashib qolganini to‘g‘ri izohlashga imkoniyat beradi».

Turkiya Respublikasi O‘zbekiston tashqi siyosatida alohida ahamiyatga ega bo‘lgan, kuchli tashqi siyosat olib borish salohiyatiga ega, har tomonlama diversifikatsiyalashtirilgan iqtisodiyoti hamda zamonaviy qurolli kuchlariga ega bo‘lgan mamlakat hisoblanadi[7].

Buni quyidagi bir qator omillar bilan izohlash mumkin. Birinchidan, Turkiya dunyodagi 200 dan ortiq mamlakatlar ichida O‘zbekistonning davlat mustaqilligini birinchi bo‘lib tan olgan va shu tariqa uning dunyo xaritasida yangi davlat sifatida e’tirof etilishi jarayonini boshlab bergan.

Ikkinchidan, o‘zbek va turk xalqlarini azaliy do‘stlik, birodarlik va qardoshlik rishtalari o‘zaro bog‘lab turadi. Har ikki xalq ham turkiy tilda so‘zlashuvchi bo‘lib, ularning madaniyati, dini va urf-odatlari bir-biriga juda yaqin. Qolaversa, Turkiyaning rivojlangan sanoati, transport kommunikatsiyalari, dengiz yo‘llari, qishloq xo‘jaligi, turizm salohiyati, ulkan davlatchilik tajribasi O‘zbekiston uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Turkiya turli sohalarda, o‘rnak bo‘lsa arzigulik darajada rivojlangan mamlakat. U o‘zining iqtisodiy qudratiga ko‘ra, dunyoda kuchli 20 talik guruhiga kirgan davlatlardan biridir.

Bundan atigi yarim asr oldin ancha qoloq agrar mamlakat hisoblangan Turkiya hozirgi kunga kelib, tobora industriallashib borayotganini alohida ta’kidlash lozim. Mamlakat iqtisodiyotida sanoatning ulushi 28 foizni, qishloq xo‘jaligi 15, qurilish 6, xizmatlar 51 foizni tashkil etadi. Sanoat ishlab chiqarishining umumiy hajmida qayta ishlash sanoati eng katta ulushga ega.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlari ham sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda o‘zlarining salmoqli hissasini qo‘shib kelmoqda.

To‘qimachilik, konchilik, oziq-ovqat, kimyo, farmasevtika sohalari, energetika, metallurgiya, kemasozlik, avtomobilsozlik va elektr maishiy tovarlar ishlab chiqarish taraqqiy etgan. Ayniqsa, turizm dinamik tarzda rivojlanayotgan tarmoq hisoblanadi.

Turkiyaning mazkur jabhalardagi ibratli yutuqlarini o‘rganish, hozirda O‘zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiya qilish yo‘lida olib borilayotgan islohotlarda ushbu mamlakatning ilg‘or tajribasidan foydanish va turk tadbirkorlari hamda kompaniyalarining sarmoyalarini O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan turli, ikki tomonga ham foydali bo‘lgan qo‘shma loyihalarga jalb qilish mamlakatimizning milliy manfaatlariga to‘liq mos tushadi.

O‘z navbatida, O‘zbekiston Turkiyaning mintaqamizdagi tashqi siyosatida muhim o‘rin tutadi. Yurtimiz bugungi kunda Anqaraning Markaziy Osiyodagi eng asosiy sheriklaridan

[7] Mehmet Süreyya Er-Türkiye-Özbekistan işbirliği. A., Islam, 2019.

biri hisoblanadi. Diyorimizning ulkan bozori, tobora liberallashib borayotgan iqtisodiyoti, qulay investitsiyaviy muhiti, tarixiy shaharlari, muqaddas diniy qadamjolari Turkiyada katta qiziqish uyg‘otmoqda. Demak, hamkorlikni mustahkamlashdan har ikki tomon ham manfaatdor bo‘lib, bu esa o‘zaro munosabatlarning istiqboli porloq ekanidan dalolatdir[8].

O‘zbekiston va Turkiya munosabatlari tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, ham yuksalishlar, ham pasayishlar davriga duch kelamiz. Hatto tarixda yurtimizga sarmoyalar olib kirgan turk tadbirkorlari va ishbilarmonlariga tazyiqlar o‘tkazildi, badarg‘a qilindi.

Mamlakatimizda ochiqlik siyosati boshlangan kezlarda turk ishbilarmonlari avvaliga bozorimizga kirib kelishga hadik bilan qaray boshladi. Ta’bir joiz bo‘lsa, Turkiya Prezidenti Rajep Toyyib Erdo‘g‘onning O‘zbekistonga 2018 yil amalga oshirgan tashrifi chog‘ida Prezidentimiz Sh. Mirziyoevning turklarga yo‘llagan da’vati oradagi “ishonchsizlik pardalari”ni yirtib tashladi.

“Biz Turkiya Respublikasiga ulkan siyosiy, iqtisodiy va harbiy salohiyatga ega bo‘lgan, xalqaro maydonda obro‘-e’tibori tobora ortib borayotgan yirik davlat sifatida qaraymiz. Ota yurtingiz – O‘zbekistonning eshiklari sizlar kabi yaqin qardoshlarimiz uchun doimo ochiq”, dedi Shavkat Mirziyoev.

O‘zbekiston va Turkiya o‘rtasida Strategik sheriklik oliy kengashi tuzilishi ma’lum qilindi. Anqaradagi oliy darajada bo‘lib o‘tgan sammitda ana shu kengashning birinchi majlisi o‘tkazildi.

«Men bosh vazir o‘rinbosari Xolmurodovga va bosh vazirning boshqa o‘rinbosarlariga, vazirlarga O‘zbekistonda o‘z biznesini rivojlantirish istagini bildirgan turkiyalik barcha tadbirkorlarni to‘liq qo‘llab-quvvatlash va ularning har tomonlama rivojlanishiga ko‘mak berish bo‘yicha zarur ko‘rsatma va topshiriqlarni berganman», dedi Sh.Mirziyoev 2018 yil 30 aprel kuni Toshkentda o‘tgan O‘zbekiston – Turkiya biznes forumida. «Bu turganlarning hammasi sizlarga xizmat ko‘rsatadi, imkon va sharoit yaratadi. Ana shundagina bizda natija bo‘ladi. Yana bir marta takrorlayman, Turkiya ishbilarmonlariga nisbatan qilingan xiyonatni davlat siyosatiga xiyonat o‘laroq, deb baholayman», dedi Mirziyoev.

Darhaqiqat, Turkiya tomoni O‘zbekistonga katta qiziqish bilan qarayapti. Bunga sabab bo‘ladigan omillar yetarli. Birinchidan, O‘zbekiston boy tabiiy va mineral xom-ashyo resurslariga ega bo‘lgan davlatdir. Endi O‘zbekistonning xom-ashyo resurslaridan birgalikda hamkor bo‘lib foydalanish vaqti keldi.

Ikkinchidan, mamlakatimiz rahbari tomonidan Turkiya va boshqa qator davlatlar fuqarolari hamda tadbirkorlari uchun kirish vizalarini bekor qilish to‘g‘risida tarixiy qaror qabul qilindi. Bu qaror turkiyalik hamkorlar bilan investitsiya, savdo-sotiq hamda turizm sohalaridagi aloqalarimizni yanada faollashtirishiga ko‘mak bermoqda.

Uchinchidan, O‘zbekiston hukumati tomonidan xorijiy sarmoyalarni rag‘batlantirish va to‘liq himoya qilish maqsadida zarur me’yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Biznes rivojiga g‘ov bo‘lib turgan ko‘plab to‘siqlar olib tashlandi. Turkiyalik ishbilarmonlarning mamlakatimizda samarali faoliyat yuritishi uchun o‘rtada mavjud bo‘lgan ba’zi bir tushunmovchilik va ishonchsizlik kayfiyatiga barham berish maqsadida oliy darajada ko‘plab uchrashuvlar o‘tkazildi.

To‘rtinchidan, O‘zbekistonda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish

[8] Bekmetov E. Xalqlar hamkorligi va iqtisodiy aloqalar. T., Mexnat, 1999.

bo‘yicha eng qulay sharoit yaratish uchun qat’iy va izchil qadamlar qo‘yilmoqda. Jumladan, xorijiy investorlar daromadlarini qaytarib olib chiqish uchun huquqiy asoslar yaratildi.

Mintaqaning yuragi va markazi esa O‘zbekistondir. Shu tufayli Turkiyaning turkiy davlatlar olamiga, xususan, Markaziy Osiyoga e’tiborni kuchaytirishi bejiz emas.

Turkiyaning bu yerda eng avvalo O‘zbekiston bilan munosabatlarda yangi sahifa ochishi nafaqat ikki tomonlama munosabatlar, balki mintaqaviy va global balans nuqtai nazaridan ham muhimdir. Mintaqa tinchligi va barqarorligi ham ko‘p jihatdan O‘zbekiston xavfsizligi va farovonligiga bog‘liqligini yoddan chiqarmaslik kerak.

Qadim tamaddunlarga mezbonlik qilgan va Buyuk ipak yo‘lining markazida joylashgan O‘zbekiston mintaqada yuz berayotgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy sohalardagi tub o‘zgarishlarda ham alohida ahamiyat kasb etadi. Olis o‘tmishi va davlatchilik an’analari, Markaziy Osiyo nufusining taxminan yarmiga teng keluvchi 34 milliondan ortiq aholisi, Osiyoning yuragidagi geostrategik mavqei, boy tabiiy zaxiralari va barakali tuprog‘i bilan O‘zbekiston mintaqaning eng muhim davlati sanaladi[9].

Ushbu mustahkam poydevor uzra istiqlolning dastlabki yillaridan boshlab olib borilgan mustaqil, qat’iy, konstruktiv va tinchlikparvar siyosat O‘zbekistonning xalqaro miqyosidagi mavqeining oshishiga, dunyoda o‘zining mustahkam o‘rnini topishiga puxta zamin yaratdi.

Tashrif davomida yana bir qancha hujjat imzolandi. Jumladan, xalqaro terrorizmga qarshi kurash sohasida hamkorlik va diplomatik pasport egalari uchun vizalarni bekor qilish haqida hukumatlararo bitim tuzildi. O‘zaro aloqalar xalqaro tashkilotlar doirasida ikki davlatning parlamentlari va vazirliklari o‘rtasida ham davom etdi. Savdoiqtisodiy hamkorlik sarmoyalarni o‘zaro rag‘batlantirish va himoyalash, ikki tomonlama soliq solishga yo‘l qo‘ymaslik to‘g‘risidagi bitimlar bilan muvofikdashtirildi. Ikki tomon o‘rtasida bojxona to‘lovlariga nisbatan eng ko‘p kulaylik berish tartibi kuchga kirishi tufayli O‘tgan yil mamlakatlarimiz o‘rtasidagi do‘stona munosabatlar yangi strategik bosqichga ko‘tarildi O‘zaro sa’y-harakatlar tufayli tovar ayirboshlash hajmi sezilarli darajada o‘sdi. Imzolangan hujjatlar samarasida xalqlarimiz o‘rtasidagi bordi-keldi yengillashdi. Oliy darajadagi navbatdagi muzokaralarxalqlarimiz manfaatiga xizmat qilayotgan ushbu ezgu ishlar sur’atini yanada oshirishiga ishonchim komil, – dedi Shavkat Mirziyoyev. Rejep Tayyip Erdo‘g‘on davlatimiz rahbariga taklif uchun minnatdorlik bildirib, mamlakatlarimiz o‘rtasidagi hamkorlik barcha sohalarda muttasil taraqqiy etayotganini mamnuniyat bilan qayd etdi. Turkiya va O‘zbekiston tarixi buyuk, urf-odat va an’analari mushtarak, eng yaqin do‘stlar sifatida tanilgan. Xalqaro maydonda ham, o‘zaro aloqalarda ham bir-birini doimo qo‘llab-quvvatlaydi.[10]

Bugungi muzokaralar ushbu do‘stlik rishtalarini yana bir pog‘ona yuqoriga olib chiqishiganishonaman, – dedi Rejep Tayyip Erdo‘g‘on.

O’zbekiston Turkiya hamkorligi keyingi yillarda ancha rivojlanib diplomatik aloqalar ham kuchayib bormoqda birgina davlat rahbarlari o’rtasidagi oliy darajadagi uchrashuvlar soni so’ngi uch yilda 7 marta tashkil etgani gapimiz yaqol misoli bo’la oladi.

[9] Axmad Xo’ja. Yurtimiz, millatimiz salohiyatining timsoli. Xalq so’zi. 2010. 19-iyul.

[10] Elena Kuznetsova. Istiqbol bugundan boshlanadi. Xalq so’zi. 2017. 2- mart.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.Mirziyoyev “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi”. Toshkent., 2018
2. Xonazarov Q. Mustaqillik va milliy munosabatlarning rivojlanishi. T.,2016
3. Bekmetov E. Xalqlar hamkorligi va iqtisodiy aloqalar. T., Mexnat, 1999.
4. Iskandarov I. Bozor iqtisodiyotiga o’tish: qiyinchiliklar, yechimlarni izlash. Inson va siyosat. 1995. №8
5. Salimov va b. Yangi O’zbekistonning 3 zafarli yili. T., Sharq, 2019.
6. Elena Kuznetsova. Istiqbol bugundan boshlanadi. Xalq so’zi. 2017. 2- mart.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



HYDRO-TECHNICAL FACILITIES PROPOSAL PROJECT FOR GREENING OF ENVIRONMENTAL AREAS

Икромова Мовлуда Муродовна[1], Адилов Зариф Химматович[2]

[1] Магистрант, Тошкент архитектура-қурилиш институти

[2] т.ф.н., проф., Тошкент архитектура-қурилиш институти

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717487

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Hydraulic engineering, hydroelectric power, landscape, design, station, relief.

ABSTRACT

The article presents a proposed project that the construction and operation of hydraulic structures can lead to negative environmental consequences of the natural and economic state of the river valley and the development of measures to reduce them. Hydroelectric power stations were informed about plants that we could use to green the surrounding areas and against the absorption of the coast.

ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР АТРОФ ҲУДУДЛАРИЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ТАКЛИФ ЛОЙИҲАСИ

Икромова Мовлуда Муродовна[1], Адилов Зариф Химматович[2]

[1] Магистрант, Тошкент архитектура-қурилиш институти

[2] т.ф.н., проф., Тошкент архитектура-қурилиш институти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Гидротехника, гидроэлектростанция, ландшафт, дизайн, станция, рельеф.

ANNOTATSIYA

Мақолада гидротехника иншоотлар қурилиши ва ишлаши дарё водийсининг табиий-иқтисодий ҳолатини салбий, экологик оқибатларини олиб келиши мумкинлиги ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳақида таклиф лойиҳаси берилган. Гидроэлектростанциялар атроф ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва қирғоқларни емирилишига қарши фойдаланишимиз мумкин бўлган ўсимликлар ҳақида маълумот берилган.

Ўзбекистон Республикада ишлаб чиқарилаётган умумий электр қувватининг 15% гидроэлектростанциялар қолган 85% – иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бу республикамизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бир қаторда гидротехник иншоотлар қурилиши жараёнида ҳам қайта қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари олиб борилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон ҳудудида ҳам 2025 йилга келиб, 4 та гидроэлектростанция ва 16 та янги кичик ГЭСларни фойдаланишга топшириш ва 21 та мавжуд ГЭСларни модернизатция қилиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақида

жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган 2020-2024 йилларга мўлжалланган гидроэнергетикани ривожлантириш концепсияси лойиҳасида айтилган [1].

Маълумки гидроэлектростанциялар қурилиши ва ишлаши дарё водийсининг табиий-иқтисодий ҳолатини гидроэлектростанциядан юқори ва пастги қисмларини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бу эса баъзан салбий экологик оқибатларга олиб келади. Зарур экологик чора-тадбирларни амалга оширмасдан (рельеф, иқлимни ҳисобга олмаган ҳолда) лойиҳаланиши салбий экологик оқибатларга сабаб бўлади.

Бундай ҳолатларнинг салбий экологик оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун гидротехник иншоотлар лойиҳаланишидан аввалдан табиий мажмуалар ва уларнинг таркибий қисмларидаги эҳтимолий ўзгаришларни олдиндан прогноз қилиш зарур.

Бу муаммони ҳал этишда ландшафтларни таҳлил қилиш усули ва унинг асосий усулларидан бири-географик баҳолаш усули қўлланилади. Шу билан бирга, табиий муҳитнинг ҳозирги ҳолати иқтисодий фойдаланиш истиқболлари ва мумкин бўлган ўзгаришлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Табиий муҳитнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини баҳолаш; табиий муҳитнинг замонавий ҳолатини аниқлаш; табиий муҳитга таъсир этувчи манбалар ва жараёнлар; табиий муҳитнинг мавжуд ва потенциал ўзгаришлари; табиий ва ижтимоий муҳитга таъсири ўрганилади.

Табиий комплексларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш учун амалга ошириладиган гидроэлектростанциялар қурилиши ва ишлаши таъсири ҳудудида табиий комплексларнинг ўзгариши мумкин бўлган йўналишларини аниқлаш учун ҳудуднинг замонавий иқтисодий фойдаланиш структураси аниқланади; мавжуд ва келажакдаги антропоген ўзгаришлар интенсивлиги, шунингдек, табиий комплексларнинг таъсири ва ўзгаришлари баҳоланади.

Мавжуд гидротехник станция қурилаётган ҳудудда тупроқ ва ўсимлик қопламининг ўзгариши ва бузилиши кузатилади. Лойиҳа ишлари амалга оширилганда, бундай таъсирлар ҳисобга олиниши лозим. Гидротехник станция қурилаётган ерда сирт бутунлигининг бузилиши ерлар ва вақтинчалик объектлар чегарасида содир бўлади. Ушбу ҳудудлар ичида тупроқ ва ўсимлик қопламининг механик бузилиши даражаси тўғридан-тўғри (ишлаб чиқариш объектлари) ва билвосита (чизиқли тузилмалар) таъсирларда кузатилиши мумкин.

Гидроэлектрстанциясидан зарар кўрган ҳудуднинг табиий мажмуаларидаги ўзгаришларни олдиндан прогноз қилиш учун табиий мажмуаларнинг ўзгариш даражаси баҳоланади. Тупроқ таркиби асосий компонентларнинг моддасини олиб ташлаш ҳажми орқали уларнинг табиий тузилишининг тури ва бузилиш даражасини миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин. Шу билан бирга табиий мажмуаларнинг ўзгариш даражаси ўрганилаётган ҳудуднинг умумий майдонидан уларнинг майдонларининг улуши (% сифатида) аниқланди. Ушбу хусусиятларга кўра, тадқиқот майдони икки зонага ажратилди:

1) гидроэлектр станцияга туташ ишлаб чиқариш иншоотлари;

2) ердан фойдаланиш турлари ва унга боғлиқ техноген таъсирлар аниқланган сув тошқини зонаси.

Ишлаб чиқариш объектлари зонасини кон ишлари, турли техник иншоотлар, ҳисоб-китоблар, чизиқли иншоотлар (электр линиялари, йўллар) эгаллайди. Сел зонаси сув омборининг сув майдони ва сув омбори билан зарарланган қирғоқ ҳудудини қамраб олади.

Гидроэлектр сув омборлари қурилиши экологик таъсири муаммоси ҳар бир мамлакатда хисобга олиниши лозим бўлган холатлардан бири ҳисобланади. Гидроэлектростанциясининг қурилиши атрофдаги табиий комплексларда турли хил, асосан салбий ўзгаришларга олиб келади, бу эса уларнинг экологик баҳолашга эҳтиёж туғдиради. Дастлабки босқичда "нол" ни, яъни табиий комплекслардаги ёки ҳудуддаги антропоген ўзгаришларнинг ҳозирги ҳолатини гидроэлектростанциялар қурилишидан олдин баҳолаш муҳимдир. Табиий комплексларни комплекс баҳолаш икки позициядан амалга оширилади: табиий комплексларнинг келиб чиқиш хусусиятларини баҳолаш, улардан енг муҳими техноген юкга чидамлилиги, шунингдек, антропоген аралашувнинг таъсир кучини баҳолаш.

Ишнинг назарий асослари эса ландшафт таҳлили усули , бу эса техник иншоотларнинг, жумладан, гидроэлектростансияларнинг таъсирлари, табиий ва ижтимоий муҳитлардаги ўзгаришлар ва оқибатларни ҳар томонлама баҳолашга имкон беради. Шу билан бирга, табиий муҳитда ландшафтлар шаклида бирлаштирилган табиат компонентларининг мажмуасидан иборат мураккаб тизим шаклланиши ҳисобланади. Уларнинг ўзига хос хусусияти, компонентларининг ўзаро муносабати, ўзаро боғлиқлиги ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш имконияти, шунингдек техноген омиллар таъсири остида уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади. Шундай қилиб, бу ландшафт ҳудуднинг табиий хусусиятларини ифодалаш учун энг қулай усули ҳисобланади.

Ландшафт жиҳатидан ўрганилаётган ҳудуд, жойлашуви географик жиҳатдан бир нечта ландшафт майдонларига ажратилиб ўрганилади. Ҳудуд жойлашуви жиҳатидан ландшафт майдонларини ажратиш, ҳудуд жойлашувидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ландшафт тарафдан ёндашув гидроэлектростанция таъсири зонаси учун ишлаб чиқарилган антропоген ўзгариш учун ландшафтлар ҳудудини кўкаламзолаштириш ва табиий ва ижтимоий муҳитлардаги ўзгаришлар ва оқибатларни таъсирларни камайтириш ва олдини олиш учун амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Замонавий ландшафтларнинг антропоген ўзгариш даражасини ўрганилаётган ҳудуднинг умумий майдонидан, табиий мажмуаларнинг ўзгариш даражаси олиб ташлаш ҳажми орқали миқдорий баҳолаш мумкин, шу муносабат билан ҳар бир ландшафт майдонининг ўзгариш даражасини ўрганилаётган ҳудуднинг умумий майдонидан уларнинг майдонлари улуши (% да) билан баҳолаш мумкин. "Ердан фойдаланиш тури" категориясининг антропоген юкламанинг кўрсаткичи сифатида экологик талқини, уларнинг дарёси ҳавзасининг табиий ландшафтларига таъсир даражаси ва

антропоген бузилиши билан фарқланишига сабаб бўлди.

Гидроэлектростансия атроф ҳудудларида ҳар хил даражали парчаланиш, ювилиш, ўпирилишлар, қиялик ва бошқа ерлар учрайди. Ернинг ҳар бир бўлаги ёки шундай бўлаклар гуруҳи алоҳида, фақат ўзига хос бўлган қарши курашга тупроқ муҳофазаси ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини талаб этади. Ерларнинг иқтисодий самарадорлиги катта бўлиши учун майдонни тўғри ташкил этиш зарур. Нурашнинг олдини олиш учун қияликларда оқимни тўхтатиб қолиш чора-тадбирларини амалга ошириш зарур.

Майдон сатҳини нурашга қарши ландшафтни оқилона ташкил этишда сув йиғувчи майдонлардаги алмашлаб экиш учун энг маъқул экинларни танлаш; сув айиргич, тармоқли қияликларда ва жар-сой шахобчаларида иҳота дарахтзорларини, йўллар ва гидротехник иншоотларни тўғри жойлаштириш лозим. Бунда биринчидан, экинлар маҳсулдорлиги ошиб бориши, иккинчидан, тупроқнинг ювилиши ва ўпирилишига қарши мустаҳкам муҳофазаси таъминланиши лозим[2].

Қирғоқларни емирилишига қарши ландшафт ечимларида қуйидаги ўсимликлардан (дарахтлар, бута ва чала буталар) фойдаланишимиз мумкин:

Номи	Маълумотнома
Аморфа (лат. Amorpha L.) 	Бутасимон аморфа бўйи 1-3 метргача келадиган қўнғир ёки тўқ кулранг пўстлоқли бута. Аморфа истироҳат боғларида, ҳиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Совуққа чидамли.
Сирка дарахти (лат. Rhus) 	Сирка дарахти тоғ қияликларини ёмғирда ювилиб кетишидан сақлашда муҳим рол ўйнайди, чунки илдизи бақувват бўлади. Буғушохсимон тотим ёки Сирка дарахт (Rhus typhina L.) номли тури МДҲ га Америкадан интродукция қилинган, бизда манзарали дарахт сифатида экилади. Илдизидан бачкилайди. У тоғ қияликларини мустаҳкамлаш ишларида жуда юқори баҳоланади.
Наъматак (лат. Rosa) 	Наъматак турлари тоғли ҳудудларда 1000-2800 метр денгиз сатҳидан баландликларда кенг тарқалган. Наъматаклар асосан 800-2800 метр денгиз сатҳидан баландликлардаги тоғ ёнбағирларида, кўпроқ тоғ дарёлари ҳавзаларида ўсади. Наъматак турларидан тоғ ўрмон мелиорациясида ва шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Наъматакнинг кўп турлари қурғоқчиликка чидамлилиги ва тупроқ танламаслиги билан ажралиб турали.
Қора маржон (лат. Sambucus nigra)	Бута ёки кичик дарахт бўлиб, бўйи 8 м га етади, шох-шаббаси тарвақайлаб ўсади.

	Маржондарахтпипг бу тури МДҲнинг Европа қисмида, Кавказда ва Қримда ёввойи ҳолда ўсади. У Кичик Осиёда ҳам тарқалган. Сояга, қурғоқчиликка чидамли бута. Нам ерда яхши ўсади. У ўрмонзорларда, йўл бўйларида. турли ташландиқ ерлардаҳам ўсади.
3. Дубровский В.С., Виестур У.Е. Метановое сбраживание селскохозяйственных отходов. - Рига: Зинатие, 1988. 204 с. [4.55]
4. Имомов Ш.Ж., ХвангСангГу., Усмонов К.Е., Шодиев Э.Б., Каюмов Т.Х., «Алтернативное топливо на основе органики» Т., 2013 гг. 160 стр.[7.45]

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ANALYTICAL-INFORMATION SYSTEMS IN IMPROVING ENERGY EFFICIENCY IN AGRICULTURE

Nurov Homid Ibrokhimovich[1], Jumayev Axrom Asror qizi[2], Xusanov Xusan Xursand o'g'li[3], Sirojev Jovid Jahonovich[4]

[1,2] Teacher of the Department of Energy Supply of Agriculture and Water Management of the Bukhara Branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,(email:axromjumayev@gmail.com)
[3,4] Student of the Department of Energy Supply of Agriculture and Water Management of the Bukhara Branch of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717570

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

asynchronous, electric drive, energy saving, controllers.

ABSTRACT

Modeling the process of energy saving in agriculture to analyze the decisions made and determine their cost-effectiveness.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАҲЛИЛИЙ – АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Нуров Хомид Иброхимович[1], Жумаев Ахром Асрор ўғли[2], Хусанов Хусан Хурсанд угли[3], Сирожев Жовид Жахонович[4]

[1,2] Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти Бухоро филиали, Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти кафедраси катта ўқитувчиси ,axromjumayev@gmail.com

[3,4] Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти Бухоро филиали, Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти кафедраси талабаси.

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

асинхрон; электр юритма; энергия тежамкор; контроллер.

ANNOTATSIYA

Қишлоқ хўжалигида энергия тежаш жараёнини моделлаштириш қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш ва уларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш .

Энг самарадор энергия тежаш тадбирлари бу кам харажат тадбирлар бўлиб, уларни кўпчилигини деярли капитал харажатларсиз амалга ошириш ва

тезда самара олиш мумкин . Қишлоқ хўжалигида бу тадбирларни кенг жорий этиш ва самарадорлигини ошириш энергия самарадорлик бўйича ахборот – таҳлилий тизимлардан фойдаланишни кенгайтиришни тақозо қилади. Энергия тежаш жараёнини моделлаштириш қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиш ва уларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида энергия тежаш имкониятларини аниқловчи ахборот – таҳлилий тизими энергиядан фойдаланиш самарадорлигини назорат ва таҳлил қилишни таъминловчи бирламчи ахборотни йиғиш ва электр энергияси сарфини камайтиришга йўналтирилган иккиламчи ахборотни шакллантирувчи алгоритмлар ишлаб чиқишни кўзда тутади. Энергия тежаш тадбирлари элементларини техник имкониятларнинг ошиб бориши билан, бошқарув объекти ҳақида уни бошқариш бўйича асосланган қарорни таъминловчи таҳлилий ахборотга эҳтиёж туғилади. Қишлоқ хўжалигида янада самарадор қайдлов тизимини жорий этиш учун, боғловчи бўғин сифатида энергия самарадорлик бўйича ахборот – таҳлилий тизимини техник қайдлов тизими билан бирлаштириш зарур бўлади. Қишлоқ хўжалиги бош энергетиги энергия хўжалиги фаолиятини бошқаришда ҳар куни ўнлаб қарорлар қабул қилади. Бу қарорларни аксарияти унинг тажрибасига асосланган бўлади. Чунки ҳар бир муаммоли вазият бўйича маълумот йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш зарур бўлади. Кўп йиллик тажрибага эга бўлишига қарамасдан бу муаммоли вазиятлар ҳал этишнинг илмий асосланган услубиётидан фойдаланиб ташкил этиш кўп вақтни ва меҳнатни талаб қилади. Бундан ташқари, замонавий ишлаб чиқариш муносабатлари бош энергетикдан энергия хўжалигига оид қарорни қабул қилишда қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид кўплаб ахборотни таҳлил қилишни талаб қилади. Ҳозирги кунда ишлаб чикаришда юқори самарадорликга эришиш омилларидан қишлоқ хўжалигини бошқаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўлиб қолмоқда . Шунинг учун замонавий рахбарларнинг столидаги компьютери асосий иш қуролига айланмоқда. Бундай катта ҳажмдаги ахборотни таҳлил қилувчи компьютер дастурларига эҳтиёж туғилади. Шундай қилиб, фойдаланишга қулай, энергия тежаш тадбирларини самарали ташкил этишни таъминловчи, энергия истеъмолини ички назоратини таъминловчи тезкор ахборот тизимига зарурият мавжуд .Замонавий ахборот технологияларига асосланган тезкор ахборот тизими энергия тежаш тадбирларини самаралироқ ташкил этиш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида энергия истеъмоли бўйича маълумотлар базасини яратиш, илмий асосланган услубиёт ва компьютер дастурлари асосида энергия тежаш бўйича таҳлилий маълумотлар олиш энергетик тадқиқотлар ва текширувлар нархини ҳамда муддатини кескин қисқартиради .Қишлоқ хўжалигида бундай маълумотлар тизимини яратиш энергия тежаш тадбирларини самарали ташкил этиш ва электр энергияси истеъмоли бўйича ички назоратни ўрнатиш имкониятини беради . Қишлоқ хўжалигида энергия хўжалигини реал ҳолатини белгиловчи маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш энергетик тадқиқотларни моҳиятини белгилайди. Электр энергияси бўйича энергия аудити текширувларини асосий вазифаси солиштирма энергия сарфи катта бўлган истеъмол манбаларини, катта исрофлар сабабларини аниқлаш ва бу ортиқча исрофларни йўқотиш бўйича тадбирлар

дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Электр энергиясини тежаш бўйича тадбирлар дастури ташкилий, ҳуқуқий, техник характерда бўлган тадбирлар асосида корхона фаолиятини оқилона ташкил этишни кўрсатиб беради. Қишлоқ хўжалигида энергияни тежаш имкониятларини аниқлашда истеъмолчида ёки технологик жараёндаги энергиядан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили орқали аниқланади. Бу кўрсаткичлар паст бўлган истеъмолчиларда энергия тежаш тадбирлари режалаштирилади. Бу тадбирларни назарий таҳлил қисми автоматлаштирилган ахборот-таҳлилий тизимда амалга оширилади. Тизимни ташкил этишнинг асосий тамойилларига тўхталиб ўтамиз. Тизимнинг мақсади: энергия ресурслар сарфини камайтиришга йўналтирилган бирламчи маълумотлар базасини ҳосил қилиш ва ундан энергиядан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил ва назорат қилиш учун зарурий маълумотларни ҳосил қилувчи алгоритмлари ишлаб чиқишни, ҳамда энергия тежаш бўйича қарорларни қабул қилишда бу маълумотлардан фойдаланишни кўзда тутади. Бирламчи маълумот деб цехлар, ускуналар, жараёнларни тавсифловчи маълумотлар, иккиламчи ахборот эса бирламчи маълумотни қайта ишлаб олинган таҳлилий маълумот тушунилади. Тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар: Қишлоқ хўжалигида энергиядан фойдаланиш холатини белгиловчи, таҳлил ва назорат қилувчи маълумотларни ҳосил қилиш. Энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни берилган тартибда қайта ишлаш ва чиқариш. Кириш ахбороти қишлоқ хўжалигида энергияни тежаш имкониятларини аниқлашга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлаши лозим. Бу вазифалар қуйидагилар: янги технологик жараёнларни ва ускуналарни қўллаш,энергия ташувчилардан оқилона фойдаланиш,энергия манбаиларни техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш,суткали истеъмол графикларини текислаш, қишлоқ хўжалигида энергетик балансларини структурасини оптималлаш,энергиядан фойдаланиш таҳлилларини такомиллаштириш,кайд қилиш ва назорат тизимларини энергияни тежаш имкониятларини аниқлаш услубиётини ва бошқариш шаклларини такомиллаштириш. Бу тизим 3 та бўлимдан иборат бўлиб ахборо ттаъминоти, услубий таъминоти ва чиқиш ахбороти бўлимларидан иборат. Ахборот тизими энергетик ускуналарни паспорт маълумотлари, меъёрий ва бошқа статистик маълумотларни ўз ичига олади. Услубий таъминот бўлими тизимнинг асосий бўлими бўлиб, асосан энергиядан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиёти келтирилган. Энергетик балансларни таҳлил қилиш қишлоқ хўжалиги энергия хўжалиги фаолиятини ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш бўлиб, қуйидаги йўналишларда ташкил этилади, қишлоқ хўжалигида энергияни қабул қилиш ва истеъмол қилиш структурасини тадқиқ қилиш,энергиядан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш, қишлоқ хўжалигида энергия хўжалиги фаолиятини ва ривожланишини белгиловчи умумлашган кўрсаткичларни аниқлаш, қишлоқ хўжалигида энергетик балансларини структурасини оптималлаш учун керак бўлган бошланғич маълумотларни олиш. Қишлоқ хўжалигида

электр энергиясини тежаш тадбирлари услубиёти батафсил баён қилинган. Жумладан, ишларда электр таъминоти тизими элементларини иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича танлаш услубиёти батафсил келтирилган. Бунда, электр узатиш йўлларини, цех подстанцияларини ва қоплаш ускуналарини иқтисодий мезонлар бўйича танлашга алоҳида ўрин берилган. Энергия тежашбўйича электротехник ҳисоблашларни бажаришда Элэктрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш услубиёти берилган. Илмий тадқиқот ишини бажаришда асосан юқорида келтирилган адабиётларда берилган услубиётлардан фойдаланилди. Бундан ташқари, маълумотлар базаси таркибини ва ҳисоблаш услубиётини ишлаб чиқишда ишлар натижаларидан фойдаланилди.

Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Хашимов А.А., Имомназаров А.Т. Электромеханик тизимларда энергия тежамкорлик. Ташкент: 2005.

2. Каҳҳоров С.К., Мирзоев Д.П. ИЗУЧЕНИЕ КОММУТАТСИОННЙХ УСТРОЙСТВ эуропеан ссиенсе № 2 (51). Парт ИИ [6].

3. Дубровский В.С., Виестур У.Е. Метановое сбраживание селскохозяйственных отходов. - Рига: Зинатие, 1988. 204 с. [4.55]

4. Имомов Ш.Ж., ХвангСангГу., Усмонов К.Е., Шодиев Э.Б., Каюмов Т.Х., «Алтернативное топливо на основе органики» Т., 2013 гг. 160 стр.[7.45]

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



INFLUENCE OF FERTILIZER RATES ON THE GROWTH AND DEVELOPMENT OF WINTER WHEAT VARIETIES

Kodirov Rakhmatjon Nomonovich[1], Shermatov Rakhmatillo Yuldashevich[2], Mamatulov Olimjon Turunbaevich[3], Sattiev Yunusbek Shokhobiddinovich[4]

[1] Doctor of Philosophy in Agricultural Sciences, Senior Lecturer, Department of Hydraulic Engineering and Reclamation Structures Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

[2,3] Assistant, Departments of Hydraulic Engineering and Reclamation Structures Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717576

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Alternative and renewable energy, battery, solar battery, controller, inverter.

ABSTRACT

The task of the battery charging unit controller for solar battery charging is to create a mobile and renewable energy source. View of a battery charging unit using a solar panel Ideal block diagram for supplying electricity to solar consumers.

ВЛИЯНИЕ НОРМ УДОБРЕНИЙ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ СОРТОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ

Кодиров Рахматжон Номонович[1], Шерматов Рахматилло Юлдашевич[2], Маматқулов Олимжон Турғунбаевич[3], Саттиев Юнусбек Шохобиддинович[4]

[1] Доктор философии сельскохозяйственных наук, старший преподаватель, кафедры Гидротехнические и мелиоративные сооружения Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

[3,4] Ассистент, кафедры Гидротехнические и мелиоративные сооружения Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 17 апреля 2021 г.
Утверждено: 21 апреля 2021 г.
Опубликовано: 23 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

подкормка, норма, озимая пшеница, посев, уборка, обмолот, грунтовые воды, ограниченная влагоемкость поля, луговой серый грунт, агротехника.

АННОТАЦИЯ

В статье описаны нормы подкормки озимой пшеницы сортов «Дурдона» и «Аср» минеральными удобрениями. Представлены аналитические материалы по результатам исследований, проведенных на землях опытных хозяйств по определению норм подкормки и полива сортов озимой пшеницы.

В связи с различными почвенно-климатическими условиями страны можно обеспечить продовольственную безопасность, разработав порядок и нормы полива озимой пшеницы после многократного затенения, получив

высокие и качественные зерновые культуры. В частности, рост, развитие и урожайность озимой пшеницы сортов «Аср» и «Дурдона» с применением минеральных удобрений в условиях пастбищных серых почв Андижанской области и их влияние на качественные показатели.

Учитывая ограниченную площадь земель в мировой сельскохозяйственной практике, он направлен на предотвращение нехватки продовольствия в будущем за счет развития отрасли на основе интенсивных технологий для получения высоких и качественных урожаев, правильных сроков посадки, эффективного использования почвенной влаги и минеральных веществ удобрения. Поэтому для каждого почвенно-климатического условия, в том числе и в Андижанской области, необходимы научные исследования для определения оптимальных сроков сева и режимов полива для сортов озимой пшеницы, выращиваемых на травянистых серых почвах, а также для повышения эффективности применениярекомендованной годовой нормы минеральных удобрений. Если динамика прорастания сортов озимой пшеницы, скорости зимовки меняются в зависимости от биогенно-генетических особенностей сортов, то теперь рост и развитие сортов меняется в зависимости от норм минеральных удобрений.

Корни озимой пшеницы впитывают воду и питательные вещества из почвы и впитывают их, выделяя различные вещества, такие как углекислый газ, сахар и различные органические кислоты, минеральные соединения.

Кроме того, корневые волоски и корневая шелуха сушеных сортов пшеницы в большом количестве накапливаются в почве. Микроорганизмы в ризосфере также различаются в зависимости от типа и разновидности озимых культур.Многие микроорганизмы, обитающие вокруг корней озимой пшеницы, играют важную роль в различных почвенных процессах и росте растений. Микро[1]организмы в ризосфере напрямую влияют на питание и рост озимой пшеницы, в то время как жидкости, выделяемые некоторыми микроорганизмами, способствуют росту и развитию озимой пшеницы. Мы видим, что рост и развитие растения, количество кустов на м^2, количество стеблей на куст, количество продуктивных стеблей на куст варьировали в зависимости от количества внесенных минеральных удобрений под озимую пшеницу (Таблица 1).

Следует отметить, что высота стеблей у сортов озимой пшеницы в первый период наблюдений у сорта «Аср» была на 2,8-3,0 см. выше, чем у контроля «Дурдона», что считается оптимальным эффектом внесения азотных удобрений при уборке урожая озимой пшеницы. В наших опытах высота стеблей озимой пшеницы также увеличивалась в последующие периоды наблюдений. Это результат воздействия обычно применяемых минеральных удобрений.Влияние минеральных удобрений также заключается в том, что продуктивные стебли на 81,6-109,5 единиц выше контроля. Почва опытного поля была мало обеспечена питательными веществами.

При выращивании пшеницы «Дурдона» с 150 кг азота, 90 кг калия и фосфора на гектар средняя высота контрольного сорта составила 9,6; 1-

апреля, 25.2; 1- мая 57,8; на 1 июня она составляла 86,2 см, а в конце вегетации количество кустов на 1 м2 - 264,2, количество продуктивных стеблей на 1 м2 - 296,0.

При внесении 200 кг азота на гектар, 120 кг фосфора и калия на гектар, 0,6 по первому варианту в соответствии с вышеуказанными сроками; 2; 12,5; Выросли больше на 5,2 см. [6] Количество кустов на 1 м2 увеличилось на 19,9, количество продуктивных стеблей - на 20,2. Прирост в данном варианте на 250 кг азота, 140 кг фосфора и калия на гектар составляет 1,4 по сравнению со вторым вариантом; 2; При увеличении на 28,1 и еще на 10,6 см количество кустов на 1 м2 увеличилось на 10,3 по сравнению со вторым вариантом, а количество продуктивных стеблей увеличилось на 43,1.

При подкормке сорта пшеницы минеральными удобрениями N150 R90 K90 кг / га его высота составила 11,9 см, на 1 апреля - 37,2 см, на 1 мая - 61,4 см, т.е. при попеременном росте до 1 апреля - немного задержался до 1 мая, на контроле высота сорта была на 0,3 см ниже, чем у первого варианта удобрения, на фоне второго удобрения (N200 K120 K120 кг / га) высота составила 12,6 см, на 1 апреля - 32,1 см, на 1 мая - 70,1 см. [7] Низкорослый, количество кустов на 1 м2 на фоне первого удобрения - 310,5, количество продуктивных стеблей - 361,3, количество кустов на 1 м2 на фоне. 2-3 удобрений - 330,2 и 343,6, количество продуктивных стеблей - 381,8;

Выявлено 386,3 единицы. На фоне удобрения 3 (N250 K140 K140 кг / га) высота 1 марта составила 14,2 см, 1 апреля 41,4 см, 1 мая 74,3 см, 1 июня 91,1 см, то есть на 24 см ниже. 1 мая и на 9 см ниже 1 июня. Эти показатели зависят от генетических особенностей сорта.

При сравнении сорта озимой пшеницы с контрольным вариантом на фоне удобрения 1 (N150 R90 K90 кг / га) установлено, что высота растений в начале марта составила 1,7 см, в апреле на 2 см выше, а к началу мая они были равны высоте стебля (57, 6 и 58,2 см), которая была на 1 см выше. Что касается количества кустов, то было отмечено, что количество продуктивных стеблей увеличилось на 40 и 45,4 по сравнению с контролем. [5]

На опытном поле разница в росте в варианте минеральных удобрений на гектар с внесением 200 кг азота, 120 кг фосфора и калия была на 2,3 см выше, чем 1 марта, на 9,6 см выше, чем 1 апреля, но увеличилась до 5,3. см 1, 1 мая. Количество кустов на 1 м2 было на 31,3 больше, чем у контрольного варианта, а количество продуктивных стеблей - 56,8.При повторном увеличении количества минеральных удобрений (N250 R140 K140 кг / га) 2,2 по исходным срокам; Он был на 10,5 дюйма ниже, на 26,3 дюйма ниже 1 мая и на 7,5 дюйма ниже 1 июня. Количество кустов на 1 м2 уменьшилось на 3, а на продуктивных стеблях увеличилось на 20,8. Следует отметить, что более высокое количество продуктивных стеблей, чем у контрольного сорта, связано с влиянием внесения минеральных удобрений и потребностью сортов в удобрениях. [4]

Среди испытанных сортов озимой пшеницы самые высокие результаты были зафиксированы у сорта «Аср» по количеству продуктивных стеблей, как показано в Таблице 1. Из данных приведенной выше таблицы было замечено, что высота была несколько ниже, чем у контроля, что является одной

из особенностей, способствующих повышению устойчивости сортов озимой пшеницы к покою в период созревания.

В результате наших исследований при использовании нетрадиционных соотношений кормления (1: 0,6: 0,6) по сравнению с традиционными кормлениями, то есть соотношений NPK (1: 1,5: 0,3), рост и развитие растений по фазам улучшается, а падение дополнительно достигнута урожайность зерна 3,8-5,6 ц / га пшеницы сорта «Аср» и экономия удобрений.

Следует отметить, что анализ данных, полученных за годы исследования, показал, что при оптимальном росте и развитии сортов озимой пшеницы в варианте минеральных удобрений N200 R120 K120 кг / га хорошие результаты показал сорт «Аср».

Таблица 1


Влияние минеральных удобрений на рост и развитие сортов озимой пшеницы

№	Осенние сорта пшеницы	Норма минеральных удобрений кг/га	Высота растений, см				Количество туб, м2 / шт. Растительность	Количество продуктивных стеблей, м²/шт
			1.03	1.04	1.05	1.06		
1	Аср	$N_{150}P_{90}K_{90}$	9,5	24,3	58,7	85,3	260,3	295,0
2		$N_{200}P_{120}K_{120}$	10,1	26,3	71,2	90,5	280,2	315,2
3		$N_{250}P_{140}K_{140}$	11,5	28,3	99,3	100,1	290,1	358,3
4	Дурдона	$N_{150}P_{90}K_{90}$	12,3	28,1	60,1	83,8	380,8	404,5
5		$N_{200}P_{120}K_{120}$	13,5	32,3	72,8	85,3	390,3	413,2
6		$N_{250}P_{140}K_{140}$	14,5	35,6	78,1	88,1	392,5	439,1
		$N_{250}P_{140}K_{140}$	13,6	39,8	71,9	92,3	320,2	380,2

Литературы:

1. Сиддиқов Р., Рахимов М. “Фосфорли ўғитларни қўллаш усулларининг кузги буғдой дон хосилига таъсири”. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2018. -№11. -Б. 37.
2. Маҳаммадиев С.“Кузги буғдой донининг сифатини оширишда нав ва ўғитнинг аҳамияти”. к.х.ф.б.ф.д дис. автореферати.Тошкент.2019. б. 20.
3. Сатторов М. “Кузги буғдой навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш меъёри ва маъдан ўғитларнинг таъсири”. к.х.ф.н. дис. автореферати. Тошкент. 2009.б. 20
4. Xudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., Razzakov, B. A., &Kholdarov, M. S. (2020). To the fertilizer knife determination of resistance. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(8), 65-71.
5. Холдаров, М. Ш. (2020). УНИВЕРСАЛЬНО-КОМБИНИРОВАННЫЙ КУЛЬТИВАТОР УЛУЧШЕННАЯ КОНСТРУКЦИЯ УДОБРЕНИЯ. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 44-48. http://summusjournals.com/index.php/ijdiie/article/view/355
6. Khudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., &Kholdarov, M. S. Improved Design of Universal-combined Cultivator-fertilizer. International Journal on Orange Technologies, 2(10), 83-85. https://www.neliti.com/publications/333419/improved-design-of-universal-combined-cultivator-fertilizer

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



CHARACTERISTIC OF THE ACADEMIC MOBILITY OF HIGHER EDUCATION STUDENTS
(on the example of medical institutes)

Kenjaeva Khurshida Pulatovna[1]
[1] Senior Lecturer, Bukhara State Medical Institute

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717582

ARTICLE INFO
Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS
Academic mobility, features of mobility, components of mobility, academic mobility of students.

ABSTRACT
The article examines the importance of academic mobility in the integration of foreign universities into the global educational space. The main goal of academic mobility of students of medical universities and the system of measures developed in this regard are analyzed. And also, the main structures of academic mobility are revealed. Special attention is paid to the importance of preparing students of a medical institute for academic mobility.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АКАДЕМИК МОБИЛЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(тиббиёт институтлари мисолида)

Хуршида Пулатовна Кенжаева[1]
[1] Бухоро давлат тиббиёт институти катта ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
Академ мобиллик, мобиллик хусусиятлари, мобиллик таркибий қисмлари, талабалар академ мобиллиги.

ANNOTATSIYA
Мақолада академик мобилликни жаҳон университетларининг глобал таълим маконига қўшилишдаги аҳамияти тадқиқ қилинган. Тиббиёт институтлари талабалари академик мобиллигининг асосий мақсади ҳамда бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тизими таҳлил қилинган. Шунингдек, академик мобилликнинг асосий таркибий қисмлари очиб берилган. Тиббиёт институти талабалари ўртасида академик мобилликка тайёргарликни шакллантиришнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Замонавий глобал муаммоларни тушунишга ёрдам берадиган ва бошқа маданият вакилларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш зарурлигини асослайдиган анъанавий бирдамлик ва шериклик тамойиллари Ўзбекистон таълими учун жуда муҳим ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори [1], "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5 июнь 2018 йил ПҚ-3775-сонли Қарори [2], "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони [3]да айнан академик алмашинув дастурини амалга оширишга жуда катта эътибор қаратилган.

Глобаллашув ва интеграциянинг фаол жараёнлари билан ажралиб турадиган замонавий жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари юқори касбий таълим тизимига таъсир қилади. Ягона Европа таълим маконининг шаклланиб бориши Европа Ҳамжамияти дастурларига мувофиқ, талабаларнинг эркин ҳаракатланишини назарда тутади. Айнан академик мобиллик жаҳон университетларини глобал таълим маконига қўшилиш жараёнини амалга оширишнинг муҳим йўналишлари ва усулларидан бири ҳисобланади.

Тиббиёт институтлари талабалари академик мобиллигининг асосий мақсади:

- келажакдаги шифокорга тан олинган илмий ва таълим марказларида танланган касбий тайёргарлик йўналиши бўйича сифатли таълим олиш имкониятини бериш;
- бўлғуси шифокорга жаҳоннинг етакчи илмий марказларига кириш имкониятини бериш;
- талабаларнинг жаҳон маданиятининг барча соҳаларида билимларини кенгайтириш, фуқаролар тафаккурининг янги турини ривожлантиришга қаратилгандир.

Болония шартномасининг меъёрий ҳужжатларида академик мобиллик Европа олий таълимининг касбий ва маданий ички ҳолатини кучайтириши таъкидланган. Прага коммюникеси[1] (2001) талабаларнинг академик мобиллиги уларга Европа олий таълим соҳаси бойликлари, шу жумладан демократик қадриятлардан фойдаланишга имкон бериши [4]ни таъкидлайди.

Тиббиёт институти талабаси учун ўз фаолиятининг мақсадлари билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, умуминсоний ва касбий қадриятларга нисбатан эркин, тўсиқсиз ва ижодий ўз тақдирини белгилаш имкониятини беришдир. Замонавий жамият доимий ўзгарувчан шароитларда (ижтимоий, касбий, иқтисодий) тиббий фаолиятни амалга оширишга тайёр тиббий мутахассисларга муҳтож.

Бундай мутахассислар янги дунё яратилишига, одамлар ўртасидаги ўзаро тушунишга ва гуманистик қадриятларни такомиллаштиришга ҳисса қўшиб, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладилар. Ягона геосиёсий маконга жалб қилиш нафақат тиббий таълим учун, балки тиббиёт соҳасида бўлажак мутахассиснинг шахсияти учун ҳам янги имкониятларни очиб беради, чунки академик мобилликни амалга ошириш доирасида талаба ижтимоий, таълим, тадқиқот ва касбий муаммоларни ҳал қилиш заруратига дуч келади.

Бу келажакдаги шифокорда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш бўйича касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради:

- ташқи дунё билан ўзаро муносабат ўрнатиш;
- баҳолаш, танлаш ва лойиҳалаш қобилияти;
- ўз-ўзини англаш қобилияти ва маданиятлараро алоқа;
- ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашувчанлик ва етарли даражада жавоб бериш;
- кўп маданиятли аспектда акс эттириш қобилиятлари [5].

[1] Коммюнике – Европанинг олий таълимга масъул вазирлари учрашуви

Натижада, келажакдаги шифокорларнинг билимлар ва касб-ҳунарга бўлган қадрият муносабатлари, маданиятлар диалогидаги билим, кўникма ва кўникмалар, қадриятлар йўналишларининг интеграллиги орқали ривожланиш динамикаси содир бўлади, бошқа томондан, уларнинг жаҳон таълим, илмий, маданий ва профессионал маконидаги ўрни ва аҳамиятини англаш.

Тиббиёт институти талабаларининг академик мобиллиги бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тизими тўлиқ характерга эга бўлади:

- фаолият мақсади, унинг мотивлари, ҳаракатлари, операциялари, тартибга солиш ва созлаш усуллари, унинг якуний натижасини бошқариш ва таҳлил қилиш;
- Касбий йўналтирилган таълимнинг бутун жараёни талабанинг шахсияти, унинг мотивлари, мақсадлари, қадрият йўналишлари, қизиқишлари, истиқболлари, ҳаётий режалари ва лойиҳалари орқали ўтади [6].

Шуни таъкидлаш керакки, академик мобиллик дастури талабаларга ўзларининг таълим йўналишларини танлашга имкон беради. Талабанинг ўзига хос таълим траекторияси шахсни ривожлантириш мақсадларига эришишга қаратилган бўлиб, уларга эришиш учун фаолиятни йўналтириш шакллари, воситалари ва усулларини ҳисобга олади.

Бинобарин, академик мобиллик инсоннинг атрофдаги оламга, одамларга, келажакдаги касбий фаолиятга, тиббиёт соҳасида бўлажак мутахассис сифатида ўзига бўлган қиймат муносабатини акс эттиради. Бу академик мобиллик таркибида қуйидаги қиймат жиҳатлар тўпламини ажратиб кўрсатишимизга имкон беради:

- тиббиёт соҳасида бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг назарий ва амалий имкониятларини кенгайтириш;
- тиббиёт соҳасидаги янгиликларни қабул қилишга тайёрлиги;
- халқаро билимларни бойитиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган малака ва кўникмаларни такомиллаштириш;
- бўлажак шифокорларнинг билим ва касбий фаолиятга бўлган муносабати динамикаси;
- жамиятнинг маданий қадриятларини интериоризация қилиш;
- таълим йўналиши траекториясини эркин танлаш (талабанинг ўз таълим йўналиши унинг шахсий ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган);
- тиббиёт олий ўқув юрти талабасининг шахсий компонентини ҳаётга татбиқ этиш;
- бўлғуси шифокор шахсини тизим-қиймат жиҳатидан ривожлантириш;
- бўлажак шифокор томонидан мавзу позициясини қабул қилиши;
- профессионал йўналтирилган (чет тили) мулоқот имкониятларини ошириш; - маданиятлар суҳбати доирасида бўлажак шифокор шахсининг чет тили ўқув ва илмий маконига кириши [7].

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, биз академик мобилликнинг асосий таркибий қисмларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- қизиқиш - келажакдаги шифокорнинг шахсиятининг ўз фаолиятининг мақсадларини тушунишга йўналишини таъминлайдиган билим эҳтиёжининг намоён бўлиш шакли сифатида, бу янги фактлар билан танишишга ва чет тили ҳақиқатини янада тўлиқ акс эттиришга ёрдам беради;
- фаолият - талабанинг чет тили дунёсига фаол муносабатини амалга оширишда шахсий потенциалнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида;

- мустақиллик - фаолият учун мақсадларни белгилаш ва уларга ўз-ўзидан эришиш қобилиятида ифодаланган шахсий сифат сифатида;
- мослашувчанлик - тиббиёт институти талабасининг чет тили муҳитининг ўзгарувчан шароитларига мослашиш қобилияти сифатида;
- фаолиятга тайёрлик - маълум бир дақиқада фаолиятни амалга оширишга йўналтирилган шахс кучларининг контцентрацияси сифатида;
- алоқа - бир томондан шахсан муҳим сифат сифатида, бошқа томондан эса, шахслараро муносабатларни шакллантириш учун бошқа одамлар билан ўзаро алоқада бўлиш қобилияти;
- ижодкорлик - тиббиёт институти талабаси шахсиятининг фаолият мақсадига эришиш учун янги ғояларни лойиҳалаш қобилияти сифатида;
- акс эттириш - келажакдаги шифокорнинг ўз фаолиятини ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилияти сифатида [8].

Академик мобилликни амалга ошириш учун қиймат матрицаси бу механизмлар таъсирининг изчиллиги: излаш - баҳолаш - танлаш - проекция, шахснинг таълим, илмий ва касбий қадриятларга кўтарилишини таъминлайди. Ушбу механизм қуйидагича ишлайди:
- қидирув - касалликнинг олдини олиш, диагностикаси ва даволаш бўйича предметли билимлардан фундаментал биомедикал ва клиник билимларга ўтишни таъминлайдиган, шахс томонидан профессионал аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш жараёни;
- баҳолаш - профессионал йўналтирилган маълумотларнинг долзарблигини субъектив тажрибаси; фаолиятни амалга ошириш учун унинг аҳамиятини аниқлаш;
- танлов - талабанинг ўз ҳаётининг ташқи ва ички режаси, ўз-ўзини бошқариш билан боғлиқлиги;
- проекция - олинган профессионал йўналтирилган маълумотдан фойдаланганда ўз хусусиятларини ва ҳолатларини ташқи нарсаларга ўтказиш жараёни ва натижаси, назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик бўлиб, ушбу механизм субъектнинг объектга ва бошқа субъектларга бўлган қиймат муносабатини англатади, бу эса, шахсга қадриятлар дунёсида саёҳат қилиш имкониятини беради. Бунинг учун энг аҳамиятлиси, у келажагини белгиланган қадриятларга мувофиқ равишда лойиҳалаштиради [9].

Ўқув, илмий ва касбий макон доирасидаги академик мобилликнинг ўзига хослиги мутахассисликнинг чет тилини фаол эгаллаши, тиббиёт соҳасида бўлажак мутахассис шахсини ривожлантириш учун зарур шарт сифатида чет тилида мулоқот қобилиятларининг мавжудлигини назарда тутади.

Шуни таъкидлаш керакки, олий тиббий таълим соҳасида академик мобилликнинг ўсиши чет тилини ўрганиш учун юқори мотивацияни таъминлайди, талабага шахсий ва касбий ривожланиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бўлажак шифокорлар учун халқаро амалиётлар инглиз тилини ўрганиш жараёнини вақт ва маконда узлуксиз амалга оширишга имкон беради. Чет тилини билиш келажакдаги шифокорга ҳамкасблари билан етарлича мулоқот қилишга имкон беради ва замон билан ҳамнафас бўлишга ёрдам беради, чунки шифокор касби талабалардан доимий равишда ўз-ўзини тарбиялашни талаб қилади [10].

Тиббиёт институти талабалари ўртасида академик мобилликка тайёргарликни шакллантириш мақсадида

барча олий таълим муассасаларининг “Инглиз тили” кафедраси ўқитувчилари унга эришиш учун барча педагогик шароитларни яратишлари лозим. “Инглиз тили” фани нафақат чет тили компетенциясини шакллантириш учун, балки келажакдаги шифокорнинг умумий маданий ва касбий ваколатлари учун ҳам катта имкониятларга эга.

Инглиз тили дарсларида талабалар танқидий фикрлаш, муаммоли ўқитиш, инновацион технологияларни ривожлантириш учун технология элементларидан фойдаланган ҳолда, чет тилида касбий мулоқот қобилиятини ривожлантириш имкониятига эга.

Симуляция ва гуманитар технологиялар комбинацияси мутахассисликнинг чет тилини ўзлаштириш бўйича ишларни босқичма-босқичлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланади. Ҳар бир кейинги босқич аввалгисига асосланиб, талаба ва ўқитувчи фаолияти аста-секин мураккаблашади. Академик мобилликка тайёрликни шакллантириш бўйича ишлар келажакдаги шифокорларнинг дарсдан ташқари фаол ишларини ҳам назарда тутади [11].

Шундай қилиб, тиббиёт институтларининг таълим майдонидан бошлаб, академик мобиллик дастурини амалга оширишга тайёргарлик босқичма-босқич ўз чегараларидан чиқиб кетади. Академик мобиллик жараёнида бўлажак шифокор шахсиятининг тизимли-қийматли ривожланиши маданиятлар мулоқотида чет тили ҳақиқати элементларини билиш орқали содир бўлиши муҳимдир.

Талабаларнинг академик мобиллиги маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, бошқа маданият вакилларини тушуниш қобилиятини шакллантириш орқали дунё фуқароси шахсини ривожлантириш учун муҳимдир. Академик мобиллик дастурида иштирок этиш келажакдаги шифокорга жамиятдаги ўзгаришларга тез ва етарлича жавоб беришга имкон беради [12].

Шу билан бирга, академик мобиллик талабанинг ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштиришга бўлган ички эҳтиёжидан, шунингдек, келажакдаги шифокорнинг шахсиятининг индивидуал тажрибаси чегараларини ошириб, касбий билимлар, кўникмалар, қадрият муносабатлари ва акс эттиришнинг интеграл қисмини кенгайтириш истагидан келиб чиқади.

Бинобарин, тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларининг ягона таълим майдони доирасидаги академик мобиллиги келажак тиббиётининг шахсий ва касбий ривожланишини яхшилашга ва ўз фаолият услубини ривожлантиришга қаратилган олий тиббий таълимнинг интеграл қиймат хусусиятидир.

Ўзининг мазмуни жиҳатидан келажакдаги шифокорни тайёрлаш, биринчи навбатда, тиббиёт институти талабаси шахсининг ички ресурсларига тегишлидир.

Талаба чет тилидаги таълим майдонига кириб, илгари қабул қилган қадриятларни бошқа бир жамият муҳити таъсири остида қайта кўриб чиқади, келажакдаги шифокор шахсининг аксиоферасини аниқлайди, кенгайтиради ва бойитади.

Шундай қилиб, бўлажак шифокорнинг аксиоферасининг кенгайиши ахлоқий, эстетик, касбий ва ижтимоий қадриятларни интериоризация қилиш орқали академик мобиллик жараёнида юзага келади ҳамда бу жараён ҳар доим ҳам бир хил ва илгарилаб кетавермайди. Тиббиёт институтининг ўқув майдонида академик мобиллик жараёнида бўлажак


шифокор шахсининг аксиоферасининг кенгайиши талабанинг келажакдаги касбий фаолиятга бўлган шахсий муносабатини, талабалар томонидан мавзу позициясини қабул қилишини, касбий жиҳатдан муҳим фазилатлари ва касбий онгини шакллантиришни назарда тутади.

Талабаларнинг ижтимоий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган амалиётга қўшилиши умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш имкониятларини анча кенгайтиради. Олий тиббиёт мактабининг чет тили таълими келажакдаги шифокорлар томонидан ўз ҳаёт стратегиясини белгилашда зарур бўлган ҳаётий тажрибани эгаллаш ва ўзлаштиришга ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
4.Богословский И.В., Писарева С.А., Тряпицына А.П. Академическая мобильность: реализация в Болонском процессе: Метод. пособие для студентов. — СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007. — 55 с.
5.Агишев Р.Р. Программы академической мобильности: особенности и возможности // Распространение Болонского процесса: от деклараций к внедрению на практике: В 3 ч. Ч. 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения. — Казань: КГТУ им. А.Н.Туполева, 2008. — С. 103-110.
6. Амонова Х. И., Содикова С. Ш. КЕЙС КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕТОД ПРЕПОДАВАНИЯ ХИМИЧЕСКИХ НАУК В ВЫСШИХ МЕДИЦИНСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 19-2 (97).
7. Амонова Х. И. ОСОБЕННОСТИ АКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ //Наука, техника и образование. – 2020. – №. 6 (70).
8. Кенжаева Х. П. ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИДА //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
9. Жабборова О. И., Кенжаева Х. П. Экологические мировоззрения Ибн Сины //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2018. – №. 5-2.
10. Кенжаева Х. П., Тожиев Ф. И., Жураев Б. Н. РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЗДАНИИ И РАЗВИТИИ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ //Инновации в технологиях и образовании. – 2014. – С. 119-123.
11.Khajieva I. et al. Foreign language competenceformation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 360-365.
12. Zhabborova O. I., Kenjaeva H. P. Bases of gender equality of rights in Uzbekistan //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2018. – №. 5-2.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



EFFECTS OF AUTUMN WHEAT VARIETIES ON IRRIGATION PROCEDURE TO YIELD

Kodirov Rakhmatjon Nomonovich[1], Shermatov Rakhmatillo Yuldashevich[2], Mamatulov Olimjon Turunbaevich[3], Khusanov Dilmurod Dekhonovich [4]

[1] Doctor of Philosophy in Agricultural Sciences, Senior Lecturer, Department of Hydraulic Engineering and Reclamation Structures Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

[2,3,4] Assistant, Departments of Hydraulic Engineering and Reclamation Structures Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717586

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Top dressing, irrigation rate, winter wheat, sowing, harvesting, threshing, groundwater.

ABSTRACT

The article describes the norms of water-balance feeding and irrigation of winter wheat varieties "Asr" and "Durdona", sown after repeated shading of winter wheat. Analytical materials are presented based on the results of studies carried out on the lands of experimental farms to determine the norms of feeding and irrigation of very early-maturing varieties of winter wheat. The data obtained were analyzed and recommendations were made for very early maturing winter wheat varieties.

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ХОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Кодиров Рахматжон Номонович[1], Шерматов Рахматилло Юлдашевич[2], Маматқулов Олимжон Турғунбаевич[3], Хусанов Дилмурод Дехқонович[4]

[1] Доктор философии сельскохозяйственных наук, старший преподаватель, кафедры Гидротехнические и мелиоративные сооружения Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

[2,3,4] Ассистент, кафедры Гидротехнические и мелиоративные сооружения Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

озиқлантириш, суғориш нормаси, кузги буғдой, экиш, туплаш, бошоқлаш, сизот сувлари, агротехникаси

ANNOTATSIYA

Мақолада кузги буғдойнинг такрори соядан кейин экилган кузги буғдойни "Аср" ва "Дурдона" навларини сув баланси озиқлантириш меъёри ва суғориш тартиби келтирилган. Кузги буғдойнинг ўта эрта пишар навларини озиқлантириш меъёри ва суғориш тартибини белгилаш учун ўкув-тажриба хўжалиги ерларида олиб борилган изланишлар натижалари асосидаги таҳлил материаллар кўрсатилган. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, кузги буғдойнинг ўта эрта пишар навлари учун тавсиялар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясидаги "Суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштиришни янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг бошоқли

дон экиладиган майдонларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, кузги буғдой навларидан барқарор юқори ҳосил олишда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш даврларида суғориш тартибини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, кузги буғдойнинг эрта пишар навларини озиқлантириш ва суғориш меъёрини белгилаш учун Андижон қишлоқ хўжалик институти ўкув-тажриба хўжалиги ерларида, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида такрорий экилган соядан кейин етиштирилган кузги буғдойнинг истиқболли “Аср” ва “Дурдона” навларини ривожланиш фазалари бўйича суғориш тартиблари ва мақбул меъёрлари ишлаб чиқилган. Тажриба участкасининг сизот сувларининг чуқирлиги 1,7-2,7 метрни ташкил этади. Тажриба назорат ва тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 :70-70-60: 70-80- 70 фоиз схемаларида ўтказилди. Илмий тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ва фенологик кузатувлар, турли таҳлиллар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”.“Методы агрохимических анализов почв и растений”, [4,5] “Методы агрофизических исследований”. Тажрибаларда олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” манбасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари услубий қўлланмалари асосида бажарилган

Тажриба майдони Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқув тажриба хўжалигида жойлашган, тажриба тархи қуйидаги 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Тажриба тизими

Вариан-тлар	**Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан % ҳисобида**	**Ҳисобий намлик қалинлиги, см**		
		Экиш-туплаш даврида	**Гуллаш бошоқлаш даврида**	**Пишиш даврида**
Буғдойни “Аср” нави				
1	70-70-60 (назорат)	0-50	0-70	0-100
2	65-65-60	0-50	0-70	0-100
3	70-70-70	0-50	0-70	0-100
4	70-80-70	0-50	0-70	0-100
Буғдойни “Дурдона” нави				
5	70-70-60	0-50	0-70	0-100


	(назорат)			
6	65-65-60	0-50	0-70	0-100
7	70-70-70	0-50	0-70	0-100
8	70-80-70	0-50	0-70	0-100

Қишлоқ хўжалик экинлари учун айниқса суғориладиган дехқончилик шароитида кузги буғдойни ҳосилдорлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири тупроқни намлигидир. Тупроқда етарли даражада (мақбул) нам бўлганда ғалла ўсимлиги ҳатто 45^0 С иссиқликка ҳам чидайди. 50^0 С да эса 30 дақиқадан сўнг сўла бошлайди. Олимларни маълумотларича нам тупроқ учун ўзига мос тупроқ-иқлим шароити, алоҳида озиқланиш меъёрлари, суғориш тартиблари бўлиши керак. [6] Шундай экан биз изланишларимизда ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойни “Аср” ва “Дурдона” навларининг суғориш тартибларини дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсирини аниқладик. 3 йил давомида олинган илмий маълумотлар1,2 жадвал ва 1-2 диограммаларда келтирилган.

Суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғими ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % қилиб белгиланган вариантда кузги буғдойнинг “Аср” навида изланиш йилларига мутаносиб равишда 71,4; 71,8; 71,4 ва ўртача уч йилда 71,4 ц/га ҳосил олинган бўлса бу кўрсаткич назорат варианда 56,6; 56,8; 56,4 ва ўртача уч йилда 56,4ц/га ни ташкил этган бўлса, кузги буғдойнинг “Дурдона ” навида изланиш йилларига мутаносиб равишда 70,4; 70,2; 66,4 ва ўртача уч йилда 70,4 ц/га ҳосил олинган бўлса бу кўрсаткич назорат варианда 58,6; 58,0; 58,4 ва ўртача уч йилда 58,6 ц/га ни ташкил этди. [7] Энг юқори сомон ҳосили уч йилда ўртача кузги буғдойнинг “Аср” навида (1 жадвал) суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғими ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % қилиб белгиланган вариантда 56,8ц/га ташкил этган бўлса бу кўрсатгич назорат вариантда 45,3 ц/га ни ташкил этди. “Дурдона” навида бу кўрсатгичлар 70,4ц/га; 56,8ц/га; ташкил этди



2-расм. 1 м^3 суғориш суви ҳисобига олинган ҳосил



3-расм. 1 ц ҳосил олиш учун сарфланган суғориш суви, м^3/ц

Шундай қилиб юқорилардан хулоса қилиш мумкинки кузги буғдойни “Аср” навининг дон хосили тупроқ намликлари ЧДНС дан 65-65-60% белгиланган вариантда бўлиб, 71,4 ц/га ташкил этди бу кўрсатгич назорат варианда 56,6 ц/га ни ташкил этди. Кузги буғдойни “Дурдона” навининг дон хосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60% белгиланган вариантда бўлиб, 70,1 ц/га ташкил этди бу кўрсатгич назорат варианда 58,6 ц/га ни ташкил этди. [8] Кузги буғдойни “Аср” навининг сомон хосили тупроқ намликлари ЧДНС га нисбатан 65-65-60% белгиланган вариантда бўлиб, 56,8 ц/га ташкил этди бу кўрсатгич назорат варианда 45,3ц/га ни ташкил этди. Кузги буғдойни “Дурдона” навининг дон хосили тупроқ намликлари ЧДНСга нисбатан 65-65-60 % белгиланган вариантда бўлиб, 56,3 ц/га ташкил этди бу кўрсатгич назорат варианда 46,8 ц/га ни ташкил этди.

2-жадвал

Кузги буғдойнинг дон ҳосили, ц/га.

Вариан-лар	Қайтариқлар				Ўртача	Қайтариқлар				Ўртача	Қайтариқлар				Ўртача	Ўртачаси
	I	II	III	IY		I	II	III	IY		I	II	III	IY		
“Аср”нави																
1	56,3	56,5	57,1	56,7	56.6	56.4	56,2	58,1	56,8	56.8	56.4	56,2	56,4	56,8	56.4	56.6
2	70,8	71,7	71,4	71,9	71.4	71,9	71,8	71,9	71,8	71.8	70,2	70,3	69,7	70,1	70.0	71.4
3	60,9	60,5	60,6	59,6	60.4	60,6	60,2	60,4	61,2	60,6	60,2	59,4	61,1	60,3	60.2	60.4
4	50,4	50,8	49,8	50,7	50.4	51,4	50,8	51,4	51,2	51,2	48,9	49,8	49,7	49,9	49.8	50.4
“Дурдона”нави																
5	58,9	58,7	57,9	58,9	58.6	58,1	58,4	57,2	58,3	58.0	58,4	58,8	57,6	58,8	58,4	58.6
6	70,6	70,2	70,6	70,4	70,4	73,3	74,2	75,1	74,5	74,2	65,8	66,7	66,6	66,5	66.4	70,4
7	56.4	56,2	56,4	56,8	56.4	58,1	58,3	57,7	58,3	58.0	56,2	56,1	56,1	56,2	56.0	56.8
8	52,8	51,8	52,4	52,6	52.4	52,7	51,8	52,9	52,9	52.8	52,1	51,4	52,2	52,3	52.0	52.4

3-жадвал

Кузги буғдойнинг сомон ҳосили, ц/га.

Вариант-лар	Қайтариқлар			Ўртача		Қайтариқлар			Ўртача		Қайтариқлар			Ўртача		Ўртачаси
	I	II	III	IV		I	II	III	IV		I	II	III	IV		
“Аср”нави																
1	45,2	45,3	45,5	45,4	45.3	44,8	43,9	44,8	44,9	44,8	45,2	45,2	45,1	45,0	45,1	45.3
2	57,5	57,6	56,5	57,4	57.2	57,9	57,1	56,9	57,9	57,4	56,0	56,1	56,2	56,2	56	56.8
3	48,7	47,8	47,9	48,8	48.3	48,8	47,8	47,9	48,8	48,4	48,2	47,3	47,9	48,5	48,1	48.3
4	40,2	41,1	40,1	40,2	40.3	41,2	41,3	40,5	41,3	41,0	40,1	41,1	39,4	40,2	40,0	40.3
“Дурдона”нави																

5	46,9	46,8	46,9	46,8	46,8	46,7	45,8	46,6	46,7	46,4	46,9	46,8	46,4	46,8	46,7	46.8
6	56,5	56,4	56,2	56,3	56,3	59,4	58,8	59,6	59,6	59,3	53,4	53,5	53,2	52,4	53,1	56.3
7	45,2	45,0	45,1	45,2	45,1	46,9	46,8	46,9	46,8	46.8	44,5	44,9	44,8	44,9	44,8	45.1
8	41,8	41,9	41,9	41,8	41,9	42,2	41,8	42,6	42,4	42,2	41,6	41,7	41,6	41,5	41,6	41.9

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзажонов Қ.М. Сув бутун борлиққа хаёт бахш этар // Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муоммолари .Тошкент, 2004, 60- 60 б.

2 .Собко А.А.Орошение зерновых культур в южных районах Украины. Москва 1969 с. 145-187.

3. Костин И.С и др. Орошение озимой пшеницы на Кубане. // Зерновые и масличные культура. № 8, 1963, с. 19-21.

4. ЎразматовН., ЎринбоеваГ. Кузги буғдой ҳосилдорлигига такрорий экинларнинг таъсири// Агро илм, 2011, № 8,б. 1


5. Xudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., Razzakov, B. A., &Kholdarov, M. S. (2020). To the fertilizer knife determination of resistance. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(8), 65-71. https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=8&article=011

6. Холдаров, М. Ш. (2020). УНИВЕРСАЛЬНО-КОМБИНИРОВАННЫЙ КУЛЬТИВАТОР УЛУЧШЕННАЯ КОНСТРУКЦИЯ УДОБРЕНИЯ. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(5), 44-48. http://summusjournals.com/index.php/ijdiie/article/view/355

7. Khudoyberdiev, T. S., Boltaboev, B. R., &Kholdarov, M. S. Improved Design of Universal-combined Cultivator-fertilizer. International Journal on Orange Technologies, 2(10), 83-85. https://www.neliti.com/publications/333419/improved-design-of-universal-combined-cultivator-fertilizer

8. ТС Худойбердиев, ШН Нурматов, БР Болтабоев, МШЎ Холдаров, АМ Абдуманнопов. “НОВАЯ КОНСТРУКЦИЯ УНИВЕРСАЛЬНОГО КОМБИНИРОВАННОГО КУЛЬТИВАТОРА УДОБРИТЕЛЯ’’ //Life Sciences and Agriculture//, 1 (5). Дата публикации 2021. https://cyberleninka.ru/article/n/novaya-konstruktsiya-universalnogo-kombinirovannogo-kultivatora-udobritelya

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



CULTURAL ASPECT OF NON-VERBAL MEANS OF COMMUNICATION

Saidova Mariya Aleksandrovna[1]

[1] Master's Student, Tashkent State Pedagogical University,

e-mail: mariya_joint@mail.ru

https://doi.org/ 10.5281/zenodo.4717588

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

communication, nonverbal means, comparison, form, meaning

ABSTRACT

The article is dedicated to the study of the nonverbal aspect of intercultural communication. More emphasis is put on the cultural specificity of some types of nonverbal means.

In the process of communication, people pass on much more information than we might stand for. Gestures, intonation, postures, expressions, timbre, facial gaze and, even the distance between the interlocutors transmit the information as well. Any expressive movement becomes an action itself besides an essential act of influencing people. As an integral part of every culture, nonverbal communication is one of the most significant components of communication. According to Yu.S. Maslov, human interaction is a phenomenon that is a complex system of transmitting information, intentionally or automatically transmitted by the sender and accepted by the recipient. [1998. pp. 7-24]. Sound language is a key to its implementation, while another component less frequently mentioned, but still regarded as important is presented in nonlinguistic (nonverbal) forms.

According to V.N.Kunitsina [2002. pp.68-71], non-verbal means carry out such functions as:

- complementing verbal messages (including duplicating and strengthening);
- refutation of verbal messages;
- supersedence of verbal messages;
- regulating of conversation.

V.N.Kunitsina clarifies that nonverbal messages in the complementing function make speech more expressive, accurate and explain its content. Any speech may be more comprehensible and arresting when duplicated by gestures. Let us take greeting as an example people may shake hands or hug each other while saying how happy they are to see each other. Non-verbal signs can also heighten the most significant moments of speech: we can invite attention to something we say by elevating our voice, pausing, or gesturing in a certain way, or lifting of index finger up, we draw the addressee's attention to the fact that this information is imperative.

Refutation of verbal messages means that the non-verbal contradicts the verbal one. Non-verbal behavior is quite spontaneous and is less controlled by consciousness, so not match or even contradict what was said. Many people can check up on the first reaction emotional state is revealed in 4-5 seconds so; a smile or surprise that lasts longer than this time may betray deception.

The most descriptive examples are nodding and headshaking, accompanying the speech. These

gestures indicate the honesty of the opponent. Par example, if for the question "Are you eavesdropping on us?" the answer is "No!" accompanied by headshakes, the verity of interlocutors beyond any doubt. If the answer accompanies giving a shrug, looking the other way, apologetic smile, then the inconsistency of speech and movements presents the insincere.

The displacement function indicates the use of non-verbal messages instead of verbal ones. To cite one example, using only gestures, we can tell a person to end the conversation or step out and discuss an issue face to face. A silent agreement, expressed by slow blinking or a nod, may also be a clear-cut example.

Regulation, as a function of non-verbal communication, is used to coordinate interactions between people. In this case, the replacement signs mentioned above are often used - a turn of the head - indicating who should take tern in action; touch - expressing a desire to ask about something, etc. These and many other signs regulate the communication process, besides they are important indicators of emotional states and attitudes of a person to the world in various situations.

It is time to move to another issue related to cultural specificity. One might get the impression that non-verbal language, or body language, is universal. But the basic patterns of communication, such as body language significantly differ from one culture to another. Knowing cultural features of body language can be useful in making business and friendly contacts, improving understanding of the interlocutor. Body language on the formal and functional levels can be opposite or have another connotative colouring that represents a certain risk in intercultural communication. It was substantiated by a great number of scholars [Anderson, 1999; Prohorov & Sternin, 2006; Andrianov, 2007; Briksina & Sofoshina, 2016].

Along with other gestures, the customs that regulate the justification of touch vary considerably across cultures. So, representatives of Western cultures often shake hands when meeting each other beyond that kiss or hug. Whereas, Mediterranean people allow a kiss on each cheek as a sign of greeting. However, for representatives of Eastern culture, touching a stranger as a sign of greeting, and even more so a kiss, is taboo.

As previously referred to, the greeting is one of the most valuable factors in all types of communication and varies from culture to culture. For example, Americans and Canadians traditionally greet each other with handshakes, and the tighter handshake is, all the better. However, representatives of Asian and African cultures prefer non-contact greetings, like bringing folded hands to the chest, as prayer, bowing, or placing the right hand to the chest (the heart). At the same time, considering the greeting in Japan expressed by a bow, we observe the fact that the lower the bow, the more respect is shown to whom the bow is intended. In Spain, Portugal, Italy, and Eastern Europe, people greet each other by kissing each other on the cheeks.

Referring to a substitute gesture, palm up, pressed fingers, a movement towards oneself, which replaces the verbal expression "Come up!" in Russian culture, on the other hand in Greek culture is perceived as a sign of greeting or farewell, which very often leads to misunderstanding. At the same time, the gesture typical for Russian people - raising of hand with wide-spread fingers conveying the meaning of a greeting, for the Greeks is insulting and derogatory; Greeks widely use it to express their negative emotions.

It is also imperative to be careful with the pointing gesture. As an example, let us take a look at the attitude of representatives of various cultures on the American continent to this gesture: for most Americans, a gesture pointing to an object or person does not have any negative meaning, while Native Americans find this gesture extremely rude, and to avoid it, they denote to

anything with their chin. In the East, it is also considered very rude to point a finger, just as in Russian culture, therefore here, they post with the entire hand, always with the palm up. The Germans use the little finger to indicate something.

Showing someone a thumb up, in Russian and Eastern cultures, is perceived as approval of something, a way to say - I like - in France, it means - one. In Britain, Australia, New Zealand, the thumb raised has three meanings: firstly, it is used by hitchhikers to stop a car; secondly, it means that everything is fine, but when the thumb is raised sharply, the gesture becomes offensive.

V- Gesture. This sign has a strong following among England, New Zealand, and Australia, where it is a symbol of victory only if the palm with fingers apart is turned away. If we turn the palm to oneself this gesture acquires an offensive meaning. This gesture means: "Two" or “Goat” as an offensive meaning in Russian culture.

Visual contact is another important aspect of intercultural communication. In the United States of America, direct eye contact is preferred in conversation and is considered a sign of directness and honesty in many Western countries. For example, Germans value visual contact, especially talking face to face, as a sign of self-honesty and interest in the discussion. A person who does not make eye contact holds as unreliable and weak-willed. In France, not looking at a person means looking down at him, and steadfast gaze has an intimate connotation. However, in the East, eye contact has another meaning. Japanese, for example, consider eye contact as an intrusion on privacy and rarely look to use direct eye contact. In Chinese non-verbal culture, prolonged eye contact regards as rude. It is unacceptable here to look at a respected person is better to lower eyes as a sign of respect.

Significant differences are also presented in different cultures in the perception of personal space or the accepted distance between people. Each one believes that space around is personal so the violation of this space is considered as an invasion, as an unfriendly act. Therefore, communication between people always occurs at a certain distance, and this distance is a significant indicator of type, nature, and kind of relations between people. These boundaries depend not only on the culture of people but also on the attitude to a particular interlocutor. So, friends are always closer to each other than strangers. Thus, changing the distance between people while communicating is a part of the communication process. Personal space depends on the characteristics of culture and the nature of the relationship between people. In South America, people tend to stand closer than their North American neighbors, who prefer more personal space than other cultures. In Asian cultures, especially in China, the concept of personal space is practically non-existent: strangers often touch each other while standing in line or on public transport. Ignorance of the boundaries during intercultural communication may lead to intercultural conflict since people of different cultures experience discomfort when communicating due to ignorance of the rules of the distance of their interlocutor.

Therefore communicants need to understand nonverbal means in various languages, as well as demonstrate adequately of own ones that are important components of linguacultural competence to participate in intercultural communication successfully.


References:

1. Anderson P.A. Nonverbal Communication. Forms and Functions. Mountain View, California, 1999.

2. Андрианов, М.С. Невербальная коммуникация: психология и право/ М.С. Андрианов. М.: Изд-во Института Общегуманитарных исследований, 2007. 117с.

3. Брыксина И.Е., Сафошина З.М. Изучение феномена улыбки в русской, французской и американской лингвокультурах как аспект межкультурного образования будущих лингвистов-преподавателей // Педагогика. Вопросы теории и практики. Тамбов. Грамота. 2016. №1 (1). С. 9–
4. Куницына, В.Н. Межличностное общение: Учебник для вузов / В.Н. Куницына, Н.В. Казаринова, В.М. Поголыпа. Санкт-Петербург: Изд-во Питер, 2002. 544с.
5. Маслов Ю.С. Введение в языкознание. М., 1998.
6. Прохоров Ю.Е., Стернин И.А. Русские: коммуникативное поведение. М., 2006.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



STUDY OF THE DEPENDENCE OF THE RESOLUTION COEFFICIENCY ON RAYNOLDS NUMBER IN NON-COMPRESSIVE VICTIMS

Mengleyev Shaydulla Abdusalomovich[1], Mengbutaev Rustam Shamsiddinovich[2]
[1,2] Termez State University
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717594

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Top dressing, irrigation rate, winter wheat, sowing, harvesting, threshing, groundwater.

ABSTRACT

The article describes the norms of water-balance feeding and irrigation of winter wheat varieties "Asr" and "Durdona", sown after repeated shading of winter wheat. Analytical materials are presented based on the results of studies carried out on the lands of experimental farms to determine the norms of feeding and irrigation of very early-maturing varieties of winter wheat. The data obtained were analyzed and recommendations were made for very early maturing winter wheat varieties.

QISILMAYDIGAN YOPISHQOQ SUYUQLIKLARDA QARSHILIK KOEFFITSIENTINING REYNOLDS SONIGA BOG'LIQLIGINI TADQIQ ETISH

Mengleyev Shaydulla Abdusalomovich[1], Mengbutaev Rustam Shamsiddinovich[2]
[1,2] Termiz Davlat Universiteti
MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

озиқлантириш, суғориш нормаси, кузги буғдой, экиш, туплаш, бошоқлаш, сизот сувлари, агротехникаси

ANNOTATSIYA

Мақолада кузги буғдойнинг такрори соядан кейин экилган кузги буғдойни "Аср" ва "Дурдона" навларини сув баланиси озиқлантириш меъёри ва суғориш тартиби келтирилган. Кузги буғдойнинг ўта эрта пишар навларини озиқлантириш меъёри ва суғориш тартибини белгилаш учун ўкув-тажриба хўжалиги ерларида олиб борилган изланишлар натижалари асосидаги таҳлил материаллар кўрсатилган. Олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, кузги буғдойнинг ўта эрта пишар навлари учун тавсиялар берилган.

Real suyuqliklarning harakati ko'pgina hollarda laminar oqim harakatidan keskin farqlanadi. Ular shunday maxsus xususiyatga ega bo'ladiki, u turbulentlik deb ataladi. Trubalar, kanallar va chegaraviy qatlamlardagi real suyuqlik oqimlarida Reynolds sonining ortib borishi bilan laminar formadagi oqimning turbulent oqimga aylanishi yaqqol kuzatiladi. Laminar oqimning turbulent oqimga bunday o'tishini ba'zan turbulentlikning paydo bo'lishi deb ham atashadi, u butun gidrodinamika sohasida fundamental ahamiyatga ega. Dastlab bunday o'tish to'g'ri truba va kanallardagi oqimlarda kuzatilgan. O'zgarmas ko'ndalang kesimga ega bo'lgan silliq devorli to'g'ri trubada Reynolds sonining unchalik katta bo'lmagan qiymatlarida suyuqlikning har bir zarrachasi

to’g’ri chiziqli traektoriya bo’ylab harakatlanadi. Yopishqoqlik mavjud bo’lganligi sababli, suyuqlikning devorga yaqin joylashgan zarrachalari devordan uzoqda joylashgan zarrachalarga nisbatan sekin harakatlana boshlaydi. Oqim tartiblangan holda bir-biriga nisbatan siljuvchi laminar oqim (qatlamlar) sifatida harakatlanadi. Ammo, kuzatishlar shuni ko’rsatadiki, Reynolds sonining katta qiymatlarida oqim tartiblanmagan holatga o’tadi, ya’ni turbulent oqimga aylanadi. Oqimda kuchli aralashish sodir bo’ladi, buni trubadagi suyuqlikka bo’yoq kiritish orqali ko’rinarli tarzda ifodalash mumkin.

1883 yilda Osborn Reynolds, trubadagi suv harakatini kuzatishda aniqladiki, suv oqimi tezligining ortishi bilan harakatdagi oqimning turg’un laminar xarakteri buziladi. Qo’zg’alishlar paydo bo’ladi, ular shunda bilinadiki ilgari to’g’ri chiziq bo’ylab harakatlanayotgan suyuqlik zarrachalarining laminar harakati ayrim qismlarda betartib holatga o’tadi, hamda bunda harakatning umumiy yo’naltirilganligi saqlanib qoladi. Oqim tezligining yanada o’zgarishi butun oqim bo’ylab betartib harakat paydo bo’lishiga olib keladi. Ushbu holatni laminar oqim turg’unmas, qo’zg’atilgan-turbulent oqimga aylangan deb ataladi [2].


Qisilmaydigan yopishqoq suyuqliklar harakatida Reynolds soni, $\mathrm{Re} = \rho UL / \mu$ ning aynan bitta qiymatidan boshlab, laminar oqim turbulent oqimga aylanadi, Reynolds sonining ana shu qiymati kritik Reynolds soni deb ataladi, bunda ρ-zichlik, μ-suyuqlikning yopishqoqligi, U-asosiy oqimning maksimal tezligi, L-uzunlikning xarakterli masshtabi. $\mathrm{Re} < \mathrm{Re}_{krt}$, bo’lganda oqim laminar, $\mathrm{Re}_{krt} < \mathrm{Re}$ bo’lganda esa oqim turbulent rejimga o’tadi.

Masalaning qo’yilishi. Silindrsimon trubadagi oqim uchun suyuqlikka ta’sir etuvchi kuchlar to’g’risidagi ma’lumot maqola [2] da keltirilgan. Butun uzunligi bo’yicha o’zgarmas diametrli truba va truba ichiga joylashtirilgan uzunligi L ga va radiusi r ga teng bo’lgan n ta trubacha orqali oqib o’tadigan suyuqlik harakatini qaraylik. Real suyuqliklarda suyuqlik trubachalar devorlariga yopishadi va oqib o’tadigan sirt sathiga urinma kuchlanish beradi. Bu erda ichki ishqalanish deb ataluvchi kuch paydo bo’ladi, suyuqliklarda ushbu kuch yopishqoqlikdan iboratdir. Yopishqoqlik-bu gazlar va suyuqliklarning shunday hususiyatidan iboratki, u suyuqlikning harakatiga olib keluvchi tashqi kuchlar ta’siriga qarshilik ko’rsatishdan iborat. Trubachalarning boshlang’ich nuqtasidan etarlicha uzoq masofada trubachadagi oqimning tezlik taqsimoti radius bo’ylab, uzunasiga yo’naltirilgan koordinatadan bog’liq bo’lmaydi.

Masalaning yechilishi

Trubachalardagi suyuqlikka ta’sir etuvchi kuchlarni tenglashtirib (1-rasm), harakat yo’nalishi bo’yicha muvozanat sharti sifatida ushbu tenglamani hosil qilamiz

$$p_0 n\pi y^2 = p_l n\pi y^2 + 2\pi n y L\tau \quad (1)$$



1-rasm. Truba ichiga n ta trubachalar joylashtirilgan

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Ichki ishqalanish kuchi proekstiyasi musbat ishora bilan olingan, chunki tezlik gradienti manfiy (qatlamning oqim tezligi koordinata y ning ortib borishi bilan kamayadi). Formula (1) dan urinma kuchlanish τ ni aniqlab olamiz

$$\tau = \frac{p_0 - p_l}{L} \cdot \frac{y}{2} \qquad (2)$$

Qaralayotgan holda oqim tezligi u koordinata y ning ortishi bilan kamayadi va u yopishqoqlik evaziga $y = r$ bo'lganda nolga aylanadi. Shu sababli, Guk ishqalanish qonuniga asosan $\tau = -\mu \frac{du}{dy}$ deb olamiz. Ushbu ifodani (2) ga qo'yib, quyidagiga ega bo'lamiz:

$$-\mu \frac{du}{dy} = \frac{p_0 - p_l}{L} \cdot \frac{y}{2}$$

bundan

$$\frac{du}{dy} = -\frac{p_0 - p_l}{\mu L} \cdot \frac{y}{2} \qquad (3)$$

Endi $y = r$ bo'lganda $u(y) = 0$ bo'lishini e'tiborga olib, ushbu boshlang'ich shart bilan tenglama (3) ni integrallab quyidagi tenglamani hosil qilamiz.

$$u(y) = -\frac{p_0 - p_l}{4\mu L} y^2 + C,$$

(4)

Tenglama (4) dagi o'zgarmas konstanta C ni topish uchun $y = r$ bo'lganda tezlik $u(r) = 0$ bo'lish shartidan foydalanamiz, ya'ni

$$u(r) = -\frac{p_0 - p_l}{4\mu L} r^2 + C$$

bundan

$$C = \frac{p_0 - p_l}{4\mu L} r^2 \qquad (5)$$

ekanligini aniqlaymiz. O'zgarmas C ning bu qiymatini (4) ga qo'yib

$$u(y) = -\frac{p_0 - p_l}{4\mu L} y^2 + \frac{p_0 - p_l}{4\mu L} r^2$$

tenglamani va bundan o'z navbatida


$$u(y) = \frac{p_0 - p_l}{4\mu L}(r^2 - y^2)$$

(6)

tenglamaga ega bo'lamiz.

Shunday qilib, trubachalar radiusi bo'ylab tezlikning parabolik taqsimotiga ega bo'lamiz (2-rasm). Ushbu tezlik o'zining eng katta qiymatiga trubachaning o'rtasida ($y = 0$) erishadi va u quyidagi maksimal qiymatga ega bo'ladi:

$$u_{\max} = \frac{p_0 - p_l}{4\mu L} r^2 \qquad (7)$$



2-rasm. Bitta trubacha uchun oqim harakati

Trubacha kesimi bo'ylab oqib o'tadigan to'liq suyuqlik miqdori Q (suyuqlik sarfi) aylanma paraboloid hajmi sifatida aniqlanadi (2-rasm) va o'z navbatida quyidagicha aniqlanadi.

Tenglama (6) quyidagi formulaga ega bo'lamiz:

$$u(y) = \frac{p_0 - p_l}{4\mu L} r^2 \left(\frac{r^2 - y^2}{r^2}\right) = u_{\max}\left(1 - \frac{y^2}{r^2}\right)$$

(8)

Doiraviy kesimga ega bo'lgan trubacha orqali o'tadigan suyuqlikning umumiy oqimi uchun Gagen-Puazeyl formulasi[1,3,7,8,11,12] dan foydalanib,quyidagini aniqlaymiz

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

$$Q=\int_0^r u(y)2\pi y dy=2\pi u_{\max}\int_0^r\left(y-\frac{y^3}{r^2}\right)dy=2\pi u_{\max}\left[\frac{y^2}{2}-\frac{y^4}{4r^2}\right]_0^r$$

ya'ni oqim sarfi uchun ushbu formulaga ega bo'lamiz

$$Q=\frac{\pi(p_0-p_l)r^4}{8\mu L} \qquad (9)$$

Trubachaning ko'ndalang kesimi bo'yicha oqimning o'rtacha tezligini kiritamiz:

$$\bar{u}=\frac{Q}{\pi r^2} \qquad (10)$$

Formula (9) ni e'tiborga olgan holda (10) ni quyidagicha yozamiz

$$\bar{u}=\frac{(p_0-p_l)r^2}{8\mu L}$$

Funkstiya $\bar{u}(y)$ ni formula (7) bilan aniqlanadigan $u_{\max}$ bilan taqqoslab, $\bar{u}(y)=\frac{1}{2}u_{\max}$ ekanligini ko'rish mumkin, ya'ni trubachadagi laminar oqim harakatida o'rtacha tezlik maksimal tezlikning yarmiga teng bo'ladi.

Bosim farqi (p_0-p_l) ni aniqlaymiz.

$$p_0-p_l=\frac{8\mu L\bar{u}}{r^2}$$

bundan

$$p_0-p_l=\frac{8\mu L\bar{u}}{r^2}=\frac{32\mu\bar{u}}{2r}\cdot\frac{L}{2r}=\frac{32\mu\bar{u}}{D}\cdot\left(\frac{L}{D}\right) \qquad (11)$$

bu erda D=2r trubacha diametri.

Oqim uzunligi bo'ylab yo'qotilgan bosim Darsi-Veysbax tenglamasi orqali topiladi[4]. Endi N-ta trubachalar uchun quyidagi formulani hosil qilamiz

$$p_0-p_l=n\cdot\frac{\lambda_n}{2}\cdot\rho\overline{u^2}\left(\frac{L}{D}\right) \qquad (12)$$

Formula (11) dan p_0-p_l ning qiymatini (12) ga qo'yish natijasida quyidagi formulaga ega bo'lamiz

$$\lambda_n=\frac{32\mu\bar{u}}{D}\cdot\frac{L}{D}\cdot\frac{2}{\rho\overline{u^2}}\cdot\frac{D}{n\cdot L}=\frac{64\mu}{\rho\bar{u}D\cdot n}$$

yoki bundan

$$\lambda=\frac{64}{n\cdot\mathrm{Re}} \qquad (13)$$

ekanligini ko'rish mumkin, bu erda n-trubachalar soni, trubachalar soni ortishi bilan qarshilik koeffistienti kamayadi $\mathrm{Re}=\frac{\rho\bar{u}D}{\mu}$.

Quyidagi munosabat bilan aniqlanadigan o'lchamsiz qarshilik koeffistienti λ_n ni kiritamiz.

$$\frac{p_0-p_l}{L}=n\cdot\frac{\lambda_n}{2}\cdot\rho\overline{u^2}\left(\frac{1}{D}\right) \qquad (14)$$

Formula (2) ga asosan urinma kuchlanish o'zining eng katta qiymatiga trubachalar devorida erishadi, bu erda ushbu kuchlanish quyidagiga teng bo'ladi.

$$\tau_0=\frac{p_0-p_l}{L}\frac{r}{2}$$


hamda ushbu formula oqim qanday rejimda bo'lishidan qat'iy nazar (laminar yoki turbulent) o'rinli bo'ladi. Shunday qilib, truba devoridagi urinma kuchlanish bosimning pasayishini o'lchash yo'li bilan eksperimental aniqlanishi mumkin.

Formula (14) dan $\frac{p_0-p_l}{L}$ ning qiymatini (15) ga qo'yish natijasida quyidagi formulaga ega bo'lamiz:

$$\tau_0=n\cdot\frac{\lambda_n}{8}\rho\bar{u}^2$$

Bu trubachalardagi urinma kuchlanishning maksimal qiymatini hisoblash formulasidan iborat.

4.Natijalar tahlili: Yuqorida (13), formula asosida olingan natijalarni keltiramiz (3-rasm).



3-rasm. Silliq trubada qarshilik koeffistientining trubachalar soni n ga va Re ga bog'liqligi: 1) n=200, 2) n=300, 3) n=400, 4) n=500.

3-rasmda silliq n ta trubachalar uchun trubaning qarshilik koeffistienti λ_n ning Re Reynolds soniga bog'liqligini ko'rsatuvchi hisoblash natijalari keltirilgan. Olingan natijalarni taqqoslash shuni ko'rsatadiki, Re sonining barcha qiymatlarida nazariy formula (13) o'rinli bo'ladi. Re sonining yanada katta qiymatlarida turbulentlik mexanizmlarining faol ishga tushishi evaziga, qarshilik kamayadi.

Xulosa

Shunday qilib, kanallar, trubalar va chegaraviy qatlamlardagi qisilmaydigan yopishqoq suyuqliklar harakati laminar va turbulent rejimda bo'lishi, hamda ushbu rejimlarning paydo bo'lishining fizik mohiyati ko'rsatilgan. Ushbu jarayon O. Reynolds tomonidan tavsiya etilgan harakatlanayotgan suyuqlikka rang kiritish tajribasi orqali namoyish etilgan.

Truba ichiga joylashtirilgan n ta trubachalar orqali oqib o'tadigan suyuqlik oqimining maksimal tezligi, trubaning ko'ndalang kesimi orqali oqib o'tadigan suyuqlik miqdori hajmi, oqim uzunligi bo'yicha trubaning ishqalanishga qarshilik koeffistientini hisoblash formulalari chiqarilgan.

Trubachalarning qarshilik koeffistientini hisoblash natijalari keltirilgan hamda Reynolds soni va qarshilik koeffistentining ma'lum chegaradagi o'zgarish ko'lamida ularning bog'liqligi tadqiq etilgan. Hisoblash natijalari ko'rsatadiki trubachalar soni ortishi bilan qarshilik koeffitsienti kamayadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Reynolds O. On the experimental investigation of the circumstances which determine whether the motion of water shall be direct or sinuous, and the law of resistance in parallel channels Phil. Trans.roy.soc. 1883. № 174. P. 935-982.

2.Нармурадов Ч.Б., Менглиев Ш.А. Трубадаги суюқликлар ҳаракатини математик моделлаштириш Ҳисоблаш ва математика муаммолари, 2018. №. 2. Б. 36-47.

3.Гордин В.А. Дифференциальные и разностные уравнения Изд.М.:«Высшая школа экономики», 2016. 517 с.

4.Горшков-Кантакузен В.А. К вопросу вычисления коэффициента Дарси методом регрессионного анализа Материалы XXI Международного симпозиума "Динамические и технологические проблемы механики конструкций и

сплошных сред" имени А.Г. Горшкова, 16-20 февраля 2015, Вятичи. Том 1./МАИ.:ООО "ТРП",2015. С. 59-60.

5.Абуталиев Ф.Б., Нармурадов Ч.Б. Математическое моделирование проблемы гидродинамической устойчивости Изд.Т.:«Fan va texnologiya», 2011. 188 с.

6.Кочен Н.Е., Кибель И.А., Розе Н.В.Теоретическая гидромеханика М: Физматлиз, 1963. 728 с.

7.Лойцянский Л.Г. Ламинарный пограничный слой М: Физматлиз, 1962. 479 с.


8.Шлихтинг Г. Теория пограничного слоя. М.: Наука, 1974. 571 с.

9.Гольдштик М.А., Штерн В.Н. Гидродинамической устойчивость и турбулентность. Новосибирск: Наука, Сиб. Отд-ние, 1977. 366 с.

10. Дразин Ф. Введение в теорию гидродинамической устойчивости. М.:Физматлит, 2005. 88 с.

11.Thomas H.H. The stability of plane Poiseuille flow. Phys.rev., 1953. №. 4(91). P. 780-783.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



INNOVATIVE CLOTHING MODELING METHODS

Yodgorova Khilola Isroilovna [1]

[1] Senior lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute

e-mail:hilolayodgorova@gmail.com

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717603

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Clothing, detail, model, design, products, armhole modeling, shape, dart.

ABSTRACT

The article on clothing design provides that many clothing models do not have significant differences in the design of the main parts and differ from each other precisely by model features. Therefore, a large number of models can be represented by a limited number of basic clothing designs, modeling basic patterns.

Introduction.

Clothing modeling is the transformation of the basic design of a product in order to change its model characteristics.

There are several types of transformation of the basic structure:

1) without changing the shape of the product
2) changing the silhouette, without changing the volumetric shape in the area of the support areas
3) a complete change in the volumetric shape
4) changing the cut of the sleeve
5) obtaining new clothing models of complex shapes and hybrid designs

Let's take a closer look at structural transformations and basic modeling techniques.

The relevance of research. Modeling the basic structure without changing the shape of the structure itself includes: transferring darts in different directions, transferring division lines, combining parts (excluding seams) or further dividing them into smaller parts, designing folds, developing model features of a collar, lapel, side, pockets, small parts, loops, buttons.

Research results.


A tuck is a constructive technique with the help of which the volumetric shape of the product is achieved and a uniform fitting with a flat material of a complex body configuration. The bust dart is always directed to the center of the chest and can be transferred to the armhole, side cut, mid-front line, waist, neckline.

Modeling method: development of decorative elements of the main units of the product

Modeling techniques


The modeling of the basic structure with a change in the silhouette, but without changing the shape of the volume in the area of the support areas includes: moving the waist line, increasing or decreasing the fit along the waist line, expanding or narrowing the product downward, etc. Transformation

of the basic pattern is achieved by methods of parallel expansion or conical expansion ...




Modeling method: parallel expansion

Parallel expansion is used to design soft assemblies or folds on part parts. To do this, the location of the folds is applied to the part, then the part is cut into parts in accordance with the lines drawn and moved apart by the required amount. Depending on the garment model, the expansion of the details may be uniform or uneven. An expanded part is obtained by gradually moving the part and tracing the outer contours of the stripes. The final contours of the converted sections of the part are drawn up with curved curves: assemblies - with a smooth curve; folds, tucks - broken straight lines.



Modeling method: conical expansion

The conical expansion of garment parts, depending on the designed model, can begin at any level: the line of the shoulders, chest, waist, hips, knees and below. Determination of the level of expansion and the amount of expansion are determined by the appearance of the product or the pattern, first approximately, and then, during the trying on of the product on the figure, finally. Conical expansion is often used in conjunction with parallel expansion.



When modeling folds in complex draperies, it is recommended to use the dummy method.

Discussion of the results obtained and conclusions.


With an increase in the volume of the product, the nature of its supporting surface changes. An increase in the gaps between the figure and clothing on the chest line, as well as the introduction of shoulder pads,

leads to a greater, compared to the base, detachment of the lateral sections of the back and front from the surface of the figure, that is, on the back in the area of the shoulder blades and in front at the level of the chest line it decreases curvature of the surface. Structurally, such a model shape is achieved by reducing the solutions of the upper dart of the front and shoulder dart of the back, up to their complete elimination by modeling the basic darts. Under the modeling of a dart, transfer of any part of it into sections (armholes, necklines, bottom, etc.) in order to lengthen them, which allows you to get a flatter shape that does not emphasize the shape of the body.

Armhole modeling

The armhole is a functional important unit of a shoulder piece with a set-in sleeve. Its parameters and configuration determine: the projected shape of the back and front parts, the share of the total increase along the chest line coming to the section of the armhole, the design of the shoulder sections, the model sleeve width at the top, technological requirements, etc. Various combinations of these factors determine many options for model armholes.

Changing the cut of the sleeve involves combining the details of the set-in sleeve of the basic design with the details of the back and front for their subsequent dissection with new model lines. The most common examples of modeling a basic set-in sleeve design are conversions to raglan, one-piece, shirting, and combo designs using basic set-in sleeve designs.





Complex transformations of the design of one type of clothing into a design of another type are performed using typical designs of the closest type. Examples of obtaining new types of clothing on the basis of standard ones are capes, capes, overalls, skirts, trousers, shorts, swimming trunks and others.

References:

1.A.T. Trukhanov Handbook of a young seamstress M., 1985


2.E.B. Koblyakova, A.V. Savostitsky Basics of designing clothes Moscow 1980

4.Unified method of designing clothing CMEA (Volumes I, II, III, IV, VI,)

5. Amirova, O. V. Sakulina, A.T. Trukhanova Designing of men's and women's clothing M., 2002

6. A.I. Martynova, E.G. Andreeva. Constructive clothing modeling. M.2002

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE ROLE OF MATHEMATICAL CONCEPTS IN THE INTELLECTUAL DEVELOPMENT OF CHILDREN

Yuldosheva Feruza Mamasaxatovna[1]
[1] Termez State University
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717611

ARTICLE INFO
Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS
mathematical understanding, thinking, analysis, synthesis, logical thinking, mental development.

ABSTRACT
This article discusses the role of mathematical concepts in the mental development of preschool children, how clear and perfect mathematical concepts are, the thinking power of children - analysis and synthesis, logical thinking, logical inference processes, and also great help in improving speech are mentioned.

MATEMATIK TUSHUNCHALARNING BOLALAR AQLIY RIVOJLANISHIDAGI O`RNI

Yuldosheva Feruza Mamasaxatovna[1]
[1] Termiz Davlat Universiteti

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
matematik tushuncha, tafakkur, analiz , sintez, diqqat, xotira, idrok, tafakkur sifatlari, metod, texnologiya.

ANNOTATSIYA
Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalar aqliy rivojlanishida matematik tushunchalarning o'rni, matematik tushunchalarning qanchalik aniq va mukammal bo'lishi, bolalar tafakkurining – analiz va sintez, mantiqiy fikrlash, xulosa chiqarish jarayonlarining kuchli bo'lishini ta'minlaydi, shuningdek, nutqning takomillashuviga katta yordam berishi aytib o'tilgan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2016 yil Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutqida "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz" degan so'zlari pedagoglar oldidagi mas'uliyatni yanada oshirdi . [1.]

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 29 dekabrdagi PQ-2707-son "2017-2021 yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori hamda Vazirlar Mahkamasining 2004 yil 5 avgustdagi 372-son "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida"gi qaroriga asosan bolalarni maktabgacha ta'lim muassasalarida har tomonlama rivojlantirish, ularga ta'lim-

tarbiya berish, ko‘nikma va malakalarini shakllantirish hamda maktab ta’limiga tayyorlash bo‘yicha davlat talablari hamda O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligining 2018 yil 4 iyuldagi Hay’at yig‘ilishi qarori bilan tasdiqlanan “Ilk qadam” Maktabgacha ta’lim muassasasining Davlat o‘quv dasturi belgilandi. Mazkur Davlat talablari asosida bolalarda bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirish, ularning har tomonlama rivojlanishi hamda maktab ta’limiga tayyorgarlik darajalarining aniqlanishi, ularni oila va maktabgacha ta’lim muassasalarida tarbiyalash uchun tashkiliy, pedagogik, psixologik va uslubiy manbalar yaratilishi zarurligi qayd etildi. [8.]

Agar biz maktabgacha yoshdan bolalarni turli qiziqarli usullar, ko‘rgazma, tarqatma va multimedia materiallari mujassamlashtirilgan texnologiyalardan foydalangan holda matematika olamiga olib kira olsak, matematik bilimlar bilan yetarli darajada “qurollantirsak”, ular ta’lim jarayonida yuqori natijalarga erishadilar, xalqimiz uchun foydali kasbni tanlash va chuqur egallashda qiynalmaydilar. Chunki, qaysi kasbni olmaylik uni mahorat bilan bajarishga, albatta, matematik bilimlar kerak bo‘ladi. Shu sababli maktabgacha yoshdan bolalarda matematik bilimlarning yetarli bo‘lishiga katta ahamiyat berish muhimdir.

Ruhshunoslarning fikriga qaraganda, matematik tushunchalarni shakllantirish muammosi murakkab va serqirralidir. O‘zining mohiyati bo‘yicha har bir fikr ijodiy, past yoki yuqori darajaning mahsulidir. Har bir fikr - izlanish va yangilikni yaratish hamda uni ommalashtirishga qaratilgan mustaqil harakatdan iborat.

Adabiyotlar tahlillari shuni ko‘rsatadiki, matematik tushunchalarni rivojlantirish mahsulining yuqori darajadagi yangiligi, unga erishish jarayonining o‘ziga xosligi va aqliy rivojlanishga sezilarli ta’sir ko‘rsatish bilan ifodalanadi. Ayrim mualliflar bolaning turli fikrlashlari ularning oldida turgan yangi muammolarni mustaqil echishga, chuqur bilimlarni tez egallashga, qulay imkoniyatga engil o‘tishga undaydi, deb hisoblaydilar.

S.L.Rubinshteynning birinchilardan bo‘lib umumiy aqliy rivojlanish borasida qilgan izlanishlari maqsadga muvofiqdir. U ruhshunoslikdagi faoliyat toifasini ruhiy izlanishning ob’ekti hamda maqsadi qilib kiritdi va asosladi. Faoliyat nazariyasi asosida S.L.Rubinshteyn faoliyat tushunchasini sub’ektdan ob’ektga o‘tish deb kiritadi. [3.]

S.L.Rubinshteyn faoliyatning ikkinchi bosqichini ob’ektdan sub’ektga qarab borgan aloqadan iborat deb hisoblaydi. S.L.Rubinshteynning diqqat markazida, inson faoliyati jarayonida faqatgina o‘ziga xos bo‘lgan shaxs sifatida o‘zining xususiyatlarininamoyon etib qolmay, balki undagi ruhiyatning shakllanishi ob’ekt bo‘lib aniqlanadi, degan mazmun turadi. “Faoliyat”, “harakat” tushunchalarining fundamental psixologik tushunchalari A. N. Leontev ishlarida yoritilgan. Faoliyat - sub’ektning bir-biriga bog‘langan realligining o‘zaro ta’sir ko‘rsatishi deb bilgan A.N.Leontev, reallikning bola ongida aks ettirilishi - “ta’sir”ning natijasi bo‘lmay, o‘zaro ta’sir, ya’ni bir-biriga duch kelgan jarayonlarning natijasidir, deb hisoblaydi.

A. N. Leontev va S.L. Rubinshteynning o‘qitish amaliyotidagi xulosalariga qaraganda, matematik tushunchalarni shakllantirishda faoliyat shakllarining ishlanmasi va ishlatilishi hamda ta’limdagi faoliyat tamoyillarining bir- biriga ketma-ket o‘tkazilishi eng foydali va natijali yo‘nalishdir. [7.]

L. S. Vigotskiy fikrlashning rivojlantirish muammosini o‘rganib, dastlab matematik tushunchalarni shakllantirishni ilgari suradi. Bunda u bolalarda matematik

tushunchalarni shakllantirish uchun eng qulay sharoitlarni topish lozimligini ta'kidlaydi. L.S. Vigotskiyning fikri bo'yicha, bolaning tasavvuri rivojlanishi bilimlarni o'zlashtirish jarayonisiz o'tmaydi, faqatgina o'quv axborotlarining to'plami (bilim, bilish) fikrlashni harakatlantiradi, bolalarning fikrini rivojlantiradi. O'z navbatida matematik tasavvurning hosil bo'lishi bilim va bilishni o'zlashtirish yuqori darajada bo'lishiga dastlabki shart hisoblanadi.

Z.I.Kalmakovaning fikricha, bolada matematik tushunchalarni shakllantirishning eng ishonchli ko'rsatkichi — uning ta'limiyligi, ya'ni bolaning bilimlarni o'zlashtirishining umumiy qoidalarida, deb hisoblaydi. Ta'limiylikning asosi, uning asosiy tashkil etuvchisi— ta'limiylikning boshqa parametrlarini yuqori darajada aniqlab beradigan fikriy faoliyatning umumiylashtirilishidir. [4.]

Xorij olimlaridan nemis pedagogi F.Frebel (1782-1852) va italiyalik pedagog M.Montessori (1870-1952) maktabgacha yoshdagi bolalarni sensor rivojlantirish orqali son-sanoq, shakl, miqdor, kattalik va fazoviy munosabatlar to'g'risidagi tasavvurlarini shakllantirish g'oyalarini ilgari surishgan.

Rus pedagoglari 3.Mixaylova, YE.Nosova, A.Stolyar, M.Polyakova, R.Nepomnyashaya, A.Verbenets va b. ham o'z asarlarida maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi, uning rivojlanishi va texnologiyalari borasida so'z yuritganlar.

O'zbekiston Respublikasida maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish mavzusida olimlar va metodistlar ilmiy izlanishlar olib borishgan hamda bir qator qo'llanmalar chop etganlar. Jumladan, N.U.Bikbayeva va b. "Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish", Z.A.Raxmonkulova "Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish", va B.G.Altshuller ixtiroviy masalalarni yechish nazariyasida turli mantiqiy savollar, o'yinlar orqali bolalarni matematik hamda ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish masalalarini ilgari surgan.N.Begmatovaning "Maktabgacha ta'lim muassasalarida multimedia texnologiyasidan foydalanishning ilmiy-metodik asoslari" mavzusidagi ilmiy ishida matematik tasavvurlarni shakllantirish mashg'ulotlarida multimedia materiallaridan foydalanish borasida so'z yuritilgan.

Bundan tashqari mental arifmetika ham butun boshli tizimlashtirilgan metodika bo'lib, uni o'rganish natijasida bola nafaqat kalkulyatordan tezroq hisoblashni o'rganadi, balki unda ijodkorlik salohiyati, tahlil qilish va tanqidiy fikrlash qobiliyati ham rivojlanadi.

Miya - markaziy asab tizimining muhim va murakkab tarkibiy qismi hisoblanadi. Uning yordamida fikrlash, atrof-muhitdan olingan mahlumotlarni baholash bilan bog'liq barcha jarayonlar amalga oshiriladi. Bosh miyaning har bir yarim shari alohida vazifalarni bajaradi. Chap yarim shar izchil fikrlash, eshitish xotirasi, hisoblash ko'nikmalari, mantiqiy mushohada, o'qish va yozish, o'ng yarim shar esa - ko'rish xotirasi, vizuallashtirish, tasavvur qilish, ijodkorlik, konsentratsiya, makonni mo'ljal olish kabi ko'nikmalarga javobgar hisoblanadi.

Mental arifmetika bosh miyaning to'liq rivojlanishiga yordam berib, o'ziga ishonchni mustahkamlab, hayotning barcha jabhalarida muvaffaqiyatga erishishga undovchi xotira, diqqatni jamlash va ijodkorlik kabi fundamental ko'nikmalarning rivojlanishiga ko'mak beradi.

ALOHA (Abacus Learning of Higher Arithmetic) Mental Arithmetic - 5 dan 13 yoshgacha bo'lgan bolalar uchun

mo‘ljallangan xalqaro mental arifmetika dasturi bo‘lib, bosh miyaning har ikki yarim sharini birdek rivojlanishiga xizmat qiladi va ko‘ngilochar o‘yin shaklida o‘tadi.

Bugungi kunimizda turli o‘quv markazlari tomonidan foydalanib kelinayotgan mental arifmetikaning asl konsepsiyasi 1993 yilda ALOHA Mental Arithmetic dasturiga asos solgan janob Lou Mun Sung tomonidan ishlab chiqilgan. O‘ziga xos dastur ham bolalar, ham ota-onalar va pedagoglar e’tirofiga sazovor bo‘ldi.

Bugungi kunda ALOHA Mental Arithmetic patentlangan dasturi bo‘yicha markazlar dunyoning 37 mamlakati, jumladan AQSH, Kanada, Meksika, Buyuk Britaniya, Germaniya, Irlandiya, Ispaniya, Hindiston, Xitoy, Malayziya va boshqa davlatlarda joylashgan 4000 dan ziyod markazlarda 4 milliondan ortiq bolalar muvaffaqiyatli tahsil olmoqda. O‘zbekistondagi xalqaro vakolatxonaning bosh idorasi 2016 yil kuzida Toshkentda ochilgan bo‘lib, MDH mamlakatlari orasida birinchi ALOHA Mental Arithmetic litsenziyalangan maktabi bo‘ldi.

O‘zbekistonda ilk bora Next Step Up School innovatsion maktabi sertifikatlangan trenerlar bilan birgalikda «Mental arifmetika» dasturini taqdim etmoqda. Ushbu dastur yordamida bolalar nafaqat o‘qishida muvaffaqiyatga erishadilar, balki hayot motivatsiyasi (ichki turtki)ga ega bo‘lib, maqsadga iltinuvchan bo‘ladi.

ALOHA Mental Arithmetic dasturi ta’lim olish va bosh miyaning rivojlanishi uchun eng maqbul davr 5 dan 13 yoshgacha oraliq ekani ilmiy jihatdan asoslangan chuqur tadqiqotlarga asosiy e’tibor qaratgan.

Mental arifmetika bu san’at va aql-idrokni rivojlantiruvchi dastur bo`lib, uni o`rgatishda “Abakus” asbobidan foydalaniladi hamda (maxsus yosh xususiyatlariga moslashtirilgan yozuv daftarlari mavjud).Abakusda o‘rgangan bola keyinchalik hisoblashlarni vizual tarzda xotirada avtomatik tarzda hisoblay boshlaydi. Natijada bolalar kalkulyatordan tezroq hisoblash imkoniga ega bo‘lishadi.

Ta’lim haftada bir marta olib boriladi, mashg‘ulotlar esa to‘liq ikki soatga cho‘ziladi. Bolaning ma’naviy barkamolligi eng muhim omillardan hisoblangani sababli ta’lim stress tuyg‘usini keltirib chiqarmaydigan interaktiv ko‘ngilochar shaklda olib boriladi.

Dasturni tamomlagan bolalar qo‘shish, ayirish, ko‘paytirish va bo‘lish kabi amallarni osonlik bilan bajara oladi.

Mental arifmetika — bu yukori sifatli dastur bo‘lib, matematik amalni miyada kalkulyatordan ham tezroq hisoblashni o‘rgatadi. Mental arifmetika dasturi bolalarda quyidagi malakalarni rivojlantirishga yordam beradi:

- Diqqatni jamlash;
- Tasviriy xotira;
- Ijodiy fikrlash;
- Tinglash va kuzatuvchanlik;
- Tasavvur qilish;
- Mantiq;
- Analitik fikrlash.

Bolani tarbiyalash uchun eng yaxshi yoshi - 4 yoshdan 12 yoshgacha, aynan shu davrda miya shimgich singari hamma narsani o‘zlashtiradi.

Aqliy matematikaning afzalliklari:

• matematik qobiliyatlarni rivojlantirish;
• xotira yaxshilanadi;
• diqqatni jamlash;
• muvaffaqiyat va diqqat markazidan tashqarida fikr yuritish va ko‘p qirrali echimlarni topish qobiliyati mavjud;
• xayoliy fikrlash, mantiq rivojlanishi;

Yangi bilim va ko‘nikmalarga bo‘lgan qiziqish tobora ortib boradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik tasavvurlarini shakllantirish

mazmunini takomillashtirish, o‘rgatish shakllari, metodlari, vositalari va texnologiyalaridan foydalanib, amaliyotda son-sanoq, geometrik shakllar, miqdor, kattalik, vaqt va fazo haqida boshlang‘ich bilimlarni shakllantirish zarur.Bolalarda geometrik shakllar va buyumlarning shakli bo‘yicha tasavvurlar shakllanadi, son-sanoq, birinchi va ikkinchi o‘nlik ichida miqdoriy munosabatlar bo‘yicha bilimlar berilib, 20 ichida qo‘shish, ayirish amallari, sodda arifmetik masalalarni tuzish va yechishga o‘rganadi, fazoviy munosabatlarni tushunish va fazoda mo‘ljal olish ko‘nikmasi hosil bo‘ladi.

Shuningdek miqdor, kattalik haqida tasavvurlar shakllanib, shartli o‘lchovlar bilan o‘lchash, sochiluvchi va suyuq jismlarning hajmini aniqlash, narsalarni qismlarga bo‘lish malakalari rivojlanadi, vaqt bo‘yicha – soniya, daqiqa, soat, sutka va uning qismlari, hafta kunlari, oy, fasllar, yil taqvimi bo‘yicha tasavvurlar hosil bo‘ladi. Bu bilimlar yordamida bolalar idrok qilinadigan obyektlarning xususiyatlarini analiz va sintez qilish, taqqoslash va umumlashtirishning eng sodda bog‘lanishlarini hamda ular orasidagi munosabatlarni tushunib oladilar. **[5.]**

Oddiy turdagi matematik mantiqiy o‘yinlar - bolalarga mantiqiy masalalarni hal etish yo‘llarini o‘rgatish uchun zarur. Bu o‘yinlar orqali diqqat, xotira, idrok, tafakkur sifatlari mustahkamlanadi. Sonlarni taqqoslashga doir misol va masalalar - bolalarda miqdor, kattalik tushunchalarini mustahkamlash uchun muhim bo‘lgan usul hisoblanadi. Bu usulda asosan bolalarga yo‘naltiruvchi savollar orqali murojaat etiladi. Muammo esa bolalar tomonidan hal etiladi.

Rasmli rebuslar – bu rebuslar rasmlar orqali bolalarni o‘ziga jalb qiladi. Muammoning yechimini topish uchun bolalar bosqichma-bosqich harakat qiladilar va rebusni yechishga qiziqish bilan kirishadilar.

Ertaklar asosidagi boshqotirmalar– bunday boshqotirmalar bolalarni o‘ylashga majbur etadi. Bolalar nafaqat misol yechadi, balki ertaklar asosida o‘z tafakkur va dunyoqarashlarini kengaytiradi. Tarbiyachi ertakni o‘qib beradi va ertakning oxirida bolalar bilan matematik tushunchalarni boyitish maqsadida savol-javoblar tashkil etadi. Tarbiyachi ertakni aytib berish jarayonida ishni shunday olib borishi kerakki, bolalar ertak qahramonlari bilan birgalikda muammoli vaziyatlarni hal etib, asosiy qahramonlar munosabatlarini tahlil qilsin. Xalq ertaklarida hayotiy munosabatlar, muammoli vaziyatlarni oqilona yechish usullari o‘z aksini topadi.

Ilk matematik tushunchalarning qanchalik aniq va mukammal bo‘lishi, bolalar tafakkurining – analiz va sintez, mantiqiy fikrlash, xulosa chiqarish jarayonlarining kuchli bo‘lishini ta’minlaydi, shuningdek, nutqning takomillashuviga katta yordam beradi. Mashg‘ulotlar integrallashgan rejalashtirish asosida tashkil etilishi hamda o‘yin shaklida qiziqarli tarzda olib borilishi tavsiya etiladi. O‘yin kichkintoyning tabiiy ehtiyojlari va istaklariga mos kelganligi sababli o‘yin jarayonida o‘rganayotgan mavzuni bola quvnoqlik bilan takrorlaydi, yengillik bilan o‘zlashtiradi.

Bunday mashg‘ulotlar natijasida bolalar umumiy bilimlarni o‘rganish bilan birgalikda jamoa bilan kelishishni, birgalikda ishlashni, o‘zaro bir-birini qo‘llab-quvvatlashni, yordamlashishni, jamoada o‘zini tutishni o‘rganadilar va bolalarda o‘ziga bo‘lgan ishonch, mustaqil fikrlash, o‘z fikrini chiroyli ifoda eta olish kabi fazilatlar ham shakllanadi.


Bundan tashqari maktabgacha yoshdagi bolalar aqliy rivojlanishida mental arifmetikaninig o‘rni muhim bo‘lib, mental arifmetika dasturi yangi bilim va ko‘nikmalarga bo‘lgan qiziqish tobora ortib boradi, bolalarning bilish jarayonini

rivojlantiradi, faolligini oshiradi.Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida mental arifmetikani o`rgatishni ham tavsiya etamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.T., O‘zbekiston, 2016. -14 b.
2. “Ilk qadam” Maktabgacha ta’lim muassasasining davlat o‘quv dasturi. -Toshkent, 2018.
3. Bikbayeva N.U. va boshqalar. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda matematik tasavvurlarni rivojlantirish. -T., “O‘qituvchi”. 1996. 7-9 b.
4. Bikbayeva N.U. Maktabgacha ta’lim muassasasida matematika mashg‘ulotlarini rivojlantirish. -T., “O‘qituvchi”. 1998. -34 b.
5. M.Jumayev “Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi va nazariyasi” T., 2007 y. -28 b.
6. O.Xasanboyeva va boshqalar. “Oilada barkamol aqlod tarbiyasi”T., 2010 y- 43 b.
7. А. Михайлова, Э. Д. Носова, А. А. Столяр, М. Н. Полякова, А. М. Вербенетс теории и технологии математического развития детей дошколного возраста. Издателство «детсво-пресс». Санпетербург , 2008г. - 4 6 с.
8.Raxmonqulova “Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish”. T., 2010 y - 4 b.
9. S.X.Jalilova, S.M.Aripova. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi, 2013y.
10. SH.A.Sodiqova “Maktabgacha pedagogikasi” “Tafakkur sarchashmalari” nashriyoti. T., 2013 y – 9 b.
11. “Pedagogik mahor”-jurnali 2019 yil 2-son. -94 b.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF CALCULATION OF ELECTRICITY 0.38 KV IN THE ELECTRICITY SUPPLY SYSTEM

Jumanov Abbos Nabijonovich [1], Ergashev Javoxir Shavkat o'g'li [2], Xiloliddinov Diyor Najmiddinovich [3], Abdujalilov Shoxrux Shokirjon o'g'li [4]

[1] Assistant of the Department of Energy of Jizzakh Polytechnic Institute
[2,3,4] Department of Energy, Jizzakh Polytechnic Institute
Energy saving and energy audit (thermal energy) 1-course master degree
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717713

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

electricity, currents, power consumption should not exceed

ABSTRACT

At present, the total length of all nominal voltage transmission lines in the Republic of Uzbekistan is about 220 thousand km, 500 kV lines 1.6 thousand km, 220 kV lines 4.6 thousand km and 0.4-10 kV lines 170 thousand km. forms.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ 0,38 КВ ИСРОФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жуманов Аббос Набижонович [1], Эргашев Жавохир Шавкат ўғли [2], Хилолиддинов Диёр Нажмиддинович [3], Абдужалилов Шохрух Шокиржон ўғли [4]

[1] Энергетика кафедраси ассистенти Жиззах политехника институти
[2,3,4] Энергетика кафедраси магистр 1 курс Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит (иссиқлик энергетикаси)

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

электр энергия, токлар, қувват исрофи ошмаслик керак.

ANNOTATSIYA

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасидаги барча номинал кучланишли электр узатиш линияларининг умумий узунлиги таҳминан 220 минг км бўлиб, 500 кВ кучланишли линиялар 1,6 минг км, 220 кВ кучланишли линиялар 4,6 минг км ва 0,4-10 кВ кучланишли линиялар 170 минг км ни ташкил этади.

0,38 кВ электр тармоқлари электрстанциядан истеъмолчига етказиб ва тақсимлаб берувчи охирги таркиби қисми бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон бўйича улар умумий электр тармоқларни таҳминан 40% фоизини ташкил қилади. 0,38 кВ тармоқни ишончли ишига истеъмолчиларни электр таъминотини иқтисодийлигига ва сифатига боҳлиқ бўлиб, электр тармоқларни тижорат

исрофларни аниқлигини аниқлашидан эса 0,38 кВ тармоқларни техник исрофлар аниқ ҳисоблашни амалга оширсак бўлади. Бу тармоқларни электр энергия исрофларни ҳисоблаш яна бир сермашақат ишлардан бири ҳисобланади. Бу электр тармоқларни қуйдаги ҳусусиятларни билан боғлиқлигидир [1].

– катта хажмдаги ахборатни бир вақтни ўзида паст аниқлиги;

– катта кўламлиги ва тармоқланганлиги;

– параметрларни режим хусусиятини ва схемасини динамик ўзгарувчанлигидан;

– участкаларни турилича қўланилишидан: беш симли, тўрт симли уч симли ва икки симлиликларидан;

– фазалар юкламаларни тенгсизлигидан;

– таъминловчи ТП шиналарини бир хил бўлмаган фаза кучланишларидан;

Ушбу малакавий ишда турли бошланғич маълумотлар асосидаги вариантлар бўйича 0,38 кВ электр тармоқларидаги электр энергияни техник исрофларини ҳисоблаш методлари кўрсатилган. Ушбу методика уни аниқлигини ошириш тартибида ва мос ҳолда бошланғич маълумотларни ҳисоблаш учун зарурий кўпайтиришлар учун олиб борилади [4].

$$\Delta W_{Н0,38} = \Delta P_{НУ0,38} \cdot L_{\Sigma 0,38} \cdot \tau_{0,38},$$

(1)

бу ерда $L_{\Sigma 0,38}$ – ЭТ филиали 0,38 кВ электр тармоқларини ҳисобот кўрсатгичидаги йиғинди узунлиги;

$\tau_{0,38}$ – 0,38 кВ электр тармоқларини исроф вақтлари;

$\Delta P_{НУ0,38}$ – ўртача ЭТ филиалини энергия тизимнинг максимал юклама соатидаги 0,38 кВ линияни 1 км даги солиштирма юклама қувват исрофини қуйдаги формула орқали топамиз:

$$\Delta P_{НУ0,38} = 3 \cdot \left(\frac{S_{НОМ(ўр)} \cdot k_{ЗГ(ўр)}}{\sqrt{3} \cdot U} \cdot k_P \right)^2 \cdot R_0$$

(2)

бу ерда $S_{НОМ(ўр)}$ – ЭТ филиалидаги тақсимлаш тармоғи учун характерли трансформаторни ўртача қуввати;

$k_{ЗГ(ўр)}$ – назорат ўлчов маълумотларига асосан максимал юкламадаги трансформаторни ўртача юкланиши;

k_P – тармоқ узунлиги бўйлаб юкламани тақсимланиш коэффициенти;

R_0 – ўртача ЭТ филиали ҳисоблаш учун 0,38 кВ линияси симини солиштирма қаршилиги.

0,38 кВ электр тармоқларнинг электр энергия ва қувват исрофларини ўртача нормативларини аниқлашга намунаси.

Бошланғич маълумотлар:

Тошкент электр таъминот дистанциясини 6-10 кВ трансформатор нимстанцияларини рўйхат маълумотлари [6].

– Тақсимлаш трансформаторларини жамланган сони (ТТ) 6(10) кВ 146 та;

– ўрнатилган йиғинди қувват ТТ 6(10) кВ – 47 МВА;

– максимал юкламадаги битта 6(10) кВ ТТ ўртача юкламаси – 0,4 о.е.;

– среднее число фидеров ТТ 6(10) кВ 0,38 кВ фидерларни ўртача сони– 2 шт.;

– 0,38 кВ магистрал симни АС-35 ўрача кесми r_0=0,92 Ом/км;

– энг катта исроф соатлар сони 1200 с.

Ҳисоблаш кетма кетлиги:

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

1. ТТ 6(10) кВ ўртача ўрнатилган қуввати:

$$S_{ўр} = \frac{S_{T\Sigma} \cdot 10^3}{n_{T\Sigma}} = \frac{47 \cdot 10^3}{146} = 322 кВА$$

(3)

2. битта ТТ 6(10) кВ максимал ўртача юкламаси:

$$S_{МРТ} = S_{ўр} \cdot k_з = 32 \cdot 0{,}4 = 128 \quad \text{кВА.}$$

(4)

3. битта 0,38 кВ фидерини ўртача юкламаси:

$$S_{МФ} = \frac{S_{МРТ}}{n_ф} = \frac{128}{2} = 114 \quad \text{кВА.}$$

(5)

4. битта 0,38 кВ ўртача ток нагрузкаси :

$$I_{МФ} = \frac{S_{МФ}}{\sqrt{3} \cdot U} = \frac{114}{\sqrt{3} \cdot 0{,}4} = 162{,}8 А$$

(6)

5. 0,38 кВ линияни 1 км даги ўртача ток юкламаси :

$$I_{МУ} = I_{МФ} \cdot k_Р = 162{,}8 \cdot 0{,}5 = 81{,}4 А,$$

(7)

бу ерда $k_Р$ – тармоқни узунлик бўйича тақсимланиш коэффициент

6. 81,4 А юкламали ва 1 км узунликдаги АС-35 симли фидерни ўртача максимал қувват исрофи:

$$\Delta P = 3 \cdot I^2 \cdot R_0 = 3 \cdot 81{,}4^2 \cdot 0{,}92 = 18{,}2 кВт/км$$

. (8)

7. Электр энергияни йиллик исрофи:

$$\Delta W = \Delta P \cdot \tau = 18{,}2 \cdot 1200 = 21{,}3 \text{ минг кВт.с} \quad (9)$$

8. Ўртача нисбий максимал қуввт исрофи:

$$\Delta P_* = \frac{\Delta P}{S_{МФ} \cdot 0{,}5 \cdot Cos\varphi} = \frac{18{,}2}{114 \cdot 0.95} = 16{,}2\% .$$

(10)

9. Ўртача нисбий электроэнергия исрофи:

$$\Delta W_* = \Delta P_* \cdot \frac{\tau}{T_{\max}} = 16{,}2 \frac{1200}{2500} = 7{,}77\%$$

(11)

Эксплутатция амалиётида электр энергия ва қувват исрофларини ҳисоблаш методикаси қилиб, тавсия қилинувчи соҳа йўриқномаларида кўрсатилган тармоқдаги ТП дан энг узоқда жойлашган нуқтасидаги кучланишни ҳисоблаш методикаси кенг тарқалган [3].

Ушбу методика 0,38 кВ линиясини фаза юкламаларини нобаланслигини ҳисобга олган ҳолда линияларда электр энергия исрофини аниқлайди.

Бошланғич маълумотлар сифатида назорат ўлчаш ТП линиясидаги кучланишни, 0,38 кВ тармоқини солиштирма электрик нуқтаси, максимал юкламадаги бош учаскани фаза токлари

$$\Delta W_{\%} = K_{ДП} \cdot \Delta U_{ўр} \cdot \tau_{0.38}$$

(12)

бу ерда $\Delta U_{ўр\%}$-тармоқ учун кучланиш исрофини нисбий қиймати;.

$K_{ДП}$- 0,38 кВ тармоқнинг фаза юкламаларини нотенгсизлигини ҳисобга олган қўшимча исроф коэффиценти.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

$$K_{ДП} = \frac{I_A^2 + I_B + I_C^2}{(I_A + I_B + I_c)^2}\left(1 + 1{,}5\frac{R_H}{R_Ф}\right) - 1{,}5\frac{R_H}{R_Ф}$$

(13)

бу ерда I_A, I_B, I_C фаза юкламаларни ўлчанган токлари;

R_H ва $R_Ф$ фаза ва нол симини қаршилиги;

$К_{м/н}$- кучланиш исрофини туфайли нисбий қувват исрофни алоқасидаги коэффициент.

$$K_{м/н} = K_{тар} \cdot 2r/(2r \cdot \cos^2\varphi + x \cdot \sin 2\varphi)$$

(14)

бу ерда r ва x 0,38 кВ бош учаскани актив ва реактив қаршилиги.

$К_{тар}$ - тармоқланган схемани коэффициенти [4].

Истеъмолчи юкламаси кўринишдан ва характерига, ҳамда 0,3 кВ линия бош участкасидан бошланғич маълумотларга боғлиқ ҳолда ҳисоблашни турли методлари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Маиший-коммуналь юкламани электр тармоқ бўйлаб тенг тақсимлаш қўлланилувчи 0,38 кВ электр энергия исрофини қуйидаги формула бўйича аниқланади ;

$$\Delta W_{H0,38} = \tau_{0,38} \cdot \sum_{i=1}^{n} \Delta P_{H0,38i}$$

(15)

Бу ерда; $\Delta P_{H0,38i}$ -ҳар бир ҳимояланган участкадаги 0,38 кВ линияни қувват исрофи.

$$\Delta P_{H0,38i} = 3 \cdot K_{ДПi} \cdot R_i \cdot \left(\frac{1}{3} I_{Pi}^2 + I_{Pi} \cdot I_{Ci} + I_{ci}^2\right)$$

(16)

бу ерда I_p - хар бир тармоқни битта фазасидан ўтувчи узунликка тенг тақсимланган юклама токи.

$$I_{Pi} = I_r \cdot \frac{L_i}{I_\Sigma}$$

(17)

Бу ерда L_i - i та тармоқ участкаси узунлиги. I_Σ - ҳар бир тармок участкаси бир фазасидан ўтувчи тенг тақсимланиш узунлиги бўйича юклама токи.

$$I_{ci} = \frac{I_i}{I_\Sigma} \sum_{i=k}^{m} L_i$$

(18)

бу ерда k – жамланган токни топиш керак бўлган участка рақами.

Тармоқ жамламаларидаги қўланувчи ишчи юкламали электр тармоқларни ҳисоблашда қуйдаги юклама вазифасини турларини ҳисобга олиш зарур: қўшилган юклама қувватларни, йил давомидаги электрэнергия истеъмолини, ўлчанган қишги максимал юкламаларни натижаларини.

Агар юклама қўшимча қувват кўринишида берилса, у ҳолда қувват ва кучланиш исрофи ҳисоблаш инерацион йўл билан олиб борилади [1].

Биринчи бўлиб бош тақсимлаш участкасини қувват яқинлашиши истеъмолчи юкламасига пропорциналь равишда тақсимланади. Бош участкаларнинг қийматлари асосида ҳар

бир участка учун бир бўлган, фаза юкламаларнии нотенгсизлигидан келиб чиқувчи қўшимча исрофлар коэффициенти ҳисобланади. Электр энергия 6 - формула ёрдамида аникланади. Агар юклама бир йил давомида электр энергия истеъмолчи сифатида берилган бўлса ҳисоблаш аналогияга асосланган равишда электр энергияни қайта қувват ҳисоблаши орқали ҳисобланади.

Ойлар бўйича 0,38 кВ энергия тармоқларини йиллик электр энергия исрофлари тақсимланишни ҳисоблаш учун кўрилаётган 0,38кВ тармоқни таъминловчи 6-10 кВ тармоқнинг ойлик электр сарф графигидан фойдаланиш мумкин. 6-10 кВ ли фидердан таъминланувчи ҳамма 0,38 кВ линия учун ҳисоблаш тартиб қуйидагича [4].

1) Йиллининг декабри учун 0,38 кВ линияси энергия исрофини аниқлаймиз; (t-1)

$$\Delta W_{0,38\partial}^{(t)} = \frac{\Delta W_{0,38йил}^{(t)}}{\sum_{i=1}^{12} K_i^2} \quad ;$$

(19)

бу ерда $\Delta W_{йил}^{(t)}$ - 0,38 кВ линиялардаги электр энергияни йиллик исрофи;

K_i - i ойда 6(10) кВ фидерларни электр энергия қўйиб юборалган электр энергияни алоқаси.

$$K_i = \frac{W_{OC6(10)i}^{(t-1)}}{W_{OC6(10)Д}^{(t-1)}}$$

(20)

2. 0,38 кВ линиясини t йилнинг i- ойи электр энергия исрофини ҳисобланади.

$$\Delta W_{0,38}^{(t)} = \Delta W_{0,38}^{(t)} \left(\frac{W_{OC6(10)i}^{(t-1)}}{W_{OC6(10)Д}^{(t-1)}} \right)^2$$

(21)

Ўта аникликдаги ва шу билан бирга ўта сермашаққатликни талаб қилувчи ҳисоблаш методи максималь ҳажмдаги бошланғич маълумотларни ТП шинасидаги кучланиш поғонасидаги назорат ўлчаш асосида ўрнатилган қувват асоси истемолчи юкламасини наъмунавий графиги ва характери 0,38 кВ ли тармок электр энергиянинг сарфи ёки тармоқга уланган истеъмолчининг йиғиндиси электр энергия [2].

Бир вақтнинг ўзида 0,38кВ тармоқлар бўйича юклама ўлчамларини назоратини ва электр истеъмолини билиш уларнинг маълум равишда ўрнатилган серия режимларини ҳисоблаш орқали ва кунлик характристикадаги қувват исрофини ҳисоблаш натижаларини йиғиндисидан тугунлардаги юклама графигига асосан юклама ўзгаришидаги қувват исрофини билиш мумкин.

Бош участкада бошлангич маълумотлар сифатида характерли суткаси учун актив электр энергия арфини ой, йил ва кварталь давомида маълумотларни қўллаш тавсия этилади.

Юкламани наъмунавий графиги статик кўрсатгичлар юклама қийматига боғлик бўлади. Ҳар бир наъмунавий график актив юкламани кутишни максимал математик қийматини стандарт катталигида киритилади.

Ҳар қандай бошқа юкламалар учун наъмунавий графикнинг қайта ҳисоблашда

ўхшашлик коэффцентини аниқлаш зарур [3].

-$P_м$ маълум максимал актив юклама қиймати учун

$$x = \frac{\sqrt{\left(\frac{\beta C_{PM} P_{CT}}{200}\right)^2 + P_{CT} \cdot P_M} - \frac{\beta P_{CM} P_{CT}}{200}}{P_{CT}}$$

(25)

$P_м$ – максимал актив юкламанинг маълум моделини кутиш қиймати,

β - ҳисоблашни ишончли коэффициенти (0,975 эҳтимоликда $\beta = 2$);

C_{PM} – максимал актив юкламадаги ўзгариш.

Максимал актив юкламадаги $P_м$ математик кутиш маълум қиймати;

$$x = \sqrt{\frac{P_M}{P_{CT}}}$$

(26)

- йил давомидаги элект энергия маълум истеъмол қиймати:

$$x = \sqrt{\frac{W_{йил}}{W_{CT}}},$$

(27)

бу ерда W_{CT}- -ушбу типовой графика мос келувчи йиллик электр энергия истеъмоли [5].

$$W_{CT} = \frac{\sum_{к=1}^{12} m_k \cdot P_{CT} \cdot \sum_{j=1}^{12} к_{pj} \cdot \sum_{i=1}^{24} P_{ik}}{1200};$$

(28)

бу ерда K_{pj} - мавсумий коэффицент;

P_{ik}- k- мавсумини i- соатдаги актив юкламани математик кутиш;

m_k – ойдаги кунлар сони.

Саналган график кўрсатгичларни юкламани хисоблаш ҳар қандай i- соатли ва ойлик (P_{ij}) учун ва уларни ўртача квадратли оғишини (σ_{ij}) аниқланади:

$$\overline{P}_{ij} = \frac{\overline{P}_{CT} \cdot \overline{P}_{ik} \cdot x^2 \cdot к_{Pj}}{100}$$

(29)

$$\sigma_{Pij} = \frac{\overline{P}_{CT} \cdot C_{Pik} \cdot x \cdot к_{Pj}}{100}$$

(30)

У ҳолда i- юкламани максимал қиймати;

$$P_{ij} = \overline{P}_{ij} + \beta \cdot \sigma_{Pij}$$

Тармоқдаги ток тақсимланиши оқим тақсимланишининг ва ундаги кучланиш юкланишини ҳисоблаш маълум метод асосида қурилади.

Охирги усул кўп ҳолларда электр энергияни тижорат исрофларини баҳолаш ва аниқлашни талабларга мос ҳолда қўлланилади . Маълумот уни ечиш учун зарур бўлиб 0,38-10 кВ тақсимлаш тармоқини таъминлаш марказидаги ростлаш қонунини танлаш учун кучланишни максималь ва минимал оғишидаги тармоқ нуктасини характерини аниклаш учун қўлланилади. Бу вақтни ўзида агар 6-10 кВ электр тармокларини ва улардан таъминланувчи 0,4 кВ тармоқини биргаликда ҳисоблашни бажарилиши имониятларга эга бўлади;

– Оқим тақсимланишини, кучланиш исрофини, ТН даги юкламани аниқ билиш

ҳисобидан 6-10 кВ тармоқларни қувват ва электр энергияни аниқланади [4].

– 6(10) 0,38 кВ тармоқларни қувватни техник исрофини ва электр энергияни ҳисобга олган ҳолда электр энергия ва юклама балансини ҳисоблаш;

– Электр энегияни нобаланслига рухсат бермайдиган тармоқ учаскаларни аниқлашга. Шундай қилиб биринчи учта усулни 0,38 кВ тармоқларда етарлича ривожланган информацион системасини йўқлигидан уларни баҳоловчи сифатида кўришимиз мумкин.

Тўртичи усул эса ҳозирги кундан ўта аниқ ва келажакда кўп фойдаланиши билан ажралиб туради. Унга ўтиш поғонама поғона бўлиб, ўта юкланган ва ҳусусан участкалар бўйича ёйилган 0,38 кВ тармоқларида, туман электр тармоқларида, умуман НЭТ ва энергия тармоқларида амалга оширилади. Тўртинчи усулни амалда тадбиқ қилиш учун туман электр тармоқларини (юкламани ўлчаш, кучланишни) тақсимланиш тармоқ хизмати ва НЭТ ни нозимлик хизматларини (электр тармоқларини схемаси ва уларни параметрлари), энерго сотиш бўлимларини чамбарчас алоқасини таъминлаш зарур [5].


Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Nabijonovich J. A. Renewable energy sources in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 769-774.

2. Жуманов А., Абдиев Х., Файзуллаев А. КЛАССИФИКАЦИЯ ВОЗДУШНЫХ ЛИНИЙ ЭЛЕКТРОПЕРЕДАЧИ //СОВРЕМЕННАЯ НАУКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И. – 2021. – С. 45.

3. Жуманов А. Н. и др. ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСРОФЛАРНИ ТУЗИЛИШИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



CLASSIFICATION OF ELECTRIC NETWORKS OF AIR POWER TRANSMISSION LINES

Jumanov Abbos Nabijonovich [1], Rizayuva Maxzuna Amir qizi [2], Shodiyeva Nozina Shuxrat qizi [3], Abdujalilov Shoxrux Shokirjon o'g'li [4]

[1,2,3] Assistant of the Department of Energy of Jizzakh Polytechnic Institute
[4] Department of Energy, Jizzakh Polytechnic Institute
Energy saving and energy audit (thermal energy) 1-course master degree
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717722

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Cim types, transformers, connection brackets,space difference,line transposition.

ABSTRACT

Power grids are divided into types according to the function, rated voltage, circuit, the nature of consumers. Power supply of low-voltage equipment is carried out using four-wire three-phase systems and connected to each other

ХАВО ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Жуманов Аббос Набижонович [1], Ризайува Махзуна Амир қизи [2], Шодийева Нозина Шухрат қизи [3], Абдужалилов Шохрух Шокиржон ўғли [4]

[1,2,3] Энергетика кафедраси ассистенти Жиззах политехника институти
[4] Энергетика кафедраси магистр 1 курс Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит (иссиқлик энергетикаси)

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

сим турлари, трансфарматорлар, уланиш гуручлари, фазолар фарқи, линияни транспазитсия қилиниши

ANNOTATSIYA

Электр тармоқлари бажарувчи вазифаси, номинал кучланиши, схемаси, истеъмолчиларнинг характери бўйича турларга ажратилади. Паст кучланишли ускуналарни электр энергияси билан таъминлаш тўрт симли уч фазали тизимлар ёрдамида амалга оширилади ва бир бирини боғлайди.

Электр тармоқлари бажарувчи вазифаси, номинал кучланиши, схемаси, истеъмолчиларнинг характери бўйича турларга ажратилади.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Бажарувчи вазифаси бўйича электр тармоқлари тақсимловчи, таъминловчи ва тизимни ҳосил қилувчи тармоқларга бўлинали.

Тақсимловчи электр тармоқлари электр истемолчиларини таъминловчи тармоқларнинг нимстанциялари билан туташтириб, асосан 35 кВ гача номинал кучланишда ишлайди [1].

Таъминловчи электр тармоқлари тақсимловчи электр тармоқларни (айрим ҳолларда, бевосита истеъмолчиларни) электр станциялари ёки тизимни ҳосил қилувчи тармоқлар билан туташтириб, асосан 110 кВ ва ундан юқори кучланишда ишлайди.

Тизимни ҳосил қилувчи электр тармоқлари алоҳида худудлардаги электр энергетика тизимларини ўзаро туташтириб, бирлашган тизимни вужудга келтириш учун хизмат қилади. Улар асосан 330 кВ ва ундан юқори кучланишда ишлайди.

Номинал кучланиши бўйича электр тармоқлари 1 кВ кучланишдаги паст, 1 кВ – 220 кВ кучланишдаги юқори ва 330 кВ ва ундан юқори кучланишдаги ўта юқори кучланишли тармоқларга бўлинади.


Схемаси бўйича электр тармоқлари очиқ ва ёпиқ (берк) электр тармоқларга бўлинади.

Контурга эга бўлмаган ва барча истемолчилари фақат бир томондан таъминланувчи электр тармоғи очиқ электр тармоғи деб юритилади.

Контурга эга бўлган ёки контурга эга бўлмасада икки ва ундан ортиқ томондан таъминланувчи тугинга эга бўлган электр тармоғи ёпиқ электр тармоғи дейилади.

Истеъмолчиларининг характери бўйича электр тармоқлари шаҳар, қишлоқ хўжалиги, саноат электр тармоқларига бўлинади.

1.1 расмда характерли электр энергетика тизимининг электр тармоқлари схемаси келтирилган.



1.1-расм. Энергетика тизим электр тармоғининг шартли схемаси.

Электр энергияси электр станциялари (ЭС)дан юклама марказларига (1.1- расм) бевосита таъминловчи электр тармоқларини ташкил этувчи электр узатиш линиялари (ЭУЛ) 1 ёки таъминловчи, қабул қилувчи трансформатор подстанциялари ва уларни боғловчи электр узатиш линиялари 2 орқали узатилади. Электр энергия билан таъминлашда ишончлиликни ошириш мақсадида кўпгина ҳолларда тақсимловчи электр тармоқлари ёпиқ шаклда бўлади. Қабул қилувчи подстанциялар асосан кучланишни юклама остида ростлаш (ЮОР) қурилмасига эга бўлган трансформаторлардан ташкил топган бўлиб, улар тақсимловчи тармоқнинг таъминлаш маркази (ТМ) сифатида хизмат қилади. Таъминлаш марказидан электр энергияси тақсимлаш пунктларига узатилади ва шу кучланишда электр ускуналари орасида тақсимланади ёки трансформатор подстанцияларига узатилади. Кўрилаётган ҳолатда узатилган электр энергия трансформаторларда паст кучланишга ўзгартирилиб, алоҳида истеъмолчилар ўртасида тақсимланади [2].

Узунлиги давомида электр энергияни, ТМ дан ТП га ёки тўғридан тўғри подстанцияга узатувчи ЭУЛ 3 таъминловчи, узунлиги давомида бир неча трансформатор подстанциялари, ёки истеъмолчи ускуналари уланган ЭУЛ 4 тақсимловчи ЭУЛ ҳисобланади.

Электр энергияси билан таъминлашдаги ишончлилик даражаси бўйича истеъмолчилар учта тоифага бўлинади.

1-тоифали истеъмолчилар электр энергияси билан иккита бир-бири билан боғланмаган таъминлаш манбаларидан алоҳида линиялар орқали таъминланиши лозим. Электр энергияси билан таъминлашдаги узилишга рухсат этиладиган максимал вақт давомийлиги фақат заҳираланган таъминотни автоматик улаш вақтига тенгдир. Кўпгина ҳолларда икки занжирли битта линия талаб этилган ишончлиликни таъминлай олмайди, чунки линиянинг муз билан қопланганлиги, шамол ва шунга ўхшаш табиий ҳодисалар таъсирида таянчнинг шикастланиши энергия таъминотининг бутунлай узилиб қолишига олиб келиши мумкин.


2-тоифа истеъмолчиларини кўпгина ҳолларда иккита алоҳида линиялар ёки икки занжирли линиялар орқали таъминлаш назарда тутилади. Бундай электр истеъмолчилари учун электр энергияси билан таъминлашдаги узилишга рухсат этиладиган максимал вақт давомийлиги бир сутка давомида икки соатни ташкил этади. Шу сабабли линиянинг шикастланишини таъмирлашни узоқ вақтга чўзмасдан амалга ошириш мумкин бўлган ҳолларда 2- тоифа истеъмолчиларини битта бир занжирли линия орқали таъминлашга ҳам рухсат этилади [3].

3-тоифа истеъмолчилари учун энергия таъминотини битта линия орқали амалга ошириш етарли ҳисобланади. Бундай электр истеъмолчилари учун электр энергияси билан таъминлашдаги узилишга рухсат этиладиган максимал вақт давомийлиги 24 соатга тенг.

Заҳира сифатида қўшимча линия ёки трансформатор подстанцияларига эга бўлган электр тармоғи заҳираланган, эга бўлмаган электр тармоғи эса заҳираланмаган электр тармоғи деб юритилади. 1 ва 2- тоифа истеъмолчиларини таъминлаш бўйича юқоридаги талабларга жавоб берувчи

схема заҳираланган, 3- тоифа истеъмолчиларини таъминлаш бўйича кўрсатилган талабларга жавоб берувчи схема эса заҳираланмаган электр тармоғи ҳисобланади [4].

Ҳар бир ҳудудда электр истеъмолчиларининг тоифаларига ва электр тармоқнинг вазифасига боғлиқ ҳолда унинг схемаси турлича бўлади. 1.2-расмда электр тармоқларнинг характерли бир чизиқли схемалари, яъни очиқ электр тармоғи (1.2,а- расм), икки томондан таъминланувчи электр тармоғи (1.2,б-расм), икки занжирли магистрал электр узатиш линияси (1.2,в- расм), содда ёпиқ (халқасимон) электр тармоғи (1.2,г- расм) ва мураккаб ёпиқ электр тармоғининг (1.2,д- расм) бир чизиқли схемалари тасвирланган.



1.2.-расм. Электр тармоқларнинг характерли бир чизиқли схемалари

(ТП – трансформаторли подстанция).


Электр тармоқларини бу каби тасвирлашда қулайлик учун уларнинг бир чизиқли схемаларидан фойдаланилсада, улар уч фазали электр тармоқлари эканлигини назарда тутиш лозим.

Уч фазали электр тизимлари бизга маълум бўлган бир қатор афзалликларга эга бўлганлиги сабабли электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда улардан кенг фойдаланилади.

Кўп ҳолларда паст кучланишли ускуналарни электр энергияси билан таъминлаш тўрт симли уч фазали тизимлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда нул сими деб юритилувчи

тўртинчи ўтказгич ва уч фазали тизимнинг бетараф нуқтаси (*Н*) ерга бевосита уланади (1.3-расм).

Нул ўтказгичи фаза кучланишларида ишловчи истеъмолчиларни, жумладан келтирилган схемадаги каби электр ёриткичларни, фаза кучланишига улаш ва фазалар бир ҳил юкланмаганида пайдо бўладиган носимметрия токларини тенглаштириш учун ишлатилади. Ҳамма фазалар бир ҳил юкланганда нул ўтказгичи орқали ток оқмайди.



1.3-расм. Бетараф нуқтаси ерга бевосита уланган уч фазали ўзгарувчан ток тўрт симли тизимининг схемаси.

1.3-расмдаги схемани 380/220 В номинал кучланишда ишлатиш мақсадга мувофиқ, чунки бунда бир вақтнинг ўзида линия ва фаза кучланишлардан фойдаланиланиш қулайдир.

Бетараф нуқтаси ерга бевосита уланмаган уч фазали уч ўтказгичли схема асосан саноатда, куч юкламаларини таъминлаш учун 660/380 В номинал кучланишда қўлланилади.

Бир ҳил қувват исрофи шарти кўзда тутилганда, кучлаиш қанча юқори бўлса металл сарфи шунча кам бўлади.


Техника ҳавфсизлиги шартларига асосан ҳозирги даврда 220 В дан юқори кучланишда ишловчи ёритиш асбоблари ишлаб чиқарилмайди.

Фаза кучланишларида ишловчи электр истеъмолчилари бевосита уланмайдиган юқори кучланишли тармоқларда нул ўтказгичи керак бўлмайди ва шу сабабли улар уч ўтказгичли қилиб қурилади [5].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. В.А. Строев. Электрические системы и сети. Учебник. – М.: Высшая школа, 1998.
2. Sultanov M. M. et al. FITTING THE SPECTRA OF PIONS, KAONS, PROTONS, AND ANTIPROTONS IN RELATIVISTIC CU+ CU COLLISIONS //Euro-Asia Conferences. – 2021. – С. 96-98
3. Nabijonovich J. A. Renewable energy sources in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 769-774.
4. Жуманов А., Абдиев Х., Файзуллаев А. КЛАССИФИКАЦИЯ ВОЗДУШНЫХ ЛИНИЙ ЭЛЕКТРОПЕРЕДАЧИ //СОВРЕМЕННАЯ НАУКА: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И. – 2021. – С. 45.
5. Жуманов А. Н. и др. ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСРОФЛАРНИ ТУЗИЛИШИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4.
6. Жалилов Ў. А. Ў. и др. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 113-118.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHODS TO REDUCE POWER WASTE IN THE POWER SUPPLY

Nazarov Furqat Daminovich [1], Shodiyeva Nozina Shuxrat qizi [2], Jumanov Abbos Nabijonovich [3], Ergashev Javoxir Shavkat o'g'li [4]

[1]Associate Professor of the Department of Energy of Jizzakh Polytechnic Institute
[2,3]Assistant of the Department of Energy of Jizzakh Polytechnic Institute
[4] Department of Energy, Jizzakh Polytechnic Institute
Energy saving and energy audit (thermal energy) 1-course master degree
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717731

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

electricity, currents, power dissipation, control, voltage are attached.

ABSTRACT

Power grids play a special role in the transmission and distribution of electricity. Almost all of the electricity generated comes from the power grid. The main function of the power grid is to supply electricity to consumers, ie to transmit electricity from the place where it is generated to the place where it is used.
An improved view of power transmission and distribution is the power system. The power system is a combination of power plants that are interconnected through these transmission lines and provide electricity to consumers together, the results of the study are presented [1].

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА ЭНЕРГИЯ ИСРОФИНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

Назаров Фурқат Даминович [1], Шодийева Нозина Шухрат қизи [2], Жуманов Аббос Набижонович [3], Эргашев Жавохир Шавкат ўғли [4]

[1,2,3] Энергетика кафедраси ассистенти Жиззах политехника институти
[4] Энергетика кафедраси магистр 1 курс Энергия тежамкорлиги ва энергоаудит (иссиқлик энергетикаси)

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

электр энергия, токлар, қувват исрофи ошмаслик, бошқариш, кучланиш тушунчалар бириктирилган.

ANNOTATSIYA

Электр энергиясини узатиш ва тақсимлашда электр тармоқлари алоҳида ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини деярли ҳаммаси электр тармоқлари бўйлаб келади. Электр тармоғини асосий вазифаси истеъмолчиларни электр билан таъминлаш, яъни электр энергияси ишлаб чиқадиган жойдан уни ишлатиладиган жойга узатишдан иборат.

Электр энергиясини узатиш ва тақсимлашнинг такомиллашган кўриниши электр энергияси тизимидир. Электр энергия тизими бу узатиши линиялари воситасида ўзаро боғланган ва электр энергияси истеъмолчиларини биргаликда ток билан

таъминлайдиган электр электр станциялари бирлашмасидир, тадқиқи натижалари келтирилган [1].

Электр тармоқларни минимал исрофи бу асосий иш режими тўғри тузилгани ҳисобланади. Алоҳида эътибор сифатида ёпиқ тармоқларни бўлиниш нуқталарини тўғри танлашга, актив ва реактив қувватларни иқтисодий тақсимланишига, 0,38 кВ тармоқларни ёпиқ ва ярим ёпиқ схемаларига қаратиш лозим.

Энергия исрофи тўғри тузилган ва нормал эксплутатция қилинаётган тармоқларда узатилатилиш ва тасимланишжараёнидаги махсус технологик энергия исрофлари кўп бўлиб кетмасаслиги зарур.

Электр энергия исрофини камайтириш тадбирлари тармоқларнинг тўғри тузилиш ва эксплутатциянинг оптимал режимларидан четга оқан қисмларида олиб борилади.

Ҳисоблашни ҳозирги замонавий математик методларини қўллаш орқали электр энергия сарфни минималлаштириш ва уни техник исботланган қийматга олиб келиш имкон беради [2].

Электр тармоқларда электр энергия исрофини камайтириш тармоқни умумий оптималаш устидан олиб борилган тадбирлар натижасида амалга ошириш мумкин, қайсики энергияни камайтириш комплекс режанинг асосий қисмларидан бири бўлиб, исрофни камайтиришга йўналтириш тадбирларни ўтказиш натижасида амалга оширилади.

Шунинг учун исрофни камайтириш тадбирлари (ИКТ) шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- ташкилий, электр тармоқларни эксплататцион хизмат кўрсатишни ва уларни схема режимларини такомиллаштириш орқали ИКТ лари(ИКТ кам ҳарж ва харажатсизи);

-техникавий, тармоқларни таъмирлаш, модернизациялаш ва қуриш тадбрларни ўз ичига олувчи (ИКТ, капитал маблағларни сарф қилувчи);

- сарф харажатларсиз электр энергия ҳисоблашни такомилаштириш тадбирлари, аммо қўшимча харажатларни талаб қилувчи (янги ҳисобга олиш жойларни ташкиллаштириш ҳисобига).

Ташкилий тадбирларга тегишли бўлган:

- линия ва қурилмаларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш чоғидаги ўчирилган ҳолат вақтини камайтириш;

- фазалар юкламасини носимметриклигини (нотенгсизлигини) камайтириш;

- куч трансформаторларининг маъқуллик юкламаси [3].

0,38 кВгача тақсимлаш тармоқларидаги биринчи ўриндаги техник тадбирларига оиди:

- ҳамма узунликдаги уч фазали 0,38 кВҲЛ қуриш ва харакат радиусини қисқартириш;

- 0,38 кВли кучланиш тармоғини узунлигини камайтириш учун кичик қувватли (10 (6)/0,4 кВ) устун трансформаторларидан фойдаланиш;

- тармоқни паст кучланишини 220 В дан 380 В га ўтказиш;

- 0,38 кВли кучланиш ҲЛ учун ҳимояланган ва изоляцияланган ўзни кўтариб турувчи симини қўллаш;

- 0,38 кВкучланишли электр тармоғи ўзининг умумий ҳизмат вақтида юкламани ошиши ўтказувчанлик қобилятини мақсадга мослашувини ҳисобга олган ҳолда максимал рухсат этувчи сим кесмасини қўллаш:

- харакатдаги тармоқнинг элементларини кучайтириш янги линия ёки кабел ва ўтказгичларни катта кесим юзалиларига алмаштириш;

- реактив юкламаларни компенсация ишларини олиб бориш;

- ГОСТ 13109-97 бўйича талаб қилинган электр энергия сифат кўрсатгич қийматларини сақлаш;

- юклама остида кучланишни автоматик ростловчи қурилмани, вольт қушувчи трансформаторларни, кучланишни аниқ ростловчи қурилмани жорий этиш;

- янги иқтисодий электр қурилмаларини, жумладан трансформаторларни салт салт ишлашдаги актив ва реактив исрофларни камайтириш,

КТП ва ЗТП лар учун ўрнатма конденсатор батареялари ўрнатишни жорий қилинади;

- электр тармоқларини комплекс автоматлаштириш ва телемеханизациялаштириш;

- электр тармоқлари шикастланган жойини излашдаги вақтни қисқартириш ва ҳалокат бартарф этиш учун дистанцион қурилмани жорий этиш.

Ҳисоблашни такомиллаштириш тадбирлар таркибига қуйдагиларни кўриб ўтилади:

- ўта юқори аниқлик синфида ўлчовчи ҳисобга олувчи асбобларни (электр ҳисоблагичлар, ўлчов трансформаторалари) қўллаш;

- ҳисоблашни автоматиклашган тизимини, йиғиш ва ахборат алмашинишни қўллаш;

- электр энергияни ҳисобсиз истеъмол қилинаётган аниқлаш ва бартараф қилиш ҳақида огоҳлантиришнинг техникавий ва ташкилий тадбирларини олиб бориш [4].

0,38 кВэлектр тармоқларни фаза юкламаларини тенгсизликдаги ўзига хос характерли иш режимларидандир.

Фаза юкламаларни нотенгсизликдаги қувват исроф қиймати $\Delta P_н$ қуйдаги кўринишда бўлади.

$$\Delta P_н = K_{к.и} \cdot \Delta P_с,$$

бу ерда $\Delta P_с$ – фаза юкламалари симметрик бўлгандаги қувват исрофи, кВт;

$K_{к.и}$ – тенгсиз юклама чоғидаги қўшимча исроф коэффициенти.

Юкламаларни тўғрилаш фаза линияларини юкламасини ўлчаш ва натижаларни таҳлил қилган сўнг кўп юкланган фазаларни юкламасини кам юкланган фазаларга олиш орқали амалага оширамиз [5].

Носимметрияни салбий таъсири бартараф қилиш учун фазаларни юкламаларни тенглаштириш имкони йўқ бўлса уни камайтириш мумкин: чўлғамлари “юлдуз/юлдуз” боғланган схемали куч трансформаторларни “юлдуз/зигзаг” ёки “учбурчак/юлдуз” боғлангана схемали қайсики

юкламаларнинг носимметриклигига кам сезгирли куч трансформаторлари билан алмаштириш тавсия этилади.

- 0,38 кВ линиясини нол симини кесим юзасини фаза симни кесим юзасигача ошириш.

5-жадвалда 0,38 кВ тармоғининг фаза юкламаларини ҳисоблашнинг эффектив тўғрилаш тадбири келтирилган.

Технологик электр энергия сарфини қисқартириш муҳим тадбирларига трансформаторлардан фойдаланиш эффектлигини оширишда икки трансформаторли нимстанция мавсумийлик ҳисобидан бирини ўчириб қўйиш орқали амалга оширилади .

Шундай қилиб, кам юкланган трансформаторни ўчириб, уни юкламаси бошқа трансформаторга ўтказилади.

Ушбу тадбирнинг эффектив ҳисоби 2 –жадвал келтирилган [6].

Электр энергия исрофи қисқартиришига қувватидан тўлиқ фойдаланилмаётган трансформаторларни алмаштириш керак бўлади. Шу билан бирга 10(6)/0,38 кВтрансформаторини юклама коэфицентини 0,5 кичик бўлиши салт ишлаш исрофини ҳисобига электр энегия исрофини ошишига кескин таъсир этади.

Трансформаторни алмаштириш ҳисобига электр энергия исрофини камайтириши қуйдаги формула ёрдамида топилади:

$$\Delta W_{тр} = (\Delta P_{с.и1} - \Delta P_{с.и2})T + (\Delta P_{к.т.1} K_{з1}^2 - \Delta P_{к.т.2} K_{з1}^2)\,\tau, \text{ кВт·с}$$

бу ерда $\Delta P_{с.и1}$, $\Delta P_{с.и2}$ трансформаторларни салт ишлаш қувват исрофи, кВт;

$\Delta P_{қ.т.1}$, $\Delta P_{қ.т.2}$ – трансформаторларни қисқа туташув қувватини исрофи, кВт;

T – максимал юкламада ишлаш вақти ;

τ - максимал исрофлар вақти..

7- иловада кам юкланган трансформатораларни кичик қувватли трансформаторига алмаштиришдаги эффектив ҳисоблаш [7-8].


0,38 кВ тармоқнинг фаза юкламаларини бараварлаштиришдаги тадбири ва уни самарадорлигини ҳисоблаш мисоли

Ажраттичии номери	Фаза юкламаларини бараварлаштиришгунча								
	Фазадаги токлар, А			Ўртача ток $I_{ўр}$, А	Кучланиш ирофи ΔU, В	Максимал ирофлар соати, τ, ч	Носимметрия коэфициенти $K_н^2$	Қўшимча ирофлар коэффицент $K_{қ.п}$	ΔA_1 линиясидаги электрэнергия ирофи
	$I_а$	$I_в$	$I_с$						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	11	18	20	16,3	2,35	5650	1,042	1,105	322,9
2	65	29	56	50	14	5650	1,078	1,183	6316
3	18	16	20	18	1,79	5650	1,008	1,03	253
4	36	55	46	45,7	5,5	5650	1,022	1,088	2085
5	60	30	60	50	6,8	2650	1,08	1,2	1460
6	15	48	5	22,7	5	4550	1,684	2,71	1889
7	10	13	70	31	20,6	4550	1,684	4,56	17887
Жами	30214								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	16	18	15	16,3	2,35	5650	1,002	1,005	218
2	49	45	56	50	14	5650	1,008	1,025	5446
3	18	18	18	18	1,79	5650	1	1	246
4	40	51	46	45,7	5,5	5650	1,002	1,008	1932
5	50	50	50	50	6,8	2650	1	1	1171
6	25	25	18	22,7	5	4550	1,073	1,16	823
7	31	28	34	31	20,6	4550	1,022	1,11	4354
Жами	14190								

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Правила устройства электроустановок. М.: Энергоатомиздат, 2009.
2. Каримов Х.Г. ва бошқ. Электр тармоқлари ва тизимлари. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТошДТУ, 1996.
3. Караев Р.И.,Волобрынский А.В. Электрические сети и энергосистемы. М. Транспорт, 1989, 316с.
4. Гаюпов Т. Ш. Электр тармоқлари ва тизимларига доир мисол ва масалалар. Ўқув қўлланма, Тошкент, ТошДТУ, 2006.
5.Nabijonovich J. A. Renewable energy sources in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 11. – С. 769-774.
6. Sultanov M. M. et al. FITTING THE SPECTRA OF PIONS, KAONS, PROTONS, AND ANTIPROTONS IN RELATIVISTIC CU+ CU COLLISIONS //Euro-Asia Conferences. – 2021. – С. 96-98.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



OPTIMIZING THE DISTANCE BETWEEN AN EVAPORATING SURFACE AND A CONDENSING SURFACE IN LOW-TEMPERATURE SOLAR SALVES WITH INCLINED WET SURFACE

Arabov Jasur Olimboyevich [1], Hakimova Sabina Shamsiddin qizi [2], To'xtayeva Iqbola Shukurillo qizi [3]

[1] Lecturer at the Department of Physics, Bukhara State University
[2] Assistant of the Bukhara branch of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers
[3] Bukhara district 32-school
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717742

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

solar watermaker, sloping wet surface, greenhouse water, salt water, hot box.

ABSTRACT

In order to provide the inhabitants of desert and semi-desert territories with the necessary drinking water, this article proposes the creation of small-sized portable solar desalination plants with an inclined wet surface, the determination of its thermal performance, the optimal size values and the distance between evaporating and condensing surfaces.

PAST HARORATLI QIYA HO'LLANADIGAN SIRTLI QUYOSH SUV CHUCHUTGICHLARIDA BUG'LANADIGAN SIRT BILAN KONDENSATSIYALADIGAN SIRT ORASIDAGI MASOFANI OPTIMALLASHTIRISH

Arabov Jasur Olimboyevich [1], Hakimova Sabina Shamsiddin qizi [2], To'xtayeva Iqbola Shukurillo qizi [3]

[1] Buxoro davlat universiteti fizika kafedrasi o'qituvchisi
[2] Toshkent Irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali assistenti
[3] Buxoro tuman 32-maktab

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

quyosh suv chuchutgichli, qiya-namlanadigan yuza, parniksimon, sho'r suv, issiq yashik.

ANNOTATSIYA

Cho'l va yarim cho'l hududlarida yashovchilar suv bilan ta'minlanmagan aholilarni zarur ichimlik suvi bilan ta'minlash maqsadida kichik yuzali, ko'chirib yuruvchi qiya namlanuvchi yuzali quyosh suv chuchutgichlarini yaratish uning issiqlik-texnik ko'rsatgichlarini aniqlash o'lchamlarining optimal qiymatlarini aniqlash, bug'lanuvchi va kondensatsiyalanuvchi yuzalar orasidagi masofaning optimal qiymatinianiqlashni o'z oldimga maqsad qilib qo'yilgan.

KIRISH

XX asr oxiri va XXI asr boshlaridagi vujudga kelgan energiyaga munosabat va dunyo aholisining jon boshiga tegishli zaruriy energiya miqdorining oshib borishi, ishlab-chiqarishning oshishi va unga sarflanayotgan energiya miqdorining ko'payib borishi, yer ostidagi energiya zaxiralarining kamayib borishi va uglevadarodli yoqilg'larning ko'p yonishi natijasida ekologik muvozanat buzilib borishi va yer atmosferasining isib borishi insoniyatni yangi alternative issiqlik manbalaridan ko'proq foydalanishga taqoza etmoqda.

Xozirgi vaqtda fan va texnikaning rivojlanishi natijasida butun dunyoda taraqqiyot shu darajaga yetdiki, bunda har kuni turli ehtiyojlar uchun ulkan energiyalar sarf bo'lmoqda, ayniqsa sanoat, transport va qishloq xo'jaligida bu yaqqol ko'zga tashlanib turibdi. Yer yuzida aholi soni har yili ortib borishi munosabati bilan energiyaga bo'lgan talab ham ortib bormoqda. Energiyaga bo'lgan talabning doimiy ortib borishi qazilma yoqilg'i zaxiralarining kamayib ketishiga olib kelmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Hozirgi kungacha "Issiq quti" tipidagi quyosh suv chuchutgichlari ustida olib borilgan sinov tajriba tadqiqotlari asosan ularning kam xarajatli tayyorlanishi va sodda konstruktsiyalari bilan bir-biridan farqlanishi o'rganib chiqilgan.

Bu tipdagi eng birinchi quyosh chuchutgichi 1872 yilda Las-Salenasida (janubiy Amerika,Chili) Ch.Uilson tomonidan yaratilgan . Bu chuchutgich 30 yil davomida ishlagan. Uning umumiy shaffof sirti yuzasi 4760 m^2 ni tashkil etib, yoz faslida bir kunda 20 m^3 chuchuk suv ishlab chiqarilgan. Bunda 1 m^2 yuzaga bir kunda 4,2 *l* chuchuk suv ishlab chiqarish to'g'ri kelgan. Quyosh chuchutgichlariga bo'lgan qiziqish 1925 yildan yana orta boshladi.

Amerikalik olima Mariya Telekes bir qancha chuchutgichlarni hisoblash metodlarini yaratib ularni ishlab chiqarishga qo'lladi. Shunga asosan shisha plyonkali chuchutgichdan alohida foydalandi va uning FIK i 50% ni tashkil etgan. Bu quyosh chuchutgichi AQSh da dengiz aviatsiyasida va suv osti flotida qo'llanildi. Sobiq SSSR da, Frantsiyada, Aljirda, Ispaniyada, Germaniyada, Isroilda, Avstraliyada, Livyada, Meksikada va hakozo davlatlarda 1952 yilga kelib quyosh chuchutgichlari bilan shug'ullana boshladilar. 1953-1958 yillar Italiyada Bolen va Bar universitetida G.Nebbia etti xil konstruktsiyali quyosh chuchutgichlarini eksperimental tadqiqot qilgan.

Quyidagi ishda uchta quyosh chuchutgich qurilmalarining sug'orish ishlariga shimoliy Floridaning ilmiy tadqiqotlar maydonida qo'llanilgan va yaxshi natijalarga erishilgan. Ho'llanilgan chuchutgich to'g'ridan-to'g'ri yerga

o’rnatilgan bo’lib, 25-30 sm qalinlikdagi sho’r suv sug’oriladigan chuqur suvli basseyndan iborat bo’lgan. Qish faslida 1958 yildan 1959 yiliga o’tish vaqtida ikkita plasmassali chuchutgichlar sinovdan o’tkazildi. Ulardagi sho’r suv qalinligi bir necha santimetr bo’lib, suv oladigan qismi chuqur bo’lgan chuchutgichga nisbatan chuqurligi kichik bo’lgan chuchutgichning sho’r suvni akuumulyatsiya qilish darajasi juda ham past bo’lishini ko’rsatgan.

Kaliforniya shtatida M.Telekes tomonidan quyosh chuchutgichlarini loyihalari tashkil etildi. quyosh chuchutgichlarini eni 1,2 m, bo’yi esa 15 m, 90 m^2 yuzali beshta yo?och lotoklaridan tashkil topgan. Sho’r suv qatlami 10-30sm bo’lib, bir kunda maksimal chuchuk suv ishlab chi?arishi 375 l bo’lib, 1 m2 yuzaga bir kunda 4,07 l. chuchuk suv mos kelgan. M.Telekes tomonidan suvga botirilgan issiqlik almashinuvchi plasmassali trubalardan iborat plasmassali quyosh chuchutgichi dengiz suvida sinab ko’rildi. Plasmassali materialni ho’llanilishi iqtisodiy jihatdan arzon va qulay bo’lgan.

1963-yil bahor faslidan boshlab chuchutgichlar sirtiga plasmassa qoplab tajriba sinovlarini o’tkazishga qiziqish ortib bordi va aylana shakldagi chuchutgichga asos solingan. Uning aylanasining diametri 3,2-3,5 m bo’lib, 0,15 mm qalinlikdagi yupqa qora polietilen plyonka qoplangan. Lekin bu qurilmani polietilin plyonkani turli joylaridan teshilib ulardan chang tushib suvni ifloslantirgan.

Amerikalik tadqiqotchilar chuchutgichga shishali va plasmassali qoplamalar joylashtirib ikkita qiya chuchitgichda sinov tadqiqotlarini o’tkazganlar. Ulardan biri qalinligi 3 mm bo’lgan shisha qoplamadan, ikkinchisi 0,05mm Tedlar-40 plyonkasini qoplamasidan foydalangan.Sinov natijalari ikki yil davomida shuni ko’rsatdiki, shisha qoplamali chuchutgichga qaraganda plasmssali qoplamali chuchutgichni ish unumdorligi 82% ga ortiq bo’lgan.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

MUHOKAMA

	Vaqt	1-qurilmada hosil bo'lgan suv. ml.	2-qurilmada hosil bo'lgan suv. ml.	3-qurilmada hosil bo'lgan suv. ml.	4-qurilmada hosil bo'lgan suv. ml.	Quyosh radiatsiyasi Q ($B_T/м^2$)
	9^{00}	460	440	350	330	**352**
	10^{00}	510	480	400	390	**616**
	11^{00}	570	530	450	440	**737**
	12^{00}	630	510	500	480	**858**
	13^{00}	730	600	550	540	**924**
	14^{00}	700	550	530	520	**946**
	15^{00}	620	500	490	480	**924**
	16^{00}	600	430	420	400	**814**
	17^{00}	500	400	380	350	**682**
	жами	**5320**	**4440**	**4070**	**3930**	**6853**

Qurilmani janubga qarab gorizantga nisbatan 30^0 burchak qiyalikda o'rnatdik (Buxoro shahri, 2019 yil iyul).

Quyosh nurlari qurilmaning shaffof yuzasidan ichkariga kirib namlanuvchi (bug'lanuvchi) sirtda yutilib issiqlikka aylanadi.Bug'lanish natijasida suv bug'lanib qurilma ichida tuyingan bug' hosil qiladi.Tashqi havo bilan sovitilayotgan shaffof yuzaning ichki sirtida kondensatsiya amalga oshadi.

Kondensatsiya amalga oshadi. Kondensatsiya miqdori oshishi bilan sirt bo`ylab oqim pastiga tushadi turupka o`qi orqoli 11 idish 12 ga to`planadi. Qurulmadan issiqlikning yo`qolishini quyidagicha hisobladik.

Qurilmaning yon tomoni va tubidan tashqi mihitga ketayotgan issiqlik miqdori quyidagicha topiladi.

$$Q_{yon} = \frac{\lambda_{yog'}}{\sigma_{yog'}}(t_{ich} - t_{tash})F_{yon}$$

(1)

$$Q_{tub} = \frac{\lambda_{samon}}{\sigma_{samon}}(t_{ich} - t_{tash})F_{tub}$$

(2)

bunda $\lambda_{yog'}, \lambda_{samon}$ – mos ravishda taxtaning va samonning issiqlik o'tkazuvchanlik koeffisiyentilari, $\frac{Wt}{(m \cdot K)}$.

$\sigma_{yon}, \sigma_{samon}$ – mos ravishda taxtaning va samonning qalinligi ,m^2

t_{ich} , t_{tash} - mos ravishda qurilmaning ichki va tashqi temperaturasi.

Shaffof yuzadan nurlanish yo'li bilan yo'qalayotgan issiqlik miqdori

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Stefan -Bolsman qonuni asosida aniqlanadi.

$$Q_{nur} = C_0 \varepsilon (\frac{T_{ich}}{100})^4,$$

(3)

bunda $C_0=5.66\frac{Wt}{K^4}$ absalyut qora jismning nurlanish koeffisiyentilari, $\mathcal{E}$ - esa kulrang jismning nurlanish koeffisiyentilari bo'lib, $\mathcal{E}$ =0.85 deb olsak bo'ladi.

$T_{ich}=t_{ich}+273$-qurilmaning ichki harorati. Shaffof sirtdan kirayotgan quyosh energiyasidan yo'qolgan issiq energiyalari ayirib bir yoki ikkinchi formuladagi foydali kondentatsiya jarayonidan issiqlik miqdorini topish mumkin. Amalda qurilmani yasash vaqtida yo'qotilgan issiqlik miqdori kamaytirish yo'llarini hisobga oldik.

Kondensatsiyani issiqligi issiqlikni shaffof sirtning yuzasidan havoga beriladigan issiqlikka tenglashtirib olsa ham bo'ladi. Bu yuzadan erkin konveksiya konvektiv bo'lib issiqlik almashinish usullari bilan amalgam oshiriladi. Bu issiqlikni quyidagicha yozish mumkin

$$Q = \alpha(t_{shaf} - t_{havo})F$$

(4)

bunda α -shaffof yuza sirtidan havoga beriladigan issiqlik berish koyfisiyenti $(\frac{wt}{m^2K})$

t_{shaf}- shisha sirtining harorati

t_{havo}- tashqi havoning harorati.

Buni hisoblash uchun havo shisha sirtining temperaturasini o'lchab olinishi kerak.

Issiqlik berish koyfisiyenti son qiymatini aniqlash o'zshashlik nazariyasi kreterial tenglamalari yordamida amalga oshirdik. Erkin konveksiya paytida u quyidagicha bo'ladi.

$$Nu=0,15(Cr_{havo}Pr_{havo})^{0,33}(\frac{Pr_{havo}}{Pr_s})^{0.25}$$

(5)

bunda $Nu=\frac{\alpha \cdot l}{\lambda_{havo}}$,


$$Cr_{havo} = \frac{g\beta\Delta t \cdot l^3}{\nu^2_{havo}}$$

Pr_{havo} va Pr_s ya'ni havo va sirt haroratiga mos bo'lgan Prandt qiymatlari jadvallardan olinadi. *l*-qurilmaning shaffof yuzasi uzunligi, *l=0.63m.*

(5) tenglamadan Nu qiymatini hisoblab bo'lgach issiqlik berish koeffisiyenti hisoblanadi.

$$\alpha = \frac{Nu \cdot \lambda_{havo}}{l}$$

(6)



EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

NATIJALAR

Tajriba o'tkaziladigan qurilma har birining yuzi F=0.17m^2 bo'lgan ikkita korpusga joylashtirilgan bir xil o'lchamli to'rtta qurilmadan iborat. Tajriba 2008-yilning iyul-avgust oylarida Universitet xodimlari uchun mo'ljallagan bog'dorchilik xo'jaligida o'tkazildi.Har bir qurilmaning bug'lanish va kondensatsiyalanuvchi sirtlar orasidagi masofa har xil bo'lib ular 0.008m,0.012m, 0.016m,0.020m larda.

[2] muvofiq bug' havo qatlam optimal qiymatini nazorat jihatdan quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi.

$$\sigma = 5{,}838\sqrt{\frac{T_{isp}\cdot a_{isp}\cdot \nu_{isp}}{t_{isp}-t_s}}$$


bunda, a_{isp}, ν_{isp} -mos ravishda temperatura o'tkazuvchanlik koeffisent, kinematik yopishqoqlik koeffisenti.Ushbu formula bilan hisoblashlarida t_{is}-t_s=25^0=30^0 bo'ganda T_{is}=330 bo'lganda ν =taxminan 12 bo'lsa ko'rsatiladi, ammo bizning maqsadimiz tajribalarning ko'rsatishda va shumaqsad bilan qurilma yaratib tajribalar o'tkazdik. Bizning o'lchashlarimiz (19-iyul-2008) rasmda ko'rsatilgan (natijaning grafigi) Shu grafikdan natijalar quyidagini ko'rsatadi. Kondetsat bo'yicha eng yuqori unimdorlik $\Delta\sigma$=0.012m bo'lgan qurilmada to'g'ri keladi. Analiz maqsadida bir kunlik natijalarni keltiraman.(19-iyul-2019)

1 $\Delta\sigma$=0.008m bo'lgan qurulmada, unimdorlik 4.449 l/m^2 $\Delta\sigma$=0.012m, bo'lgan qurulmada, unimdorlik 5.324 $\Delta\sigma$ =0.016m,bo'lgan qurulmada, unimdorlik 4.070 $\Delta\sigma$=0.020m bo'lgan qurulmada, unimdorlik 3.938 l/m^2 hisoblab topilgan va tajriba yo'li bilan aniqlangan. Natijalariga tayanib aytish mumkinki namlanuvchi sirtli suv chuchutgichlarida kondensatsiyalanuvchi va bug'lanuvchi sirtlar orasidagi masofaning optimal qiymati 12mm dir.

Tashqi havo temperaturasi (t_{havo}), kondensatsiyalanuvchi va bug'lanuvchi sirtlar orasidagi bug'-havoning qatlamining temperaturasi, har bir soatdagi kondensatsiya miqdori tajriba vaqtida har bir soatda o'lchab turuldi.

Tajriba o'tkazilgan kunlari havo bulutsiz, shamol harakati minimal qiymatda edi.

Qiya-namlanadigan sirtli quyosh suv chuchitgichining tadqiqot natijalari



Qiya-namlanadigan sirtli quyosh suv chuchitgichining grafigi

XULOSA

Hozirgi kunnig dolzarb muammolaridan biri bo'lgan toza ichimlik suviga kundan kunga ortib borayotgan bir vaqtda quyosh suv chutgichlari katta ahamiyat kasb etadi. Quyosh suv huchitgichlarining tiblari nazariy asosda o'rganilgan ularning yutuq va kamchiliklari taqqoslangan. Suvning sho'rlik darajasini quyosh suv chuchitgichi unimdorligiga ta'sirlari tahlil qilingan. Tajriba shuni ko'satadiki qiya-ho'llanadigan sirtli suv chuchitgichlarning kondensatsiya va bug'lanuvchi sirtlar orasidagi masofa 12 mm bo'lganda unimdorlik yuqori bo'lar ekan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Экспериментальное исследование растояния между испарителем и конденсатом наклонно-многоступеньчатой опреснительной установки.// Гелиотехника. 2018. № 6. С.27 -34.
2. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Техникоэкономические показатели и оценка воздействияна окружающую среду усовершенствованной наклонной многоступенчатой солнечной установки для опреснения воды.// Путь науки Международный научный журнал. 2021. № 1 (83). С.17-23.
3. Назаров Э.С., Юсупбеков А.Х. Вулканизация резиновых смесей на основе каучука СКМС-30 АРКМ-15 под действием керамических ИК - излучателей. Каучук и резина, 2005. №2. С.29-30.
4. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Научные основы использования минеральных ресурсов.// Международный академический вестник. 2019. № 12 (44) Уфа. С. 84-86.
5. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные направления в технологии композиционных материалов.// Международный академический вестник, 2018. №6 (26) С.75-78.
6. Б.Х. Ражабов, Э.С. Назаров, Ш.О. Собиров. Способ определения геометрических размеров теплицы.// Наука и образование: проблемы, идеи, инновации, 2018.67-69.
7. Б.Х. Ражабов. Анализ физических процессов в двухступенчатых солнечных опреснителях.// Вестник науки и образования. 2020.
8. Б.Х. Ражабов, Ф.Б. Ата-Курбонова. Метод выбора типов и рациональных геометрических размеров аккумуляторов энергии для солнечных опреснителей.// International Scientific and Practical Conference World science 1 (6), 2017. 53-54.
9. С.С.Ибрагимов. Определение геометрических размеров теплицы и способы подбора материалов.// Молодой ученый, (2016) С 105-107.
10. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
11. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
12. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом.// Молодой ученый, (2018) С 50-53.
13. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелиоводоопреснителя.//Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.
14. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.//Вестник науки и образования (2020)№ 20 (98). С 6-9.
15. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.

16. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-19.

17. Назаров Э.С., Собиров Ш.О. Условия ультразвукового диспергирования слоистых минералов.// Проблемы и достижения современной науки. 2018. № 2 (1), С.74-75.

18. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные достижения в области технологии композиционных эластомерных материалов.// Наука и общество в условиях глобализации. 2016. 62-65.

19. Юсупбеков А.Х., Назаров Э.С., Сагатов Б.Б. Математическая модель наполненных полимерных композиций фрикционного назначения.// Композиционные материалы. 2003. №2. С.17-19.

20. Назаров Э.С., Назаров Ш.Э. Особенности интегрирования информационных технологий в преподавании предмета физики.// «Вестник науки и образования. № 18 (96). Часть 2. 2020. С.41-43.

21. B.KH. Razhabov, Z.M. Abdullaev, SH.M. Mirzaev. Technique for calculating geometric dimensions of a greenhouse-type solar-based one-cascade apparatus for demineralizing water.// Applied Solar Energy 46 (4), 2010. 288-291.

22. Н.Г. Насирова, Б.Х. Ражабов. Создание теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// World science 1, 2016.(5 (9)).

23. B. Razhabov, S. Ibragimov. Heat and mass exchange in a greenhouse sunny designer with a two roof isoled triangle.// Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 198.

24. Б.Х. Ражабов. Тепло-и массообмен в парниковом солнечном опреснителе с двухскатным равнобедренным треугольником.// Молодой ученый, 2017. 142-144.

25. С.С.Ибрагимов., А.А. Маликов. Исследование теплового режима инсоляционных пассивных систем.// Молодой ученый, (2016) С 27-29.

26. С.С.Ибрагимов. Результаты лабораторной модели сушки фруктов.// Молодой ученый, (2016) С 79-80.

27. С.С.Ибрагимов. Результаты испытания водоопреснителя парникового типа.// Молодой ученый, (2016) С 67-69.

28. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки.// Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

29. Очилов Л.И. Исследование некоторых свойств капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 362-364

30. Очилов Л.И. Технология приготовления фитиля из капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 360-362

31. Курбанов К., Очилов Л.И. Определение механических воздействий гидротехнических сооружений с помощью оптических волоконных датчиков.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 247-251.


32. Очилов Л.И. Адсорбция воды на цеолитах типа ZSM-5.// Молодой ученый, (2016) №12 С 358-360

33. Очилов Л.И., Арабов Ж.О., Ашурова У.Д. Измерение преобразования потенциальной энергии в поступательную и вращательную энергию с помощью колеса максвелла.// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 18-21.

34. Очилов Л.И., Абдуллаев Ж.М. Изъятие пресной воды из подземных грунтовых вод при помощи гелиоустановки водонасосного опреснителя.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 274-277.

35. Ochilov B.M., Narzullaev M.N. Increasing the efficiency of solar heat treatment of liquid foodstuffs with the help of reflecting systems.// Applied solar energy. 1996. №32 (3), PP.78-79.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



EXPLANATION OF THE CONCEPTS OF THE STRUCTURE OF SUBSTANCES USING INTERACTIVE METHODS TAKING INTO ACCOUNT FOR AGE FEATURES

Bekmurodova Manzura Bakhodirovna [1]

[1] Lecturer at the Department of Physics, Bukhara State University
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717775

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

"Fairy tale" method, "role-playing games" method, "BBB" method, riddle, proverb.

ABSTRACT

The explanation of the concepts of the structure of substances using interactive techniques, taking into account age characteristics, allows you to fully form knowledge, skills, skills, competencies

MODDALARNING TUZILISHIGA OID TUSHUNCHALARNI YOSHGA XOS XUSUSIYATLARNI HISOBGA OLGAN HOLDA INTERFAOL METODLAR YORDAMIDA TUSHUNTIRISH

Bekmurodova Manzura Bahodir qizi [1]

[1] Buxoro davlat universiteti Fizika kafedrasi o'qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Ertak" usuli, "Rolli o'yinlar" usuli, "BBB" metodi, topishmoq, maqol.

ANNOTATSIYA

Moddalarning tuzilishiga oid tushunchalarni yoshga xos xususiyatlarni hisobga olgan holda interfaol metodlar yordamida tushuntirish bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni to'liq shakllantirish imkonini beradi.

KIRISH

Shiddat bilan rivojlanib borayotgan jamiyatimizda raqobatbardosh, dunyo-qarashi keng kadrlarni yetkazib berish bugungi kunning dolzarb masalasidir. Bu masalani yechishda har bir pedagog xodim o'z hissasini qo'shmog'i lozim. Moddalarning tuzilishiga oid tushunchalarni yoshga xos xususiyatlarni hisobga olgan holda interfaol metodlar yordamida tushuntirish bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni to'liq shakllantirish imkonini beradi.Mavzuni mustahkamlashda esa topishmoq va maqollardan foydalanish o'zining samarali natijasini beradi. Moddaning agregat holatlari mavzusi 6-sinflarda, atomning tuzilishi mavzusi 8-sinflarda, modda tuzilishi va molekulyar nazariyaning asosiy qoidalari mavzusi esa 9-sinflarda o'tiladi. Yuqoridagi mavzularni to'liq o'zlashtirgan o'quvchi fizik hodisalarni

mohiyatiga yetishi uchun asos bo'ladi. Shuning uchun ham bu mavzularga oid tushunchalarni o'quvchilarga to'liq shakllantirish muhim hisoblanadi. Bu mavzularni o'quvchilarga tushuntirishda yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda metod tanlansa yuqori o'zlashtirish ko'rsatkichiga erishish mumkin.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYASI

Fizika faniga oid tushunchalarni shakllantirishda turli xil metodlardan foydalanish fanni o'zlashtirish ko'rsatkichini oshiradi. Fizika faniga oid tushunchalarni shakllantirishda interfaol metodlardan va didaktik o'yinlardan foydalanish masalasi juda ko'plab adabiyotlarda yoritilgan. N.Sh.Turdiyev 6-sinf, 9-sinf "O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma"larda fizik tushunchalarni shakllantirish uchun turli xil interfaol metodlar va didaktik o'yinlar keltirilgan. Bundan tashqari Sh.I.Istamova o'zining"Ta'limning faol metodlari" nomli metodik qo'llanmasida ham bu interfaol metodlar haqida batafsil yoritgan.

MUHOKAMA

Maktablarimizda fizika fani 6-sinfdan boshlab kiritilgan. Fizika fanining bo'limlariga doir boshlang'ich tushunchalar 6-sinfda shakllantiriladi. Hamma- mizga ma'lumki fizika fani tabiat hodisalarini o'rganuvchi fandir. Juda ko'plab hodisalarning asosida modda tuzilishi, moddaning agregat holatlari, atom tuzilishiga doir bilimlar yotadi. Moddaning agregat holatlari mavzusi 6-sinflarda, atomning tuzilishi mavzusi 8-sinflarda, modda tuzilishi va molekulyar nazariya- ning asosiy qoidalari mavzusi esa 9-sinflarda o'tiladi. Yuqoridagi mavzularni to'liq o'zlashtirgan o'quvchi fizik hodisalarni mohiyatiga yetish uchun asos bo'ladi. Shuning uchun ham bu mavzularga oid tushunchalarni o'quvchilarga to'liq shakllantirish muhim hisoblanadi. Bu mavzularni o'quvchilarga tushuntirishda yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda metod tanlansa yuqori o'zlashtirish ko'rsatkichiga erishish mumkin. 6-sinf o'quvchilari fizika kursiga endigina qadam qo'yganligi sababli, ularga moddaning agregat holatlariga oid bilim ko'nikma malakalarni "ertak" usulida shakllantirilsa yuqori natijaga erishish mumkin. Fizika kursidan ma'lumki moddalar uch xil agregat holatda bo'ladi. Bular: qattiq, suyuq, gaz holatlar. Shularni hisobga olgan holda quyidagicha "ertak" yozish mumkin. Ertakning bosh qahramonini tomchixon deb nomlaymiz va uning gaz, suyuqlik va qattiq jismlar saltanatlariga sayohatini ko'rib chiqamiz. Bosh qahramonni tomchi- xon deb nomlashimizning sababi suv tomchisi hamma agregat holatda bo'la oladi.

Bor ekan-da yo'q ekan ertaklar olamida tomchixon yashar ekan. Tomchixon yolg'izligidan zerikib qolibdi. U o'ziga do'st va uy izlab ertaklar mamlakati bo'ylab safarga chiqibdi. U yurib-yurib sehrli bir tosh oldiga kelib qolibdi. Tosh sehrli bo'lganligi tufayli yo'l ko'rsatuvchi ekan. Tomchixon sehrli tosh oldida to'xtab, unda yozilgan so'zlarni o'qib ko'ribdi. Sehrli toshda chap tomonga yursang gaz saltanatiga, to'g'riga yursang suyuqliklar saltanatiga, o'ng tomonga yursang qattiq jismlar saltanatiga borib qolasan degan yozuv bor ekan degan yozuv bor ekan. Tomchixon omadini gaz mamlakatidan topishga qaror qilibdi.

Tomchixon suv bug'lari saltanatiga kelib qoldi. Bu mamlakatda ASHIKKIO deb nomlangan molekulalar yashar ekan. Ular ikkita vodorod va kisloroddan iborat edilar. Ularning xusisiyatlari o'zgachadir. Ular gaz qonunlari asosida yashar ekan- lar. Aniq shakl va hajmga ega emas.Yashash joylari aniq emasligidan, Tomchixon afsuslandi. Gohida bankada, gohida rezina koptok ichida . Agar sehrgar siqa bosh- lasa, bug' molekulalari

siqilib qolishar ekan. Agar koptokni qizdira boshlasak molekularning tezligi oshib har tomonga uchib, to'xtovsiz harakatga tushishini ko'rgan Tomchixonning fikri o'zgarib qoldi. Endi Tomchixon suyuqliklar saltanatiga yo'l oldi.

Suyuqliklar saltanatida ham ASHIKKIO molekulalari yashar ekanlar. Ammo bu yerda sharoit boshqacha ekan. Tomchixonga bular ham ma'qul bo'lmabdi. Chunki, o'z shaklini saqlab qolmas ekan. Har gal sehrgar ularni bir idishdan ikkinchisiga solganda, ular shu idishni shaklini egallaydilar, molekulalarning tartibsizligi, bir joyda muqim joylashmaganligi unga yoqmabdi. Ammo, sehrgar qo'rg'oshin shar ichiga suyuqlikni solib uni bolg'a bilan urib uni siqmoqchi bo'lganda suyuqlikning siqilmasligi Tomchixonga ma'qul bo'ldi. Shunday bo'lsa hamki u bu saltanatdan ketishga qaror qildi.

Tomchixon qattiq jismlar mamlakatiga yolda ketayotib u yerda tartib qoidaning borligiga umid qilar edi. Bu saltanatda ASHIKKIOchalar sehrgarning muzlatgichida yashar ekanlar. Atrofda muz, chiroyli qor parchalari borligi Tomchixonga ma'qul bo'ldi. Barcha molekulalar bir-biriga juda yaqin joylashgan, bir-biri bilan o'zaro kuchli tortishishda, faqatgina, muvozanat vaziyati atrofida tebranib turishadi. Aniq shakl va hajmga ega. Qattiq jism molekulalari bir-birlari bilan juda inoq va do'st . Sehrgar Olimjon ularning shakllari va hajmlarini o'zgar- tirish qiyinligini biladi. Agar sehrgar bolg'asi bilan ursa hamki, muz bo'lakchalar-ga bo'linib parchalanishi mumkin, ammo, molekulyar tuzilishini o'zgartirmaydi. Qattiq jism saltanatidagi bunday tartib va qoidalardan Tomchixon- ning ko'ngli to'libdi. Shu saltanatda qolishga qaror qilibdi. Tomchixon ham o'z dugonalari kabi chiroyli qor parchasiga aylanib qolibdi.

Mana shu tarzdagi ertakdan foydalanib mavzuni tushuntirish mumkin. Mavzuni mustahkamlash uchun esa quyidagi jadvalni to'ldirish kifoya qiladi.

1-jadval

Savol	Gaz holat	Suyuq holat	Qattiq holat
Aniq shaklga egami?	Ega emas	Ega emas	Ega
Hajmga egami?	Ega emas	Ega	Ega
Hajmini o'zgartiradimi?	O'zgartiradi	O'zgartirmaydi	O'zgartirmaydi

O'quvchilarning aql- zakovat, zehn, fikr o'tkirligini sinov quroli bo'lgan- topish-moqlardan foydalanib esda saqlash qobiliyatini oshirish mumkin.

Topishmoq

Goh sharbatdek oqaman
Goh tutundek uchaman
Goh tosh kabi qotaman
Men birlashsam kuchliman (suv)

Mavzu oxirida topishmoq orqali bilimlarni mustahkamlash mumkin.

8-sinf o'quvchilari davlat ta'lim standarti bo'yicha fizika kursining elektr bo'limini o'rganishadi. Jismlarning zaryadlanishining mohiyatida atomning tuzilishi yotadi. Atomning planetar modeliga ko'ra , atom markazida yadro bo'lib, unda proton va neytron mavjud, yadroning atrofida elektron o'z orbitasi bo'ylab harakatlanadi. 8-

sinf o'quvchilarining yosh xususiyatlarini hisobga olsak, endi ular bilan "Rolli o'yin"larni tashkil qilish mumkin. Atomning tuzilishi mavzusini o'quvchilarning ishtirokida "atomning o'quvchili modeli" ni yaratish asosida tushuntirish to'liq bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni shakllantirish imkonini beradi. Bu esa o'z navbatida o'quvchilarning o'zlashtirish ko'rsatkichini oshiradi. O'quvchi eshitgan ma'lumotidan ham, ko'rgan ma'lumotidan ham o'sha hodisani hosil qilishda ishtirok etsa xotirasida muhrlanadi. "Atomning o'quvchili modeli"da uch kishilik guruh shakllantiriladi. Ikki o'quvchi yadroni hosil qiladi. Birinchisi proton, ikkinchisi esa neytron rolini bajaradi. Bu ikki o'quvchi bir-biriga yaqin turib oladi, ularning atrofida elektron esa o'z orbitasi bo'ylab harakatini shakllantirib beradi.O'quvchilarning har biri bajargan roliga mos so'z yozilgan belgini qo'lida ushlab turadi. Agar yadrodagi protonlar, neytronlar va elektronlar soni ikkitadan bo'lsa oltita o'quvchidan iborat jamoa tuziladi. O'quvchilar roliga mos quyidagi she'rlarni aytishsa ham fizik bilimlarga ega bo'lishadi, ham o'quvchining ruhiyati tetiklashadi.

"Elektron"
Atom nomli makonim bor
"Manfiy ishorali zaryadim bor
Dono zukko o'quvchiga
Aytadigan so'zlarim bor
Mening massam juda kichik
Shu boisdan turmayman tinch
Yadrovoyning atrofida
Aylanaman parvonadek.

Bu she'r orqali o'quvchi elektronning atomda joylashganligini, massasi kichikligini, doimo yadroning atrofida aylanishini bilib olishi mumkin.

"Proton"
Atomning yadrosida
Doimiydir makonim,
O'zim juda kichkina
Zaryadim musbat erur.
Massam neytronga teng
Zaryadim elektronga.

Bu she'r orqali o'quvchi atomning tarkibida proton mavjudligini, massasi kichikligini, neytron bilan bir xil massaga ega ekanligini, zaryadi elektronga tengligini bilib olishi mumkin.

Modda tuzilishiga oid mavzulardan yana biri "moddalarning molekul- yar tuzilishi". 9-sinf fizika kursida o'quvchilarda molekulyar fizika va termodina- mika bo'limiga oid bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalar shakllantiriladi. 9-sinf o'quvchilarida mavzu bilan ishlash ko'nikmasi shakllangan bo'ladi. 9-sinf o'quvchilarida moddaning molekulyar tuzilishiga oid bilimlardan , faqat, molekul-yar kinetik nazariyaning asosiy qoidalari shakllantirilmagan bo'ladi. Qolgan tushunchalarni 6-sinfda va 8-sinfda o'zlashtirgan boladi. Shuning uchun ham bu mavzuning bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni "BBB"-Bilaman, Bilib oldim, Bilishni xoxlayman metodi yordamida shakllantirish yuqori o'zlashtirish ko'rsatkichini beradi.

"BBB" texnologiyasini qo'llash uchun dastlab o'quvchilarga ma'ruza matni bilan tanishib chiqish vazifasi yuklatiladi. Matnni o'qish uchun o'qituvchi mavzu mazmuni ko'lamidan kelib chiqib reglament belgilaydi. So'ngra jadval asosida mavzu yuzasidan savollar keltiriladi va o'quvchilarda quyidagicha jadval paydo bo'ladi:

2-jadval

Mavzu savollari	Bilaman	Bilib oldim	Bilishni xoxlayman
Moddaning agregat holati	+		
Qattiq holat	+		
Suyuq holat	+		
Gaz holat	+		
Molekulyar kinetik nazariyaning asosiy qoidalari			+
Broun harakati		+	

Bu jadvalni o'qituvchi yig'ib olib, o'quvchilardagi bo'shliqlarni o'rganib, shular haqida bilim beradi. Bu metodning qulaylik tomoni shundaki, sinfdagi barcha o'quvchilar bilimini bir vaqtda o'rganish imkonini beradi. O'quvchilar "BBB" jadvalini to'ldirish vaqtida quyi sinfdagi bilimlarni mustahkamlaydilar.

Atrofimizni o'rab turgan tabiatning bir qismi bo'lgan insonlar tabiatdagi o'zgarishlarni o'z hayoti davomida o'rganib kelganlar. Tabiatdagi har qanday o'zgarishlarni hodisalarni insonlar hayoti bilan chambarchas bog'laymiz. Shuning uchun insonlar orasida ishlatilib kelinayotgan turli –tuman maqollar inson va tabiatni bir-biriga bog'lab kelayotgan asosiy omil bo'lib kelmoqda. O'quvchilarni mantiqiy fikrlash, ijodiy ishlashga o'rgatish maqsadida xalq maqollaridan foyda- lanish katta ahamiyatga ega . Broun harakatini tushuntirayotgan vaqtda quyidagi maqoldan foydalanish mumkin: "Oyoq changi og'izga kirar" maqolini o'quvchilarga izohlash uchun uyga vazifa sifatida berish mumkin. Bunda o'quvchi molekulalarning to'xtovsiz va tartibsiz harakat qilishini bilishi kerak bo'ladi. Bu o'quvchilarni mantiqiy fikrlashini oshiradi.

NATIJALAR

Bugungi zamonaviy pedagogga qo'yilayotgan talablar juda yuqori va juda o'rinli. Chunki, kelajagimiz quruvchilari bo'lgan yoshlarimizni har tomonlama mukammal kadrlar sifatida yetkazib berishdek ulkan vazifani bajaruvchisi hisoblanishadi. O'quvchilar o'zlashtirishida yoshning ahamiyati juda katta. Shuning uchun , tushunchalarni shakllantirayotgan vaqtda o'quvchining yoshga xos xususiyatlarini inobatga olish juda muhim ahamiyat kasb etadi . Bu ishda moddalarning tuzilishiga oid tushunchalarni yoshga xos xususiyatlarni hisobga olgan holda qaysi interfaol metodlar yordamida shakllantirish aks ettirildi. Bu ish natijasida moddalarning tuzilishiga oid tushunchalarni 6-sinflarda "Ertak" usulida, 8-sinflarda "Rolli o'yinlar" usulida, 9-sinflarda "BBB" metodi yordamida shakllantirish va mavzuni mustahkamlash esa topishmoq, maqol va she'rlardan foydalanish yuqori o'zlashtirish ko'rsatkichini berishi ko'rib chiqildi.


XULOSA

Ushbu maqoladagi metodlar yordamida darslar tashkil etilsa moddaning tuzilishi, moddaning agregat holatlari, atom tuzilishiga oid bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni to'liq shakllantirish uchun zamin yaratadi. Mavzuni mustahkamlashda esa topishmoq, maqol va she'rlardan foydalanish o'zining samarali natijasini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Назаров Э.С., Назаров Ш.Э. Особенности интегрирования информационных технологий в преподавании предмета «физики».// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 9-12.
2. Нарзуллаев М.Н., Камолов В.Ш. Использование астрономических знаний в формировании экологической культуры студентов.// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 56-59.
3. Atoeva M.F., Arabov J.O., Kobilov B.B. Innovative Pedogogical Technologies For Training The Course Of Physics.// Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, (2020). 2(12), PP 82-91.
4. Kakhkhorov S.K., Juraev H.O. Modeling of heat-physical processes in solar dryers.// Journal of critical reviews. vol 7, issue 17, (2020) pp 9-15.
5. Кобилов Б.Б., Ниёзхонова Б.Э. Технология оценки качества выполнения и степени усвоения лабораторного практикума по физике.// Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук № 2-2 (73) (2015). С.104-107.
6. Кобилов Б.Б., Ниёзхонова Б.Э. Дидактические возможности «Инсерт» технологии на примере теоретических занятий по физике.// Актуалъные проблемы гуманитарных и естественых наук. №03 (74) (2015). С.102-104.
7. Насырова Н.К. Методика изучения квантовой механики в программе бакалавриата.// Ученый XXI века Международный научный журнал. № 5-3, (2018). С.72-74.
8. Каххоров С.К., Рахматов И.И., Мухаммедов Ш.М. Особенности построения образовательного процесса на основе модульных технологий обучения в узбекистане.// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 33-36.
9. Кобилов Б.Б., Насырова Н.К. Особенности изучения физики в вузах//Вестник науки и образования.// (2020) № 18(96) Часть 2 С 52-55.
10. Нарзуллаев М.Н., Камолов В.Ш. Использование астрономических знаний в формировании экологической культуры студентов.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 56-59.
11. Насырова Н.К., Насырова Н.Г. Методика преподавания практических занятий по квантовой механике в высших учебных заведениях.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 60-63.
12. Juraev H.O. Training Materials for Alternative Energy Sources in Education.// Eastern European Scientific Journal. –Düsseldorf, 2017. № 1. –p. 127–131.
13. Juraev Kh.O. Ways of Using Educational Materials on Alternative Energy Sources at Physics Lessons // Eastern European Scientific Journal. – Düsseldorf, 2017. № 2. – P. 83–86.
14. Kakhkharov S.K., Juraev H.O. Use of alternative energy sources at natural sciences lessons.// The Way of Science. – Volgograd, 2017. № 2. – P. 148–150.
15. Kahharov S.K., Juraev Kh.O., Khamdamova N.M. Использование учебных материалов по источникам альтернативной энергии в интеграции на уроках физике.// Инновации в науке. – Novosibirsk, 2019. №5 (93). –P. 17-25.
16. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons.// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.
17. Juraev Kh. Training materials on sources of the alternative energy in integration of natural sciences.// Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. – Vienna, 2015. – P. 32–35.
18. Juraev Kh.O., Khamdamova N.M. Using alternative energy sources in education.// Modern humanitarian research. – Moscow, 2015. №3. – P. 42–48.
19. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons.// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



FEATURES OF THE OPTICAL, MAGNETO-OPTICAL AND MAGNETIC PROPERTIES OF THE EARTH'S RARE ELEMENTS Er 3+ And Ho 3+

Fayzieva Kholida Asadovna [1], Khakimova Sabina Shamsiddinovna [2]

[1] Lecturer at the Faculty of Physics, Bukhara State University
[2] Assistant of the Bukhara branch of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717805

ARTICLE INFO
Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS
crystals with garnet structure, infrared, ultraviolet, electric dipole.

ABSTRACT
In an experiment in crystals with a garnet structure (filled with Nocramers with rare Earth ions Ho3 + and TM3 +), on the basis of intensity theory and group-theoretical methods, 4f-4f transitions, 4f-4f Jadd Ofelt transitions were observed

Er 3+ ВА Ho 3+ НОДИР ЕР ЭЛЕМЕНТЛАРИ ОПТИК, МАГНИТООПТИК ВА МАГНИТ ХОССАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзиева Холида Асадовна [1] Hakimova Sabina Shamsiddin qizi [2]

[1] Бухоро давлат университети физика кафедраси ўқитувчиси
[2] Toshkent Irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali assistenti

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
Гранат структурали кристаллар, инфрақизил, ультрабинафша, электродиполь.

ANNOTATSIYA
Гранат структурали кристалларда (Ho3+ва Tm3+ нокрамерс нодир ер ионлари билан долинирланган) тажрибада кузатиладиган 4f-4f ўтишлари, 4f-4f Жадд Офельт ўтишлари интенсивлиги назарияси ва назарий – гуруҳлар методлари асосида аниқланди

KIRISH

Охирги вақтларда,замонавий нодир ер (НЕ) спектроскопиясининг диққати Er $^{3+}$, Tm $^{3+}$ уч валентли НЕ-ионларининг энергетик спектрларига қаратилган,чунки уларда спектрнинг турли (яқин инфрақизил қисмидан ультрабинафша қисмигача) қисмларида кўп сонли нурланишли ўтишлар содир бўлади. Шунинг учун, (C_s, D_2 -симметрияда) қуйи симметрик кристаллик атрофда шаклланган Tm $^{3+}$, Ho $^{3+}$ ва Er $^{3+}$ НЕ-ионлари энергетик спектрини чуқурроқ

ўрганиш анча актуалдир, чунки физикавий механизмлар ҳақидаги фундаменталь тасаввурларнинг ривожланиши ва амалий қўлланиши нуқтаи назарида (гранатларнинг, ортоалюминатларнинг ва бошқаларнинг) НЕ-бирикмаларнинг оптик хоссаларига сабабчи бўлади.Ҳақиқатда ,турли оптик диапазон қисмлари учун НЕ-бирикмаларда ёруғлик нурланиши ва ютилишининг асосий механизмларини микроскопик ифодалашнинг хусусиятлари ҳамда улардаги нодир ер ионлари (МОА) магнитооптик активлиги микроскопик механизмларига таълуқли қатор саволлар ҳозирги кунга қадар нисбатан ҳам ўрганилган ҳисобланади.Бу асосан қўзғатилган мультиплетларнинг электрон энергетик структурасига таълуқли , масалан НЕ-гранатлар (гранатлар $R_3Ga_5O_{12}$ ва алюминатлар $R_3Al_5O_{12}$ бу ерда R^{3+}-нодир ер элемент уч валентли иони) кристалидаги Tm^{3+}, Ho^{3+} нокрамерс (тўлдирилмаган 4f-қобиғидаги электронлар сони тоқ бўлган) НЕ-ионларида. Гольмий-иттрийли ва тулий-иттрийли гранатларнинг магнитооптик,магнит ва оптик хоссалари ҳақидаги носистематик маълумотлар адабиётларда анча олдиндан маълум бўлса ҳам бу НЕ бирикмаларининг макроскопик магнит ва оптик хоссалари ҳақидаги маълумотларга таяниб у ёки бу оптик диапазонда уларнинг МОА катталигини баҳолаш деярли мумкин эмас. Шунинг учун НЕ-магнетикларнинг оптик ва магнитооптик хоссаларини келтириб чиқарувчи физик механизмлар ҳақидаги фундаментал тасаввурлар ривожланиши ва амалий қўллаш нуқтаи назарида,гранатлар кристаллидаги Tm^{3+}, Ho^{3+} нодир ер ионларнинг магнитооптик активлиги механизми ҳамда ёруғлик нурланиши ва ютилишининг асосий механизмларини микроскопик ифодалашдан фойдаланиш анча актуал ҳисобланади.Аммо ,бундай масалаларни ҳал қилиш учун, гранат структурасидаги Tm^{3+}, Ho^{3+} нокрамерс НЕ-ионларининг қўзғалган электрон ҳолатларининг тўлқин функцияси симметриялари ва энергетик спектрларининг штарк парчаланиши характери ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда деярли учрамайди.Ҳақиқатдан гранатларнинг (галлатларнинг ёки алюминатларнинг) кристаллик матрицасига допинирланган (аралаштирилган) баъзи нокрамерс НЕ-ионлари (Tm^{3+} ионлари билан бирга) учун ҳам қўзғалган мултиплетларнинг қўшни сатҳчалари орасидаги энергетик (ёки штарк) интерваллари,ҳам бу типдаги бирикмалари учун характерли бўлган кристалл ичидаги электростатистик майдон ичида уларнинг тўлқин функциялари симметрия характери ҳам кам ўрганилган.Бу фикрлар $RAlO_3$ ортоалюминат кристалларидаги Er^{3+} крамерс НЕ-ионларининг қўзғалган мультиплетларга ва асосий сатҳнинг юқорида жойлашган штарк сатҳчаларига таълуқлидир, чунки улар учун бундай маълумотлар амалда мавжуд эмас.Бу масалани ҳал қилишда экспериментал ёндашиш нуқтаи назаридан, Tm^{3+}, Ho^{3+} ва Er^{3+} уч валентли НЕ-ионлари бўлган ортоалюминатлар ва (галлатларнинг ва алюминатлар) гранатлар кристалларининг оптик, магнит ва магнитооптик ўрганиш натижаларини таққослаш методи энг информатив ҳисобланади.Ҳақиқатдан,ҳозирги вақтда крамерс ва нокрамерс НЕ-ионларнинг асосий мультиплетларнинг энг қуйи сатҳчаларининг тўлқин функциялари кўриниши ва симметрияси НЕ – бирикманинг магнит хоссаларини

белгилаши ҳаммага маълум.Шу билан бир вақтда уларнинг оптик ва магнитооптик хоссалари ҳам асосий $4f^{(n)}$ конфигурация мультиплетларининг штарк сатҳчалари орасида содир бўладиган 4f→4f (электродиполь яқинлашувида) таъқиқланган ўтишлари билан,ҳамда шу кристаллик атроф учун характерли бўлган аниқ симметрияли кристал ичидаги электростатик майдонда парчаланган НЕ-ионнинг $4f^{(n)}$ 5d конфигурациянинг аралашмага қўзғалган ҳолатида амалга ошадиган (спин ва жуфтлик бўйича) рухсат этилган 4f→5d оптик ўтишлари билан анқланади.Шунинг учун оптик спектрларни ва магнит,магнитооптик текшириш натижаларини таққослаш гранатлар ва ортоалюминатлар кристалларидаги крамерс (Er^{3+}) ва нокрамерс (Tm^{3+}, Ho^{3+}) НЕ-ионлари асосий ва қўзғалган ҳолатлар тўлқин функциялари симметрияси,бу кристаллардаги НЕ-ионларининг энергетик сатҳларининг штарк ва зееман парчаланиши анизатропияси ҳақида маълумотлар беради.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Қуйидаги диссертация ишида қўйилган масалани ҳал қилиш учун C_S ва D_2 симметрияли кристаллик майдондаги Tm^{3+}, Ho^{3+} ва Er^{3+} НЕ-иони энергетик спектрининг штарк парчаланишининг ўзига хослигининг (галлатлар ва алюминатлар) голмий ва тулий-иттрийли гранатлар магнит оптик ва магнитооптик хоссаларига таъсирини экспериментал ўрганиш бир томонда ва эрбий ва эрбий-иттирий ортоалюминаторлар иккин томондан жуда қулай модел объекти ҳисобланади, яъни:

- уларнинг кристаллик структураси магнит (қисман оптик) хоссалари етарли даражада яхши маълум.
- турли (эксперимантал ва назарий) методлар билан ортиалюминатлар ва гранатлар кристаллардаги Tm^{3+}, Ho^{3+} ва Er^{3+} НЕ – ионларининг қуйи штарк сатҳчалари энергетик спертрлари аниқланган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ортоалюминат структурасидаги нокрамерс (Tm^{3+}, Ho^{3+}) ва крамерс (Er^{3+}) НЕ – иони электрон ҳолати симметриясини чуқур эксперимантал ўрганиш, иккинчи томондан криталлик майдон назариясининг замонавий ҳисоблан методлари асосида магнитоактив ионннинг қуйи симметрик (D_2 ва C_S) кристаллик майдонларидаги энергетик спектрини назарий тадқиқ қилиш натижаларини анализ қилиш зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун гранатлар ортоалюминатлар кристаллографик структурасидаги Tm^{3+}, Ho^{3+} ва Er^{3+} нокрамерс ва крамерс НЕ-ионлари асосий $4f^{(n)}$ мультиплетлари штарк сатҳчаларининг кристаллик ва магнит мадонларида парчаланиш хусусиятлари ва тўлқин функциялари симметрияси хоссалари ўрганишда бундай ёндашиш илмий ва амалий аҳамият кашф қилади, чунки бндай ўтишлари орасида спектрнинг кўриш ва (УФ) ультрабинафша соҳасидаги нурланиш ва ютилиш полосаларини шакллантиради. Шунинг учун НЕ-гранатлар ва НЕ-ортоалюминатларидан лазер техникасида ва опто ва микроэлектроник қурилмалар ва турли асбоблар элемент базасида фойдаланиш мумкин.

MUHOKAMA

Тақдим қилинган диссертация натижаларининг илмий қиймати қуйидагилар билан белгиланади: (D_2 ёки C_S симметриялар) қуйи симметрик кристаллик атрофидаги крамерс ва нокрамерс НЕ-ионларининг энергетик спектри структураси ҳақидаги мавжуд

тасаввурларни аниқлаш ва анча чуқурлаштириш имкониятини беради. Бир томонлан НЕ-ортоалюминатлар ва НЕ-гранатларининг магнит, магнотооптик ва оптикнинг хоссаларини ўзига хослиги, ҳамда (Tm^{3+}, Ho^{3+}) нокрамерс ва (Er^{3+}) крамерс энергетик спектрларининг штарк ва зееман парчаланишлари хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги шаклини аниқлашга имкон берди.

Практика нуқтаи-назардан олинган натижалар қуйидагиларга имкон беради:

- спектрнинг кўриш ва яқин УФ-соҳаларида ишлайдиган, НЕ-ортоалюминатлар ва НЕ-гранатлар асосида ишлайдиган турли магнитоптик поляризацион (модулятор, оптик изолятор, дисплей каби) қурилмаларни яратиш.
- ир-конверцион ва одатдаги оптик накачка схемасида ишлайдиган, ҳамда кўриш диапозонда ишлайдиган актив муҳит сифатида ўрганиладиган НЕ-бирикмаларни қўллаш.

NATIJALAR

Биринчи марта, оптик ва магнитооптик текширишлар эксперимантал маълумотлари асосида гранат- галлат кристалографик структурасидаги H_0^{3+} нокремерс НЕ – иони асосий $4f^{(10)}$ конфигурацияси электрон ҳолати штарк парчаланишининг назарий- гуруҳ таҳлили бажарилди.

Биринчи марта, оптик ва магнит текширишлар эксперимантал маълумотлари асосида ортоалюминат кристаллографик структурасида E_r^{3+} крамерс НЕ – иони асосий $4f^{(11)}$ конфигурацияси электрон ҳолатларининг штарк парчаланиши хусусиятларининг аниқ таҳлили ўтказилди.

Эрбий-иттрийли ортоалюминат магнит хоссаларини ўлчаш натижаларининг аниқ таҳлили бажарилди ва уларни, оптик текшириш натижалари билан солиштириш бажарилди. Бу ўз навбатида, ортоалюминат структурасидаги E_r^{3+} крамерс иони электрон ҳолатининг E_r $YALO_3$ эрбий- иттрийли ортоалюминат магнитланиш механизмидаги ташқи Н магнит майдони билан Ван Флек “аралашиш” механизми катта роль ўйнайди.

T_mYAG тулий- иттрийли гранат-алюминатдаги асосий $4f^{(11)}$ конфигурацияси мультиплетларининг штарк сатҳчалари энергияси топилди ва паст температураларда кузатиладиган магнитоптик (МИ, ПЛ; МКД) ва оптик спектрал боғланишларнинг таҳлили асосида улар орасида содир бўладиган оптик ўтишлар идентификацияси бажарилди. Тумийли гранат-алюминатдаги T_m^{3+}: YAG нурланиш $4f \rightarrow 4f$ ўтишлари магнитоптикасида локрамерс НЕ – ионлари қўзғалган электрон ҳолатларида Н ташқи майдон “аралашуви” механизми доминант бўлиши кўрсатилди.

XULOSA

H_0YGaG гальмий- иттрийли гранат-галлатдаги асосий $4f^{(11)}$ конфигурацияси мультиплетлари штарк сатҳчаларининг энергиялари топилди ва магнитоптик (МИ, ПЛ; МКД) спектрал боғланишлар ва оптик (ютилиш, люминесценция) эффектлар анализи асосида улар орасида содир бўладиган оптик ўтишлар идентификация қилинди. Гранат- галлатдаги H_0^{3+} нокрамерс НЕ ионида паст темпераатураларда $^5S_2 \rightarrow ^5I_8$ нурланиш ўтишида кузатилган катта қийматли $МОА_{си}$, $^5S_2$ ва $^5I_8$ мультиплетларнинг энергетик спектрларида квазидублет(яъни “квазиайниган”) ҳолатларнинг мавжудлиги билан аниқ боғлиқ бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saidov Q.S., Bekmurodova M.B. Complex movement of object.// International Scientific Journal. 85:5 (2020), pp. 316-322.
2. Очилов Л.И., Арабов Ж.О., Ашурова У.Д. Измерение преобразования потенциальной энергии в поступательную и вращательную энергию с помощью колеса максвелла.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 18-21.
3. Shavkatovich S.F., Baxtièrovna N.Y.Changes occuring in ferromagnets by adding some mixture.// Scientific reports of Bukhara StateUniversity. (2020),pp8-13
4. Dzhuraev D.R., Turaev A.A. Features of key parameters of field transistors.// Scientific reports of Bukhara State University, (2020)№2 PP7-10.
5. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С., Аскаров М.А. Зависимость магнитно модулированной структуры от ориентации поля в кристалле.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 6-9.
6. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020) С 4-6.
7. Turaev A.A. Термочувствительный параметр полевого транзистора в режиме ограничения токов.// №2 С 81-84.
8. Valiev U.V., Dzhuraev D.R., Malyshev E.E., Saidov K.S. Electronic structure of the ground multiplet of the Dy3 + ion in the DyAlO3 orthoaluminate.// Optics and Spectroscopy. (1999) PP 703-706.
9. U.V. Valiev., V. Nekvasil., Sh.I Mukhamedhanova., D.R. Dzhuraev., K.S.Saidov. Experimental Definition of Zeeman Splitting of Excited States of Tb3+ Ion in Y3Al5O12.// Physica status solidi (b) (1999). PP 493-501.
10. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020). С 4-6.
11. Saidov.Q.S. , Bekmurodova.M.B. The problem of teaching heat transfeer and heat exchange in schools and lyceums.// JournalNX-A Multidisciplinary Peer Reviawed Journal 6:9 (2020), pp. 176-183.
12. Boidedaev S.R., Dzhuraev D.R., Sokolov B.Y., Faiziev S.S. Effect of the transformation of the magnetic structure of a FeBO3:Mg crystal on its magnetooptical anisotropy.// Optics and Spectroscopy 107:4 (2009), pp. 651.
13. Шарипов М.З., Соколов Б.Ю. Файзиев Ш.Ш. Влияние перестройки магнитной структуры кристалла FeBO3:Mg на его магнитооптическую анизотропию.// Наука, техника и образование 10:4 (2015), С. 15-18.
14. Astanov S., Niyazkhonova B.E. Luminescent properties of vitamins in monomeric and associated states in a polar solvent.// Journal of Applied Spectroscopy. 55:5 (1991), pp. 1103-1106.
15. Nasirova N.K. Bound and ground states of a spin-boson model with at most one photon: non-integer lattice case.// Journal of Global Research in Mathematical Archives (JGRMA) 6 , (2019) PP 22-24.
16. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020) С 4-6.
17. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.// Вестник науки и образования. (2020). №20 (98). С 6-9.
18. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.

19. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-1

20. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.

21. С.С.Ибрагимов. Результаты испытания водоопреснителя парникового типа.// Молодой ученый, (2016) С 67-69.

22. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки.// Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

23. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Экспериментальное исследование растояния между испарителем и конденсатом наклонно-многоступеньчатой опреснительной установки.// Гелиотехника. 2018. № 6. С.27 -34.

24. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons.// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.


25. Juraev Kh. Training materials on sources of the alternative energy in integration of natural sciences.// Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. – Vienna, 2015. – P. 32–35.

26. Juraev Kh.O., Khamdamova N.M. Using alternative energy sources in education.// Modern humanitarian research. – Moscow, 2015. №3. – P. 42–48.

27. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.

28. Kahhorov S.K., Juraev Kh.O. Use of alternative energy sources at the natural sciences lessons.// The Way of Science. 2017. №2 (36).–P. 148-150.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ENERGY-SAVING AND ENVIRONMENTALLY FRIENDLY TECHNOLOGIES FOR VOLCANIZATION OF ELASTOMERIC COMPOSITIONS

Nazarov Erkin Sadikovich [1] , Sobirov Shohjahon Ochil o'g'li [2]

Pirimov Is'xoq Ismoilovich[3]

[1] Bukhara State University, candidate of technical sciences, associate professor
[2,3] Bukhara State University, master's student of the Department of Physics
https://doi.org/10.5281/zenodo.4717818

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Composite materials, irradiation efficiency, IR emitter, vulcanization, elastomeric composition, composites structure, vulcanization kinetics, physico-mechanical properties of composites

ABSTRACT

The current stage of scientific and technological progress is largely determined by the creation of an effective energy-saving and environmentally friendly technology for producing composite polymer and elastomeric materials with improved performance properties. Among the various composite elastomeric materials, rubberized fabrics, conveyor belts, which are in great demand in construction, mining and a number of other sectors of the national economy, are of particular importance. The main, final stage of the production of the above types of rubber products is the vulcanization process, on which the properties of the resulting composite elastomeric materials depend. In the general problem of vulcanization of composite elastomeric materials, great importance is attached to the creation of an energy-saving and environmentally friendly technology that ensures a decrease in the emission of toxic exhaust gases into the atmosphere and eliminates the danger of premature vulcanization at the stages of mixing, storage and processing.

ELASTOMER KOMPOZITSIYALARNING ENERGIYATEJAMKOR VA EKOLOGIK XAVFSIZ VULKANLASH TEXNOLOGIYALARI

Nazarov Erkin Sadikovich [1] , Sobirov Shohjahon Ochil o'g'li [2]

Pirimov Is'xoq Ismoilovich[3]

[1] Buxoro davlat universiteti, texnika fanlari nomzodi, dotsent
[2,3] Buxoro davlat universiteti, fizika kafedrasi magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ANNOTATSIYA

Ilmiy-texnik taraqqiyotning hozirgi bosqichi ko'pincha ekspluatastiya xossalari yaxshilangan kompozitsion polimer va elastomer materiallar olishning energiyatejamkor va

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

kompozitsion materiallar, nurlanish samaradorligi, IQ- nurtarqatgich, vulkanlash, elastomer kompozistiya, kompozitlar strukturasi, vulkanizatsiyalash kinetikasi, vulkanizatlar fizik-mexanik xossalari.

ekologik xavfsiz samarador texnologiyalarini yaratish bilan tavsiflanadi. Turli-tuman kompozitsion materiallar orasida qurilishda, tog'-konchilik sanoatida va xalq xo'jaligining qator boshqa tarmoqlarida talab juda katta bo'lgan rezinalangan matolar, transporter tasmalari va shunga o'xshash buyumlarning ahamiyati oshib bormoqda. Rezinotexnika buyumlarning ko'rsatib o'tilgan turlarini ishlab chiqarishning oxirgi asosiy bosqichi vulkanizatsiya jarayoni bo'lib, olinayotgan kompozitsion elastomer materiallarning xossalari bevosita unga bog'liq. Vulkanizatsiyaning umumiy muammosida atmosferaga zaharli gazlar ajralib chiqarilishini kamaytirishni va aralashtirish, saqlash bosqichlarida barvaqt vulkanizatsiyalash xavfini oldini olishni ta'minlovchi energiyatejamkor va ekologik zararsiz texnologiyalar yaratish alohida ahamiyat kasb etadi.

KIRISH.

Rezina aralashmalarini yuqori haroratda oltingugurt bilan vulkanizatsiya qilishning mavjud an'anaviy texnologiyasi yuqori bosim (≥ 10 MPa) va yuqori haroratda (≥ 416 K) olib boriladi va bunda zaharli gazlar uchib chiqishi tufayli ekologik sharoit yomonlashadi. Bu borada, nurlanish samaradorligini saqlagan holda iste'mol etiladigan elektr energiya quvvatini kamaytirish o'ta dolzarb hisoblanadi. Bu jihatdan elastomerlarni sopoldan yasalgan IQ-nurtarqatgichlar orqali ta'sir ko'rsatib vulkanizatsiya qilish, jarayonni etarlicha yuqori singib ketish qobiliyatini nisbatan past quvvatda (20-60 W) amalga oshirish imkonini beradi. Sopol IQ- nurtarqatgichlarni farqli belgilari – bu kompozistiyaning tarkibi va strukturasining o'ziga xosligini ta'minlab beruvchi issiqlik, fizik va kimyoviy ko'rsatgichlarning turg'unligidir.

Bugungi kunda rezinotexnika buyumlarni vulkanizatsiya qilish uchun ishlatiladigan IQ- nurtarqatgichlarning to'lqin uzunligi keng qamrovli bo'lganligi tufayli singdirish qobiliyati pastligi va elektr energiyasi quvvatini nisbatan ko'p talab qilishi bilan ajralib turadi, bu esa ulardan foydalanish miqyosini kengaytirishni cheklaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA.

Radiatsion vulkanizatsiya usuli elastomerlarning davolash vositalarining ishtirokisiz va issiqlik ta'minotisiz fazoviy tarmoq hosil qilish qobiliyatiga asoslangan. Elastomerlarning radiatsion kimyosi bu yo'nalishi nazariy va amaliy jihatdan eng rivojlangan.

Xloroprenli kauchukning radiatsion vulkanizatsiyasi dastlab Charlzbi va uning hamkasblari tomonidan o'rganilgan. Xloroprenli kauchuk ionlashtiruvchi nurlanish ta'sirida osonlikcha tuzilganligi ko'rsatildi. Nairitning to'ldirilmagan kauchuk aralashmalarini epoksi qatronlar bilan eng intensiv tuzilishi 25 dan 125 Mrd gacha bo'lgan radiatsiya dozasida kuzatilganligi aniqlandi. Radiatsiya dozasining oshishi bilan tortishish kuchi, elastiklik va qattiqlik moduli ortadi. Qoida tariqasida, barcha elastomerlar, poliizobutilen va polisulfidli kauchuk bundan mustasno, o'zaro bog'liqlik turiga kiradi. Shu bilan birga, turli xil kauchuklar uchun polimer zanjirlarini (β/α) yo'q qilish va o'zaro bog'lash jarayonlarining ehtimoli nisbati har xil va polimerning kimyoviy tuzilishiga va boshqa

omillarga bog'liq. Yon vinil guruhlari va silaksanli kauchuklar o'zaro bog'lanishni shakllantirish tendentsiyasining kuchayishi bilan tavsiflanadi. To'yingan va stereoregulyar kauchuklar o'zaro kam samaradorlik bilan bog'lanadi.

To'yinmagan polimerlarning kislorod bilan reaksiyaga kirishish qobiliyati oshgani sababli ular tarkibida turli xil kislorodli guruhlar mavjud bo'lib, ular o'zaro bog'lanish tezligiga va o'zaro bog'lanishning hosil bo'lishiga ham ta'sir qiladi [2]. Nurlanish amalga oshiriladigan muhit (vakuum, havo, suv) elastomerlarning o'zaro bog'lanish darajasiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

V.K.Milinchuk va V.P.Kiryuxinlar odatdagi sharoitga nisbatan yuqori bosim ostida ($2{,}0 \cdot 10^9$ Pa) nurlanish paytida o'zaro bog'liqlik rentabelligini 7-15 baravarga oshirishning qiziqarli hodisasini topdilar. Bunday holda, NK va SKS-30 uchun nisbati mos ravishda 0,21 dan 0,12 gacha va 0,65 dan 0,52 gacha kamayadi. Mualliflarning fikriga ko'ra, bunday yuqori bosimning ta'siri halokat aktlarini bostirishga va ikki tomonlama bog'lanishlar ishtirokida kauchuklarni o'zaro bog'lash zanjiri jarayonini rivojlanishiga olib keladi. Bunga qo'shimcha ravishda, shuni yodda tutish kerakki, yuqori samarali elektron oqimlarini yaratadigan kuchli elektron tezlatgichlardan foydalanganda optimal dozani olish uchun vaqt γ-nurlanish ta'siridan o'nlab marta kam bo'ladi, natijada nurlanish zonasida hosil bo'lgan kislorod va ozon ishtirokidagi jarayonlarning rolini pasayishini kutish mumkin. Shu bilan birga, harorat omilining roli oshishi kerak, chunki kuchli elektron nurlari elastomer mikrovolumalarida kuchli isitishni hosil qiladi.

Ionlashtiruvchi nurlanish manbalari vulkanizatsiya uskunalari bo'lib xizmat qiladigan texnologik liniyalarni yaratish bo'yicha tadqiqotlar, qoida tariqasida, ikkita mustaqil yo'nalishda amalga oshiriladi.

Bir qator ishlarda polimerlarni o'zaro bog'lash jarayoniga makromolekulalarning kimyoviy tuzilishi va ba'zi past molekulyar og'irlikdagi tarkibiy qismlarning mavjudligi sezilarli darajada ta'sir ko'rsatishi ko'rsatilgan. O'zaro bog'lanishning xarakterli parametrini molekulyar og'irlik, zol-gel fraksiyasining ulushi va termodinamik (shishning muvozanat darajasi, elastiklikning muvozanat moduli va boshqalar) qiymatlarini o'lchash orqali aniqlash mumkin.

Kaplunov M.Ya., Xozak V.K., Sobolev V.S. tomonidan tezlashtirilgan elektronlar nurlarining turli parametrlarining rezinalarni (SKMS) va shinalar kauchuklarini tuzilish samaradorligiga ta'siri va fizik-kimyoviy o'zgarishlar o'zgarishiga chuqurlik dozasini taqsimlash ta'sirini o'rganish amalga oshirilgan va kauchuklarning fizik-mexanik xususiyatlari o'rganilgan.

MUHOKAMA.

Ko’zga ko’rinadigan va ko’rinmaydigan nurlar ishtirokida vulkanizatsiyalash jarayonining kinetikasini o’rganish, kompozitsion elastomer materiallarning strukturasi shakllanishida muhim ahamiyatga ega bo’lgan, elastomerlarning vulkanizatsiyalashning qator umumiy qonuniyatlarini ochib berishga imkon beradi. Shu munosabat bilan elastomer kompozistiyalarni sopol IQ-nur tarqatgichlar ta’sirida vulkanizatsiyalashni o’rganish va ular tarkibi va strukturasining o’ziga xosligining vulkanizatsiyalash jarayoniga ta’sirini aniqlash katta qiziqish uyg’otadi. Sopol IQ-nurtarqatgichlar qiziganda yuzaga keladigan IQ- nurlarning chastota oralig’i torligi tufayli vulkanizatsiyalash jarayonini nisbatan qisqa vaqtda etarlicha yuqori samaradorlik bilan amalga oshirishga

imkoniyat tug'iladi. Elastomer kompozistiyalarni vulkanizatsiyalash kinetikasi nur taratuvchi manbaning turli quvvatlarida superpozistiya usuli bilan o'rganildi. Vulkanizatsiyalash qalinligi 2 mm bo'lgan standart rezina plastinalarda IQ-nurlanishning 20-60 W quvvatida olib borildi. Sopol nurtarqatgich yuzasining harorati datchik yordamida rasolanib turildi va 140-150^{0}S ni tashkil etdi. Vulkanizatsiyalash darajasi ko'ndalang-kimyoviy bog'lar soni o'zgarishi va elastomer kompozistiyalarda vaqt bo'yicha zol-gel fraksiya miqdori bo'yicha baholandi. Vulkanizatsiyalash tezligi vulkanizatlardagi oltingugurt miqdoriga qarab aniqlandi. Bunda, nurlantirish muddatining uzayishi bilan vulkanizatsiyalash tezligi oshishi ko'rsatib o'tildi.

Olingan natijalarni taqqoslab shuni qayd etish mumkinki, vulkanizatsiyalashning eng katta tezligi kristallanuvchi SKI-3 kauchuk asosidagi rezina aralashmalarida kuzatildi. IQ-nurlanish quvvatining vulkanizatsiyalash kinetikasiga ta'sirini o'rganish shuni ko'rsatdiki, nurlanish quvvatining oshishi bilan vulkanizatlarning biriktirilish darajasi oshadi, bu haqda ko'ndalang-kimyoviy bog'lar soni oshganligi dalolat berib turibdi. Shuni qayd etish lozimki, vulkanizatlarning eng yuqori biriktirilish darajasiga IQ-nurlanishning quvvati 60 W bo'lganda erishildi. Strukturalanish tezligini zol-gel usul bilan o'rganilganda juda qiziqarli natijalarga erishildi. Olingan natijalar, kauchuklar makromolekulalarining birikish darajasi ko'pincha IQ-nurlanish manbaining quvvatiga bog'liq bo'lib, bu narsa ko'ndalang polisulfid bog'lar paydo bo'lishiga olib kelishini ko'rsatadi. Vulkanizatlar bo'kishi kinetikasini tadqiq qilish natijalari to'rning nechog'liq zich shakllanganini aniqlashga imkon beradi. Kinetik ma'lumotlar IQ-nurlanish quvvati oshib borgani sari vulkanizatlarning birikish tezligi kamaya borishidan dalolat beradi

Elastomerlarni sopol IQ-nurtarqatgichlar ta'siri ostida vulkanizatsiyalash kinetikasini tadqiq qilish bo'yicha olib borilgan izlanishlar ularning ta'sir mexanizmini o'ziga xosligini ko'rsatdi. Avvalambor, bu narsa funkstional sopol asosidagi IQ-nurtarqatgichlarning tarkibi va strukturasining o'ziga xosligidan kelib chiqadi. Funksional sopolning kimyoviy tarkibini tanlab olish yo'li bilan, qizdirganda keng spektral oraliqda nur energiyasini ishlab chiqaruvchi an'anaviy qizdiruvchi lampa va galogen lampalardan farqli o'laroq, IQ-nurlar to'lqin uzunligini rasolash mumkin bo'ladi deb faraz qilish mumkin. Maxsus kimyoviy tarkibga egaligi tufayli taklif etilgan sopol kompozistiyalar to'lqin uzunligi diapozonining qisqaligi (750-1500 nm) bilan ajralib turadi.

Sopol o'zgartgichlarda hosil bo'luvchi IQ-nurlarning yuqorida qayd etilgan qisqa spektral ta'sir ko'rsatishi elastomerlarni strukturalash jarayonida muhim rol o'ynaydi, va bu narsa elastomerlarni vulkanizatsiya qilish tezligi an'anaviy lampali IQ-nurtarqatgichlarga qaraganda yuqori bo'lishini ta'minlaydi. Kauchuk makromolekulalariga impuls ta'sir ko'rsatilganda kompozitsiyaning issiqlik o'tkazuvchanligi past bo'lganligi tufayli energiyaning bir qismi yutiladi, bir qismi esa massani qizdirishga sarflanib, shu bilan vulkanizatsiyalash jarayonini tezlashtiradi. Olib borilgan kinetik tadqiqotlar vulkanizatsiyalashning optimal rejimlarini yaratishga asos bo'ldi. Bu boradagi tadqiqotlar 20 W dan 60 W gacha bo'lgan quvvatda olib borildi. Natijada IQ-nurlanish quvvati oshishi bilan vulkanizatsiyalash tezligi oshishi va vulkanizatsiyalashning eng

yuqori darajasiga erishish vaqti qisqarishi ko'rsatildi.

Ma'lumki, rezinalarning texnik xossalari, ingrediyent va bog'lovchilarning tabiati bilan bir qatorda, vulkanizatsiyalash sharoitiga ham ko'proq bog'liq. Shuning uchun, elastomer kompozistiyalarni vulkanizatsiyalashga yangicha impuls ta'sir yo'li bilan yondashishning vulkanizatlarning texnik xossalariga ta'sirini aniqlash masalasi qayta qiziqish uyg'otadi. Qo'yilgan vazifalardan kelib chiqib, sopol IQ-nurtarqatgich quvvatining model rezinalarning qayishqoq-mustahkamlik xossalariga ta'siri o'rganildi. Bunda, IQ-nurlanish quvvatining 20 dan 60 W gacha oshishi bilan uzayishdagi shartli kuchlanish qiymatining ortishi qayd etildi. Bu effekt SKMS-30ARKM-15 kauchuk asosidagi elastomer kompozitsiyalarda yorqinroq namoyon bo'ldi. IQ-nurlanish quvvati oshib borishi bilan kompozitlarning shartli mustahkamligi (R) ham oshadi, nisbiy uzunligi (L_{nis}) esa kamayishi aniqlandi. Ta'kidlash lozimki, shartli kuchlanish qiymatiga vulkanizatsiyalash vaqti ham ancha ta'sir ko'rsatadi. Ma'lumki, vulkanizatsiyalashning rejimi va sharoitlari, ko'pincha vulkanizatlarning dinamik xarakteristikalarini belgilab beradi. Shu munosabat bilan, kompozitlarni ishlash qobiliyatining muhim ko'rsatgichi bo'lmish vulkanizatlarning strukturasiga bog'liq bo'lgan dinamik xossalariga IQ-nurlanishning ta'sirini o'rganish katta qiziqish uyg'otadi. Yuqorida ko'rsatib o'tilganidek, impuls ta'sir ko'rsatish natijasida elastomer kompozitsiyalarda vulkanizatsiyalashning bir tekis kechishligi tufayli kompozitsion elastomer materiallarning dinamik chidamliligi oshishi uchun qulay sharoitlar vujudga keladi. Rezinalarni ko'p martalab cho'zilganda birikish darajasi ortishi bilan ularning maksimum orqali o'tuvchi dinamik chidamliligi oshishi aniqlandi.Vulkanizatsiyalangan rezinalarning dinamik xarakteristikalarini o'rganish shuni ko'rsatdiki, kompozitlarni sopol IQ-o'zgartgichlar ta'siri ostida vulkanizatsiyalash jarayonida ularning dinamik xossalari oshadi va bu IQ-nurlarning ta'sir ko'rsatishining o'ziga xosligi, xususan ularning kirib borish chuqurligi va spektrlarning ta'sir ko'rsatish diapazoni torligi tufayli elastomerlarda strukturaviy o'zgarishlar sodir bo'lishi hisobiga ta'minlanadi. Ko'pchilik hollarda ko'pgina polimer kompozitsion materiallardan foydalanish relaksastiya jarayonlari-to'la kechmagan sharoitlarda amalga oshiriladi. Deformatsiyalanganda polimerda zanjirlar tebranishi tufayli, ular uchastkalarining joy almashinishi bilan bog'liq jarayonlar kechadi, sababi zanjirli makromolekulalarning moslashuvchanligi polimerlarning butun mexanik xossalari kompleksini belgilovchi omildir. Shunga muvofiq, impuls ta'sir ko'rsatishning vulkanizatning o'q bo'ylab siqilgandagi holatiga relaksastiya koeffistientiga ta'sirini kuzatish muhim ahamiyat kasb etadi (1-jadval).

1-jadval.

Rezinalarni o'q bo'ylab siqilgandagi qoldiq deformastiyasining (E_{qol} siqilish – 50%, 24soat) va relaksatsiya koeffitsiyentining (K_{rel} siqilish 20%, 24 soat) IQ-nurlanish quvvatiga bog'liqligi*.

IQ-nurlanish quvvati, W	SKI – 3		SKMS – 30ARKM – 15	
	E_{qol}, %	K_{rel}	E_{qol}, %	K_{rel}
20	11	0,85	17	0,87
40	10	0,84	16	0,86
60	8	0,83	14	0,84

*** harorat 293K.**

NATIJALAR.

Rezinalashtirilgan matolarni vulkanizatsiyalash jarayonini mukammallashtirish uchun uzluksiz vulkanizatsiyalash laboratoriya qurilmasi tayyorlandi. U vulkanizatsiyalash kamerasidan iborat bo'lib, unda ketma-ket IQ-nurtarqatgichlar joylashgan va oxirgisi ta'minlovchi blokka ulangan. Vulkanizatsiyalash kamerasiga kirish joyida o'rnatilgan roliklar yordamida rezinalashtirilgan matolarni to'xtovsiz uzatib turish vulkanizatsiya jarayonini to'xtovsiz olib borish imkonini beradi. Rezinalashtirilgan matolarning yon tomonlari IQ-nurtarqatgichlarning tarmoqlangan qisqa quvurining o'lchamidan kichik bo'lganligi sababli vulkanizatsiya jarayonini rezinalashtirilgan matolarning barcha kengligi bo'yicha olib borishga imkon yaratiladi. Nur manbai vulkanizatsiyalashda nurlantirishning zarur dozasini ta'minlab beradi. Nurlantirishning sur'ati vulkanizatsiyalash kamerasidagi rezinalashtirilgan materiallarni to'la vulkanizatsiyalash uchun yetarli bo'lishi lozim va u nurlantirishning quvvatiga bog'liq.

Ta'kidlash lozimki, bir qancha talaygina ketma-ket joylashgan sopol IQ-nurtarqatgichlardan iborat rezinalashtirilgan matolarni vulkanizatsiyalash uchun yasalgan laboratoriya qurilmasi, an'anaviy usullarga qaraganda anchagina kam energiya sarf qilib, uzluksiz vulkanizatsiyalashni amalga oshirishga imkon berganligi, bu qurilmani amalda istiqboli juda katta ekanligini ko'rsatadi.

Olib borilgan tadqiqotlar asosida yupqa devorli rezina materiallarni sopol IQ-nurtarqatgichlar ta'siri ostida vulkanizatsiya qilish bo'yicha laboratoriya reglamenti tuzildi.

XULOSA.

1. Sochiluvchan ingredientlarni quritish va elastomer kompozistiyalarini vulkanizatsiya qilishning impuls ta'sir ko'rsatishga asoslangan, elektr quvvatini tejashni va rezinaning foydalanilgandagi xossalari kompleksi yaxshilanishini ta'minlaydigan samarador texnologiya yaratildi.

2. Kristallanish va kristallanmaslik xususiyatiga ega bo'lgan kauchuklar asosidagi elastomer kompozistiyalarni sopol IQ-nurtarqatgichlar ta'siri ostida vulkanizatsiya qilishning asosiy qonuniyatlari

o'rganildi va ular ta'sirining o'ziga xos jixatlari, ya'ni funkstional sopolning tarkibi va strukturasi bilan belgilanadigan tor diapazondagi spektral xususiyati, chuqur singib borish qobiliyati aniqlandi.

3. O'z ichiga uglerod-uglerodli bog'larni qamrab olgan, keyinchalik nisbatan kuchsiz π-bog'larning uzilishi oqibatida oltingugurt ta'siri ostida elastomerlar makromolekulalarining strukturalanishiga olib keluvchi uglerod atomining faollanishiga asoslangan sopol IQ-nurtarqatgichlarning elastomer kompozistiyalarni vulkanizatsiya qilish jarayoniga ta'sirining taxminiy mexanizmi haqida fikr bildirildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Назаров Э.С., Юсупбеков А.Х. Вулканизация резиновых смесей на основе каучука СКМС-30 АРКМ-15 под действием керамических ИК - излучателей. Каучук и резина, 2005. №2. С.29-30.
2. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Научные основы использования минеральных ресурсов.// Международный академический вестник. 2019. № 12 (44) Уфа. С. 84-86.
3. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные направления в технологии композиционных материалов.// Международный академический вестник, 2018. №6 (26) С.75-78.
4. Б.Х. Ражабов, Э.С. Назаров, Ш.О. Собиров. Способ определения геометрических размеров теплицы.// Наука и образование: проблемы, идеи, инновации, 2018.67-69.
5. Б.Х. Ражабов. Анализ физических процессов в двухступенчатых солнечных опреснителях.// Вестник науки и образования. 2020.
6. Б.Х. Ражабов, Ф.Б. Ата-Курбонова. Метод выбора типов и рациональных геометрических размеров аккумуляторов энергии для солнечных опреснителей.// International Scientific and Practical Conference World science 1 (6), 2017. 53-54.
7. С.С.Ибрагимов. Определение геометрических размеров теплицы и способы подбора материалов.// Молодой ученый, (2016) С 105-107.
8. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
9. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
10. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом.// Молодой ученый, (2018) С 50-53.
11. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелиоводоопреснителя.//Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.
12. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.//Вестник науки и образования (2020)№ 20 (98). С 6-9.
13. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.
14. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-19.
15. Назаров Э.С., Собиров Ш.О. Условия ультразвукового диспергирования слоистых минералов.// Проблемы и достижения современной науки. 2018. № 2 (1), С.74-75.
16. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные достижения в области технологии композиционных эластомерных материалов.// Наука и общество в условиях глобализации. 2016. 62-65.

17. Юсупбеков А.Х., Назаров Э.С., Сагатов Б.Б. Математическая модель наполненных полимерных композиций фрикционного назначения.// Композиционные материалы. 2003. №2. С.17-19.

18. Назаров Э.С., Назаров Ш.Э. Особенности интегрирования информационных технологий в преподавании предмета физики.// «Вестник науки и образования. № 18 (96). Часть 2. 2020. С.41-43.

19. B.KH. Razhabov, Z.M. Abdullaev, SH.M. Mirzaev. Technique for calculating geometric dimensions of a greenhouse-type solar-based one-cascade apparatus for demineralizing water.// Applied Solar Energy 46 (4), 2010. 288-291.

20. Н.Г. Насирова, Б.Х. Ражабов. Создание теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// World science 1, 2016.(5 (9)).

21. B. Razhabov, S. Ibragimov. Heat and mass exchange in a greenhouse sunny designer with a two roof isoled triangle.// Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 198.

22. Б.Х. Ражабов. Тепло-и массообмен в парниковом солнечном опреснителе с двухскатным равнобедренным треугольником.// Молодой ученый, 2017. 142-144.

23. С.С.Ибрагимов., А.А. Маликов. Исследование теплового режима инсоляционных пассивных систем.// Молодой ученый, (2016) С 27-29.

24. С.С.Ибрагимов. Результаты лабораторной модели сушки фруктов.// Молодой ученый, (2016) С 79-80.

25. С.С.Ибрагимов. Результаты испытания водоопреснителя парникового типа.// Молодой ученый, (2016) С 67-69.

26. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки.// Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

27. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Экспериментальное исследование растояния между испарителем и конденсатом наклонно-многоступеньчатой опреснительной установки.// Гелиотехника. 2018. № 6. С.27 -34.

28. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Техникоэкономические показатели и оценка воздействияна окружающую среду усовершенствованной наклонной многоступенчатой солнечной установки для опреснения воды.// Путь науки Международный научный журнал. 2021. № 1 (83). С.17-23.

29. Очилов Л.И. Исследование некоторых свойств капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 362-364

30. Очилов Л.И. Технология приготовления фитиля из капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 360-362

31. Курбанов К., Очилов Л.И. Определение механических воздействий гидротехнических сооружений с помощью оптических волоконных датчиков.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 247-251.


32. Очилов Л.И. Адсорбция воды на цеолитах типа ZSM-5.// Молодой ученый, (2016) №12 С 358-360

33. Очилов Л.И., Арабов Ж.О., Ашурова У.Д. Измерение преобразования потенциальной энергии в поступательную и вращательную энергию с помощью колеса максвелла.// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 18-21.

34. Очилов Л.И., Абдуллаев Ж.М. Изъятие пресной воды из подземных грунтовых вод при помощи гелиоустановки водонасосного опреснителя.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 274-277.

35. Ochilov B.M., Narzullaev M.N. Increasing the efficiency of solar heat treatment of liquid foodstuffs with the help of reflecting systems.// Applied solar energy. 1996. №32 (3), PP.78-79.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHOD FOR DESIGNING AN ADVANCED SOLAR DESALINATION WATER PUMP DEVICE

Kodirov Zhobir Ruzimamatovich [1] , Khakimova Sabina Shamsiddinovna [2]

Barilloyev Mironshox Amrulloyevich [3]

[1] Doctoral student (PhD) of the Faculty of Physics and Mathematics of Bukhara State University

[2] Assistant of the Bukhara branch of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

[3] Student of the Faculty of Physics and Mathematics of the Bukhara State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717832

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

water pump, mathematical method, solar radiation, battery, solar desalination plant, energy conductivity coefficient

ABSTRACT

To create a water-pumping solar desalination device, it is necessary to design it, so for maximum production of water condensate, it is required that the dimensions of the structural elements of the device are in radial dimensions (optimal dimensions). Such mathematical calculations were carried out taking into account the energy accumulated by the device in the sun. Percentage (part) the lost energy from the elements of all the structures of the device and the absorbed energy entering the battery of the device was calculated by mathematical methods.

SUV NASOS QUYOSH CHUCHITGICHI TAKOMILLASHGAN QURILMASINI LOYIHALASH USULI

Qodirov Jobir Ro'zimamatovich [1] , Hakimova Sabina Shamsiddin qizi [2]

Barilloyev Mironshox Amrulloyevich [3]

[1] Buxoro davlat universiteti "Fizika-matematika" fakulteti tayanch doktoranti (PhD)

[2] Toshkent Irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali assistenti

[3] Buxoro davlat universiteti "Fizika-matematika" fakulteti talabasi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Suv-nasos, matematik usul, quyosh radiatsiyasi, akkumulyatsiya, quyosh chuchitgichi, energiyani

ANNOTATSIYA

Suv-nasos quyosh chuchitgichi qurilmasini yaratish uchun uni loyihalash zarur, shuning uchun suv kondensatini maksimal ishlab chiqarish uchun esa qurilma konstruksiyasi elementlarining o'lchamlarini radianal o'lchamda (optimal o'lchamda) bo'lishini talab qiladi. Bunday matematik hisoblashlarni olib borish uchun qurilma tomonidan quyosh akkumulyatsiyasi qilingan energiya hisobiga olgan holda olib borilgan. Suv-nasos quyosh chuchitgichining quyosh radiatsiyasi tushadigan parnikli quyosh suv chuchitgichi qismli bo'lish shaffof sirtdan qurilma ichidagi issiqlik

uzatish koeffitsiyenti.

energiyalarning qurilmaning barcha konsturuksiyalari elementlaridan yo'qotilgan energiyani va qurilmaning akkumulyatoriga yutiladigan yutish energiyaning foizi (qismi) matematik usullar bilan hisoblash olib borilgan.

KIRISH

Shuni alohida ta'kidlash kerakki hozirgi zamon sanoati va qishloq xo'jalikda ishlab chiqarishi juda katta miqdorda toza suvni talab etmoda. Masalan, bir tonna qand lavlagi yetishtirish uchun 130-160 m^3, bir tonna bug'doy uchun 800-1200 tonna, bir tonna beda 1000-1600 tonna, bir tonna paxta yetishtirish uchun 4000-5000 tonna, bir tonna guruch uchun 5000-7000 tonna sifatli va toza suv kerak bo'ladi. Shu bilan birga bu suv uchun kerak bo'lgan vaqtda beriladi. Shundagina yerdan yuqori hosil olish mumkin bo'ladi. Xuddi shunday sanoatda bir tonna po'lat ishlab chiqarishda 250-330 tonna, bir tonna qog'oz yetishtirish uchun 550-700 tonna, bir tonna vezkoz tolasi uchun 470-1080 tonna suv kerak bo'ladi. Qishloq xo'jaligida 1900- yillarda dunyo bo'yicha 350 km^3. 1975- yilda 2100 km^3 va 2000-yilga kelib 3400 km^3 ni tashkil etdi. Sanoatning suvga bo'lgan ehtiyoji esa hozirgi kunda taxminan 1000 km^3 ga teng.

Daryolarning suvini oxiriga etib borishi 20-30 foizga, suv kam yillarda esa hatto 40-60 foizga yetmoqda. O'tkazilgan juda ko'pchilik tadbirlar bir qator ichki dengizlar va ko'llarda suv miqdorining kamayib ketishiga olib keldi, masalan Orol dengizining sathi 30-35 m ga kamaydi. Ekvatoriyasi esa deyarli 50 foizga tushib qoldi. Ko'rilayotgan chora tadbirlar o'zining yaqqol natijasini ko'rsatayotgani yo'q. Dengizning qurib borishi, dengiz atrofidagi hududlari nihoyatda sho'rlanishiga va ekologik muhitni buzilishiga olib kelmoqda. O'z-o'zidan ko'riladiki bu dengiz suvining sho'rlanishini ortishi va sifatining yomonlashuvi davom etmoqda. Qayt etilgan muammolarning o'zini echishda suvga miqdor va sifat jiatidan talab qo'yadi. Yuqorida aytilganlarni aniqroq tushuntirish uchun eslatamizki, masalan kelajakda organik yoqig'ilar (birinchi navbatda neft va gazni) o'rnini yadroviy energiyalar yoki noananaviy, qayta tiklanadigan gidravlik, shamol giotermal, okean dengiz to'lqinlari, quyosh radiasiyasi, energiya manbalari bilan almashtirish mumkin. Ichimlik suviga bo'lgan ehtiyoj kundan kunga oshib bormoqda, uni insoniyat ehtiyojiga jalb etish uchun katta xarajatlar sarflanmoqda. Bunday masalani eng arzon va doimiy mavjud bo'lgan quyosh energiyasidan foydalangan holda hal etish hozirgi zamon olimlari oldiga qo'yilgan, eng dolzarb masaladan biri bo'lib kelmoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Ma'lumki, cho'l zonalarida yer osti suv zaxiralari yetarlicha bo'lib, ular haddan tashqari dengiz suvlaridan kam achchiq va ko'p minerallar aralashmasidan iborat. Bu yer osti suvlari uncha chuqurlikda bo'lmay, ularni topish qiyinchilik tug'dirmaydi. Albatta bu suvlarda inson va hayvonot dunyosi uchun foydalanish zarur. Parnikli quyosh suv chuchitgichlarining konstruksiyalari va ularning texnik ko'rsatkichlari bo'yicha tarixiy ma'lumotlar.

Ayniqsa, Turkmaniston fanlar akademiyasining "Quyosh ishlab chiqarish birlashmasida" akademiklar V.A.Baum va R. Bayramov, texnika fanlari doktori A.K.Kakaboyevlar raxbarligida parnikli quyosh suv chuchitgichlari har tomonlama tadqiq qilingan. Mualliflarning tadqiqotlari asosan quyosh qurilmalarining ichimlik suvini ishlab chiqarish ko'rsatkichini oshirishga, uncha murakkab bo'lmagan

konstruksiyali quyosh suv chuchitgichini yaratishga, ishonchli va uzoq vaqt stabil rejimda ishlashi hamda iqtisodan qulay bo'lishga qaratilgan edi.

Parnikli quyosh suv chuchitgichini birinchi bo'lib Ch.Uilson tomonidan 1872 yilda Janubiy Amerikaning Chilidagi Las-Salinas xududida qurilgan. Uning loyihasi esa N.V.Uiller va V.V.Evans tomonidan tavsiya etilgan. Bunday qurilma 30 yil xizmat qilgan, uni egallagan umumiy maydoni 4760 m^2 bo'lgan. Yoz kunlari bu qurilma bir kunda 20 m^3 ichimlik suvi yetishtirgan, demak bir kunda 1 m^2 shaffoflangan yuzadan 4,2 l. Bunday qurilma o'sha zamonda dunyodagi eng katta quyosh inshooti bo'lgan. Qurilma suv xavzasidagi suv qatlami 5 sm bo'lgan, shaffoflangan yuza gorizontga nisbatan 100 burchak ostida qurilgan. Suv xavzasining tubi qora rangga bo'yalgan bunday qurilmaga 1,4% minerallashtirilgan suv ishlatilgan. Afsuski bunday qurilma eksperimental va nazariy tadqiq qilinmagan, adabiyotlardagi ma'lumotlardan ma'lum bo'lishicha bunday qurilmaning faqatgina texnik xarakteristikalari keltirilgan. Qurilmaning amaldagi ish natijalari quyosh energiyasi yordamida suvni chuchitish mumkin g'oyasini tarqatish mumkinlgini tasdiqlash edi. Lekin bunday ishda quyosh energiyasi yordamida suvni chuchitish bir xil sharoitda boshqa usullar yordamida suvni chuchitishga nisbatan iqtisodan afzalligi ko'rsatilmagan.

Mamlakatimiz olimlaridan K.G.Trofimov va A.N.Tekuchevlar 1930-1935 yillar parnik tipli quyosh suv chuchitgich qurilmalari ustida tadqiqotlar professor B.P.Veyiberg raxbarligida olib borilgan. Yaratilgan qurilmalar bir poqonali bo'lib, minerallashgan suv bug'lanish sharoitlari va qurilma tubi va yon tomon devorlarini izolyasiya bilan bir-birlaridan farq qilishgan. Bunday qurilmalarning F.I.K 29 % ni tashkil etgan.

Parnikli quyosh suv chuchitgichlarini eksperimental va nazariy yo'llar bilan tadqiq qilish ishlariga Osiyo mamlakatlari olimlariga V.P.Veynberg, V.B.Venberg, K.T.Trofimov, V.A.Baum, G.Ya.Umarov, L.M.Bridlik, R.B.Bayramov, A.N.Tekuchev, L.M.Rozenfeld, A.K.Kakaboev, shuningdek, chet mamlakat olimlaridan G.Lef, M.Telkas, L.Eybling, E.Salam, F.Daniels, F.Tromb, F.Foks, M.Marel, I.V.Blomer, P.I.Kuper, P.I.Morze va boshqalarni keltirsa bo'ladi.

MUHOKAMA

Parnikli quyosh suv chuchitgichining tubini ajratib olish va suv ishlab chiqarishni oshirish uchun qurilma tubining yuzasini maksimal miqdorini topishga to'g'ri keladi. Shuning uchun qurilma tubini ishlatish koeffitsiyentini aniqlash kerak bo'ladi. Bu koeffitsiyent β bilan belgilanadi.

$F_{огр}$ - qurilmaning chegaraviy yuzasi, $F_{дна}$ - tubi sirtining yuzasi

$$\beta = \frac{F_{дна}}{F_{огр}}. \quad (1)$$

Bir pog'onali suv chuchitgichi uchun

Bu yerdagi $F_{дна}$ quydagicha hisoblanadi

$$F_{дно} = AC \cdot l = \frac{h}{tgm} \cdot l$$

$$F_{огр} = F_{зад} + 2F_{\delta} + F_{пр} + F_{дно} = hl + \frac{h^2}{tgm} + \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{tgm}$$

Bu yerda $F_{зад}$ – orqa shaffof sirt yuzasi F_{δ} – yon devolar sirti ; $F_{пр}$ – shaffof sirt yuzasi unda, tubini ho'llash koeffitsiyenti

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

$$\beta = \frac{F_{дно}}{F_{огр}} = \frac{\frac{h}{tgm} \cdot l}{hl + \frac{h^2}{tgm} + \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{tgm}}, \quad (2)$$

Formula (1.) ga quydagi belgilashlar kiritildi.

$$c = \frac{1}{tgm} \text{ va } d = \frac{1}{\sin m},$$

$$\beta = \frac{F_{дно}}{F_{огр}} = \frac{c}{1 + c(\frac{h}{l} + 1) + d}. \quad (3)$$

Tubni ishlatish koeffitsiyentidan tashqari qurilma devorlarida issiqlikning isrof koeffitsiyenti qo'llaniladi. Oldingi shaffof sirtida issiqlik energiyasining isrofi $-\alpha_{пр}$, $F_{дна}$- tubdan energiya yutilishi. $-\alpha_{зад}$-yon tomonlaridagi energiya yo'qotilishi.
Shaffof oldingi sirtida issiqlik isrofi quydagicha topiladi.

$$\alpha_{пр} = \frac{F_{пр}}{F_{огр}} = \frac{\frac{hl}{\sin m}}{hl + \frac{h^2}{tgm} + \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{tgm}}. \quad (4)$$

Belgilardan keyin $c = \frac{1}{tgm}$ va $d = \frac{1}{\sin m}$

$$\alpha_{пр} = \frac{F_{пр}}{F_{огр}} = \frac{d}{1 + c(\frac{h}{l} + 1) + d}. \quad (5)$$

Orqa shaffof va yon tomonlari orqali energiyani uzatish koeffitsiyenti. Orqa devorlari uchun

$$\alpha_{зад} = \frac{F_{зад}}{F_{огр}} = \frac{hl}{hl + \frac{h^2}{tgm} + \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{tgm}} = \frac{1}{1 + c(\frac{h}{l} + 1) + d} \quad (10)$$

; (6)

Yon tomonlari uchun

$$\alpha_{б} = \frac{F_{б}}{F_{огр}} = \frac{\frac{h^2}{tgm}}{hl + \frac{h^2}{tgm} + \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{tgm}} = \frac{\frac{h}{l}c}{1 + c(\frac{h}{l} + 1) + d}$$

. (7)

Ikki pog'onali teng tomonli uchburchak uchun tubning ho'llash koeffitsiyentini quydagicha topiladi.

$$F_{огр} = F_{пр} + F_{зад} + 2F_{б} + F_{дно} = \frac{hl}{\sin m} + \frac{hl}{\sin m} + 2\frac{h^2}{cosm} -$$

$$= \frac{2hl}{\sin m} + 2\frac{h^2}{cosm} + \frac{2hl}{\cos m}, \quad (8)$$

Bu yerda $F_{зад}$ – orqa sirt yuzasi $F_{б}$ – yon tomoniyuzas $F_{пр}$ – shaffof sirt yuzasi $F_{дно}$ – tubning sirt yuzasi, qo'llanish koeffitsiyenti quydagicha topiladi.

$$\beta = \frac{F_{дно}}{F_{огр}} = \frac{\frac{l}{\cos m}}{\frac{l}{\sin m} + \frac{h}{cosm} + \frac{l}{\cos m}}, \quad (9)$$

Formulada o'zgartirishlar ko'rsatiladi

$$c = \frac{1}{\cos m} \text{ va } d = \frac{1}{\sin m},$$

$$\beta = \frac{F_{дно}}{F_{огр}} = \frac{cl}{dl + c(h + l)}.$$

Janubga yo'naltirilgan va issiqlik yo'qotish koeffitsiyenti.

$$\alpha_{пр} = \frac{F_{пр}}{F_{огр}} = \frac{\frac{l}{\sin m}}{\frac{2l}{\sin m} + 2\frac{h}{cosm} + \frac{2l}{\cos m}}.$$

Belgilardan keyin $c = \frac{1}{\cos m}$ va $d = \frac{1}{\sin m}$

$$\alpha_{пр} = \frac{F_{пр}}{F_{огр}} = \frac{dl}{2dl + 2c(h + l)}. \quad (11)$$

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Shunday usullar bilan orqa devorlar va yon devorlarning issiqlik miqdori koeffitsiyentlarini aniqlash mumkin. Orqa devorlar uchun

$$\alpha_{зад} = \frac{F_{зад}}{F_{огр}} = \alpha_{пр} = \frac{\frac{l}{\sin m}}{\frac{2l}{\sin m} + 2\frac{h}{cosm} + \frac{2l}{\cos m}} = \frac{dl}{2dl + 2c(h+l)}$$

; (12)

Yon tomon devorlar bilan

$$\alpha_{б} = \frac{F_{б}}{F_{огр}} = \frac{2\frac{h}{\cos m}}{\frac{2l}{\sin m} + 2\frac{h}{cosm} + \frac{2l}{\cos m}} = \frac{2hc}{2ld + 2c(h+l)}$$

(13)

Ko'rinadiki β - qurilma o'lchamlariga bo'g'liq bo'ladi. Siklik burchagi m bog'liq bo'ladi.

Yarim silindirik qurilmalar uchun.

$$\beta = \frac{F_{дно}}{F_{огр}} = \frac{2hl}{2\pi hl + \pi h^2 + 2hl} = \frac{2l}{2\pi l + \pi h + 2l},$$

(14)

Oldingi shaffof sirt uchun issiqlik isrof bo'lishi quydagicha aniqlanadi.

$$\alpha_{пр} = \frac{F_{пр}}{F_{огр}} = \frac{2\pi hl}{2\pi hl + \pi h^2 + 2hl} = \frac{2\pi l}{2\pi l + \pi h + 2l}$$

, (15)

Yon devorlar uchun

$$\alpha_{б} = \frac{F_{б}}{F_{огр}} = \frac{\pi h^2}{2\pi hl + \pi h^2 + 2hl} = \frac{\pi h}{2\pi l + \pi h + 2l},$$

(16)

β va α faqat h/l ga nisbatiga bo'g'liq bo'ladi , m ga esa umuman bog'liq bo'lmaydi.

β va α larning ko'paytmasi.

$$\alpha_T \cdot \beta = \frac{\frac{Q_{пот}}{F_{огр}}}{\frac{Q_{вх}}{F_{пол}}} \qquad (17)$$

Bu yerda $\frac{Q_{пот}}{F_{огр}}$ - kundizgi issiqlik yo'qotish birlik yuzadagi issiqlik yo'qotish

$\frac{Q_{вх}}{F_{пол}}$ - Solishtirma issiqlik

Quyosh energiyasi akkumulyatorini tayyorlash. Isrof issiqlik yo'qotish miqdor dastlabki

$$Q_{пот} = Q_{вход} \cdot \sum_{i}^{n} \alpha_i , \qquad (18)$$

Quydagi talab bajarilishi uchun quydagilarni bajarish kerak.

$-\beta$ ni oshirish uchun tubning sirt yuzasini oshirish kerak. Tubning sirt yuzasini oshirish uchun kapilyar-kovak materialidan qo'shimcha sifatida foydalanish kerak, bu esa bug'lanuvchi yuza vazifasini bajaradi. Akkumulyator sifatida kapilyar-kovak material gips tavsiya etiladi. Quyosh akkumulyatorlari qurilma ichida vertikal joylashtiriladi. Kapillar-kovak massasini quydagicha aniqlaymiz. Kapillar-kovak material element taxlili ham topiladi.

$d\upsilon = dx \cdot dy \cdot dz$ $\Delta\tau = \tau_2 - \tau_1$, vaqt ichida T_1 dan T_2 gacha isitilsa, unda issiqlik miqdori quydagicha topiladi.

$$Q = c \cdot \gamma \cdot (T_2 - T_1) d\upsilon. \qquad (19)$$

Akkumulyatorni isitish uchun ΔT vaqt ichida.

$$\Delta Q = Q_2 - Q_1 = c\gamma \int_{(V)} (T_2 - T_1) d\upsilon = c\gamma V \frac{1}{V} \int_{(V)} (T_2 - T_1) d\upsilon.$$

(20)

Integral harorat (o'rtacha temperatura)

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

$$\bar{T} = \frac{1}{V}\int_{(V)} T d\upsilon, \quad (21)$$

Unda (21) formulani quydagicha yozamiz.

$$\Delta Q = Q_2 - Q_1 = c\gamma V(\bar{T}_2 - \bar{T}_1), \quad (22)$$

Akkumulyatsiya jarayonida . $\bar{T}_2 \rangle \bar{T}_1$.

Akkumulyatorni isitish uchun τ vaqtda quydagicha energiya isrof bo'ladi.

$$Q - Q_o = c\gamma V(\bar{T} - \bar{T}_o), \quad (23)$$

Solishtirma issiqlik isrofi quydagicha bo'ladi.


$$\Delta Q_\upsilon = c\gamma(\bar{T} - \bar{T}_o). \quad (24)$$

(23) formuladan kapilyar – kovak akkumulyatorini massasi aniqlanadi.

$$\mathrm{M} = \gamma V = \frac{Q - Q_o}{c(\bar{T} - \bar{T}_o)}. \quad (25)$$

Aytish joizki isrof qilingan issiqlik miqdori eksperimental aniqlanadi.

Masalan, sutkalik issiqlik miqdori qurilma ichida $(Q - Q_o) = 2{,}8\frac{Мдж}{м^2 град}$ bo'lsa, solishtirma issiqlik miqdori (gips uchun) - $c = 0{,}88\frac{кДж}{кг\cdot^o C}$; zichlik - $\gamma = 1650\frac{кг}{м^3}$; temperatura farqi $(60-70)^o C$, bo'lsa, unda akkumulyator massasi $M \approx 45кг$, bo'ladi, hajmi esa $V = 0{,}03м^3$ bo'ladi.



1-Chizma. Suv-nasos gelio chuchitgich qurilmasi:

1) Suv quvuri devorida ishlatilgan g'isht devor. 2) Kapilyar kovak materialidan yaralgan quyosh akkumulyatori. 3) Minerallashgan quvur suvi. 4) Quvur suvi osti qayroq tosh. 5) Issiqlik izlyatori- steklovator. 6) Suv chuchitgich qismi skeletining yog'ochli qismi. 7) Optik shaffof sirt. 8) Yer osti tuproq qism. 9) Nova.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

NATIJALAR

Quyosh radiatsiyasi qurilmaning shaffof qismidan o'tib (g'ishtli devor) qismini isitadi. G'ishtli devor quyosh akkumulyatori sifatida o'zini namoyon etadi. Kunduzi quyosh radiatsiyasi gishtli devor orqali to'liq yutiladi. Quvur devorlari kun bo'yi qabul qilingan quyosh radiatsiyasini akkumulyator sifatida ishlaydi.

Kechqurun quyosh radiatsiyasi tushmagan holatda gisht-akkumulyatordan chiqqan akkumulyatsilangan issiqlik energiyasi hisobida quvurdan absortsiyalangan suv bug'lanib, suv-havo aralashmasi yuzaga keltiriladi.

Suv-havo aralashmasi qurilmaning butun hajmi bo'yicha tarqalib suv chuchitgichi qismining shaffof sirtlarida kondensatsiyalanadi va sirt bo'yicha suv tomchilariga aylanib qurilma novasiga oqib tushadi. Nova orqali kondensat to'planadigan idishga yig'iladi.

Quyosh radiatsiyasining oshib borishi bilan qurilmadan ajralib chiqqan suv kondesati miqdori oshib boradi. Misol, 2019-yil 15-20 iyun oyida o'tkazilgan tajriba natijalariga asosan quyosh radiatsiyasining kunlik miqdori o'rtacha 2.10^8 $\frac{MJ}{kun \bullet m^2}$. Bunday holatda, sharoitda ajralib chiqqan suv miqdori 2.5 litrni tashkil etdi.

1-jadval. Issiqlikni yo'qotish koeffitsiyentlarini hisoblash va quyoshli chuchutgichlarning ba'zi bir xillarining qurilma tubiga ishlatish natijalari.

QSCHQ Nomi	QSCHQ bir tomonlama qiyalashgan uchburchak bilan		QSCHQ ikki tomonlama qiyalashgan ixtiyoriy uchburchak bilan		QSCHQ ikki tomonlama qiyalashgan teng yonli uchburchak bilan		QSCHQ yarim silindr sirtli qatlami bilan	
h,м	**0,5**							
$\frac{h}{\lambda} \leq$	$\frac{h}{l} \leq 0{,}2$		$\frac{h}{l} \leq 0{,}14$		$\frac{h}{l} \leq 0{,}14$		$\frac{h}{l} \leq 0{,}125$	
λ,м	α_T	β	α_T	β	α_T	β	α_T	β
0,5	0,121	0,230	0,156	0,29	0,159	0,292	0,175	0,24
1	0,115	0,250	0,141	0,33	0,144	0,340	0,153	0,30
1,5	0,112	0,265	0,136	0,35	0,139	0,362	0,146	0,32
2	0,110	0,270	0,134	0,37	0,136	0,373	0,142	0,33
2,5	0,109	0,276	0,133	0,38	0,135	0,380	0,140	0,34
3	0,109	0,278	0,132	0,38	0,134	0,385	0,139	0,35
3,5	0,109	0,280	0,131	0,39	0,133	0,389	0,138	0,36
4	0,108	0,281	0,131	0,39	0,133	0,391	0,137	0,36

XULOSA

Ushbu maqolada issiqlik parnikli quyosh suv chuchitgichining yoritilganlik tarixi, (distirlangan) suv ishlab chiqarish ko'rsatgichlari keltirilgan qurilmalar to'grisida ma'lumotlar keltirib o'tdik. Har bir yaratilgan qurilmalarning konstruksiyalariga va texnik ko'rsatmalari to'g'risida ma'lumotlar berdik. Shuni aytish joizki qurilmalarning konstruksiyalari elementlarining o'lchamlari , ularni muttanosibligiga e'tibor berilmaganligini aniqlab olindi.

Quyosh energiyasini akkumulyatsiya qilishni hisobga olgan holda parnikli quyosh suv chuchitgich strukturasi elementlarinig o'lchamlarining mutanosibligi aniqlab, quyosh suv chuchitgichining har qaysi konstruksiya elementlari yuzalarining qurilma butun nisbati asosida elementlardan yutilgan va isrof qilingan issiqlik energiya miqdorlari aniqlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом.// Молодой ученый, (2018) С 50-53.
2. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелиоводоопреснителя.//Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.
3. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.//Вестник науки и образования (2020)№ 20 (98). С 6-9.
4. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.
5. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-19.
6. Назаров Э.С., Юсупбеков А.Х. Вулканизация резиновых смесей на основе каучука СКМС-30 АРКМ-15 под действием керамических ИК - излучателей. Каучук и резина, 2005. №2. С.29-30.
7. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Научные основы использования минеральных ресурсов.// Международный академический вестник. 2019. № 12 (44) Уфа. С. 84-86.
8. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные направления в технологии композиционных материалов.// Международный академический вестник, 2018. №6 (26) С.75-78.
9. Назаров Э.С., Собиров Ш.О. Условия ультразвукового диспергирования слоистых минералов.// Проблемы и достижения современной науки. 2018. № 2 (1), С.74-75.
10. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные достижения в области технологии композиционных эластомерных материалов.// Наука и общество в условиях глобализации. 2016. 62-65.
11. Юсупбеков А.Х., Назаров Э.С., Сагатов Б.Б. Математическая модель наполненных полимерных композиций фрикционного назначения.// Композиционные материалы. 2003. №2. С.17-19.
12. Назаров Э.С., Назаров Ш.Э. Особенности интегрирования информационных технологий в преподавании предмета физики.// «Вестник науки и образования. № 18 (96). Часть 2. 2020. С.41-43.
13. B.KH. Razhabov, Z.M. Abdullaev, SH.M. Mirzaev. Technique for calculating geometric dimensions of a greenhouse-type solar-based one-cascade apparatus for demineralizing water.// Applied Solar Energy 46 (4), 2010. 288-291.

14. Б.Х. Ражабов, Э.С. Назаров, Ш.О. Собиров. Способ определения геометрических размеров теплицы.// Наука и образование: проблемы, идеи, инновации, 2018.67-69.

15. Б.Х. Ражабов. Анализ физических процессов в двухступенчатых солнечных опреснителях.// Вестник науки и образования. 2020.

16. Б.Х. Ражабов, Ф.Б. Ата-Курбонова. Метод выбора типов и рациональных геометрических размеров аккумуляторов энергии для солнечных опреснителей.// International Scientific and Practical Conference World science 1 (6), 2017. 53-54.

17. Н.Г. Насирова, Б.Х. Ражабов. Создание теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// World science 1, 2016.(5 (9)).

18. B. Razhabov, S. Ibragimov. Heat and mass exchange in a greenhouse sunny designer with a two roof isoled triangle.// Zbiór artykułów naukowych recenzowanych., 198.

19. Б.Х. Ражабов. Тепло-и массообмен в парниковом солнечном опреснителе с двухскатным равнобедренным треугольником.// Молодой ученый, 2017. 142-144.

20. С.С.Ибрагимов. Определение геометрических размеров теплицы и способы подбора материалов.// Молодой ученый, (2016) С 105-107.

21. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.

22. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.

23. С.С.Ибрагимов., А.А. Маликов. Исследование теплового режима инсоляционных пассивных систем.// Молодой ученый, (2016) С 27-29.

24. С.С.Ибрагимов. Результаты лабораторной модели сушки фруктов.// Молодой ученый, (2016) С 79-80.

25. С.С.Ибрагимов. Результаты испытания водоопреснителя парникового типа.// Молодой ученый, (2016) С 67-69.

26. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки.// Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

27. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Экспериментальное исследование растояния между испарителем и конденсатом наклонно-многоступеньчатой опреснительной установки.// Гелиотехника. 2018. № 6. С.27 -34.

28. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Техникоэкономические показатели и оценка воздействияна окружающую среду усовершенствованной наклонной многоступенчатой солнечной установки для опреснения воды.// Путь науки Международный научный журнал. 2021. № 1 (83). С.17-23.

29. Очилов Л.И. Исследование некоторых свойств капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 362-364

30. Очилов Л.И. Технология приготовления фитиля из капиллярнополых материалов.// Молодой ученый, (2016) №12 С 360-362


31. Курбанов К., Очилов Л.И. Определение механических воздействий гидротехнических сооружений с помощью оптических волоконных датчиков.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 247-251.

32. Очилов Л.И. Адсорбция воды на цеолитах типа ZSM-5.// Молодой ученый, (2016) №12 С 358-360

33. Очилов Л.И., Арабов Ж.О., Ашурова У.Д. Измерение преобразования потенциальной энергии в поступательную и вращательную энергию с помощью колеса максвелла.// Вестник науки и образования (2020) № 18(96) Часть 2 С 18-21.

34. Очилов Л.И., Абдуллаев Ж.М. Изъятие пресной воды из подземных грунтовых вод при помощи гелиоустановки водонасосного опреснителя.// Молодой ученый. 10 (2015), С. 274-277.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



TEMPERATURE MODE IN GREENHOUSE SOLAR DESALINATORS

Razhabov Bobokhon Khasanovich[1]

[1] Senior Lecturer, Department of Physics, Bukhara State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4717858

ARTICLE INFO

Received: 17th April 2021
Accepted: 21nd April 2021
Online: 23rd April 2021

KEY WORDS

Inner chamber, scud, water vapor, photon, dew point, relative humidity, condensation chamber, convection process, trajectory, measurement point.

ABSTRACT

The most important need for solar desalination plants in the current era under present circumstances is potable water. Countries face a growing shortage of fresh water sources. Scientists around the world are conducting research on the use of the richest and most affordable source of solar energy for desalination of mineralized, marine, etc. water with almost zero energy consumption. Of particular interest are the relatively simple models of solar greenhouse desalination plants. This article examines the temperature regime at each point inside and outside, as well as the reasons for the increase in the temperature of water vapor compared to the temperature of salt water.

ПАРНИКЛИ ҚУЁШ СУВ ЧУЧИТГИЧЛАРДА ТЕМПЕРАТУРА РЕЖИМИ

Ражабов Бобохон Ҳасанович [1]

[1] Бухоро давлат университети “Физика” кафедраси катта ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma’qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Ички камера, нишаб, сув буғи, фотон, шудринг нуқтаси, нисбий намлик, конденсация камераси, конвекция жараёни, траектория, ўлчов нуқталари.

ANNOTATSIYA

Ҳозирги давр шароитида қуёш сув чучитгичларга энг муҳим эҳтиёж бу истеъмолга яроқли сув ишлаб чиқаришдан иборатдир. Кўп давлатлар чучук сув манбаларининг ортиб бораётган етишмовчилиги муаммоси олдида туришибди. Бутун жаҳон олимлари томонидан энг бой ва ҳаммабоп энергия манбаи бўлмиш қуёш ёрдамида денгиз, минераллашган ва ҳоказо сувларни энергиядан фойдаланмасдан чучитиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, парник типли қуёш сув чучитгич қурилмаларнинг нисбатан оддий моделлари катта қизикиш уйготади. Ушбу мақолада ички ва ташқи ҳар бир нуқтадаги температуралар режими ҳамда сув буғининг ҳарорати шўр сув ҳароратига нисбатан кўтарилишининг сабаблари ўрганилган.

КИРИШ

Дунё олимларининг илмий ишларини таҳлили ва амалиёти парник типли қуёш чучитгич қурилмаларнинг унумдорлиги қурилма конструкциясининг шакли ва геометрик ўлчовларини ҳамда қурилмада фойдаланиладиган қуёш энергиясининг аккумуляторини тўғри танлашга бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, чучитиш қурилмаларининг иссиқлик унумдорлиги коэффициентлари конденсация камерасининг конструкция элементлари турига ва ўлчамига тўғридан тўғри боғлиқ. Шунингдек, ушбу коэффициентлар иссиқлик йўқотиш коэффициентига ва қурилманинг конструкция элементларидан фойдаланиш коэффициентига, айниқса, қурилманинг тубидан фойдаланиш коэффициентига боғлиқ.

Шу сабабдан, мақолада температура режими ва қурилманинг баъзи физик жараёнлари, қуёш энергиясини аккумуляция қилишни ҳисобга олган ҳолда парникли чучитгичлар ва уларнинг элементлари учун ўзига хос физик маънога эга юқорида қайд этилган коэффициентлар кўпайтмаси ҳисоб-китоб усуллари кўриб чиқилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.


Дунё олимларидан К.Г.Трофимов ва А.Н.Текучевлар 1930-1935 йиллар парник типли қуёш сув чучитгич қурилмалари устида тадқиқотлар профессор Б.П.Вейиберг рахбарлигида олиб борилган. Яратилган қурилмалар бир поқонали бўлиб, минераллашган сув буғланиш шароитлари ва қурилма туби ва ён томон деворларини изолясия билан бир-бирларидан фарқ қилишган. Бундай қурилмаларнинг Ф.И.К 29 % ни ташкил етган.

Парникли қуёш сув чучитгичларини эксперимантал ва назарий йўллар билан тадқиқ қилиш ишларига Осиё мамлакатлари олимларига В.П.Вейнберг, В.Б.Венберг, К.Т.Трофимов, В.А.Баум, Г.Я.Умаров, Л.М.Бридлик, Р.Б.Байрамов, А.Н.Текучев, Л.М.Розенфелд, А.К.Какабоев, шунингдек, чет мамлакат олимларидан Г.Леф, М.Телкас, Л.Ейблинг, Е.Салам, Ф.Даниелс, Ф.Тромб, Ф.Фокс, М.Марел, И.В.Бломер, П.И.Купер, П.И.Морзе ва бошқаларни келтирса бўлади.

МУҲОКАМА

Парник типли қуёш чучитгич қурилмаларда ўтказилган илмий-назарий тадқиқотлар ва ҳисоб-китоб натижалари асосида қурилманинг ички камерасида кечадиган баъзи физик жараёнларни кўриб ўтамиз. Қурилманинг шаффоф юзасига кириб борадиган энергия шўрланган сувнинг сиртини иситади. Шўрланган сув ҳажми бўйлаб қуёш нурланиши иссиқлик энергиясига айланади. Бу албатта шўрланган сув идишининг бутун ҳажми бўйлаб конвекция жараёни юз беради.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



1-расм. Парникли қуёш сув чучитгич қурилмасида қуёш сув буғларининг траекторияси ва ўлчов нуқталарининг схематик тасвири.

Ҳароратни ўлчаш нуқталари: 1,2,4-чап нишабнинг ташқи юзасида; 5,6,7-чап нишабнинг ички юзасида; 8,9,10-ўнг нишабнинг ташқи юзасида; 11,13,14-ўнг нишабнинг ички юзасида; 16-шўр сув юзасида; 17-шўр сувнинг пастки қисмида; 18,19-юқори ва пастки сиртларда ва иссиқлик изоляциясида; 20,21,22,23-конденсация камерасидаги сув буғлари.

Сув буғлари шўрланган сув сатҳидан буғланади ва бутун ҳажм бўйлаб конденсат камерани аста секин тўлдиради. Маълумки H_2O сув буғлари ($\Delta\lambda_1$=0,8 мкм; $\Delta\lambda_2$=3,7 мкм; $\Delta\lambda_3$=18 мкм) тўлқин узунлигида ёруғлик нурланишини ютишга қодир. [Михиев 182-193].

Конденсат камерасини сув буғининг маълум бир консентрациясида сув буғи билан тўлдиргандан сўнг, қурилманинг шаффоф юзасига кириб борадиган қуёш нурлари сув буғлари томонидан сўрилади, қолган кириб борувчи қуёш нурлари шўр сув юзасига киради. Қуёш нурлари конденсат камерасининг ҳажмидан ўтганда нурланишнинг бир қисми ($\Delta\lambda_1$=0,8 мкм; $\Delta\lambda_2$=3,7 мкм; $\Delta\lambda_3$=18 мкм) сув буғлари молекулалари томонидан сўрилади, шунда энергия сув буғлари ҳажмига сингиб кетади. Бундай холда фақат λ_1=2,2 – 3,0 мкм, λ_2=4,8 – 8,5 мкм ва λ_3=12 – 30 мкм, тўлқин узунликдаги фотонлар сўрилади, энергияси эса E_1=9,27 – 6,62 * 10^{20} Ж; E_2=4,137 – 2,34 * 10^{20} Ж; E_3=1,655 – 0,662 * 10^{20} Ж, частотаси ν_1=1,36 – 1 * 10^8 Гц; ν_2=0,625 –0,353 * 10^8 Гц; ν_3=0,25 – 0,1 * 10^8 Гц, сув буғларига мос келадиган фотонлар катталиги. Бошқа энергияли фотонлар сув буғлари ҳажмида ютилмасдан ҳаракатланади.

Бир вақтнинг ўзида сув буғлари ҳажмида бошқа жараён содир бўлади. Сув буғлари молекулалари вақти-вақти билан фотонлар шаклида атрофдаги муҳитга (конденсат камераси ичида) иссиқлик энергиясининг бир қисмини йўқотади. Фотонларнинг “туғилиш” жараёни ҳар доим сув буғлари ҳажмида содир бўлади, сув буғлари консентрацияси қанча юқори бўлса, фотонлар “туғилиши” нинг интенсивлиги ва сув буғининг ҳарорати шунча юқори бўлади. Конденсатор

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

камераси ҳажмида пайдо бўладиган фотонлар сув буғларига мос келади. Ушбу ҳодисалар туфайли конденсатор камераси ҳажмидаги сув буғининг ҳарорати ошади, аммо шўр сув ҳароратига нисбатан 2-9 ^{0}C га ошади.

НАТИЖАЛАР

Конденсатор камераси ҳажмидаги конденсация жараёнларини аниқлаш учун чап ва ўнг ён нишабларнинг ички юзаларида ва шўр сув юзасида шудринг нуқталарини аниқлаймиз.

Кун давомида шудринг нуқталари қурилманинг ўнг нишабида 1-соатлик вақт оралиғида 1-формула бўйича ҳисоблаб чиқилган.

$$T_{шудринг}^{ўнг.н.} = \left(T_{с.б.} - T_{11,13,14}\right) - \frac{1-H\overline{R}_2}{0.05} \quad (1)$$

$T_{с.б.}$ -Сув буғлари ҳароратининг ўртача қиймати. T_{20}, T_{21}, T_{22}, T_{23}; $T_{11,13,14}$ – Ўнг нишаб ички сирти сув буғлари ҳароратининг ўртача қиймати, HR_2 – T_{11}, T_{13}, T_{14}. Ҳарорат нуқталари атрофидаги нисбий намлик,

Қурилманинг чап ён бағрида 1соат вақт оралиғи билан кун давомида шудринг нуқтаси [2] формула бўйича ҳисоблаб чиқилган.

$$T_{Ш.нуқ}^{чап.с.} = \left(T_{с.б.} - T_{5,6,7}\right) - \frac{1-H\overline{R}_{5,6}}{0.05} \quad (2)$$

$T_{5,6,7}$ -чап нишабнинг ички юзаси ҳароратининг ўртача қиймати, $HR_{5,6}$ – нуқталардаги нисбий намликнинг ўртача қиймати, HR_5 ва HR_6 -T_5, T_6 ,T_7 –ҳарорат нуқталаридаги нисбий намлик,

1-жадвал. Жадвалдаги ҳарорат қийматларидан кўриниб турибдики, 11,13,14 нуқталардаги ўртача ҳарорат 5,6,7 нуқталардаги қийматлар орасида каттароқдир.

№	Интервал время	$T_{5,6,7}$	$T_{11,13,14}$	$\Delta T = T_{11,13,14} - T_{5,6,7}$	$m_{пров.}$	$m_{левый}$
1	8:00 – 9:00	35,73	36,27	0,54	94,5	172,9
2	9:00 – 10:00	42,13	45,04	2,91	128,7	232,4
3	10:00 – 11:00	44,93	49,76	4,83	127,1	294,4
4	11:00 – 12:00	47,17	49,77	2,6	162,8	342,6
5	12:00 – 13:00	48,63	53,5	4,87	229,7	338,6
6	13:00 – 14:00	50,33	54,9	4,57	199,6	394,9
7	14:00 – 15:00	50,33	54,4	4,07	345,6	462,7
8	15:00 – 16:00	48,8	52,7	3,9	354,2	462,03
9	16:00 – 17:00	46,5	45,55	2,05	312,5	360,8
10	17:00 – 18:00	43,43	43,6	0,17	288,5	269,3
11	18:00 – 19:00	38,22	38,55	0,33	233,4	209,1

Курилмадаги шўрланган сув сиртидаги нисбий намлик қуйидагича аниқланади.

$$T_{\text{ш.нуқ}}^{\text{сув.с}} = (T_{\text{с.б.}} - T_{16}) - \frac{1-\overline{HR}_{2,5,6}}{0.05} \qquad (3)$$

Бу ерда T_6 – шўр сув сатҳининг ҳарорати, шу нуқталардаги нисбий намлик, HR_2, HR_5 ва HR_6 -T_{16}-нуқтадаги нисбий намлик,

Ўнг ва чап нишабларнинг ички юзаларида, ҳар бир соат интервалда кун давомида шўр сув юзасида ҳисоблаш натижаларини 2-жадвалда келтирамиз.

№	Интервал время	прав. с. $T_{\text{Росси}}$, ^{0}C	лев. с. $T_{\text{Росси}}$, ^{0}C	сол.вод. $T_{\text{Росси}}$, ^{0}C
1	8:00 – 9:00	-0,14	3,4	7,96
2	9:00 – 10:00	-1,06	4,04	5,7
3	10:00 – 11:00	-2,56	5,86	0,86
4	11:00 – 12:00	-0,5	9,14	-0,2
5	12:00 – 13:00	2,84	7,64	3,96
6	13:00 – 14:00	4,7	9,62	-2,94
7	14:00 – 15:00	7,6	11,94	5,56
8	15:00 – 16:00	8,1	11,9	3,18
9	16:00 – 17:00	6,86	8,78	1,9
10	17:00 – 18:00	6,86	6,26	0,16
11	18:00 – 19:00	6,4	5,2	-0.06

Кўриниб турибдики, ўнг нишабдаги шудринг нуқталари тушлик соат 9-12 гача минус қийматларни қабул қилади, куннинг шу даврида бу сиртда конденсация бўлмайди. Шу билан бирга, куннинг шу даврида шудринг нуқтаси чап нишабда ва шўр сув сирти нуқталарида мусбат қийматларга эга, яъни бу сиртларда конденсат ажралиб чиқади.

Конденсация камерасининг қайси юзасида конденсация жараёни интенсив равишда амалга оширилиши кун давомида конденсацияланиш тезлигини муаллифлар томонидан тавсия этилган формуладан бир соатлик интервалда ҳисоблаб чиқдик.

ХУЛОСА

Кўриниб турибдики ички ва ташқи ҳар бир нуқтадаги температуралар режими ҳамда сув буғининг ҳарорати шўр сув ҳароратига нисбатан кўтарилишининг сабаблари ўрганилган. Ички камерада содир бўладиган физик жараёнлар ҳосил бўладиган шудринг нуқтасининг конденсация жараёни ёритилиб махсус формулалар орқали ёритилган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Б.Х. Ражабов, Э.С. Назаров, Ш.О. Собиров. Способ определения геометрических размеров теплицы.// Наука и образование: проблемы, идеи, инновации, 2018.67-69.
2. Б.Х. Ражабов. Анализ физических процессов в двухступенчатых солнечных опреснителях.// Вестник науки и образования. 2020.
3. Б.Х. Ражабов, Ф.Б. Ата-Курбонова. Метод выбора типов и рациональных геометрических размеров аккумуляторов энергии для солнечных опреснителей.// International Scientific and Practical Conference World science 1 (6), 2017. 53-54.
4. С.С.Ибрагимов. Определение геометрических размеров теплицы и способы подбора материалов.// Молодой ученый, (2016) С 105-107.
5. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
6. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.
7. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М., Составление программного обеспечения, алгоритм и расчет математической модели применения свойств солнечного опреснителя к точкам заправки топливом.// Молодой ученый, (2018) С 50-53.
8. Кодиров Ж.Р., Маматрузиев М. Изучение принципа работы устройстванасосного гелиоводоопреснителя.//Международный научный журнал «Молодой ученый», 26 (2018) С 48-49.
9. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.//Вестник науки и образования (2020)№ 20 (98). С 6-9.
10. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.
11. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-19.
12. Назаров Э.С., Юсупбеков А.Х. Вулканизация резиновых смесей на основе каучука СКМС-30 АРКМ-15 под действием керамических ИК - излучателей. Каучук и резина, 2005. №2. С.29-30.
13. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Научные основы использования минеральных ресурсов.// Международный академический вестник. 2019. № 12 (44) Уфа. С. 84-86.
14. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные направления в технологии композиционных материалов.// Международный академический вестник, 2018. №6 (26) С.75-78.
15. Назаров Э.С., Собиров Ш.О. Условия ультразвукового диспергирования слоистых минералов.// Проблемы и достижения современной науки. 2018. № 2 (1), С.74-75.
16. Назаров Э.С., Тураев О.Г. Перспективные достижения в области технологии композиционных эластомерных материалов.// Наука и общество в условиях глобализации. 2016. 62-65.
17. Юсупбеков А.Х., Назаров Э.С., Сагатов Б.Б. Математическая модель наполненных полимерных композиций фрикционного назначения.// Композиционные материалы. 2003. №2. С.17-19.
erkin va o'zaro bir-biri bilan ta'sirlashmaydigan deb hisoblashga imkon beradi ($R^{3+} - R^{3+}$ magnitodipol o'zaro ta'sir faqatgina T~1K temperaturada ahamiyatga ega bo'ladi). Shuning uchun, NY-granatlar – gallatlar va alyuminatlar temperaturaning keng sohalarida parametrik hisoblanadi va faqat ~2K dan past temperaturalarda antiferromagnit holatda bo'ladi. Lekin oxirgi vaqtlarda NY-birikmalar (granatlar ortoalyuminatlar va boshqalar) magnetizmida quyidagi asosiy faktdan aktiv foydalaniladilar. NY-granatlarning magnit qabul qiluvchanligi χ (asosan T ning past sohalari) ning temperaturaga bog'liqligini (o'zini tutishini) aniq ifodalash uchun D_2 simmetriyaga ega bo'lgan past (kam) simmetrik kristall maydonning NY-ionlar energetik spektriga ta'sirini hisobga olish zarur. Bu holat past temperaturalarda hisobga olinsa past simmetriyali (D_2, C_s va h.k.z. simmetriyani) o'zini notrevial tutadi. Birinchidan, NY-granat magnit qabul qiluvchanligi anizotropiyasiga, ikkinchidan, NY-ionlar (Dy^{3+}, Er^{3+}) qatori asosiy dubletining g- faktori kuchli darajada anizotrop bo'lib – uning yagona g-parallel komponentasi noldan farqli bo'ladi va ion faqat bir yo'nalishda magnitlanadi.

Past simmetriyasi KM effekti va ancha katta bo'lgan kristallografik anizotrop magnit energiyasi – kristall panjara bilan magnit momentining o'zaro ta'sir energiyasi R^{3+} NY-ion magnit momentlarini «izing» magnetikka aylantirib, granat kristallida aniq bir yo'nalish bo'yicha joylashtiradi. Kramers NY-ionlari holida, atrof simmetriyasi va KM ning aniq parametrlari, NY-ion o'zini «izing» magnitidek tutishda katta rol o'ynaydi. Kramers dubletining aniq to'lqin funksiyalaridagina g - tenzor anizotrop bo'ladi . Bundan tashqari KM NY-ioni qabul qiluvchanligining ancha katta anizotropiyasiga olib keladi va buning natijasida tajriba ma'lumotlari mos keladi. Turli kristallografik yo'nalishlar bo'yicha χ(T) temperatura bog'lanishining sifat jihatdan farqli xarakterini aniqlaydi. Ishga asosan $H_{kr} = \alpha_2 B_2^0 O_2^0$ ko'rinishdagi sodda gamiltonian bilan bir o'qli KM da kramers NY-ionining NY-ionining asosiy dublet holatini qarab chiqish mumkin. Ancha yuqori T da qabul qiluvchanlik izotrop bo'lishini ko'rsatish mumkin:

$$\chi_{//}^0 = \chi_{zz}^0 = \frac{2g_{j_0}^2 \cdot \mu_B^2 \cdot N}{3kT} \quad (1)$$

Bunda g_{j_0}- NY-ion asosiy multipleti Lande faktori. Shu vaqtning o'zida, temperatura pasayishi bilan z o'qi bo'yicha qabul qiluvchanlik $\frac{1}{T}$ ko'rinishda o'sib boradi va $KT >> \Delta_1$ (Δ_1 -kramers ioni asosiy va birinchi qo'zg'olgan holatlari orasidagi masofa) shart bajarilganda ikki sathli sistemaning χ qabul qiluvchanligi ga mos keladi:

$$\chi_{//}^0 = \frac{M_{//}^0}{H} \qquad M_{//}^0 = \frac{1}{2}\mu_B \cdot g_{//} \cdot N \cdot th\left(\frac{\mu_B \cdot g_{//} \cdot H}{2kT}\right) \quad (2)$$

Bu holda «izing» o'qiga perpendikulyar bo'lgan, kristallografik yo'nalishga mos keladigan $\chi_{\perp}^0$ ko'ndalang qabul qiluvchanlik Van-Flek qo'shilishi kelib chiqishiga ega va temperatura pasayishi bilan doimiy (chegarada) limitga intiladi:

$$\chi_{\perp}^0 = \frac{g_{j_0}^2 \cdot \mu_B^2 \cdot N}{\Delta_1} \quad (3)$$

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

«Izing» NY-ioni qabul qiluvchanligiga qo'shiladigan bu ulush tashqi N magnit maydon qo'yilganda ionning asosiy holatiga qo'zg'olgan holatlarning «aralashishi» bilan Bog'liq. Umuman aytganda u, kristall magnitlanganda kramers dubletlarining og'irlik markazi siljishi bilan belgilanadi.

Asosiy holati singlet bo'lgan ($Pr^{3+}, Eu^{3+}, Tm^{3+}$) nokramers NY-ionlari uchun g'alayonlanish nazariyasi bo'yicha faqatgina asosiy holatga qo'zg'olgan sathchalarning «aralashishi» ni hisobga olganda noldan farqli magnit momenti yuzaga keladi (Van-Flek mexanizmi).

MUHOKAMA

Granat kristall maydonidagi (Tb^{3+}, Ho^{3+}) nokramers NY-ionlarining asosiy holati ikkita yaqin joylashgan singlet-kvazideblet ko'rinishida bo'ladi. D_2 simmetriyali joy egallagan NY-ion uchun «izing» o'qi orientastiyasi (nokramers NY-ionlari holidagidek) KM parametrlarining aniq kattaligiga bog'liq emas. Ammo, berilgan kvazidublet hosil qilgan shtark singletlari funksiyalari simmetriyasi bilan aniqlanadi.

Umuman aytganda, D_2 simmetriya holatida, «izing» o'qi yo'nalishi 2-tartibli burish o'qlarining biri bilan mos keladi (ya'ni kristallografik koordinatalar sistemasining o'qlaridan biri bilan). N tashqi magnit maydon tomonidan ajratilgan. NY-ionining (granat strukturasida -noekvivalent pozistiyani egallagan) kvazidublet energiya sathlarini quyidagicha ifodalash mumkin:

$$E_n^{(\pm)2} = E_n^{(0)r} \pm \frac{1}{2}\Delta_n^{(r)};$$
$$\Delta^{(r)} = \sqrt{\Delta_0^2 + (\mu_\alpha H)^2}$$

(4)

Bu erda $\mu_\alpha = g_0 \cdot \langle a | \hat{j}_a | b \rangle \cdot \mu_B$ - kvazidublet magnit momenti; $E_n^{(0)}$ - kvazidubletning «og'irlik markazi; $|a\rangle, |b\rangle$ - singletlarning to'lqin funksiyalari; Δ_0 -past simmetik KM da kvazidubletning boshlang'ich ajralishi» («parchalanish»); μ_a parametrlar (burchakli moment operatori komponentasi) $\hat{j}_k$ operator matrista elementlari kattaliklari bilan aniqlanadi, xuddi shunday bo'lar g - tenzor simmetriya o'qi (ya'ni «izing» o'qi) yo'nalishini aniqlaydi. Tb^{3+} va Ho^{3+} ionli granatlar – gallatlar va alyuminatlar uchun Δ_0 da parametrlar KM nazariyasi bo'yicha hisoblangan. Shuni takidlash kerakki odatda granat strukturasida Tb^{3+} va Ho^{3+} ionlar keskin anizotrop g - faktorga ega (g-faktor komponentalardan biri boshqa ikkitasiga nisbatan ancha katta bo'ladi), bu esa ular magnitlanishing «kvaziizing» xarakterini ifodalaydi.


Haqiqatdan, agar nokramers NY-ionining asosiy holati kvazidublet bo'lsa va asosiy multiplet qo'zg'olgan shtark sathchalaridan etarlicha katta energetik interval bilan ajratilgan holatlarning (g'alayonlanish nazariyasi ikkinchi tartibda) «aralashishi» Van-Flek taklifi yordamida NE-sistemani magnitlanishi past temperaturada hisoblanganda, u ikki sathli sistema magnitlanishiga mos keladi. Xuddi shunday asosiy holatga ega nokramers NY-ionlar z - o'qiga perpendikulyar yo'nalishida (maydon bo'yicha chiziqli yaqinlashishida) magnitlanmaydilar.

Turli xil kristall pozistiyalarda joylashgan magnitoaktiv ionlarning spektrini farqlash uchun turli kristallografik yo'nalishlarda magnitlash kerak bo'ladi. Bunda ionning optik spektridan farqli ravishda, qo'yiladigan tashqi magnit maydon


EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

kristalldagi aynishni pasaytiradi va ionning elektron holatlarini «qo'shilishini» ta'minlaydi. Shuningdek magnit maydondagi kristalldagi NY-ioni uchun tanlash qoidasiga binoan ruxsat etilgan o'tishlar soni kamayishiga olib keladi. NY-granatlardagi optik o'tishlarning matrista elementlari uchun tanlash qoidasini hisobga olish etarlicha soddalashadi hamda shtark sathchalarning to'lqin funksiyalari simmetriyasini aniqlash imkonini beradi. Bunda shtark sathlarda $4f-4f$ taqiqlangan (elektrodipol yaqinlashishda) o'tishlar sodir bo'ladi.

NY –ortaluminat tuzilishga ega bo'lgan birikmalar optik nuqtai nazardan ikki o'qli kristallardir va ularni o'rganishda chiziqli magnitooptik effektlarni o'rganishda katta tabiiy ikkilamchi sinish uchun ($\Delta n \sim 10^{-2}$) jiddiy muammo yuzaga keladi [1,3]. Shuning uchun $TbAlO_3$ dagi polarizatsiya ellipsining katta o'qi burilish θ burchaklarining to'lqin uzunligiga λ bog'liqligi tebranuvchi xarakterga ega (1-rasm), va tebranishlar amplitudasi Faradeyning burilish burchagiga α_f , davri esa tabiiy ikkilamchi sinishi qiymatiga Δn mutanosib. Eksperimental ma'lumotlardan aniq ko'rinib turibdiki (1-rasmga) haroratning pasayishi bilan tebranishlar amplitudasi keskin oshadi, bu $V=2\Delta n\cdot\pi\cdot\theta/\lambda\cdot H$ formulaga muvofiq V doimiyning oshishiga to'g'ri keladi. Bundan tashqari, burchakning T haroratiga tebranish bog'liqligi haroratning pasayishi bilan tebranish davrining pasayishini aniq ko'rsatadi, bu esa past temperaturalarda Δn o'sishini ko'rsatadi. $TbAlO_3$ da Verde doimiysi V ning spektral o'zgarishini tahlil qilish $V\sim\omega^2/(\omega^2_0-\omega^2)$ chastotaviy bog'liqligi yaxshi aniqlik darajasi bilan yaqinlashtirilganligini ko'rsatdi. Bu erda ω - yorug'lik chastotasi, $\omega_0=99\times10^{14}s^{-1}$ - ortalüminat strukturasida tuzilishidagi Tb^{3+} ionlaridagi 4f-5d elektr dipol ruxsat etilgan o'tishlarining (spini va juftligi bo'yicha) "effektiv" chastotasi. Shu bilan birga, 90-300K harorat oralig'ida [110] o'qi bo'ylab $TbAlO_3$ da t FE ning haroratga bog'liqligini o'rganish λ=506 nm to'lqin uzunligida teskari Verdet doimiysining 1/V T haroratga bog'liqligi chiziqli bo'lib chiqadi (eksperimental xato chegarasida ichida ~5÷7%). Shunday qilib, [110] o'qi yo'nalishi bo'yicha $TbAlO_3$ ortoaluminatining Verde doimiysi $V_{[110]}$ temperaturaga teskari proporsional (V~1/T), bu an'anaviy bog'liqlikdan (V~χ) sezilarli darajada farq qiladi [22].



Rasm 1. $TbAlO_3$ kristalli qutblanish ellipsi katta o'qining buralish burchagi spektral xarakteristikasi: (-◦-) – 90K; (-•-) - 300K; H‖[110].



Rasm 2. Verde doimiysining turli temperalardagi (90K va 300K) spektral xarakteristikalari.

XULOSA

1. NE - ortaluminat $TbAlO_3$ ning Verde doimiysining 4200 - 7500 A to'lqin uzunliklari oralig'ida, 90 - 300K harorat oralig'ida harorat va spektral bog'liqliklari batafsil o'rganildi. Magnit kirituvchanligi χ ning haroratga bog'liqligidan, [110] o'qi bo'ylab o'lchangan Verde doimiysi haroratga teskari proporsional.

2. $TbAlO_3$ kristallning [110] o'qi bo'ylab o'lchangan Verde doimiysining haroratga teskari proporsionalligi, tajribaning berilgan geometriyasida Faradey aylanishida (tashqi H maydonda) Tb^{3+} - NY-ion elektron holatlarining Van-flek "aralashishlari" mexanizmining hissasi yo'qligi bilan bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Saidov Q.S., Bekmurodova M.B. Complex movement of object.// International Scientific Journal. 85:5 (2020), pp. 316-322.
2. Очилов Л.И., Арабов Ж.О., Ашурова У.Д. Измерение преобразования потенциальной энергии в поступательную и вращательную энергию с помощью колеса максвелла.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 18-21.
3. Shavkatovich S.F., Baxtièrovna N.Y.Changes occuring in ferromagnets by adding some mixture.// Scientific reports of Bukhara StateUniversity. (2020),pp8-13
4. Dzhuraev D.R., Turaev A.A. Features of key parameters of field transistors.// Scientific reports of Bukhara State University, (2020)№2 PP7-10.
5. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С., Аскаров М.А. Зависимость магнитно модулированной структуры от ориентации поля в кристалле.// Вестник науки и образования. (2020) № 18(96) Часть 2 С 6-9.
6. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020) С 4-6.
7. Turaev A.A. Термочувствительный параметр полевого транзистора в режиме ограничения токов.// №2 С 81-84.
8. Valiev U.V., Dzhuraev D.R., Malyshev E.E., Saidov K.S. Electronic structure of the ground multiplet of the Dy3 + ion in the DyAlO3 orthoaluminate.// Optics and Spectroscopy. (1999) PP 703-706.
9. U.V. Valiev., V. Nekvasil., Sh.I Mukhamedhanova., D.R. Dzhuraev., K.S.Saidov. Experimental Definition of Zeeman Splitting of Excited States of Tb3+ Ion in Y3Al5O12.// Physica status solidi (b) (1999). PP 493-501.

10. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020). С 4-6.

11. Saidov.Q.S. , Bekmurodova.M.B. The problem of teaching heat transfeer and heat exchange in schools and lyceums.// JournalNX-A Multidisciplinary Peer Reviawed Journal 6:9 (2020), pp. 176-183.

12. Boidedaev S.R., Dzhuraev D.R., Sokolov B.Y., Faiziev S.S. Effect of the transformation of the magnetic structure of a FeBO3:Mg crystal on its magnetooptical anisotropy.// Optics and Spectroscopy 107:4 (2009), pp. 651.

13. Шарипов М.З., Соколов Б.Ю. Файзиев Ш.Ш. Влияние перестройки магнитной структуры кристалла FeBO3:Mg на его магнитооптическую анизотропию.// Наука, техника и образование 10:4 (2015), С. 15-18.

14. Astanov S., Niyazkhonova B.E. Luminescent properties of vitamins in monomeric and associated states in a polar solvent.// Journal of Applied Spectroscopy. 55:5 (1991), pp. 1103-1106.

15. Nasirova N.K. Bound and ground states of a spin-boson model with at most one photon: non-integer lattice case.// Journal of Global Research in Mathematical Archives (JGRMA) 6 , (2019) PP 22-24.

16. Файзиев Ш.Ш., Саидов К.С. Электронная структура основного мультиплета иона диспрозия в ортоалюминате.// Academy, (2020) С 4-6.

17. Ибрагимов С.С., Кодиров Ж.Р., Хакимова С.Ш.. Исследование усовершенствованной сушилки фруктов и выбор поверхностей, образующих явление естественной конвекции.// Вестник науки и образования. (2020). №20 (98). С 6-9.

18. Кодиров Ж.Р, Хакимова С.Ш, Мирзаев Ш.М. Анализ характеристик параболического и параболоцилиндрического концентраторов, сравнение данных, полученные на них.// Вестник ТашИИТ №2 2019 С 193-197.

19. Кодиров Ж.Р., Мавлонов У.М., Хакимова С.Ш. Аналитический обзор характеристик параболического и параболоцилиндрического Концентраторов.// Наука, техника и образование 2021. № 2 (77). С 15-1

20. С.С.Ибрагимов. Проектирование двухскатной теплицы с эффективным использованием солнечного излучения.// Молодой ученый, (2016) С 103-105.

21. С.С.Ибрагимов. Результаты испытания водоопреснителя парникового типа.// Молодой ученый, (2016) С 67-69.

22. Ахатов Ж.С., Самиев К.А., Мирзаев М.С., А.Э.Ибраимов А.Э. Исследование теплотехнических характеристик солнечной комбинированной опреснительно-сушильной установки.// Гелиотехника. 2018. № 1. С.20 -29.

23. Мирзаев М.С., Самиев К.А., Мирзаев Ш.М. Экспериментальное исследование растояния между испарителем и конденсатом наклонно-многоступеньчатой опреснительной установки.// Гелиотехника. 2018. № 6. С.27 -34.

24. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons.// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.


25. Juraev Kh. Training materials on sources of the alternative energy in integration of natural sciences.// Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. – Vienna, 2015. – P. 32–35.

26. Juraev Kh.O., Khamdamova N.M. Using alternative energy sources in education.// Modern humanitarian research. – Moscow, 2015. №3. – P. 42–48.

27. Juraev Kh. Ways of using educational materials on alternative energy sources at natural lessons// European science review. – Austria, 2018. № 1-2. –P. 177-180.

28. Kahhorov S.K., Juraev Kh.O. Use of alternative energy sources at the natural sciences lessons.// The Way of Science. 2017. №2 (36).–P. 148-150.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



BUKHARA FOLK ART AND ITS FEATURES

Janibekova Yulduz Mamarajab qizi [1]

[1] O'zMU master

https://doi.org/10.5281/zenodo.4718274

ARTICLE INFO

Received: 21th April 2021
Accepted: 23nd April 2021
Online: 25rd April 2021

KEY WORDS

tradition, wedding, "Madaniyat", " Folklor", "Nikoh to'yi", "Buxorocha va Mavrigi", , "Sallabandon", "Guli surx", "Zang raqsi""Lachak taqish", "Qayroq ufori"," Ufor", "Larzon" "Lola sayli", "Kindik tushdi", "zirak taqish"

ABSTRACT

This article examines the scientific study of folklore in the system of traditions and national culture. In addition, the local forms of wedding ceremonies in the system of national folklore genre, their functions are revealed. In particular, the peculiarities of wedding ceremonies in Bukhara region were studied.

BUXORO FOLKLOR SAN'ATI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

Janibekova Yulduz Mamarajab qizi [1]

[1] O'zMU magistranti

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

"Madaniyat", " Folklor", "Buxorocha va Mavrigi", , "Sallabandon", "Guli surx", "Zang raqsi""Lachak taqish", "Qayroq ufori"," Ufor", "Larzon" "Lola sayli", "Kindik tushdi", "zirak taqish"

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada milliy madaniyatimizning ko'rinishlaridan bo'lgan folklor, uning o'ziga xos xususiyatlari, shakllari tadqiq etilgan. Shuningdek, Buxoro folklori,uning namoyon bo'lishi, yoshlarda badiiy-estetik didni rivojlantirishiga ta'siri va zamonaviy ahamiyati tahlil etilgan.

Qadimdan diyorimizning ko'rkam va madaniy-ma'rifiy maskanlaridan biri bo'lgan Buxoroiy sharifning boy xalq ijodiyoti o'zining hayotbaxshligi, va ayni payta, kasbiy musiqa shakllanishida muhim manba bo'lganligi bilan ham benihoya ahamiyatlidir. Xalq og'zaki ijodi turli soha olimlari (folklorshunos, etnograf, adabiyaotshunos, va b.) tomonidan tadqiq etilgan.[1]Bu jixatdan alohida e'tiborli va qimmatli fikrlarni san'atshunoslik fanlari doktorlari F. Karomatli, I. Rajabov, T. Vizogo va A. Nazarovlarning tadqiqotlarida ko'ramiz.

Mutaxassislar Buxoro an'anaviy musiqasining kelib chiqish negizlarini aniqlashda, hamda o'ziga xos xususiyatlarni anlab olishda bir qator manbalarni inobatga olish zarurligini qayd etdilar. Masalan, musiqashunos olimlar A. Nazarov va R. Yunusovlarning fikricha, " Zardushtiylik (milloddan avvalgi XV asrdan)", budizm (Kushon podsholigi, miloddan avvalgi I asr-milodning III asri) diniy qo'shiqchiligi bilan, sosoniy, kushan va turkey (V – VII asrlar) sulolasining saroy musiqachiligi an'analari bilan uzviy bog'liq bo'lgan Buxoro musiqasi mahalliy asoslari, bir tomondan, hind- eron merosini, ikkinchi tomondan, turkey merosni o'ziga singdiradi. O'rta asrlarda ana shunday boy ijodiy negizda Buxoro ko'pgina milliy (eron, arab, tojik va boshqa) hamda mahalliy (Farg'ona, Toshkent, Xorazm va hokozo) musiqa uslublarining shakllanishiga kata ta'sir ko'rsatdi.[2] Bu fikirga katta asos bor albatta. Buxoro musiqasida qadimdan kelayotgan turli etnik guruhlarning musiqiy qadryatlari bir-biririga bog'lanib ketganligi shubha tug'dirmaydi. Biroq bu hudud musiqasining boshqa mahalliy musiqa uslublari shakllanishiga ko'rsatgan ta'sirini asoslovchi kuchli ilmiy dalil yo'q bizda. Bu masalaga taniqli mushiqashunos olim Fayzulla Koromatli tomonidan turli yil (1960. 1982) larda Buxoro shahri va viloyatlarida uyushtirilgan ilmiy ekspeditsiya natijalarioydinlik kiritishi mumkin edi. Chunki ekspeditsiya davomida viloyatning uzoq tuman va shaharlarida istiqomad qilayotgan aholi hayotida kechayotgan musiqiy jarayonlar, hamda baxshilar ijodida yuzaga kelgan turfa an'ana va musiqiy namunalar magnit tasmalarga yozib olingan. Afsuski, atoqli olim jamlagan qimmatli ma'lumotlar va musiqiy materiallar to'liq holda chop etilmagan, balki maxsus hisobot tarzida yozilib, San'atshunoshlik instituti kutibxonasiga topshirilgan. Ekspeditsiya davomida magnit tasmalarga tushurilgan nashr ettirilgan " O'zbek xalqi musiqa merosi (XX asrda)" turkumida e'lon qilingan.[3]

Fayzulla Karomatlining Buxoro hududi bo'ylab qilgan musiqiy-folklor ekspeditsiyasining natijasi o'laroq olimning o'zbek musiqasida mavjud to'rta asosiy mahalliy (Farg'ona – Toshkent , Surxondaryo – Qashqadaryo, Xorazm va b.) uslubning biri – Buxoro – Samarqand musiqa uslubi ilmiy idrok etilgan edi. Olimning bu kabi ilmoy hulosalari musiqashunoslik fanida hozirgi kungacha e'tirof etilgan " O'zbekiston milliy ensiklopediyasi"ning ikkinchi jildida " Buxoro – Samarqand musiqa uslubi"ga quyidagicha ta'rif berilgan: " Buxoro – Samarqand musiqa uslubi shu shaxarlar va viloyatlarning hududlarida muayyan ijtimoiy – tarixiy vaziyat kesimida uzul – kesil qaror topgan va ustuvorlik maqomiga yuksalgan musiqiy an'analar majmuidir. Qadimdan madaniyat maskanlari bo'lmish bu vohalarda cholg'u kuylari, xalq qo'shiq va ashulalari hamda mumtoz musiqa ijodiyoti namunalari keng

[1] To'raev F.J Buxoro mug'anniylari. - .: Fan. 2009. – 323 b
Remel L.I. Aritekturniy opnament Uzbekistana. Istoriya razvitaya I reoriya postroeniy.: -T., 1961.-604 s

[2] Alimbayeva K ., Axmedov M. Narodnaya muzikanti Uzbekistana. – T.: Goslitizdat. 1959. -127 s.

[3] Ibragimov O. Fargano - Tshkentskie. – T.: Media Land. 2006 – 175 s

o’rin tutadi. Ayniqsa, kasbiy musiqa yo’nalishlari xilma- xilligi va musiqa voqeligida keng yoyilganligi bilan ajralib turadi”.[4] Bu yerda Buxoro va Samarqand musiqa an’analari, jihatdan yaqinligi nuqtai nazardan bir uslubiga birlashtirib berilgan. Masalan, Buxoro-Samarqand mahalliy musiqa uslubining o’ziga xos jihatlaridan biri sifatida ikki tillilik (shiru – shakar) an’anasi tilga olinib, bunda ham xalq musiqasi, ham kasbiy musiqaga doir ko’plab aytimlar o’zbek va tojik tillarida kuylanishi qayd etilgan. Lekin bu kabi ta’riflarda Buxoroning o’zigagina xos, ammo musiqashunoslikda hanuz o’rganilmagan “Sozanda”, “ Bahri tavil”, “Chillaki”, “Chorchillaki”, “Zaboniy”, “Javoniy”, “Mayda g’azal”, “Mavrigi” va “Buxorocha”lar alohida bir uslubni ifodalashi takidlanmaydi, balki “Buxoro – Samarqand uslubi” iborasida umumlashtirilib yuritiladi. Holbuki, Buxoro musiqa an’analarini Samarqand uslubidan alohida ajratib turuvchiboshqa ko’rinishlari ham oz emas. Ayni paytda Samarqandning ham o’ziga xos musiqiy an’analari mavjud. Shu singari omillarni inobatga oladigan bo’lsak, bu har ikkala hududning betakror musiqa an’analarini “Buxoro – Samarqand ” iborasida umumlashtirilishi unchalik ham asosli emasligi ko’zga tashlanadi.

To’g’ri, Buxoro musiqasida mavjud qator jaraglar va ijro yo’sinlari Samarqand madaniyatida ham mavjud. Hattoki, Buxoro Shashmaqomining mohir ijrochilari Samarqandda ham bo’lgan. Lekin Shashmaqomning Buxoroga xos ohang kuy ijro yo’nalishlari ma’lum darajada Samarqanddan farq qiladi.

Xullas, hozirgi davr o’zbek san’atshunoslari oldida turgan yangi ilmiy vazifalar asnosida bu har ikkla hudud musiqiy an’analarini alohida o’rganish dolzarb ekanligi shubha tug’dirmaydi. Shundan kelib chiqqan holda mazkur dissertatsiya mazmunida Buxoro musiqiy an’analariga alohida badiiy qiymatli hamda ilmiy tadqiqotga munosib mavzu sifatida yondosharkanmiz, bu borada o’rganilayotgan ob’ekt bo’yicha uslubiy tayanchlardan biri bo’lgan quyidagi dastlabki ilmiy ta’rifni keltiramiz: *Buxoro musiqiy an’analari deganda biz Buxoroiy sharif va uning hududlarida barqaror tus olgan, badiiy qiymati yuksak, lekin shaklu shamoyili va ijrochilik uslubi bilan o’zbek musiqasida alohida o’ringa ega musiqiy qadryatlar majmuyini tushunamiz.*

Shu o’rinda alohida takidlash joizki musiqiy merosining ajoyib namunalari bo'lmish “Buxorcha” va “Mavrigi” turkum taronalarining ham o'ziga xos poetik tabiati, tarixiy ildizlari, shakllanish bosqichlari va ijro uslublari mavjud. Bu borada o’zining kata mehnatlarini ayamagan folklorshunos olim, filologiya fanlari doktori, professor Oxunjon Safarov, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist, ustoz Orif Atoyev, professor Fayzulla To'rayevlarlarning zahmatli mehnatlarini tilga olish joizdir. Ularning qalamiga mansub “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalari kitobida mazkur qo'shiq-raqs turkumlarining paydo bo'lish tarixi, tarkibiy tuzilishi, badiiy estetik xususiyatlari haqida batafsil ma'lumot berilganligi, ilk bor mazkur turkumlarga mansub qo'shiqlar matn va kuylar notasining nisbatan mukammal jamlanganligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

Bir qarashda mazkur turkumlar haqida ustozlarimiz tomonidan hamma fikr uzil-kesil aytilganday, hamma narsaga nuqta qo'yilganday tuyuladi. Lekin ularni har bir ijodkor, har bir tadqiqotchi o'zicha talqin va idrok etishga, yurak va shuur prizmasidan o'tkazib talqin qilishga haqlidir, menimcha.

[4] Safarov O., Atoev O., To’raev F. Buxorocha va Mavrigi taronalari. – T.: Fan. 2005. -277 b.
Pugachenkova G.A. Sredneaziatskie miniatyuri (XVI – XVIII vekov izbrannix obrazax). – T.: Glavnaya redaklopediy. 1994. – 54 s

Buxoroda shakllangan va taraqqiy topgan “Buxorcha” va “Mavrigi” qo'shiq-raqs turkumlari haqida tarixiy-madaniy ildizlarini, shakllanish bosqichlarini, ijro xususiyatlarini, ijrochilar repertuarining o'ziga xosliklarini, boshqa madaniy-qo'shiqchilik an'analari bilan bog'liqligini filologik, madaniyatshunoslik, tarixiy-etnografik va musiqashunoslik nuqtai nazarlaridan xolis va keng o'rganish va ularning madaniyatimiz tizimidagi o'rnini belgilash mamlakatimizda madaniyat va san'at sohasida izchil o'zgarishlar kechayotgan jarayonda alohida dolzarblik kasb etmoqda.[5]

Chunki Buxoroni, bu hududda yuzaga kelgan madaniyatni, buxoroliklarning madaniy-ruhiy qiyofasini anglash uchun “Buxoro shashmaqomi” bilan birga “Buxorcha” va “Mavrigi” turkumlarining mohiyatini nafaqat musiqiy fan, balki falsafa, ilohiyot, filologiya, tarix, psixologiya va boshqa ijtimoiy fanlar nuqtai nazaridan ham tushunish va idrok etish kerak. Avvalo, ta'kidlash joizki, “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalarining ikki tilda – o'zbek va tojik tilida ijro etilishi Buxoro qo'shiqchiligiga xos zullisonaynlikning yaqqol ifodasidir.

“Buxorcha” va ayrim hollarda “Buxorcha zang” nomlari bilan aytiluvchi bu turkumda maьlum vaqt birligida ijro etilishi ko'zlangan qo'shiq va raqslardan iborat qism ma'nosini ham anglatadi.

Buxoro to'y marosimlarida ijro etiladigan bu turkum to'ydagi vaziyatga, imkoniyatlar taqozosiga ko'ra uch paytdan iborat holda ijro etilardi.

“Buxorcha” turkumidagi ashula va raqslar doira, qayroq va zang singari urma cholg'ular jo'rligida ijro etilgan bo'lsa, hozir uning qadimiy ijro uslubi tub o'zgarishlarga uchragan. Hozirgi zamonamizga kelib, musiqa asboblar qatoridan rubob, tor, g'ijjak (skripka), elektron musiqa asboblari (organ), doira, dovul o'rin olgan. O'tmishda ijrochilar dastasi 3 – 5 kishidan iborat bo'lsa, endilikda 6 – 8 kishidan iborat. “Buxorcha” yoki “Buxorcha zang” ijrochilari ayollar bo'lgan. Bu xalq ijrochilik sanьatida ayollar bazmi uchun alohida asarlar silsilasining yuzaga kelishiga turtki bo'ldi. Buxoroda bu ijrochilarni “sozanda”deb aytiladigan hofizalar va raqqosalar guruhi ijro etardi. Bu qo'shiqlar saraxbor va naqoratdan iborat bo'lib, saraxbor yakkaxon tomonidan ijro etilsa (ayni zamonda uning o'zi raqqoslik ham qilgan), naqorat esa – ansamblь (jo'rnavozlikda) doira jo'rligida ijro etilgan.

Birinchi bo'limi – to'yona deyilgan, ikkinchisi – yakkaxonlik, uchinchisi – sargardonlik. Ularning matni sevgi-muhabbat mazmunida bo'lib, ayrimlari ulug'vorlik ruhiga sug'orilgan. Qo'shiqlar turkumi doyra jo'rligidagi raqs (zang) bilan tugagan, so'ngra hofizalar yana chiqishib, butun turkum jamoa ijrosi asosida intiho topgan.

“Buxorcha” ashula va raqs turkumi qanaqa to'yda ijro etilganiga qarab, aniqrog'i bazm yo shodiyonaning xarakteriga qarab, oxirida ilova tarzida bazm yo shodiyonani sharaflovchi “Muchal qo'shig'i” (muchal nishonlanayotganda), “Hinobandon qo'shig'i” (qizlar bazmi yo qiz yig'ini marosimida), “Chimildiq taьrifi” (chimildiqqa kirgan kelinu kuyov tabrigi), “Kelini xushro'y ovardem” (chiroyli kelinni keltirdik), “Sharbat yalatar qo'shig'i” (chimildiq bazmi va unga aloqador udumlar ijrosi jarayonida), shuningdek beshik to'yi yo xatna to'yiga ulanib o'tkaziladigan, kelin to'ng'ich farzandini ko'rganda, uni ona va ayol sifatida alqaydigan sallabandon (lachakbandon) marosimiga dahldor “Sallabondon qo'shig'i” singarilar ham kuylanadi. Bular turkumga alaqador emas,

“Buxorcha” – shashmaqom sho"balarining “Ufor” qismlari ohanglariga asoslangan serjoziba raqslarga behad boy. Undagi raqslar

[5] Safarov O., Atoev O., To’raev F. “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalari .:Toshkent “FAN”. 2005.

taqriban tubandagi besh ko'rinishda qaror topgan:

1. “Qayroq ufori” – faqat qayroq jo'rligida tez va quvnoq harakatlar zamirida qurilgan raqs.
2. “ Ravona ” – go'zalning xush raftori, nozik xiromi negiziga qurilgan bu raqs xonanda jo'rligidaijro etiladi.
3. “Ufor” – yakka raqqosa ijrosidagi ritmik raqs. Go'zal mushku anbarini taratib, tomashibinni sarxush etishga chog'langan xarakatlardan tarkib topgan raqs.
4. “Larzon” – faqat doira yoki bir necha doira jo'rligidagi sho'x – shaddot raqs. Bunda tanadagi xar bir a'zoning nafis titrog'i asosidagi dil o'rtaguvchi xarakatlar garmoniyasi orqali ma'no ifodalashga e'tibor berilgan. Bu raqs mustaqil yakka raqs sifatida ham alohida sho'xrat qozongan va ommalashgan. Bunda mashhur xoreograf I. Oqilovning xizmati katta rolь o'ynadi.
5. “Zang raqsi” yoki “Zang bandi” – qo'l, bel va oyoqlarga zang bog'lagan holda kuylanayotgan jo'rnavozlikdagi raqs.

“Buxorcha”dagi bu raqslarni ijro etishda kiyimga alohida e'tibor berish an'anaga aylangan. Chunki kiyim raqs shaklini ifodalovchi vosita bo'lib, unda raqsning turmushining qay bir jabhasiga aloqadorligi, insonni to'lqinlatirgan tuyg'u oqimi jilolanishidan tashqari sevgining umidbaxsh va iztirobli lahzalari o'sha kiyimning rangida, raqqosa harakatlariga uyg'un holda yelpinishlari, silkinishlari, qomatni yayratib tovlanishlari bo'rtib, akslanib turadi. Shu vajdan “Buxorcha”dagi raqslarni ijro etishda raqqosa, avvalo, har bir raqsga mos kiyim kiyishga alohida e'tibor bergan. Bu kiyimlarning aksariyati oq va qizil ranglarda bo'lishiga diqqat qilingan. Odatda raqqosa egnidagi zardo'zi ko'ylak yoki zardo'zi kamzulning yoqa va yenglari ham zar yo ipak bilan kashtalangan bo'lgan. Zardo'zi peshonabog' tang'ib olingan yoki kundal do'ppi kiyilgan.

Raqsdagi harakatlar jozibadorligini kuchaytirishda qayroq hamda qo'l bilagiga va belga solingan zang, shuningdek, oyoq bilagiga solingan zang yoki qo'ng'iroqchalar ham muhim qimmat kasb etgan.

“Buxorcha” raqslar aksari qomatni egmagan xolda ijro etiladi. Raqslar mazmunini to'ldiruvchi bu harakatlar esa: “qosh qoqish”, “elka qoqish”, “chashmak zani” – ko'z uchirdi, “maqomi gardon” – aylanish maqomi, “qarsi girda”- aylanma qars, “yakka qars”, “qo'sh qars”, “halqa yo musht”, “pardai ro'y”- yuz pardalash, “kulcha”, “siynalarzon”- ko'krak titratma, “larzon qanot ”- qanot qoqish, “larzon dast”- qo'l titratma, “panja larzon”- panja titratma, “charx”- chir aylanish, “charximiyon”- bel aylantirish, “charxi dutaraf” ikki tamonlama chir aylanish, “mor pechon” – ilon o'rama, mayda qadam singari nomlari borki, ularning xar bir ijrochi o'z mahoratiga mos tarzda bajara turib yangilaydi, natijada raqslarga yangi ruh bag'ishlaydi.

“Mavrigi” turkumi to'g'risida gap yuritganimizda ustoz Fayzullo To'rayev bu turkum migratsion qo'shiq ekanligi, lekin bu asrlar davomida Buxoroda – Buxoro san'ati va Eron san'atining sintezlashuvi asosida shakllanganligini aytgan. “Mavrigi” Marvdan zo'rlab Buxoroga ko'chirilgan barcha marvliklarning – nainki faqat fors-tojik, balki turkman, o'zbeklarning ham mushtarak ijodiy mahsulidir.

“Mavrigi” - turkumi Buxoroda to'y va shodiyonalarda faqat erkaklar ijrosida doira jo'rligida kuylanib, raqsga tushiladigan turkum qo'shiqlar silsilasi bo'lib, uch mustaqil asosiy payt va alohida payt sifatida shakllanib ulgurmagan qo'shiqlar va raqslar guruhidan iborat qo'shimcha qismdan tarkib topgan mustaqil asosiy paytlarning har biri o'z nomlanishiga ega bo'lib, bular quyidagicha:

Birinchi payt- “shahd”, o'n qo'shiq va undan ortiq raqslardan iborat. Ikkinchi payt- “Chorzarb”, bu payt ikki nusxada ijro etiluvchi yigirma to'rt qo'shiq va undan ortiq raqs tarkib topgan: birinchi nusxasi faqat tojikcha o'n to'rt qo'shiq va raqsdan iborat bo'lsa, ikkinchi nusxasi shiru shakar va o'zbekcha o'n qo'shiq va raqsdan tarkib topgan. Gap shundaki, bu ikki nusxa tinglovchilarning milliy tarkibi hisobga olingan holda ijro etilishga mo'ljallangan: aytaylik, tinglovchilarning ko'pchiligi tojiklar bo'lsa - tojik tilida ijro qilingan, o'zbeklar bo'lsa - o'zbek tilida ijro etilgan. Ayrim hollarda aralash holda ijro etish uchraydi.[6] Uchinchi payt- “Shikan-shikan”, o'n qo'shiq va raqsdan iborat.Qo'shimcha qismga mansub hazil qo'shiqlaru raqslar payt sifatida alohida nomga ega emas. Unda, asosan, hashoratlar, hayvonlar va odamlar haqidagi hazilomuz qo'shiqlar kuylana turib, raqsga tushiladi. Hozircha bu guruhga mansub sakkiz qo'shiq aniqlangan, bu qo'shiqlarning ayrimlari o'zbekcha ijrochilar repertuarida bir necha musiqalar uchraydi.

Mavrigilarni o'tmishda to'rt, keyinroq ayrim hollarda uch kishilik erkaklar ijro etishi an'anaga aylangan. Dastaning barcha a'zolari doira chalib, qo'shiq kuylaganlar, lekin raqsga tushmaganlar. Mavrigixonlar chaqirilgan davraga alohida raqqos va doiradast chaqirilgan, boshqa dasta tarkibiga kirmaganlar. Ammo vaqtlar o'tishi bilan raqsni ham mavrigixonlar dastasidagilarning o'zlari ijro eta boshlaganlar, chunki har gal alohida raqqos taklif etishning iloji bo'lmagan, qolaversa, alohida raqqosning moddiy kelishuvga ishiroki ham bunga mone'lik qilgan. Bu turkum, asosan, Buxoro shahar va qishloqlarida kuylanib kelinmoqa. Hozirgi zamonamizda mavrigixonlik ijrochilari zamonaviy musiqa asboblarda ijro etib kelmoqdalar.

Yana bir fikr shuki, “Mavrigi” turkumini, uning nomidan kelib chiqqan holda, sof eronlikliklarga mansub san'at namunasi sifatida talqin qilishga urinish hollari ba'zi san'atkorlar orasida uchrab turadi. Bunda fikrlarga qarshi dalil sifatida bir necha yil avval Eronlik san'atkorlar bilan ijodiy hamkorligimiz mobaynida biz eronlik san'at muxlislari va musiqashunos mutaxassislar oldida “Mavrigi” turkumini yaxlit ijro qilganimizda, Sharqdagi hamma san'at namunasini o'ziniki deyishga moyil bo'lgan eronlik san'atkorlar olimlar ijromizni diqqat bilan tinglab va tomosha qila turib: “faqat ijroning boshlanishi – “Shahd” Eronnikiga o'xshaydi, qolgan hamma qismi butunlay mustaqil sizlarnikidir” deb e'tirof etishganini alohida ta'kidlamoqchiman.

Shu bilan birga “Buxorcha” va “Mavrigi” qo'shiq-raqs turkumlarining madaniyatimiz tizimidagi o'rnini belgilashda alohida e'tibor qaratilishga muhtoj qator muammolar mavjudligidan ko'z yumib bo'lmaydi. Avvalo, mazkur qo'shiq-raqs turkumlarining barchasi to'laligicha to'planib, mukammal ilmiy sharhlar bilan nashr etilmaganligini, ilmiy-nazariy jihatdan o'rganish ishlari tarqoq holda olib borilayotganligini ta'kidlash kerak. Yana bir ilmiy e'tibor qaratilishi kerak bo'lgan jihat shuki, nimagadir “Buxorcha” turkumiga kirgan yozma adabiyot namunalarining aksariyati buxorolik shoirlarning ijodiga mansub emas (Soleh Buxoriy bundan mustasno). Jaloliddin Rumiy, Pahlavon Mahmud, Kamol Xo'jandiy, Abdurahmon Jomiy, Foniy Kashmiriy, Nozim Hirotiy, Zebuniso va Ishoq kabi turli darajada mashhurlikka ega shoirlarning asarlari undan joy olgani holda, keyingi VIII asr mobaynida Buxoroda tug'ilib, barkamol ijod qilgan o'nlab shoirlardan birortasining she'rlari, g'azallari turkumga kirmaganligi ajablanarlidir. Fikrimizcha, “Buxorcha”ning shakllanishida kelib chiqish jihatidan o'tmishda Buxoro bilan

[6] Safarov O., Atoyev O., To'rayev F. “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalari. 18 – 41betlar: Toshkent “FAN”. 2005.

bir tarixiy-madaniy makonda bo'lgan hududlarga mansub ijodkorlarning ishtirokini inkor qilib bo'lmaydi. Qolaversa, Buxorodan uncha olis bo'lmagan manzilda, aniqrog'i Qorako'l tumanida “Buxorcha” nomli qishloq mavjud. Menimcha, bu masala ham alohida tadqiqotlarga muhtojdir.

“Buxorcha” va “Mavrigi” taronalari yaxlit holda, tugal spektaklь sifatida umumiy ketma-ketlikda ijro etilishi kerakligi, bunday ijroning bir necha soat davom etishi hech kimga sir emas. Demak, ularni o'z nafosati bilan ijro etish uchun alohida yuksak mahorat talab qilinadi. O'tmishda bu yo'lni tanlagan shogirdpeshalar ustozlar yonida 10-12 yil davomida “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalarini ijro qilish sirlarini o'rganganlar. Biz esa oliy o'quv yurtlarida o'qitiladigan bir yillik o'quv dasturlari asosida talabalarga bu taronalarni yuksak mahorat bilan ijro qilishni o'rgatishni istaymiz, ammo, bu juda mushkul ish ekanligini anglamaymiz. Natijada yosh ijrochilar ko'p hollarda har ikki turkum o'rtasidagi tafovutlarni bilmasdan, ularni qorishtirib ijro qiladilar. Ijro shuncha qiyin bo'lsa, uni tomoshabinga yetkazish, tomoshabinning tushunib, qabul qilishi undan ham qiyin ishdir. Jamiyatda “Buxorcha” va “Mavrigi” qo'shiq-raqs turkumlari taronalaridan bahramand bo'lishga ma'naviy-ruhiy, madaniy ehtiyojni yuzaga keltirish dolzarb vazifalardan biridir.[7]

Qolaversa, “Buxorcha” va “Mavrigi” qo'shiq-raqs turkumlarini faqat bir xalqqa mansub deb qarash ularning umuminsoniy mazmunini pasaytirgan bo'lur edi deb o'ylaymiz. Ularga o'zbek va tojik xalqlarining mushtarak madaniy merosi sifatida qarash, ularning taraqqiyoti va shakllanishida, sayqallanib nafosatli ko'rinish olishida taqdir taqozosi bilan Buxoroni o'ziga vatan tutgan eroniy xalqlar, yahudiy, ozarbayjon va turkman xalqlariga mansub ijodkorlarning bebaho ulushi borligini inkor etmaslik kerak.


Yuqorida sanalgan masalalarni hal qilib, “Buxorcha” va “Mavrigi” qo'shiq-raqs turkumlarini madaniyatimiz tizimidagi o'rnini aniq belgilay olsak, biz ularni umuminsoniy madaniy mulkning tarkibiy qismiga aylantira olishimiz, YuNESKOning umumjahon nomoddiy merosi reprezentativ ro'yxatiga kiritishimiz va shu orqali xalqimizning, mamlakatimizning xalqaro maydondagi nufuzini yanada yuksaltirishimiz mumkin.

[7] Karomatov F. O'zbek an'anaviy qo'shiqchilik madaniyati tarixi. Toshkent. “O'qituvchi”, 1996, 115- bet;Yana; Buxorcha mavrigixonlik.- “Guliston ”jurnali,1996, 1- son, 41- bet.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. To’raev F.J Buxoro mug’anniylari. - .: Fan. 2009. – 323 b
   Remel L.I. Aritekturniy opnament Uzbekistana. Istoriya razvitaya I reoriya postroeniy.: -T., 1961.-604 s
2. Alimbayeva K ., Axmedov M. Narodnaya muzikanti Uzbekistana. – T.: Goslitizdat. 1959. -127 s.
3. Ibragimov O. Fargano - Tshkentskie. – T.: Media Land. 2006 – 175 s
4. Safarov O., Atoev O., To’raev F. Buxorocha va Mavrigi taronalari. – T.: Fan. 2005. -277 b.
5. Pugachenkova G.A. Sredneaziatskie miniatyuri (XVI – XVIII vekov izbrannix obrazax). – T.: Glavnaya redaklopediy. 1994. – 54 s
6. Safarov O., Atoyev O., To'rayev F. “Buxorcha” va “Mavrigi” taronalari. 18 – 41betlar: Toshkent “FAN”. 2005.
7. Karomatov F. O'zbek an'anaviy qo'shiqchilik madaniyati tarixi. Toshkent. “O'qituvchi”, 1996, 115- bet;Yana; Buxorcha mavrigixonlik.- “Guliston ”jurnali,1996, 1-son, 41- bet.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHODOLOGY OF TEACHING THREE-DIMEN MODELING USING THE PROGRAM "KOMPAS-3D"

Toxirov A'zamjon Ibrohim o'g'li [1]
[1] Andijon mashinasozlik instituti
Mashinasozlik ishlab chiqarishini avtomatlashtirish kafedrasi
Stajyor-o'qituvchisi
https://doi.org/10.5281/zenodo.4718298

ARTICLE INFO
Received: 21th April 2021
Accepted: 23nd April 2021
Online: 25rd April 2021

KEY WORDS
Engineering graphics, computer graphics, three-dimensional modeling, KOMPAS graphics editor, information technology.

ABSTRACT
The article discusses the methodology of teaching solid state modeling in the study of the subject "Engineering and Computer Graphics" for the formation of professional competencies of future professionals and their readiness to work independently on the creation of electronic three-dimensional models. KOMPAS-3D software.

"KOMPAS-3D" DASTURIDAN FOYDALANGAN HOLDA UCH O'LCHOVLI MODELLASHTIRISHNI O'QITISH METODIKASI

Toxirov A'zamjon Ibrohim o'g'li [1]
[1] Andijan Institute of Mechanical Engineering
Department of Automation of Mechanical Engineering
Trainee teacher

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 17-aprel 2021
Ma'qullandi: 21-aprel 2021
Chop etildi: 23-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
Muhandislik grafikasi, kompyuter grafikasi, uch o'lchovli modellashtirish, KOMPAS grafik muharriri, axborot texnologiyalari.

ANNOTATSIYA
Maqolada bo'lajak mutaxassislarning kasbiy kompetentsiyalarini shakllantirish va ularning elektron uch o'lchovli modellarni yaratish bo'yicha mustaqil ishlashga tayyorligi uchun "Muhandislik va kompyuter grafikasi" fanini o'rganishda qattiq jismlarni modellashtirishni o'qitish metodikasi muhokama qilinadi. "KOMPAS-3D" dasturi.

KOMPAS-3D dasturi uch o'lchovli va sirtni modellashtirish paradigmasiga asoslangan. "KOMPAS" grafik muharriri sizga standartlashtirilgan elementlar va mahsulotlarning ko'plab kutubxonalaridan foydalanishga imkon beradi, shuningdek dizayn hujjatlarini yaratish uchun ESKD standartlarining barcha talablarini qo'llab-quvvatlaydi. Undan foydalanish elektron chizmalar va modellarni ishlab chiqish

jarayonini jadallashtirish uchun keng imkoniyatlar ochadi, ularni bajarish jarayonida yuqori sifatni ta'minlaydi va hozirgi paytda muhim bo'lgan keng qo'llaniladigan kengaytma formatlarini qo'llab-quvvatlaydi (DWG, STEP, IGES, ACIS, DXF), bu turli xil CAD / CAM / CAE tizimlaridan ma'lumotlarni eksport qilishga imkon beradi


"Muhandislik va kompyuter grafikasi" fani quyidagi mavzular bilan tanishishni o'z ichiga oladi: kompyuter muhandislik grafikasi bilan tanishish, "KOMPAS-3D" dasturining maqsadi va xususiyatlari, chizmani kompyuterda ishlab chiqish bosqichlari, qismning modeli va xususiyatlari, model eskizlarini yaratish, modelni yaratish va tahrirlash, model bo'yicha chizmalarni bajarish, chizma parametrlarini o'rnatish, qirqimlar va qirqimlarni qurish, o'lchamlarni qo'yish va tahrirlash, matn kiritish.

Bunday katta hajmdagi materialni faqat zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda yoritish mumkin. Ushbu muammoni hal qilish usullaridan biri bu kompyuter muhandislik grafikasi bo'yicha mashg'ulotlarni tashkil qilish va o'tkazish uchun maqolada tavsiya etilgan metodikadan foydalanishdir.

O'qitish tajribasi shuni ko'rsatadiki, har bir amaliy mashg'ulot boshida tinglovchilar bilan o'zaro aloqalarni avtomatlashtirilgan test nazoratini o'tkazish orqali mustahkamlash mumkin. Uni amalga oshirish uchun ishlab chiqilgan dasturiy ta'minot qobig'i va test konstruktoridan, shuningdek har bir dars uchun yaratilgan test topshiriqlari bankidan foydalaniladi. Uni kompilyatsiya qilish va undan amaliy foydalanish kompyuter sinovlarini tayyorlashda ustuvor vazifa hisoblanadi.

Amaliy mashg'ulotlarda yangi o'quv savollarini tushuntirishda mini-ma'ruza va kompyuter labaratoriyasi kombinatsiyasidan foydalanish tavsiya etiladi. Grafik konstruktsiyalar xususiyatlariga qarab yangi material tahlil qilinadi va kompyuter grafikasi kursining bo'limlariga mos keladigan bloklarga bo'linadi.

Mini-ma'ruzani tinglashda tinglovchilarga minimal zaruriy nazariy materiallar taqdim etiladi, masalan, qismning modelini ishlab chiqishda asosiy operatsiyalar (1-rasm), qismning elektron rasmini ishlab chiqish va bajarish va boshqalar.



Jarayonlar	Detal elementlari	Jarayonlar	Eskiz uchun tekkisliklar
1	Asos qismi	ekstruziya	ZX
2	Slindr	Yopishtirish ekstruziyasi	ZX
3	Teshik	Kesish	ZX

1-rasm – Detalning 3d modelni ishlab chiqishda asosiy operatsiyalar

KOMPAS dasturida bir vaqtning o'zida namoyish etish bilan ma'ruza materialining taqdimoti amaliy dasturlardan o'qitish vositasi sifatida foydalanish imkoniyatini beradi, o'qitishda ko'rish printsipidan foydalanish orqali talabalarning vizual e'tiborini mavzuning muhim masalalariga qaratishga imkon beradi.

Amaliy mashg'ulotlarga o'z-o'zini tayyorlashda talabalar "KOMPAS-3D" elektron darsligidan va dasturiy ta'minot bilan ishlash bo'yicha uslubiy tavsiyalaridan ham foydalanishlari mumkin.

Murakkab materialni o'zlashtirishda o'quvchilarning bilim faolligini oshirish uchun o'rganilayotgan materialdan foydalanib erishilgan imkoniyatlar va natijalarni namoyish etish foydali ko'rinadi. Masalan, oynadagi tasvirni boshqarish, ishlab chiqilgan modelni turli yo'nalishlarda va har xil miqyosda ko'rish va hokazo. Bunday namoyishlardan so'ng tinglovchilarning aksariyati grafik to'plamni o'rganishga va dasturni modellashtirish va dasturdan foydalanishga ko'proq intilishadi.

Vazifalarni ishlab chiqishda va tanlashda grafik muharrirning nozik tomonlarini o'rganish uchun KOMPAS imkoniyatlarining keng arsenalidan foydalanish zarurati hisobga olinadi.

Vazifalarni ishlab chiqishda va tanlashda grafik muharrirning nozik tomonlarini o'rganish uchun KOMPAS imkoniyatlarining keng arsenalidan foydalanish zarurati hisobga olinadi.

Kompyuter muhandiligining rivojlanishi talabalarga fazoviy fikrlashni rivojlantirish, geometrik shakllar, ularning o'zaro konfiguratsiyasi va joylashuvi haqidagi bilimlarni mustahkamlashga imkon beradi.

Amaliy ishlash uchun taklif etilgan vazifalar talabalarning grafik madaniyatini rivojlantirishga, ularning ijodiy o'zini namoyon qilishiga va grafik ibtidoiylardan foydalanish, modellarni yaratish va chizilgan elementlarni loyihalash bo'yicha qarorlar qabul qilishda mustaqillikning namoyon bo'lishiga yordam beradi.

Amaliy darslarda sozlash parametrlarini, tahrirlash usullarini, ob'ektlarni tanlashni, chizmalar va modellarni yaratish algoritmlarini tavsiflovchi uslubiy ko'rsatmalar qo'llaniladi. Organuvchilar tomonidan detallarning elektron chizmalarini tayyorlash jarayonida tasvirlar sonini oqilona tanlash, grafik konstruktsiyalarning to'g'riligi, dizayn hujjatini loyihalash uchun ESKD talablariga muvofiqligi hisobga olinadi.

"KOMPAS-3D" grafik muharriri tizim va yangi ko'rinishlarni yaratishga, modellar daraxtidan foydalanishga imkon beradi. Talabalar qismlarning elektron chizmalarini qurish bo'yicha topshiriqlarni bajarishda ushbu funktsiyalarni osongina o'rganishlari mumkin.

Shunday qilib, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish, KOMPAS dasturi kompyuter muhandislik grafikalarini o'qitish jarayonini faollashtiradi, talabalarning qiziqishini oshiradi.

Modellashtirish, o'qitishning samaradorligi va sifati, shuningdek o'quv materiallari va amaliy ko'nikmalar sizga chuqur bilimlarni berishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Рычкова А.В., Смирнов А.А. Методические аспекты повышения эффективности обучения в smartуниверситете // Открытое образование. 2015. №5. С. 39—43.

2. Смирнов А.А. Встроенные языки прикладных экономических систем // Новая наука: Теоретический и практический взгляд. 2016. № 2-1 (63). С. 135—137.

3. Смирнов А.А. Особенности обучения конечного пользователя прикладных программных продуктов языкам пользовательского программирования // Перспективы развития информационных технологий. 2015. № 26. С. 110—115.


4. Тельной В.И., Рычкова А.В. Организация самостоятельной работы студентов при изучении курса инженерной графики // Вестник МГСУ. 2015. № 1. С. 120—128.

5. Смирнов А.А. Реализация основных принципов smart образования при обучении в магистратуре // В сборнике: Ценности и интересы современного общества Информационные технологии. Материалы конференции. 2014. С. 147—152.

6. Смирнов А.А. Роль компьютерной обработки информации в современном развитии общества. Влияние возрастания объемов информации на развитие общества // В сборнике: Ценности и интересы современного общества материалы Международной научно-практической конференции. 2013. С. 171—176.

7. Рычкова А.В., Тельной В.И., Царева М.В. Разработка трехмерных моделей при проведении занятий по компьютерной графике // В сборнике: Интеграция, партнерство и инновации в строительной науке и образовании Сборник материалов Международной научной конференции. Ответственные редакторы: Т.И. Квитка, И.П. Молчанова. 2015. С. 332—334.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHODS OF TEACHING A FOREIGN LANGUAGE TO PRESCHOOL CHILDREN

Botirova Gulsanam [1] Xudoyorova Farangiz [2]

[1] Samarkand State Institute of Foreign Languages, 1st year student of the Faculty of Roman German

[2] Samarkand State Institute of Foreign Languages, 3rd year student of the Faculty of Roman German

https://doi.org/10.5281/zenodo.4719001

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

preschool, foreign language, dramatization, graphic dictation, Soviet encyclopedic dictionary, ICT, audio fairy tale, video fairy tale, cartoon

ABSTRACT

In the last few years, learning a foreign language has become a necessity, not a way of self-development. Foreign language has become a mandatory component of education not only in schools and universities, but also in many additional preschools.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARGA CHET TILI O‘QITISH USULLARI

Botirova Gulsanam [1] Xudoyorova Farangiz [2]

[1] Samarqand davlat chet tillari instituti, roman-german fakulteti ingliz tili filologiyasining 1-bosqich talabasi

[2] Samarqand davlat chet tillari instituti Roman German tillari fakulteti 3- bosqich talabasi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

maktabgacha yosh, chet tili, dramatizatsiya,grafik diktant,sovet ensiklopedik lug‘at, AKT,audio ertak, video ertak, multifilm

ANNOTATSIYA

So'nggi bir necha yil ichida chet tilini o'rganish o'z-o'zini rivojlantirishning bir usuli emas, balki zarurat bo'lib qoldi. Chet tili nafaqat maktablar va universitetlarda, balki ko'plab qo'shimcha maktabgacha ta'lim muassasalarida ham ta'limning majburiy tarkibiy qismiga aylandi.

Maktabgacha yoshi, ayniqsa, chet tilini o'rganishni boshlash uchun juda qulaydir: bu yoshdagi bolalar til hodisalariga nisbatan sezgirligi bilan ajralib turadi, ular o'zlarining nutq tajribalarini, tilning "sirlarini" tushunishga qiziqishadi. Ular kichik hajmni osongina va qat'iy eslashadi

Chet tilni o'rganish uchun erta yosh afzalroq bo'lishining yana bir sababi bor. Bola qancha yosh bo'lsa, shuncha kamroq bo'ladi so'z boyligi yilda mahalliy til, ammo shu bilan birga uning nutqiga bo'lgan ehtiyojlari ham kam: kichik bolada aloqa sohalari katta yoshdagilarga qaraganda kamroq, u hali murakkab aloqa muammolarini hal qilishi

shart emas. Bu shuni anglatadiki, u chet tilini o'zlashtirganda, ona va chet tillaridagi imkoniyatlar orasidagi bunday katta farqni sezmaydi va uning muvaffaqiyat hissi kattaroq bolalarnikiga qaraganda yorqinroq bo'ladi.

Bolalarni o'qitish - bu maktab o'quvchilari va kattalarga qaraganda mutlaqo boshqacha uslubiy yondashuvni talab qiladigan juda qiyin masala. Agar kattalar chet tilida gaplashsa, bu uning boshqalarga o'rgatishi mumkin degani emas. Uslubiy jihatdan nochor darslarga duch kelganda, bolalar uzoq vaqt davomida chet tilidan nafratlanishlari va o'z qobiliyatlariga bo'lgan ishonchlarini yo'qotishlari mumkin. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan faqat tajribali mutaxassislar ishlashi kerak.

Ишонч деганда инсоннинг фикрлари, туйғулари ва ҳақиқий ҳодисалар тўғрисидаги билимлари ҳам тушунилади. Бу маънода ички ишонч асосида далилларга баҳо бериш ишни юритаётган шахснинг ушбу мақсадларда шахсий фикрлари, қарашлари, билим ва кўникмаларидан фойдаланишини назарда тутади. Билимнинг индивидуал заҳиралари далилларга баҳо беришнинг мазмунини ташкил этувчи фикрлаш операциялари учун бошланғич материал вазифасини ўтайди. Бир вақтнинг ўзида билим олинган натижаларни текшириш воситаси вазифасини ўтайди ҳамда у ёки бу баҳонинг тўғрилигини текшириш, далиллар ўртасидаги зиддиятларни аниқлашни назорат қилишга кўмаклашади.

Жиноят-процессуал нормаларда ишнинг қандайдир ҳолатлари айнан қайси далиллар орқали аниқланиши ва қайсидир далилнинг кучи бошқасига нисбатан устунлик қилиши тўғрисида сўз юритилмаган. Жиноят-процессуал қонунчиликда далилларнинг кучи ва аҳамияти ҳақидаги қоидалар йўқ. Шунинг учун жиноят тўғрисида процессуал манбалардан олинган маълумотлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан формал хусусиятларига қараб эмас, ички ишонч асосида моҳиятан ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ички ишонч баҳолаш натижаси, якуни сифатида далиллар мажмуи, тизимидан келиб чиқадиган ягона хулоса мавжудлигини англатади. Ички ишонч бўйича ишни ҳал қилиш таъкидланаётган ёки рад этилаётган далилларнинг бирдан-бир тўғрилигини англаш, ўз фикрлари ҳақиқийлигига қатъий асосланган ишончга эга бўлиш демакдир. Бизнингча, жиноят процессининг принциплари қаторига **«Исботлаш субъектининг ички ишончи асосида далилларни баҳолаш»** деб номланган янги **26^1-модда** мустақил принцип киритилиши ва уни **« Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговга қадар текширувчи, терговчи, прокурор ва суд барча ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама ўрганиш натижасида шаклланган ички ишонч асосида далилларга мустақил равишда баҳо берадилар. Улар мақбул далиллар асосида қарор қабул қиладилар. Мақбул эмас деб топилган далилларга таяниб иш юритиш тақиқланади»** мазмунда ифода этилишини таклиф этамиз. Мазкур принцип далилларга баҳо бериш тўғрисидаги ЖПКнинг 95-моддасида келтирилган қоидаларга тўла мос келади.

Далилларни баҳолаш ваколатига эга бўлган барча субъектлар баҳолаш фаолиятида, ишнинг барча ҳолатларини ўрганиш натижасида хулосалар чиқаришда эркиндирлар. Ички ишонч асосида далилларга баҳо бериш ушбу фаолиятни юритаётган шахс мазкур далилларга баҳо беришда процесснинг илгариги босқичларида бошқа шахслар томонидан берилган баҳога алоқадор эмаслигини назарда тутади. Бу ҳолатда барча далилларга янгидан баҳо берилиши лозим.

Далилларга баҳо бериш субъектларининг ички ишончини

шакллантиришда: 1) ҳаётий ва ҳуқуқий тажриба; 2) ҳуқуқий билим ва тафаккур; 3) дунёқараш ва шахсий фикр юритиш; 4) шахс туйғулари ва ҳақиқий ҳодисалар тўғрисидаги билимлари; 5) ҳақиқатни аниқ кўриш қобилияти; 6) мустаҳкам ички руҳий кечинмалар самарадорлиги; 7) кучли руҳият ва субъект иродаси каби омиллар зарурияти мавжуд. Ушбу омилларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган субъектлар келгусида далилларга баҳо бериш фаолияти жараёнида ўзининг мукаммаллиги билан ишга ёндошуви алоҳида эътиборга сазовор бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодимлари ўртасида ўтказилган сўровда терговчи, прокурор ва судьяларга далилларга баҳо беришда асосан қандай қоидаларга амал қилишлари ҳақидаги савол билан мурожаат қилинганида, респондентларнинг 83% асосан ички ишончга таянишларини; 9% мавжуд тергов ва суд амалиёти асосида баҳолаш фаолиятини ташкил этишларини; 6% юқори ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг кўрсатмаларини ҳам далилларни баҳолашда эътиборга олишларини; 2% далилларни баҳолашда процесс иштирокчилари, хусусан адвокатнинг фикрини инобатга олишларини таъкидлаганлар.

Демак, хулоса сифатида далилларни баҳолаш ваколатига эга бўлган барча субъектлар баҳолаш фаолиятида, ишнинг барча ҳолатларини ўрганиш натижасида хулосалар чиқаришда эркиндирлар. Ички ишонч асосида далилларга баҳо бериш ушбу фаолиятни юритаётган шахс мазкур далилларга баҳо беришда процесснинг илгариги босқичларида бошқа шахслар томонидан берилган баҳога алоқадор эмаслигини назарда тутади. Бу ҳолатда барча далилларга янгидан баҳо берилиши лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar:


1. “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 10 август ПФ – 6041 сон Президент фармони.

2. Ахмедов Т.Э., Мухаммадалиев Д.С. Характеристика некоторых факторов, способствующих противодействию расследования. // Ҳуқуқ, Право, Law. -2008. -№2. –Б.43

3. Егоров К. Особенности оценки доказательств при судебном контроле. // Российский судья. -2010. -№4. –Б.25-27

4. Досудебное производство по УПК Российской Федерации (участники досудебного производства, доказательства и доказывание, возбуждение уголовного дела, дознание и предварительное следствие): Учебно-практическое пособие / Пан Т.Д., Якимович Ю.К.. - СПб.: Юрид. центр Пресс, 2003. –Б. 254.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



METHODS AND OPPORTUNITIES FOR THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN EDUCATION

Dilmurod Rakhmatov [1] , Abduganiyev Akhror [2]
[1] Student of the Department of Applied Mathematics, Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan
[2] Student of the Department of Applied Mathematics, Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan
https://doi.org/10.5281/zenodo.4719655

ARTICLE INFO
Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS
information, computer, technology, office, expert.

ABSTRACT
Information technology is a process that uses a set of means and methods for collecting, processing and transmitting data to obtain information of a new quality about the state of an object, process or phenomenon. The purpose of information technology is the production of information for its analysis by a person and making, on its basis, a decision to perform an action.

INTRODUCTION

The introduction of a personal computer into the information sphere and the use of telecommunication means of communication have determined a new stage in the development of information technology. New information technology is information technology with a "friendly" user interface, using personal computers and telecommunications facilities. The new information technology is based on the following basic principles.

1. Interactive (dialog) mode of working with a computer.
2. Integration with other software products.
3. Flexibility of the process of changing data and setting tasks. Common types of software products are used as information technology tools: word processors, publishing systems, spreadsheets, database management systems, electronic calendars, and functional information systems.

METHODOLOGY

Currently, the role of information technology in people's lives has significantly increased. Modern society has become involved in a general historical process called informatization. This process includes the access of any citizen to information sources, the penetration of information technologies into scientific, industrial, and public spheres, and a high level of information services. The processes taking place in connection with the informatization of society contribute not only to the acceleration of scientific and technological progress, the intellectualization of all types of human activity, but also to the creation of a qualitatively new information environment of society that ensures the development of human creative potential.

One of the priority directions of the process of informatization of modern society is the informatization of education, which is a system of methods, processes and software and hardware integrated for the purpose of collecting, processing, storing, distributing and using information in the interests of its consumers. The goal of informatization is the

global intensification of intellectual activity through the use of new information technologies: computer and telecommunications. Information technology provides an opportunity to:

1. Rationally organize the cognitive activity of students during the educational process;

2. Make learning more effective by involving all types of sensory perception of the student in a multimedia context and arming the intellect with new conceptual tools;

3. Build an open education system that provides each individual with their own learning path;

4. Involve categories of children with different abilities and learning styles in the process of active learning;

5. Use the specific properties of the computer, allowing you to individualize the learning process and turn to fundamentally new cognitive tools;

6. To intensify all levels of the educational process.

The main educational value of information technologies is that they allow you to create an immeasurably brighter multi-sensory interactive learning environment with almost unlimited potential opportunities at the disposal of both the teacher and the student. In contrast to the usual technical means of teaching, information technologies allow not only to saturate the student with a large amount of knowledge, but also to develop the intellectual and creative abilities of students, their ability to independently acquire new knowledge, work with various sources of information.

The main types of information technology include the following.

1. Information technology of data processing is intended for solving well-structured problems, the algorithms for solving which are well known and for the solution of which there are all the necessary input data. This technology is used at the level of performing activities of low-skilled personnel in order to automate some routine, constantly repeated operations of managerial work.

2. Information technology management is designed to provide information services to all employees of enterprises associated with making management decisions. Here information is usually presented in the form of regular or special management reports and contains information about the past, present and possible future of the enterprise.

3. Information technology of the automated office is designed to complement the existing communication system of the enterprise personnel. Office automation involves the organization and support of communication processes both within the company and with the external environment based on computer networks and other modern means of transferring and working with information.

4. Information technology decision support is designed to develop a management decision that occurs as a result of an iterative process involving a decision support system (computational unit and control object) and a person (control unit specifying input data and evaluating the result).

5. Information technology of expert systems is based on the use of artificial intelligence. Expert systems enable managers to receive expert advice on any problems that these systems have accumulated knowledge about.

The purpose of material production technology is to produce products that meet the needs of a person or a system. The purpose of information technology is the production of information for its analysis by a

person and making, on its basis, a decision to perform an action. It is known that by applying different technologies to the same material resource, you can get different products, products. The same will be true for information processing technology. Information technology is the most important component of the process of using society's information resources. To date, it has gone through several evolutionary stages, the change of which was determined mainly by the development of scientific and technological progress, the emergence of new technical means of information processing. In modern society, the main technical means of information processing technology is a personal computer, which significantly influenced both the concept of building and using technological processes and the quality of the resulting information. The introduction of a personal computer into the information sphere and the use of telecommunication means of communication have determined a new ethane for the development of information technology and, as a result, a change in its name due to the addition of one of the synonyms: "new", "computer" or "modern". Information technology is closely related to information systems, which are its main environment. At first glance, it may seem that the definitions of information technology and systems introduced in the textbook are very similar to each other. However, it is not. An information system is an environment, the constituent elements of which are computers, computer networks, software products, databases, people, various kinds of technical and software communication facilities, etc. The main purpose of the information system is to organize the storage and transmission of information. The information system is a human-computer information processing system. The implementation of the functions of an information system is impossible without knowledge of information technology oriented towards it. Information technology can exist outside the sphere of the information system. Information technology of work in the environment of the word processor Word 6.0, which is not an information system. Information technology of multimedia, where images and sound are transmitted and processed on a computer using telecommunications. Thus, information technology is a more capacious concept that reflects the modern understanding of the processes of information transformation in the information society. In a skillful combination of two information technologies - management and computer - the key to the successful operation of the information system. Information system - a human-computer system for decision support and production of information products, using computer information technology. Obsolescence of information technology It is quite natural for information technologies that they become obsolete and replaced by new ones. The technology of batch processing of programs on a mainframe in a computer center was replaced by the technology of working on a personal computer at the user's workplace. The telegraph has transferred all its functions to the telephone. The telephone is gradually being replaced by the express delivery service. Telex has transferred most of its functions to fax and e-mail, etc. When introducing new information technology in an organization, it is necessary to assess the risk of lagging behind competitors as a result of its inevitable obsolescence over time, since information products, like no other types of material goods, have extremely high rate of replacement by new species or versions. The turnover periods range from several months to one year. If, in the process of introducing new information technology, this factor is not

given due attention, it is possible that by the time the company is transferred to the new information technology, it will become outdated and it will be necessary to take measures to modernize it. Such failures in the implementation of information technology are usually associated with imperfect technical means, while the main reason for failures is the absence or poor elaboration of the methodology for using information technology.

CONCLUSION

The ability of a computer to act as a teacher in the educational process is evaluated in different ways: from their absolute denial to the statement that the computer can be transferred to all the main and auxiliary functions of the teacher. Most experts are of the opinion that computer, carrying out a number of features of training, not be able to fully replace a teacher for a number of reasons, the main of which are:

1. The computer cannot be fully simulated those aspects of a teacher related to its educational function;

2. The purpose of training is also to develop the human communication ability; the computer will not be able to replace human communication and understand the mystery of human thought.

At the present stage, the most constructive approach seems to be that the computer should not be opposed to the teacher, but it is advisable to consider it as a means of supporting the professional activity of the teacher.

References:

1. Rakhmatov Dilmurod & Nomozova Elmira. (2020). The use of multimedia technologies in the educational system and teaching methodology: problems and prospects. International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education, 1(2), 28-32. Retrieved from http://summusjournals.com/index.php/ijdiie/article/view/80

2. Rakhmatov Dilmurod & Akhatov Akmal. (2020). Distance learning system in the higher education system of Uzbekistan: hybrid technology. Vol 6 (2020): Conference of Management of Islamic Education Leadership in The Era of Revolution 4.0, 150-153. Retrieved from https://doi.org/10.21070/icecrs2020575

3. Рахматов Д.Р., Асророва С.А., Тошназарова У.А. Изучение специфики компьютерной лингвистики и определение педагогических особенностей // Интернаука: электрон. научн. журн. 2020. № 27(156). URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43812252

4. Рахматов Д.Р. (2020). Современные информационные технологии в системе образования: проблемы и перспективы. Актуальные проблемы инновационного сотрудничества в повышении качества высшего образования, Международная научная онлайн конференция 27 мая 2020 года, Навои, 183-186.

5. Рахматов Д.Р., Абдуғаниев А.Ш., Бурибоев А.Ш. Возможности виртуальной реальности в образовании и развлечениях // Конкурс Лучших Студенческих Работ: сборник статей VI Международного научно-исследовательского конкурса. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2020. – с. 29-34 URL: https://www.elibrary.ru/item.asp?id=44321811

6. Raxmatov D.R., Axatov A.R., (2020). Axborot kommunikatsiya texnologiyalarining iqtisodiyot sohalarida tarqalishining dolzarbligi: raqamli iqtisodiyot. Iqtisodiyotda innovatsiyalar (Innovations in economy) ilmiy jurnali 7-soni 2019 yil, 56-61.

7. Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Моисеева М.В. Петров А.Е. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие. – М., Академия, 2000.

8. Горбунова, Л. И. Использование информационных технологий в процессе обучения / Л. И. Горбунова, Е. А. Субботина. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2013. — № 4 (51). — С. 544-547. — URL: https://moluch.ru/archive/51/6685/ (дата обращения: 26.02.2021).

9. Dilmurod, R., & Fazliddin, A. (2021). Prospects for the introduction of artificial intelligence technologies in higher education. ACADEMICIA: an international multidisciplinary research journal, 11(2), 929-934.


10. Rakhmatov, D. (2021). Til o ‘rganishda mobil ilovalardan foydalanish imkoniyatlari. Журнал иностранных языков и лингвистики, 2(3).

11. Dilmurod, R., Akmal, A., & Dostonjon, R. (2020). Research On Effective Ways to Intelligence Quotient Of Perception Through Mobile Games. The American Journal of Applied sciences, 2(08), 89-95.

12. Юсупов, Р. М., Рахматов, Д. Р., & Рахматов, Д. Р. (2020). Безопасность мультимедийной коммуникации с использованием криптографии. безопасность, 20(10).

13. Рахматов, Д., & Ахатов, А. Р. (2020). Кибер жиноятларни юзага келиш омиллари ва кибер этика: муаммо ва истиқболлар. Science and Education, 1(1), 227-234.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE IMPORTANCE OF REVIEWING COURT JUDGMENTS

Ibragimova Mahliyo Abdulaziz qizi [1]

[1] 3rd course of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

https://doi.org/10.5281/zenodo.4719674

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

Constitution, court, judgment, judiciary, appeal, complaint, protest, justice, legality.

ABSTRACT

The article describes the tasks of further development of ensuring the rights and freedoms of citizens during court proceedings, timely consideration of complaints filed by citizens. The solutions to the problems encountered in the further development of these tasks are expressed.

СУД ХУКМЛАРИ, АЖРИМЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АХАМИЯТИ

Ибрагимова Махлиё Абдулазиз қизи [1]

[1] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Конституция, суд, хукм, суд ҳокимияти, апелляция, шикоят, протест, адолат, қонунийлик.

ANNOTATSIYA

Мақолада суд ишлари юритилаётган вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада ривожлантириш, фуқаролар томонидан берилаётган шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш вазифалари ёритилган. Ушбу вазифаларни янада ривожлантиришда учраётган муаммолар ечими ифодаланган.

Ҳар қандай давлатнинг обрў-эътибори ва нуфузи шу мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари қай даражада таъминлангани билан баҳоланади. Фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш эса суд органлари билан боғлиқ. Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб моҳияти, аввало, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, унинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини оширишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилганлиги билан ғоятда қимматли.

Табиийки, фуқаро суд даргоҳига адолат топиш илинжида келади. Инсонпарварлик, қонунийлик, адолатлилик ва демократик тамойиллар асосида ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши фуқарода мустақил суд ҳокимиятига нисбатан бўлган ишончни кескин оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги назарда тутилган. Суд ҳужжатларининг буйруқ тарзидаги ўзига хос табиати уларнинг шакл ва мазмунига алоҳида қатъий талабларни қўяди. Шу сабабли суд ҳужжатларини тўғри тушуниш ва аниқ ижросини таъминлаш учун судлар томонидан чиқарилаётган суд ҳужжатини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процессуал норма ва қоидаларга риоя қилиш ўта муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида “бир суд – бир инстанция” тамойилини жорий этиш, бир-бирини такрорлайдиган суд босқичларини қисқартириш, суд муҳокамасига қадар дастлабки эшитиш амалиётини жорий этиш шулар жумласидандир.

Мазкур вазифаларнинг бажарилишини назарда тутувчи “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Мазкур қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан жиноят ишларини юритиш давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд қарорларининг ҳуқуқий аниқлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор янги қоидалар жорий этилди.

ЖПКнинг “Суд ҳукмлари ва ажримларини қайта кўриб чиқиш” деб номланувчи бўлимидаги 55-боб чиқариб ташланиб, янги таҳрирдаги 55/1-боб киритилди.

Унга кўра, жиноят ишларини назорат тартибида кўриш институти бекор қилиниб ишларнинг йиллар давомида кўрилишига барҳам берилди. Суд қарорларини қайта кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиб, туман-шаҳар судларида кўрилган жиноят ишлари вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида кўрилиши, апелляция суди қароридан норози бўлинган тақдирда Олий суд томонидан кассация тартибида кўриб чиқилиши белгиланди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда кўрилган ишларнинг шу судлар томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқилишига чек қўйилиб, бу тоифадаги ишлар апелляция тартибида фақат Олий судда қайта кўрилиши қатъий белгиланди ва бу билан жиноят ишини бир судда биринчи босқичда ҳам, апелляция босқичида ҳам кўрилиши бекор қилиниб, суд қарорларига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай шубҳа ва гумонларга барҳам берилди. “Бир суд – бир инстанция” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳам ишнинг бир инстанцияда фақат бир марта кўрилишидадир.

Бундан ташқари, суд қарорлари устидан шикоят ёки протест бериш муддати 10 кундан 20 кунга узайтирилиб, суд қароридан норози тарафнинг апелляция шикояти ёки протести бериш имкониятлари яхшиланди.

Шунингдек, иш бўйича тўпланган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаганда ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаганда, апелляция инстанцияси суди жиноят

ишини тугатиши мумкинлиги ҳақида янги қоида жорий этилди.

Бундан ташқари, Олий судга берилган кассация шикояти ёки протестини кўриб чиқиш тартиби, янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш каби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мезонларни ўзида мужасссам этган янги қоидалар амалиётга киритилди.


Суд қарорларининг барқарорлиги – бу қуйи суд чиқарган ҳукм ва ажримларнинг юқори суд томонидан ўзгартирилмаслиги ёки бекор қилинмаслигидир. Зеро, Мурожаатномада судлар зиммасига ўз қарорининг барқарорлигини таъминлаш вазифаси юклатилган экан, судья зиммасига улкан масъулият юкланганлигини ҳис этган ҳолда, суд муҳокамасида билдирилган барча важларни синчковлик билан, тўла ва холисона текшириб чиқиши, ҳақиқатни аниқлаши ва фақат қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқаришга эришиши керак.

Судья ҳуқуқни нотўғри қўллаб чиқарган қарорининг юқори судда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши баробарида ўзига нисбатан қайсидир тарзда жазо ҳам борлигини ҳис этиши ва ҳар қандай суд қарори фуқароларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилишини доимо ёдда тутиш шарт. Бу эса судларнинг тўлақонли адолат қўрғонига айланиши учун улкан замин яратади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунидаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.
6. Жиноят-процессуал ҳуқуқ. Тошкент – 2019.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси”да.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



PREPARATION OF TECHNICAL DEVICES IN THE DEVELOPMENT OF TECHNICAL CREATIVITY OF STUDENTS IN TEACHING PHYSICS IN VOCATIONAL COLLEGES

Burhon Ahmedov [1]

[1] Jizzakh Polytechnic Institute. Senior teacher of the department "General technical sciences"

https://doi.org/10.5281/zenodo.4719812

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

mechanization, automation, polytechnics, assemblage, pressing, welding.

ABSTRACT

In given article questions of updating of the polytechnical maintenance in teaching physicists for the purpose of introduction to process of training of the basic directions of mechanization and manufacture automation are stated.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ЎСТИРИШДА ТЕХНИКАВИЙ ҚУРИЛМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Бурҳон Аҳмедов [1]

[1] Жиззах политехника институти. “Умумтехника фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

механизациялаш, автоматлаштириш, политехника, йиғиш, прессласш, пайвандлаш

ANNOTATSIYA

Илмий-техника жараёнининг муҳим йўналишлари-ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ва таълим жараёнига олиб кириш мақсадида физика ўқитишнинг политехник мазмунини янгилаш масаласи мақоланинг мазмунида баён этилган

Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш учун “Физика-техника” тўгараги катта аҳамият касб этади. Тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг техникага қизиқиши шаклланади, техникавий онги ошади, меҳнатга нисбатан ижодий ёндошади.

Биз томонимиздан ташкил этилган “Физика-техника” тўгараги аъзолари ўзлари ўқиётган коллежларга фойда келтиришлари аниқланди. Улар ўқув жиҳозларининг сақланишига хизмат кўрсатади, физикадан тажрибалар ўтказиш учун керакли мураккаб бўлмаган мосламалар тайёрлайдилар, физика кабинетидаги асбоб ва қурилмаларга профилактик қаров ва жорий таъмирлаш ишларини бажаради, коллежда ташкил

этилаётган кечалар ва бошқа тадбирларнинг техника таъминотига ёрдам беради, янги йил арчасини электрлаштиради ва бошқалар. “Физика-техника” тўгараги дастурининг тузилишида ахборотларнинг дастлабки манбалари - датчиклар, магнит бошқарувчи контактлар, реле, магнитли кучайтиргич, контактсиз улагичлар, ҳисоблаш техникаси элементлари каби физиканинг асоси сингдирилган асбоб ва қурилмалар ҳамда уларнинг ишлаш тамойиллари ҳисобга олинади.

“Физика-техника” тўгараги дастурини яратишда қуйидаги ҳолатларга таянилди:

- ўқувчиларнинг физика дарсларида олинган назарий билимлари тўгарак машғулотларида асқотиши, уларнинг фаолиятини ривожланишига ижобий таъсир этиши;
- тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг техникавий қурилмаларнинг ишлаш тамойиллари билан танишиши;
- тўгарак машғулотларида бажариладиган барча тажрибалар ва амалий ишлар стандарт талаблари асосида яратилиши;
- ўқувчиларнинг техникавий қурилмалар тайёрлаш бўйича кўникма ва малакалари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатишлари учун етарли даражада шакллантирилиши;
- техникавий қурилмаларни лойиҳалаш ва моделлаштириш натижасида ўқувчиларнинг техник ижодий қобилиятлари оширилиши ва ҳ.к.лар.


Тўгарак дастури 2 йилга мўлжалланган (I-II курслар) ва ойида бир марта ўтказилади. Амалий ишлар бўйича ҳар бир мавзунинг қисқача назарий қисми ўқитувчи томонидан тушунтириб берилади. Бунда ўқув материаллари физика курсининг қайси бўлимига боғлиқлиги, ясалиши мўлжалланган қурилманинг элементлари ва ишлаш тамойиллари баён этилади.

Техникавий қурилмаларни ўрганиш ва тайёрлаш бўйича “Физика-техника” тўгарагининг дастурида кўрсатилгандек тузилишини тавсия этамиз.

“Физика-техника” тўгараги машғулотларида “Ёпиқ идишдаги суюқлик миқдорини аниқлаш”, “Тенг вақт оралиқларини ҳисобловчи электромеханик асбоб қурилмаси”, “Электромагнит сигнализатор”, “Ёруғлик лампасини товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси”, “Транзисторли сигнализатор” каби бевосита тадқиқот мазмунига мос бўлган асбоб ва қурилмалар йиғилади.

Ёпиқ идишдаги суюқлик миқдорини аниқлаш

Ишни бажариш учун керакли асбоблар: 100 Ом. ли 2 та реостат, ЛИП-90 демонстрацион гальванометр 1 та, суюқлик учун идишлар 2 та (жўмракли ёпиқ ва очиқ), сувда чўкмайдиган жисм, ток манбаси, калит, уловчи симлар: расмда кўрсатилгандек қурилма йиғилади (1-расм). Ёпиқ идишдаги суюқлик миқдорини аниқлаш учун гальванометр-реостат тизими литрларда даражаланади.




1-расм

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Ёпиқ идишдаги суюқлик миқдори камайиши билан R_2 реостат дастаги пастга силжийди. Занжирнинг қаршилиги ортади, ток камаяди. Бунда литрларда даражаланган гальванометр суюқлик миқдори сарфини кўрсатади.

Тенг вақт оралиқларини ҳисобловчи электромеханик асбоб қурилмаси

Ишни бажариш учун керакли асбоблар: ток манбаи-ВС-4-12 типли тўғрилагич, жумракли идиш, 3,5 В ли бир неча лампочка, электр қўнғироқ ва уловчи симлар. Қурилманинг ишлаш жараёни идишдаги сувнинг жўмрак орқали оқиши натижасида лампочкаларнинг кетма-кет ёнишига асосланган (2-расм).



2-расм

Қурилмани ўқувчи ўзининг техник ижодий қобилиятига асосан бошқача ўзгартириши ва ясаши мумкин.


Биз 2–расмда келтирилган вариантни йиғишни таклиф этамиз. Унда Г-симон металл симнинг бир учи қалқовучга маҳкамланган, сув камайиши билан силжиб контактларга тегиб ўтади ва бир хил вақт оралиғида лампочкалар кетма-кет ёнади. Ниҳоят, электр қўнғироғи ишлайди. Бундай қурилмалардан мактаб қўнғироғини автоматлаштиришда ва бошқа шунга ўхшаш ишларда фойдаланса бўлади.

Электромагнит сигнализатор

Мазкур қурилма ишлаб чиқариш жараёнидаги температура, босим, ток миқдори ва бошқаларнинг ўзгариши авария юз беришига сабаб бўладиган ҳолатларда эҳтиёт сигналлари сифатида навбатчига хабар бериб туради.


Ушбу қурилмалар асосида ўқувчиларнинг билим, кўникмаларини ва техник ижодкорлигини ошириш учун улар билан бирга тўгарак машғулотларида тайёрланган “Электромагнит-сигнализатор”нинг ясаш технологиясини келтириш мумкин. Бунинг учун электр токини ўтказмайдиган материаллар (полихлорвинелпласт, текистолит, фанер, органик ойна ва ҳоказолар)дан яшик ясалади. Унинг томонларини бир-бирига бирлаштириш учун тешикчалари бўлган металл учбурчаклардан фойдаланилади.

Техника хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, органик ойнадан қопқоқ қилинади (3-расм).



3-расм

РПК-1 маркали электромагнит реле, 4,5В ли батарея, қуввати 3Вт, 100Вт бўлган электр лампалар электр токини ўтказмайдиган яшикка схема асосида йиғилади (1-схема).



1-схема

Схемани ташкил қилган ҳар бир элемент винт, шайба, гайкалар билан

маҳкаланади. Агар тармоқда ток бўлса, 220В ли лампочка ёниб туради, агар ток бўлмаса электромагнит реле иккинчи занжирни улайди. Натижада 4В ли сигнал берувчи лампочка ёнади. Навбатчи-оператор дарҳол иш режимларини ўзгартириши ёки ёмон оқибатларга олиб келадиган ҳодисалар (портлаш, инсон учун заҳарли газ чиқариш, сифатсиз маҳсулот тайёрлаш ва ҳоказолар)нинг олдини олиши мумкин.

Бундай қурилмалар автоматлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналарида, медицинада жарроҳлик хоналарини ёруғлик билан таъминлашда кенг қўлланилади.


Транзисторли сигнализатор.

Махфий объектлар, омборхоналарни қўриқлашда, шунингдек катта майдондаги экинларни чорва молларидан асраш учун электрон сигнализатордан фойдаланилади (1-фотосурат).



1-фотосурат

Транзисторли сигнализатор (2-схема) қалинлиги 0,2-0,3 мм бўлган ингичка мис сим электрон қурилмага уланиб, керакли жойга тортилади. VT1 транзисторининг базаси сим орқали батариянинг мусбат қутбига уланади.



2-схема

Бу вақтда транзистор ёпиқ бўлади ва занжирдан ток ўтмайди. Агар сим узиб юборилса, занжирдаги транзистор базасида ток ҳосил бўлади. Натижада транзистор очилади, занжир орқали ток узатилади ва электр лампаси ёнади. 1-фотосурат

Ёруғлик лампасини товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси.

Кечқурин хонадан чиқишда ёруғлик тармоғини узамиз. Бунда баъзи бир ҳолатлар юз беради. Масалан, қоронғуликда инсон кўзи яхши кўрмай қолиши натижасида ташқарига чиқиш қийинлашади, беихтиёр қўли билан пайпаслаб хона деворларини, эшик пардаларини доғ қилиши ёки бошқа чинни идишларни тушириб юбориши мумкин. Қоронғи хонага қайтиб кираётган чоғда, яна юқоридаги ҳолатлар такрорланади. Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун тўгарак машғулотларида ясалган, “Ёруғлик лампасини товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси” ёрдам беради (2-фотосурат).




2-фотосурат

Ёруғлик лампасини товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси олдиндан тармоққа улаб қўйилади. Агар кафтни-кафтга уриб қарсак урилса, ёки бошқа баланд товуш сигналлари ҳосил қилинса, қурилма корпусига ўрнатилган ёруғлик лампаси ёнади. Лампанинг ёниб туриш муддати 30 секунд бўлиб, бу вақт оралиғида, пойабзал ва бошқа кийим-бошларни ечиш ва хонадаги ёритиш тармоғини улаб қўйишга

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

улгуриш мумкин. Агар 30 секунд давомида ушбу юмушларни бажаришга улгурилмаса яна баланд товуш сигналлари орқали қурилмадаги лампа ёқилади. Ёруғликни товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси товуш таъсирида С3 сиғимли конденсаторнинг зарядланишига ва разрядланишига асосланган (3-схема).



3-схема

Ёруғлик лампасини товуш ёрдамида узиб-улаш қурилмаси 2- фотосурат R2 ва R7 резисторлар тахминан 140Вга тенг бўлган кучланишни ажратиб олади. Бу кучланиш V2 диод орқали V3 тринистор анодига тушади. Занжир кўмирли микрофон B1 ва унинг нагрузкаси R1 га кетма-кет уланган ҳолатда конденсатор C1 пульселцияланган ток билан таъминланади. Стабилитрон V1 кучланишни конденсатор С1 дан микрофон занжири узилишини чегаралайди. Занжирда кучланиш товуши 10В дан ошмайди, шунинг учун улар R2 ва R7 кучланиш бўлувчига деярли таъсир қилмайди. Қабул қилишнинг дастлабки пайти, конденсатор С3 зарядланади ва Н1 лампа ўчади. Кафтни-кафтга уриб қарсақ қилинганда товуш тўлқинлари микрофонга таъсир қилади ва натижада серияли электр импульслари ҳосил бўлади. Биринчи мусбат (ижобий-маънода) импульс кичик қувватли V3 тринисторни очади. Шу пайт конденсатор С3 тахминан ўн секундлар ичида V3 тринистор очиқ ҳолатда, R4 резистор орқали зарядланади. Конденсатор заряд токини V3 тринистор очиқ ҳолатда ушлаб туради. Шу вақт занжирнинг V5 тринисторнинг бошқарувчи электродига R7 резистор, V2 диод ва V3 тринистор орқали пульсияцияланган ток келади. Ҳар бир импульс натижасида V5 тринистор очилади ва Н2 лампасининг ёниши кузатилади. V4 диоди шу вақтда С3 конденсаторидаги кучланишни ёпади, бундай вақтда диод С3 конденсаторнинг зарядланишига имконият бермайди. С3 конденсатор разрядланишида V3 тринисторни очиқ ҳолатда ушлаб туриши учун разрядланиш токи етарли бўлмайди. Кейин V3 тринистор ёпилади. Шу пайтда конденсатор С3 резистор R7, диод V4 ва V5 тринисторнинг бошқарувчи занжири орқали жараён яна такрорланади. Резистор R3 товуш сигналлар сезгирлигини ростлаш учун хизмат қилади. Қурилманинг В1 микрофон ва С3 конденсаторлари 100×60 мм ўлчамли асосга йиғилиши мумкин. Қуввати 100Вт дан катта бўлмаган ёруғлик лампасидан фойдаланилади.


Техник-технологияларда қўлланиладиган физика асбоблари уларнинг ишлаш тамойиллари ва замонавий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти фан ва техника ютуқлари асосида очиб берилди. Натижада замонавий ишлаб чиқариш асосида физиканинг роли ва физикавий асбоб-ускуналарнинг қўлланилиш жиҳатлари ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ошади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методика ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлигини исботлади. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг олган назарий билимларининг амалиётга тадбиқини, мустақил билим олишларини ташкил этиш, ўқув машғулотларида амалий тажрибалар ўтказиш орқали ўқитиш методикаси такомиллаштирилди;

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алгинин Б.Е. Кружок электронной автоматики. Пособие для руководителей кружков. –М.: Просвещение, 1990. – 192 с.
2. Атутов П.Р. О содержании политехнического образование школьников: сближение общеобразовательной и профессиональной школы –М.: Педагогика, 1986. - 176 с.
3. Андрианов П.Н. Мактаб ўқувчиларининг техник ижодкорлигини ривожлантириш. –Т.: Ўқитувчи, 1989. – 128 б.
4. Бакиева М.А. Реализация политехнического принципа в обучении физике в сельской средней школе как основа профессиональной ориентации учащихся: Дис. . . . канд.пед.наук.- Т.: ТДПУ, 1979. - 165 с.
5. Груздев Г.Н. Изучение на уроках физики автоматизации производства как реализация принципа политехнизма: Дис.кан.пед.наук. – М.: 1982. – 158 с.
6. Инатов Х. Элементы автоматики в курсе физики средней школы: Дис. … канд.пед. наук. – Киев: Научно-исследовательского института педагогика УССР, 1989. -152 с.
7. Матвеева Л.М. Конструирование и применение самодельных приборов по физике как средства повышения эффективности учебно-воспитательного процесса: Автореф. Дис. . . . канд. пед. наук. – М., 1977. – 21 с.
8. Нуъмонхўжаев А., Худойберганов А., Турсунметов К. ва б. Физика. I қисм Маърузалар матни - Т.: Ўқитувчи. 2002. – 400 б.
9. Ражабова С.Ф. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг ташкилий-педагогик асослари (малака ошириш жараёнида). Дис. ... пед.фан.номизоди. Т.: ТДПУ, 2003. - 175 б.
10. Ғаниев А.Г., Авлиёқулов А.К., Алмардонова Г.А. Физика II қисм. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик -Т.: Ўқитувчи, 2005. - 192 б.
11. Ахмедов Б.И. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик иқтидорини шакллантириш //Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти: Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами, 2-қисм. – Бухоро, 2004. –Б.47-49.
12. Ахмедов Б. И. Физика таълимининг полтехник мазмунини янгилаш йўллари //Ж.Узлуксиз таълим. -2004. -4-сон. –Б.33-34.
13. Ахмедов Б.И, Инатов Х. Физика дарсларида педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш //Транспорт ва қурилиш иншоотларининг замонавий муаммолари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- 2006 - 19-20 май. 2-қисм. –Жиззах, 2006. –Б.5-8.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



AIR-LOCK COTTON HARVESTING EQUIPMENT

Igamberdiev Kholmurot Khaydarovich [1] Turdaliev Zafarjon Saddin ugli [2]
[1] docent.,c.t.s Jizzakh Polytechnic Institute
[2] Assistant, Jizzakh Polytechnic Institute

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720077

ARTICLE INFO
Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS
Spindle, hardware, horizontal, working body, air chamber, spring, fan, plate, drum, idea, double forces.

ABSTRACT
In the article, the use of an air-driven horizontal spindle cotton picking machine reduces the cost of metal fabrication and assembly due to the loss of the conical gear transmission.

ҲАВО ЮРИТМАЛИ ПАХТА ТЕРИШ АППАРАТИ

Игамбердиев Холмурот Хайдарович [1] Турдалиев Зафаржон Саддин ўғли [2]
[1] доцент., т.ф.н. Жиззах политехника институти
[2] Ассистент, Жиззах политехника институти

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
Шпиндел, аппарат, горизонтал, ишчи орган, ҳаво камераси, пружина, вентилятор, пластинка, барабан, ғоя, жуфт кучлар.

ANNOTATSIYA
Мақолада ҳаво юритмали горизонтал шпинделли пахта териш аппарати қўлланилганда конуссимон тишли узатманинг йўқотилиши ҳисобига унга сарфланадиган металл тайёрлаш ва йиғиш ҳаражатлари камаяди.

Горизонтал шпинделли пахта териш аппарати вертикал устунларда жойлашган шпинделлари бўлган ва аппарат каркасининг вертикал ўқига юқори ва қуйи юмаланиш подшипниклари ёрдамида ўрнатилган горизонтал шпинделли барабанни ҳамда шпинделлар юритмасини ўз ичига олади. Шпинделлар юритмаси барабаннинг марказида ўрнатилган вентиляторни, барабаннинг ички деворига пружиналар сиқиб қўйилган сўрувчи ва хайдовчи камераларни ичига олган пневмоюритма кўринишида бажарилган. Камералар камераларнинг икки томонига айланиш имкониятига эга қилиб ўрнатилган цилиндрлар билан таъминланган. Шпиндел вентилятор билан пневматик боғланган ичи бўш тешикли қилиб тайёрланган. Шпиндел туб қисмида бўртма билан таъминланган, унинг ичига пропеллер ўрнатилган.

Горизонтал қамровчи элементли пахта териш аппарати ишчи органи мавжуд (1). Бу пахта териш аппарати

барабани сиртидф йўналтирувчи тирқишлар билан таъминланган ва қамровчи элементи эса винтсимон буралган пластинкали игначалардан иборат, игначасининг кўндаланг кесими йўналтирувчи тирқиш шаклига мос келади. У барабанга пружинали стержен орқали бирлаштирилган.

Бу ишчи органнинг камчилиги-аппарат юритмасини бошқаришнинг ўта мураккаблиги ва териш сифатининг тўла эмаслиги хисобланади.

Горизонтал шпинделли пахта териш аппарати [2] маълум бўлиб, бу горизонтал шпинделли пахта териш аппаратининг шпинделлари ҳаракатни ҳар бири алоҳида конус симон шестерня орқали оладиган қилиб жойлаштирилган.

Горизонтал шпинделли пахта териш аппаратининг нуқсонлари –конуссимон тишли юритмасининг ўта мураккаблиги, кўп жой эгаллаши ва мос ҳолда тайёрлаш билан боғлиқ қимматбахолиги. Шунингдек бу териш аппаратининг иккинчи жуъзий камчилиги, шпинделларининг очилган пахтани танлаб тера олмаслиги мажбурий айлантирилаётгандан шпинделлар ҳали тўлиқ очилмаган нам пахталарни ҳам мажбурий суғуриб олиб, ярмини чўзиб кетади. Бу нам пишмаган пахта толаси сифатсиз бўлишидан ташқари ғарамда чириб кетиб бошқаларнинг ҳам сифатини пасайтиради.

Пахта териш аппарати ҳаво юритмали горизонтал шпинделли пахта териш аппаратига шпиндел конструкцияси ва техник моҳияти бўйича энг яқин ҳисобланади.

Юқоридаги камчиликларни қуйидаги йўллар билан бартараф қилинади. Бунинг учун горизонтал шпинделлар конуссимон қувур шаклида тайёрланган бўлиб, айланаси бўйича бир-бирига қарама-қарши йўналишда ҳаво сўрувчи ва чиқарувчи (жуфт куч ҳосил қилувчи) тешиклар узунаси бўйлаб очилган. Шунингдек шпиндел қувури ичида винтсимон паррак (узунаси бўйлаб) тайёрланган, паррак ва винт чизиғининг йўналиши шпиндел қувуридан очилган тешиклардан чиқадиган ёки кирадиган ҳавонинг ҳосил қиладиган айлантирувчи куч йўналишига мосланган бўлиб, ҳаво сўрилганда ёки аксинча ҳайдалганда ҳавога қўшимча шпинделни айлантирувчи момент ҳосил қилади. Шпинделлар махсуз устунлардаги думаланиш подшипникларида жойлашган. Шпинделларга ҳаракатни сўриб ҳайдовчи вентилятор орқали берилади. Сўриш камераси пахтани териш зонасида жойлашган, ҳавони ҳайдаш камераси эса пахтани ажратиб олиш зонасида ўрнатилган бўлиб ҳаво шпинделлардаги тешиклар орқали сўрилганда жуфт куч ва парракларда ҳосил қилинадиган айлантирувчи (ҳаво уюрмаси) кучи ҳисобига соат стрелкасига қарши томонга айланиб, очилган пахтани ўзига ҳам сўриб, ҳам ўраб қамраб олади. Ажратиш зонасига эса ҳаво оқими аксинча ҳайдаш (нагнетание) режимида таъсир қилиб, шпинделларни тескари томонга айлантиради ва толалар ҳам чўтка ва ҳам кучли ҳаво босими остида осонгина шпинделдан ажралади. Бу жараёнда бир пайтнинг ўзида шпиндел тишларига кирган чанг, ифлосликларни ҳаво оқимида ва қўшимча чўткалар ёрдамида тозалаб шпинделларни тез-тез ювишга ҳожат қолмайди.

Бундан ташқари шпиндел юритмаси ҳаво орқали бўлганлиги учун тўла пишмаган ярим очиқ хўл пахталарни ўраб суғуриб олишга чек қўйилади, чунки шпинделнинг айлантирувчи моменти уни


суғуриб олишга етмайди. У фақат очилган енгил пахталарнигина сўриб ўрайди.

Шпинделлар конструкциясида ҳаво юритмасидан фойдаланиш алоҳида конуссимон тишли узатмалардан вос кечишнинг ўзи эса пахта териш аппаратини енгил ва анча соддалаштиришдан ташқари, тишларни тайёрлашга метал сарфи, тайёрлатиш технологияси билан боғлиқ барча харажатларга мутлақо чек қўяди. Шунингдек бу принципдаги шпинделли пахта териш аппаратини ўзимизнинг пахта териш машиналаримиз териш аппарати ўрнига шундоққина жойлаштириб (албатта салгина қўшимча ўзгартиришлар билан) Америкадан келтирилаётган ўта қимматбахо пахта териш машиналарини сиқиб чиқариш имконияти туғилади. Бу ўз навбатида йилига неча миллиардлаб пулни тежаш демакдир.

Пахта териш аппарати (1-расм) барабан 1, унга айланаси бўйлаб қаттиқ маҳкамланган устун 2 ларга вертикал жойлаштирилган шпинделлар 3, ҳаво вентилятори 4, ҳаво сўрувчи 5 ва ҳайдовчи 6 камералари уларни доим зич итариб турувчи пружиналар 7 ва 8 қабул камераси 9, ажратгич чўткалар


10 (2-расм) ва уларни тутиб тургич 11 ҳамда барабанга ҳаракат берувчи занжирли узатманинг юлдузчаси 12 лардан тузилган. Занжирли узатма юлдузчаси 12 га ўша юлдузча ўқида жойлашган конуссимон тиш 13 ли узатма орқали ҳаракатга келтирилади. Ҳаво вентилятори 4 эса тасмали узатма 14 орқали ҳаракатланади.

Шпиндел 2 (3-расм) уч қатор тиш 15, ҳаво сўрувчи ва ҳайдовчи тешиклар 16, айланасимон тўсиқ 17, қайрилма винтсимон паррак 18 лардан тузилган.




1-расм. Горизонтал шпинделли пахта териш аппарати ишлаш принципининг устки кўриниши

2-расм. Горизонтал шпинделли пахта териш аппаратининг ёнидан кўриниши (кинематик схемаси);



3-расм. Ҳаво юритмали пахта териш аппаратининг кинематик схемаси




Тешик 16 лар пахтани териш зонасида шпиндел 3 ни тиш 15 ларнинг ўткир учига мос соат стрелкаси томонга айлантириладиган айлантирувчи момент ҳосил қилади. Ажратиш зонаси эса аксинча тескари айлантирувчи момент ҳосил қилади.

Ҳаво камераси 5 ва 6 лар (5-расм) ботиқ корпус 19дан, устки қисмида ҳавони тўсувчи (зичловчи) резина шайба 20 лар, ҳаво герметиклигини сақловчи вертикал резина цилиндр 21 лардан тузилган. Ҳаво камералари 5 ва 6 пружина 7 ва 8 лар ёрдамида барабан 1 ички девори сиртига зич итарилиб турилади. Тавсия қилинаётган қурилмада пахтани териш қўйидагича амалга оширилади. Пахта териш машинаси пахта қаторлари бўйлаб ҳаракатланганда пахта шохлари жуфт барабан 1 лар орасидан ўтади, бу пайтда

машина ҳаракатига қарама-қарши томонга айланадиган шпиндел 3 териш зонасида фақат очилган пахталарни тешикчалари 16 дан сўраётган ҳаво ёрдамида ўзига тортиб олади ва шу пайтда тишлар 15 ёрдамида қамраб ўрайди. Шпиндел 3 лар териш зонасидан ўтиб, ажратиш зонасига кириб келганда ҳавонинг ҳайдаш кучи таьсирида тескари томонга айланади ва ўралган пахталар ечилади ҳам кучли ҳаво оқими ва ҳам ажратгич чўтка 10 лар орқали осонгина шпиндел тишларидан ажратиб олинади.


4-расм. Шпинделнинг устидан кўриниши



Шпиндел 3 вентилятор 4 да ҳосил қилинадиган ҳаво сийракланиши камера 5 шпиндел 3 лар тешигидан ҳаво сўради, сўрилаётган ҳаво тешикчалари 16 бир-бирига қарама-қарши очилганлиги туфайли марказга интилма жуфт кучлар ҳосил қилади ва жуфт кучлар моменти таъсирида соат милларига қарши йўналишда айланади. Бир пайтнинг ўзида сўрилаётган ҳаво винтсимон қайрилма паррак 18 лар орқали ўтиб соат милларига қарши айлантирувчи қўшимча айлантирувчи момент ҳосил қилиб, шпиндел 3 нинг айланиш самарадорлигини яна ҳам оширади.

Шпиндел 3 лар териш зонасидан ўтиб ажратиб олиш зонаси (ҳаво ҳайдаш камераси 6) га етиб келганда, кучли ҳайдовчи ҳаво оқими таьсирида тескари айлана бошлайди, яьни аввалгисининг тескариси ўлароқ ҳаво шпиндел 3 нинг қайрилма паррак 18 лари орқали учига қараб ҳайдалади, натижада паррак шпинделни тескари (соат миллари бўйлаб) айлантирилади, юқорида таькитлаганимиздек бу ерда ҳам қўшимча айлантирувчи момент ҳосил бўлади. Бу қўшимча айлантирувчи момент ҳавонинг тешик (16) лардан чиқишидан ҳосил бўлади.

5-расм. Шпинделнинг тузилиши



Шпиндел 3 нинг ажратиш зонасидаги айланиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг туб қисмида айланасимон тўсиқ 17 қилинган. Териш зонасидан келган шпиндел 3 нинг барча тешиклари берк (пахта ўралган) ҳолда бўлиб, ажратиш зонасида ҳайдалган ҳавонинг чиқиши учун имконият бўлмайди ва натижада реактив айланма куч (ҳаракат) ҳосил бўлиши самараси пасайиб кетиши мумкин.

Айланасимон тўсиқ 17 шпиндел 3 нинг шу қисмига пахта ўралишига тўсқинлик қилиб, тешик 16 ларни очиқ қолдиради ва ажратиш зонасига дастлабки ҳайдалган ҳаво шу тешиклардан чиқиб барча тешиклардан ҳаво чиққандагидек жуфт куч (айлантирувчи момент) ҳосил қиладиган (кичик юзалардан катта тезликлар ҳосил бўлиши ҳисобига) тескари айланиш ҳисобига шпинделга ўралган пахталар ечилади ва кучли ҳамда ажратгич чўткалар таъсирида осонгина ажратиб қабул камераси 9 га ташланади.

Бункергача пахтанинг олиб кетилиши оддий пахта териш машиналариники сингари кечади.

Тавсия қилинаётган ҳаво юритмали горизонтал шпиндели пахта териш аппарати қўлланилганда:

1. Пахта териш аппаратининг конструкцияси анча соддалашади.
2. Териш аппаратини ўзимизнинг вертикал шпинделли териш аппаратлари ўрнига жойлаштириш имконини беради.
3. ФҚШ нинг горизонтал шпинделлари конуссимон тишли узатмасига хожат қолдирмайди.
4. Америкадан келтирилаётган ўта қиммат пахта териш машиналарига эҳтиёж қолмайди.
5. Фақат очилган пахталарни танлаб теради (хом пахталарнинг терилишига чек қўйилади).


Конуссимон тишли узатманинг йўқотилиши ҳисобига унга сарфланадиган метал тайёрлаш ва йиғиш ҳаражатлари, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча сарфларга чек қўйилишига олиб келади.

Умуман олганда тахминий самарадорлик бир неча миллиард сўмни ташкил қилади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Игамбердиев Х. Х., и др. Горизонтально шпиндельная хлопко-уборочная машина с приводом клиноременной передачи Научно-практические конференция. Пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельско-хозяйственного производства. – 2017. – С. 1225-1228.
2. Худайбердиев А. А., Игамбердиев Х. Х., Мухитдинов А. А. Исследование процесса послойного уплотнения хлопка-сырца в эластичном контейнере. Высокие технологии и инновации в науке. – 2019. – С. 218-222.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



DISTRIBUTION OF TOMATO PHYTOPHTHORA DISEASE IN NATURALLY AFFECTED AREAS

Omonova Nargiza Mahmudjonovna[1]

[1] Assistant, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, Andijan, Uzbekistan

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720139

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25rd April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

tomato, disease, fluorophoresis, cultivar, TMK-22, Sultan F1, Lojayn F1.

ABSTRACT

This article presents the prevalence of phytophthora tomato disease in some districts of Andijan region. At the same time, in 2018-2019, phytophthora disease was widespread in tomato fields, with phytophthora infestation ranging from 21.0% to 53.6% in the first year and from 21.9% to 58.0% in the second year.

ТАБИИЙ ЗАРАРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ПОМИДОРНИНГ ФИТОФТОРОЗ КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАЛИШИ

Омонова Наргиза Махмуджоновна[1]

[1] Ассистент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути, Андижон, Ўзбекистон

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

помидор, касаллик, фтофтороз, нав, ТМК-22, Султон F1, Ложайн F1.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Андижон вилоятининг айрим туманларида помидорнинг фитофтороз касаллигининг тарқалиш кўрсаткичлари келтирилган. Бунда 2018 - 2019 йилларда помидор далаларида фитофтороз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, фитотороз билан зарарланиши биринчи йили 21,0% дан 53,6% гача, иккинчи йили 21,9% дан 58,0% гачани ташкил этди.

Асосий қисм

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан республикада сабзавот экинлари майдонларини кенгайтириш бўйича хукумат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Сабзавот экинлари орасида помидор маҳсулоти инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, озиқ-овқат рационида муҳим ўрин тутади.

Помидор экини республиканинг барча туман хўжаликларида ва аҳолининг шахсий томорқа ерларида етиштирилади. Бу экинларда турли хил касаллик ва зараркунандалар кўп миқдорда

учрайди ҳамда катта иқтисодий зарар келтиради.

Помидор ҳосили миқдори ва сифатига кўп касалликлар салбий таъсир қилади ва улардан муҳимлари альтернариоз, фузариоз вилт, вертициллёз вилт ва фитофтороз касалликларидир. Булар орасида *Phytopthora infestans* (Mont.) de Bary қўзғатадиган картошка ва помидорнинг фитофтороз касаллиги энг хавфлисидир ва у 19 аср ўртасида Ирландияда очарчилик бўлиши, 1 млн одам нобуд бўлиши ва 1,5 млн одам мамлакатдан кўчиб кетишининг сабабчисидир. Фитофтороз дунёнинг ҳам муътадил, ҳам тропик иқлимли мамлакатлари ва минтақаларида картошка ва помидорнинг энг хавфли касаллигидир Фитофтороз касаллиги 1843 йил АҚШ да кейинчалик бошқа Штатлар ва Канадага, 1845 йили эса Бельгия, Голландия, Германия, Швейцария, Франция, Италия, Англия, Шотландия ва Ирландия мамлакатларига тарқалган [3; 1369-1370-б].

P. infestans замбуруғи Марказий Мексикадан келиб чиқиб, бошқа мамлакатларга тарқалганлиги қайд этилган[2;8792-б].

Помидор экилган далаларда фитофтороз касаллигини тарқалишини аниқлаш мақсадида 2018 - 2019 йилларда Андижон вилоятининг Андижон туманида “Мирза уруғчилик” ва “Шавкатбек Шухратбек” фермер хўжаликлари, Асака туманида “Яқубжон боғлари” ва “Водий глобал агро” фермер хўжаликларида ҳамда Балиқчи туманида “Мамажонов Абдухалил”
ва “Мирзабошчек замини” фермер хўжаликлари далаларида йўналишли кузатувлар олиб борилди (1-жадвалга).

Касалликнинг тарқалишини ҳисобга олишда А.И.Меуа услубий қўлланмасидан фойдаланилди. Бунда намуна олиш нуқталарини танлаш учун помидор экилган майдондан диагнол бўйлаб 10 та жойдан 10 та ўсимлик танлаб олинди ҳамда ҳар бирининг тўрт томонидаги пастки, ўрта ва юқориги ярусининг акс эттирувчи тўртта новдадаги барча барглар ва улардан зарарланганларининг сони санаб олинди. Касаллик тарқалиши қуйидаги формула бўйича аниқланди [1; 8-15-б].

$$К_т = (n/N)•100,$$

бу ерда: $К_т$ – касаллик тарқалиши (%), n – фитофтороз белгилари бўлган барглар сони, N – саналган баргларнинг умумий сони. Фитофтороз ҳар бир далада учта нуқтада 10 тадан ўсимликда ҳисобга олинди.

Олиб борилган кузатувларга кўра, 2018 йилда Андижон туманида “Мирза уруғчилик” фермер хўжалигида (2,0 га) ТМК-22 помидор нави экилган бўлиб барглари сони жами 2250 дона бўлиб, шундан фитофтороз белгилари мавжуд барглар сони 1270 донани ташкил этди. Бунда касалликнинг тарқалиши 53,6% гача етди. 2019 йилда эса 56,7% гача майдонда фитофтороз касаллигини тарқалиши кузатилди. Ушбу тумандаги “Шавкатбек Шухратбек” фермер хўжалигида (1,0 га)2018 йил помидорнинг Султон F1 дурагайида саналган баргларнинг умумий сони 2402 дона, шундан фитофтороз белгилари мавжуд барглар сони 1075 донани ташкил этди. Касалликнинг тарқалиши эса 44,7% гача етди.

Кузатув натижаларига кўра, 2019 йилда саналган барглар сони жами 2485 донани ташкил этган бўлса, 48,7% майдонга фитофтороз касаллигининг

тарқалиши қайд этилди. Асака туманида 2018 йил “Водий глобал агро” фермер хўжалигининг 2 га майдонида (Ложайн F1) ва “Яқубжон боғлари” фермер хўжалигида (2,0 га) помидорнинг Султон F1 навида саналган барглар сони жами 4987 дона бўлиб, шундан 1660 донасида фитофтороз белгилари мавжуд барглар ташкил этди. Касалликнинг тарқалиши 21,0% дан 46,6% гача қайд этилди. Аммо ушбу майдонларда 2019 йил мос равишда 21,9% дан 50,3% гача фитофтороз касаллигини тарқалиши кузатилди.

Баликчи туманидаги “Мамажон Абдухалил” фермер хўжалигида 3,0 га майдонда олиб борилган кузатувларда (Султон F1) саналган барглар сони жами 2295 дона, шундан 1089 дона фитофтороз белгилари мавжуд барглар ўрганилди. Касалликнинг тарқалиши 47,4% гачани ташкил этди. 2019 йилда эса жами саналган барглар орасида 1148 донада фитофтороз белгилари аниқланган бўлиб, касалликнинг тарқалиши 49,0% гача етди. Шунингдек, “Мирзабошчек замини” фермер хўжалигининг 1,2 га помидор майдонида (ТМК-22) 2018 йил 56,2% ва 2019 йил 57,9% гача фитофтороз касаллигининг тарқалганлиги аниқланди.


Юқорида қайд этилган маълумотларга кўра, 2018 - 2019 йилларда помидор далаларида фитофтороз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, фитотороз билан зарарланиши биринчи йили 21,0% дан 53,6% гача, иккинчи йили 21,9% дан 58,0% гачани ташкил этди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Meya A.I., Mamiro, D. P. and Kusolwa, P. Response of late blight disease resistant variety to common occurring tomato diseases in the field. // Asian Journal of Plant Science Research.- 2015. -№3. - pp.8-15.
2. Goss E.M., Tabima, J.F., Cooke, D.E.L., et al."The Irish potato famine pathogen *Phytophthora infestans*originated in central Mexico rather than the Andes". // Proceedings of the National Academy of Sciences of the United States of America. - 2014. vol. 111. - №24. - pp.8791-8796.
3. RistainoJ.B. Tracking historic migrations of the Irish potato famine pathogen, Phytophthora infestans. // JournalMicrobes and Infection. -2002. - №4. - pp.1369-1377.
4. Омонова, Н. М. (2020). ВЛИЯНИЕ РАЗНОЙ ТЕМПЕРАТУРЫ ВОЗДУХА НА РОСТ ПАТОГЕННЫХ ГРИБОВ В ТОМАТАХ. Life Sciences and Agriculture, (2-3).
5. Раззаков, М. М., & Омонова, Н. М. (2019). ВИДОВОЙ СОСТАВ И АРЕАЛ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ГРЫЗУНОВ СКЛАДСКИХ ПОМЕЩЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Актуальные проблемы современной науки, (6), 79-82.
6. Омонова, Н. М., Абдуллаева, Х. З., & Гофурова, Ю. К. (2019). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. In ПРОРЫВНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ДВИГАТЕЛЬ НАУКИ (pp.91-94).
7. Жураев, А. А., Камбарова, М. А., & Омонова, Н. М. (2016). ПРИМЕНЕНИЕ РЕГУЛЯТОРА РОСТА И РАЗВИТИЯ ЗЕРЕБРО АГРО В ВЫРАЩИВАНИИ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ. Современные тенденции развития науки и технологий, (5-1), 53-56.
8. Омонова, Н. М. (2013). ПРИМЕНЕНИЕ ФУНГИЦИДОВ ПРОТИВ ГРИБКОВЫХ БОЛЕЗНЕЙ ТОМАТА. SCIENCE AND WORLD, 54.

9. Omonova, N. M. (2020). THE EFFECT OF DIFFERENT AIR TEMPERATURES ON THE GROWTH OF PATHOGENIC FUNGI IN TOMATOES. In Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации (pp. 90-93).
10. Omonova, N. M., & Mukhtazar, K. (2019). Methods of fight against temperature diseases in natural damages. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.
11. MAHMUDJONOVNA, O. N., & MUHAMMADIYEVICH, B. F. Protection of Tomatoes From Phytophthora. JournalNX, 6(12), 384-389. Камбарова, М. Х., Расулова, М. Б., &Мўйдинова, М. (2019). РАСПРОСТРАНЕНИЕ МИКРООРГАНИЗМОВ В ПОЧВЕ. Академическая публицистика, (5), 115-117.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



SPECIAL EXPERIMENTAL COTTON FIELDS AND PYTONEMATODOES OF ITS ECO-SYSTEMS

Daminova Yulduz Abdikodir qizi[1], Ochilov Eldor Utkir ogli[2]
Scientific Researcher: Abdurahmonova Gulnora Abdurahmonovna
[1,2] 1st year masters of the Faculty of Biology of the National University of Uzbekistan

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720276

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

Phytonematodes, pararizobionts, phytohelminths, devisaprobionts

ABSTRACT

This article explores the phytonematodes in the cotton field and adjacent ecosystems. The phytonematodes found in the cotton field and adjacent ecosystems were also compared and the most common species were identified. The most common family members are: Rhabditida, Tylenchida and Rhabditida family of Cephalobidae. Methods of combating parasitic nematodes have been demonstrated.

ТАБИИЙ ЗАРАРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ПОМИДОРНИНГ ФИТОФТОРОЗ КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАЛИШИ

Daminova Yulduz Abdikodir qizi[1], Ochilov Eldor Utkir ogli[2]
Ilmiy tadqiqotchi: Abdurahmonova Gulnora Abdurahmonovna
[1,2] O'zbekiston Milliy universiteti biologiya fakultetining 1-bosqich magistrlari

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Фитонематодалар, фитогелминтлар, параризобионтлар

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада ғўза майдони ва унга ёндош бўлган экотизимлардаги фитонематодалар ўрганилди. Шунингдек, ғўза майдони ва унга ёндош бўлган экотизимларда ўчраган фитонематодалар таққосланди ва энг кўп ўчраган турлар аниқланди. Энг кўп учраган туркум вакилларидан:Rhabditida,Tylenchida,Rhabditida туркумидан Cephalobidae оиласи вакиллари учраганлиги аниқланди. Паразит нематодаларга қарши кураш усуллари курсатиб ўтилди.

Кириш: Фитонематодалар ер юзида кенг тарқалган, айниқса турли агроценозларда кўп учрайди, бундай ерларда уларнинг кўпайишига қулай шароит етарли бўлади [1, 2].

Паразит фитонематодаларнинг биогеоценозлар компонентида бўлиши қишлоқ хўжалигини ривожига катта зарар келтиради. Шунга кўра биоценологик текширишларга катта эътибор бериш керак [4, 5].

Паразит фитонематодалар ғўзага шунингдек,бошқа екинларга ҳам катта зарар етказади.Улар ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органларини яъни илдиз,поя,барг,гул,мева ва уруғ қисмларини зарарлайди.

Натижада ўсимликлар ҳосили камайади ёки умуман ҳосил бермайди.

Бунинг олдини олиш учун паразит фитонематодаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш керак.

Ҳозирги кунда фитонематодаларни назорат қилишнинг бир нечта самарали усуллари маълум,улар асосан зараркурандалардан ҳалос бўлиш учун ишлатилади.Булар:

1.Агротехник назорат чоралари

2.Кимёвий назорат чоралари

3.Биологик назорат чоралари

Агротехник назорат чораларига:

-фойдаланишдан олдин тупроқни стерилизатсия қилиш

-екишдан олдин екиш материалини иситиш

-нематодаларни барглари ёки барглари ўсадиган ўсимликлар дарҳол олиб ташланиши ва ёқиб юборилиши керак

-тупроқни ҳайдаб офтоб тафтида қуритиш

-алмашлаб екиш

-иссиқҳоналарда тупроқни буғлаш

Кимёвий назорат чораларига:

-куз ва баҳорда барча тупроқларга карбамид сепиб йуқтирган ўсимликларни олиб ташлаш тавсия етилади

-абамактинларга асосланган дорилар яъни акарин ва фитоверм ҳам қўлланилади

Биологик назорат чораларига:

-arthrobotris oligospora қузиқоринига асосланган Nematofagin BT биологик маҳсулоти ўсимликларни фитонематодалардан ҳимоя қилиш учун ишлатилади.

Бундан ташқари фитонематодаларга қарши курашишда янги чидамли навлар яратиш ҳам тавсия етилади.

Ва шунинг учун биз айнан тажриба майдонларининг фитонематодаларини ўргандик ва қуйидаги натижаларга эришдик.

Материал ва методлар: Тадқиқотларда ЎзМУ Ботаника боғи ғўза агробиоценозларидан олинган тупроқ намуналаридан фойдаланилди.

Нематодаларни тупроқ ва ўсимликлардан ажратиб олишнинг бир қанча усуллари мавжуд.Бу тадқиқот ишимизда тупроқдан фитонематодаларни ажратиб олишда лаборатория шароитида фитогельминтологияда кенг қўлланиладиган Берман усулидан фойдаландик [6]

Бу усул қуйидагича: 9-12 см диаметрли (10-15 см) шиша воронка олиб,унинг чузиқ томонига резина най (10-15 см узунликда) кийгизилади,резинани очиқ учки қисми Мор қисқичи билан қисиб қўйилади.

Воронка резина най билан ёғоч штативга тик ҳолда ўрнатилади.Шурдан сўнг воронкаларни сув билан тўлдирилади.Воронкадаги сув устига майда катакчали капрон тўр қўйилади.Воронкага яъни капрон тўр устига текшириладиган материал солинади.Солинган материал сувга ботиб туриши лозим.Намуналар бу ерда 12 соат туради,нематодалар воронканинг тагига чўкади.4 % ли формалин солинган пробиркага воронкадан секин нематодалари бор сув солиб олинади.Натижада бу фиксациялади.

Бу фиксациялаш пробиркага тушган нематодаларнинг узоқ туришига

ёрдам беради.Фиксатцияланган нематодалар бир томчи тоза сув солинган соат ойначасига олинади (махсус игначалар орқали териб олинади).

Териб олинган нематодалар соат ойначасида қолдирилади,устига глитсерин -спирт аралашмасидан (1-2 томчи) солиниб 1 суткага қолдирилади.

Спирт буғлангандан кейин нематодаларни MBS-1 микроскопи остида глитсерин -желатин бир томчисига терилади,устига қоплагич ойнача ёпилиб, доимий препаратлар таййорланади.Таййор бўлган препаратларни MBI-3 микроскопи остида кўрилиб тажриба ўтказиладиган майдонда қайси тур нематодалар учраганлиги аниқланди.

Олинган натижалар:Тадқиқотлар натижасида ҳаммаси бўлиб, 46 тур (616 та) фитонематодалар топилди. Топилган фитонематодалар 4 туркум (*Araelaimida, Dorylaimida, Rhabditida, Tylenchida*), 15 оила ва 24 авлодга мансуб эканлиги аниқланди.

Шунингдек,текширилган намуналарда қуйидаги туркум вакиллари хилма-хиллиги кузатилди: *Rhabditida* 14 тур, *Tylenchida* 20 тур. *Rhabditida* туркумидан *Cephalobidae* оиласи вакиллари кўп учради (11 тур, 164экз).

Tylenchida туркуми орасида *Aphelenchus, Aphelenchoides, Helicotylenchus* авлоди вакиллари кўпчиликни ташкил этди. *Dorylaimida* туркуми 11 турдан иборат бўлиб, *Eudorylaimus* авлоди вакиллари кўпроқ, *Araeolaimida* туркумидан эса битта *Plectus parietinus* тури учради. Топилган фитонематодалар А.А.Парамонов классификациясига [3] асосланиб, қуйидаги экологик гуруҳларга ажратилди: фитогельминтлар, параризобионтлар, девисапробионтлар ва эусаробионтлар.

Шунингдек,ботаника боғи ғўза биогеоценози тупроғи фитонематодалар таркибини эколого-трофик гуруҳлари солиштириб ўрганилганда фитогельминтлардан ҳақиқий паразитлар ва микогельминтлар доминантлик қилди. Экологик гуруҳлардан девисапробионтлар ҳам кўплаб учради. Эусапробионтлар эса учрамади.

Агроценоз тупроқларида фитонематодалар сони ёндош экосистемалари тупроқларига нисбатан кам учраганлиги тасдиқланди.

Ғўза агроценози ва ёндош экосистемаларидан топилган фитонематодалар туркумлари орасида тарқалиши қуйидагича: *Tylenchida* туркуми мос равишда 12 тур; 14 тур (150, 215 экземпляр) ни ташкил этди. Бу туркум вакиллари бошқа туркум вакилларига нисбатан кўп учради. Ҳамма учраган нематодаларга нисбатан фоиз ҳисобида 58 % ни ташкил этади (1-2-жадвал).

Rhabditida туркуми тупроқ намуналарида 8 тур (72 экземпляр), ёндош экосистемаларида ҳам 8 тур (78 экземпляр) ни ташкил этди. Бу ҳамма учраган фитонематодаларни 25% ини ташкил қилади.

1-жадвал

Ғўза агроценози ва ёндош экосистемалари тупроқ нематодаларининг туркумлар бўйича тақсимланиши

№	Туркумлар	Турлар	Индивидлар	Индивидларнинг умумий сони, фоиз
		Сони		

				ҳисобида
1	Tylenchida	12\14	150\215	55
2	Rhabditida	8\8	72\78	21
3	Araeolaimida	-\8	-\80	20
4	Dorylaimida	5\1	18\3	4
	Жами	**25\31**	**240\376**	**100**

2-жадвал

Ғўза агроценози ва ёндош экосистемалари тупроқ нематодаларининг экологик гуруҳлар бўйича тақсимланиши

№	**Туркумлар**	**Турлар**	**Индивидлар**	**Индивидларнинг умумий сони, фоиз ҳисобида**
		Сони		
1	Фитогельминтлар	12\14	150\215	59
2	Параризобионтлар	5\8	18\80	15
3	Девисапробионтлар	8\9	72\81	26
4	Эусапробионтлар	-	-	-
	Жами	**25**	**240**	**100**

Araeolaimida туркуми вакиллари ғўза агроценози тупроғида учрамади, ёндош экосистемалари тупроғида 8 тури (80экз.) аниқланди. *Dorylaimida* туркуми вакиллари 5 тур (18 экз.), ёндош экосистемалар тупроғида 1 тур (3 экз.) ни ташкил этди. Бу туркум вакиллари бошқа туркум вакилларига нисбатан кам учради. Ғўза агроценозлари тупроқ нематодаларини экологик гуруҳлар бўйича таҳлил қилганганда тур таркиби ва сони жиҳатдан фитогельминтлар бошқа экологик гуруҳ вакилларидан устун бўлди (2-жадвал). Фитогельминтлардан эудоминант турлар *Aphelenchus avenae, Ditylenchus dipsaci,* доминант - *Helicotylenchus multicintus, Merlinius dubius,* субдоминант - *Tylenchus davanii, Aglenchus agricola,* рецедент - *Neothylenchus acris, Aphelenchoides parietinus, Tylenchus filiformus,* қолган 5 тур субрецедент турлар бўлиб ҳисобланди.

Параризобионтлардан бу даладан олинган тупроқ намуналарида 5 тур (18 экземпляр), ёндош экосистемаларида 8 тур (80 экземпляр) топилди. Эудоминант ва доминант турлар учрамади, *Eudorylavmus* авлоди вакиллари субдоминант, девисапробионтлар ғўза агроценозларида 8 тур (72 экз.), ёндош экосистемаларида 9 тури (81 экз.) учради, рецедент турлар учрамади, эудоминант турлар – *Chiloplacus simmetricus*, доминант – *Cephalobus* авлоди вакиллари, субдоминант турлар - *Chiloplacus, Acrobeles авлоди вакиллари,* рецедент - *Chephalobus brevicaudatus*, 2 тур субрецедент бўлиб ҳисобланди.


Хулоса:Шундай қилиб, ғўза агроценози ва унга ёндош экосистема тупроғидан топилган фитонематодалар комплекси солиштирилганда органик моддаларга бой ёндош экосистемалар тупроғида нематодалар тур, таркиби ва сони жиҳатидан устунлиги аниқланди. Ғўза агроценози учун характерли нематодалар 15 турни, ёндош экосистемаси учун характерли несматодалар 21 турни, иккала

экосистемалар учун характерли нематодлар 10 турни ташкил қилди. Ғўза агроценози ва унга ёндош экосистемалар тупроқларидан аниқланган нематодалар турлари ва сони жиҳатидан таққосланганда ҳар қайси биогеоценоз ўзига хос нематодофаунага эга эканлиги маълум бўлди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кирьянова Е.С., Кралль Э.П. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. Изд. Наука. М.: Т.2. 1971. С. 1-447
2. Кирьянова Е.С., Кралль Э.П. Паразитические нематоды рас и меры борьбы с ними. Изд. Наука. М.: Т.1. 1969. С. 1-357
3. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии. М., 1962, 1964, 1970. Т 1. С.479., Т 2. С.443., Т 3. С.253.
4. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. Фитонематоды Узбекистана. Т.1. Изд. «Фан». Ташкент, 1975. С. 1-136
5. Тулаганов А.Т., Усманова А.З. Фитонематоды Узбекистан. Т.2. Изд. «Фан». Ташкент, 1978. С. 1-144
6.С.Дадаев ,Г.А.Абдураҳмонова “Умумий паразитология” Ташкент-2015
7.Х.С.Эшова,Г.А.Абдураҳмонова,Э.Н.Азизова “Фитогелментологиядан амалий машғулотлар” Ташкент-2004

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



FACTORS DETERMINING THE STRUCTURE OF EXPENDITURES FINANCED FROM THE BUDGET

Khabibullayev Ibrahimjon Muhammadjon ogli[1]
[1] Master of Tashkent Financial Institute

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720339

ARTICLE INFO
Received: 19th April 2021
Accepted: 23rd April 2021
Online: 25th April 2021

KEY WORDS
budget, financing, expenses

ABSTRACT
The article provides information on the structure of social expenditures, factors that determine the structure of the budget, and the tasks set.

БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Xabibullayev Ibrohimjon Muhammadjon o'g'li[1]
[1] Тошкент молия институти магистранти

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 19-aprel 2021
Ma'qullandi: 23-aprel 2021
Chop etildi: 25-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
бюджет, молиялаштириш, ҳаражатлар, ресурс

ANNOTATSIYA
Мақолада ижтимоий ҳаражатлар таркиби, бюджетдан молиялаштириладиган таркибий тузилмани белгиловчи омиллар ҳамда вазифалар юзасидан маълумотлар келтирилган.

Бюджетдан амалга ошириладиган харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат бўлади.


Умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши давлат ваколатли органлари вазифасига киради.

Табиий ресурслар, сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маориф, касбни ўзгартириш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунга аҳоли сони ўсишиниг юқори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга

маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади.

Давлатимиз хар йили ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини кафолатлайди. Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланмоқда. Ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш ва бюджет ташкилотларининг алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий-маданий тадбир харажатлари, аввало, лойиҳа параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларининг лойиҳа параметрларида кам таъминланган болали оилаларга тўланадиган нафақалар ва аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фарқни бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади (1- расм).



1-расм. Ижтимоий соҳа харажатларининг таркибий тузилмаси.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини ҳам ошиб боришига олиб келган, буларнинг сабабини асосан 1995 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар

томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган таълим харажатлари – яъни ўрта махсус ўқув юртлари харажатларини молиялаштирилишини ортиши, давлат капитал қуйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини ортиб бориши ҳисобига хамда аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган тадбирлар харажатларини сезиларли даражада ўсганлиги билан изоҳлаш ўринлидир.

Хулоса қилиб айтганда Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, маҳаллий бюджет имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида молиялаштириш масалалари муҳим ўрин тутади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Банк молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4503-сонли қарори Т.: Ўзбекистон. 2019 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4938-сонли қарори Т.: Ўзбекистон. 2020 йил.

3. 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ПҚ-365-сонли қарори Т.: Ўзбекистон. 2020 йил.

4.Акперов И. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2011год.

5.Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2011йил.

6.Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы, денежной обращение, кредит. –М.: ЮНИТИ. 2000 год.


7.Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011год.

8.Брайчева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер. 2001год.

9.Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014 йил.

10.Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011 йил.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ANALYSIS OF HOLER STORIES DETAILS

Kuchkarova Hafiza Sherbabaevna[1], Furkat Soatov Rahimnazarovich[2]
[1] Doctoral student of the National University of Uzbekistan
E-mail: hafisakuchkarova@mail.ru
[2]Teacher of Tashkent Financial Institute, E-Mail: f.soatov@yahoo.de

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720428

ARTICLE INFO
Received: 23RD April 2021
Accepted: 25rd April 2021
Online: 27h April 2021

KEY WORDS
Franz Hochler, contemporary Swiss storyteller

ABSTRACT
Unique and working writer Franz Hohler in modern Swiss literature, his literary work and the main ideas raised in the writer's work

ҲОЛЕР ҲИКОЯЛАРИ ТАФСИЛОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Kuchkarova Hafiza Sherbabaevna[1], Furkat Soatov Rahimnazarovich[2]
[1] ЎзМУ докторанти, E-mail: hafisakuchkarova@mail.ru
[2]Тошкент Молия институти ўқитувчиси, E-Mail: f.soatov@yahoo.de

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR
Франз Ҳоҳлер, замонавий Швейцария ҳикоянависти

ANNOTATSIYA
Замонавий Швейцария адабиётида бетакрор ва меҳнаткаш адиб Франз Ҳоҳлер, унинг адабиий ижоди ҳамда ёзувчи ижодидаги кўтарилган асосий ғоялар

Швейцар адиби Франц Ҳолер ижоди ҳозирги замон Швейцария адабиётида муҳим ўрин тутади, адиб ижодига диор илмий изланишлар бизнинг юртимизда фақатгина икки-учта мақола билан чегараланиб келган. Ҳолер прозаси ҳажман кичик бўлса-да, оҳанги жарангдор, инсон сезгилари орқали дунёни англаш, ифода усулларининг янги бадиий шакллари орқали XX аср насри ривожига инсоний тафаккур ва онгости сезгиларини янгича қарашларда талқин этади[1]. Аср бошидаёқ турли бадиий шакллар орқали оламни эркин идрок этишни тасвирлаш урфга айланган бўлса-да, бу жиҳатлар аср ёзувчиларининг ҳар бирлари эплай оладиган иш эмас эди.

XX аср адабиёти воқеликни тасвирлаш жиҳатдан анъанавий ёндашувдан аллақачон воз кечган эдилар. Оламни тасвирлашга бўлган муносабат бирламчи вазифа қилиб олинган бир паллада, умумий мазмун баъзан бирламчи, баъзида эса иккиламчи, айрим ҳолларда эса майда деталнинг энг аҳамиятли бўлиши – диққат марказида бўлиб қолди, яъни 20-аср адабиётининг аксарият қисми

воқеа-ҳодисани баён қилишнинг анъанавийлигидан тобора халос бўлиб бормоқда эди. Дунё қиёфасидаги нисбатлар ўзгариб борар, асосий эътибор иккиламчи масалага, умумийдан ўзига хосликка, бутундан тафсилотгача силжиб боради. Замонавий лирик насрнинг фарқи, метафора ва яширин метономик образларнинг йўқлиги, воқеликка ижтимоий-психологик маъно юкламасдан, аксинча оддий, одатий аҳмият касб этиши, китобхон онгида гўё иккинчи даражали, тасодифий ҳолат сифатида шаклланса-да, ўз қийматини йўқотмаслик ҳолатидир[2].

Инсон психологияси швейцар ёзувчиси асарларида таъсирчан аҳамиятга эга бўлган ҳаракат орқали эмас, балки энг кичик, аҳамиятсиз кўринаадиган тафсилотлар орқали аниқланади, фақат баъзида билвосита характернинг кечинмалари ҳақида гувоҳлик беради[3].

Ҳолер насридаги тафсилотлар қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва кайфиятлари ҳақида далолат беришдан ташқари, уларнинг ички олами руҳиятини ҳам акс этади. Бу нафақат лирик ёки психологик тафсилот, балки муаллифнинг дунёқарашини ифодаловчи восита бўлиб, шу йўл билан у нафақат қаҳрамон билан, балки муаллиф билан, муаллифнинг муносабати ва мавзуси билан боғлиқ бўлган дунёқараш деталидир[4].

Ф.Ҳолер насрининг асосий мавзуси мавжудлик муаммоси, унинг маъносини билмаслик, уни йўқотиш ва йўқотиш ҳақида ноаниқ тахмин қилиш ёки бу ҳақда ўйлашга журъат этмаслик билан белгиланиши ҳолатидир [5]. Ҳолер инсон ҳаётини гўё майда бўлакларга бўладики, ҳатто гоҳида инсоннинг ўзи ҳам бўлакларни бутун қилишга қурби келмайди, аммо бундан қайғурмайди, аксинча шунга суюнади,бошқаларга бир қарашда ҳеч қандай маъниси йўқ бўлган дам олиш кунидаги одатий сайрдаги ҳордиқ ҳам айнан байрамона кунлардан фарқ қилгани учун ҳам адиб қаҳрамонининг бахти ҳисобланади. Унинг лирик прозасидан китобхон оддий кундалик ҳаёт мазасини татиб кўришни ўрганади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Michael Bauer, Klaus Siblewski. Franz Hohler. Texte, Daten, Bilder. Sammlung Luchterhand. 1993. S.8-9.


2. Вилисова Татьяна Геннадьевна. Немецкая историческая проза 70-80-х гг. XX века. Поэтика жанров. Автореферат. Нижний Новгород 2005. Стр. 25.

3. Heinz Ludwig Arnold (Hrsg.): Literatur in der Schweiz. Text & Kritik Sonderband, IX/98, München 1998, S.16.

4. Klaus Pezold (Hrsg.): Schweizer Literaturgeschichte. Die deutschsprachige Literatur im 20. Jahrhundert. Militzke, Leipzig 2007, S.35.

5. Michael Bauer, Klaus Siblewski. Franz Hohler. Texte, Daten, Bilder. Sammlung Luchterhand. 1993. S.10-11.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



EFFICIENCY OF THE COLLECTED PENSION SYSTEM

Teshaboev Jamshidbek Qudratillaevich[1]

[1] Deputy Head of the Extra-budgetary Pension Fund under the Ministry of Finance, Ulugnor district, Andijan region

https://doi.org/10.5281/zenodo.4720492

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25rd April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

Pensions, pension benefits, cash, government subsidies, pension funds

ABSTRACT

This article discusses and analyzes pensions, improving the pension system of the Republic of Uzbekistan, reforms in the financing of the pension system and similar issues.

JAMG‘ARIB BORILADIGAN PENSIYA TA’MINOTI TIZIMI SAMARADORLIGI

Teshaboev Jamshidbek Qudratillaevich[1]

[1] Moliya vazirligi xuzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasi Andijon viloyati Ulug‘nor tuman bo‘lim boshliq o‘rinbosari

Email: teshaboevjq@gmail.com

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Pensiya, pensiya ta’minoti, pul mablag‘lari, davlat subvensiyalari, pensiya fondlari

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada pensiya, O‘zbekiston Respublikasi pensiya ta’minoti tizimini takomillashtirish, pensiya tizimini moliyalashtirishdagi islohotlar va shu kabi masalalar ko`rib chiqildi va tahlil etildi.

O‘zbekiston Respublikasi pensiya ta’minoti tizimini takomillashtirish va uni isloh qilish, butunlay yangicha insonlar manfaatlariga xizmat qiladigan ko‘p bosqichli pensiya tizimini joriy etish kabi masalalar mamlakatimiz pensiya tizimini takomillashtirishning strategik maqsadlarining ustuvor yo‘nalishlarini belgilab bermoqda. Chunki, aholining kuchli ijtimoiy siyosatini amalga oshirish uchun kuchli moliyaviy manbaga asoslangan pensiya ta’minoti institutini shakllantirish lozim. Zero, ijtimoiy siyosatning ahamiyati shundaki, mamlakatdagi mehnat qobiliyatini yo‘qotgan yoki ba’zi sabablarga ko‘ra ishlab daromad topish imkoniyatiga ega bo‘lmagan qatlamlarini ijtimoiy himoya tizimi orqali qamrab olinadi.

“Pensiya” - bu fuqarolarning qonunchilikda belgilangan keksalik yoshiga yetganida, nogironlik tufayli mehnat

faoliyatini yo‘qotganida, shuningdek, boquvchisidan mahrum bo‘lganida va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda qonunchilikda belgilangan shartlar va normalar asosida beriladigan har oylik to‘lovlar hisoblanadi”. Pensiya ta’minoti esa ushbu to‘lovlarni maxsus Pensiya jamg‘armalari mablag‘lari hisobidan fuqarolarga to‘lanishining ta’minlanishidir. Ya’ni pensiya aholini iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashning asosi hisoblanadi. Pensiya ta’minoti tizimi jamiyatning turli ijtimoiy qatlamlarining manfaatlarini qondirish uchun mo‘ljallangan, iqtisodiy, ijtimoiy va huquqiy institutlarni birlashtiruvchi murakkab organizmdir. “Pensiya” atamasi XIX asrning ikkinchi yarmidan paydo bo‘ldi. Bunga sabab ilm-fan,sanoatning riivojlanishi hamda yollanma ishchilar sinfinig rivojlanishi bo‘ldi.

Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti to‘g‘risidagi Qonunning maqsadi: fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti sohasidagi munasabatlarini tartibga solishdan iborat. Davlatning nazorati ostida ish beruvchilar va ishlovchilarning shakllanuvchi maxsus byudjetdan tashqari ijtimoiy jamg‘armalardan pensiyalarni moliyalashtirilishi jamg‘arib boriladigan pensiya tizimining xususiyatli jihatidir.

“Jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti- fuqarolarni shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlaridagi mablag‘laridan davlat pensiyasiga qo‘shimcha pul mablag‘lari bilan ta’minlashdir.

Pensiya tizimini moliyalashtirishdagi islohotlarni tezlikda amalga oshirib bo‘lmaydi, ularni Respublikamizda boshqa islohotlar bilan jumladan, mehnat bozoridagi, soliq tizimidagi, moliya va kredit tizimidagi islohotlar bilan birgalikda amalga oshirish lozim. Pensiya tizimini moliyalashtirish bo‘yicha islohotlarni amalga oshirishda milliy urf-odatlarimiz, oilalarga, qariyalarga yordam e’tiborga olinishi kerak. Mazkur tizimning mamlakatimizda qo‘llanilishi jarayonida quyidagilarni amal qilish ko‘zda tutilgan:

- jamg‘arib boriladigan pensiya’ning umumiy va majburiy xarakteri, ijtimoiy kafolatlarini amalga oshirishdagi imtiyozlar kishining ijtimoiy himoyalanish huquqining ta’minlanishi;

- jamg‘arib boriladigan pensiya majburiy va ixtiyoriy shakllarning birligi teng huquqliligi shaxsning ijtimoiy ta’minotga bo‘lgan zaruriy darajasi ta’minlanadi va uning keksalik chog‘ida yaxshi yashashi uchun ta’sir ko‘rsatishi;

- turli xil pensiya tizimining bir vaqtning o‘zida amal qilishidagi mustaqilligi va o‘zini-o‘zi idora qilish sharoitida majburiy jamg‘arib boriladigan pensiya bo‘yicha to‘lovlar darajasi va tizimni barqarorligining davlat tomonidan kafolatlanishi;

- jamg‘arib boriladigan pensiya tizimida qatnashuvchi shaxs va ish beruvchini moliyaviy ishtirokining majburiyligi, zaruriy holatlarda davlat subvensiyalarining jalb etilishi.

- jamg‘arib boriladigan pensiya tizimida qatnashuvchi shaxsga uning jamg‘argan badallari to‘lashidagi moliyaviy ishtiroki tufayli hosil bo‘lgan mablag‘dan turli shakldagi moddiy yordam va xizmatlar ko‘rsatishi ta’minlanishi;

- aholining tegishli ijtimoiy kategoriyalarni qamrab oluvchi kishilar guruhi yoki mamlakatning barcha aholisining u yoki bu pensiya ta’minot turidan manfaatdorligi;

- barcha jamg‘arib boriladigan pensiya tizimida qatnashuvchi shaxslarning xarajatlarini moliyalashtirish bo‘yicha majburiyat va natijada ega bo‘lingan huquq

va kafolatlar nuqtai nazaridan tengligini ta’minlanishi.

Jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlari miqdori jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlarini oluvchining shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvarag‘iga o‘tkazilgan mablag‘lar summasidan kelib chiqqan holda belgilanadi. Jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlarining eng kam yoki eng ko‘p miqdorini belgilash nazarda tutilmaydi. Shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvarag‘ida jamg‘arilgan barcha mablag‘larni bir yo‘la olishda to‘lovlar jamg‘arilgan pensiya to‘lovlarini olish vaqtida shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvarag‘iga o‘tkazilgan mablag‘lar doirasida to‘liq hajmda amalga oshiriladi. Jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlari bo‘lib-bo‘lib olingan taqdirda shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvarag‘iga o‘tkazilgan jamg‘arilgan summa jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlarini oluvchi ushbu to‘lovlarni olishni hoxlaydigan oylar soniga bo‘linadi. Jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlarini amalga oshirish davri va davriyligi jamg‘arib boriladigan pensiya to‘lovlarini oluvchi tomonidan belgilanadi va cheklanmaydi.

Xorijiy tajribalar shuni ko‘rsatadiki, pensiya ta’minoti sohasidagi o‘zgartirishlar natijasida tizimni mukammallashtirish zarur: imtiyozli pensiyalar va belgilangan muddat xizmat qilgani uchun tayinlanadigan pensiyalar bo‘yicha pensiya ta’minoti tizimini tartibga solish; belgilangan muddatdan ilgari pensiyaga chiqish tartibini bekor qilish; ijtimoiy to‘lovlar doirasini kengaytirish; majburiy ijtimoiy sug‘urta to‘lovlarni hisob-kitob qilish bazasini ko‘paytirish; yakka tartibda shaxsiy hisobga olish tizimini rivojlantirish. Rivojlangan mamlakatlarda nodavlat pensiya fondlari taraqqiy etib bormoqda. Nodavlat pensiya jamg‘armalari tabiatiga ko‘ra ikki tomonlama xususiyatga ega. Birinchidan, bu jamg‘armalar jamiyatdagi mehnatga layoqatsiz bo‘lgan a’zolarning moddiy holatini yaxshilash vazifasini hal qilish maqsadini ko‘zlaydigan muhim ijtimoiy institut deb hisoblanadilar. Ular yordamida odamlar keksalik davrida davlat tomonidan kafolatlangan eng kam miqdordan yuqoriroq daromad olish imkonini qo‘lga kiritadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:


1. O`zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti to‘g‘risida”gi Qonuni. 2004 yil. 2 dekabr.

2. O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning davlat pensiya ta’minoti to‘g‘risida” gi Qonuniga hamda O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksiga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqida O‘zbekiston Respublikasining Qonuni. 2010 yil 26 noyabr

3. O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti to‘g‘risida” gi Qonuni. 2004 yil. 2 dekabr

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yildigi 2- fevraldagi “Ish haqqi,pyensiyalar,stipendiyalar,va nafaqalar to‘lash mexanizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PQ-2753-sonli Qarori

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



STUDY OF THE DYNAMICS OF THE ORIGIN OF ALVEOLITES AFTER SURGERY OF TEETH REMOVAL IN CHRONIC PERIODONTITIS

Abduvaliyev Nodirbek Abduxoshim ugli [1]
Raimjonov Rustamjon Ravshanbekovich [2]
[1] Andijan State Medical Institute
[2] Andijan State Medical Institute

https://doi.org/10.5281/zenodo.4724509

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25rd April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

Alveolitis, post-extraction complications, prevention of complications, object of study, questionnaire, examination, physical examination, radiography, use of statistical methods, chronic granular periodontitis, age composition

ABSTRACT

Post-extraction complications - alveolitis. Determination of the causes of recurrent alveolitis in patients and the study of the dynamics of the course.

СУРУНКАЛИ ПЕРИОДОНТИТЛАРДА ТИШЛАРНИ ОЛИШ ОПЕРАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛГАНИДАН КЕЙИН АЛЬВЕОЛИТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИ ДИНАМИКАСИНИ ЎРГАНИШ

Абдувалиев Нодирбек Абдухошим уғли [1] **, Раимжонов Рустамжон Рашанбекович** [2]
[1] Андижон давлат тиббиёт институти
[2] Андижон давлат тиббиёт институти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ANNOTATSIYA

Ekstraktsiyadan keyingi asoratlar - alveolit. Bemorlarda takroriy alveolit sabablarini aniqlash va kurs dinamikasini o'rganish.

альвеолит, постэкстракцион асоратлар, асоратлар профилактикаси, тадқиқот объекти, анкеталаш, сўров, объектив кўрик, рентгенография, статистик усуллардан фойдаланиш, сурункали грануляцияланувчи периодонтит, ёшга боғлиқ таркиби

Мавзунинг долзарблиги. Альвеолит – бу кенг тарқалган стоматологик касалликлардан бири бўлиб, турли муаллифларнинг фикрича беморларда тишлар олинганидан кейин учрайдиган барча асоратларнинг 24-35 % қисмини ташкил қилади (Бернадский Ю.И., 2000; Бодрова Р.А., 2006; Борисюк Р.В., 2007). Бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра альвеолитлар постэкстракцион асоратларнинг 13,4 % дан 42,8 % гача қисмини ташкил этади (Сирак С.В., Читанова А.Д., Сирак А.Г., Сасина М.А, 2010).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тиш олиш операциясидан кейин ривожланадиган асоратларнинг профилактикаси ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш юзасидан ишлар бугунги кунга қадар давом этмоқда. Бу йўналишдаги фикрларнинг турли-туманлиги мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади ва ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг материали ва методологияси. Илмий тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоят стоматология поликлиникасига 2021 йил биринчи чорагида сурункали периодонтитларнинг асорати сабабли тишлар олинганидан кейин альвеолит касаллиги билан қайта мурожаат қилиб келган 67 нафар беморлар хизмат қилдилар. Тадқиқотни олиб боришда анкеталаш, сўров, объектив кўрик, рентгенография ва статистик усуллардан фойдаланилди. Беморлар ташхиси, жинси ва ёши буйича гуруҳларга ажратилди.

Олинган натижалар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бизнинг клиникамизга 2021 йилнинг январь-феврал-март ойлари давомида 83 нафар беморлар тишлар олинганидан кейин юзага келган альвеолит ташхиси билан мурожаат қилган. Беморлар билан ўтказилган сўров ва беморларнинг амбулатор карталарини таҳлил қилиш орқали юқорида қайд этиб ўтилган беморларнинг 67 нафарида тишлар сурункали периодонтит ва унинг асоратлари ташхиси билан олиб ташланганлиги аниқланди.

67 нафар беморларнинг барчасида сурункали периодонтит ташхиси қўйилган бўлиб, шундан 8 нафарида ёки 12% қисмида сурункали фиброз периодонтит, 17 нафарида ёки 25% қисмида сурункали

гранулёматоз периодонтит, 42 нафарида ёки 63% қисмида эса сурункали грануляцияланувчи периодонтит ташхиси белгиланган.

Шунингдек, беморларнинг 22 (33 %) нафари эркак кишилар бўлса, 45 нафари (67%) аёлларни ташкил этади. Мурожаат қилиб келган беморларнинг ўртача ёши 18-65 ёшлар орасига тегишли. Беморларнинг ёшга боғлиқ таркиби қуйидагича: 18-25 ёш – 6 нафар (9%), 26-35 ёш – 31 нафар (46 %), 36-45 ёш – 17 нафар (25 %), 46-55 ёш – 11 нафар (17 %), 56-65 ёш – 2 нафар (3 %).

Бундан ташқари 39 нафар (58 %) беморларда альвеолит касаллиги юқори жағда ва 28 нафар (42 %) беморларда пастки жағда кузатилди.

Хулосалар. Тадқиқот натижасида олинган натижаларга асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:


- альвеолит касаллигига чалинган беморларнинг 84 % қисми сурункали периодонтитлар сабабли тишлар олинганидан кейин юзага келган;
- сурункали периодонтитлар орасида аьвеолитлар асосан яъни 63 % ҳолатларда сурункали грануляцияланувчи периодонтит ташхиси билан тишлар олинганида юзага келади;
- беморларнинг жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилганимизда, сурункали периодонтитлар сабабли тишлар олинганидан кейин кўпроқ (67 %) ҳолатда аёлларда альвеолит ксаллиги келиб чиқиши кузатилди;
- беморларнинг ёшга боғлиқ ҳолда таҳлил қилганимизда, сурункали периодонтитлар сабабли тишлар олинганидан кейин кўпроқ (46 %) ҳолатда 26-35 ёшлар оралиғидаги беморлар альвеолит касаллиги келиб чиқади;
- сурункали периодонтитларда тишлар олинганидан кейинги альвеолит касаллиги кўпинча яъни 58 % ҳолатда юқориги жағда учрайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларни ўқув-илмий жараёнларда, хирургик стоматология амалиётида тиш олиш операциясидан кейинги асоратларни олдиндан таҳлил қилишда қўллаш мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бернардский Ю.И. Основы челюстно-лицевой хирургии и хирургической стоматологии. – М.: “Медицинская литература”, 2000.
2. Бодрова Р.А. Востановительное лечение слизистой оболочки лунки после удаления зуба. – Тезисы докладов научно-практической конференции молодых ученых, Казань, 2006.
3. Борисюк Р.В. Влияние аэроионотерапии на состояние лунки после удаления зуба. – Казанский медицинский журнал, 2007, Т. 88, №6.
4. Сирак С.В. и др. Вестник Смоленской государственной медицинской академии. - №2, 2010.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



FUNCTIONAL FEATURES OF THE NASAL AND NASAL CAVITIES WITH CONGENITAL MALFORMATIONS

Ikramova Firangiz Suleymanovna [1], Alimova Shakhnoza Azamatovna [2]

[1] Otorhinolaryngology and ophthalmology / Bukhara State Medical Institute

[2] Anatomy / Bukhara State Medical Institute

https://doi.org/10.5281/zenodo.4725238

ARTICLE INFO

Received: 23rd April 2021
Accepted: 25rd April 2021
Online: 27th April 2021

KEY WORDS

congenital cleft palate, congenital cleft lip, nasal congestion.

ABSTRACT

Functional features of the nasal and nasal adjacent cavities were studied in 50 patients with congenital malformations. Clinical-functional, radiological, computed tomography, endoscopic and microbiological examinations were performed in these patients, and the results were statistically analyzed. In children with congenital palate and lip defect, in 100% of cases on the defective side, only in 54% of children with palate defect (complete, incomplete, submucosal) curvature of the nasal barrier to the opposite side of the defect was observed. In addition, 32 (64%) children were found to have enlarged compensatory nasal lobes.

ТУҒМА ТАНГЛАЙ КЕМТИКЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА БУРУН ВА БУРУН ЁНДОШ БЎШЛИҚЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Икрамова Фирангиз Сулеймановна [1] , Алимова Шахноза Азаматовна [2]

[1] Оториноларингология ва офтальмология/ Бухоро Давлат тиббиёт институт

[2] Анатомия/ Бухоро Давлат тиббиёт институт

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 23-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 27-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

tуғма танглай кемтиги, туғма лаб кемтиглиги, бурун ёндош бўшлиғи

ANNOTATSIYA

Туғма танглай кемтиги бўлган 50 нафар беморда бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари функционал хусусиятлари ўрганилди. Ушбу беморларда клиник-функционал, рентгенологик, компьютер томрография, эндоскопик ва микробиологик текширувлар ўтказилди, ҳамда натижалар статистик таҳлил қилинди. Туғма танглай ва лаб кемтиги бўлган болаларда 100% ҳолатда нуқсон томонда, фақат танглай нуқсони (тўлиқ, нотўлиқ, субмукоз) бўлган 54% болаларда нуқсон томонга қарама қарши томонга бурун тўсиғи эгрилиги кузатилди. Шу билан бир қаторда 32 нафар (64%) болаларда компенцатор бурун пастки чиғаноқлари катталашганлиги аниқланди.

Бугунги кунда туғма юз жағ соҳаси аномалиялари орасида туғма танглай ва лаб кемтиги 4-ўринни эгаллайди [13;15]. Хар йили бундай беморларни туғилиш кўрсаткичи 1:750 чақалоққа тўғри келмокда. Статистик маьлумотларга кўра, тўлиқ танглай ва лаб кемтиги 36.8%, бир томлонлама танглай ва лаб кемтиги 27.3%,

бир томонлама лаб кемтиги 23.3%, икки томонлама тўлиқ танглай ва лаб кемтиги 10.9% ташкил этади. Ўнг томонлама туғма танглай кемтиги, чап томонга нисбатан кўпроқ учрайди. Туғма танглай ва лаб кемтигининг биргаликда учраши, унинг турли оғир вариантларда кечиши, кўпрок ўғил болаларда кузатилади [1;14].

Оториноларингологларнинг асосий диққат эътиборини туғма танглай кемтиги (ТТК) билан туғилган болалар гуруҳи жалб этади [3;18]. Туғма танглай кемтиги барча туғма нуқсонларнинг 30%ни, юз–жағ сохаси аномалияларининг 86% ни ташкил этади [2;6].

Туғма танглай ва лаб кемтиги билан туғилган болаларда 20-40% дан 90-100% гача қулоқ ва бурун қасалликлари учрайди [4;12]. Қулоқ касалликлари соғлом болага нисбатан, ушбу нуқсон билан туғилган болаларда 1-1,5 % кўп учрайди [5;16]. Туғма танглай ва лаб кемтиги юз-жағ соҳаси патологиясининг 70-90% ни ташкил этади [7;11].

Туғма танглай ва лаб кемтиги билан қиз болаларга нисбатан ўғил болалар кўпроқ туғилади, аксинча туғма танглай кемтиги ўғил болаларга нисбатан қизларларда икки марта кўпрок учрайди [8]. Туғма танглай ва лаб кемтиги билан туғилган болаларда хаётининг биринчи кунидан нафас олиш, сўриш, ютиниш функциялари бузилган бўлиб, бу боланинг ривожланишига салбий таьсир кўрсатади. Бола катта бўлган сари, унинг руҳияти ҳам ўзгариб, бола жисмоний ривожланишдан орқада қолади [9;10].

Туғма танглай кемтиги билан туғилган болаларда, бурун орқали нафас олиш бузилиши билан бирга эшитиш, вестибуляр анализаторда бузилишлар, манқалик, сўрғичсимон ўсимта сохасида пневматизациянинг бузиши, шу билан биргаликда кўп ҳолатларда чап мия ярим шарларда ўзгариш кузатилиб, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолади[17]. Гипоксия ва гипоксемия оқибатида юкори нафас йуллари анатомик тузилиши бузилади, болада бурун ва оғиз орқали нафас олиш шаклланади, юкори нафас йуллари ялиғланишга мойил бўлади, организмда кислород етишмовчилиги натижасида нафас олиш тизимида ва юрак қон- томир тизимида ҳам қон айланиш бузилади [1;9].

[1,2] Otorhinolaryngology and ophthalmology / Bukhara State Medical Institute
https://doi.org/10.5281/zenodo.4732705

ARTICLE INFO
Received: 20th April 2021
Accepted:25 th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS
fetal rhinitis, preactive rhinomametry, volumetric flow rate, general resistance.

ABSTRACT

The research was conducted in 2018-2021 in the department of otorhinolaryngology of the Bukhara Regional Multidisciplinary Medical Center and the Department of Pregnancy Pathology of the Mohi Xosa maternity complex in Bukhara. The study examined 75 pregnant women (1-2-3 trimesters), as well as 10 non-pregnant students of the Bukhara State Medical Institute who did not suffer from upper and lower respiratory diseases. 1 study group included 25 women aged 18–35 years (mean age = 24.96 ± 2 years). The pregnancies studied were first or second (first pregnancy in 72% of patients, second pregnancy in 28% of patients).
Regular use of a nasal shower based on the method of filling the nasal cavity with a full volume of warm isotonic saline helped to objectively improve nasal breathing.

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГИГИЕНИК ИЗОТОНИК БУРУН ДУШИНИНГ ОЛД ФАОЛ РИНОМЕТРИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ.

Икрамова Фирангиз Сулеймановна [1] , Эркинов Навфалбек Носирович [2]
[1,2] Оториноларингология ва офтальмология/ Бухоро Давлат тиббиёт институти

MAQOLA TARIXI
Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR
хомиладорлар ринити, олд фаол риномаметрия, ҳажмий оқим тезлиги, умумий қаршилик.

ANNOTATSIYA

Илмий иш 2018-2021 йиллар давомида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг оториноларингология бўлимида ва Бухоро шахар Мохи Хоса туғруқ комплексининг хомиладорлар патологияси бўлимида олиб борилди. Тадқиқот давомида 75 та ҳомиладор аёл (1-2-3 уч ойликда), хамда Бухоро давлат тиббиет институтининг10 та ҳомиладор бўлмаган, юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари учрамаган талабалари текширилди. 1 тадқиқот гуруҳи 18-35 ёшдаги (ўртача ёш = 24.96 ±2 ёш) 25 аёлни қамраб олди. Ўрганилган ҳомиладорлик биринчи ёки иккинчи (биринчи ҳомиладорлик 72% беморларда, иккинчи ҳомиладорлик 28% беморда).
Илиқ изотоник физиологик эритма билан бурун бўшлиғини тўла ҳажмли тўлдириш усулига асосланган назал душни мунтазам қўллаш бурун орқали нафас олишни объектив яхшилашга ёрдам берди.


Туғруқни муҳофаза қилиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлашнинг асосий йўналишларидан биридир. Ҳомиладорлик, аёл организмининг барча аъзо ва тизимлари шу жумладан, юқори нафас йўллари (ЮНЙ) физиологик кўрсаткичларинингўзгаришига сабаб бўлади [1;8]. Ҳомиладор аёлнинг бурни ўзининг барча функцияларини бажаради, бироқ, ҳомиладорлик пайтида аёл организмида юз берадиган ўзгаришлар бурун ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Аёлларнинг ҳомиладорлик даврида бурун орқали нафас олишнинг идеопатик бузилиши полиэтиологик бўлиб, кўплаб факторлар таъсирида ривожланади. Ҳомиладорлик даврида бурун орқали нафас олишнинг бузулишига олиб келувчи энг аҳамиятли сабаблардан бири бу аёл организмида гормонал ўзгаришларнинг ривожланишидир. Бу назария конхотомия қилингандан кейин пастки бурун чиғаноқлари шиллиқ қаватида эстероген ва прогестрон рецепторлари топилганлиги билан ҳам исботланади [5;9]. Турли манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, бурун битиши ва ҳомиладорлик даври билан боғлиқ бўлган вазомотор ўзгарувчанлик 30-72% аёлларда кузатилган. Ҳомиладор аёллар ринитининг клиник белгилари ҳомиладор аёл организмига хос бўлган, айланиб юрувчи қон ҳажмининг кўпайиши, прогестерон миқдорининг ортиши, эстерогенлар таъсирида бурун бўшлиғи томирларининг силлиқ мушаклари бўшашиши ва шиш ривожланишига сабаб бўлувчи бир қатор факторларга боғлиқ. Ринитнинг клиник белгилари 20% аёлларда ҳомиладорликнинг 1 уч ойлигида пайдо бўлиб, ҳомила ривожланиши давомида кучайиб боради ва туғруқдан кейин 2 ҳафта ўтгач белгиларнинг намоён бўлиши тўхтайди [2;4;7]. Ҳомиладорлик даврида бурун орқали нафас олишнинг бузулиши она организмида гипоксиясия ривожланиши ва хомила шаклланиши учун ноқулай шароит пайдо бўлишига олиб келади. Уйқу бузулиши ва ронхопатия бурун орқали нафас олиш бузулишининг асоратлари бўлиб, улар гипоксия, артериал гипертензия ва преэкламсия ривожланиши ва кечимини оғирлаштирувчи хавф омил ҳисобланади [3;6]. Муаллифлар,она бош миясида гипоксик ўзгаришга сабаб бўлувчи ҳар қандай патогенетик босқич, она ва хомиланинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади деб айтишади. "Ҳомиладорлар ринити" ни даволаш қийин вазифадир. Асосий муаммо – бу бурун орқали нафас олишни тиклаш, бурун битиши организмга тизимли таъсирини ва ҳомиладорлик даврида ишлатиладиган дориларнинг ножўя таъсирини олдини олишдан иборат.

Текшириш мақсади. Ҳомиладор аёлларда гигиеник изотоник бурун душининг олд фаол ринометрия кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш.

Текшириш материаллари ва усуллари. Илмий иш 2018-2021 йиллар давомида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг оториноларингология бўлимида ва Бухоро шахар Мохи Хоса туғруқ комплексининг хомиладорлар патологияси бўлимида олиб борилди. Тадқиқот давомида 75 та ҳомиладор аёл (1-2-3 уч ойликда), хамда Бухоро давлат тиббиет институтининг10 та ҳомиладор бўлмаган, юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари учрамаган талабалари текширилди. 1 тадқиқот гуруҳи 18-35 ёшдаги(ўртача ёш = 24.96 ±2 ёш) 25 аёлни қамраб олди. Ўрганилган ҳомиладорлик биринчи ёки иккинчи (биринчи ҳомиладорлик 72% беморларда, иккинчи ҳомиладорлик 28% беморда).

Ҳомиладорликнинг I-уч ойлигидаги аёлларнинг тана вазни тадқиқот ўтказилган вақтда 45-75 кг, ўртача 55,66 ± 2,2 кг ни ташкил қилди. Ҳомиладорликнинг II-уч ойлигидаги бемор ларнинг тана вазни 48-84,2 кг (ўртача = 60,7 ± 2,6 кг), III-уч ойликда- 56-86 кг (ўртача - 66,4 ± 2,1 кг) га тенг.

Диаграмма №1. Ҳомиладорлик даврида бурун орқали нафас олишни субъектив баҳолашнинг ўртача кўрсаткичлари (балл)



Тадқиқот гуруҳларидаги ҳомиладор аёлларда олд фаол ринометрия (ОФРМ) кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал. ОФРМ маълумотларига кўра ҳомиладорликнинг I,II, IIIуч ойлигида бурун орқали нафас олишни баҳолаш (M ± m)

Гуруҳлар	I уч ойлик		II уч ойлик		IIIуч ойлик	
	ҲОТ $см^3$ / с	УҚ Па /$см^3$/ с	ҲОТ $см^3$ / с	УҚ Па /$см^3$/ с	ҲОТ $см^3$ / с	УҚ Па /$см^3$/ с
1-гуруҳ	579,8 ± 37,4	0,56 ± 0,06	588,0 ± 46,7	0,56 ± 0,09	670,5 ± 61,5	0,44 ± 0,03
2-гуруҳ	574,6 ± 50,5	0,67 ± 0,15	578,6 ± 81,6	0,71 ± 0,18	671,8 ± 64,4	0,53 ± 0,11
3-гуруҳ (назорат)	850,5 ± 73,8 *	0,39 ± 0,03*	838,0 ± 82,6 *	0,4 ± 0,04*	773,6 ± 62,02 *	0,41 ± 0,03 *

Изоҳ: $p<0.05$ биринчи ва иккинчи гуруҳларга нисбатан

Олинган маълумотларга кўра, тадқиқотнинг барча босқичларида ОФРМ кўрсаткичлари бурун орқали нафас олиш 1- ва 2-гуруҳларга нисбатан учинчи гуруҳда яхшироқ эканлиги аниқланади. Субъектив баҳолашда ишончли фарқ аниқланишига қарамасдан, 1-ва 2-гуруҳларнинг ўртача кўрсаткичлари деярли бир хил бўлиши қайд этилди.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

2-Жадвал. Бурун орқали нафас олиш қийинлигига шикоят қилган аёлларда ҲОТ нинг (см^3/с) ўртача кўрсаткичлари

Бурун орқали нафас олишни субъектив баҳолаш	1- Гуруҳ			2 – гуруҳ		
	I уч ойлик	IIуч ойлик	IIIуч ойлик	I уч ойлик	IIуч ойлик	III уч ойлик
1 балл	621,8±39,1	629,5±72,9	693,8±70,2	650,5 ±23,1	750,3 ±47,2	700,3±16,3
2 балл	531,6±42,7	526,5±54,6	610,6±16,7	623,5±26,5*	654,3±64,6*	712,9±65,8*
3 балл	Йўқ	Йўқ	Йўқ	463,8 ±62,3	436,1± 48,3	517,4 ±52,2

Изоҳ: 1-гуруҳ бурун битиши 2 балл деб баҳолаган аёлларга нисбатан p<0,05 га тенг.

Гестация даврида бурун орқали нафас олишни 2 балл деб баҳолаган, бурун тўсиғи эгрилиги ва СВР мавжуд аёлларда объектив бурун орқали нафас олиши эркин ёки ОФРМ (2-жадвал) бўйича енгил бурун битиши кўрсаткичларига мос келиб, "ҳомиладорлар ринити" бўлган аёлларга нисбатан бурун орқали нафас олиши яхшироқдир.

3-жадвал. Бурун шиллиқ қаватининг секретор фаоллиги (г / мин)

Гуруҳлар	I уч ойлик	II уч ойлик	III уч ойлик
1-гуруҳ	0,09 ± 0,01	0,14 ± 0,01	0,16 ± 0,1
2- гуруҳ	0,1 ± 0,02	0,1 ± 0,02	0,07 ± 0,01
3- гуруҳ	0,11 ± 0,02	0,11 ± 0,01	0,12 ± 0,02

Изоҳ: 1-гуруҳдаги Iуч ойликда бўлган даврга нисбатанр<0,05га тенг.

Субъектив бурун билан нормал нафас оладиган ҳомиладор аёлларда умумий қаршилик (УҚ) 0,27 ± 0,08 см3/с бўлганда, ҳажмий оқим тезлиги (ҲОТ) ўртача 882,4 ± 32,6 см3 / с га тенглиги аниқланди."Ҳомиладорлар ринити" билан оғриган беморларда ҲОТ дастлабки кўрсаткичи 628 ± 61 см3 / с, УҚ эса 0,71 ± 0,3 см3 / с тенг бўлди. 28 кун давомида олиб борилган ирригацион терапиядан сўнг, беморларнинг 91,6% бурун орқали нафас олиши сезиларли даражада яхшилаганлигини сезишди. УҲО сезиларли даражада ошди: 921 ± 97 см3 / с, УҚ 0,29 ± 0,17 см3/с (бошланғич даражасига нисбатан n= 10, α = 0,048, Wкр= 39, W наз. = 42).

Ирригацион терапия шиллиқ қаватнинг секретор фаолиятига таъсир кўрсатмади. Шуни таъкидлаш керакки, "ҳомиладорлар ринити" бўлган аёлларда ва назорат гуруҳидаги беморларда бурун шиллиқ қавати секретор фаолиятида сезиларли фарқлар аниқланмади. Шундай қилиб, назорат гуруҳида секретор фаолият ўртача 0,12 ± 0,02 г/мин, тадқиқот гуруҳида эса шиллиқ қаватнинг секретор фаоллиги мос равишда 0,16 ± 0,03 г/мин ва 0,15 ± 0,02 г / мин ни ташкил этди.

Назорат гуруҳида бурун ажралмаси pH-метрияси кучсиз кислоталикдан кучсиз ишқорийгача ўзгаришини кўрсатди ва ўртача 7,1 ± 0,4 тенг бўлди. Бурун ажралмасининг цитологик таркиби эпителиоцитлар, лейкоцит ҳужайралари, нейтрофиллар, лимфоцитлар, макрофаглар ва плазмоцитлардан иборат. Бунда, лимфоцитлар кўпроқ аниқланди. Бурун

билан эркин нафас олувчи ҳомиладор аёлларда бурун ажралмасининг ўртача цитологик формуласи қуйидагича бўлди: эпителиоцитлар 3,8 ± 1,1 ҳуж. / к.м; нейтрофиллар 3.1 ± 1.3 ҳуж./к.п.; лимфоцитлар 5,6 ± 0,8 ҳуж. / к.м.; макрофаглар 1,9 ± 0,4 ҳуж. / к.м.; плазмоцитлар 1,3 ± 0,6 ҳужай./ к.м.

"Ҳомиладорлар ринити" мавжуд бўлганда, бурун ажралмасининг pH қиймати 6,8±0,3 га тенглиги аниқланди. "Ҳомиладорлар ринити" аниқланганда бурун ажралмасининг ўртача цитологик формуласи қуйидагича бўлди: эпителиоцитлар 4,3 ± 1,4 ҳуж. / к.м.; нейтрофиллар 6,1 ± 1,1 ҳуж. / к.м.; лимфоцитлар 1,2 ± 0,6 ҳуж. / к. м.; макрофаглар 0,9 ± 0,7 ҳуж. / к.м.; плазмоцитлар 1,3 ± 0,4 ҳуж. / к. м.

"Ҳомиладорлар ринити" да ирригацион терапиядан сўнг бурун ажралмасининг кислоталиги 6-7 оралиғида, ўртача - 6,7 ± 0,3 га тенглиги қайд этилди. Цитологик формуласи қуйидагича бўлди: эпителиоцитлар 4.1 ± 1.5 ҳуж. / к. м.; нейтрофиллар 2,3 ± 0,7 ҳуж./ к.м; лимфоцитлар 4,8 ± 0,7 ҳуж. / к.м.; макрофаглар 1.1 ± 0.4 ҳуж. / к.м; плазмацитлар 1,6 ± 0,3 ҳуж. / к.м.


Шундай қилиб, "ҳомиладорлар ринити" да интраназал ирригацион терапиянинг таъсирини ўрганиш, унинг ҳаво ўтказилишида ва бурун ажралмаси таркибида лимфоцитлар миқдорининг кўпайишига самарали эканлиги кўрсатди. Субъектив бурун орқали нафас олиш сезиларли даражада яхшиланган беморларнинг 91,6 % да, бурун ажралмаси кислоталиги ва цитологик тузилиши, бурун билан нормал нафас олувчи ҳомиладор аёлларга ўхшаш эканлиги аниқланди.

Илиқ изотоник физиологик эритма билан бурун бўшлиғини тўла ҳажмли тўлдириш усулига асосланган назал душни мунтазам қўллаш бурун орқали нафас олишни объектив яхшилашга ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мокроносова М.А. Ирригационная терапия полости носа с позиций доказательной медицины / М.А. Мокроносова // Вест, оториноларн. - 2009.- №1.- С.51-53.
2. Муратова Н.М. Состояние носового дыхания у беременных по данным анкетирования / Н.М. Муратова // Рос. оториноларн.-№1(20).-2006.- С.134-135.
3. Носуля Е.В. Особенности и клиническое значение объективного тестирования носового дыхания у беременных / Е.В. Носуля, Черных Е.М. // Рос. оториноларн. Прилож,- №2.-2009.-С.256-259.
4. Носуля Е.В. Оценка результатов ольфактометрии у беременных / Е.В. Носуля, Н.М. Черных // Мат.VI Всерос. научно-практ. конф. оториноларн. 2007.- С.168-169.
5. Расулов А.Б. Функциональное состояние полости носа при вазомоторном рините / А.Б. Расулов, К.Д. Джаббаров // Рос. оториноларн.- 2010,- Прилож. №2.- С.403-406.
6. Турусов А.А. Состояние мукоцилиарного клиренса при хроническом гипертрофическом и хроническом вазомоторном рините на основании данных морфометрии / А.А. Турусов, Е.А. Ружицкая // Вестн. Оториноларн.- 2009.-№5.- С.20-22.
7. Ozone-induced release of neuropeptides from humane nasal mucosa cells / K. Schierhorn [et al.] // Int. Arch. Allergy. Immunol.- 2002.- V.129.N2.- P.145-151.
8. Pregnansy outcomes in women using inhaled fluticasone during pregnancy: a case series / J.S. Choi [et al] // Allergol. Immunopathol.- 2002.-
9. Pollutional and meteorological factors are closely related to complaints of non-allergic, non-infectious perennial rhinitis patients: a time series model / J.P. Braat [et al.] // Clin Exp. Allergy.- 2002.-V.32N5.-P.690-697.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



CHEMISTRY, ITS FUNCTIONS AND SIGNIFICANCE. STRUCTURE OF PROTEINS

Avezova Nafosat Omonovna [1]

[1] Khorezm regionNo. 25 General Secondary School chemistry teacher

https://doi.org/10.5281/zenodo.4732737

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted:25 th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Biological chemistry Static biochemistry, dynamic biochemistry, functional biochemistry, "Laws of Medicine", microorganisms, enzymes.

ABSTRACT

In this article, biological chemistry, its functions and importance. The structure of proteins is studied by studying their distribution and location in various parts of the body, including the cell and its elements.

BIOLOGIK KIMYO, UNING VAZIFALARI VA AHAMIYATI. OQSILLARNING TUZILISHI

Avezova Nafosat Omonovna [1]

[1] Xorazm viloyati 25-son umumiy o‘rta ta’lim maktabining kimyo fani o‘qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Biologik kimyo Statik biokimyo, dinamik biokimyo, funktsional biokimyo, “Tib qonunlari”, mikroorganizmlar, ferment. BIOLOGICAL

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada biologik kimyo, uning vazifalari va ahamiyati. oqsillarning tuzilishi ularni organizmning turli qismlarida, jumladan, hujayra va uning elementlarida tarqalishi, joylashishini o`rganish haqida ma’lumotlar keltirilgan

Biologik kimyo – barcha tirik organizmlarda kechadigan kimyoviy jarayonlarni o`rganuvchi fan. Bu jarayonlar organizmlarda, uning to`qima va a’zolarida, hujayra hamda uning tarkibidagi tuzilmalar (strukturalar)da doim sodir bo`lib turadigan moddalar va energiya almashinuvidan iborat. Moddalar almashinuvini o`rganishdan oldin turli organizmlar tarkibida o`zgarib turadigan moddalar bilan tanishib chiqish zarur. Biologik kimyo fani oqsillar, nuklein kislotalar, uglevodlar, lipidlar, vitaminlar hamda anorganik birikmalarning kimyoviy tuzilishlari, xossalari, ularni organizmning turli qismlarida, jumladan, hujayra va uning elementlarida tarqalishi, joylashishini o`rganish bilan shug`ullanadi.

Biokimyo fani 3 bo`limdan iborat:

1. Statik biokimyo.
2. Dinamik biokimyo.
3. Funktsional biokimyo.

Statik biokimyo tirik organizm tarkibiga kiruvchi moddalarning kimyoviy tarkibi va xususiyatlarini o`rganadi. Bu bo`limning asosiy masalalari bioorganik kimyo tomonidan o`rganiladi.

Dinamik biokimyo organizmga moddalarning qabul qilinishidan boshlab oxirgi mahsulotlar shaklida chiqarib yuborilishigacha bo`lgan barcha o`zgarishlarni tahlil qiladi.

Funktsional biokimyo a'zo va to`qima funktsiyalariga bog`liq ravishda, ularda kechadigan kimyoviy jarayonlarni tadqiq etadi.

Biologik kimyoning barcha bo`limlari o`zaro uzviy bog`langan va zamonaviy biokimyoning qismlari hisoblanadi.

Biologik kimyo tadqiqot ob'yektiga ko`ra odam va hayvonlar biokimyosi, o`simliklar biokimyosi va mikroorganizmlar biokimyosiga bo`linadi.

Biologik kimyo biologiya va kimyo fanlari oralig`idagi bir soha bo`lganligi uchun u shu ikki fanning ma'lumotlari va g`oyalariga asoslanadi. Bu fan alohida fan sifatida biologiya va kimyo fanlarining ma'lum rivojlanish bosqichida paydo bo`lgan. Biologik kimyo haqidagi dastlabki tushuncha mashhur fransuz olimi Lavuaz'e (1743-1794) ning XVIII asr oxirlarida olib borgan tajribalaridan boshlangan deb hisoblanadi. Uning oksidlanish va bu jarayonda kislorodning o`rni haqidagi klassik tadqiqotlari tanadagi "yonish" hodisasining kimyoviy asosini aniqlashga olib keldi. Lavuaz'e bu reaktsiyada kislorod yutilib, karbonat angidrid ajralib chiqadi va issiqlik hosil bo`ladi, degan xulosaga kelgan edi.

O`rta asrning buyuk allomasi va tabibi Abu Ali ibn Sino (980-1037) o`zining "Tib qonunlari" asarida tibbiyotda qo`llaniladigan kimyoviy moddalarning tasnifini, tananing "suyuq"ligi va siydik tarkibidagi moddalarni aytib o`tgan.

Insonlarning kasalliklar sababini tushunish va unga qarshi dori izlashga bo`lgan tabiiy intilishlari tirik organizmlarda kechadigan jarayonlarga qiziqish uyg`ota bordi.

Farmasevtika amaliyotida biokimyo yangidan-yangi o`rinlarni egallamoqda. Jumladan, biologik katalizatorlar bo`lgan – fermentlar sanoatda dori moddalari (masalan, steroid gormonlar)ni sintez qilishda qo`llanilmoqda. Gen injeneriyasi usuli yordamida tabiiy dori preparatlarini ishlab chiqarishning istiqbolli yo`llari ko`rib chiqilmoqda. Mikroorganizmlar biokimyosini bilish aminokislotalar, nukleotidlar, nukleozidlar, vitaminlar, antibiotiklar kabi dori preparatlarini sanoatda ishlab chiqarishning qulay va iqtisodiy jihatdan samarali usullarini yaratish imkonini berdi. Fermentlardan analitik reagent sifatida foydalanib dorilarni tez va o`ziga xos (spesifik) tahlil qilish usullari ishlab chiqildi.

Amaliyotda dorilarning ta'sir mexanizmlarini bilish katta ahamiyatga ega. Hujayraning ferment sistemasi tomonidan dorilarning o`zgarishga uchrashini o`rganish qo`llaniladigan dorining me'yorini, uning organizmda almashinuvini boshqarish va ta'sir etuvchi moddaning tabiatini, ya'ni uning samarasi dastlabki moddaning ta'sirimi yoki uning almashinuv mahsuloti ekanligini tushunish imkoniyatini beradi.

**Biokimyo faninig asosiy yo`nalishlari.** Biologik kimyo faninig asosiy sohalari. Boshqa fan sohalarida bo`lgani kabi biologik kimyo shug`ullanadigan muammolarning kengayishi va tobora chuqurlashishi tufayli undan yangi shaxobchalar ajralib, mustaqil tarmoqlar paydo bo`ldi. Ilgariroq ajralib hozirgi davrda keng sohalarga aylangan enzimologiya, vitaminologiya,

endokrinologiya qatoriga keyingi yillarda membranalar biokimyosi, neyrobiokimyo, analitik biokimyo, kvant biokimyosi va boshqalar qo`shildi. Ammo biologiya fanlarida keyingi chorak asr ichida yuz bergan fundamental o`zgarishlar, molekulyar biologiya, molekulyar genetika va bu ajoyib sohalarning rivojlanishi asosida dunyoga kelgan gen, hujayra, oqsil injenerligi va umuman biotexnologiyaning mislsiz muvaffaqiyatlari bilan bo`liq.

Oqsillar va nuklein kislotalar molekulalarining strukturasi bilan ularning biologik vazifasi orasidagi bog`lanishning aniqlanishi 1-navbatda, biologiya faninig biokimyoviy ma'lumotlariga asoslangan eng yosh sohasi – molekulyar biologiyaning dastlabki, ammo eng muhim yutuqlaridandir.

Shunday qilib, hozirgi zamon biokimyosi hayotiy jarayonlarning eng chuqur sirlarini ochish, oqsil sintezi, moddalar almashinuvi va naslni idora qilish muammolarini hal etish arafasida turibdi. Bu muhim vazifalarning hal etilishi odamlar uchun eng og`ir ofat bo`lgan rak, virusli kasalliklar, irsiy kasalliklar va yurak-tomir kasalliklarini yengish, inson umrini uzaytirish kabi muammolarni hal qilishning nazariy asosini yaratadi.

**Biologik kimyo fanining boshqa fanlar bilan bog`lanishi.** Biologik kimyo fanining kimyo fanlari bilan, ya'ni fizik kimyo bilan umumiylik juda ko`p. Bu ayniqsa, ularning tabiiy moddalarni o`rganishda qo`llaniladigan usullari uchun taalluqlidir, ammo biologik kimyo va kimyo fanlari oldida turlicha vazifalar turadi. Organik va fizik kimyo fanlarini ko`proq kimyoviy birikmalarning tuzilishi va xossalari, masalan ularning elektron ctrukturalari, bog`lanish tabiati va ularning hosil bo`lish mexanizmi, izomeriyasi, konformasiyasi va boshqalar qiziqtiradi. Biologik kimyo uchun esa barcha kimyoviy moddalarning biologik (funksional) vazifalari va tirik organizmdagi fizik-kimyoviy jarayonlar, shuningdek turli kasalliklarda bu vazifalarning buzilish mexanizmlarini tushunish asosiy vazifa bo`lib hisoblanadi.

Biologik kimyo bir qancha aralash fanlardan kelib chiqqan bo`lib, ilgarigidek ular bilan tirik tabiatni o`rganishda uzviy aloqalarni saqlab qoladi, lekin shu bilan birga u o`ziga xos va mustaqil fan sifatida qoladi hamda moddalarning tuzilishi va ularning vazifalari o`rtasidagi bog`liqlikni, tirik organizmda kimyoviy birikmalarning almashinuvini, tirik sistemalarda energiyaning hosil bo`lish yo`llarini, organizm, to`qima, hujayrada fizik-kimyoviy jarayonlarning boshqarilish mexanizmlarini, tirik organizmlarda genetik axborotning ko`chirilishini molekulyar mexanizmlarini va hokazolarni o`rganishni o`zining asosiy vazifasi deb hisoblaydi.

Biokimyoviy tadqiqotlar va ularning uslubi. Bioximiklarning ishi tirik ob'ektlar bilan bog`liq bo`lganligi sababli biror bir moddani ajratib olish uchun yuqori darajadagi usullarni qo`llashi, odatdagi fizik-kimyoviy tahlillarga biologik molekulalarni olib borish uchun bir qator qo`shimcha jarayonlarni bajarishi lozim bo`ladi. Biologik materialdan moddalarni ajratib olishda jarayonlarning borish tartibi taxminan quyidagicha bo`ladi:

1. Gomogenlash.
2. Ultrasentrifugalash.
3. Ekstraksiya.
4. Tahlil (reekstraksiya, issiqlik bilan ishlov berish, dializ, sedimentasiya, elektroforez, xromatografiya).

Biologik moddalarni ajratib olish va tahlil qilish usuli ularning xususiyatlariga bog`liq holda tanlab olinadi.

Ajratib olinadigan moddalarning tuzilmalarini va fizik-kimyoviy xossalarini aniqlash, uni miqdoriy jihatdan o`rganish uchun turli xil fizik, fizik-kimyoviy, kimyoviy

tahlil usullari, shuningdek ajratilgan birikmaning elektron tuzilmasini kvant-mexanik hisoblaridan foydalaniladi. Bu usullarni qo`llash biologik moddalarning tabiiy strukturasini saqlab qolish imkonini berishi kerak.

Biologik materiallarni tekshirishda qo`yilgan maqsadga binoan lozim bo`lgan usullardan foydalaniladi. Eksperiment sharoitida biokimyoviy tadqiqot uchun har qanday biologik materialni osonlik bilan olish mumkin, klinikada esa bu imkoniyat nisbatan chegaralangan. Farmatsiyada esa biologik material sifatida hayvon to`qimalari va dori preparatlari ishlatiladi.

Plazma, qon zardobi va boshqa biologik suyuqliklar har xil tabiiy moddalarning suvda erigan aralashmasidan iborat. Fermentlar esa tabiatan murakkab oqsillardan tashkil topganligi sababli, ularni aniqlashda biologik suyuqliklarga tarkibini o`zgartiruvchi moddalar qo`shilmaydi, bordi-yu ferment kontsentratsiyasi yuqori bo`lsa, u suyultiriladi. Agarda biologik suyuqlikdagi ferment undagi tekshirilayotgan moddani katalizlab, aniqlashga to`sqinlik qilayotgan bo`lsa, ferment faolligi tegishli reaktiv bilan to`xtatiladi. Odatda, bu maqsad uchun uchhlorsirka kislotasi, nitrat, fosforvolframli, sulfat kislotalari yoki termik ta`sir qo`llaniladi. Bunda fermentlar bilan birga boshqa oqsillar ham cho`kmaga tushadi.

Gomogenlash. Biokimyoviy tadqiqotlar hujayra, to`qima, organ tarkibiy qismlarida joylashgan organoid yoki uning bo`lakchalarida, masalan, membranalarida o`tkaziladigan bo`lsa, unda hujayra yoki to`qimani avval maydalash kerak bo`ladi. Buning uchun ko`pincha to`qimani gomogenizator yordamida mexanik parchalash usuli qo`llaniladi. Gomogenizator ko`rinishi bo`yicha shisha stakanga o`xshash bo`lib, hajmlari har xil. Ushbu stakanga qaychi bilan maydalangan to`qima bo`lagi va olinayotgan hujayralar bo`lakchasini intaktligini saqlovchi muhit suyuqligi (odatda saharoza, kaliy xlorid) solinadi. Elektr toki yordamida stakandagi gomogenizator dastasining aylanishi natijasida hujayra membranasi parchalanadi, struktura bo`lakchalari ajraladi. Oddiy sharoitda gomogenat to`qimani farforli hovonchada shisha kukuni yoki kvarts qumi bilan maydalab olinadi.

Gomogenatlar tarkibi bo`yicha to`qima, hujayra bo`laklarining o`lchovi, shakli, kimyoviy tuzilishi jihatidan har hil bo`lgan murakkab aralashmasidan iborat. Biokimyoviy tadqiqotlar o`tkazish uchun ularni molekulasi bo`yicha taqsimlash va ajratib olishda bir qator fizik-kimyoviy usullardan foydalaniladi.

Sentrifugalash - suyuqlik tarkibidagi og`ir qismlarni markazdan qochuvchi kuch ta`sirida engil qismlaridan ajratish usuli. Aralashmadagi og`irligi katta bo`lgan bo`lakchalar birinchi navbatda cho`kadilar. Ular ajratib olingach, cho`kma usti suyuqligini (supernatant) qayta katta tezlikda sentrifugalab, boshqa qimslarini ham ajratish mumkin. Aralashmadagi komponentlarni aniqlash maqsadida o`tkaziladigan sentrifugalashni preparativ sentrifugalash deb atalib, undan qonning shaklli elementlarini ajratishda, siydikdagi hujayralarni cho`ktirib, ajratib olishda va boshqa maqsadlarda foydalaniladi.

Klinik-biokimyoviy laboratoriyalarda qo`llaniladigan kichik hajmdagi sentrifugalarning maksimal tezligi daqiqasiga 6000 aylanishdan oshmaydi. Maxsus biokimyoviy tadqiqotlarda oqsillar va nuklein kislotalarning molekula og`irligini aniqlashda o`lchovi va zichligi bo`yicha farqlanuvchi zarrachalarni bir-biridan taqsimlashda yuqori tezlikdagi ultrasentrifugalar (aylanish tezligi daqiqasiga 70000 gacha) qo`llanganligi uchun analitik sentrifugalash deb ataladi.

Zarrachalar cho`kish tezligi markazdan qochish kuchini ortishi bilan o`lchanadi. U g (gravitatsiya doimiyligi 980 sm·s-2) birligida ifodalanadi. Amaliyotda g har bir ultrasentrifugani nomogrammasida ko`rsatilgan qo`llanma bo`yicha tuziladi. Masalan, qon shaklli e`lementlari 300-400 g da 20-30 daqiqa sentrifugalanganda cho`kadi va h.k. Differentsial sentrifugalash yordamida subhujayra qismlari - yadro, mitoxondriya, lizosomalar, mikrosomalar va boshqalar ajratiladi.

Tahlil usullari. Elektroforez deb tashqi elektr maydoni ta`sirida zaryadlangan zarralarni taqsimlanishiga aytiladi. Elektroforez biologik eksperimentlarda, klinik meditsinada qon oqsillari va peptidlari, ayniqsa, qon zardobini tahlil qilishda qo`llaniladigan zamonaviy usul hisoblanadi. Zaryadlangan zarralar o`lchovi va zaryadining katta-kichikligiga qarab elektr maydonida har xil tezlikda harakatlanadilar, bu esa ularni o`zaro ajralib, taqsimlanishiga olib keladi.

Elektroforezni ikkita asosiy turi bo`lib, frontal va zonal usullarga bo`linadi, ulardan keyingisi ko`proq tarqalgan. Bunda oqsil eritmasi bufer eritmasiga yupqa qavat ko`rinishda joylashtiriladi. Elektroforez davomida har xil oqsil molekulalari alohida fraktsiyalarga bo`linadi. Bu fraktsiyalarni alohida-alohida ajratib, osonlik bilan kesib olinadi. Zonal elektroforezni asosi sifatida filtr qog`ozi tasmasi, atsetiltsellyuloza, kraxmal kukuni, agar, poliakrilamid geli va boshqa materiallardan foydalaniladi.

Hozirgi vaqtda biologik va tibbiy tadqiqotlarda maxsus apparat poliakrilamidli gel elektroforezi ko`proq ishlatilmoqda.

Fraktsiyalarga bo`lingan moddalarning foregrammasi kumassi ko`ki, bromfenol ko`ki yoki amidoshvarts 10 V eritmasida 20-30 daqiqa ushlanadi va miqdori ular bo`yalgan bo`yoqning quyuqligiga qarab aniqlanadi, ya`ni har xil oqsilni bo`yoq bilan bog`langan ko`rsatkichi shu oqsilning miqdoriga to`g`ri proportsional.

Xromatografiya. Xromatografiya har xil aralashmalarni o`z tarkibiy qismlariga taqsimlanishini o`rganadi. Xromatografiyaning asosan to`rt turi mavjud.

a). Informatsion kolonkali xromatografiya - bu usul ion ko`rinishida bo`lgan eruvchi moddalarni taqsimlashda qo`llaniladi. Usulni harakatsiz va harakatli fazalari farqlanib, harakatsiz fazasi asosini ion almashuvchilardan iborat bo`lgan organik polimerlar - smolalar tashkil etadi.

b) Suyuqlikli xromatografiyada harakatsiz faza o`rnida mikroskopik zarralar qo`llaniladi. Bu usul katta tezlikka ega bo`lib, qisqa vaqt oralig`ida deyarli har qanday birikmani taqsimlay oladi.

v) Taqsimlovchi xromatografiyada aralashma tarkibidagi moddalar radikallarining katta-kichikligi, funktsional (gidrofil) guruhlarining bor-yo`qligi, harakatli va harakatsiz eritmalarda har xil erishiga qarab o`z individual komponentlariga taqsimlanadilar.

Xromatografik qog`oz tasmasining pastki chegarasidan 1 sm yuqoriga bir tomchi tekshirilayotgan modda tomizilib, tagida harakatlanuvchi eritma, ko`pincha, organik eritma saqlagan xromatografiya kamerasiga joylashtiriladi. Kamera atmosferasidagi suv bug`lariga to`yingan modda harakatsiz (polyar) eritmani hosil qiladi. Harakatlanuvchi eritma yuqoriga o`zi bilan birga gidrofob moddani olib harakatlanadi, gidrofil moddalar esa suvda erigani uchun startda qoladi. Har bir moddani bo`yalgandan so`ng individual Rf lari o`lchanadi yoki standart modda bilan identifikatsiya qilinadi.

Optik usullar. Fotokolorimetrik usulda tahlil qilishda tekshirilayotgan eritma rangining ravshanlik darajasi (kontsentratsiyasi) avvaldan ma`lum bo`lgan standart eritma rangi bilan solishtiriladi.

Kolorimetrik aniqlashda miqdori o`lchanayotgan moddaning boshqa modda bilan rangli birikma hosil qilish reaktsiyasidan foydalaniladi. Olingan eritma rangini jadalligi bo`yalgan moddaning miqdoriga to`g`ri proportsional. Rang jadalligi qanchalik ko`p bo`lsa, optik zichlik ham shunchalik yuqori bo`ladi. Grafik bog`liqlikni aniqlashda abtsissa o`qiga mol'/l (S) da modda miqdori, ordinata o`qiga esa eritmaning optik zichligi (D) qo`yiladi. Uslubni qo`llash uchun D va S ko`rsatkichlari o`rtasida proportsional bog`liqlik bo`lishi shart.

Spektrofotometrik tahlil usulida eritmadagi yoki qattiq muhitdagi moddaning nur yutishi ma`lum to`lqin uzunligiga to`g`ri kelishi aniqlanadi. Spektrofotometrni qo`llab spektrni ko`zga ko`rinadigan (600 dan 1100 nm), ultrabinafsha spektr qismida (220 dan 650 nm gacha) ishlash mumkin.

Biologik birikmalarning tuzilishi, almashinuvi va vazifalarini o`rganish uchun kimyo, fizik-kimyo, matematika, fiziologiya usullari bilan bir qatorda biologik kimyoning o`zining xususiy tadqiqot usuli – fermentativ tahlil usuli ham bor. Bu usul amaliy tibbiyotda, farmasiya va ilm-fanning turli sohalarida hamda xalq xo`jaligida keng qo`llaniladi.

Hujayraning kimyoviy tarkibi. Biologik kimyo tirik sistemalarda moddalar almashinuvini, ya’ni organizmga tashqaridan ovqat tariqasida qabul qilingan moddalardan tortib to chiqarib tashlanadigan oxirgi mahsulotlargacha bo`lgan jarayonni tekshirar ekan, bu fan birinchi navbatda organizmning kimyoviy tarkibini, ya’ni turli kimyoviy moddalarning to`qima va organlarda, hujayra va hujayra komponentlarida tarqalishi to`g`risida to`la ma’lumotga ega bo`lishi kerak.

Tirik organizmlarda hozirgacha 40 ga yaqin elementlarning birikmalari topilgan. Ulardan eng muhimlari C, H, N, O, P va S bo`lib, ular organism to`qimalari tarkibida asosiy o`rinni egallaydi. Bulardan tashqari, kam miqdorda uchraydigan CI, F, I, Na, K, Ca, Mg, Fe va juda kam uchrydigan Cu, Mn, Zn, Mo va Co kabi elementlarning har birini ham organizm uchun o`ziga xos ahamiyati aniqlangan. Bu elementlar organizmda organik birikmalar, qisman mineral tuzlar tarkibiga kirgan holda uchraydi.

Turli hujayralarda oqsil, lipid, uglevodlar, nuklein kislotalar va mineral tuzlarning miqdori har xil bo`ladi, jumladan, o`simliklar hujayralari tarkibida hayvon hujayralariga nisbatan oqsil kam miqdorda bo`ladi, nuklein kislotalar esa o`simlik hujayralarida hayvon hujayralariga nisbatan ko`proq bo`ladi, yog` to`qimalari lipidlarga boy bo`ladi, polisaxaridlar esa o`simlik hujayralarida, jigar va mushak to`qimalarida ko`proq to`planadi.

Har bir organism tanasining asosiy massasini suv tashkil qiladi. Uning o`rtacha miqdori organism vaznining 60-70 %iga teng, ammo u 40 % (o`simlik hujayralari, yog` to`qimalari) dan 99 % (meduzalar) gacha bo`ladi.

Anorganik birikmalar suv bilan birgalikda hujayrada barcha jarayonlar borishi uchun muhit hosil qiladi. Hujayra tarkibidagi anorganik ionlarning turi nisbatan kam bo`lsada, ular organizmning ko`plab hayotiy vazifalarini belgilab beradi.

Oqsil - tirik to`qimaning muhim tarkibiy qismi.** Oqsillar- tarkibida azot tutuvchi yuqori molekulali organik birikmalar bo`lib, ularning molekulalari aminokislotalar qoldiqlaridan tashkil topgan. Bu moddalarning **protein (grekcha protos – birinchi darajali) deb nomlanishi ularning hayot uchun muhim ahamiyatga ega ekanligini ifodalaydi. Oqsil nomi esa tuxum oqi so`zidan kelib chiqqan atama bo`lib, uni tovuq tuxumi pishganda oq rangli bo`lishi (denaturatsiya) orqali tushuntirish mumkin.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Oqsillar barcha tirik organizmlar, o`simliklar, hayvonlar hamda odam organizmi, tirik organizmlar bilan jonsiz tabiat chegarasida turuvchi viruslar tarkibining ajralmas qismidir. Hujayrada yuz beradigan har qanday kimyoviy o`zgarish oqsillar ishtirokisiz amalga oshmaydi.

Odamning organ va to`qimalaridagi oqsil miqdori turlicha bo`ladi. Masalan, mushak, o`pka, buyrak quruq vazninig 70-80 % ini, butun tananing esa 45-50 % ini oqsil tashkil etadi.

Oqsillarning kimyoviy tarkibi, tuzilishi va xususiyatlarini o`rganish uchun suyuq to`qimalardan yoki hayvonlarning oqsilga boy organlaridan, masalan qon zardobi, sut, mushak, jigar, teri, sochdan oqsillar maxsus usullar yordamida ajratib olinadi.

Hujayrada oqsillarning turi cheksiz darajada ko`p. Organizmlarning har bir turi o`ziga xos oqsillarga ega. Eng sodda organizmlardan bo`lgan, biokimyoviy tomondan yaxshi o`rganilgan bakteriya – ichak tayoqchasi (E. coli) hujayrasida 3000 ga yaqin turdagi oqsil molekulalari mavjud.

Odam organizmida oqsillarning xillari 5000000 ga yetadi, lekin hozircha ularning juda kam qismi, taxminan 2000 ga yaqini kashf etilgan va yaxshi tekshirilgan.

Oqsillarning muhim belgilari. Oqsillar yuqori molekulali, tarkibida azot tutuvchi organik birikmalar bo`lib, peptid bog`lari yordamida zanjirda birlashgan aminokislotalardan tashkil topgan, murakkab tuzilishga ega bo`lgan moddalar.

Oqsillarga xos muhim belgilar quyidagilardan iborat:

1) tarkibidagi azotning miqdori doimiy (quruq vazninig 16 % i) bo`lishi;

2) doimo tuzilish birligi bo`lgan aminokislotalarning bo`lishi;

3) peptid zanjirida aminokislotalarni birlashtiruvchi peptid bog`larining mavjudligi;

4) yuqori molekula og`irligiga ega bo`lishi (4 – 5 mingdan bir necha million daltongacha);

5) oqsillarning fizik-kimyoviy va biologik xossalarini belgilab beruvchi polipeptid zanjirning murakkab tuzilganligi.

Oqsillarning tarkibidagi elementlar. Oqsilning birinchi belgisi uning tarkibidagi elementlarga bog`liq:

uglerod……..51-55
vodorod……6-7
kislorod…….21-23
oltingugurt……0,3-2,5
azot……15-18
anorganik moddalar…….0-0,5

Ko`pchilik o`simlik, hayvon va mikroblarning oqsili tarkibida azotning miqdori boshqa elementlardan farqli ravishda doimiy – taxminan 16 %; bu belgiga asosan oqsilning miqdorini hisoblash mumkin: tahlil natijasida topilgan azot miqdori 6,25 koeffitsiyenti (100:16=6,25) ga ko`paytiriladi. Lekin ba’zi oqsillar uchun bu belgi mos kelmaydi. Masalan, protamin tarkibida oqsilning miqdori 30% ga etadi, shu sababli tarkibidagi elementlarga qarab oqsilni boshqa tarkibida azot tutuvchi moddalardan aniq ajratish qiyin.

Oqsillarning struktura tarkibi yoki monomerlarini kislotali gidroliz yo`li bilan aniqlash mumkin. Bu usuldan ko`proq oqsil tarkibini aniqlashda foydalaniladi. L-qatorning aminokislotalari α-aminokislotalari oqsillarning monomerlari bo`lib hisoblanadi. Aminokislotalar zanjirda kovalent peptid bog`lari yordamida bog`lanadi.

**Oqsillarning molekula og`irligi.** Molekula og`irligining katta bo`lishi oqsillarning muhim belgisi hisoblanadi. Zanjirning uzunligiga qarab hamma polipeptidlarni uch guruhga bo`lish mumkin:

1) peptidlar – 2-10 ta aminokislota;
2) polipeptidlar – 10-40 ta aminokislota;

3) oqsillar – 40 tadan ortiq aminokislotadan tashkil topgan.

Agar har bir aminokislotaning molekula og`irligi o`rtacha 100 deb qabul qilinsa, unda peptidlarning molekula og`irligi 1000, polipeptidlarniki 4000, oqsillarniki esa 4000-5000 dan bir necha milliongacha bo`ladi.

Oqsillarning murakkab tuzilish darajasi. Ayrim tabiiy polipeptidlar (faqat bir xil aminokislotdan tashkil topganlari) va sun'iy usulda olingan polipeptidlar yuqori molekula og`irligiga ega bo`ladi, lekin ularni oqsillarga kiritib bo`lmaydi. Ularni oqsillardan farq qilishda oqsillarning denaturatsiyasi, ya'ni moddalarning ta'siri natijasida oqsillarning peptid bog`larini saqlab qolgan holda fizik-kimyoviy, asosiysi biologik vazifalarining buzilishi xususiyati oqsillarning noyob belgisi sifatida yordam beradi. Denaturatsiya xususiyati oqsil molekulasining murakkab fazoviy tuzilishini anglatib, bunday xususiyat oddiy polipeptidlarda namoyon bo`lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Pleshkov B.P. Bioximiya selskoxozyaystvennx rasteniy. M. "Kolos" 1969 g.*

2. *Lebedov S.I. Fiziologiya rasteniy. M. 1988 g.*

3. *Yakushkina N.I. Fiziologiya rasteniy. M. 1980 g.*


4. *Mustaqimov G.D. O`simliklar fiziologiyasi va mikrobiologiya asoslari. T. 1995 y.*

5. *Xo`jaev J. X O`simliklar fiziologiyasi Toshkent "Mexnat" 2004*

6. *Rubin B.A. Kurs fiziologii rasteniy. M. 1976 g.*

7. *www.ziyonet.uz*

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



REASONABLE USE OF NATURAL ENVIRONMENT AND NATURAL RESOURCES

Sarvarbek Isamov Mamurjonovich [1]
Sharipov Islomiddin Fazliddin Ogli [2]

[1] Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, assistant
[2] Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, student

https://doi.org/10.5281/zenodo.4732780

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted:25 th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

exogenous, tectonic movements, organic, rocks, relief, living things, elements, industry, household waste, forestry, nature reserve, national park, monuments.

ABSTRACT

A set of measures aimed at the rational use of nature and its resources, the conscious transformation of nature in the interests of man, the preservation and further enrichment of natural resources and nature in general, its beauty and purity. Nature protection. The set of activities includes states, international organizations, public, scientific, technical, industrial, economic and administrative organizations, activities carried out by everyone.

TABIAT ATROF MUXIT VA TABIY BOYLIKLARDAN OQILONA FOYDALANISH

Sarvarbek Isamov Mamurjonovich [1] **, Sharipov Islomiddin Fazliddin O'g'li** [2]

[1] Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnalogiyalar instituti, assistent
[1] Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnalogiyalar instituti, talaba

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ekzogen, tektonik harakatlar, organik, tog' jinslari, relyef, tirik mavjudot, elementlar, sanoat, maishiy chiqindilar, o'rmon xo'jaligi, qo'riqxona, milliy bog', yodgorliklar.

ANNOTATSIYA

Tabiat va uning boyliklaridan oqilona foydalanishga, tabiatni inson manfaatlarini ko'zlab ongli ravishda o'zgartirishga, tabiat boyliklari va umuman tabiatni, uning go'zalligi, musaffoligini saqlab qolishga va yanada boyitishga qaratilgan barcha tadbirlar majmuasi. Tabiatni muhofaza qilish. tadbirlari majmuasiga davlatlar, xalqaro tashkilotlar, jamoat, ilmiy-texnik, ishlab chiqarish., iqtisodiy va ma'muriy tashkilotlar, har bir odam tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar kiradi.

Hozirgi vaqtda inson yashab, to'xtovsiz munosabatda bo'lib kelayotgan tabiiy muhit uzoq geologik davrlar (4,5—4,7 mlrd. yil) mobaynida bir qancha omillarning birgalikda ta'sirida, ya'ni Quyosh nuri, Yerning massasi, gravitatsiya kuchi, ko'lami, aylanma harakatlari, tektonik harakatlar, havo va suv qobiqlarining vujudga kelishi va o'zgarishi, ekzogen jarayonlar ta'siri, organik dunyoning paydo bo'lishi va taraqqiyoti

ta’sirida tarkib topgan. Tabiiy muhitning holati o‘zaro ta’sir etib turuvchi ko‘p omillarning murakkab majmuida tarkib topgan tabiiy muvozanatga bog‘liq. Chunki bir joyning iqlimi Quyosh nurining tushish burchagiga, ya’ni geografik kenglik, yer yuzasining tuzilishi, shamollar, okeanlarning uzoq yaqinligi, oqimlari va boshqalarga; o‘simliklar qoplami esa iqlim, yer yuzidagi tog‘ jinslari, relyef, tuproqlarga bog‘liq. Bu tabiiy omillarning birontasida o‘zgarish ro‘y bersa, tabiiy muvozanat buziladi, bu esa tabiiy muhitda o‘zgarishlarga sabab bo‘ladi. Ba’zan, tabiatning biror komponentiga ko‘rsatilgan arzimagan ta’sir hech kutilmagan katta o‘zgarishlarga, xususan xavfli o‘zgarishlarga olib kelishi mumkin.

Har qanday tirik mavjudot o‘z atrofini o‘rab turgan tabiiy muhit bilan o‘zaro ta’sirda bo‘ladi, undan o‘ziga kerakli narsalarni oladi, shu muhitda moslashadi, muhit tarkibiga, undagi modda va energiyaning aylanma harakatiga ma’lum darajada o‘zgarish kiritadi. Yerning havo qobig‘idagi hozirgi gazlar tarkibi, miqdori, ayrim foydali qazilmalari, mas., ohaktosh, toshko‘mir, qo‘ng‘ir ko‘mirning hosil bo‘lishi, tuproq qoplamining tarkib topishi, rivojlanishi organizmlarning hayot faoliyati natijasidir. Organik dunyoning tabiiy muhit bilan o‘zaro ta’siri biologik evolyutsiya jarayonida yangi turlarning paydo bo‘lishi, raqib turlar sonining ko‘payishi yoki kamayishi va atrof muhitning o‘zgarishi natijasida o‘zgaradi.

Yerda odamni paydo bo‘lishi organik dunyo bilan tabiiy muhit o‘rtasidagi o‘zaro munosabatni tubdan o‘zgartirib yubordi. Inson tabiatga mehnat qurollari vositasida yaylovlardan noto‘g‘ri foydalanish oqibatida ta’sir ko‘rsatadi. U o‘zining tabiat bilan bo‘lgan o‘zaro ta’siri usullarini takomillashtirib boradi. Natijada inson yashay oladigan hudud kengayadi, foydalaniladigan tabiiy elementlar soni va hajmi ortadi, binobarin, insonning tabiatga tazyiqi sifat jihatidan ham, ko‘lam jihatidan g’am ko‘payadi. [6] Inson o‘zi yashashi va faoliyat ko‘rsatishi uchun tabiiy muhitdan tashqari yana sun’iy muhitni ham bunyod etadi. Masalan, shaharlar, turar joy binolari, bog‘lar, suv omborlari, yo‘llar va boshqa Ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanishi, fan va texnikaning taraqqiy etishi bilan, tabiiy boyliklarning ahamiyati, ulardan foydalaniladigan sohalar, ularni ishlatish shakllari ham o‘zgarib boradi. Qadimda bir necha xil kimyoviy elementlardan foydalanilgan bo‘lsa, hozirgi vaqtda mavjud barcha elementlardan foydalaniladi. Shu bilan birga ko‘pchilik foydali qazilmalar tobora ko‘proq qazib chiqarilmoqda. Insonning tabiatga ta’siri kuchayishidan, antropogen landshaftlar ko‘paymoqda. [7] Hayvonot va o‘simlik olamidan rejasiz foydalanish yoki inson faoliyati bilan bog‘liq boshqa sabablar tufayli 16-asrning oxirlaridan 20-asrning 70 yillarigacha umurtqali hayvonlarning 250 turi va kichik turlari butkul yo‘qolib ketdi. 80 yillardan boshlab xar yili o‘rtacha 1 ta hayvon turi va 50 ga yaqin o‘simlik turi yo‘qolib bormoqda. Qush va sut emizuvchilarning 1000 dan ortiq turi yo‘qolib ketish arafasida turibdi. Yil davomida 1 mlrd. t yoqilg‘i yoqiladi, atmosferaga yuzlab mln. t azot oksidi, oltingugurt, uglerod, qurum, chang va boshqa chiqariladi. Tuproq va suvlar sanoat va maishiy chiqindilar (bir necha mlrd. t), neft mahsulotlari (bir necha mln. t), mineral o‘g‘itlar (yuz mln. t ga yaqin), og‘ir metallar, radiaktiv chiqindilar bilan ifloslanadi.

Inson tabiiy sharoit va boyliklardan ko‘p maqsadlarda foydalanadi. Bu esa ayni paytda, tabiatni tegishlicha muhofaza qilishni ham taqozo etadi. Bular: xo‘jalik, sog‘liqni saqlash va gigiyena, nafosat (estetik), turizm, ilmiy hamda tarbiyaviy maqsadga muvofiq foydalanish. Maqsadga muvofiq foydalanish deganda, tabiat boyliklaridan mamlakat yoki

butun insoniyat manfaati yo‘lida foydalanish tushuniladi. Bunda hozirgi va kelajak avlodning manfaatlarini ko‘zlab faoliyat yuritish nazarda tutiladi. O‘z taraqqiyotini oldindan uzoq muddatga ilmiy asosda rejalashtira oladigan va tabiiy muvozanatni o‘zgartirmasdan foydalana oladigan jamiyatgina taraqqiyotga erishadi.

Tabiiy boyliklardan oqilona foydalanishdan tabiatda ro‘y beradigan jarayonlarning o‘zaro bog‘likligi va rivojlanishi qonuniyatlari haqidagi bilimlar katta ahamiyatga ega. Bu siz tabiiy jarayonlarga baho berish, ularni xisobga olish, tabiatga, tabiat komponentlariga ko‘rsatilgan har qanday ta’sirning kelajakda qanday oqibatlarga olib kelishini oldindan bilish mumkin emas. Inson tabiatdan foydalanganda va unga ta’sir ko‘rsatayotganda bilishi va faoliyatida amal qilish zarur bo‘lgan, asosan, 5 qonuniyat mavjud: 1) tabiatdagi barcha komponent va elementlar o‘zaro bir-birlari bilan bog‘langan, o‘zaro ta’sir etib, muayyan muvozanatda bo‘lib, uyg‘unlik hosil qilgan. Biron komponent yoki element o‘zgarsa, butun tabiiy kompleksda o‘zgarish ro‘y beradi; 2) tabiatda to‘xtovsiz modda va energiyaning aylanma harakati ro‘y berib turadi. Bu xayot asosi; 3) tabiiy jarayonlarning rivojlanishida muayyan davriyliklar mavjud (sutkalik, yillik, 12 yillik, 33— 35 yillik va ko‘p yillik); 4) zonallik; 5) regionallik.

Insonning tabiat bilan o‘zaro ta’siri jamiyat taraqqiyoti, ishlab chiqarish. usullari mukammallasha borgan sari jadallashadi, tabiatdan, uning boyliklarini, qurilish va ishlab chiqarish. tehnikasi, aloqa vositalari yirik shaharlarni o‘zgartirib, yirik vohalar, madaniy landshaftlar yaratishga, hosildor ekin hamda mevalar, mahsuldor chorva mollari yetishtirishga imkon beradi. Lekin ba’zan chuqur o‘rganmasdan inson qudratiga ortiqcha baho berib, tabiatga ta’sir ko‘rsatish tabiatni foydalanib bo‘lmaydigan holatga, uning buzilishi va ifloslanishiga olib kelishi mumkin. Bunday manzara insoniyatning butun tarixi mobaynida kuzatiladi. lekin 19-asrgacha insonning tabiatdan foydalanish ko‘lami uncha katta bo‘lmagani uchun inson faoliyatining tabiatga ta’siri ham kamroq bo‘lgan.

XX-asrning II-yarmida sanoat ishlab chiqarishning rivojlanishi, qishloq xo‘jaligida turli xil kimyoviy moddalarning ko‘p qo‘llanilishi, katta maydonlarda muttasil bir xil ekinlarning yetishtirilishi, transport vositalarining ortiqcha ko‘payib ketishi, shaharlarning yiriklashib ketishi, tabiat muhofazasiga yetarlicha e’tibor berilmaganligi tabiiy muhitning buzilishiga, ayrim joylarning ifloslanib ketishiga sabab bo‘ldi. Ayrim konchilik sanoatlarida tabiiy muhit juda buzilib ketgan. Katta maydonlarni kon chiqindi jinslari egallagan, chuqur ochiq karyerlar yer osti suvi sathini pasaytirishi natijasida o‘simlik qoplami qurib bormoqda[8]. Rekultivatsiya ishlariga, xususan rivojlanayotgan mamlakatlarda yetarlicha e’tibor berilmaydi. Hozirgi vaqtda Tabiatni muhofaza qilish muayyan o‘lka yoki mamlakat doirasidan chiqib, umumjahon muammosiga aylanib bormoqda. Yerning ozon pardasidagi o‘zgarishlar, dunyoda haroratning ko‘tarilib borayotgani, qutbiy va tog‘ muzliklarining qisqarib borayotgani ana shunday muammolardan. Ayniqsa, qayta tiklanmaydigan tabiiy boyliklarning kamayib borayotganligi va atrof tabiiy muhitning ifloslanayotgani bir qancha mamlakatlarda, ayniqsa, rivojlangan mamlakatlarda Tabiatni muhofaza qilish tadbirlarini ko‘rishga majbur etdi. Ko‘pchilik rivojlangan mamlakatlarda o‘rmonlarni kesish cheklandi, yerdan kadastr asosida foydalaniladigan bo‘ldi, daryo va ko‘llar suvlari tozalanib, baliqlarni ko‘paytirish boshlandi.[9] Ovchilik tartibga

solindi, qo‘riqxonalar, muhofaza qilinadigan hududlar ko‘paytirildi.

Biroq XX-asrning o‘rtalaridan boshlab zararli chiqindili ishlab chiqarish. korxonalarining rivojlanayotgan mamlakatlarga ko‘chirila boshlangani bu mamlakatlarda atrofmuhitning ifloslanishiga sabab bo‘lmoqda. Rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiy qiyinchiliklar tufayli tabiatni muhofaza qilishga yetarli mablag‘ ajratishga qodir emas. Tabiatni muhofaza qilish sohasida xalqaro qat’iy hamkorlikning yo‘qligi ham tabiiy boyliklardan foydalanishda va Tabiatni muhofaza qilishda yetarlicha samara bermayapti.[10]

Hozirgi vaqtda Tabiatni muhofaza qilishni ta’minlash masalalari nazariy jihatdan ishlab chiqilgan. Lekin bularni amalga oshirish juda katta mablag‘ sarflashni talab qiladi. Buning ustiga qirg‘in qurollarini ishlab chiqarish., ularni saqlash ham tabiiy muhitning ifloslanishiga olib keladi. Shu nuqtai nazardan qirg‘in qurollarni ishlashni ta’qiqlash, borlarini yo‘qotish ham tabiat muhofazasida katta ahamiyatga ega.

O‘zbekistonda XX-asrda, ayniqsa, uning II-yarmida qishloq xo‘jaligida monokultura tizimining qo‘llanishi, gerbitsid va pestitsidlarning haddan tashqari ko‘p ishlatilishi, mavjud suv zaxiralaridan noto‘g‘ri foydalanish oqibatida atrofmuhit holatida katta salbiy o‘zgarishlar ro‘y berdi.[11] Orol dengizi deyarli quridi, uning atrofida cho‘llashish kuchayib ketdi, yer osti suvlari sho‘rligi darajasi oshdi. Inson salomatligi uchun zarur sharoit buzildi, kamqonlik, gepatit, zotiljam kabi kasalliklar ko‘paydi. Paxta monokulturasi ta’sirida boshqa hududlarda xam inson hayoti uchun zarur bo‘lgan ekologik vaziyat yomonlashdi. O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, dastlabki kunlardan boshlab, Tabiatni muhofaza qilishga, respublika hududini ekologik tanazzuldan muhofaza qilishga kirishdi. Tabiatni va uning komponentlarini muhofaza qilish to‘g‘risida bir qancha qonunlar qabul qilindi. Bular "Tabiatni muhofaza qilish to‘g‘risida" (1992 y. 9 dek.), "Suv va suvdan foydalanish to‘g‘risida" (1993 y. 6 may), "Yer osti boyliklari to‘g‘risida" (1994 y. 23 sent.; 2002 y. 12 dek.da yangi tahrirdagi), "Atmosfera havosini muhofaza qilish to‘g‘risida" (1996 y. 27 dek.), "O‘simlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to‘g‘risida" va "Hayvonot dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to‘g‘risida" (1997 y. 26 dek.), "Davlat kadastrlari to‘g‘risida" (2000 y. 15 dek.), "O‘rmon to‘g‘risida" (1999 y. 15 aprel), "Chiqindilar to‘g‘risida" (2000 y. 5 aprel) dagi qonunlardir.

3) A-o`z-o`ziga qo`shma va musbat operator, $A = A^* > 0$.

Shartlarni 1)-3) va yechimga ega bo`lish sharti barcha mumkin bo`lgan sxemalardan to`plamidan yo`l qo`yilishi mumkin bo`lgan (dastlabki oila) sxemalar oilasini ajratib olishga imkon beradi.

Ayirmali sxema $By_t + Ay = \varphi(t), t = t_n = n\tau \in w_\tau, y(0) = y_0 \in B_h,$ ning turg'unligini energetik tengsizliklar metodi bilan olib beramiz. Tenglama $By_t + Ay = \varphi(t), t = t_n = n\tau \in w_\tau, y(0) = y_0 \in B_h,$ ni skalyar ravishda $2\tau y_t = 2(\hat{y} - y)$ ga ko`paytiramiz:

$$2\tau(By_t, y_t) + 2\tau(Ay, y_t) = 2\tau(\varphi, y_t) \quad (13)$$

Ushbu formuladan foydalangan holda

$$y = \frac{\hat{y} + y}{2} - \frac{\hat{y} - y}{2} = \frac{1}{2}(\hat{y} + y) - \frac{\tau}{2} y_t, \quad (14)$$

formula (6.31) ni quyidagicha yozib olamiz

$$2\tau((B - 0{,}5EA)y_t, y_t) + (A(\hat{y} + y), \hat{y} - y) = 2\tau(\varphi, y_t). \quad (15)$$

1-*Lemma.* A o`z o`ziga qo`shma operator bo`lsin. U holda ushbu munosabat o`rinli bo`ladi

$$(A(\hat{y} + y), \hat{y} - y) = A(\hat{y}, \hat{y}) - A(y, y). \quad (16)$$

Isbot. Haqiqatan ham

$$(A(\hat{y} + y), \hat{y} - y) = (A\hat{y}, \hat{y}) + (Ay, \hat{y}) - (A\hat{y}, y) - (Ay, y) = (\hat{y}, \hat{y}) - A(y, y).$$

o`rinli bo`ladi, chunki A operatorning o`z-o`ziga qo`shmaligiga asosan

$$(Ay, \overset{\$}{y}) = (y, A\overset{\$}{y}) = (A\overset{\$}{y}, y).$$

tenglik o`rinli.

Endi (16) ni (14) ga qo`yib, ayirmali sxema

$By_t + Ay = \varphi(t), t = t_n = n\tau \in w_\tau, y(0) = y_0 \in B_h,$

uchun energetik ayniyat hosil qilamiz.

$$2\tau((B-0,5\tau A)y_t, y_t) + (A\overset{\$}{y}, \overset{\$}{y}) = (Ay, y) + 2\tau(\varphi, y_t). \quad (17)$$

Ikki qatlamli sxema (8) ning H_A fazoda boshlang'ich shart bo`yicha turg'unligini qaraymiz.

1-*Teorema.* Dastlsabki sxemalar oilasiga mansub bo`lgan sxema (8) ning $H_A$ fazoda boshlang'ich shart bo`yicha $M_1 = 1$ o`zgarmas bilan turg'un bo`lishi, ya'ni masala (8) ning yechimi y_n uchun

$$\| y_N \|_A \le \| y_0 \|_A, n = 1, 2, ..., \quad (18)$$

baho o`rinli bo`lishi uchun

$$B \ge \frac{\tau}{2} A \qquad (19)$$

shartning bajarilishi zarur va yetarlidir.

Isbot. **Yetarlilik.** Shart (19) bajarilgan bo`lsin, masala uchun $(\varphi = 0)$ energetik ayniyat (16) dan quyidagi ayniyatga ega bo'lamiz

$$2\tau((B-0,5\tau A)y_t, y_t) + (A\overset{\$}{y}, \overset{\$}{y}) = (Ay, y). \quad (20)$$

bunda ushbu tengsizlik $(A\overset{\$}{y}, \overset{\$}{y}) \le (Ay, y).$ yoki $\| \overset{\$}{y}_N \|^2_A \le \| y \|^2_A,$ kelib chiqadi, bundan o`z navbatida

$$\| y_{n+1} \|_A \le \| y_n \|_A \le ... \le \| y_0 \|_A$$

ekanligi yoki tengsizlik (19) o`rinli ekanligi kelib chiqadi.

Zaruriylik. Ayirmali sxema (8) turg'un va tengsizlik (18) bajarilgan bo`lsin. Bundan operatorli tengsizlik (19), ya'ni

$(B\upsilon, \upsilon) \ge 0,5\tau(A\upsilon, \upsilon)$ ixtiyoriy $\upsilon \in H$ (20)

uchun bajarilishligini isbotlaymiz.

Ayniyat (20) dan birinchi qatlam uchun $(n = 0)$ quyidagiga ega bo`lamiz:

$$2\tau((B-0,5\tau A)y_t(0), y_t(0)) + (Ay_1, y_1) = (Ay_0, y_0).$$

Tengsizlik (18) o`rinli bo`lganligi uchun ushbu tengsizlik faqat

$$2\tau((B-0,5\tau A)y_t(0), y_t(0)) = (Ay_0, y_0) - (Ay_1, y_1) \ge 0$$

bo`lgandagina bajariladi, ya'ni

$$2\tau((B-0,5\tau A)y_t(0), y_t(0)) \ge 0 \quad (21)$$

bo`ladi. Chunki $y_0 \in H$ ixtiyoriy element, u holda $\upsilon = y_t(0) = -B^{-1}Ay_0 \in H$ ham ixtiyoriy bo`ladi.

Haqiqatan ham, ixtiyoriy $\upsilon = y_t(0) \in H$ elementni berib, $y_0 = -A^{-1}By_0 \in H$ ekanligini topamiz, chunki A^{-1} operator mavjud. Shunday qilib, tengsizlik (21) ixtiyoriy $\upsilon = y_t(0) \in H$ uchun o`rinli, ya'ni operatorli tengsizlik (19) o`rinli, talab qilingan mulohaza isbotlanadi.

Turg'unlik sharti (19) ning samaradorligini vaznli sxema misolida ko`rib o`tamiz

$$y_t + A(\sigma\hat{y} + (1-\sigma)y) = 0.$$

Ushbu sxemaning kanonik ko`rinishi

$$(E+\sigma\tau A)y_t + hy = 0,\ \ B = E+\sigma\tau A \qquad (22)$$

ekanligi ma'lum. Agarda $A = A^* > 0$ va u t dan bog'liq bo`lmasa, hamda $\delta > -\frac{1}{\tau \| A \|}$ bo`lsa, u holda vaznli sxema (22) dastlabki sxemalar oilasiga mansub bo`ladi. Ayirmali sxema turg'unligining zaruriylik va yetarlilik sharti (19) quyidagi ko`rinishni oladi

$$B - 0.5\tau A = E + (\sigma - 0.5)\tau A \geq 0.$$

Endi $A \leq \|A\| E$ va $E \geq A/\|A\|$ ekanligini e'tiborga olib ushbuga ega bo`lamiz

$$B - 0.5\tau A \geq (\frac{1}{\tau\|A\|} + (\sigma - 0.5)\tau)A$$

Bundan ko`rinadiki, shart (19) ushbu tengsizlikka ekvivalent

$\sigma \geq \sigma_0$, bu yerda $\sigma_0 = \frac{1}{2} - \frac{1}{\tau\|A\|}$.


Ana shu shart vaznli sxemaning turg'unligi uchun zarur va yetarlidir.

Ayirmali masala differensial masalani approksimatsiyalasa va turg'un bo`lsa, albatta u yaqinlashuvchi bo`ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Годунов С. К., Рябенький В. С. "Разностные схемы, введению в теорию" М. Наука 1977 год
2. Рождественский Б.Л., Яненко Н.Н. "СИСТЕМЫ КВАЗИЛИНЕЙНЫХ УРАВНЕНИЙ И ИХ ПРИЛОЖЕНИЯ К ГАЗОВОЙ ДИНАМИКЕ"
3. Рихтмайер Р., Мортон К. "Разностные методы решения краевых задач."-М.: Мир, 1972.
4. Самарский А.А. "Теория разностных схем" – М., Наука, 1989
5. Самарский А.А., Гулин В.А. "Численные методы" – М., Наука, 1989
6. Калиткин Н.Н. "Численные методы" – М., Наука, 1978
7. Самарский А.А., Николаев Е.С. "Методы решения сеточных уравнений" – М., Наука, 1978
8. Jo'rayev G'. U., Xudoyberganov M. O'., Baxramov S. A. "Ayirmali sxemalar nazariyasi elementlari" Toshkent. 2014-yil
9. Петров И. Б., Лобанов А. И. "Лекции по вычислительной математике: Учебное пособие" М. БИНОМ. 2006 год
10. To'rayev D.Sh. "Umumlashgan yechimlarni hisoblash uchun ayirmali sxemalar tushunchasi", Tadqiqot.uz elektron jurnali maqolasi, Toshkent, 2021 yil.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



HISTORY AND METHODS OF PERFORMANCE

Umarov Qahramon Shokirovich[1]

[1] Fergana Specialized Art School

Head of the "Traditional Executive Department."

https://doi.org/10.5281/zenodo.4733114

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

gijjak, instrument, education, method, culture, marifat, narrow, bow, percussion, music, melody

ABSTRACT

The article describes the history of the musical instrument gijjak and its development, the basics of its origin, appearance and structure.

GIJJAK SOZI TARIXI VA IJRO USLUBLARI

Umarov Qahramon Shokirovich[1]

[1] Farg'ona ixtisoslashtirilgan san'at maktabi "Ananaviy ijrochilik bo'limi" boshlig'i

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

gijjak , cholg'u, ta'lim, usul, madaniyat, marifat, tor, kamonli, zarbli, musiqa , kuy

ANNOTATSIYA

Maqolada musiqa asbobi gijjak va uni rivojlanish tarixi , kelib chiqishi chalish asoslari , ko'rinishi va tuzilishi bayon etib o'tilgan.

Insonning irqi, millati, tili va boshqa hususiyatlaridan qat'iy nazar uning qalbiga yo'l topib, his-tuyg'ulari, kayfiyati va ruhiy holatiga serjilo nafis tovushlar vositasida badiiy obrazlar orqali kuchli emotsional ta'sir ko'rsatib, maxliyo qila oladigan kuchli tarbiya vositalaridan biri –musiqa san'atidir.

Inson qalbi doimo musiqaga oshno bo'lgan asrlar o'tsada hech bir musiqiy asbob o'z qadryatini yo'qotgani yo'q .Sababi bu kuy va navolar kuylanishi uchun hizmat qiladigan musiqiy asboblar har qachon ham e'zozda bo'lgan , uni chalish u haqida ma'lumotga ega bo'lish musiqa shaydolarining diqqat markazida bo'lgan. Quyida biz gijjak torli,kamonli musiqiy cholg'u asbobi haqida bilganlarimiz haqida to'xtalib o'tishni joiz deb bildik.

G'ijjak — torli kamonli musiqa asbobi.Uning o'zbek, tojik, turkman, ozarbayjon, arman hamda ko'pgina sharq davlatlari jumladan Afg'oniston, Eron, Turkiya va boshqalarda keng ishlatilishida ham biz ushbu cholg'uga xos jiddiy

fazilatlar turini ko‘ramiz. G‘ijjak yoki kamon haqidagi ilk ilmiy ma’lumotni biz IX-asr musiqiy risolasida uchratamiz. Asrlar davomida yakkanavoz soz sifatida xamda turli ansambllarda g‘ijjakning keng ishlatilib kelishi esa uning ijrochilik imkoniyatlarinig to‘xtovsiz rivojlanib borishiga zamin bo‘ldi. G‘ijjaknavoz sozandalar esa o‘rta asrlardanoq katta hurmat va extirom sohibi bo‘lganliklarini biz Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muxammad Bobur kabi ulug‘ siymolar asarlarida xamda Darvesh Ali, Buxoriy, Changiy kabi o‘tmish musiqa tadqiqotchilari risolalarida ko‘ramiz.

Bu xususda qiziqarli ma’lumot bor. «Ziynat al -majolis» (Ziynatlarning majlisi) antalogiyasida hikoya qilinishicha, Farobiy Ray shahrida Sohib ibn Abbod qabulida bo‘lganida, vazir sharafiga o‘tkazilgan ziyofatda o‘zi ixtiro qilgan cholg‘uda kuy ijro etadi. Tashqi ko‘rinishidan kichik qovoqqa o‘xshagan bu soz « g‘ipchak» nomi bilan tanilgan ekan. Bu cholg‘uda Farobiy uch qismli kuy ijro etib, tinglovchilarni ham yig‘latgan , ham kuldirgan va hayajonga solgan ekan. G‘ijjak avval ikki torli, Ibn Sino dastlabki 2 torini kvartaga sozlagan, ba'zan ashulachilarning ovoziga moslashtirib sozlashgan. Kosaning pastki qismiga tayoqcha o’rnatilib, ijrochining tizzasiga qo'yib, o'tirgan holda chalingan. Dastasi dumaloq bo'lib, kosaga yaqinlashib borgan sari ingichka ishlangan. O'sha davrda g'ijjak unison, yakka tartibda, ansambl jo'rligida ham ijro etilgan.

Kamonchasining qillari (otning dumidan ishlanadi) chalish vaqtida o'ng qo'l barmoqlari bilan tortib chalingan

Bobur zamonidan boshlab uch torli cholg‘u qilingan. «Boburnoma»da aytilishicha, o‘z davrining mashhur sozandasi Qulmuhammad Udiy g‘ijjakka uchinchi torni tortib, yuqori ijrochilik mahoratini namoyish etgan. Ungacha ipakdan eshilgan ikki simli g‘ijjak bo’lib, 8-tadan, 11-tagacha aks-sado beruvchi qo’shimcha simli torlari bo‘lgan.

Alisher Navoiyning „Majolis un-nafois“ asarida aytilishicha, g‘ijjakni ijro qilish barcha saroy sozandalari uchun shart bo‘lgan. O‘rta asrda Alijon G‘ijjakiy, Xo‘ja O‘zbek G‘ijjakiy kabi san’atkorlar mashhur bo‘lgan.

G‘ijjak odatda o‘rik, tut yoki yong‘oq daraxti g‘o‘lasidan ishlanadi. Kosasi asosan baliq terisi bilan qoplangan bo‘lib, dastasida pardalar bo‘lmaydi. Kosadagi baliq teri ustiga harrak (cholg‘ularda torlarni tutib turuvchi moslama) o‘rnatilib, shu harrak orqali torlar quloqlarga taqiladi. G’ijjak dasta bilan kosaxonaning umumiy uzunligi 550-900 mm atrofida, dastasi dumaloq, simlarini ushlab turuvchi teri ustidagi xarragi tomon ingichkalashib borgan, g’ijjak dastasining quyi qismida musiqa ijro qilishda noqulaylik yuzaga kelgan. G‘ijjak sozining sifati uning yog‘och materiallariga, qoplanadigan baliq terisining hamda cholg‘uga taqiladigan torlarning sifatiga, shuningdek sozgar ustaning mahoratiga bog‘liq. Shuning uchun cholg‘uni yaxshi saqlash, uni o‘ta nam yoki o‘ta issiq haroratdan ehtiyot qilish, torlarni ijrodan so‘ng muntazam maxsus material bilan artib turish va torlarni o‘z vaqtida almashtirib turish maqsadga muvofiq. G‘ijjak ot qili tortilgan kamon bilan chalinadi, hozirgi vaqtda sun’iy qil ham tortiladi. G‘ijjak milliy cholg‘u asboblari orasida o‘zining kuychan, yoqimli va mayin tovushi bilan ajralib turadi. G‘ijjakni o‘zbek, tojik va turkman xalqlari «*g‘ijjak*», qirg‘iz, qoraqalpoq, qozoq xalqlari «*qobuz*», kavkaz xalqlari «*kemancha*» deb nomlaydilar. Garchi bu asboblarning ijrochilik uslublari bir- biridan ma’lum darajada farq qilsa-da, ammo mazkur xalqlar foydalanayotgan g‘ijjaklar tuzilishida deyarli farq yo‘q. Shu boisdan bir millat foydalanayotgan g‘ijjakdan ikkinchi millat

sozandasi foydalana oladi. G‘ijjak cholg‘u asbobining takomillashuvida yuqorida bayon etilgan qardosh xalqlar sozanda ustalarining ham hissasi bor.

G‘ijjakning kosaxonasi ustidagi teri sovuq havoda, nam sharoitida cho‘kib ketishi, ingichka simlarining ovozi noqisligi tufayli O‘zbekistonda (ayniqsa Andijon)da XIX-asr oxiridan g‘ijjak o‘rniga an’anaviy ansambllar tarkibida skripka ishlatila boshladi. Ammo keyinchalik g’ijjak cholg’usi takomillashtirilib qayta ishlandi.

XX asr boshlarida cholg’u ijrochilik san’ati ancha yuqorilab ketdi, va undan yana keng qo'llanila boshlandi,to’rtta tor (oldin uchta bo’lgan) joriy qilindi. To’rtinchi eng yo’g’on tor kichik oktavadagi *sol* ga, uchinchi tor birinchi oktavadagi *re* ga, ikkinchi tor birinchi oktavadagi *lya* ga va oxirgi birinchi tor ikkinchi oktavadagi *mi* notasiga sozlandi. G’ijjak qaytadan ishlanib, g’ijjakning dastasi dumaloq emas, aksincha, skripka dastasidek yassi qilib ishlandi, stulga o’tirib ijro qilish uchun g’ijjak moslamasi qulaylashtirildi. Orkestrlarda chalish uchun g’ijjakning g’ijjak prima, g’ijjak alt, g’ijjak bas, g’ijjak kontra bas turlari yaratildi.Xozirda g’ijjak cholg’usi orkestrlarda eng asosiy, yetakchi vazifani bajaradi, yakkanavozlikda mashhurdir. Uning nota matni skripka kalitida eshitilishicha yoziladi.

Ushbu sozlar bugungi kunda irochilik amaliyotida orkestr, ansambl va

yakkanavoz cholg‘u sifatida keng qo‘llanilmoqda. Bu cholg‘ular ko‘p ovozli

musiqalar ijrosida, ayniqsa, orkestr ijrochiligida orkestrning tovush diapozonini kengaytiribgina qolmay, balki uning sifatiga, ijrochilik imkoniyatlarining kengayishiga,shu bilan bir qatorda, o‘ziga xos milliy xususiyatga ega bo‘lgan tovushlarning rang-barang bo‘lishini ta’minlab berdi.

G‘ijjak turkumining takomillashuvidan so‘ng yuqorida bayon etilgan g‘ijjaklarda quyidagi ijrochilik imkoniyatlari vujudga keldi:

1. Har bir g‘ijjak turining o‘ziga xos barqaror – professional ijrochilik holatlari

(postanovka) yaratildi.

2. G‘ijjak tovushlari kuchaydi va har biri o‘ziga xos yoqimli tovush xususiyatlariga ega bo‘ldi.

3. Sozlar *kvarta* intervalidan *kvintaga* o‘tkazildi.

4. O‘ng qo‘l holati (postanovkasi)ning yangi professional – postanovkaga

o‘tishi ijrochilik va mahorat jihatidan qulay imkoniyatlarni vujudga keltirdi.

5. G‘ijjakning umumiy tovush diapozoni kichik oktava *sol* dan to‘rtinchi oktava *mi* notasigacha kengaytirildi.

6. G‘ijjaklarda an’anaviy ijrochilik bilan birga, nota yozuvi asosida jahon

kompozitorlari asarlarini ijro etish imkoniyati paydo bo‘ldi.

O‘zbekistonda g‘ijjak ijrochiligining o‘ziga xos uslublari, asosan, Andijon, Buxoro va Xorazm an’anaviy maktablari orqali namoyon bo‘lgan. Farg‘ona vodiysi hofizlik san’ati hamda surnay ijrochilik an’analari ta’sirida shakllangan Andijon maktabi (To’xtasin Jalilov, Sobirjon Siddiqov, Yunusqori Yusupov, G‘ulomjon Hojiqulov, G’ulomjon Ro‘ziboyev va boshqalar) mayda urg‘u (aksent)lar, kuy tuzilmalarini uzmasdan chalish yo‘llari, chap qo‘l barmoqlari yordamida asosiy tovushda ikkinchi barmoq bilan sayqal berish, mayda forshlaglar bilan qaltiratib ijro qilish,(o’sha davr xofizlarining ashula ijrochiligida ashulalarni qaltiratib ijro qilishgan, shunga taqlid qilib g’ijjakchilar ham qaltiratib ijro qilishgan) chap qo’lining rang-barang mayda qochirim va nolalarga boyligi, kamonning ravon harakatlari ijroda o‘z aksini topgan, surnayga xos qochirimlar singdirilganligi bilan ajralib turadi. Komiljon

Jabborov, Mamadaziz Niyozov, G‘anijon Toshmatov, Maxmudjon Muhammedov ijrosida „Surnay Irog‘i“, „O‘yin Munojoti“, „Dugohi Husayniy“ hamda „Kezarman“ , „Gul mavsumi“) kabi g‘ijjak kuylari mashhur.

Mahalliy musiqa an’analari,Shashmaqom yo’llari negizida shakllangan Buxoro maktabiga g’ijjakning xuddi titrayotgan kamonni yurg’izib sadolanishi, har pardani o’zida to’lqinlatib (tebranishi) tezlashishi ushbu maktabga xosdir. Buxoro g’ijjakchilik maktabi namoyondalari Haydarqul Qorovulbegi (Buxoro amirlari saroylarida xizmat qilgan) XX-asrlarda Aminjon Ismatov, Samo Vohidov, Hikmat Ne’matov, O’lmas Rasulovlar ijrosida “Surnay Irog’i”, “Bahri tavil”, “Kamon ufari”,”Zulayxo” , “Noz”,(O’lmas Rasulov) kabi asarlar fikrimizga asos bo’ladi.


Xorazm maktabi ijro uslubi shiddat, kamonni urg'u bilan tortish, ayni paytda yumshoq to‘lqinlatish bilan ajralib turadi. Mazkur maktab vakillaridan Patak-g‘ijjakchi (mashhur Suyav-baxshi dastasida faoliyat ko‘rsatgan, XIX-asr), Abdulla Mijana, Matyoqub Xarratov, Ollanazar Hasanov, Hasanboy Atayevlar talqinida Xorazm maqomlarining cholg‘u yo‘llari, surnay yo‘llari, shuningdek, „Aliqambar“, „Qalabandi“, „Xarrotiy“ (M. Xarratov), „Gech polvon“ singari kuylar mashhur.

G‘ijjak yakkanavoz cholg‘u, ayni paytda jo‘rnavoz soz sifatida ham keng qo‘llanilmoqda. Turkman, qoraqalpoq, xorazm baxshilari (masalan, Ro’zimboy Murodov), Andijonda To’xtasin Jalilov, G‘ulomjon Hojiqulov, Salohiddin To‘xtasinovlar o‘ziga xos jo‘rnavozlik yo‘llarini yaratishgan, 1970-yillardan boshlab g‘ijjakni yakkanavoz va milliy cholg‘u ansambli tarkibida alohida ko‘rsatish, unda o‘ziga xos kuy tuzilmalarini badiha tarzida chalish usullari Abduhoshim Ismoilov, Axmadjon Dadayev, O’lmas Rasulov va boshqalar ijrosida ommalashgan. Zamonaviy texnika vositalari (masalan, pitsikatto – tovushni kamon bilan emas o’ng qo’l barmoqlar yordamida ijro qilish, qisqa cho‘zimli tovushlarni ishlatish yo‘llari) keng kirib kelib, polifoniya va polimonodiya xususiyatlaridan foydalanilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Y.Rajabiy. “O’zbek xalq musiqasi” V- jild .Toshkent 1959 yil
2. Toshmuhamedov M. “ G’ijjak taronalari”. – Toshkent, 1983 yil.
3. Holmuhamedov O.M. “ G’ijjak sinfi metodikasi ”. - Toshkent, 1987 yil.
4. Toshmuhamedov M.“G’ijjak darsligi ”. - Toshkent., <O’qituvchi>,1995 yil.
5. Qosimov R.”An’anaviy rubob ijrochiligi”. – Toshkent.,”O’zbekiston”,1999 yil
6. Mannopov S. “O’zbek xalq musiqa madaniyati”. –Toshkent.,<Yangi asr avlodi> ,-2003 yil.
7. S. Begmatov , M. Matyoqubov " O'zbek ananaviy cholg'ulari " Toshkent
8. Q.Umarov. “ An’anaviy g’ijjak ijrochiligi”.-Toshkent.,”Musiqa”, 2014 yil
9. O’.Rasulov. Qomus.info>G’ harfi > G’ijjak.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



INTRDUCTORY BIOECOLOGY OF ORIGANUM TYTTHANTHUM GONTSCH

Djumayev Xudoyberdi Kurbandurdiyevich[1], Aslanova Xolida Gafurovna[2]

[1] Candidate of Biological Sciences Associate Professor, Termez State University

[2] The first course student of the specialty of Master's Degree in biology (science) of Termez State University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4733119

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Lamiaceae, polycarpic, hemicryphyte, phenols, ether, medicinal plant type, development, phenological, physiological indicators.

ABSTRACT

The article provides information on the effects of Mountain Ash (Origanumtytthanthum Gontsch) observation and external environmental factors, on the plant, efirium oil and medicinal disorders..There is also information about the differences between the plants grown in the conditions of Honjiza and Termez.

TOҒРАЙҲОН ORIGANUM TYTTHANTHUM GONTSCH ЎСИМЛИГИНИНГ ИНТРОДУКСИОН ШАРОИТДАГИ БИОЭКОЛОГИЯСИ

Jumayev Xudoyberdi Kurbandurdiyevich[1], Aslanova Xolida Gafurovna[2]

[1] Biologiya fanlari nomzodi, dosent. Termiz Davlat Universiteti

[1] Termiz Davlat Universiteti biologiya (fan yo'nalishlari bo'yicha) magistratura mutaxassisligi II-kurs magistranti.

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Lamiaceae, поликарпик ,гемикриптофит,фенолла р, ефир, доривор,ўсимлик тури, ривожланиш, фенологик, физиологик кўрсаткичлар

ANNOTATSIYA

Мақолада Тоғрайҳон(Origanum tytthanthum Gontsch) кузатиш ва ташқи муҳит омилларнинг ўсимликка таъсирини ўрганиш, эфир мойли ва дориворлик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Хонжиза ва Термиз шароитида ўстирилаётган ўсимликнинг фарқлари хақида ҳам маьлумотлар келтирилган.

Майдагул тоғрайҳон–*Origanum tyttanthum Gontsh.* ялпиздошлар (лабгулдошлар) *Lamiaceae* (Labiatae) оиласига мансуб, кўп йиллик (поликарпик) ўт ўсимлик (гемикриптофит) бўлиб, бўйи 30-75 см га етадиган ҳушбўй ўсимликдир. Илдизлари сертармоқ, бир нечта поя чиқаради. Поялари тик ўсувчи, тўрт қиррали, майда туклар билан қопланган, юқори қисмидан шохланади. Барглари тухумсимон ёки чўзиқ, учки томони ўткир, текис қиррали, асоси кенг. Поя ва шохларга банди ёрдамида қарама-қарши жойлашган. Баргларининг устки томони тўқ яшил, пастки томони эса кулранг тусда. Гуллари новдаларнинг учки қисмида барг қўлтиқларида жойлашган бўлиб, тирс типидаги тўпгулни ҳосил қилади. Гуллари майда, оч пушти, оч бинафша рангли бўлиб, жуда қисқа бандлари билан пояга бирикади. Косача барглари қўнғироқсимон, икки лабли. Тожибарглари ҳам икки лабли. Чангчилари 4 та, уруғчиси битта, тўрт мевачибаргнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Меваси тухумсимон, тўқ қўнғир тусли, тўрт қўшалоқ ёнғоқча. Уруғи юмалоқ ва қўнғир рангли. Июн-август ойларида гуллаб, уруғи август-сентябр ойларида тўлиқ етилади (Холматов, Аҳмедов, 1995; Набиев ва бошқалар, 1989).

Бу ўсимлик республикамизнинг барча тоғли минтақаларидаги тоғ ён бағирларида денгиз сатҳидан 700-2400 м гача баландликда кўпроқ тарқалган (Ходжиматов ва бошқалар, 1995).

Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг ер устки қисмлари дори–дармон хусусиятларига эга бўлиб, марказий асаб системалари касалликларида тинчлантирувчи, уйқусизликни даволовчи, иштаҳа очувчи овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи ҳамда балғам кўчирувчи ва шамоллашга қарши восита сифатида ишлатилади. Шунингдек ундан бод, шол, эпилепсияни даволашда, терлатувчи, сийдик ҳайдовчи ва ошқозон–ичак спазмларини даволашда фойдаланилади (Ходжиматов ва бошқалар, 1995).

Сўнгги вақтларда тоғрайҳон ўсимлигининг эфир мойлари медицинанинг янги тармоғи - ароматерапия соҳасида ҳам фойдаланилмоқда (Артемова, 2000; Кастельский, 2005).

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Майдагул тоғрайҳон ўсимлиги тўғрисидаги маълумотларда 1998-2017 йиллар мобайнида Термиз шаҳрига иқлимлаштирилган ва Сариосиё туманидаги Хонжиза қишлоғи атрофида ўсаётган ценопопуляциялари устида олиб борилган кузатувлар натижасида олинган материаллардан фойдаланилди. Ишда 2005-2008 йилларда Термиз ва Хонжиза қишлоғида таққослаш учун олиб борилган айрим кузатувлар натижаларидан ҳам фойдаланилди. Кузатувлар Термиз шаҳрида 12 йил мобайнида ўстирилган ва иқлимлаштирилган майдагул тоғрайҳон ўсимлиги устида олиб борилди. Ундан ташқари факультет тажриба майдонига 2020 йилнинг 21 январ куни экилган обьект устида ҳам кузатув ишлари амалга оширилди Бу ўсимликлар 2020 йилда Хонжиза қишлоғида ўсаётган ценопопуляцияларидан вегетатив усулда (тупини бўлиб ўтказиш) ҳамда уруғларини сепиш орқали кўпайтирилган бўлиб, Термиз шаҳри шароитида тўлиқ иқлимлаштирилди. 12 йил мобайида бу ўсимлик Термиз шароитида жуда яхши ривожланди, барча вегетация фазаларини тўлиқ ўтаб, етилган уруғ ҳосил қилади.

Кузатишлар олиб бориш учун тажриба участкасида ўсаётган ўсимликлардан 10 та модел индивидлар

танлаб олинди. Барча кузатувлар ушбу модел ўсимликлар устида олиб борилди ва ёввойи холда ўсаётган ценопопуляцияларида кузатилган фенологик фазалари билан солиштирилди. Ўсимликлар устида барча фенологик кузатувларни олиб боришда ҳамда феноспектрларни тузишда И.Н.Бейдеман (I960) методикаларидан фойдаланилди. Ўсимликларнинг гуллаш биологиясини ўрганишда А.Н.Понамарёв (1960), З.Г.Беспалова ва И.В.Борисова (1963) методикаларидан фойданилди ҳамда бу ишларни амалга оширишда Ал.А.Фёдоров ва З.Т.Артюшенко (1979) ишларида келтирилган терминологиялар қўлланилди.


Гулларининг жинсини аниқлашда — гермофродит (икки жинсли) ва функционал урғочи (айрим жинсли) гулларни ажратишда В.А.Крупнов (1973), В.А.Верещагина ва Л.И.Маланина (I974) ҳамда Пономарёв ва Е.И.Демьянова (1975) ишларида келтирилган терминологиялардан фойдаланилди. Ўсимликнинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикасини аниқлади. Суткалик гуллаш динамикасини аниқлашда бир кун олдин, кечқурун участкада ўсаётган ва гуллаш динамикаси аниқланмоқчи бўлган модел ўсимликларнинг барча очилиб турган гуллари юлиб ташланди ва тажриба куни эрталаб соат 5:00 дан кузатувлар олиб борилди. Ҳар икки соатда бир марта очилган гуллар ҳисобга олиб борилди. Ҳисобга олинган гуллар ҳар сафар, кейинги ҳисобларга ҳалақит килмаслиги учун юлиб ташланди. Мавсумий гуллаш динамикасини аниқлаш учун эса гулга кирмаган 10 та ўсимлик танлаб олинди ва уларда кунлик очилган гуллар ҳисобга олиб борилди.

МАЙДАГУЛ ТОҒРАЙҲОННИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Майдагул тоғрайҳон гемикриптофит ўсимлик бўлиб, ер устки узун новдалари ҳар йили асосигача нобуд бўлади ва янгиланиш куртаклари орқали қайта тикланади.

Тажриба участкамиздаги ўсаётган майдагул тоғрайҳон ўсимлиги 12 йиллик вегетатив даврга эга бўлиб, иссиқ иқлимли Термиз шароитига яхши мослашган. Тоғрайҳоннинг кичикроқ экземплярлари ҳар йили 40-45 тагача новда ҳосил қилса, йириклари 90 тагача новда ҳосил қилади.

Тоғрайҳон ҳосил қилган новдаларнинг 50-60 % и тўпгуллар ҳосил қилиб гуллайди ва уруғлари тўлиқ пишиб етилади. Ҳосил бўлган уруғларнинг унувчанлиги анча юқори бўлиб (лаборатория шароитидаги унувчанлиги 82 фоизни ташкил килади), дала шароитига экилганда яхши униб чиқади.



Уруғларнинг сақланиш муддатлари (ой).

1-расм. Майдагул тоғрайҳон ўсимлиги уруғларининг лаборатория шароитидаги унувчанлиги ва униш энергияси.

1-расмдаги маълумотларга кўра ўсимлик уруғларининг унувчанлиги дастлабки 6 ой мобайнида паст бўлиб, 6 ойда 80 % га, 1 йил сақланганда 82 % га етади ва бир ярим йил мобайнида нисбатан юқори кўрсатгичда сақланади. Уруғларнинг униш энергияси ҳам унувчанликка параллел ўзгариб боради. Эътиборлиси шундаки, ўсимлик уруғлари пишиб етилгандан кейин ўтган 6 ой ва 1.5 йил (18 ой) мобайнида юқори унувчанликни сақлаши уларнинг айни баҳор ойларида униб чиқиш муддатларига тўғри келади

ФЕНОЛОГИК КУЗАТИШЛАР


Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг тўпгуллари А.А.Фёдоров ва З.Т.Артюшенко (1979) системаси бўйича тирс типидаги мураккаб тўпгул ҳисобланади. Ҳар бир тўпгул бўғинидан гуллар бир жуфтдан, қарама-қарши ҳолатда жойлашади. Ҳар бир гул 1-1.5 мм узунликда бўлган гулбандларига бирикади. Тоғрайҳон ўсимлигининг битта новдасида гуллар сони 875-2000 тагача, бир ўсимликда эса 6640 тадан 17600 тагача боради. Йирик ўсимликларда эса 30000 дан 90000 тагача гуллар ҳосил бўлиши мумкин (1-жадвал). Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Термиз шароитига иқлимлаштирилган майдагул тоғрайҳон ўсимлигидаги гуллар сони ёввойи ҳолда ўсадиган вакилларидан анча кўпдир. Чунки ҳар бир ўсимлик иқлимлаштирилиб, қулай шароит яратилиши сабабли ўсимликлардан ҳосил бўлган гуллар сони ҳам, унинг ҳосилдорлиги ҳам ортади.

1-жадвал. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигида ҳосил бўладиган гуллар сони.

Гуллар сони	Хонжизада		Термизда	
	Майда ўсимликларда	Йирик ўсимликларда	Майда ўсимликларда	Йирик ўсимликларда
1 новдада	838-1590	2244-2686	875-2000	2630-3215
1 ўсимликда	6000-15000	25000-80000	6640-17600	30000-90000

Тоғрайҳон ўсимлигининг гуллаши тўпгулларида – акропетал, новдаларда эса базипетал типда содир бўлади.

Термиз шароитида ўстирилаётган ва Хонжиза қишлоғи атрофида ўсадиган майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг суткалик гуллаш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар 5-расмда келтирилди. Расмдаги маълумотларга кўра тоғрайҳон ўсимлиги гулларининг очилиши кундузги типда бўлиб, Термизда эрталабки соат 6:00 дан бошланиб, соат 14 гача давом этади. Ўсимлик гулларининг сутка давомида максимум очилиш кўрсатгичи эрталаб соат 8:00 га тўғри келади, ундан кейин гулларининг очилиши камайиб боради ва соат 14:00 да очилган гуллар сони биттагача камаяди. Ўсимликда сутка давомида гулларнинг очилиши 9 соат давом этади



очилган гуллар максимал миқдори 20-24-июн кунларига тўғри келиб, уларнинг сони 42-50 тагача етди. 24-июндан кейин эса бу кўрсаткичларнинг яна пасайиш ҳолати кузатилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг Термиз шароитида мавсумий гуллаш динамикасидаги максимум кўрсаткич июн ойининг учинчи декадасига тўғри келади.

Майдагул тоғрайҳон ўсимлигидаги гинодиэция ва гиномоноэция ҳодисалари кузатилади. Майдагул тоғрайхон асосан икки жинсли ўсимлик бўлса ҳам, улар орасида бир жинсли (функционал урғочи) индивидлари ҳам учрайди (гинодиэция). Лекин улар орасида шундай индивидлари ҳам борки, уларда ҳам икки жинсли гуллар, ҳам айрим жинсли (функционал урғочи) гуллар учрайди (гиномоноэция).

Майдагул тоғрайҳон икки жинсли гуллари функционал урғочи гулларга нисбатан анча йирик бўлади: икки жинсли гулларнинг узунлиги – 5-6 мм, функционал урғочи гулларнинг узунлиги – 4 мм келади (7-расм).

Икки жинсли гулларида тўртта чангчи бўлиб, юқорига бир жуфт чангчилар пастки жуфтларидан узунроқ бўлади. Тўртала чангчи ҳам гулдан ташқарига чиқиб кўзга аниқ ташланиб туради. Функционал урғочи гуллар эса стерил бўлиб, улардаги чангчилар редукцияланган бўлади.

Майдагул тоғрайҳоннинг турли жинсдаги гуллари ўзларининг гуллаш давринг давомийлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Икки жинсли гулларининг гуллаш даври 2-2.5 кун, функционал урғочи гулларда эса 1-1.5 кун давом этади, яъни функционал урғочи гулларда гуллаш даври деярли икки баробар қисқа бўлади. Бир новдадаги асосий тўпгулнинг гуллаш даври 32-36 кун, ён новдадаги тўпгулларнинг гуллаш даври 66-80 кунга чўзилиши мумкин. Қулай шароит бўлганда бутун ўсимликларнинг гуллаш даври 110 кунгача давом этиши мумкин. Чунки бир ўсимликда бир нечта генератив новдалар ҳосил бўлади.

Тоғрайҳон ўсимлигининг икки жинсли гулларида олдин эркаклик фазаси бошланади (протерандрия). Бу фаза гуллар очилгандан кейин 1-2 соат ўтгач, чангдонларнинг ёрилиши билан бошланади ва 30-34 соат давом этади. Чангчилар чангларни тарқатиб бўлгандан кейин чангдонларнинг тўқ пушти ёки малла рангга кириши ҳамда қуриб қолиши билан гулдаги эркаклик фазаси тугайди. Чангдонлар етилиб, чангларни тарқатиш вақтида гулдаги уруғчилар ҳали етилмаган

бўлиб, унинг устунчаси анча калта бўлади (7-расм, А). Айни вақтда уруғчилар гулда умуман кўзга ташланмайди, бу ҳолат эса уларнинг ўзидан чангланишларига тўсқинлик қилади. Гул очилгандан сўнг, орадан 12 соат вақт ўтгач уруғчи устунчалари аста секин ўса бошлайди ва 24 соатдан кейин чангдонлар узунлигига тенг бўлади, 30-34 соатдан сўнг чангчилардан анча узун бўлиб гулдан ташқарига чиқади ва тумшуқчаси айри шаклига киради. Шу вақтдан бошлаб гулда урғочилик фазаси бошланади. Айри шаклидаги тумшуқчалар чангларни қабул қилишга тайёр бўлади (7-расм, Б). Икки жинсли гулларни урғочилик фазаси 25-30 соат давом этади.




7-расм. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг икки жинсли гулларидаги эркаклик (А) ва урғочилик (Б) фазалари.

Функционал жиҳатдан урғочи бўлган гулларда гуллар очилган вақтда чангчилар стерил ҳолатда бўлади. Бу гулларда уруғчи устунчаларининг ўсиши икки жинсли гуллардагига нисбатан анча жадал бўлиб, гуллар очилгандан кейин унинг ўсиши 1-4 соатгача давом этади. Шундан кейин уларнинг тумшуқчалари айри шаклга кириб, гул чангини қабул қилишга тайёр бўлади ва гулда урғочилик фазаси бошланади (8-расм,). Функционал урғочи гулларнинг гуллаш даври 24-28 соат давом этади.



8-расм. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг функционал урғочи гуллари.

Майдагул тоғрайҳон энтомофил ўсимлик бўлиб, ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Бу ўсимлик гулларини асалари ва пашшалар чанглантиради. Чангловчи ҳашаротлардан асалариларнинг гулларга келиши соат 8:00 дан 19:00 гача, пашшаларники эса соат 8 дан 16 гача кузатилади (9-расм). Асаларилар гулларга максимал даражада соат 11:00 дан 13:00 гача, пашшалар эса 9:00 дан 11:00 гача ташриф буюришади.



эфир мойлари ҳам олиш мумкин (2-3-жадваллар).

2 - жадвал. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг тўпгулларидаги эфир мойлари миқдорининг вегетатив фазаларига боғлиқ ҳолда ўзгариши (қуруқ массага нисбатан % ҳисобида).

Вегетатив фаза	Гуллашнинг			Уруғ ҳосил қилиш фазасининг
	бошланиши	Ялпи гуллаш	тугаши	

Ўсимлик				бошланиши
Майдагул тоғрайҳон	0.32-0.57	0.80-1.21	0.87-1.26	1.43-1.66

Ўсимлик эфир мойлари таркибида бизнинг тенширишимиз натижасида 28 компонент аниқланди. Эфир мойларининг асосий компонентлари тимол ва карвакрол бўлиб, уларнинг миқдори 89 % гача етади. Бу икки асосий компонентлардан ташқари эфир мойлари таркибида 1-октен-3-ол (0.7-5.5%), γ-терпинен (0.3 - 11.0%), ментол (0.6 - 3.9 %), тимол ва карвакрол ацетати (0.2 - 2.1 %), кариофиллен (0.9 - 6.8 %) ва β-бисаболен (0.2 - 1.9 %) лар доимий компонентлари ҳисобланади. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг эфир мойлари парфюмерия баҳоси бўйича 4 баллга баҳоланди (Джумаев, 1990).

Бундан ташқари майдагул тоғрайҳон ўсимлиги асал ширали ва манзарали ўсимлик ҳамдир (3-жадвал). Майдагул тоғрайҳон ўсимлиги экилган ҳар бир гектар майдондан 26.2 дан 55.3 кг гача асал олиш мумкин (Джумаев, 2017).

3-жадвал. Майдагул тоғрайхон ўсимлигининг хом-ашё, эфир мойлари ва асалшира ҳосилдорлиги.

Ўсимлик	Ҳосилдорлик		Эфир мойлари кг/га	Асалшира ҳосили, кг/га
	Уруғ, ц/га	Тўпгул ҳосили, ц/га		
Майдагул тоғрайҳон	0.3 - 1.7	75.9 - 90.0	49.3 - 58.5	26.2-55.3

Хулоса.

1. Майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг Термиз шаҳри шароитига тўлиқ иқлимлаштириш имконияти мавжуд бўлиб, ўсимлик бу шароитда ўзларининг фенологик фазаларини тўлиқ ўтай олади ва уруғлари август ойида тўлиқ пишиб етилади.

2. Термиз шароитида майдагул тоғрайҳон ўсимлигининг деярли барча фазалари Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи атрофида ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг фенологик фазаларига нисбатан 30-40 кун илгари бошланади.

3. Термиз шароитига иқлимлаштирилган ўсимликларда ҳосил бўлган гуллар сони Хонжиза қишлоғи атрофида ёввойи ҳолда ўсадиган вакилларидан анча кўпдир, чунки ўсимлик учун қулай шароитлар яратилганлиги сабабли улардаги гуллар сони ҳам ортади.

4. Тажриба учаскаларида ўстирилаётган тоғрайҳон ўсимлиги гуллари сутка давомида максимал эрталаб соат 8:00 га тўғри келса, мавсумий гуллаш динамикасида эса очилган гулларнинг максимал миқдори май ойининг охири июн ойининг бошларига тўғри келади.

5. Майдагул тоғрайхон ўсимлигида гинодиэция ва гиномоноэция ҳодисаси кузатилади. Унинг икки жинсли гуллари функционал урғочи гулларига нисбатан анча йирик бўлади.

6. Ўсимликнинг икки жинсли гулларида олдин эркаклик фазаси бошланиб, 30-34 соат давом этади. Урғочилик фазаси эса гул очилгандан кейин 25-30 соат давом этади.

7. Урғочи гулларининг чангчилари редукцияланган бўлиб бу гулларнинг гуллаш даври икки жинсли гулларникига нисбатан деярли икки баробар қисқа бўлади.

8. Майдагул тоғрайхон энтомофил ўсимликлар қаторига киради. Уларни Термиз шароитида асалари ва пашшалар чанглантиради.

Амалий тавсияномалар:

1. Майдагул тоғрайхон ўсимлигидан халқ хўжалигида доривор, эфир мойли, зиравор, асал ширали ўсимликлар сифатида фойдаланиш мумкин бўлиб, уларни маданийлаштириш тавсия этилади.

2. Майдагул тоғрайхон ўсимлигини Термиз шароитида экиб ўстириш имконияти мавжуд эканлиги ҳисобга олинган ҳолда бу ўсимликни қатта майдонларда етиштириб, олинган хом-ашёни доривор препаратлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бунда Термиз – Аджанта корхонаси билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Майдагул тоғрайҳон ўсимлиги экилган ҳар бир гектар майдондан ҳар йили 0.3-1.7 кг уруғ, 75.9-90.0 кг тўпгул ҳосили, 49.3-58.5 кг эфир мойлари, 26.2-55.3 кг гача асал олиш мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:


1. Артемова А. Ароматы и масла, исцеляющие и омолаживающие. М., СПб., 2000. 160 с.

2. Бейдеман И.Н. Изучение фенологии растений. Полевая геоботаника, Т.2. –М.-Л.Изд-во АН СССР. I960, - С. 333-366.

3. Беспалова З.Г., Борисова И.В. Фенологические наблюдения в степных сообществах с учетом морфологии и биологии растений. Ботанический журнал. -1963. –Т. 48, № 9. –С. 1271-1281.

4. Васильева А. Витамины и минералы – энергия жизни. СПб., 2001. 160 с.5. Верещагина В.А., Маланина Л.И. О гинодиэции душицы обыкновенной (Origanum vulgare L.). Научн. докл. высш. школы. Биол. Науки. - I974. -№ 6.- С. 51-57.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



IDEOLOGY IN THE MODERN WORLD: A CHOICE BETWEEN THE GAP AND THE FUTURE

Malikova Dildorakhon Kobilovna[1]
[1] National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Master's Degree in the Faculty of Social Sciences, soul_db@mail.ru

https://doi.org/10.5281/zenodo.4733128

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Ideology, paradigm change, ideology in the modern world.

ABSTRACT

Ideology has always played an important role in the life of society. Ideology in the general sense is understood as a set, a structured system of views, ideas, representations as a way of expressing or protecting the interests of a class or social community. The purpose of this work is to trace the evolution of views on political ideology, finding out how the term and the phenomenon itself have changed from its appearance to the present. The object of this study is ideology, the subject, respectively, is the evolution of ideologies.

ИДЕОЛОГИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ВЫБОР МЕЖДУ ПРОПАСТЬЮ И БУДУЩЕМ

Маликова Дилдорахон Кобиловна[1]
[1] Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
магистр факультета социальных наук

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 20 апреля 2021 г.
Утверждено: 25 апреля 2021 г.
Опубликовано: 30 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Идеология, смена парадигм, идеология в современном мире.

АННОТАЦИЯ

Идеология всегда играла важную роль в жизни общества. Под идеологией в общем смысле понимается совокупность, структурированная система взглядов, идей, представлений как способ выражения или защиты интересов класса или социальной общности. Цель данной работы проследить эволюцию взглядов на политическую идеологию, выяснив, как менялся термин и само явление с его появления до настоящего времени. Объектом данного исследования является идеология, предметом соответственно – эволюция идеологий.

Если окунаться в сферу политики, то здесь идет осмысление политического бытия сквозь призму определенного мировоззрения, часто предложенного политическими элитами. А.И. Соловьев дает следующее определение политической идеологии: «это определенная доктрина, оправдывающая притязания той или иной группы лиц на власть (или ее использование) и добивающуюся в соответствии с этими целями подчинения общественного мнения собственным идеям». Политическая идеология – это рычаг воздействия на сознание общества, с помощью которого стоящие у власти люди пытаются сформировать определенный

вектор политического и социального развития. Степень мощности этого «рычага» часто зависит от характера овладения общественным сознанием, которое осуществляется путем реализации важнейших функции: познавательно-оценочной, согласно которой идеология формирует политическое сознание мировоззрение общества, дает определенные ценности и нормы; ориентационной, с помощью которой обеспечивается выражение интересов социума, производится анализ социально-политической действительности сквозь призму данных ценностей; интегрирующей, при которой идеология, объединяя людей по схожим характеристикам, рассматривается как фактор организации и мобилизации общества; воспитательной, которая обеспечивает политическую социализацию индивидуума, развивает политическую культуру общества в целом; футурологo-прогностической, при которой идеология гарантирует модель лучшего будущего, к которой стремится политическая система; легитимирующей, которая позволяет политическим силам оправдать законность любых действий. Осуществляя данные функции, идеология интегрирует социум для решения четко поставленных элитами задач. И часто теоретическая опора политических идеологий держится только на вере людей, дистанцируясь от реального положения вещей. Этот факт обосновывает распространенную характеристику идеологии как иллюзорного представления о действительности. Кроме того, проводя параллели между сознанием и политической идеологией, в науке принято разделять несколько уровней функционирования последней. Первым выделяется теоретико-концептуальный уровень. На данном уровне создаются и определяются концепции, идеи, принципы, идеалы определенной группы, нравственное обоснование идеологии. На следующем уровне – программно-политическом – теоретическая философия превращается в конкретную программу действий, которая позволит завоевать расположение социума, что в дальнейшем даст устойчивую базу для принятия решений. Как ни странно, нередко возникают некоторые противоречия между первыми двумя уровнями, когда идеи и догмы трактуются на практике совсем иначе. Актуализированный уровень позволяет определить степень овладения сознанием общества. Идеология в одних случая просто принимается личностью как некий возможный вариант трактовки действительности, в других – принимается полностью и отождествляется с собственным мировоззрением. Если же идеология не оказывает существенного влияния на массовое сознание общества, это ведет к деидеологизации политической системы, т.е. уменьшению роли идеологии, вытесняемой позитивным знанием. Таким образом, политическая идеология – совокупность концепций отраженной действительности, защищающей интересы социальных групп. Она представляет собой как явление в широком смысле, так и отдельные программы, и реальную политическую практику, и теоретическое учение. За годы существования этого концепта было создано значительное количество идеологических систем. Каждая из них отражает интересы различных групп социума или классов, опирается на разные нормы и ценности, отличаются сферой и степенью влияния и популярности в определенный исторический период, пользуется разными средствами достижения целей. Самые значимые из таких политических

идеологий: либерализм, консерватизм, национализм, социализм, коммунизм, феминизм и энвайронментализм и другие. Все одни имеют свою специфику и направленность исходя из условий развития и появления. Каждая из них играет важную роль в политической науке. Идеология как наука об идеях Великая французская революция разрушила устои европейского общества, которые формировались столетиями. Все произошедшее нуждалось в переосмыслении для того, чтобы понять действительность, определить новые ориентиры и цели, на базе которых будет развиваться новое капиталистическое общество. Кроме того высоко была оценена роль философов 18 века, которые идейно подготовили революцию и смогли отразить ее сущность в теориях. Именно это стало основой и подтолкнуло французского мыслителя, философа, экономиста и политического деятеля Антуана Дестюта де Траси сформулировать свою концепцию «науки об идеях» - идеологии, которую он изложил в работе «Элементы идеологии» (1801-1815). В этой работе А.Д. де Траси ставит цель определить сущность идеологии и исследовать ее как науку, определяющую появление, развитие и смену идей в обществе. Работа разделена автором на четыре части: «Идеология как таковая»(1801г.), «Общая грамматика»(1803г.), «Логика»(1805г.), «Трактат о воле и ее воздействиях» (1815г.) 7 В первой части автор анализирует идеи как способность человека. Он определил четыре вида способностей, участвующих в образовании идеи: суждение, воля, память и чувства. Во второй части работы рассматривается семиотика идеологии: с помощью каких знаков, приемов, оборотов языка могут быть выражены те или иные идеи. В следующей статье автор анализирует методологию познания идей. В последней части поднимается проблема нравственности: А.Д. де Траси размышляет о соответствии желаний и страстей человека истинным целям жизни. В своем научном труде ученый в качестве объекта исследования выделяет человека, а его сознание со всеми присущими характеристиками – предметом исследования. На основании этого утверждалось, что идеология представляет собой позитивное знание. А.Д. де Траси утверждал, что всестороннее объективное понимание процессов и явлений в социальной действительности может дать только глубокое познание сущности идеи, что в дальнейшем поможет создать общество справедливости и прогресса. Определив генезис и функционирование идей, будет возможность понять мотивацию и желания людей, определить, почему те или иные идеи вызывают симпатию, отторжение или вообще равнодушие. По словам А.Д. де Траси, смыслы и ценности существуют в форме идей, поэтому ни мыслительный процесс, ни его практическую реализацию невозможно представить без существования идеи. Таким образом, в центре ставится принятие безграничной роли, которую идея как одна из главных форм мышления играет в жизни любого человека. Идея мыслителя состояла в том, чтобы создать всеохватывающую науку об идеях, которая будет занимать главенствующее положение относительно других наук, стремясь стать для них фундаментом и восстановить единство всех наук. По мнению ученого идеология должна была отодвинуть «королеву наук» - философию - на второй план. Иными словами, “идеология должна изменить лицо мира”. Методы, которые лежали в основе понимания такой науки, опирались на

лапласовский детерминизм, то есть абсолютизировались природные явления. Следующее определение своей науке: «Эту науку можно назвать идеологией, если исходить только из ее предмета, общей грамматикой, если обращать внимание только на ее средства, и логикой, если рассматривать только ее цель. Однако как бы ее не именовать, она обязательно охватывает эти три аспекта, ибо невозможно заниматься серьезно одним из них, не занимаясь двумя другими. Идеология мне представляется родовым термином, так как наука об идеях включает в себя и науку об их выражении, и науку о допускаемых ими дедукциях»1. Де Траси поставил перед собой высоконравственную, однако неосуществимую цель – создать не просто «науку об идеях», а выявить идеи истинные, которые помогут сформировать разумное общество, и как следствие, идеальное государство. Однако, сейчас это очевидно, что невозможно создать модель науки, которая основывается только лишь на общечеловеческих истинах, при этом, не обращая внимания на различие менталитета, культуры, наций, классов и так далее. В роли всеохватывающей науки идеология была утопией со схоластическим характером. Объясняется этот факт методологией, выбранной ученым – основу составляли идеалистические взгляды, при которых исследование сознания должно было осуществляться с помощью философии, в отрыве от реальности. Кроме того не было устойчивой социальной базы, генерирующей новые идея, которые были бы способны заменить существующий общественно-политический строй и искоренить традиционные институты. Еще современниками де Траси научность данной концепции была поставлена под большой вопрос, а в дальнейшим названа лженаукой, из-за отсутствия какого-либо практического применения. Де Траси попал под опалу Наполеона, сначала поддержавшего его идеи. Император, в конечном счете, отверг превосходство концепции Де Траси, которая отвергала значение и влияние политики как на общество в целом, так и на сознание индивида. Как политик Наполеон не смог признать это, и был убежден в ложности заявления: «Учение идеологов – это туманная метафизика, которая каверзно отыскивает первоначальные причины и на основе которой хотят строить законодательства народов. Все ошибки и несчастья нашей прекрасной Франции следует приписать именно идеологии, этой туманной метафизике, которой придавали слишком много значения, вместо того чтобы обрести законы сообразно знанию человеческого сердца и урокам истории»2. Во всех неудачах правительства на политическом поприще Наполеон объявил «идеологов», возложив на них всю ответственность. Институт, в котором разрабатывал свою философию де Траси, был назван разрушителем спокойствия, который подрывает авторитет власти. Кроме того выпустили статью-обличение идеологии, которая была заказана лично Наполеоном. Интересно заметить, что именно с начала восемнадцатого века с легкой руки Наполеона началась тенденция негативного восприятия идеологии, определение термина как нечто ложное и ненаучное. Идеология как надстройка над экономикой Второю жизнь идеологии дал немецкий ученый, философ, экономист, основатель научного социализма Карл Маркс. Во многих своих трудах Маркс затрагивает тему идеологии: «Различие между натурфилософией Демокрита и натурфилософией Эпиктура», «Немецкая философия» (соавторство с Ф. Энгельсом)

и даже знаменитый «Капитал» поднимает вопрос самого феномена идеологии и его места в социальной жизни общества.

ИДЕОЛОГИЯ КАК ИНСТРУМЕНТ ГЕГЕМОНИИ ГОСПОДСТВУЮЩЕГО КЛАССА

9. Huining Tea, Liandi Wang, Tinting Liu and Zhengkun Yu. Universal complex catalyst Ru (II) -NNP for the synthesis of multisubstituted pyrroles and pyridines. Organometallic 2017, 36 (24), 4936-4942. DOI: 10.1021 / acs.organomet.7b00774.
10. Юсупов Д., Туробджонов С. М., Асадуллаев М.А. Каталитический синтез пиридинов на основе ацетилена. Ташкент //Известия вузов, 1998. № 1-4. С. 56-58.
11. Реактивы и особое чистое вещества: Науч.техн.сб. / Шиханов В.А., Ивановский А.П., Кутьин А.М., Коршунов М.А. // Вып. 3. - М. - 1976. - С. 33-34.
12. Боровой В.Ю. Синтез пиридина из производных бензола и циклических алканов. Молодой ученый. - 2018. №34 (220). -С.1-4.
13. А.с. 116883 РФ. Способ получения 2,4- и 2,6-диметилпиридинов и 2,4,6-триметилпиридина /Верещагин Л.И., Котляровский И.Л. // 1958. - №12.
14. Пат. 22579 Япония. Способ получения 2,6-диметилпиридина / Микамо Кадэо, Вада Ясуо, Ясудо Фунти, Ниьа Иосикадзу // РЖхим. - 1973. - 4Н220П.
15. Пат. 966264 Англия. Prodaction of alkyl pyridines / Hargvave Kenneth Raymond // РЖхим. - 1966. - 12Н 190П.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ORGANIZATION OF OFFENSE PREVENTION WITH MUNICIPAL BODIES OF STATE AUTHORITY

Abdukhalilov Kh.D [1]

[1] Cadet of the third training course of the 328-group of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737494

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

development, analysis, employee, nihilism, poster, bulletin.

ABSTRACT

One of the most important tasks of any state is crime prevention and crime prevention. The development of antisocial ideas is inextricably linked with the problem of its prevention. At that time, human society did not know other ways to overcome it, except for the most severe punishments for criminals, taking into account the development of social relations, the formation of legal knowledge of the essence of social processes, their refraction in individual cognition, society increasingly became to real possibilities and means of prevention as separate types of crime and individual, specific socially dangerous acts.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИИ С МУНИЦИПАЛЬНЫМИ ОРГАНАМИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ

Абдухалилов Х.Д

[1] Курсант третьего учебного курса 328-группы Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 20 апреля 2021 г.
Утверждено: 25 апреля 2021 г.
Опубликовано: 30 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

разработка, Анализ, сотрудник, нигилизм, афиша, бюллетен.

АННОТАЦИЯ

Один из самых важных задач любого государства являтся профилактика правонарушений и предотвращение преступности. Развитие антисоциальных идей неразрывно сопряжена с проблемой ее предупреждения. В те времена человеческое общество не знало других путей её преодоления, кроме самых тяжелых наказаний преступникам, с учетом развития общественных отношений, формирования юридических знаний сущности социальных процессов, их преломление в индивидуальном познанинии общество все чаще стало к реальным возможностям и средствам предупреждения как отдельных видов преступности, так и отдельных, конкретных общественно опасных деяний.

Юристы даже в своих работах доказывали, что социалиный выигрыш такого способа решения проблемы, которой самоочевиден и понятен. Теперь перед ними встала другая задача – задача разработки и внедрения в общественную политику действующих и эффективных мер предупреждения преступности. Для решения таких проблем огромное внимание уделяется с точки зрения криминологичечкой направленности.

В криминологической литературе имеет место и другой подход. Иногда часть деятельности по снижению уровня

преступности, которая находится за рамками правоохранительной деятельности, обозначается термином “предупреждение преступности” [1]

Принимаемые в некоторых странах новые законодательные акты обязывают органы самоуправления граждан и охраны правопорядка взаимодействовать на основе партнерства. Такое сотрудничество может охватывать разные вопросы – например, принятие решений об определении участков и времени их потрулирования и моторизированными нарядами сотрудников осуществляющих профилактику, предостовление консультаций гражданам о мерах по предупреждению возможных преступлений.

По этому в некоторох странах могут существовать весомые аргументы в пользу учреждения муниципиальных органов, сотрудники которой были бы с состоянии оптимальным образом учитывать причины выражаемого публикой беспокойства и поддерживать связи с местными жителями в вопросах преступности и пропаганде мер её профилактике. Они хорошо знакомы с местными условиями и находятся выгодном положении для того, чтобы формировать у представителей территориальной общины чувство доверия. Они могут участвовать в районных совещаниях с представителями заинтересованных ведомств и вносить вклад в создание планов предотвращения преступлений против порядка, но и всей преступности. [2]

Анализ нормативно-правовой базы данной деятельности позволяет выделить следующие направления по совершенствованию правового регулирования :

во – первых разработка нормативно правового акта по взаимодействию органов внутренних дел с органами участвующие в профилактике правонарушений на местах, то есть с муниципиальными органами.

во – вторых выявление и устранение пробелов и недостатков в действующих законах и исключить норм терявших свою силу.

в – третьих разрабатывать эффективную коммуникационную стратегию, используя все методы – афишы, бюллетени информационных связей, процедуры рассмотрения жалоб, встречи с общественными и местными политическими организациями, районные форумы, комиссия граждан и группы взаимодействия.

В статье 121 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что в защите законности и правопорядка, прав и свобод граждан правоохранительным органам могут оказывать содействие общественные объединения и граждане, в связи с чем, созданные опорные пункты милиции играют важную роль в реализации общественности подобных правовых возможностей. [3]

В этих целях между Академией МВД Республики Узбекистана и с Корейским национальным полицейским университетом состоялось видеоконференцсвязь, где были обсуждены вопросы подготовки сотрудников правоохранительных органов. Стороны обменялись мнениями об обеспечении мира и стабильности в сложной ситуации в

[1] Криминология. Учебник для юридических вузов / Под общ. ред А.И. Долговой. М.: ИНФРА М-НОРМА, 1997. С. 319 – 320)

[2] **Учебное пособие Профилактика преступности в городах стр 37**

[3] Коституция Республики Узбекситан 2021 год

регионе и мире, обмене опытом в борьбе с такими угрозами, как терроризм, экстремизм, торговля людьми, киберпреступность, обучении сотрудников правоохранительных органов через развитие полицейского образования. Представители Корейского национального полицейского университета с удовлетворением отметили, что реализуются перспективные программы, направленные на развитие науки и образования между нашими странами. В последние годы в Узбекистане эффективно созданы филиалы и совместные центры ведущих южнокорейских университетов.[4]

Одним из недостатков нашей деятельности является необъективная, необоснованная критика со стороны СМИ, отсутствие сотрудничества пресс-службы ОВД со СМИ.

По устранению вышеуказанных недостатков мы предлогаем : принятие нормативно-правовой базы направленное на обеспечения защиты сотрудников ОВД от агитационных материалов в сети интернет и в печати, повышение правовой культуры населения, развитие чувства уважения Закона, борьба против правого нигилизма, а также повышения профессионализма у сотрудников ОВД путем организации специализированных тренингов, а также лекционных и семинарских занятий и внедрение на законодательном уровне понятия «штатный репортёр». Данная программа заключает в себе закрепление работника СМИ (репортёра) к определенным территориям для всестороннего сотрудничества их с инспекторами профилактика направленные на обеспечение гласности и прозрачности в деятельности сотрудников ОВД.

Литературы:

1. **Vishnu Ji Ram**, **Arun Sethi**, **Mahendra Nath**, **Ramendra Pratap**. **The Chemistry of Heterocycles**. Nomenclature and Chemistry of Three-to-Five Membered Heterocycles. Chapter 5 - Five-Membered Heterocycles. 2019, Pages 149-478. **https://doi.org/10.1016/B978-0-08-101033-4.00005-X**
2. **José Sebastião, Santos Neto Gilson Zeni**. Ten years of progress in the synthesis of six-membered *N*-heterocycles from alkynes and nitrogen sources. **Tetrahedron**. **Volume 76, Issue 4**, 24 January 2020, 130876.
3. **https://doi.org/10.1016/j.tet.2019.130876**.
4. **Justin M.Lopchuk**. Five-Membered Ring Systems: Pyrroles and Benzo Analogs. **Progress in Heterocyclic Chemistry**. **Volume 31**, 2020, Pages 223-280.
5. https://doi.org/10.1016/B978-0-12-819962-6.00006-3.
6. William R. Dolbier, Zhaoyun Zheng. Use of 1,3-dipolar reactions for the preparation of SF5-substitutedfive-membered ring heterocycles. Pyrroles and thiophenes. Journal of Fluorine Chemistry. Volume. 132, Issue 6 June 2011 Pages 389-393.
7. Justin M. Lopchuk. Five-Membered Ring Systems: Pyrroles and Benzo Analogs. **Progress in Heterocyclic Chemistry**. **Volume 30**, 2018, Pages 111-168. **https://doi.org/10.1016/B978-0-08-102788-2.00006-4**.

[4]Akad.mvd.uz

8. Анисимова Н.А. Химия гетероциклических соединений. Ч.1. Основы номенклатуры. Моногетероциклические соединения с одним гетероатомом: учебное пособие; ВШТЭ СПбГУПТД. – СПб., 2017. -81 с.

9. Huining Tea, Liandi Wang, Tinting Liu and Zhengkun Yu. Universal complex catalyst Ru (II) -NNP for the synthesis of multisubstituted pyrroles and pyridines. Organometallic 2017, 36 (24), 4936-4942. DOI: 10.1021 / acs.organomet.7b00774.

10. Юсупов Д., Туробджонов С. М., Асадуллаев М.А. Каталитический синтез пиридинов на основе ацетилена. Ташкент //Известия вузов, 1998. № 1-4. С. 56-58.

11. Реактивы и особое чистое вещества: Науч.техн.сб. / Шиханов В.А., Ивановский А.П., Кутьин А.М., Коршунов М.А. // Вып. 3. - М. - 1976. - С. 33-34.


12. Боровой В.Ю. Синтез пиридина из производных бензола и циклических алканов. Молодой ученый. - 2018. №34 (220). -С.1-4.

13. А.с. 116883 РФ. Способ получения 2,4- и 2,6-диметилпиридинов и 2,4,6-триметилпиридина /Верещагин Л.И., Котляровский И.Л. // 1958. - №12.

14. Пат. 22579 Япония. Способ получения 2,6-диметилпиридина / Микамо Кадэо, Вада Ясуо, Ясудо Фунти, Ниьа Иосикадзу // РЖхим. - 1973. - 4Н220П.

15. Пат. 966264 Англия. Prodaction of alkyl pyridines / Hargvave Kenneth Raymond // РЖхим. - 1966. - 12Н 190П.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



LEGALITY OF GOVERNOR'S DECISIONS IS UNDER CONTROL. JUDICIAL CONTROL, TODAY'S AND FUTURE HISTORY ISSUES

Toshov Ikromjon Murodilloevich [1]

[1] Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan Master's student, judge of Bukhara regional court

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737517

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

judicial control, administrative relations, legality of decisions of local public administration authorities, legal system, property relations, organizational and legal relations.

ABSTRACT

Work is underway to ensure the full independence of the judiciary, which is an independent branch of government, in order to increase the confidence of our people in the judicial system, in this regard, some problematic issues arise regarding the balance of the principle of separation of the judiciary. powers.

For example, the separation of powers and the absence of judicial control mechanisms in local self-government bodies under the leadership of the governor raise unresolved issues of law enforcement and prevention of violations in this institution of power and, ultimately, arouses well-founded objections from our people.

This article is devoted to this issue, the problems in this area that have arisen as a result of the master's thesis are studied in detail, the existing problems and shortcomings in this area are studied in detail, scientifically and practically grounded proposals and recommendations are given.

Relevance of the research topic From the first days of Uzbekistan's independence, we set ourselves the goal of building a democratic state based on the rule of law. For this, a number of regulatory legal acts have been adopted and measures have been taken to implement them. Reliable protection of the rights and freedoms of citizens, the interests of society and the state, the achievement of justice are defined as the main tasks of the judicial system of the Republic of Uzbekistan.

Today is the time to strengthen judicial control over the decisions of local authorities.

Judicial control should be strengthened to ensure the correct application of the law by local public authorities, retaining the elements of the previous totalitarian regime, administration, and not violating the rights of citizens.

However, in the context of large-scale construction work in every region and city of the country, violations of the rights of landowners are widespread in the seizure of land by citizens and legal entities for state and public needs.

Therefore, it is necessary to establish judicial control over the activities of local authorities. At the same time, it is necessary to express your attitude towards violations during the trial.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

ҲОКИМ ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ СУД НАЗОРАТИДА. СУД НАЗОРАТИ, ТАРИХИ БУГУН ВА КЕЛАЖАКДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ МАСАЛАЛАР

Тошов Икромжон Муродиллоевич [1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратура тингловчиси, Бухоро вилоят суди судьяси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

суд назорати, маъмурий муносабатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг қонунийлиги, ҳуқуқий тизим, мулкий муносабатлар, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар.

ANNOTATSIYA

Ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлган суд ҳокимиятини тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, халқимизнинг судга бўлган ишончини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борада ҳокимиятларнинг бўлиниш принципининг мувозанати бўйича айрим муаммовий масалалар борки, ушбу масалалар ўз ечимини кутиб ётмоқда.

Биргина, мисол сифатида ваколатларнинг тақсимланиши ва ҳоким бошчилигида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида суд назорати механизмларининг кенг жорий этилмаганлиги ушбу ҳокимият тармоғи институтида қонун ижроси ва қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича ечимини кутаётган муаммоларни ва пировардида халқимизнинг асосли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Мазкур масалани ушбу мақола доирасида ёритиб, соҳадаги ечимини кутаётган муаммоларни магистрлик диссертация ишининг натижаси сифатида соҳада мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий жиҳатдан асослантирилган таклиф ва тафсиялар берилган.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунга эришиш учун бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш эса Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари устидан суд назоратини кучайтириш даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Собиқ тоталитар тузуми, маъмурий буйруқбозлик элементлари сақланиб келинаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунларни тўғри қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини бузмаслик мақсадида суд назоратини кучайтириш лозим.

Биргина, республикамизнинг ҳар бир туман-шаҳарларида қурилиш ишлари кенг миқёсида олиб борилаётган бир шароитда туман-шаҳар ҳокимлари томонидан фуқаро ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари ер майдонларини давлат ва жамият эҳтижлари учун олиниш жараёнида мулкдорларнинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари кенг миқёсида учрамоқда.

Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиш албатта лозим. Бунда албатта суд низони кўриш мобайнида қонунбузилиш ҳолатларига ўз муносабати билдириб бориш керак.

Кириш.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш эса Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар қаторида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш, судни ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида ислоҳ қилиш, жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича ҳокимиятлар бўлиниши назариясида суд ҳокимиятининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат функцияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалар ва ўзаро тийиб туриш механизмларидан бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот усуллари. *Ушбу мақолани ёзишда тарихий, сиёсий фанни қиёсий таҳлил қилиш, назарий, умумий мантиқ ва башорат қилиш усулларидан фойдаланилган. Хусусан, Европа ва Америкада тарихий даврларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонунийлиги юзасидан суд назоратининг ўрнатилиши хусусиятлари хронологик ёндашувлар билан қамраб олинган бўлса, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва халқлар, халқлар ва давлатларнинг ривожланиши таққослаш усули ёрдамида таҳлил қилинди. таҳлил. Умумий мантиқ ва башорат қилиш усуллари, сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият ва халқаро тизимлар орқали уларнинг механизмлари ва воситалари ўрганилди.*

Натижалар ва мунозаралар*. Ушбу мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонунийлиги устидан суд назорати аҳамияти ва такомиллаштириш масалалари тасвирланган. Юриспруденцияда суд назорати тушунчаси муноазаралигича қолган бир шароитда мазкур мавзу кенг маънода суд назоратига тавсиф берилган ва бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.*

Бу албатта ҳар иккала ҳокимиятларнинг мустақил тармоғида ўзаро тийиб туриш ва таъсир пировард мақсадида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериши ёритилган

Хулоса. *Мақолада маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг қарорлари қонунийлигини таъминлашнинг бир воситаси суд назорати эканлиги ва бу самарали ричак калиги, бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш замон талаби эканлиги омиллари батафсил кўриб чиқилган.*

Кириш. Ҳокимиятлар бўлинишида мустақил ҳокимият тармоғи бўлган суд ҳокимиятини тубдан такомиллаштиришга, суднинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган ҳаракатлар, умуман олганда давлатдаги барча ислоҳотлар марказида турган инсон, унинг шаъни ва қадр қимматини олий қадрият саналишига,

давлат органларининг асосий фаолияти халқни рози қилишга қаратилган ислоҳотлар ўз натижасини эртага эмас бугунги кунда бериши кераклиги жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга бўлган мақсад сари олиб борилмоқда.

Давлатимиздаги ҳар бир инсон онгида аввалдан қонун устиворлиги, бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари албатта суд орқали ҳимояланишга бўлган ишончини шакллантирмас эканмиз, ислоҳотларимиздан кутилаётган натижаларни, инвесторларнинг мулк ҳуқуқларини ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини етарли даражада таъминлаш мушкул.

Шу билан бирга давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қоладиган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, суднинг ҳокимиятлар бўлинишидаги мустақил ҳокимият сифатидаги нуфузи ва тўлақонли мустақиллигини таъминлаш, ҳокимиятларнинг бошқа тармоғи, хусусан ижро ҳокимияти билан ўзаро таъсир ва тийиб туриш механизмларининг ҳуқуқий асослари тўла ишлаб чиқилмагани, ижро ҳокимияти органларининг, хусусан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун устиворлигини таъминлаш бўйича суд назорати имкониятларидан қонунийликни таъминлаш борасида ўз ечимини кутиб ётган масалалардан десак хато бўлмайди.

2019–2020 йилларда маъмурий судлар томонидан 31 минг 322 та ариза кўрилиб, улардан 21 минг 272 таси ёки салкам 70 фоизи қаноатлантирилган, шу жумладан ҳокимларнинг 3 мингга яқин қарори ноқонуний деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Кўриниб турибдики, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари қонунийлигини суд ва одил судлов орқали таъминлаш қонунийликни таъминлашнинг самарали воситаларидан.

Бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчилиигимиз негизларини инобатга олиб тадқиқ қилиниши ўз ечимини топмай келаётган ҳокимиятлар бўлинишининг классик назариясини рўёбга чиқариш бўйича ўзаро тийиб туриш механизмини реал таъминлашни замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг қонунийлиги устидан суд назорати маълум маънода маъмурий ҳуқуқнинг моҳиятидир.

Бу, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қонуний ваколатларини рўёбга чиқаришини текшириш учун давлат сиёсатининг энг мақбул усулдир. Расмий қарор ёки маъмурий ҳужжатнинг суд жараёни доирасида ўрганилиши мумкин бўлган жиҳатларига давлат органининг ваколатлари, давлат органининг қонуний ваколатлари доираси, тартиб-таомилнинг етарлилиги ва одиллиги, олинган далилларни суд жараёнида текшириш одил судловни таъминлашга оид мазкур масалага киради. Кейинчалик бу ўз-ўзидан превентив характер касб этиб бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарорлар қабул қилишда ўзининг таъсири ўтказмасдан қолмайди.

Асосий қисм.

Суд назорати илмий жиҳатдан анча мунозарали тушунчадир. Суд назорати объекти бу норматив актлар, шунингдек давлат органлар ва мансабдор шахсларнинг муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлари (ҳаракати ва ҳаракатсизлиги) киритиш мумкин. Шу муносабат билан, суд назорати концепциясида суд ҳокимияти ва суд бошқаруви соҳасидаги мансабдор шахсларнинг юрисдикцияга боғлиқ

бўлмаган функцияларини киритиш мумкин.

Суд назоратининг учта функцияси бор. Биринчидан, бу қуйи судларнинг нотўғри қарорларини бекор қилиш орқали адолатни таъминлайди; Иккинчидан, апелляция судлари қуйи судларнинг ишини назорат қилади; Учинчидан, ижро ҳокимият органлари ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилади.

К.Бретсшнайдернинг таъкидлашича, суд назоратининг мақсади халқнинг демократик жараёнлардаги иштирокини сақлаб қолишдир. Суд назорати фуқароларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳукуматга қарши туришда муҳим рол ўйнайди..

Суднинг назорат фаолияти маълум процессуал доирада амалга оширилади, унинг тартиботи процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Суд назорати одил судлов шаклида, конституциявий, фуқаролик, маъмурий ёки жиноий суд ишларини юритиш, шунингдек бошқа юрисдикция шаклларида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

В.А. Ржевский ва Н.М. Чепурновалар юқоридаги фикларга қарши чиқадилар. Жумладан, улар суд назорати ва одил судлов каби суд фаолиятининг турларини (шаклларини) қатъий равишда бир-биридан кескин фарқлайдилар, чунки суднинг назорат қилиш фаолияти одил судлов доирасидан ташқарига чиқади.

Юқоридаги фикрга қисман қўшилиш мумкин. Лекин суд иш юритуви маълум маънода суд назорати билан боғлиқдир. Мисол учун, маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш фаолиятини айтиш мумкин.

Шунинг учун ҳам баъзи олимлардан томонидан суд назоратини суд функцияни амалга оширувчи ёрдамчи тизим билан боғлашади.

Бироқ, бир қатор олимларнинг фикрича, суд назорати суд тизимининг алоҳида функцияси сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас. С.К. Загаинованинг таъкидлашича, суд ҳокимияти норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда назоратни амалга оширади. Шунинг учун суд конституциявий назоратни амалга ошириш вазифа эмас, балки одил судлов олдида турган вазифалардан биридир.

Ушбу фиркга қўшилиш мумкин. Суд назорати суд иш юритувининг муҳим қисми ҳисобланади. Мисол, учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш махсус процессуал тартибда амалга оширилади.

С.В.Никитиннинг таъкидлашича, одил судловни амалга ошириш суд ҳокимиятининг асосий фаолият йўналишидир. Суд назорати ва одил судлов функционал нуқтаи назардан ўзаро боғлиқ, аммо суд тизими фаолиятининг турли томонларини (жиҳатларини) тавсифловчи турли хил юридик категориялардир.

Буюк Британиялик ҳуқуқшунос А.Стрит томонидан суд назорати тушунчаси шахснинг конституциявий ҳуқуқи билан боғланади. Яъни шахс ўзининг Конституциявия ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳукуматнинг ноқонуний қонуности ҳужжатларидан суд назорати орқали ҳимоя қила олиши керак.

Шу муносабат билан шуни таъкидлаш керакки, юқори суд инстанциялари томонидан суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва ҳақиқийлигини текшириш назорат характерига эга. Бироқ, белгиланган аниқ процессуал фаолиятни суд назорати концепциясига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки давлат ҳокимиятининг

мустақил тармоғи сифатида суд ҳокимиятининг назорат функциялари биринчи навбатда бошқа куч тузилмаларининг ҳаракатларининг қонунийлигини назорат қилишга қаратилган. Ушбу ташқи назорат функциялари бир қатор умумий тамойилларга, қонунларга, хусусиятларга ва бошқаларга эга бўлиб, уларни суд назорати ягона концепцияси билан бирлаштиришга асос беради. Шу маънода, суд назорати адлия доирасида амалга ошириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ташқи назоратдир.

Айрим тадқиқотчилар томонидан суд назорати тушунчасинни конституциявий назорат асосида таҳлил қилинганлигини кузатиш мумкин. Яъни, назоратни тушунишда асосий эътибор низоли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив тартибга мувофиқлигини текширишга қаратилган бўлади. Бу борада, Н.В. Витрукнинг таъкидлашича, конституциявий назорат бу юридик шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, қарорлари ва ҳаракатларининг конституциявийлигини текширишдир.

Мазкур фикрга қисман қўшилиш мумкин. Суд назорати фақатгина конституциявийликни таъминлашга хизмат қилмаслик керак, бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳам ҳимоя қилишини лозим.

Т.В. Паршинанинг фикрига кўра, суд назорати ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан суд назорати ҳисобланиб, бу судларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган, қонун ҳужжатларининг талабларга мувофиқлигини текшириш бўйича суд фаолиятидир. Мазкур таърифда айрим жиҳатлар очиб берилмаган. Жумладан, мурожаат қилувчи субъектлар, қонун ҳужжатлари доираси ва махсус процессуал тартибот каби масалалар акс этмаган.

Шу нуқтаи назардан, суд назорати тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи бериш мумкин: “Суд назорати бу жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатарини ҳимоя қилиш мақсадида конституциявий ва маъмурий суд иш юритув тартибида амалга ошириладиган суд фаолиятидир”.

Суд назорати суд томонидан маъмурий ҳужжат ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин, чунки бу ҳуқуқий муносабатлар суд ишларининг алоҳида тоифасини ташкил этади. Бироқ, ушбу қарашлар бизга суд норматив назоратининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ акс эттиришга имкон бермайди, чунки суднинг одил судлов (суд жараёни) доирасида амалга ошириладиган ҳар қандай назорат фаолияти суд процесслари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон қонунчилиги асосида суд назоратининг қуйидаги хусусиятлари ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, суд назорати қонун ижодкорлиги соҳасида суд ҳокимиятининг мустақил функциясидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш бўйича суд ваколатларининг аниқ даражада амалга оширилиши суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди ва бутун ҳуқуқий тизим балансини сақлашнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу муносабат билан суд

назоратини суд тизимининг мустақил функцияси деб айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқ лиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир.

Иккинчидан, суд назорати бу судларнинг маъмурий ҳужжат ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни текшириш бўйича ҳаракатларидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан суд назорати Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ва Олий суди томонидан амалга оширилади. Суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни текшириш унинг қонунийлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Суд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва юқори юридик кучга эга эканлигини текширади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни текшириш натижасида суд унинг қонунийлигини тасдиқлайди ёки ноқонуний деб тан олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаши кодексига кўра, суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган деб ҳисобласа, ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш мумкин.

Учинчидан, суд назорати суд ҳал қилув қарорлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсирининг шаклларидан биридир.

Юридик адабиётларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири масаласи чуқур ўрганилмаган. "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири" тушунчаси таҳлил қилинмаган ва унинг илмий таърифи ишлаб чиқилмаган.

Суд ҳал қилув қарорлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсири масалаларининг чуқурлиги, мураккаблиги ва кўп қирралилигини ҳисобга олиб, биз фақат суд қарорларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таъсир қилиш асосий шаклларининг хусусиятларига тўхталамиз.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучдан маҳрум қилиниши унинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилишини ва шунга мос равишда тўлиқ қонуний дисквалификациясини ва тартибга солувчи тизимдан чиқарилишини англатади[i].

Суд ҳал қилув қарорининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш хусусиятларига таъсири уни ҳақиқий эмас деб тан олиниши билан ифодаланади. Натижада уни қўлламасликка эришилади.

Суд ҳал қарори нафақат суд назорати объекти бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга, балки ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосланган

қоидаларни ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Лекин, мазкур тартибот миллий қонунчилигимизда мавжуд эмас. Амалдаги қонунчиликка кўра, суд норманазорати объекти бўлган ҳужжат жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузаётган ҳужжат ҳисобланади. Суд фақатгина ушбу ҳужжатни текшириши мумкин.

Суд ҳал қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солувчи таъсирини тўғирлаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги қоидалар чекланган тарзда баён қилинган бўлса, суд унга шарҳ бериши мумкин.

Демак, суд назорати суд қарорининг қонуний кучга эга бўлмаган ҳужжатни бекор қилиш, ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини тўхтатиб туриш, шунингдек, суд томонидан ноқонуний деб тан олинган қоидаларни норматив равишда такрорлашга тақиқ орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатга таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, суд назорати бу Конституциявий суд ва маъмурий судларнинг процессуал фаолиятидир. Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш маъмурий процессуал қонунчилигида белгиланган қоидаларга мувофиқ одил судлов доирасида амалга оширилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини суд муҳокамаси доирасидан ташқарида текшириш бўйича суд фаолиятига йўл қўйилмайди ва бундай текшириш натижалари юридик аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Зеро, республикамиздаги барча фуқаро ва юридик шахслари ўзининг бузган ва манфаатларига даҳл қилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари юзасидан суд орқали низолашиш, суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кенгайтириш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни таъминлаш имконини яратади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nobuyoshi Ashibe, Kenpo [Constitution]326,329 (Iwanami Shoten 2011).
2.https://japan.kantei.go.jp/constitution_and_government_of_japan/constitution_e.html
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон
4. Сова Тошифуми, Ямада Хироши, Ватари Тадасу. Введение в административное право. Юхикаку, 2011. С. 213 (曽和俊文、 山田洋、 亘理格『現代行政法入門』 (有斐閣、 2011年).
5. Judicial Review - The Functions Of Judicial Review - Court, Appeal, Trial, and Error - JRank Articles https://law.jrank.org/pages/22738/Judicial-Review-Functions-Judicial-Review.html#ixzz6VwmqD08m
6. Corey Brettschneider, Democratic Rights and the Substance of Self-7. Government, Princeton University Press, 2007. P.38
8. Ржевский В.А., Чепурнова Н.М. Судебная власть: конституционные основы организации и деятельности. — М.: Юристь, 1998. С. 96-98.
9. Богданов Е.В. Правосудие как форма осуществления судебной власти: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Минск, 2003. С. 4.


10. Загайнова С.К**.** Судебные акты в механизме реализации судебной власти в гражданском и арбитражном процессе. — М., 2007. С. 34.
11. С.В. Никитин. Судебный нормоконтроль в гражданском процессе и арбитражном процессе: вопросы теории. Дисс... док.. юрид. наук.- М., 2001.с.26

12. Amy Street. Judicial review and the rule of law // https://www.consoc.org.uk/wp-content/uploads/2013 /12/J1446_Constitution _Society_Judicial_Review_WEB-22.pdf
13. Витрук Н.В. Конституционное правосудие в России (1991-2001 гг.): Очерки теории и практики. — М., 2001. С. 72.

14. Паршина Т.В. Понятие и виды судебного контроля за законностью правовых актов: Лекция. - Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2004. С.24

15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 11.03.2020 й., 03/20/607/0279-сон
16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон
17. Сивицкий В.А**.** Оспаривание нормативных и ненормативных правовых актов // Юридический мир. 1999. № 1. С. 8-9;

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THEORETICAL DESCRIPTION OF CORRUPTION RISKS IN HIGHER EDUCATION

Kusherbaev Rasul Khidiralievich [1]

[1] Master of Tashkent State Law University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737562

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

corruption, the concept of corruption risks, forms and characteristics of corruption offences.

ABSTRACT

The article highlights the relevance of the fight against corruption in higher education today, the main theoretical concepts that play an important role in the study of corruption features of this sphere.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Кушербаев Расул Хидиралиевич [1]

[1] Тошкент давлат юридик университети магистри

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

коррупция, коррпупциявий хавф-хатар тушунчаси, ҳуқуқбузарлик шакллари, хусусиятлари

ANNOTATSIYA

Мақолада бугунги кунда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш масаласининг долзарблиги, мазкур соҳани коррупциявий жихатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган асосий назарий тушунчалар ёритилган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда.

Коррупциядан ҳоли жамият ва давлатни яратиш мамлакат тараққиётининг мустаҳкам кафолати бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев – 2018 йил 7 декабрь куни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида *“Коррупция билан ҳеч қачон*

мақсадимизга эриша олмаймиз",[1] деб таъкидлаган эдилар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаларида, *"олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз",*[2] деб таъкидлаб ўтдилар.

Барча соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигини таъминлаш, жамоат ва парламент назоратининг механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда.

Жумладан, таълим соҳасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш билан мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълим соҳаси коррупцияга қарши курашишда муҳимлиги билан ажралиб туради, чунки олий таълим меҳнат фаолиятига йўлланма берувчи якуний таълим босқичи ҳисобланади. Бугунги кунда республикада 114 та, улардан 93 таси маҳаллий, 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва филиаллари мавжуд бўлиб, уларда бакалавриат йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг талаба таълим олаётгани, сўнгги 3 йилда бу кўрсаткич 1,7 бараварга ошгани олий таълим соҳасини давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини белгилаб беради[3].

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида, олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаб бериши белгилаб қўйилган[4]. Коррупциянинг олий таълим тизимига кириб борганлиги янгилик эмас, лекин биринчи қадамда мазкур соҳада коррупцияга қарши ислоҳотларни амалга ошириш лозим бўлади. Зеро, барча соҳаларда жадал ўзгаришлар амалга оширилаётган вақтда ҳар томонлама етук олий маълумотли кадрларга эҳтиёж катта бўлади.

Бундан ташқари, олий таълим "коррупциянинг дастлабки мактаби" ҳисобланади, чунки бу фаолиятда талаба ўқитувчи билан тўғридан-тўғри ҳуқуққа зид фаолиятга киришади ва унда коррупцияга мойил шахсият шаклланиб боради[5]. Келажакда коррупциявий ҳаракатларга мойил кадрнинг масъулятли лавозимни эгаллаши жиддий коррупциявий оқибатларни келтириб чиқариши аниқ.

[1] Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2018 йил, 7 декабрь, газета.uz.

[2] Интернет манзили: http://uza.uz.

[3] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

[4] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2013 й., 41-сон, 543-модда.

[5] Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе [Электронный ресурс] // Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58. Электрон. версия печат. публ. URL: http://cyberleninka.ru/article/n/k-probleme-korruptsii-v-vysshey-shkole. Научная библиотека Кибер Ленинка (дата обращения: 12.02.2016).

Шунга кўра, мазкур соҳанинг муҳимлик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилиниб[6], коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгиланди.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини ёритишдан аввал “коррупция” тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Коррупция атамаси лотинча “corruption” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади[7]. Кейинги қарашларга кўра коррупция атамаси лотинча “corrumpere” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маъноларни англатади[8].

Дастлаб миллий қонунчилигимизда коррупция тушунчасига таъриф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра, **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир[9].

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида белгиланган “Пора олиш” жиноятида келтирилган таърифни коррупция тушунчасининг қонуний ёзма таърифи сифатида тушунилган. Мазкур моддага кўра, пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши тушунилади[10].

Коррупция тушунчасига таъриф беришда назарий жиҳатдан икки ҳил ёндашув, яъни кенг ва тор маънолардаги ёндашув мавжуд.

Тор талқин тарафдорлари ҳукумат вакилларининг порахўрлигини коррупция деб аташади. Жумладан, А.И.Долгова ва С.В.Ванюшкинларнинг фикрича, “давлат хизматчилари ва бошқа ходимларнинг пора эвазига сотилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса ёки шахсий, тор доирадаги тижорат манфаатлари учун давлат хизматчилари

[6] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
[7] Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
[8] Интернет манзили: http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция.
[9] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.
[10] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 03/19/586/4106-сон.

ваколатлари, обрўлари ва имкониятларидан фойдаланиши ҳисобланади[11].

Коррупция тушунчасига кенг маънода таъриф берувчилар фақатгина мансабдор ва хусусий шахс ўртасидаги жиноий битимга эмас, мансабдор шахсни ўзига хизмат қиладиган хатти-ҳаракатларига эътибор қаратадилар. В.С.Комиссаровнинг таърифиича, коррупция – бошқарув субъектларини ҳокимият ваколатларидан фойдаланишда шахсий манфаатларни хизмат манфаатларидан устун қўйиши тушунилади”[12].

Ижтимоий мақомдан, яъни лавозим, мансабдан фойдаланиш коррупциянинг бир кўриниши бўлади, лекин ягона кўриниш бўла олмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқда коррупциянинг ҳар томонлама мукаммал таърифи мавжуд эмас. Коррупциянинг ушбу таърифи амалиётда кўп қўлланилади, “коррупция бу – давлат секторидаги мансабдор шахснинг ҳам сиёсатчилар, ҳам давлат хизматчиларининг ваколатларини суиистеъмол қилиши орқали ўзлари ёки уларнинг яқинларини асоссиз ва ноқонуний бойиши билан боғлиқ ҳаракатлари ҳисобланади”. Бироқ мазкур таъриф хусусий сектордаги коррупцияни қамраб олмайди, шунинг учун кўпчилик ташкилотлар қуйидаги қисқа таърифидан фойдаланадилар “коррупция – шахсий даромад олиш учун давлат ва хусусий сектордаги ваколатни суиистеъмол қилиш сифатида тушунилади”[13].

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим соҳасида коррупция тушунчасини аниқлаштириб оламиз.

Олий таълим соҳасида коррупция – олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

“Коррупциявий хавф-хатар” тушунчаси кўп қўлланишига қарамасдан унинг мукаммал таърифии ишлаб чиқилмаган. Бу тушунча “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш шаклида келган[14].

Коррупциявий хавф-хатарлар – коррупциявий ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган ёки уларнинг тарқалишига ҳисса қўшадиган ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси ҳисобланади[15]. В.В.Астанин давлат хизматчиси давлат хизматини амалга оширишда белгиланган вазифалар, таъқиқлар ва чекловларга риоя қилмаслиги билан боғлиқ коррупциявий хулқ-атворларни давлат хизматидаги коррупциявий хавф-хатарлар деб

[11] Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.

[12] Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993.№ 1. С. 26.

[13] Власенко Н. А., Цирин А. М., Спектор Е. И. Словарь-справочник. М, 2016. С. 82.

[14] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

[15] Балыков П.Н., Богданова Е.Л., Дорошкова О.А., Петерикова Ю.Е., Федотова М.В. Организация психологической работы антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации: методические рекомендации. - СПб., 2010

ҳисоблайди[16]. О.В.Казаченкова коррупциявий хавф-хатарларни давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини амалга оширишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладиган ҳолатлар, ҳодисалар ва омиллар деб таърифилайди[17]. Баъзи олимлар коррупциявий хавф-хатар тушунчасини коррупциявий муаммонинг синоними ёки давлат ва жамият фаолиятида қийинчиликлар келтириб чиқарувчи омил сифатида баҳолашган[18]. В.Георгиев коррупциявий ҳаракатларнинг содир бўлишини эҳтимоллик даражаси деб баҳолаган[19].

Фикримизча, коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини икки хил ёндашув асосида таърифи бериш мумкин.

Биринчидан, коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва шароитлар сифатида. Мисол учун, бошқарувда коррупциявий хусусиятлар мавжудлиги, яқин қариндошларни ўзаро бўйсинув асосида бир ташкилотда меҳнат қилиши ва бошқа ҳолатларни бунга мисол қилсак бўлади. Бу ҳолатлар коррупциявий ҳаракатлар содир этилиш эҳтимолини, яъни хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни бевосита коррупциявий ҳаракатлар содир этилиши натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар сифатида тушунишимиз мумкин. Масалан, коррупциянинг юқори даражаси натижасида давлатда юз берадиган иқтисодий инқироз, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмаслиги, сиёсий инқилоб ва бошқалар.

Демак, **олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар бу** – олий таълим соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари фаолият олиб бориши, давлат хизматчиларининг фаолияти жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш вазиятини яратадиган ҳамда улар натижасида нохуш оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар ҳисобланади.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасидан кейинги ўринда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг намоён бўлиш шаклларига эътибор қаратамиз.

Дастлаб, шакл тушунчасини ёритиб ўтсак, С.И.Ожегова шакл мазмуннинг ажралмас қисми бўлиб, унинг мавжудлигини таъминловчи, ифодаланишига хизмат қилувчи тушунча сифатида таърифилайди[20]. Д.Н.Ушаков эса,

[16] Методика экспертизы нормативных правовых актов органов государственной власти Калининградской областии их проектов на коррупциогенность [Электронны ресурс]. - URL: pravoteka.ru/docs/kaliningradsk.

[17] О.В. Казаченкова предлагает понимать под коррупционными рисками обстоятельства, факторы и явления, возникающие в процессе функционирования органов государственной власти, осуществления служебной деятельности государственных служащих, создающие ситуацию возможного совершения коррупционного правонарушения

[18] Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: науч.-практ. пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013.

[19] Georgiev, V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defenceand Security. Journal of Defense Management, S3, 1-2. Retrieved from: http://doi: 10.4172/2167-0374.S3- e002.

[20] Ожегов С. И. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ожегова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009. URL: http://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=34006 (дата обращения: 04.03.2016).

шакл бу ташқи кўриниш, объектнинг кўриниши деб ҳисоблайди[21].

Олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари –олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг кўринишлари ҳисобланади.

Жумладан, К.С.Кузина олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги шаклларини кўрсатиб ўтган:

а) давлатга қарашли олий таълим муассасаларида бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши;

б) олий таълим муасасаларини акредитация қилиш учун пора бериш;

в) олий таълимга оид диплом ва бошқа ҳужжатларни ноқонуний усулда олиш;

г) танлов натижасини ҳисобга олмаган ҳолда олий таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш;

д) талабаларни баҳолаш жараёнидаги ўқитувчиларнинг коррупциявий товламачилиги;

е) ўқишни истамаган талабаларни ўқитувчиларга коррупциявий босим қилиши;

ж) ҳамкасблар ва раҳбариятнинг масъул ўқитувчиларга талабаларни қўллаб-қувватлаш масаласида коррупциявий босимлар ўтказиши[22].

Мамлакатимз мисолида олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги шаклларини келтириб ўтишимиз мумкин:

– олий таълим муассасасига кириш имтихонлари жараёнида коррупциявий ҳаракатларни содир қилиш;

– талабани таълим жараёнида баҳолаш бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– олий таълим муассасаларида талабаларнинг давомати бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– талабаларни ўқиш жойини кўчириши, ўқиш йўналишини ўзгартириши ҳамда ўқишга қайта тиклашида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– олий таълим муассасаларидаги илмий-тадқиқот фаолиятида коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

– бюджет маблағларининг сарфлаш жараёнидаги талон-торожликларга йўл қўйиш;

– олий таълим муассасасининг раҳбар ходимлари ва хамкасбларни масъул ўқитувчиларга коррупциявий босим ўтказиши;

– кадрларни лавозимга тайинлаш, уларни ишдан бўшатиш, молиявий рағбатлантиришда коррупциявий ҳаракатларни содир этиш.

Олий таълим соҳасида содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарлик

[21]Ушаков Д. Н. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009 URL: http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=82769 (дата обращения: 04.03.2016).

[22] Кузина К.С. Коррупция в сфере высшего профессионального образования на примере Омской области: студенческий малый грант [Электронный ресурс] С. 10-11 // Центр научно-правовых инициатив Н.А. Лопашенко. Электрон. дан. [Б. м.], 2008-2016. URL: http://www.sartraccc.ru (дата обращения: 10.03.2016).

шаклларини турли асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Жумладан, коррупциявий манфаатни ким кўришига қараб **индивидул ва институционал** кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар бўлиш мумкин. Индивидул кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида якка шахс ёки шахслар манфаатдор бўлади. Мисол учун, пора эвазига олий таълим муассасига киритиб қўйиш, талабага пул эвазига ижобий баҳо қўйиш. Институционал кўринишдаги коррупциявий ҳаракатлар натижасида алоҳида шахс ёки шахслар эмас, балки маълум соҳа вакиллари ёхуд маълум тузилма манфаатдор бўлади. Масалан, олий таълим муассасини пора бериш эвазига ноқонуний равишда давлат рўйхатидан ўтказиш.

Шунингдек, содир этиладиган коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигига кўра, **қонуний фаолият асосда ва ноқонуний фаолият асосида** амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатларга ажратиш мумкин. Қонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатлар доирасига олий таълим соҳасига алоқадор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини амалга ошириши давомида ҳолатга субъектив ёндашувлари асосида амалга оширилади. Масалан, ўқитувчининг таълим бериш жараёнида дўстининг фарзандига таълим стандартлари талабига жавоб бермасада, ижобий баҳо қўйиши қонуний фаолият асосида амалга оширилган коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ноқонуний фаолият асосида амалга ошириладиган коррупциявий ҳаракатлар олий таълим соҳасига алоқадор шахсларни қонуний жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳаракатлар содир этиши тушунилади. Масалан, талабани пора эвазига бир таълим йўналишидан бошқасига кўчириш.

Бундан ташқари, олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилиши соҳаларига қараб, **олий таълим жараёнидаги, хизмат кўрсатиш ва бошқарув** соҳасидаги коррупциявий ҳаракатларга бўлиш мумкин. Талабаларни якуний бахоларини моддий манфаатдорлик эвазига ижобий баҳолаш таълим жараёнидаги коррупцияга мисол бўлади. Академик таътил олган талабанинг ўқишини пора эвазига тиклаб бериш олий таълим хизматини кўрсатишдаги коррупциявий ҳаракат ҳисобланади. Олий таълим вазирлиги мансабдорини бирор номзодни олий таълим муассаси ректорилигига пора эвазига тайинлаши бошқарув соҳасидаги коррупциядир[23].

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларга қарши кураш учун, энг аввало, ушбу хавф-хатарларнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни мазкур соҳада амалга ошириладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Ҳар қандай касалликка қарши курашиш учун, аввало, ушбу касалликнинг хусусиятлари, инсон организимига салбий таъсирлари аниқлангандан сўнггина унга қарши курашиш чоралари кўрилади. Демак, олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ва бунинг натижасида келиб чиқадиган хавф-хатарларнинг хусусиятларини аниқлаб олиб, кейинги босқичда унга қарши курашаш масалаларини кўриб чиқамиз.

[23] Osipian Ararat. Corrution in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.

Олий таълим соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида рўйхат сифатида бирор тадқиқотда келтирилмаган. Бу хусусиятлар олий таълим соҳасида коррупция бўйича тадқиқот ишларида умумий асосда келтириб ўтилган.

Шундай бўлса-да, соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар хусусиятларини тўлиқ келтиришга ҳаракат қиламиз, улар қуйидагилар:

Биринчидан, олий таълим муассасаларида коррупциявий муносабат субъектларининг кўплиги ва соҳада коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши юқорилиги ҳисобланади.

Жумладан, 2019 йил ҳолатига Республикада бакалавриат таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича 13 минг нафар талабалар бўлиб, 25.418 та профессор ўқитувчилар меҳнат фаолиятини олиб боради[24]. Мазкур субъектларнинг деярли ҳар куни манфаатлари тўқнашиши ва бу жараёнда инсон омилининг устунлиги коррупциявий ҳаракатларни содир этилиш хавфи юқори бўлишига сабаб бўлади.

*Иккинчидан,*олий таълим муассасаларида талабаларни бахолашга доир коррупциявий ҳолатларни кўзга кўринмаслиги, муносабат субъектлари ва жамоатчилик томонидан бу турдаги ҳаракатларни енгил турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаши ҳисобланади.

Хусусан, талабани пул бериб ёки таниш мансабдорларни орқали ижобий баҳо олиши ўқитувчи учун ҳам талаба учун жиноят даражасидаги ҳуқуқуқбузарлик сифатида тасаввур қолдирмайди. Мазкур майда коррупциявий ҳаракатларни муттасил содир этилиши ўқитувчининг иш фаолиятида, талабанинг таълим олиш жараёнида улар учун бу ҳуқуқбузарликларни арзимас ахлоқий қоидабузиш деб эътироф этиши айни ҳақиқат.

Учинчидан, олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар даврий асосда юз беришидир.

Жумладан, ҳар йили олий таълим муассасаларига кириш имтихонларини ўтказилиши, йилда икки марта жорий, якуний имтихонларини амалга оширилиши ва битириш курсларида давлат имтихонлари, битирув малакавий ишларни топширилиши бунга аниқ мисол бўла олади. Даврий асосда коррупциявий ўчоқларни юзага келиши ҳуқуқбузарлар учун узоқ ва пухта тайёргарликлар кўриш имкониятини яратади ҳамда бу соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни юқори бўлишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, абитуриент ва талабалрнинг олий таълим даражасини олиши катта ҳаёт йўлидаги ҳал қилувчи нуқта, кўп эҳтимол билан унинг келажак йўлида кўприк бўлиши алоҳида бир хусусият ҳисобланади. Ушбу муҳим ҳаёт босқичида ижобий натижага қонуний йўл билан эриша олмаган шахслар коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини кучайтиради.

Бешинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупция бўлажак кадрларда

[24] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

коррупциявий иллатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, талабанинг ўқитувчи билан тўғридан-тўғри коррупциявий муносабатларга киришиши уни саводсиз кадр бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, келгуси иш фаолиятида вазифаларини бажаришда ҳам коррупциявий ҳаракатларни содир этишга ўргатиб боради. Зеро, соҳада коррупцияни авж олиши коррупцияга мойил бўлажак кадрлар учун тажриба майдони бўлиб ҳизмат қилади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда асосий таъдқиқот манбаси ҳисобланади. Шунинг учун коррупциявий ҳуқуқбузарлик шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш коррупциявий ҳуқуқбузарликларни сабаб ва омилларини аниқ белгилаб олишга имкон беради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

I. Илмий адабиётлар ва мақолалар:

1. Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58.
2. Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
3. Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.
4. Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993.№ 1. С. 26.
5. Власенко Н. А., Цирин А. М., Спектор Е. И. Словарь-справочник. М, 2016. С. 82.
6. Балыков П.Н., Богданова Е.Л., Дорошкова О.А., Петерикова Ю.Е., Федотова М.В. Организация психологической работы антикоррупционной направленности в таможенных органах Российской Федерации: методические рекомендации. - СПБ., 2010
7. Методика экспертизы нормативных правовых актов органов государственной власти Калининградской областии их проектов на коррупциогенность [Электронны ресурс] - pravoteka.ru/docs/kaliningradsk.
8. Участие институтов гражданского общества в борьбе с коррупцией: науч.-практ. пособие / отв. ред. Ю.А.Тихомиров. М., 2013.
9. Georgiev, V. (2013). Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defenceand Security. Journal of Defense Management, S3, 1-2. Retrieved from: http://doi: 10.4172/2167-0374.S3- e002.

10. Ожегов С. И. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ожегова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009. URL: http://slovarozhegova.ru/word.php?wordid=34006 (дата обращения: 04.03.2016).

11. Ушаков Д. Н. Словарь [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова онлайн, Электрон. дан. [Б.м.], 2008-2009 URL: http://ushakovdictionary.ru/word.php?wordid=82769 (дата обращения: 04.03.2016).

12. Кузина К.С. Коррупция в сфере высшего профессионального образования на примере Омской области: студенческий малый грант [Электронный ресурс] С. 10-11 // Центр научно-правовых инициатив Н.А. Лопашенко. Электрон. дан. [Б. м.], 2008-2016. URL: http://www.sartraccc.ru (дата обращения: 10.03.2016).

13. Osipian Ararat. Corrution in higher education: for the degree of Doctor of philosophy. 2013 pp.25-26 pages.

14. О.В. Казаченкова предлагает понимать под коррупционными рисками обстоятельства, факторы и явления, возникающие в процессе функционирования органов государственной власти, осуществления служебной деятельности государственных служащих, создающие ситуацию возможного совершения коррупционного правонарушения.


II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2013 й., 41-сон, 543-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

III. WEB сайтлар:

1. Интернет манзили: http://газета.uz.
2. Интернет манзили: http://uza.uz.
3. Интернет манзили: http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ANALYSIS OF OUR NATIONAL LEGISLATION ON THE ENFORCEMENT AND RECOGNITION OF DECISIONS OF THE INTERNATIONAL COURT OF ARBITRATION

Ergashev Isomiddin Shaxobidinovich [1]

Supervisor - Ph.D., S. Gulyamov, Professor of International Private Law

[1] Master's degree in International Arbitration and Dispute Resolution from Tashkent State Law University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737667

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

International arbitration, arbitration, arbitral tribunal, arbitrator, arbitral tribunal, court.

ABSTRACT

As a result of the formation of the investment climate in our country and the emergence of enterprises with a foreign element, it is important to theoretically implement the process of enforcement and recognition of decisions of international arbitration courts. Because today, the International Arbitration Courts are becoming an important tool for resolving disputes arising in relations between enterprises with interstate investment and foreign elements. In this context, it is necessary to study the legal basis for the enforcement and recognition of decisions of international arbitral tribunals. This article analyzes some aspects of the enforcement and recognition of decisions of international arbitral tribunals in practice.

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ СУДИ ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ВА ТАН ОЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ ТАҲЛИЛИ

Эргашев Исомиддин Шахобидинович [1]

Илмий раҳбар –ю.ф.д, С. Гулямов, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси профессори

[1] Тошкент Давлат Юридик Университетининг Халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этиш йўналиши магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Халқаро арбитраж, арбитраж, арбитраж муассаси, арбитр, арбитраж суди, суд.

ANNOTATSIYA

Мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг шаклланиши ҳамда чет эл элементи иштирокидаги корхоналарнинг юзага келиши натижасида халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиш ва тан олиш жараёнини назарий жиҳатдан тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда Халқаро арбитраж судлари давлатлараро инвестициявий ва чет эл элементи аралашган корхоналар низолари билан боғлиқ муносабатларда юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда халқаро арбитраж судлари қарорларини ижро этиш ва тан олишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш зарурияти келтириб чиқармоқда. Ушбу мақолада халқаро арбитраж судлари қарорларини ижро этиш ва тан олишни амалиётда қўллаш билан боғлиқ айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёни бошқа ҳуқуқ соҳаларга нисбатан долзарблигини йўқотмай келмоқда. Чунки, давлатнинг суд ҳокимияти ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги фунцияси жамият ва давлатнинг хавфсизлигига, аҳолининг тинчлигини таъминдаш, иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши ҳамда халқаро доирада давлатнинг обрўсини таминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро муносабатларга киришар экан ўз олдига ташқи сиёсатнинг устувор принципларини белгилаб олади. улардан бири сифатида низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципининг Конституция орқали белгиланиши халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиш ва тан олиш жараёнларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан жамиятда юз бераётган ижтимоий муносабатларинг ўзгариши, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ҳамда илғор хориж тажрибаси асосида халқаро арбитраж суди қарорларини ижро этиш ва тан олиш тизими ислоҳ қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон фармони [1] иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида янги бир босқични бошлаб берди.

Буюк Британия Олий арбитраж суди судъяси П.Гросснинг таъкидлашича, одил судловни таъминлашнинг асосий шарти қонун устуворлиги ва судларнинг тўлиқ мустақиллигидадир. Ушбу икки омилдан бирининг бўлмаслиги жамиятда тенглик, адолат, одил судлов ҳақида гапирилишига имкон бермаслигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси кўпчилик ривожланган давлатлар сингари халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида 1954 йил 1 мартдаги “Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида”ги Гаага Конвенциясини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 183-I-сонли “1954 йил 1 мартда имзоланган Фуқаролик процесси масалаларига доир Гаага Конвенцияси ратификация қилиш тўғрисида”ги қарори билан ратификация қилган ҳамда 1958 йил 10 июндаги “Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 184-I-сонли “1958 йил 10 июндаги халқаро ҳакамлик қарорларини ижросини таъминлаш ва уларни тан олиш бўйича Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиш тўғрисида”ги қарори билан қўшилган.

“Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги 1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк Конвенцияси нодавлат (ҳакамлик) судларининг қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тартибини ҳамда бевосита бир давлатнинг халқаро арбитраж суди қабул қилган қарорнинг бошқа бир давлат ҳудудида тан олиниши ва ижрога қаратилишини ёхуд ижрога қаратишни рад этиш шартлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.

Мазкур Нью-Йорк Конвенцияси 16 моддадан иборат бўлиб, нодавлат (ҳакамлик) судларининг қарорларини эътироф этиш ва ижро этишнинг халқаро стандартларини ҳамда ижро этишнинг тартибини белгилаб беради. Ушбу халқаро стандартлар ўз навбатида Конвенцияни ратификатция қилган давлатлар учун умуммажбурий бўлиб ҳисобланади.

Халқаро арбитраж судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг ҳуқуқий асосларининг миллий қонунчилик нормаларини қуйидагича тизимга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - олий юридик кучга эга бўлиб, қолган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун дастурамал норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси кодекслари - хўжалик юритувчи субъеклар ўртасидаги, хўжалик юритувчи субъеклар ва давлат ҳамда бошқа органлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ҳамда фуқаролар ўртасида юзага келадиган шахсий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексини мисол қилиб келтирсак бўлади.

Ўзбекитон Республикаси қонунлари - ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий шартлари, ижро ишини юритишда иштирок этадиган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, мажбурий ижро асослари ва чоралари, ижро ҳужжатини бажармаслик учун жавобгарлик ва бошқа жиҳатлар тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сонли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган 64-сонли “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августда қабул қилинган 106-сонли “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунларини келтириб ўтсак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги ПФ-1704-сонли “Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги ПФ-2682-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари.

Бошқа локал ҳужжатлар - Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг Регламенти, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг Низоми киради.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро ташкилотлар томонидан чиқарилган қарорларни тан олиш, уларни миллий қонунчилигимизга мослаштириб бормоқда. Бу билан давлатнинг халқаро миқиёсдаги обрўсини ошиб бориши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитини шаклланишига олиб келади. Айниқса, халқаро савдо сотиқларни амалга оширишда юзага келадиган

низоларни тўғри ҳал этиш давлатнинг ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатларига таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан, 2021 йил 16 февралда қабул қилинган “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни [2] халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда янги бурилиш ясади.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат (давлатлар) ўртасида амалда бўлган келишувларга риоя этган ҳолда халқаро тижорат арбитражига нисбатан ҳамда халқаро тижорат арбитражига тарафларнинг келишувига биноан тижорат хусусиятига эга бўлган ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари барча муносабатлардан юзага келадиган низолар берилиши мумкин.

Халқаро тижорат арбитражларида иш кўрилиши кўп жиҳатдан савдо-сотиқ битими қатнашчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларнинг ташкил этилиши бериладиган ваколатлар, низони кўриб ҳал этиш тартиби, низо юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг албатта бажарилишини таъминлаш масалалари ҳам низо иштирокчиларининг хоҳиши билан, яъни улар ўртасидаги арбитраж келишувлари ва арбитраж изоҳларига кўра белгиланади.

Халқаро савдо-сотиқ муносабатлари чоғида юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тизимлари яратилган бўлиб, унинг асосий шакли халқаро тижорат арбитражлари (ҳакамлик судлари)дир. Халқаро тижорат арбитражи бу савдо-иқтисодий низони низолашаётган томонлар танлаган ва келишиб ваколат берган бир ёки бир неча арбитрлар томонидан кўриб ҳал этишга қаратилган, нодавлат суд органи бўлиб, унинг қарорлари мажбурий тарзда бажарилиши назарда тутилади [3].

Дарвоқеа, одил судловни амалга оширишнинг шартли белгиси бу – суд қарорларини ижро этиш ҳисобланади. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасига кўра, арбитраж суди томонидан белгиланган таъминлаш чораси мажбурий кучга эга деб тан олинади ва, агар арбитраж суди томонидан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг 31-моддаси қоидаларига риоя этилган тақдирда, арбитраж жойидан қатъи назар, судга мурожаат этиш орқали ижрога қаратилади. Демак, арбитраж суди қарорлари мажбурий ҳисобланиб, тегишли тартибда судга мурожаат қилиш орқали ижрога қаратиш ҳуқуқи берилган.

Иқтисодий процессуал кодекси [4] нинг 248-моддасига мувофиқ, чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

Чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш масалалари иқтисодий суд томонидан низо бўйича ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафнинг аризаси бўйича ҳал этилади.

Ушбу Кодекс мақсадлари учун чет давлат суди деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этувчи ваколатли органи тушунилади, чет эл арбитражи деганда чет давлатнинг тарафлар ўртасидаги низони ҳал этиш учун

доимий ёки вақтинча асосда фаолият кўрсатадиган нодавлат ташкилоти тушунилади.

Чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил муддат ичида, тан олиш ва ижрога қаратиш учун тақдим этилиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 249-моддасига асосан чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ариза аризачи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи бўйича ёхуд, агар қарздорнинг жойлашган ери ёки яшаш жойи номаълум бўлса, қарздор давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича берилади.

Кодекснинг 258-моддасига кўра, чет давлат судининг ва арбитражининг ҳал қилув қарорини ижрога қаратиш чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Юқорида чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратилишининг айрим масаларига тўхталиб ўтдик. Ҳозирги кунгача ушбу соҳага оид муносабатларни тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмаслиги ҳамда тарқоқ ҳолда тартибга солиниши сабабли кўплаб қийинчиликлар юзага келган. Холбуки, Англя, Франция ҳамда Россия давлатларида арбитраж қарорларини тан олиши ва ижро этиш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда 2021 йил 16 февралда “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун орқали халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, халқаро тижорат арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш Иқтисодий процессуал кодекси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, ушбу соҳага оид қуйидаги камчиликлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, ИПК ва ФПК бўйича фақатгина Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасида ва қонун ҳужжатларида назарда тутган ҳоллардагина (ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича икки ва кўп томонлама шартнома назарда тутилмоқда) арбитраж қарорларни тан олиш ва ижро этишни сўраб мурожаат қила олиш мумкинлиги, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси билан шартномавий муносабатларга киришмаган, ёки Нью-Йорк Конвенсияси ёки шунга доир бошқа халқаро шартномаларни имзоламаган давлатлар, уларнинг жисмоний ва юридик шахслари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатлар очиқлигича қолмоқда.

Ваҳоланки, Халқаро хусусий ҳуқуқда ўзаролик тамойили мавжуд. Бу тамойил орқали икки томонлама ҳамкорлик ёки ҳуқуқий ёрдам тўгрисида шартноманинг бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар муносабатларга киришиш мумкинлигини назарда тутади. Англияда, масалан, 1996 йилда қабул қилинган Қонуннинг (The Arbitration Act 1996) 101-бўлимига асосан, агар Конвесияга ҳам аъзо

бўлмаган, шартнома ҳам мавжуд бўлмаса, инглиз судларига қилинган мурожаатлар, айнан тан олиш ва ижро этилиш билан боғлиқ мурожаатлар, судлар томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда бу масала ҳал этилмаган.

Иккинчидан, тан олиб ижрога қаратилган ва МИБ томонидан ижроси таъминланган қарорларнинг натижалари ҳақида ундирувчиларга тегишли тартибда хабардор қилиш механизмини ҳам тартибга солиш зарур. Сабаби, амалиётда ижроси таъминланган арбитраж қарорлари ҳақида ундирувчиларга маълумот тақдим этилмаганлиги натижасида, улар қайта мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқдалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, шу каби муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини ўринли деб ҳисоблайман.

Учинчидан, ИПК 254-моддасига асосан, тан олиш ва ижро этиш бўйича ариза келиб тушган кундан этиборан **олти ойдан ошмаган муддатда** суд мажлисида кўрилиши белгиланган.

Тарафларга эса ҳеч қандай муддат берилмаган, яъни далиллар тақдим этиш ва жавобгарга рад этиш учун асослар тақдим этишга. Буюк Британияда қабул қилинган “The Arbitration Act 1996”нинг 101 ва 66-бўлимларига кўра, тарафларга суд томонида белгиланган муддатлар берилиши мумкин.

Тан олиш ва ижро этишни сўраб мурожаат қилингач, аризани кўриб чиқиш учун қабул қилган суд, тақдим этилган ҳужжатларни жавобгарга йўллайди ва муддат беради.

Бу муддат давомида тарафлар рад этишни сўраб мурожаат қилиши ёки ижро этиб бўлмаслиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиши учун. Агарда тараф ҳужжат тақдим этмаса, суд ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилишидан олдин жавобгарга яна муддат беради ва бу муддат жавобгар томондан аризани тан олиш ёки судда ўзини ҳимоя қилиш мақсадида далиллар тўплаш учун берилади.

Агарда, жавобгар томонидан ижро этиш бошланган бўлса, у қайси босқичда бўлишидан қатъий назар, суд далиллар ва аризалар алмашинуви бўйича кўрсатмалар беради.

Бу амалиёт кўплаб хорижий мамлакатлар, жумладан, Франция ва Швецияда қўлланилади. Буюк Британия тажрибасини ўрганиш натижасида, агар ушбу амалиёт, яъни ишни кўриш учун белгилаган олти ойнинг ўрнига юқоридаги тажрибани амалиётга қўллаш учун қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Бу тажриба миллий қонунчилигимизда ҳам жорий этилса, жавобгар судда ўз позициясини мустаҳкамлаши ёки суд процесси учун зарур материлларни тўплаши ёки ижрони таъминлаш чораларини кўриши учун муддатлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ваколатли судлари томонидан халқаро арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқ процессларда, судьяларга амалиёт, хорижий тажрибалар кам ўрганилганлиги учун маълум бир камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шунинг учун, судьяларнинг ҳуқуқни қўллаш жараёнида малакасини ошириш мақсадида малака курслари ташкил этиш лозим деб топилди. Бу малака курсларида судяларга тан олиш ва ижро этишга доир ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам хорижий давлатларнинг тажрибалари ўргатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Буюк Британияда арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш икки метод асосида: бири арбитраж томонидан қабул қилинган қарорни ўзини борича ижрога қаратиш, иккинчиси эса, миллий судлар томонидан (1996 The Act, 101 (3)) арбитраж қарорига тарафларнинг позициясидан келиб чиқиб ва улар учун фойдалироқ бўлиши учун ўзгартириш киритиши мумкин [5]. Демак, инглиз судларига арбитраж қарорларига тарафларнинг розилиги билан ҳамда уларнинг фойдасига қарорга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган таклифлар мақолада таҳлил қилинган халқаро арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқ амалиёт, шунингдек, ҳозирги даврда мавжуд бўлган замон талабларидан келиб чиққан, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Билдирилган таклифлар мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш жараёнида қўл келиши мумкин деган фикрдаман.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.02.2021 й., 03/21/674/0123-сон).

3. Халқаро савдо ҳуқуқи.Дарслик// Муаллифлар жамоаси / ю.ф.д., проф. С.Гулямов умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮУ, 2016. 331-бет.

4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон).

5. Charlie Lightfoot, James Woolrich. Guide to Enforcement of Foreign Arbitral Awards and Court Judgments in England & Wales. Practice Series. 2017. p.4.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



TYPES OF COERCIVE MEASURES IN THE CIVIL PROCEEDINGS: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

Davronov Doniyorbek Abdullo o`g`li [1]

[1] Tashkent State Law University, Master of Business Law

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737681

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

coercive measures, court fine, removal from the courtroom, compulsory attendance, judicial fine

ABSTRACT

This article deals with the concept and necessity of coercive measures in the judicial process, international practice in this area, the role and importance of coercive measures in society, the judicial system, the theoretical and practical issues of the basis and procedure for applying coercive measures.

In the process of litigation of civil cases by the courts, all participants in the proceedings resolve the content of civil cases, provided that they follow the procedural discipline established by the Code of Civil Procedure. The parties are also obliged for each participant to exercise fairly the rights and obligations of the parties to the proceedings established by the procedural code, which will prevent unnecessary time and money in the process and increase the efficiency of the court.

Compulsory citation in the cases provided for in the Code of Civil Procedure as a measure of coercive procedure in Chapter 14 of the Code of Civil Procedure adopted in the new edition;

- warning;
- removal from the courtroom;
- judicial fine,
- as well as the imposition of coercive procedural measures on a person, the imposition of an order not to release him from the performance of the relevant obligations established by the Code of Civil Procedure or the court; serves to increase the prestige of the institute. In turn, it saves procedural time and strengthens procedural coercion and discipline in court.

In turn, a number of scientific and theoretical views and debates on the need and essence of this institute continue. In particular, our teacher, a lawyer, Ph.D., Professor Z.N. Esanova divided procedural coercive measures into compulsory measures of a property nature and compulsory measures of a non-property nature and compulsory measures of a compulsory nature. In cases provided for in the Code of Procedure, the introduction of coercion, warning, removal from the courtroom[1].

Professor D.Yu. Khabibullayev states that as a coercive measure, judicial fines can be imposed on experts or specialists, for example, if the expert does not appear on the attendance of the court for reasons that the court finds unjustified, the court may impose a fine [2]. Procedural scholar E.V. Chuklova notes that civil procedural responsibility can be divided

into positive and negative forms in terms of meaning [3].

While not disproving the views of the above authors, the possible procedural coercive measures serve to strengthen discipline in the trial and in some cases are the basis for disciplinary action against the subjects, as provided by Article 14 of the Code of Civil Procedure. In case of disobedience, they are warned. If these persons again disobey the orders of the presiding judge, and if it is not possible to replace them with another person without harming the case, the case may be postponed by a court ruling. The court shall simultaneously issue a private ruling, which shall be forwarded to a higher prosecutor or to a qualification commission under the territorial administration of the Chamber of Advocates of the Republic of Uzbekistan.

It should be noted that in our current legislation, procedural coercive measures are regulated only by the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan and are limited to the above coercive measures. As a result of non-compliance with modern requirements and the development of a good system of coercive measures, there are cases when participants in court proceedings do not participate in court proceedings, trials are prolonged and coercive measures do not work.

In the experience of foreign countries, in particular, the system of coercive measures of the German state is effectively organized. According to the German Code of Civil Procedure [4], the following coercive measures are established in civil proceedings:

1. Reimbursement of expenses
2. Administrative fine
3. Compulsory imprisonment
4. Forced production may be ordered
5. Arrest
6. Removal from the court session

In the practice of this state, the costs incurred as a result of the absence of witnesses, experts and specialists from the parties to the court session convened in the prescribed manner, third parties assisting the proceedings, shall be recovered from these persons, he was sentenced to compulsory imprisonment.

A system has been developed for forcing a person to pay a court fine or an administrative fine if he or she is unable to pay it. This ensures the effectiveness of coercive measures.

The system of coercive measures in the Anglo-Saxon legal system. In the United Kingdom, the Contempt of Court Act was passed in 1981. This act establishes liability for contempt of court. If someone tries to delay or suspend a fair trial and influence the outcome of the trial, he will be held accountable. In the British experience, the following cases are considered disrespectful to the court.

- disobedience or disregard of court decisions;
- taking photographs or shouting in court (disrupting the trial);
- Refuse to answer court questions if you have been called as a witness;
- Public comment on the case, for example, on social media or on the Internet;

Paragraph 17 of the Contempt of Court Act provides for the imposition of a fine for breach of the court for contempt of court, and failure to pay the fine may result in an additional fine or deprivation of certain rights. The offender could face up to two years in prison, a fine, or both [5].

In the experience of foreign countries, it is necessary to emphasize the system of coercive measures in the Scandinavian countries. In the practice of the Finland, coercive measures are divided into three groups: coercive measures against the individual, against property and imposed by a fair court.

It is regulated by the following legal documents:

1. Coercive measure act [6]
2. Police act [7]
3. Aliens act for some foreign citizens [8]

In Finland, creditors or other plaintiffs in civil or commercial proceedings may take precautionary measures in their favor. The purpose of precautionary measures is to ensure that any decision made on the merits of the case is enforced. The rules for prescribing precautionary measures are set out in Chapter 7 of the Code of Judicial Procedure [9] and in Chapter 8 of the Code of Enforcement.

Under Finnish law, coercive measures may be applied on the basis of a court decision or without a court order. Law enforcement agencies may apply coercive measures without a court order if they deem it necessary under the Police Act.

The precautionary measures to be taken by the court are clearly defined. They are:

- deprivation of certain rights (prohibiting the defendant to do or enter anything under threat of punishment);
- coercion (ordering the defendant to do something under threat of punishment);
- authorization (empowering the applicant to do something or do something);
- order the transfer of the defendant's property to the agent's custody;
- order other precautionary measures necessary to ensure the applicant's rights.

In the CIS countries, including Russia, Ukraine, Kazakhstan, Turkmenistan, and Kyrgyzstan, the procedural codes, in particular the procedural codes, are mainly used for warning and expulsion from the courtroom. The Code of Civil Procedure of the Russian Federation [10] provides for warnings of offenders in court, removal from the courtroom, fines, criminal charges, referral of materials to the prosecutor, and public hearings. The Code of Civil Procedure of Ukraine [11] provides for warning, removal from the courtroom, temporary receipt of evidence for judicial examination; The Code of Civil Procedure of Kazakhstan [12] provides for coercive measures for contempt of court, compulsory attendance, removal from the courtroom. The Kyrgyz Code of Civil Procedure [13] provides for fines and warnings for violators of court proceedings, removal from the courtroom, fines, and the prosecution of criminal cases.

In our opinion, Article 145, paragraph 3 of the Code of Civil Procedure stipulates that "in the event of a mass violation of the order by the participants in the trial, the court may adjourn the case." In order not to omit this paragraph, it is expedient to add the sentence "in case of mass violation of the order by the participants of the trial, the court may adjourn the case and send the materials to the prosecutor if there are signs of a crime".

References:

1. ZN Esanova. Procedural coercive measures in civil proceedings: (grounds, procedure, innovations in this area). / Newsletter of Legal Sciences. TSU. B.-10.

2. D.Yu. Habibullaev. Civil procedural law. Textbook. Team of authors // Responsible editors: Ph.D., Prof. MM Mamasiddikov, Ph.D., Prof. D.Yu.Habibullaev.-Tashkent. Lesson press publishing house. 2020. -607. –B. 258.

3. Chuklova EV About and and, signs and measures of civil procedural responsibility // Bulletin of the Samara Humanitarian Academy. "Right" series. - 2008. - №2

4. The Code of Civil Procedure, published on 5 December 2005 (Bundesgesetzblatt (BGBl., Federal Law), p. 3202; 2006, p. 431; 2007, p. 1781), last amended by Article 1 of the Act of 10 October 2013 (Federal Law) Page 3786;

5. Contempt of Court Act 1981
(https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1981/49)

6. Coercive Measures Act (30 April 1987/450)
(https://www.imolin.org/doc/amlid/Finland/Finland_Coercive_Measures_Act_1987.pdf)

7. 1995 Police act of Finland (https://www.policinglaw.info/country/finland)

8. Aliens Act of Finland (301/2004, amendments up to 973/2007 included)

9. Code of Judicial Procedure
(4/1734; amendments up to 732/2015 included)

10. Civil procedure code of the Russian Federation of November 14, 2002 no. 138-fz (as amended on 08-12-2020)

11. Civil procedure code of Ukraine with amendments and additions provided by the law of Ukraine issued on 23rd June, 2005

12. Civil procedural code of the Republic of Kazakhstan. (Code of the Republic of Kazakhstan dated October 31, 2015 No. 377-V ZRK).

13. Code of civil procedure of the Kyrgyz Republic of January 25, 2017 no. 14 (as amended on 11-04-2020)

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



LEGAL ISSUES OF PARTY IDENTIFICATION IN ELECTRONIC CONTRACTS

Gaybullaeva Zilola Gaybullo qizi [1]

[1] Master of Tashkent State Law University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4737697

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

electronic transaction, electronic contract, electronic commerce, electronic message, identification, mobile number, electronic signature, public key, private key.

ABSTRACT

This article provides information on the importance of identification, types of identification to ensure the security of the parties in electronic transactions, which are currently widely used by individuals and legal entities. It is also proposed to provide a broader definition of electronic signature, which is a means of identification in national legislation.

It is known that in electronic transactions, the parties enter into a relationship from a distance without seeing each other. It is important that the parties make sure that each other is trustworthy as obligations arise in the middle and the burden of responsibility falls on them.

In this case, the parties must have identified themselves. Given that electronic transactions are concluded through electronic documents and electronic messages, it can be said that the most basic form of identification of the parties is the electronic signature.

According to Article 3 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On electronic digital signature" and an electronic digital signature is a signature that allows the owner of a private key to be identified. [1]

Usually, the signature is the main document confirming the authenticity of the document. Signing ensures that its owner is compulsorily recognized through that document. In e-contracts, too, the signature is as important as a regular signature, the relationship is paperless, completely online.

While the use of an electronic signature to ensure the identification of the sender and acceptor of an offer is as important as a signature in a simple contractual relationship, there is still a higher percentage of misunderstandings in society about the importance of an electronic signature and its ability to identify its owner.

In accordance with the legislation of Uzbekistan, the authenticity of an electronic digital signature must be verified in order to recognize that an electronic digital signature has the same value as a paper signature. , the electronic digital signature must be used for the purposes specified in the certificate of the electronic digital signature key.

Approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of June 2, 2016 No 185 "On measures to further improve the

implementation of transactions in e-commerce" "On the use of electronic digital signatures in contracts and storage of electronic documents and existing information in e-commerce According to the regulation, electronic digital signatures in the conclusion of contracts in e-commerce:

- Ensuring the circulation of legally significant electronic documents and identifying changes and terminating legal relations in the framework of concluding an e-commerce contract;
- to ensure the necessary requirements of information security, including to confirm the integrity and invariability of information after signing;
- should be used to ensure the identification of the owner of the EDS who signed the electronic document. [2]

The electronic digital signature consists of 2: open and closed keys.

The private key of an electronic digital signature is a sequence of characters generated using an electronic digital signature, known only to the signatory and intended to create an electronic digital signature in an electronic document, and the public key of an electronic digital signature is generated using an electronic digital signature. , is a sequence of characters that corresponds to the private key of an electronic digital signature, can be used by any user of the information system, and is designed to verify the authenticity of an electronic digital signature in an electronic document. A certificate is required to obtain an electronic digital signature. The certificate of the electronic digital signature key consists of a document confirming that the public key of the electronic digital signature corresponds to the private key of the electronic digital signature and issued by the registration center to the owner of the electronic digital signature private key. In short, in this way, the owner of an electronic digital signature can enter into a relationship through an electronic signature in electronic contracts.

According to Article 9 of the Law on Electronic Commerce, electronic documents in electronic commerce, as well as information recorded in electronic form, which allows to identify the sender, are equated to handwritten paper documents and can be used as evidence of transactions. Because electronic digital signatures are considered to identify their owners, electronic transactions can be easily entered into with electronic signatures. [3]

But at the same time, transactions between citizens are not just about digital signatures. Individuals and legal entities also use other means of identification: subscriber numbers, e-mail, social network accounts. But the question must be answered as to whether these allow the identification of the parties under the law.

Article 9 of the Law on Electronic Commerce states that "information that allows to identify the sender is equated to documents signed by hand." It is understood that even with the information sent electronically, it confirms the authenticity of the sender. This is important in determining the validity of a contract. The reason is that the types of online services and the means of providing such services are increasing nowadays, and the question of whether they are a real contract should not remain open.

Jinoyatda yordamchilikdan farqliroq, uni yashirganlik jinoyatga daxldorlikning shakli sifatida shundan kelib chiqadiki, yashirishga rozilik jinoyat tugallanganidan keyin beriladi va shuning uchun u jinoyat bilan sababiy-oqibat bog‘liqlikda bo‘lmaydi. Oldindan va’da bermagan holda yashirishni uning obyektiv tomoniga kiradigan harakatlardan biri bajarilgan paytdan boshlab tugallangan deb hisoblash lozim. Oldindan va’da qilmagan holda jinoiy yo‘l bilan topilganligi aniq ayon bo‘lgan mulkni olish oldindan va’da bermagan holda yashirish deb qaralishi mumkin emas, chunki bu qilmish JK 171-moddasida javobgarlik belgilangan jinoyatning mustaqil tarkibini tashkil qiladi.

Yashirish subyekt tomondan faqat to‘g‘ri qasd bilan amalga oshiriladi. Yashiruvchi, birinchidan, o‘ta og‘ir yoki og‘ir jinoyatni yashirayotganligini, ikkinchidan, o‘z harakatlarining ijtimoiy xavfliligini anglaydi. Shaxs jinoyatni yashirganlik uchun faqat o‘zi bilgan jinoyat uchungina javobgarlikka tortilishi mumkin. Jinoyatni yashirish jinoyatining tarkibi formal bo‘lganligi sababli aybdor o‘zi amalga oshirayotgan harakatlarning sodir etilishini xohlaydi. Faqat 16 yoshga yetgan shaxslar oldindan va’da bermagan holda jinoyat haqida xabar bermaganlik yoki jinoyatni yashirganlik uchun javobgarlikka tortiladilar. Bunda JK 31-moddasi 3-qismiga ko‘ra, oldindan va’da bermagan holda jinoyat haqida xabar bermaganlik yoki jinoyatni yashirganlik uchun gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchining yaqin qarindoshlari javobgarlikka tortilmaydi. JK Maxsus qismining sakkizinchi bo‘limida izohlanishicha, yaqin qarindoshlarga qarindosh yoki quda tomondan qarindosh bo‘lgan shaxslar, ya’ni ota-ona, aka-uka va opa-singillar, er-xotin, farzand, shu jumladan, farzandlikka olinganlar, nevaralar, shuningdek, er-xotinning ota-onasi, aka-uka va opa- singillari kiradi.

Jinoyat huquqi nazariyasida jinoyat haqida xabar bermaganlik va uni yashirganlik bilan birga, jinoyatga daxldorlikning JK Umumiy

qismida nazarda tutilmagan uchinchi shakli – jinoyatga yo‘l qo‘yib berish ham ajratib ko‘rsatiladi.

Oldindan va’da bermagan holda yo‘l qo‘yib berish jinoyatga to‘sqinlik qilishi shart bo‘lgan va bunga to‘sqinlik qilishi mumkin bo‘lgan shaxsning jinoyat sodir etilishga to‘sqinlik qilmaganligidan iboratdir. Oldindan va’da qilingan holda jinoyatga yo‘l qo‘yib berish yordamchilik ko‘rinishida jinoyatda ishtirokchilikni tashkil qiladi.

Jinoyatga yo‘l qo‘yib berish obyektiv tomondan biror shaxs zimmasida xizmat yoki mansab holatiga ko‘ra, qonun to‘g‘ridan-to‘g‘ri ko‘rsatgan bo‘lishiga qaramay, harakatsizlik, tayyorlanayotgan jinoyatni bartaraf etish, sodir etilayotgan jinoyatning oldini olish yoki jinoyat sodir etgan shaxsning kelgusi jinoiy faoliyatiga to‘sqinlik qilish choralarini ko‘rmaslikda namoyon bo‘ladi. Yo‘l qo‘yib berish subyekt tomondan to‘g‘ri qasd bilan tavsiflanadi. Aybdor o‘z passiv xulq-atvorining (harakat qilishning real imkoni bo‘lgani holda) ijtimoiy xavfini tushunadi va shuni xohlaydi. Aytish lozimki, oldindan va’da bermay jinoyatga yo‘l qo‘yib berish xavf ostida qoldirish (JK 117-moddasi), mulkni qo‘riqlashga vijdonsiz munosabatda bo‘lish (JK 172-moddasi), hokimiyat yoki mansab vakolatini suiiste’mol qilish (JK 205-moddasi), hokimiyat harakatsizligi (JK 208-moddasi) kabi jinoyatlarning alohida tarkibi sifatida nazarda tutilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абдумажидов Г.А., Абдурасулова К.Р. Правовой анализ организованной преступности и наркомании // Ж. Научные Труды Академии финансовой полиции. Вып.2. – Алматы.: Жеты жаргы. 2001. – 144–147-б.

2. Галиакбаров Р.Р. Борьба с групповыми преступлениями. Вопросы квалификации. – Кубань: Кубанский государственный аграрный университет, 2000. – 200 Б.

3. Козлов А.П. Соучастие: традиции и реальность. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001. – 362 Б.

4. Топильская Е.В. Организованная преступность. – СПб.: «Юридический центр Пресс». 1999. – 256 Б.

Ilmiy maqolalar


1. Зуфаров Р.А. Институт соучастия в уголовном праве зарубежных стран // Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 45-54.

2. Ниёзова С.С. Бир гуруҳ шахслар томонидан жинсий жиноятларни содир

этганлик учун жавобгарлик масалалари ҳамда жабрланувчининг хулқ-атворига доир айрим мулоҳазалар // Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги

ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 134-143. 343

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



SPECIAL ORDER IN CRIMINAL PROCEDURE: PLEA AGREEMENT

Saydullo Ne'matillayevich Azimov [1]

[1] Tashkent State University of Law Master

https://doi.org/10.5281/zenodo.4738419

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

plea agreement, simplified procedure, petition, prosecutor, accused, court hearing

ABSTRACT

This article provides a short analysis of the institute of Plea Agreement, which was introduced into the Criminal Procedure Code of Republic of Uzbekistan, as well as analysis of problems that may occur when applying the said institute, suggestions of solutions of such problems are also put forward in the article.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБИ: АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ

Сайдулло Неъматиллаевич Азимов [1]

[1] Тошкент давлат юридик университети магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

айбга иқрор тўғрисида келишув, соддалаштирилган тартиб, илтимоснома, прокурор, айбланувчи, суд муҳокамаси.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳамда уни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил қилиниб, ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг (Бразилия, Сальвадор, 12-19.04.2010) муҳокама қилинган жиноятчиликни олдини олиш ва жиноий одил судлов масалалари муҳокамасига бағишланган XII Конгрессида ҳам жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш замонавий ҳаётда кўплаб факторларни эътиборга олишни тақазо этаётгани таъкидланган.

Хусусан, қайд этилган салбий ҳолатлар сифатида терговнинг самарасиз ва узоқ давом этиши, судда ишларнинг кўриб чиқилишини самарасиз амалиёти, суд ва прокуратура органларидаги мавжуд ресурсларнинг чекланганлиги (иш кучи, маблағлар, техника воситалари) ҳамда жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибини йўқлиги ёки ундан етарли даражада

фойдаланмаслик алоҳида белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу салбий ҳолатлар судлар томонидан кўриб чиқиб тугатилмаган жиноят ишлари сонининг ортишига, терговни тамомлаш ва жиноят ишини судга юбориш муддатларини асоссиз сурилишига, суд муҳокамаларини қайта-қайта қолдирилишига, натижада суд томонидан жиноят иши бўйича узил-кесил қарори қабул қилинишининг чўзилишига олиб келаётгани, бу эса шасхни қамоқда сақлаб туриш муддатларига ҳам таъсир қилиб, баъзи ҳолларда шахснинг қамоқда бўлиш муддати хатто унга тайинланадиган жазо муддатидан ҳам ортиб кетишига олиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилди.[1]

Бугунги кунда ҳар бир давлат, у қайси ҳуқуқий оилага тегишли бўлишидан қатъий назар, жиноят ишларини юритишни самарали усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишни ўз олдига муҳим вазифалардан бири сифатида белгилайди.

Зеро, жиноятларни тергов қилиш кўп вақт талаб қиладиган, мураккаб жараён ҳисобланиб, ушбу жараённи тез ва сифатли амалга оширилиши одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ривожланган давлатлар ўзларининг жиноят-процессуал қонунчилигига жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибларини жорий этганлар ва бундан суд-тергов амалиётида самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Россиялик олим А.Г.Волеводз ва П.А.Литвишколар суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш - одил судлов самарадорлигини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасини соддалаштириш, жадаллаштириш ва ҳаражатларни камайтириш, муайян расмий тартибларни амалга оширмаслик ёки қисқартиришни, бунда жиноят ишини юритишнинг асосий талабларидан чекинилиб, фақатгина зарур тергов ҳаракатларини ўтказишни назарда тутади, деган фикрни илгари суради.[2]

Россиялик олима Т.В.Трубникова ҳам жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда юритишни жорий этишда 2 та мақсад, жиноят содир этилганидан бошлаб жазо тайинлангунга қадар бўлган вақтни қисқартириш ҳамда зарурати бўлмаган процессуал расмиятчиликдан воз кечиш кўзланишини таъкидлаган.[3]

Шу сабабли, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида жиноят ишларини юритишнинг анъанавий шаклларидан воз кечиб, иш юритишни соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти 62^1-боб сифатида миллий қонунчилигимизга жорий этилди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича иш судга юборилгунга қадар гумон қилинувчи, айбланувчи билан прокурор ўртасида тузилади. Бунда, гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларини моҳиятини ёки илтимосномасининг оқибатини англаб етган, илтимосномани ихтиёрий равишда ва ҳимоячи билан маслаҳатлашганидан сўнг берган бўлиши, эълон қилинган гумон ёки айблов билан келишиши, тақдим этилган далилларни инкор қилмаслиги, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини тан олган ҳолда уларни бартараф этган бўлиши лозим (ЖПК 586^1-моддаси).

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакил (агар ишда қатнашаётган бўлса) томонидан имзоланади ва ишни юритаётган

суриштирувчи, терговчи орқали прокурорга берилади (ЖПК 586^2-моддаси).

Прокурор илтимосноманинг келишув тузиш шартларига риоя қилинганлигини текширади, бунда прокурор зарур деб топган ҳолларда жабрланувчи, фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилиши мумкин. Шу билан бирга, прокурор гумон қилинувчи, айбланувчига келишувнинг оқибатларини, хусусан келишувга асосан ҳукм чиқарилганидан сўнг, келишув шартларига риоя қилинилмаганлиги аниқланган тақдирда келишув бекор қилиниши ва суд ҳукми қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини тушунтиради (ЖПК 586^3-моддаси).

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида тузилади, акс ҳолда келишув тузилмаган гумон қилинувчи, айбланувчига тааллуқли материаллар жиноят ишидан ажратиб олиниб, умумий қоидалар асосида алоҳида тергов қилинади (ЖПК 586^5 ва 586^6-моддалари).

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув имзоланган ҳолларда, айблов хулосаси (далолатномаси) тузилади ва прокурор томонидан тасдиқланиб, жиноят иши билан бирга судга юборилади (ЖПК 586^6-моддаси).

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган жиноят ишлари судга келиб тушган вақтдан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор, судланувчи ва ҳимоячиси иштирок этиши шарт. Жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ҳам суд мажлисида қатнашиши мумкин бўлиб, бу ҳақда улар хабардор қилинади, бироқ, уларнинг суд мажлисига келмаганлиги, ишни кўришга монелик қилмайди.

Суд келишув тузилган жиноят ишларини кўриб чиқар экан, келишув тузишда гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тўлиқ таъминланганлигини, келишув тузиш учун белгиланган талаблар бажарилган-бажарилмаганлигини, келишув ихтиёрий тузилганлигини, гумон қилинувчи, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлиги, унинг оқибатларини англаб етганлигини, судланувчининг айни вақтда келишувни қўвватлашини, жиноят оқибатида етказилган зарарларни бартараф этиш чораси кўрилганлигини аниқлайди, судланувчи ва унинг ҳимоячисининг, прокурорнинг, шунингдек, зарур ҳолларда жабрланувчи (фуқаровий даъвогарнинг) фикрини эшитади (ЖПК 586^7-моддаси).

Суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқар экан, келишувни тасдиқлаган тақдирда айблов ҳукмини чиқариши ёки ўз ажрими билан келишувни тасдиқлашни рад этиши ва ишни прокурорга юбориш мумкин бўлиб, суд қарорларига нисбатан белгиланган тартибда (хусусий) шикоят ёки протест берилиши мумкин (ЖПК 586^8-моддаси).

Мазкур институт миллий қонунчилигимизга киритилиши фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини қисқа вақт ичида, камроқ иш кучи ва ҳаражат сарф қилган ҳолда тиклаш имконини берди.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилганда айбдор шахсга Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган муддат ёки миқдорда жазо тайинланади.

Мазкур институт бизнинг қонунчилигимизга жорий қилинганлигига кўп бўлмаган бўлсада, ушбу институт АҚШ, Европа давлатларида, шунингдек Россия Федерацияси, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари амалиётида бир неча йилдан бери қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг бу сохадаги қонунчилиги таҳлили, миллий қонунчилигимизда мазкур

институтни қўллаш борасида муайян чекловлар мавжудлигини, бу эса ушбу институтдан тўлақонли фойдаланишда тўсиқлар юзага келишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, қонунчилигимизда айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида илтимоснома фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича берилиши мумкинлиги белгиланган.

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратсак, Молдова Республикаси[4], Латвия Республикаси[5] жиноят-процессуал қонунчилигида келишув тузишда бундай чекловлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57^1-моддасида ҳам айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган ҳолларда шахсга нисбатан айбдор деб топилган модда санкциясидаги энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаган миқдорда ёки муддатда жазо тайинланиши белгиланган бўлиб, ушбу норма фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга татбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида ўта оғир жиноятга оид иш умумий тартибда тергов қилиниб, судда кўриб чиқилгач, суд томонидан айбдор шахсга енгилроқ жазо тайинланишини чекловчи нормалар мавжуд бўлмай, ушбу масала суднинг ваколатига берилган.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддасида ҳам ҳар бир шахснинг унга оид жиноят иши суд томонидан оқилона муддатларда кўриб чиқилиши, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида шахснинг ўзига билдирилган айблов бўйича тўлиқ тенглик асосида қисқа муддатда судланиш ҳуқуқи кафолатланган.

Юқоридагилардан кўринадики, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни барча жиноятлар бўйича қўлланилмаслиги жиноят-процессининг тенглик принципига зид бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайди ҳамдир. Бундан ташқари, айнан кўп вақт, куч ва ҳаражат талаб қиладиган ўта оғир жиноятлар бўйича ушбу институтни қўлламаслик, унинг асл мақсади ва моҳиятига номувофиқдир.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 586^1-моддасига кўра, айбга иқрорлик тўғирсидаги келишув тузиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқига гумон қилинувчи ва айбланувчи эга бўлиб, бунинг учун улар жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши талаб этилади.

Россия Федерацияси (ЖПК 314-м.), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 613, 615-моддалари), Қирғизистон Республикаси (ЖПК 487-моддаси), Арманистон Республикаси (ЖПК 317^1-моддаси), Молдова Республикаси (ЖПК 504-моддаси) жиноят процессуал қонунчилигида келишув тузилишида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини назарда тутувчи нормалар кузатилмайди.

Шунингдек, Россия Федерацияси (ЖПК 314-м.), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 613, 615-моддалари), Беларусь Республикасида келишув тузиш ёки суд терговини қисқартирилган тартибда олиб бориш учун жабрланувчининг розилиги талаб этилади.

Мазкур масалада тадқиқот олиб борган олимлардан А.В.Курдова келишув тузишда жабрланувчининг иштирок этиши зарурлигини ёқлаб, ишни якунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчиси сифатида жабрланувчини ҳуқуқлари чекланмаслиги, улар ҳам келишувни тузишда иштирок этувчи

субъектлар доирасига кириши кераклигини баён қилган.[6][1]

Шунингдек, И.М.Беляева, А.К.Кусаинова, Б.М.Нургалиева, К.С.Уалиевалар ҳам ўз фикрларида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилишига розилигини алоҳида процессуал ҳужжат асосида расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ деб таъкидлаганлар.[7]

Таъкидлаш жоизки, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланиши ёки жабрланувчининг розилиги бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишни истисно этмай, фақатгина ҳукм чиқариш вақтида суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Шу билан бирга, ЖКнинг 66[1]-моддасида жиноят оқибатида етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги, жабрланувчининг розилиги мавжуд бўлганда шахс жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган моддалар мавжуд бўлиб, айнан шундай талабларни айблов ҳукми чиқарилиши билан якунланадиган келишув институтига татбиқ қилини, ҳуқуқий жиҳатдан моддалар рақобатини юзага келтириш билан бирга уни самарали қўллаш имконини бермайди.

Келишув институтида айбланувчи билан келишув тузиш орқали жиноят ишини юритишни соддалаштириш, бу билан ишчи кучи ва сарф-ҳаражатларни тежаб, уларни очилмаган ёки оғирроқ жиноятларга қаратиш назарда тутилади. Суд-тергов амалиётида кўп ҳолларда жиноят оқибатида етказилган зарар миқдори бўйича жабрланувчи билан айбланувчини фикри ҳар доим ҳам мувофиқ келмайди. Бундай ҳолда, келишув шартларида жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш талабини белгиланиши, келишувдан кўзланган мақсадга эришиш йўлида катта ғов бўлиши мумкин.

Шунингдек, амалдаги жиноят ёки жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчи, айбланувчи жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этмаганлиги ёки жабрланувчининг даъвосинин мавжудлиги судлар томонидан айбдор шахсга нисбатан жазони енгиллаштирувчи нормани қўллашни чекламайди.

Бундан кўринадики, қонунчиликда тергов органи билан келишувга бормаган шахсга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш имкони мавжуд бўлиб, аксинча келишувга бориб, айбига иқрорлик билдирган, терговга ёдам берган шахсга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш чекланмоқда.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин (ЖПК 586[2]-моддаси) бўлиб, бундай илтимосномани жиноят иши судга келиб тушгандан сўнг бериш имкони қонунчиликда назарда тутилмаган.

Маълумки, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жиноят иши материаллари билан тергов якунланганидан сўнг таништирилади, шу сабабли айбланувчи ва унинг ҳимоячиси унинг айби қанчалик исботланганини шундан сўнг билади. Суд-тергов амалиётида айбланувчининг манфаатларини терговда бир ҳимоячи, судда бошқа ҳимоячи амалга ошириш ҳорлатлари кўп учрайди ва шахснинг айби бўйича ҳимоясиларнинг фикрлари турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли, судда ҳимояни амалга ошираётган ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқиб, айбланувчини айби исботланган деб ҳисоблаши ва унга келишув

[1] А.В.Курдова Практика приминения ускоренного порядка рассмотрения уголовных дел судом в УПК РА (сравнительно-правовой анализ с законодательствами ряда европейских стран, СНГ, США // Вектор науки ТГУ. 2009. №4 (7). Ст. 41-42

тузиш имконидан фойдаланиб, аҳволини енгиллаштиришни таклиф қилиши мумкин.

Айбланувчининг жиноят иши судга келиб тушганидан сўнг келишув ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқининг чекланганлиги, ҳеч қайси тараф учун манфаат келтирмайди. Аксинча, тарафларнинг келишувга судда келиши айблов тарафни шахс айбини исботлаш, судни эса суд тергови ўтказиб, далилларни текшириш каби процессуал мажбуриятлардан озод қилса, жабрланувчини судга ортиқча келиб-кетиши каби сарсонгарчиликдан озод қилиб, жиноят оқибатида етказилган зарарни тезроқ бартараф этилишини таъминлаш имконини беради.

Бу борадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратсак, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан Қирғизистонда айб эълон қилинган вақтдан бошлаб суд муҳокамаси якунлангунга қадар (ЖПК 487-м.), Қозоғистонда иш юритишнинг исталган босқичида, бироқ суд маслахатхонага киргунга қадар (ЖПК 613, 615-м.), Арманистонда жиноят иши судга юборилган вақтдан бошлаб суд муҳокамаси бошлангунга қадар (ЖПК 317^1-м.), Молдовада эса илтимоснома айб эълон қилинган вақтдан бошлаб, суд муҳокамаси бошлангунга қадар (ЖПК 504-моддаси) берилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, миллий қонунчилигимизга жорий қилинган жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда юритишнинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув шакли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида тиклаш, давлатнинг ва фуқароларнинг вақти, кучи ҳамда ҳаражатларини тежаган ҳолда одил судловни таъминлаш имконини беради.

Шу сабабли, жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибда юритиш, хусусан, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни қўллаш имконини кенгайтириш мақсадида, айбга иқрорлик тўғрисида келишувни нафақат судга қадар иш юритиш босқичида балки, жиноят иши судга келиб тушган вақтдан бошлаб то суд қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага киргунга қадар ҳам тузиш мумкинлигини жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутиш таклиф қилинади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. XII Конгресс ООН по предупреждению преступности и уголовному правосудию / Семинар-практикум по стратегиям и оптимальным видам практики по предупреждению переполненности исправительных учреждений. Справочный документ //Документ ООН A/CONF/213/16 25 January 2010. П. 12.

2. А.Г.Волеводз, П.А.Литвишко Упрощенное (ускоренное) уголовное судопроизводство в некоторых странах Европы // Российская юстиция 2010 № 11 ст. 40-44

3. Т.В.Трубникова Упрощенные судебные производства в уголовном процессе России: диссертация кандидат юридически наук. Томск 1997 й. стр.243-248 / общ. стр 264 / http://dissercat.com


4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдовы от 14.03.2013 года №122-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 16.12.2020 г.)/ статья 504 // http://www.continent-online.com

5. Уголовно-процессуальный Закон Республики Латвии от 11.05.2005 года (с изменениями, внесенными по состоянию на 28 сентября 2005 года) /глава 38// http://www.pravo.lv

6. А.В.Курдова Практика приминения ускоренного порядка рассмотрения уголовных дел судом в УПК РА (сравнительно-правовой анализ с законодательствами ряда европейских стран, СНГ, США // Вектор науки ТГУ. 2009. №4 (7). Ст. 41-42

7. И.М.Беляева, А.К.Кусаинова, Б.М.Нургалиева, К.С.Уалиева Правовое положение и права потерпевшего в сделке о признании вины по уголовно-процессуальному законодательству Республики Казахстан // Вестник ЮУрГУ. Серия “Право”. 2018.Т.18, № 4 ст. 7-14 // https://cyberleninka.ru

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



NEUROSIS

Boboyorov Sardor Uchqun ugli [1] , Berdiyev Ergash Abdullayevich [2]

[1] Termez branch of the Tashkent Medical Academy Stage 3 "Treatment" faculty a student of the 309th group in the field of "Medical work"
[2] Termez branch of Tashkent Medical Academy, Deputy Director for Research and Innovation,Candidate of Medical Sciences, Associate Professor. High category pediatric surgeon
https://doi.org/10.5281/zenodo.4738434

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Neurosis, symptoms and causes, theory, etymology.

ABSTRACT

This article discusses neurosis, its types, origin, occurrence, clinical signs, and treatment options.

Neurosis is a class of functional mental disorders involving chronic distress, but neither delusions nor hallucinations. The term is no longer used by the professional psychiatric community in the United States, having been eliminated from the *Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders* (DSM) in 1980 with the publication of DSM III. However, it is still used in the ICD-10 Chapter V F40–48.

Neurosis should not be mistaken for *psychosis*, which refers to a loss of touch with reality. Nor should it be mistaken for *neuroticism*, a fundamental personality trait proposed in the Big Five personality traits theory.

Etymology

The term is derived from the Greek word *neuron* (νεῦρον, 'nerve') and the suffix *-osis* (-ωσις, 'diseased' or 'abnormal condition'). The term *neurosis* was coined by Scottish doctor William Cullen in 1769 to refer to "disorders of sense and motion" caused by a "general affection of the nervous system." Cullen used the term to describe various nervous disorders and symptoms that could not be explained physiologically. Physical features, however, were almost inevitably present, and physical diagnostic tests, such as exaggerated knee-jerks, loss of the gag reflex and dermatographia, were used into the 20th century.[1] The meaning of the term was redefined by Carl Jung and Sigmund Freud over the early and middle 20th century, and has continued to be used in psychology and philosophy.[2][3]

The *Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders* (DSM) eliminated the *neurosis* category in 1980, because of a decision by its editors to provide descriptions of behavior rather than descriptions of hidden psychological mechanisms.[4] This change has been controversial.[5] Likewise, according to the *American Heritage Medical Dictionary*, *neurosis* is "no longer used in psychiatric diagnosis."[6]

Symptoms and causes

Neurosis may be defined simply as a "poor ability to adapt to one's environment, an inability to change one's life patterns, and the inability to develop a richer, more complex,

more satisfying personality."[7] There are many different neuroses, including:

- obsessive–compulsive disorder
- obsessive–compulsive personality disorder
- impulse control disorder
- anxiety disorder
- hysteria
- a great variety of phobias

According to C. George Boeree, professor emeritus at Shippensburg University, the symptoms of neurosis may involve:[7]

... anxiety, sadness or depression, anger, irritability, mental confusion, low sense of self-worth, etc., behavioral symptoms such as phobic avoidance, vigilance, impulsive and compulsive acts, lethargy, etc., cognitive problems such as unpleasant or disturbing thoughts, repetition of thoughts and obsession, habitual fantasizing, negativity and cynicism, etc. Interpersonally, neurosis involves dependency, aggressiveness, perfectionism, schizoid isolation, socio-culturally inappropriate behaviors, etc.

Jungian theory

Carl Jung found his approach particularly effective for patients who are well adjusted by social standards but are troubled by existential questions. Jung claims to have "frequently seen people become neurotic when they content themselves with inadequate or wrong answers to the questions of life".[8]:140 Accordingly, the majority of his patients "consisted not of believers but of those who had lost their faith".[8]:140 Contemporary man, according to Jung,

…is blind to the fact that, with all his rationality and efficiency, he is possessed by 'powers' that are beyond his control. His gods and demons have not disappeared at all; they have merely got new names. They keep him on the run with restlessness, vague apprehensions, psychological complications, an insatiable need for pills, alcohol, tobacco, food — and, above all, a large array of neuroses.[9]:82

Jung found that the unconscious finds expression primarily through an individual's inferior psychological function, whether it is thinking, feeling, sensation, or intuition. The characteristic effects of a neurosis on the dominant and inferior functions are discussed in his *Psychological Types*. Jung also found collective neuroses in politics: "Our world is, so to speak, dissociated like a neurotic."[9]:85

Psychoanalytic theory

According to psychoanalytic theory, neuroses may be rooted in ego defense mechanisms, though the two concepts are not synonymous. Defense mechanisms are a normal way of developing and maintaining a consistent sense of self (i.e., an *ego*). However, only those thoughts and behaviors that produce difficulties in one's life should be called *neuroses*.

A neurotic person experiences emotional distress and unconscious conflict, which are manifested in various physical or mental illnesses; the definitive symptom being anxiety. Neurotic tendencies are common and may manifest themselves as acute or chronic anxiety, depression, an obsessive–compulsive disorder, a phobia, or a personality disorder.

Horney's theory

In her final book, *Neurosis and Human Growth*, Karen Horney lays out a complete theory of the origin and dynamics of neurosis.[10] In her theory, neurosis is a distorted way of looking at the world and at oneself, which is determined by compulsive needs rather than by a genuine interest in the world as it is. Horney proposes that neurosis is transmitted to a child from his or her early environment and that there are many ways in which this can occur:[10]:18

When summarized, they all boil down to the fact that the people in the environment are too

wrapped up in their own neuroses to be able to love the child, or even to conceive of him as the particular individual he is; their attitudes toward him are determined by their own neurotic needs and responses.

The child's initial reality is then distorted by his or her parents' needs and pretenses. Growing up with neurotic caretakers, the child quickly becomes insecure and develops basic anxiety. To deal with this anxiety, the child's imagination creates an idealized self-image:[10]:22

Each person builds up his personal idealized image from the materials of his own special experiences, his earlier fantasies, his particular needs, and also his given faculties. If it were not for the personal character of the image, he would not attain a feeling of identity and unity. He idealizes, to begin with, his particular "solution" of his basic conflict: compliance becomes goodness, love, saintliness; aggressiveness becomes strength, leadership, heroism, omnipotence; aloofness becomes wisdom, self-sufficiency, independence. What—according to his particular solution—appear as shortcomings or flaws are always dimmed out or retouched.

Once he identifies himself with his idealized image, a number of effects follow. He will make claims on others and on life based on the prestige he feels entitled to because of his idealized self-image. He will impose a rigorous set of standards upon himself in order to try to measure up to that image. He will cultivate pride, and with that will come the vulnerabilities associated with pride that lacks any foundation. Finally, he will despise himself for all his limitations. Vicious circles will operate to strengthen all of these effects.

Eventually, as he grows to adulthood, a particular "solution" to all the inner conflicts and vulnerabilities will solidify. He will be either

- expansive, displaying symptoms of narcissism, perfectionism, or vindictiveness
- self-effacing and compulsively compliant, displaying symptoms of neediness or codependence
- resigned, displaying schizoid tendencies

In Horney's view, mild anxiety disorders and full-blown personality disorders all fall under her basic scheme of neurosis as variations in the degree of severity and in the individual dynamics. The opposite of neurosis is a condition Horney calls *self-realization*, a state of being in which the person responds to the world with the full depth of his or her spontaneous feelings, rather than with anxiety-driven compulsion. Thus the person grows to actualize his or her inborn potentialities. Horney compares this process to an acorn that grows and becomes a tree: the acorn has had the potential for a tree inside it all along.

References:

1. *Bailey, Hamilton (1927). Demonstrations of physical signs in clinical surgery (1st ed.). Bristol: J. Wright and Sons. p. 208.*
2. *Russon, John (2003). Human Experience: Philosophy, Neurosis, and the Elements of Everyday Life. State University of New York Press. ISBN 0-7914-5754-0.*
3. Jacobson, Kirsten. 2006. "The Interpersonal Expression of Human Spatiality: A Phenomenological Interpretation of *Anorexia Nervosa.*" *Chiasmi International* 8:157–74.
4. *Horwitz and Wakefield (2007). The Loss of Sadness. Oxford. ISBN 978-0-19-531304-8.*

5. Wilson, Mitchell. 1993. "DSM-III and the Transformation of American Psychiatry: A History." *The American Journal of Psychiatry* 150(3):399–410.
6. *The American Heritage Medical Dictionary*. *Houghton Mifflin. 2007.* ISBN 978-0-618-82435-9.
7. Jump up to:[a] [b] *Boeree, C. George (2002).* *"A Bio-Social Theory of Neurosis"*. *Retrieved 2009-04-21.*
8. Jump up to:[a] [b] Jung, Carl G., and Aniela Jaffé. [1961] 1989. *Memories, Dreams, Reflections.* New York: Vantage Books. ISBN 0-679-72395-1.
9. Jump up to:[a] [b] Jung, Carl G., et al. 1964. *Man and His Symbols.* New York: Anchor Books: Doubleday. ISBN 0-385-05221-9.
10. Jump up to:[a] [b] [c] Horney, Karen (1950). *Neurosis and Human Growth: The Struggle Toward Self-Realization*. W.W. Norton & Company, Inc. ISBN 978-0-393-30775-7.
11. https://en.wikipedia.org/wiki/Neurosis_(band)

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



MATHEMATICS IS THE BASIS OF LOGICAL OBSERVATION TEACHER'S METHOD IS IMPORTANT!

Fazliddin Rahimov Ruziyevich [1]

[1] Teacher of the 2nd comprehensive school of Shakhrisabz city

https://doi.org/10.5281/zenodo.4741237

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Mathematics, style, technology, lesson

ABSTRACT

Teacher of the 2nd comprehensive school of Shakhrisabz cityThe article discusses the importance of mathematics, the relevance of the teacher's skills, pedagogical methods and the importance of computer technology in the development of science.

MATEMATIKA – MANTIQIY MUSHOHADALAR ASOSI O`QITUVCHINING METODI MUHIM!

Fazliddin Rahimov Ro`ziyevich [1]

[1] Shaxrisabz shahar 2- umumta`lim maktabi matematika o`qituvchisi

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Matematika, uslub, texnologiyalar, dars

ANNOTATSIYA

Maqolada matematika fanining ahamiyati, dolzarbligi barobarida o`qituvchining fanga bo`lgan qiziqishini oshishida o`qituvchining mahorati, pedagogik uslubi hamda fanni o`zlashtirishda kompyuter texnologiyalarning ahamiyati xaqida so`z boradi.

Darvoqe, matematika, riyoziyot — aniq mantiqiy mushohadalarga asoslangan bilimlar haqidagi fandir. Ob'yekti sanoq bo'lgani uchun ko'pincha unga "hisob-kitob haqidagi fan" deb qaraladi. Matematika eng qadimiy fanlardan biri bo'lib, Yunonistonda matematika deganda geometriya tushunilgan. IX-XIII asrlarda matematika tushunchasini algebra va trigonometriya kengaytirgan. 17—18-asrlarda matematikada analitik geometriya, differensial va integral hisob asosiy o'rinni egallaganidan so'ng, to XX asr boshlarigacha u "miqdoriy munosabatlar va fazoviy shakllar haqidagi fan" mazmunida ta'riflangan. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida turli geometriyalar algebralar cheksiz o'lchovli fazolar kabi mazmunan juda xilma-xil, ko'pincha sun'iy tabiatli ob'yektlar o'rganila boshlanishi bilan matematikaning yuqoridagi ta'rifi o'ta tor bo'lib qolgan. Bu davrda matematik mantiq va to'plamlar nazariyasi asosida o'ziga xos mushohada uslubi hamda tili shakllanishi natijasida matematikada eng asosiy xususiyat — qat'iy mantiqiy mushohada, degan g'oya vujudga keldi XX asr o'rtalarida Burbaki taxallusi ostida matematika ta'rifini qayta ko'rib chiqqan bir guruh fransuz matematiklari bu g'oyani rivojlantirib, "Matematika —

matematik strukturalar haqidagi fan" degan ta’rif kiritdi. Bu yondashuv avvalgi ta’riflarga ko‘ra kengroq va aniqroq bo‘lsada, baribir cheklangan edi — strukturalar o‘rtasidagi munosabatlar amaliy hamda tatbiqiy nazariyalar, xususan, fizika, texnika va ijtimoiy fanlarda matematik modellar bu ta’rif doirasiga sig‘avermas edi. So‘nggi asrda xilma-xil matematik ob’yektlar orasida juda chuqur munosabatlar mavjudligi va aynan shunga asoslangan natijalar Matematikaning bundan keyingi taraqqiyotida asosiy o‘rinni egallashini ko‘rsatmoqda. Elektron hisoblash vositalari bilan birga Matematika tatbiqlarining kengayishi (biometriya, sotsiometriya, ekonometrika, psixometriya va boshqalar), matematik usullar hayotining turli sohalariga jadal sur’atlar bilan kirib borayotgani ham Matematika predmetini ixcham ta’rif bilan qamrab bo‘lmaydigan darajada kengaytirib yubordi. Demak, Matematika aksiomatik nazariyalar va matematik modellarni, ular orasidagi munosabatlarni o‘rganadigan, xulosalari qat’iy mantiqiy mushohadalar orqali asoslanadigan fandir. Dastlab oddiy sanoq sonlar va ular ustidagi arifmetik amallardan boshlangan tematik bilimlar umuminsoniy taraqqiyot bilan birga kengayib va chuqurlashib borgan. Eng qadimgi yozma manbalardayoq (masalan, matematik papiruslar) kayerlar ustida amallar va chiziqli tenglamalarni yechishga doir misollar uchraydi. Sug‘orma dehqonchilik, me’morlikning rivojlanishi, astronomik kuzatuvlarning ahamiyati ortishi geometriyaga oid dalillar jamg‘arilishiga olib kelgan. Masalan, Qadimgi Misrda tomonlari 3, 4 va 5 birlik bo‘lgan uchburchak to‘g‘ri burchakli bulishidan foydalanilgan.

Darxaqiqat, bola markaziy pozitsiyani egalllar ekan matematika fanini o`zlashtirishi uning kelajagini ham yaratib beradi. O'qitish - o'quv jarayoni bolaning ehtiyojlari, qiziqishlari, imkoniyatlari va talablariga moslashtirilgan. psixologik tamoyillarga asoslangan. O`quvchilar orasida qobiliyat, ko'nikma va kashfiyotga bo'lgan munosabatni rivojlantirish lozim.

Matematika fanini o`quvchi xazm qilishi uchun pedagogic maxoratdan keng foydalanish lozim. Ayniqsa fanni o`yinlar orqali tashkillashtirilsa o`quvchining faolligi oshadi. Bundan tashqari o'yinlar bir vaqtning o'zida strategik matematik fikrlash, hisoblash ravonligi va operatsiyalarni tushunishga ko'maklashish bilan birga, o'rganishni yanada qiziqarli qilishning ajoyib usuli hisoblanadi. O'yinlar, shuningdek, qo'shimcha mashg'ulotlar uchun uyga yuborilganda, uy-maktab aloqasini kuchaytiradi.

Tushunishni rivojlantirishga intilish;

Yodda tutish tushunishni kuchaytirmaydi, matematik ma'noda o'qitish formulalar va protseduralarni yodlashdan tashqarida. Yuqori maqsadlar qo'yish, tadqiq qilish uchun joy yaratish va o`quvchilar bilan mustahkam poydevor yaratish uchun muhim. "Bolalarga matematiklar kabi munosabatda bo'ling", deydi Endryus. Keng mavzuni taqdim etish, muammoni hal qilishning turli strategiyalarini ko'rib chiqish va keyin formuladan boshlashdan ko'ra bolalardan formulani yoki g'oyani olish lozim. Bu o`quvchi uchun yanada mustahkam kontseptual tushuncha va material bilan aqliy aloqalarni yaratadi. Hayotiy muammolarni hal qilish kerak bo'lganda, bolalar matematikadan hayajonlanadilar. Masalan, oltinchi sinf o'quvchilariga maydonni aniqlashni o'rgatishda, uyni qayta qurish bilan bog'liq vazifalarni taqdim etish ularni devorlarning o'lchamlari va derazalarning o'lchamlari bilan ta'minlash va devor qog'ozi uchun qancha joy qolganligini aniqlash bolani mustaqil fikr yurishga o`rgatadi. Yoki kemani to'ldirish uchun qancha plitka kerakligini ko'rib chiqishni iltimos qilish bilan hatto virtual

dunyoda ham muammoli ta'limni mutlaqo joriy qilisa bo`ladi.

Samarali kurashga ruxsat berish usuli;

O'quvchilarga haqiqiy muammo berayotganda, katta savol berish va ularni hal qilishning bir necha usullarini topishda qiynalish kerak. O'qituvchi sifatida vazifamiz - kerakli vaqtda kerakli savollarni berish orqali uni o'ziga jalb qilishdan iborat. Shunday qilib, biz ularning fikrlashlarini olib tashlamaymiz, balki ularga echim topishga yordam beramiz.

O`quvchilar samarali bo'lishlari uchun imkon qadar kam ma'lumot beriladi. Ammo etarli darajada ma'lumot berish matematikani samarali o'qitish o'quvchilarni matematik g'oyalar va munosabatlar bilan kurashishda qo'llab-quvvatlaydi. Matematikaga oid o'sish tafakkurini o'zlashtirganda, yo'lda qanday nosozliklarni boshdan kechirayotganini bilib olishga imkon beriladi.

Hayajonni kuchaytirish va taraqqiyotni mukofotlash.

O`quvchilar, ayniqsa muvaffaqiyatga erishmaganlar, matematikaga nisbatan salbiy munosabatda bo'lishlari mumkin. O`quvchilar bal to'plab, sertifikatlar, stikerlar, nishonlar yoki sovrinlarni olayotganlarida ilgarilab borishini o'ylab ko'rish lozim. Eng yaxshi o'yinchilar va jamoalarni nishonlaydigan haftalik e'lon va anjumanlar o`quvchilar uchun haqiqatan ham ilhom baxsh etishi mumkin. Qayta mashq qilish orqali ular yaxshilanadi va g'ayratli bo'ladi.

O'qituvchilarning jamoaviy ishi va mulohazalarini rag'batlantirish;

Biz vakuumda dars berolmaysiz. Matematikadan dars berish mahoratini oshirish uchun boshqa o'qituvchilar bilan hamkorlik qilish ancha samaralidir. Matematika darsining maqsadi, u qanday bo'lishini muhokama qilishdan boshlab va eng samarali bo'lishni jamoaviy ravishda rejalashtirish kerak. "Birgalikda, duch kelishingiz mumkin bo'lgan vazifalar va o`quvchilarning javoblari haqida o'ylang", deydi Endryus. Amaliyotingizni yaxshilash uchun nima qilgan va ishlamaganligi haqida mulohaza qiling.

Matematik dasturlarning ta'limi va uni o`rganishning ahamiyati.

Matematikani o'qitishda ko'plab AKT vositalaridan foydalaniladi. Xususan, MATLAB, SCILAB, SAGEMATH, MATHEMATICA va boshqalar nafaqat muhim ahamiyatga ega ko'plab matematik mavzularni kontseptual tushunish, shuningdek

vizualizatsiya orqali geometrik tushunishga yordam beradi. Matematikani o'qitishda ushbu dasturlar nafaqat o'quvchilarni rag'batlantiradi, mavzuni idrok etish bilan birga o'quvchilarning chuqur o'rganish darajasini oshiradi.

Xulosa

Dars muqaddas. U qaysi fan bo`lmasin eng muhimi o`quvchi qalbini egallab, dars mavzusini o`zlashtirishida o`qituvchining mahoratiga bo`g`liq. Yuqoridagi usullar esa o`quvchining yanada ko`proq o`z ustida ishlashiga, kelajagini mustaqil o`zi aniq maqsadlar bilan reshalashtira olish imkoniyatini bersa, o`qituvchiga ham, o`z ustida ishlashga, o`quvchisi bilan o`zaro mustahkam rishtalar bog`lashga yordam beradi.

Pedagog qobiliyati - bu bolalar bilan ishlashga ishtiyoq, bolalarga nisbatan muhabbat, ular bilan bo`lgan muloqotdan mamnun bo`lish bilan ifoda bo`ladigan shaxs sifatlari ekan, ana shu sifatlarni o`zida namoyon qila olish gam katta qobiliyat. Qobiliyat esa faoliyat jarayonida paydo bo`lar va rivojlanar ekan, imkoniyatimizdan kelib chiqib darsni muqaddas bilib shu qobiliyatimizni ishga solsakkina ko`zlangan natijalarga erishamiz. Bilimdon, dono shogirdlarimiz ortidan esa ko`kraklarimiz fax-iftixor medullar m=bilan bezatiladi.


Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Jumaev. M. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. T., »Ilm-Ziyo »2010
2. Jumaev. M. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasidan praktikum. T., »Ilm-Ziyo »2004.
3. Jumaev. M. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasidan labaratoriya mashg'ulotlari. T., »Ilm-Ziyo »2005.
4. Zaynutdinova M. Tabaqalashtirilgan ta'lim. Boshlang'ich ta'lim. 2-son. 2002. 22-23 betlar.

Internet materiallari

WWW.referat.uz Turli fanlardan referatlar to'plamiga boy saxifa.
WWW.dialup.internet.uz. Internet foydalanuvchilar uchun informatsion saxifa.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE IMPORTANCE OF THE DEVELOPMENT OF MATHEMATICAL CONCEPTS IN PRESCHOOL EDUCATION

Shaxodat Kurbanova [1]

[1] Teacher of Shakhrisabz branch of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

https://doi.org/10.5281/zenodo.4742029

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Preschool education, first step state program, mathematics, imagination

ABSTRACT

The Constitution of the Republic of Uzbekistan and the Law of the Republic of Uzbekistan "On Education" Preschool education is organized in order to form a healthy and mature child at the level of readiness for school. This education is carried out in the family until the child reaches the age of six or seven in pre-school educational institutions (kindergartens for children under three, kindergartens for children from 3 to 6-7 years) and educational institutions, regardless of ownership

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шаходат Курбанова [1]

[1] Низомий номидаги ТДПУ Шахрисабз филиали ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Мактабгача таълим, илк қадам давлат дастури, математика, тасаввур

ANNOTATSIYA

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Мактабгача таълим бола шахсини согълом ва етук, мактабда ўқишга тайёргарлик даражасида шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Ушбу таълим боланинг олти-етти ёшга тўлгунига қадар оилада мактабгача таълим муассасалари (яслилар уч ёшгача бўлган болалар учун, болалар боғчалари 3 ёшдан 6—7 ёшгача бўлган болалар учун) ва мулк шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларида олиб борилади. Мактабгача таълим муассасаларида болалар ривожланадилар ва таълим-тарбия оладилар. Уларнинг соғлиғи мустаҳкамланади, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини ҳосил қилади. Уларда меҳнатга муҳаббат уйғонади. Катталарга ҳурмат, ватанпарварлик туйғулари тарбияланади. Болалар мактаб таълими учун тайёргарлик кўрадилар. Мактабгача таълим муассасалари умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синфлари билан узлуксиз алоқани амалга ошириши лозим. Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Хусусан, мактабгача таълимда илк математик тасаввурлар ҳам давлат дастурлари, талаблари асосида олиб борилади.

Raqobat, raqobat siyosatining yuritilishi hamda raqobatlashish bozor munosabatlari bilan bog‘liq tabiiy-ijtimoiy hodisa bo‘lib, ushbu tushuncha o‘z navbatida ham iqtisodiy, ham huquqiy jihatlarni qamrab oladigan jarayon sanaladi. Qolaversa, rivojlanib borayotgan bozor munosabatlaridan kelib chiqib, erkin raqobat munosabatlarini o‘rganish o‘zida bir qator dolzarb masalalarni aks ettiradi. Davr, tadbirkorlik faoliyatiga keng imkoniyatlar, sharoitlar, imtiyoz va afzalliklar berilayotganligi, xo‘jalik yurituvchi subyektlar sonining ko‘payib borayotganligi, erkin raqobat munosabatlarining rivojlanishi hisobidan ushbu munosabatlarni huquqiy tartibga solish masalalarini o‘rganilishi, tatqiqot olib borilishi hamda rivojlantirish bo`yicha takliflar tayyorlashni talab qilmoqda.

Raqobat muhitining rivojlanib borishi uni inkor etuvchi

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz

ayrim holatlarning parallel ravishda o'sib borishidan holi yuzaga kelmaydi, bulardan biri – ustun mavqe kategoriyasi.

Mazkur maqola, raqobat huquqi va uning asosiy tushunchalariga qisqacha yondashuv qilish bilan birga, bugungi kunda milliy qonunchilik uchun huquqiy tartibga solinishga ehtiyoj sezuvchi ustun mavqe tushunchasi, uning yuridik tabiati hamda tartibga solish ahamiyati nuqtayi nazaridan muallif fikrlarini yoritib o`tadi.

So`nggi o'n yilliklar butun dunyo miqyosida raqobat to'g'risidagi qonunlarni (ular trestlarga qarshi yoki monopoliyaga qarshi qonunlar deb ham ataladi) yanada rivojlantirish va amaliyotga kiritish davri bo'ldi.

Sobiq sotsialistik lagerning parchalanib ketishi oqibatida Sharqiy Yevropa va Markaziy Osiyoning ko'pchilik mamlakatlari raqobat siyosatining negizi hisoblangan bozor iqtisodiyoti tamoyillarini joriy qila boshlagan bir vaqtda, bozor iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar ham bir joyda to'xtab qolmay, amaliyotda foydalanilayotgan monopoliyaga qarshi qonunchilikka o`zgartirishlar kiritib bordilar. Hozirgi kunda dunyoning 100 dan ortiq mamlakatlarida monopoliyaga qarshi qonunchilik tizimi mavjuddir.[1]

Joriy huquq sohalaridan farqli o'laroq, raqobat huquqi o'z yondashuvi, o'z himoya doirasi (tartibga soluvchi ijtimoiy munosabatlar), umumiy olib aytganda, o'z manerasiga ega bo'lgan, 1990-yillardan tokim hozirga qadar nafaqat O'zbekiston, balki butun dunyo bo'yicha sezilarli o'zgarish yasay olgan kenja huquq sohalaridan biridir. Ammo, qiziq tomoni shundaki, raqobat huquqining diqqat markazida bo'lgan obyekti savdo munosabatlari kabi qadimiy hamda har sohada, har tarmoqda mavjud, inkor etib bo'lmaydigan tabiiy hodisadir.

Raqobat muhitning mavjud bo'lishi jamiyatdagi munosabatlarning balans harakatini ta'minlasa, aksincha holati esa salbiy vaziyatlarni yuzaga keltiradi. Ko'pgina adabiyotlarda, iqtisodiy kategoriya sifatida qaraladigan hamda izlanish olib borilgan raqobat nazariyasi hozirgi kunga kelib, huquqiy bilim sifatida ham o'z ko'lamini kengaytirib bormoqda, ammo bu orqali yaqin davrga qadar raqobat tushunchasi huquqiy sohada mavjud bo'lmagan degan xulosadan yiroq bo`lishimiz lozim, chunki jamiyatda qanaqa ijtimoiy munosabat mavjud bo'lmasin, albatta, huquqiy jihatdan tartibga solinishga muhtoj bo'ladi (ayrim ijtimoiy munosabatlar bundan mustasno), shu jumladan, raqobat va u bilan bog'liq ijtimoiy munosabatlar ham.

Raqobat huquqining yuridik atmosferasiga kirar ekanmiz, avvalo, uning huquqiy tarmoq ekanini isbotlovchi, tartibga soluvchi asosiy normativ-huquqiy hujjatlariga to'xtalib o'tmog'imiz lozimdir.

2012-yil 6-yanvardagi O'RQ–319-sonli O'zbekiston Respublikasining "Raqobat to'g'risida"gi qonuni, raqobat muhitini tartibga soluvchi fundamental yuridik hujjat hisoblanib, ushbu hujjatning qabul qilinishi sohanining rivojlanishi uchun katta ahamiyat kasb etdi. Qonunning 4-moddasiga ko'ra, raqobat – xo'jalik yurituvchi subyektlarning (raqobatchilarning) musobaqalashuvi bo'lib, bunda ularning mustaqil harakatlari ulardan har birining tovar yoki moliya bozoridagi tovar muomalasining umumiy shart-sharoitlariga bir tomonlama tartibda ta'sir ko'rsatish imkoniyatini istisno etadi yoki cheklaydi.

XX asr iqtisodiyotni erkinlashuvi, bozorlarning ochilishi va tovarlar hamda

xizmatlarni tarqatish va taqsimlashda ko‘pchilik rivojlangan mamlakatlar davlat boshqaruviga emas, balki bozor kuchlariga suyana boshlanishiga guvoh bo‘ldi. Raqobat siyosati iqtisodiy erkinlikni rag‘batlantirish, ba’zida esa mustaqil xaridorlar va sotuvchilar o‘rtasida raqobatni talab qilish yo‘li bilan qo‘llab quvvatlandi.

Raqobat huquqiy munosabatlarni muvofiqlashtirishga qaratilgan qonunlar asosan ikkita, ammo bir-biriga bo‘g‘liq bo‘lgan konsepsiyalarga asoslanadi: **bozor hukmronligi** va **bozorda ustun mavqega ega bo‘lish**.

Amaliyotda ko‘pgina raqobat siyosatining shakllari yoxud yetkazib beruvchilarni bozor hukmronligini amalga oshirishga to‘sqinlik qilish yoxud ustun mavqeni suiste’mol qilishini to‘xtatib turish hamda oldini olishga qaratilgandir.

Bunday holat bozor hukmronligini amalga oshirish iqtisodiy samaradorlik bilan bir-biriga to‘g‘ri kelmasligi, ustun mavqega ega bo‘lish esa yetkazib beruvchiga savdo-sotiq yo‘lida xususiy to‘siqlarni yuzaga keltirishga, raqobatni cheklashga va boshqa tomonlarni iqtisodiy erkinligi va faoliyat ko‘rsatishiga imkon yaratadi. [2]

Bozor hukmronligi iqtisodiy bozorlarning nisbiy hajmi (bozor ulushi) va tuzilmasiga, ya’ni o‘zaro raqobatlashuvchi yetkazib beruvchilar soniga, savdo-sotiqni amalga oshirishda mavjud bo‘lgan juddiy to‘siqlar, tovarni o‘rnini bosuvchisi mavjudiligiga bog‘liq bo‘ladi.

Ustun mavqega ega bo‘lish yetkazib beruvchilarni absolyut hajmiga, uni buyurtmachilar va shaxsiy yetkazib beruvchilari bilan aloqalariga, shuningdek, uni savdo bo‘yicha hamkorlarini iqtisodiy ahvolini bilish qobiliyatiga bog‘liqdir. Bozor hukmronligi konsentratsiyasi va samaradorligiga asoslanadigan raqobat to‘g‘risidagi qonunlar iste’molchilarni farovonligini ko‘zlagan holda yuzaga keladi. Aksincha, ustunlik konsentratsiyasiga asoslangan qonunlar raqobat jarayonini emas balki raqobatchilarni himoyalashga xizmat qiladi.[3]

Raqobat to‘g‘risidagi qonun uchta sohaga kirib boradi, ya’ni: biznesni amalga oshirish usuliga, iqtisodiy bozorlar tuzilmasiga va xo‘jalik yuritish usullariga. O‘rganib chiqilgan qonunchiliklar o‘rtasida harakatlanishni o‘zining bozordagi ustun mavqeini suiiste’mol qiluvchi, yoxud savdo-sotiqni cheklovchi, raqobatni susaytiruvchi man qilingan shakllarini oluvchi o‘zini tutish qoidalari mazmunan bir-biriga yaqinligi bilan ajralib turadi.

Raqobat bilan bog`liq ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishga yo`naltirilgan qonunlarning barchasi (nafaqat miliy balki xorij davlatlarining qonunchiligini ham hisobga olganda) to`rtta asosiy harakatlar (faoliyatlar) natijasida zarar yetishi mumkin bo`lgan sog`lom raqobatni himoya qilishga mo`ljallangan:

1. Raqobatga qarshi bitimlar va kelishib qilingan harakatlar, jumladan kartel bitimlar, shuningdek bir nechta korxona, shaxslarni raqobatni cheklashga qaratilgan ataylab yoki ataylab qilmagan harakatlari, bitimlari;

2. Bitta yoki bir nechta korxonalar tomonidan o‘z ustun mavqeyini, bozor hukmronligini suiiste’mol qilishi;

3. Insofsiz raqobat;

4. Bozor konsentratsiyasi, jumladan korxonalarni qo‘shib yuborish bo‘yicha bitimlar yoki korxonalarni faoliyati ustidan nazorat olib borish bo‘yicha mulkiy (odatda paylar yoki aksiya paketlarini ulushlar orqali va boshqa) huquqlar berish;

Raqobat huquqining tartibga solish nuqtayi nazari yo`naltirilgan asosiy jihatlardan biri, yuqorida aytib o‘tilganidek, barcha davlatlar qonunchiligida uchraydigan, ustun

(monopol) mavqeni suiiste'mol qilish holatidir.

Davlatlar qonunchilik nazariyasida ustun mavqe atamasi bilan birdek, *dominant mavqe, hukmronlik holati* kabi atamalarning o'zaro alternativ qo'llanganligini ko'rish mumkin.[4]

Hukmronlikni suiiste'mol qilish – bu bozor raqobatiga va pirovard farovonlikka zarar yetkazish hamda o'z manfaatlarini ta'minlash uchun ustun bozor kuchidan (ustun mavqedan) foydalangan holda, bir tomonlama amalga oshiriladigan xatti-harakatlar, deb qaraladi ko'pgina raqobat huquqi olimlari fikrlarida.

O'zbekiston Respublikasining "Raqobat to'g'risida"gi qonunning 6-moddasi bergan ta'rifga ko'ra, ustun mavqe tovar yoki moliya bozorida xo'jalik yurituvchi subyektning yoxud shaxslar guruhining raqobatlashuvchi xo'jalik yurituvchi subyektlarga bog'liq bo'lmagan holda unga o'z faoliyatini amalga oshirish va raqobatning holatiga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatish, tegishli bozorga boshqa xo'jalik yurituvchi subyektlarning kirishini qiyinlashtirish yoxud ularning iqtisodiy faoliyat erkinligini boshqacha tarzda cheklash imkoniyatini beradigan holatidir.

Shu o'rinda xorij davlatlarida mavjud ustun mavqega berilgan ta'riflar bilan tanishsak:

AQSh

Ushbu davlat qonunida shunga o'xshash ustun mavqe degan ta'rif keltirilmagan. AQSH yurisprudensiyasida ishlatiladigan o'xshash tushuncha – monopol (yoki bozor) hukmronlik qonun matnida yo'q bo'lsada, Oliy Sud tomonidan belgilangan (AQSH-Dyu-Pont, 1956): Monopol hukmronlik – bozor narxlarini yoki raqobatni nazorat qiladigan hukmronlikdir deb keltirib o'tilgan.

YeI

Qonunda aynan ta'rif berilmagan, Yevropa Komissiyasi singari Yevropa Sudi diqqat e'tiborni korxonani bozorda erkin harakatlanishi natijasida mustaqil xatti-harakatlarni amalga oshirish qobiliyatiga qaratadi. "Kontinental Ken" ishini [5] ko'rib chiqishda Komissiya bozor hukmronligini mustaqillik va narx ustidan hukmronlik sifatida tavsiflagan.

Korxonalar ustun mavqega ega bo'ladilar, qachonki ular mustaqil tarzda harakatlanish va o'zlarini raqiblari, xaridorlar yoki yetkazib beruvchilarni harakatlarini hisobga olmagan holda harakatlana olsalar. Ular o'zlarining bozordagi ulushlariga qarab, yoki birgalikdagi ulushiga qarab, yoxud texnologik bilimlari, "xom-ashyosi" yoki kapitali mavjudligi sababli ko'rilayotgan tovarlar (ximatlar)ni sezilarli qismi uchun narx belgilash yoki ishlab chiqarish yoki sotishni nazorat qilish kuchiga ega bo'ladilar.

"United Brends" ishini [6] ko'rib chiqishda Yevropa Sudi "ustun mavqega"ga ta'rif berdi va ko'pchilik hollarda undan foydalanib keladi.

Ushbu maoddada (Shartnomaning 82-bandi) qayd etilgan "ustun mavqe" korxonaga o'zining raqiblari, xaridorlar va nihoyat iste'molchilardan qat'iy nazar, o'ziga berilgan huquqdan foydalangan holda relevant (tegishli) tovar bozorida samarali raqobatni oldini olishga to'sqinlik qilishda korxona foydalanadigan iqtisodiy kuchlar pozitsiyasiga taalluqlidir.

"Hoffman-La-Roche" ishini [7] ko'rib chiqishda Yevropa Sudi ushbu ta'rifni yanada rivojlantiridi.

Rossiya

Rossiya tovar bozorlarida ustun mavqeni aniqlash mezoni moliya bozorlari ta'rifidan farqlanadi. Ta'rif shuningdek, yirik korxonalarni ulushini hisoblash orqali jamoa ustunligiga misollar keltiradi. Ta'rifning

boshqa kuchli tomoni shundaki, bozordagi ulushi katta bo‘lgan hollarda ham, korxonaga ustun mavqeni rad etishiga imkon beradi, bu xalqaro standartlar talablariga javob beradi.

Ustun mavqe - tovar bozorida yoki bir birining o‘rnini bosadigan tovarlar bozorida(keyinchalik-ma’lum bozorda) xo‘jalik yurituvchi subyektning yoki bir nechta xo‘jalik yurituvchi subyektlarni o‘ziga (ularga) tegishli tovar bozorida tovar muomalasini umumiy shartlariga hal qiluvchi ta’sir ko‘rsatish, boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarning bozorga kirish erkinligini qiyinlashtirish yoki ularni bozordan chiqarib tashlashni iqtisodiy faoliyat erkinligini boshqacha tarzda cheklash imkoniyatini beradigan mavqe.

Yaponiya

Yaponiyaning monopoliyaga qarshi qonuni ustun mavqeni taqiqlash, savdo-sotiqni va insofsiz savdo usullarini cheklash, iqtisodiy hokimiyatning haddan ziyod bir joyda to‘planishining oldini olishga qaratilgan qoidalarni o‘zida mustahkamlagan. U ishlab chiqarish, sotish, narxlar, texnologiyalar va boshqalarni noto‘g‘ri cheklashni bartaraf qilish, shuningdek tadbirkorlik subyektlarining noqonuniy manfaatlarda qo‘shilib ketishi, birlashishiga yo‘l qo‘ymaslikka xizmat qiladi. Mazkur qonun tadbirkorlarning ijobiy tashabbusini rag‘batlantirib, ularning ishdagi faolligini oshirish orqali erkin va haqqoniy raqobatni qo‘llab-quvvatlashga, bandlikni ta’minlanishiga va aholining real daromadini ko‘paytirishga, buning natijasida iqtisodiyotni demokratik tarzda va sog‘lom rivojlanishini, shuningdek iste’molchilarning manfaatlarini qo‘llab-quvvatlashni nazarda tutadi.[8]

Germaniya

GFR “Raqobatni cheklashga qarshi” Qonunida ustun mavqega berilgan ta’rif ham, ustun mavqening mavjudligiga asos sifatida ham korxonaning moliyaviy hukmronligidan foydalaniladi. Ta’rif shuningdek jamoa ustunligini ham hisobga oladi.

Xo‘jalik yurituvchi subyekt ma’lum bir tovarni yoki tijorat xizmatini yetkazib beruvchi yoki sotib oluvchi sifatida ustun mavqega ega bo‘lsa, *u raqobatchilarga ega emas yoki raqobatlashishga tortilmagan* yoki *raqobatchilarga nisbatan sezilarli bozor pozitsiyasiga ega* deb qaraladi.

Ushbu maqsadda uning bozor ulushi, moliyaviy hukmronligi, xom-ashyo resurslaridan yoki bozorlardan foydalanishi, uni boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlar bilan aloqalari, boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarni bozorga kirishi uchun to‘siqlar, ushbu qonun chegarasida yoki uni ta’sir doirasidan tashqarida xo‘jalik yurituvchi subyektlarni haqiqiy yoki potensial raqobatlashni shakllantirishi, uni o‘z tovarlari va tijorat joylashtirish imkoniyatlari, hamda bozorni qarama-qarshi tomonlarini boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarga o‘tkazish imkoniyatlari hisobga olinadi. [9]

Qolaversa, *ikki va undan ortiq xo‘jalik yurituvchi subyekt ustunlikka ega bo‘ladi*, qachonki ularni o‘rtasida ma’lum tovarlar yoki tijorat xizmatlariga nisbatan sezilarli raqobat bo‘lmasa va ular birgalikda taklif shartlarini qondirsalar.

Shuningdek, *xo‘jalik yurituvchi subyekt ustunlikka ega bo‘ladi*, qachonki uning bozor ulushi 1/3 ortiq bo‘lsa.

Bir nechta xo‘jalik yurituvchi subyekt ustunlikka ega bo‘ladi, agarda ular

1. uchta va undan kam xo‘jalik yurituvchi subyektni bozordagi birgalikdagi ulushi 50% yetsa, yoki

2. 5 ta yoki undan kam xo‘jalik yurituvchi subyektni bozordagi birgalikdagi ulushi 2/3 yetsa.

Raqobat harakatlaridan farqli ovlaroq, firmaning xatti-harakatlari bozor kuchidan suiiste’mol qilinishini aniqlash, raqobat siyosatining eng murakkab va ziddiyatli

yonalishlaridan biridir. Raqobat bilan bog‘liq munosabatlarni tartibga soluvchi normativ hujjatlar, odatda, dominant xo‘jalik yurituvchi subyekt tomonidan bozorda mavjud ustun kuchini suiiste’mol qilish yoki hukmron bo‘lmagan firmalarning bozorlarni monopollashtirishga urinishlarini taqiqlovchi qoidalarni o‘z ichiga oladi. [10]

Hukmronlik qoidalarini buzadigan maqbul xatti-harakatlar va xatti-harakatlar o‘rtasidagi farqni ajratish ko‘pincha qiyinchilik tug‘diradi. Ko‘pgina davlatlar qonunchiligida ustunlik yoki katta bozor kuchini aniqlash uchun raqamli asosda bozor ulushining aniq chegaralari begilanmagan, ba’zi yurisdiksiyalarda esa aksincha, hukmronlik haqidagi taxminiy belgilar bozor ulushlari (masalan, Xitoy , Koreya, shu jumladan milliy qonunchilikda ham) hisobidan kelib chiqadi.

Tovar bozorida dominant pozitsiyaning yuzaga kelishi milliy qonunchilikda o‘ziga xos me’zonlarning mavjud bo‘lishi orqali ta’min etiladi.

Tovar bozorida qaysi xo‘jalik yurituvchi subyekt yoki shaxslar guruhi tovarining ulushi:

1) ellik va undan ortiq foizni tashkil etsa;

2) o‘ttiz besh foizdan ellik foizgacha hajmda bo‘lib, bunda quyidagi shartlar:

xo‘jalik yurituvchi subyektning tovar bozoridagi ulushi kamida bir yil mobaynida barqaror bo‘lib turishi;

tovar bozorida boshqa xo‘jalik yurituvchi subyektlarga (raqobatchilarga) tegishli ulushlarning nisbiy miqdorda bo‘lib turishi;

ushbu bozorga yangi xo‘jalik yurituvchi subyektlarning (raqobatchilarning) kirishiga imkoniyat bo‘lishi shartlari belgilangan bo‘lsa, shu xo‘jalik yurituvchi subyektning yoki shaxslar guruhining mavqeyi ustun mavqe deb e’tirof etiladi. [11]

Qonunda firmalar tomonidan bozorda ustun mavqeini suiiste’mol qilish taqiqlanadi, ammo firmalarning ustun mavqega ega bo‘lishi taqiqlanmaydi. Dominant holatlarini suiiste’mol qilishni isbotlash uchun me’zonlarning bo‘lishi juda muhim, ammo ularning maqbul ravishda ishlashi va samara berishi yanada muhimroqdir.

Hozirgi paytda bozordagi tovari (ish, xizmati)ning ulushi 50% va undan ko‘pni tashkil etadigan xo‘jalik yurituvchi subyektning mavqeyi ustun deb hisoblanadi. Biroq xo‘jalik yurituvchi subyektning bozordagi ulushi 50% va undan ortiq bo‘lgani bilan uning mavqeyi ustun deb e’tirof etilmasligi ham mumkin. Buning uchun xo‘jalik yurituvchi subyekt raqobatga salbiy ta’sir ko‘rsatmayotganligini asoslab berishi lozim.

Bozordagi ulushi 35% dan 50% gacha bo‘lgan xo‘jalik yurituvchi subyekt ustun mavqega ega bo‘lmaydi. Biroq monopoliyaga qarshi davlat organi tomonidan mazkur holat ustun mavqe deb e’tirof etilishi ham mumkin. Bunda xo‘jalik yurituvchi subyektning bozordagi ulushining barqarorligi, bozordagi raqobatchilarga tegishli ulushlarning miqdori, mazkur bozorga yangi raqobatchilarning kira olishlari va boshqa mezonlar inobatga olinadi. 35% gacha bo‘lgan ulush esa ustun mavqe holatini vujudga keltirmaydi. [12]


Ustunlik strategik iqtisodiy samaradorlikni raqobat siyosatini asoslash sifatida to‘ldiradi. Ba’zi bir olimlar va siyosatni ishlab chiquvchilar, bozor hukmronligi va iqtisodiy samaradorlik raqobat to‘g‘risidagi qonuning asosiy bazasi bo‘lmasligi kerak degan fikrdalar. Iqtisodiy hukumat konsentratsiyasini demokratiyaga qarshi sifatida ko‘riladi, raqobatlashuvchi bozor tuzilmalarini qo‘llab-quvvatlashda va kichik korxonalarni himoya qilishdan olinadigan foyda esa samaradorlikni yo‘qotishdan yuzaga keladigan barcha yo‘qotishlarni qoplaydi deb ko‘riladi.

Savdo-sotiqni erkinlashuvi samarali raqobat siyosatini o‘zgartiradi, sababi ko‘pgina holatlarda erkin savdo-sotiq bozorning raqobat tuzilmasida unchalik aniq namoyon bo‘lmaydi va bozorda samarali faoliyat ko‘rsatishni rag‘batlantirmaydi. Shuning uchun, raqobat siyosati va savdo-sotqni erkinlashuvini muqobil siyosatga qo‘shimcha sifatida ko‘rib chiqish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Moritz Lorenz. An introduction to EU competition law. – Published in the United States of America by Cambridge University Press, New York. 2013. – P.428.
2. 4.1.2 of the Merger Assessment Guidelines of the UK Office of Fair Trading and Competition Commission, CC2 revised and OFT 1254, September 2010, available at www.competition-commission. org.uk.
3. Moritz Lorenz, An introduction to EU competition law, 2013, Chapter 7: The limitations of the market mechanism, p.23. Smith and King, ‘Does Competition Law Adequately Protect Consumers?’, European Competition Law Review, 28 (2007)
4. https://ec.europa.eu/competition/speeches/text/sp2018_11_en.pdf
5. James D. Hurwitz, The Impact of the Continental Can Case on Combinations and Concentrations within the Common Market, 25 Hastings L.J. 469 (1974)
6. Margaret H. Fitz Patrick, United Brands Company v. Commission of the European Communities: Window to Price Discrimination Law in the European Economic Community, 1 Nw. J. Intel L. & Bus. 338 (1979)
7. https://competition.cyrilamarchandblogs.com/tag/hoffmann-la-roche-case/
8. Competition Law in Japan. Abstract of Doctoral Thesis by Simon Vande Walle and Tadashi Shiraishi. University of Tokyo. 2015. p.34.
9. Competition Law in Germany. Watson, Farley and Williams 2014. Guide book. Published by Hamburg Publishing house.
10. https://www.oecd.org/competition/abuse/
11. 2012-yil 6-yanvardagi O‘RQ–319-sonli O‘zbekiston Respublikasining “Raqobat to‘g‘risida”gi qonun
12. Mualliflar jamoasi. Raqobat huquqi. Darslik. – T.: TDYU nashriyoti, 2017. bet.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



VIRTUAL ARBITRAL HEARINGS IN UZBEK AND INTERNATIONAL LEGISLATION

Sayyora Makhmudova [1]

[1] Student at Tashkent State University of Law

https://doi.org/10.5281/zenodo.4742189

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Virtual, remote hearings, international arbitration, alternative dispute resolution (ADR), online dispute resolution (ODR), TIAC Rules, SIAC Rules, SCC Rules, the Covid-19 pandemic, Tashkent Law Spring, revolution.

ABSTRACT

Recent achievements and issues related to online arbitration have been provided in this article. This article also reports theoretical and practical significance of newly adopted Law of the Republic of Uzbekistan on International commercial arbitration and opportunities for foreign investors. Special attention is paid to the role of virtual arbitration court in order to diminish volume of international disputes in pandemic period. Moreover, available drawbacks of remote hearing and testimony have been thoroughly discussed.

INTRODUCTION

"Once a new technology rolls over you, if you are not part of the steamroller, you are part of the road. "

Stewart Brand

The faster interstate relations progress the more need for dispute settlement emerges. In turn, this phenomenon requires another methods to resolve the dispute unlike national courts since a foreigner is unwilling to bring the disputable issue to national courts owing to lack of confidence for them. In order to satisfy these needs, alternative dispute resolution (ADR) is regarded the most effective way to reach the desired settlement.

As might be expected, with the sudden onset of COVID-19 and related confinement measures imposed by many states, impending implications have made impossible to be present in courtroom triggering virtual proceedings. International arbitration hearings globally was nearly to cancel such hearings until a later date. However, the solution was remotely using online video platforms. Whereas many arbitration practitioners were aware of holding procedural hearings by telephone or videolink, the thought of holding a completely remote merits hearing was unheard of.

Implementing technological advances into dispute settlement has both advantages and disadvantages which have not been not mentioned in legislations but defined in litigations.

MAIN PART

Since technology is developing rapidly, most fields are ‘affected’ by it, even litigation proceedings. As a result, athough in-person hearings are generally deemed to be important

for effective communication between participants, arbitration hearings which are ordinarily held in person are likely to be held virtually. Inspite of the fact that sufficient opportunities are availabile in online coutroom, there still exist inconviniences and drawbacks in screen-based conferences. However, some arbitrators may use virtual hearing as an emergancy method when there is no any other option to hold the procedings due to pandemic period or incapacity to show up in person. Many arbitration rules either expressly provide for, or at least leave open, the possibility of dealing with matters "remotely" through the use of technology, including video hearings and telephone hearings.

Before analysing international rules on arbitration, it should be clarified that the difference between two notions: seat of arbitration and form of hearing. However, it is totally confusional to differentiate the meaning of seat of arbitration (geographical place) that parties have agreed in advance, and form of proceedings. It is because that online court makes both seat of arbitration and form of hearing be virtual. As a confimation of the abovementioned views, some of the key provisions are provided below.

1.8 of the Attachment 1 of the TIAC Rules provides that the emergency arbitrator must as soon as possible, but in any case within two working days from the date of appointment, establish a schedule for considering an application for the provision of emergency security for the claim. Such a schedule provides each Party with a reaonable opportunity to be heard, but *may provide for proceedings by teleconference or videoconference* or in the form of written submissions as alternatives to a formal hearing.

Article 25.2 of the Law of the Republic of Uzbekistan on International commercial arbitration (concerning Seat of arbitration) which is not yet in force, does not directly address video hearings but exclude them considering unless the parties have agreed otherwise, the Arbitral Tribunal may meet *at any place which is appropriate for holding consultations between its members, hearing witnesses, experts or parties, or inspecting goods, other property or documents*. Article 40 (concerning Oral hearings) represents that considering any agreement of the parties, the Arbitral Tribunal will decide whether to conduct an oral hearing for the presentation of evidence or oral argument, or to conduct proceedings only on the basis of documents and other materials.

Article 24.4 of the ICC Rules represents that case management conferences may be conducted through a meeting *in person, by video conference, telephone* or *similar means of communication* where in-person attendance is not essential.

According to Article 19.2 of the LCIA Arbitration Rules 2020, the Arbitral Tribunal shall organise the conduct of any hearing in advance, in consultation with the parties. The Arbitral Tribunal shall have the fullest authority under the Arbitration Agreement to establish the conduct of a hearing, regarding its date, duration, form, content, procedure, time-limits and geographical place (if applicable). As to form, *a hearing may be held in person, or virtually by conference call, videoconference or using other communications technology* with participants in one or more geographical places (or in a combined form)[1].

Rule 19.3 of the SIAC Arbitration Rules 2016 allows for the Tribunal to hold at least the initial preliminary hearing "*in person or by any other means*". As such Rule 24 of the SIAC Arbitration Rules 2016 (concerning "Hearings") does not directly mean the issue of video hearings, but does not exclude them.

Article 32 of the SCC Arbitration Rules 2017 (concerning "Hearings") does not

directly mean video hearings, but does not exclude them.

Rule 32 of the ICSID Arbitration Rules (concerning "The Oral Procedure") does not directly state video hearings, but does not exclude them.

However, Article 39.7 of the RAC Arbitration Rules (as amended January 21, 2019 January) directly addresses that the oral hearings may be conducted *via tele- or videoconferencing*.

As provided above that most of the arbitration rules do not exclude virtual hearings using currently available videoconferencing technology. The observed increase in legislation concerning using technology in arbitration proceedings is due to the Covid-19 pandemic which has made impossible to appear at an appointed place at a right time. But videoconferencing via computer monitors or screensfalls have come to the stage despite the shortage of providing the rich interactive experience of in-person hearings. Participants in videoconferences may find it difficult to "connect" with other participants, a video camera may not express all of the mannerisms and demeanor of witnesses, and witnessestend to modify their behaviour to fit within the video boundaries. And, of course, videoconferencing can still suffer from technical glitches.

Many arbitration practitioners thought that Online Dispute Resolution (ODR) was not ready for use in the arbitration sector after the failure of the first experiment (the Virtual Magistrate program) in 1999. However, the coronavirus pandemic has dramatically affected the business and social activity, in particular, the area of international arbitration that related organizations have adopted special rules and guidelines for the parties and their counsel in order to encourage them to conduct their hearings online. As for an example, The Singapore International Arbitration Centre SIAC advises its users to make any inquiries or submissions electronically, as SIAC is fully operational and working remotely. According to the SIAC guidance, provision of the need to implement measures ensuring the security and confidentiality of the hearing is utmost important. The Stockholm Chamber of Commerce (SCC) also started to offer its online case management tool to parties to use free of charge during the COVID-19 pandemic which is stated as revolution in arbitration in Kluwer Arbitration Blog [2]. In connection with the above, one of the parts of the II International Legal Forum "Tashkent Law Spring" has been devoted to the ADR namely mediation and arbitration during the period of coronavirus restrictions. Moreover, one of the topical issues discussed has been appropriate dispute resolution for the infrastructure sector[3]. Thus, it can be summarized that legal relationships exist first, and then regulative measures will be adopted. As it has been apparent from the current pandemic period, some alternative forms of dispute settlement ought to be stated in arbitration rules inspite of several drawback like lack of confidentiality, unfair witness testimony, time zone difference, etc.

CONCLUSION


To conclude, mankind has experienced a real dilemma whether to use another method in dispute settlement other than in-person participation or to postpone appointed arbitral proceedings. It is obvious from the above that alternative dispute settlement is a commonly prefered way by many to resolve their dispute requiring regular amendments to both substantive and procedural rules of arbitration. Unlike state courts, it is preferable that ADR ought to have several options to offer regarding the form of arbitral procedure as parties know arbitration as an alternative method to prioritize parties' preferences. As it is analysed from the above that not in all arbitration rules,

possibility of virtual arbitral proceedings is mentioned which parties may set an objection for the Tribunal later on blaming for any inconviniences occurred during tele- or videoconferencing. In terms of Uzbek Arbitration Law, it can be stated that there exist same uncertainty in the use of remote communication in proceedings, and therefore, it is recommended that Arbitration Rules should include a clear clause which refers the use of virtual hearings if necessary.

References:

1. 1.8 of the Attachment 1 of the TIAC Rules
2. Article 25.2 of the Law of the Republic of Uzbekistan on International commercial arbitration
3. Article 24.4 of the ICC Rules
4. 19.2 of the LCIA Arbitration Rules 2020
5. Michael Ostrove/Kate Brown de Vejar/Ben Sanderson/Peter Anagnostou 'Online Arbitration Hearings' September 2020. page 5. file:///C:/Users/user/Downloads/Virtual%20Hearings%20report%20%20September%2020%20updateV6.pdf
6. Rule 19.3 of the SIAC Arbitration Rules 2016
7. Article 32 of the SCC Arbitration Rules 2017
8. Rule 32 of the ICSID Arbitration Rules
9. Article 39.7 of the RAC Arbitration Rules (as amended January 21, 2019 January)
10. Maxi Scherer/Niuscha Bassiri/Mohamed S. Abdel Wahab, International Arbitration and the COVID-19 Revolution. ISBN 9789403528458, 2020 https://www.kluwerarbitration.com/book-toc?title=International+Arbitration+and+the+COVID-19+Revolution&_ga=2.63034799.1457864375.1619936714-1506151162.1619936714
11. "Mediation and Arbitration during the coronavirus restrictions" 10.04.2021. https://tashkentlawspring.uz/article/118

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



ISSUES OF REGISTRATION OF POWERS OF A REPRESENTATIVE IN THE CIVIL PROCEDURE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Mamadiev Abror Abdurakhmon ugli [1]

[1] Master's student of TSUL

https://doi.org/10.5281/zenodo.4742191

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

power of attorney, attorney, decision, attorney's certificate, legal representative (5).

ABSTRACT

This article analyzes the issues of formalization of the powers of representatives in civil procedural law, the confirmation of their powers in court and the scope of documents required for the confirmation of powers. The basics of the documents confirming the powers of the representative in the procedural and substantive legislation were discussed, and suggestions and recommendations were made to improve the registration of representative activities in the legislation.

The inability of the parties to civil proceedings to participate directly in the case or the need for qualified legal assistance from a representative requires that the activity be carried out through a representative. As long as they operate through the institution of representation in civil proceedings, the law requires that their activities be properly documented and that a representative be involved. In this case, the relevant procedure is a procedure that is mandatory for all persons engaged in representative activities, established by law.

When applying to the court in civil cases, whether they are a legal representative or a contractual representative, they must submit to the court the documents confirming the authority of the representative in the form of a statement of claim, application, complaint.

Since the lists of documents to be attached are regulated on the basis of legislative norms, the court does not have the right to request other documents from them in the process of viewing the work materials. One of these documents is the power of attorney:

According to Article 68 of the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan, the powers of the representative must be specified in the power of attorney issued and executed in accordance with the law [1]. From this norm we must not conclude that the power of attorney alone is a document confirming the authority of the representative. A power of attorney is a general requirement for all contractual representatives. Depending on who issues them and to whom they are issued, we can see that the order of registration and the form of documents confirming the authority will change.

Articles 134, 139-141 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan specify the procedure for issuing and issuing a power of attorney.

Power of attorney issued by citizens is certified by notaries or other officials authorized to perform notarial acts [2].

Full or partial refusal of the contract representative from the requested claims, change of their basis or subject matter, increase or decrease in the amount, recognition of the

plaintiff's claims, consent, conclusion of an agreement or mediation agreement on the implementation of the media procedure, transfer of authority to another person (power of attorney to another person), complaint against a court document, the authority to receive the collected property or money must be specifically specified in the power of attorney issued by the representative in each specific case.

Representatives of public administration bodies, officials shall act on the basis of a power of attorney signed by the head of the relevant body or official.

The power of attorney issued on behalf of the organization is signed by the head of the organization and the signature is confirmed by the seal of the organization (if any).

The heads of the organizations shall submit to the court documents confirming their official positions or powers [3].

The issue of the commissioning of representatives shall be resolved by the judge during the preparation of the case for trial, which shall be specified in the ruling issued in accordance with Article 204 of the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan. If the request to hire a representative is made at the court session, the issue shall be resolved by issuing a ruling, which shall be recorded in the minutes after hearing the opinion of other persons involved in the case.

Separately from the appeal (Cassation) can not be appealed, since it does not prevent the person from taking part in the court as a representative (refusal to participate) on the grounds that he did not interfere with the further movement of the case.

Documents authorizing the employment of legal representatives include:

documents confirming the fact of birth of the child from the relevant parents, adoption;

decisions on the appointment of a guardian or trustee, custodian of the inherited property.

In order to allow certain representatives to work under the contract, the law requires the court to provide other documents in addition to the power of attorney, including:

for relatives of the principal - documents confirming the relationship between the principal and the representative;

for the head of a legal entity - a document confirming his position.

In order for a lawyer to start working, it is enough to present a lawyer's certificate and an order issued by the bar association, which gives the lawyer the right to defend the interests of the person seeking legal assistance in court[4].

In summary, the civil procedure legislation regulates the rules of registration of representative activities and the scope of documents confirming the powers in a more positive way. Only in the case of the participation of a lawyer in the case, it is considered expedient to cancel the issue of submitting to the court the warrant issued to him by the bar associations. The reason is that lawyers present a power of attorney to participate as a representative, along with a lawyer’s certificate, when they participate in civil proceedings. The power of attorney also contains the names of the persons specified in the order, and the status of the notarized power of attorney is also increased through the introduction of this operation.

References:

1. Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan.
2. Civil Code of the Republic of Uzbekistan.
3. Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights”. (New edition). Law of the Republic of Uzbekistan “On Limited Liability and Additional Liability Companies”. Law of the Republic of Uzbekistan “On Private Enterprise”.
4. Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated May 14, 2010 “On the application by courts of the rules of civil procedure legislation on representation”.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



THE IMPORTANCE OF ESTABLISHING PUBLIC CONTROL OVER THE ACTIVITIES OF GOVERNMENT BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Hosilova Shahnoza Abdumomin qizi [1]

[1] Tashkent State Law University, Master of Public Administration Law

https://doi.org/10.5281/zenodo.4742197

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Public oversight, Public Chamber, open budget, open justice

ABSTRACT

This article examines the issues of ensuring the transparency of government agencies, strengthening them through legislation, legal and economic regulation of the system of public control, the creation of a systematic and effective mechanism for monitoring the adoption and implementation of legislation by government agencies, its theoretical and legal aspects. devoted to analysis. The article provides scientifically based and practical proposals for improving the reforms in the system of public control, the implementation of the legal framework for the full implementation of the system.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИШ АҲАМИЯТИ

Ҳосилова Шаҳноза Абдумўмин қизи [1]

[1] Тошкент давлат юридик университети Давлат бошқаруви ҳуқуқи юналиши магистри

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma'qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

Жамоатчилик назорати, Жамоатчилик палатаси, очиқ бюджет, очиқ адлия

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, қонунчилик орқали мустаҳкамлаш, жамоатчилик назорати тизимини ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш, давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ижро этиш устидан назоратни амалга оширишнинг тизимли ва самарали механизмини яратиш масалаларини, унинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада жамоатчилик назорати тизимидаги ислоҳотларни такомиллаштириш, тизим фаолиятини тўлиқ амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларини амалиётга жорий этиш бўйича илмий асосланган ва амалий аҳамиятга ега таклифлар берилган.

Қонунларнинг тўкис ишлаши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онгига, жамоатчилик фикри кучига ҳам боғлиқ. Шу сабабли жамоатчилик назорати институтининг амалда ишлаши учун мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш талаб этилади. Бунинг учун эса ҳар бир маҳалла, ҳар бир жамоа, оммавий ахборот

воситаларида жамоатчилик назорати хусусида доимий тарғибот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишлар ортга қайтмас тус олган.

Бунга мисоли сифатида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2020-йил 16 апрель куни «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармон имзоланганлигини келтириш мумкин.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Жамоатчилик палатаси** ва ҳар бир ҳудудда унинг бўлимлари ташкил этилди.

Палатанинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузалар тайёрлайди;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар беради;
- Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим ва долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади;
- Давлат органларига қонунлар, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан тушунтириш бериш талабини юбориш ҳуқуқига эга.

Ушбу палата фаолиятидаги диққатни тортадиган жиҳати шуки, у кенг жамоатчилик номидан нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ўз позитсиясига ега бўлади.

Давлат органи фаолиятининг очиқлиги нима учун керак? Бу давлат органига нима беради?

Давлат органининг очиқлиги, аввало, ҳисобдорлик учун керак. Яъни халқ давлат органига эмас, балки давлат органи халққа хизмат қилиши керак деган тамойилни тўлақонли амалга ошириш учун зарур. Одамлар у ёки бу ташкилот нима иш қилаётганини ва унинг фаолияти самарадорлигини билиб туриши керак.

Қолаверса, ҳеч қайси идора ўз ходимларини тўлиқ назорат қила олмайди. Шу сабабли муаммонинг ечими сифатида жамоатчилик назорати ва замонавий ахборот технологиялари қўлланилиши лозим. Яъни ҳар бир ходим, ўзининг фаолияти тўлиқ жамоатчилик назоратида эканлигини, айтилган ҳар бир гапи, ҳаракати минглаб нигоҳлар кузатувида эканлигини ҳис қилса, у ўз ўзидан ноқонуний ҳаракатлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Бу борада ислоҳотларнинг энг муҳим босқичларидан бири - 2018 йилда қабул қилинган Президент қарори **[1]** бўлди.

2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланиши йўлга қўйилди.

«Очиқ бюджет» ахборот портали ишга туширилди. Жорий йилда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси тасдиқланди.

Бундан кўзланган мақсад - давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, интернет тармоғида очиқ маълумотларни, бошқа ахборотларни жойлаштириб боришни таъминлашдир.

Адлия вазирлиги тажрибасига тўхталсак. Адлия вазирлиги барча соҳадаги ислоҳотларнинг локомотивига айланишни мақсад қилган.

Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш ва уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “Очиқ адлия” дастури 2018 йилдаёқ ишга туширилган. Дастур 34 та чора-тадбирни қамраб олди.

“Очиқ адлия” ижтимоий дастури орқали видео-аудио ёзувга рухсат берилди. Яъни жисмоний ва юридик шахслар адлия органлари биноларида аудио-видео ёзиш мосламаларидан эркин фойдаланиши мумкин.

Шу йўл билан эътибордан четда қолаётган жиҳатларни, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича жамоатчилик ёрдамидан фойдаланилмоқда.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ олдидаги масъулият ва ҳисобдорлик туйғусини тўлиқ англаган ҳолда 2019 йил учун бир йиллик фаолияти ҳақидаги ҳисоботни батафсил, кўргазмали тарзда омма эътиборига ҳавола этганлигини айтиш мумкин.

Очиқлик ва шаффофлик давр талаби экан, ҳар бир давлат ташкилоти жамоатчилик олдида ҳисобот бериши лозим!

Бугунги кунда эса, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат органлари раҳбар-ходимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида бу институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори.

Шундай экан, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, барча фуқароларнинг, қолаверса, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш лозим. Бу борада бугун мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик ҳислари ҳар бир инсон онгида шаклланиши керак. Биз ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларига муросасиз бўлсак, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига кўпчилик бўлиб баҳо берсак, ўз фикр-мулоҳазаларимизни эмин-эркин баён этсак, ана ўшанда чинакам қонун устуворлиги таъминланади.

Дарҳақиқат, жамоатчилик назорати ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ҳамда давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилади. Мазкур институт юртимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатлангани, балки давлат органлари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжуд эканлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, давлат раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги Қарорига **[2]** кўра, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилганди.

Унга асосан, жамоатчилик кенгаши давлат органи раҳбарининг қарори билан ташкил этилиши, у ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши ҳамда доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгаш органи ҳисобланиши, унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга ҳисобланиши назарда тутилганди.

Бироқ, орадан мана 1,5 йил ўтяптики, давлат органлари ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилмаяпти. “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан олиб борилган мониторинг ишлари ва таҳлиллар натижаси бу каби жамоатчилик ишлари аксарият ҳолларда номигагина, расмиятчилик учун фақат қоғозда ташкил этилгани, реал ҳаётда уларнинг роли деярли сезилмаётганидан далолат бермоқда.

Ваҳоланки, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирларга мувофиқ, қабул қилинган ва 2018 йил 13 апрель кунидан кучга кирган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлашда давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадор бўлиши долзарб аҳамиятга эга.

Хусусан, ушбу Қонунда давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; эшитуви; мониторинги; экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш каби жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакллари белгилаб қўйилган.

Бироқ, “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ўрганишлар якунлари жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ушбу шаклларидан фойдаланиш ва натижаларга эришиш ишлари қониқарли эмаслигидан далолат бермоқда. Айниқса, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби нормалар деярли фаолиятга жорий этилмаяпти. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган.

Қонунда давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг ҳам амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст бормоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина саноқли нодавлат ташкилотлар фойданишмоқда, холос.

Бундан ташқари, жамоатчилик назорати тизимида , шунингдек, унинг субъектлари ваколатлари ва фаолиятида еътиборга лойиқ ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентнинг 6181-сонли Фармонида **[3]** нодавлат нотижорат ташкилотларининг парламентда доимий вакили бўлиши кўзда тутилган.

Унга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили жорий этилади.

Доимий вакилнинг асосий вазифалари этиб қонун лойиҳалари ва қуйи палатанинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича муҳокамалар ва

йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилишб, шунингдек, уларни амалиётга тўғри қўллаш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгиланган.

Шунингдек, бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни бажариш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган натижаларга эришишда жамоатчилик назоратини ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг зарурлиги энг аввало, коррупция, таъмагирлик, маҳаллийчилик, ўз вазифасини суистеъмол қилиш, фирибгарлик, одамлар онгини турли хил унсурлар билан заҳарлаш каби таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятида кишиларнинг фаоллиги ҳамда ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш демократияни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бунда жамиятнинг барча институтлари маҳаллалар билан ҳамкорликда амалий ҳаракатлар олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Фуқаролар йиғини “ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади” **[4]** деб белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлашда, уларнинг амалиётга тўлиқ тадбиқ этилишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда, улар томонидан турли хил ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини такомиллаштиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда, соғлом рақобат муҳитини яратишда, энг муҳими, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзини кучайтириш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти

органларига у ёки бу қарорларни қабул қилиш бўйича мурожаатлар қилиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларида йўлга қўйилган. Бу эса жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омилдир.

Юқорида илгари сурилган масалалардан келиб чиқиб, қуйидагича таклифни илгари суриш мумкин:

Хусусийлаштириш жараёнлари тўлиқ жамоатчилик назорати остида бўлиши лозим.

Афсуски мамлакат келажагига дахлдор бўлган муҳим масала-хусусийлаштириш жараёнлари тор доирадаги шахслар иштирокида амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик шу жумладан, аҳолининг турмуш даражаси ва инфратузилмаси пастлигидан доимий шикоят ва эътирозларини эшитишга мажбур, ҳал қилишнинг реал ричаги чекланган депутатларда ҳам бу жараёнларнинг холислигига шубҳалари ортиб бормоқда.

Чунки давлат улуши бўлган ҳар қандай ташкилотда халқнинг ҳам улуши бор. Халқ давлатнинг бирдан бир манбаи ва унинг бойлиги кимга, нима учун берилаётганини билишга ва буни ўзгартиришга тўла ҳаққи бор. Токи унга ҳам тегишли бойликка кимлар эгалик қилмоқчи-ю, нега унга ичимлик суви етиб келмагани, унинг фарзанди бораётган мактаб йўли нима учун абгорлигини билиб олиши учун.


Шу сабабдан айни вақтдаги ҳар қайси хусусийлаштириш билан боғлиқ масала кенг жамоатчилик энг камида парламентга ҳисоб бериб, халқ вакиллари таклифларини инобатга олиш шаклида амалга оширилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир. Яъни, давлат органлари халққа ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, унинг олдида ҳисобот бериб бориши лозимдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4086-сонли Президент қарори. 2018. URL. http: //lex.uz.
2. “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3837-сонли Президент қарори. 2018. URL. http: //lex.uz.
3. «2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6181-сонли Президент фармони. URL. http: //lex.uz.
4. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 350-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрирда). 2013. URL. http:// lex.uz.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



STEAM EDUCATION TECHNOLOGY IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS AS A FACTOR OF EARLY DEVELOPMENT

Abdumajitova Sayokhat Abduqosimovna [1], Kholikova Zilola Sadullo qizi [2]
Ismoilova Shokhnoza Abdurashidovna [3]
[1] Master in Termez State University
[2] Teacher at Sariosiyo Pedagogy College
[3] Master in Termez State University
https://doi.org/10.5281/zenodo.4742202

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

preschool, STEAM, learning, technology, early development.

ABSTRACT

The article is a study of the early development of preschool children through the STEAM education system based on scientific, theoretical, methodological, socio-political sources, analysis of the current situation in practice.

ТЕХНОЛОГИЯ ПАРОВОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ КАК ФАКТОР РАННЕГО РАЗВИТИЯ

Абдумажитова Саёхат Абдуқосимовна [1], Холиқова Зилола Саъдулло қизи [2]
Исмоилова Шохноза Абдурашидовна [3]
[1] Магистр Термезского Государственного Университета
[2] Преподаватель педагогического колледжа Сариасия
[3] Магистр Термезского Государственного Университета
ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 20 апреля 2021 г.
Утверждено: 25 апреля 2021 г.
Опубликовано: 30 апреля 2021 г.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

дошкольное учреждение, STEAM, обучение, технологии, раннее развитие.

АННОТАЦИЯ

Статья представляет собой исследование раннего развития детей дошкольного возраста через систему образования STEAM на основе научных, теоретических, методических, общественно-политических источников, анализа текущей ситуации на практике.

В настоящее время растет интерес к использованию инновационных технологий, педагогических и информационных технологий в учебном процессе, учит их учиться и анализировать самостоятельно и даже делать собственные выводы.

В этом процессе педагог создает условия для развития, формирования, приобретения и воспитания личности, и одновременно выполняет функцию управления, направления. В процессе обучения ученик становится главной фигурой. Знания, опыт и интерактивные методы, связанные с педагогическими технологиями и педагогическими навыками, гарантируют, что учащиеся приобретут знающие, зрелые навыки.

Без преувеличения можно сказать, что одним из нововведений в этой сфере является, прежде всего, необходимость подготовки нового поколения потенциальных лидеров, для чего создание одного нового вида дошкольного образования в каждом регионе страны. Ряд экспертов в данной области подчеркивают необходимость нового подхода к образованию в ходе реформ в этой области, в которой велики важные аспекты обучения STEAM.

Образовательная технология STEAM - это новая методика обучения дошкольников, отличная от традиционных методов обучения.

Что такое образовательная система STEAM?

Если распространить эту аббревиатуру, то получим: STEAM - это -

S - наука,

T - технология,

E - инженерия,

A - арт ва

M - математика.

Он спросил студентов по пять за раз:

• наука (Science),

• Технологии(Technology),

• Инженерное дело (Engineering)

• Изобразительное искусство (Art),

• Предназначен для обучения математике (Math).

На английском это будет: естественные науки, технология, инженерия, искусство и математика. Имейте в виду, что эти тенденции становятся самыми популярными в современном мире. Поэтому сегодня система STEAM развивается как один из основных трендов. STEAM основан на направлении образования и применении практического подхода, а также на интеграции всех пяти направлений в единую систему образования.

В учебной среде STEAM дети получают знания и сразу же учатся их использовать. Поэтому по мере того, как они становятся старше и сталкиваются с жизненными проблемами, будь то загрязнение окружающей среды или глобальное изменение климата, они понимают, что такие сложные проблемы можно решить, только полагаясь на знания в разных областях и работая вместе.

Недостаточно полагаться только на знания по одной теме, основная идея заключается в том, что практика так же важна, как и теоретические знания. То есть, обучаясь, нужно работать не только мозгом, но и руками. Обучение только на стенах класса не успевает за быстро меняющимся миром. Основное отличие подхода STEAM заключается в том, что дети используют и мозг, и руки для успешного изучения различных тем. Они «читают» полученные знания. Сосредоточившись на практических способностях, студенты развивают силу воли, творческие способности, гибкость и учатся сотрудничать с другими. То есть эти

навыки и знания составляют основную образовательную задачу. это то, к чему стремится вся система образования. Это логическое следствие совмещения теории и практики. STEAM Сделано в Америке. Некоторые школы учли карьеру выпускников и решили объединить такие предметы, как наука, технология, инженерия и математика, и таким образом была сформирована система STEM. (Наука, инженерия и математика).

Позже сюда добавили Art, и теперь STEAM сформирован до конца. Учителя считают, что знание этих тем, в частности, этих предметов, поможет учащимся в будущем стать высококвалифицированными профессионалами. Ведь дети стремятся получить хорошие знания и сразу же применить их на практике.

На международной конференции STEAM Forward в Иерусалиме в 2014 году были сделаны следующие заявления:

Вовлекайте детей в STEAM. Это обучение должно начинаться с дошкольного возраста, поэтому программы должны быть включены в детские сады.

Язык науки - английский. Если вы хотите изучать науку и стать ученым, вам необходимо знать этот язык.

Девушкам нужны программы обучения Steam. Девочки, занимающиеся наукой, могут делать то, что мальчики не могут делать из-за их упорядоченности.

Наука - это весело! Наука должна приносить удовольствие, она должна быть интересной и увлекательной для студентов.

В ближайшем будущем потребность в инженерах, специалистах высокотехнологичного производства в мире, а значит и в Узбекистане, будет очень высокой.

В долгосрочной перспективе у нас будут профессии, связанные с технологиями и высокотехнологичным производством, наряду с естественными науками, которые будут пользоваться большим спросом, особенно для профессионалов в области био и нанотехнологий.

Специалистам потребуется обширная подготовка и опыт работы в различных областях техники, естествознания и инженерии.

Самый популярный пример подхода STEAM - Массачусетский технологический институт (MIT). Девиз этого всемирного университета - «Mens et Manus» («Разум и рука»). Массачусетский технологический институт разработал курсы STEAM, чтобы дать детям возможность заранее изучить и познакомиться с концепцией STEAM, и даже создал учебные центры STEAM в некоторых учебных заведениях. По статистике, спрос на STEAM-профессии с 2011 года увеличился на 17%, в то время как спрос на обычные профессии увеличился всего на 9,8%, что говорит об огромной востребованности данной системы образования во всем мире.

Если мы говорим, что основная цель традиционного образования - обучать знаниям и использовать эти знания для мышления и творчества, подход STEAM учит нас сочетать полученные знания с реальными навыками. Это дает школьникам возможность не только иметь какие-то идеи, но и применять их на практике. Вот и все. действительно ценно только знание, которое действительно можно использовать. Так в чем же разница между этой системой образования и традиционным способом преподавания науки?

STEAM-образование относится к смешанной среде, в которой студенты начинают понимать, как применять научные методы на практике. В этой

программе учащиеся, помимо математики и физики, узнают о роботах, которые проектируют и создают собственных роботов. На уроках используется специальное технологическое оборудование. Таким образом, по сравнению с традиционными методами обучения, подход STEAM в старшей школе побуждает детей экспериментировать, создавать модели, независимо создавать музыку и фильмы, воплощать идеи. Такой образовательный подход позволяет детям эффективно совмещать теоретические и практические навыки, завершать аспирантуру в университете и повышать квалификацию.Как бы ни совершенствовалась в образовании материальная база, стандарты, учебные планы, программы и учебники, достижение ожидаемого главного результата, глубоких и основательных знаний, высокого качества мастерства будет напрямую зависеть от творческих способностей, любознательности, квалификации, педагогических навыков обучаемого учитель. Любое образование должно быть ориентировано на личность ученика, его интересы, желания, потребности. То есть требуется сделать акцент на индивидуализации обучения.

При эффективной организации этого процесса организация обучения на основе учебной программы STEAM дает прекрасную основу для решения поставленных задач на практике.

Литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «Об образовании - 2020»


2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 мая 2019 года № ПП-4312 «Концепция развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года».

3. Ишмухамедов Р. Пути повышения эффективности обучения с использованием инновационных технологий. - Т .: ТДПУ им. Низами, 2009.

4. Очилов М. Новые педагогические технологии. - Против. НАСАФ, 2000. STEAM

5. M.O.Norbosheva “The importance of pedagogical and psyochological literasy of parents in preparing children for shcool education”. 2021

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



HISTORY OF OCCURRENCE, STAGES OF DEVELOPMENT AND SPECIFIC FEATURES OF THE INSTITUTE OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Irkabaev Alisher Adkhamovich [1]
Legal advisor: (PhD), assistant professor
Babadjanov Atabek Davronbekovich
[1] Master at Tashkent state university of law
https://doi.org/

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

institute of the president, democratization, public administration, Constitution, parliament.

ABSTRACT

This article analyzes the history of occurrence, stages of development and specific features of the institute of the president of the Republic Of Uzbekistan. Special attention is also paid to the role of the President's Institute in public administration. As a result of the analysis, suggestions and recommendations were formulated to improve the Institution of the President in the process of democratization of public administration.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ, РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Иркабаев Алишер Адхамович [1]
Илмий раҳбар (маслаҳатчи): ю.ф.ф.д. (PhD), доцент в.в.б.,
Бабаджанов Атабек Давронбекович
[1] Тошкент давлат юридик университети магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

президентлик институти, демократиклаштириш, давлат бошқаруви, конституция, парламент

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола Президентлик институтининг Ўзбекистон Республикасида вужудга келиши тарихи, унинг ривожланиши босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, президентлик институтнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида президентлик институтини такомиллаштиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

1991 йилнинг 31 август куни ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуки амалга ошди - Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Мустақил юртимиз бутун кўп миллатли ахолисининг иродаси

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунда мустахкамланди хамда умумхалқ референдумида якдиллик билан тасдиғини топди. Ўзбекистон Республикаси худуди ва иктисодий салохияти булинмаслиги, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги принципи қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби президентлик институтига бағишланган. Унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан йигирма етти йил аввал, 1990 йил 24 мартда демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида МДҲ давлатлари ичида эса биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида Президенти лавозими таъсис этилди.[1]

Ўзбекистон тарихида илк марта жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди. Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ваколатлари келтирилган. Бу ҳокимият жамиятдаги барқарорликнинг ва Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли олға боришининг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланиб қолди.[2]

Ўзбекистонда таъсис этилган Президент лавозимининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиб баралла айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда Президентнинг сайланиши, ваколатлари демократик стандартларга мос тўла келади.

Дунёда президент лавозими мавжуд бўлган давлатларни шартли равишда 3 га ажратилиб, президентлик ва парламентар, аралаш республикалар деган таснифлаш мавжуд. Бунда асосий мезонлардан бири бўлиб, Президентнинг сайланиш усули ҳисобланиб, бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланган Президент кучли ваколатларга эга бўлади. Президент тўғридан-тўғри сайланганда фуқаролар унинг сайловолди дастури билан бевосита танишиш, мамлакат ва фуқароларни қизиқтираётган масалаларга номзодлар эътиборини қаратиш имконияти мавжуддир. Конституциямиз 90-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Президентни умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлаш дунёнинг 110 та давлатида қабул қилинган усулдир.

Ўзбекистондаги Президентлик институтининг ўзига хослиги шундаки, бизда давлат бошлиғининг ваколатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафиллик белгиланганлиги, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, Президент сайлови куни Конституцияда аниқ белгилаб қўйилгани, сайлов комиссияларининг аъзолари

сайловдан манфаатдор бирон бир партия аъзоси, ёки номзод, унинг ишончли вакили бўлиши мумкин эмаслиги, Президент сайловининг молиявий таъминоти давлат маблағлари томонидан қопланиши ва тенг тақсимланиши, номзодлардан ҳеч қандай сайлов гарови, сайлов фондини ташкил этиш талаб қилинмаслиги, номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун давлат ҳисобидан тенг эфир вақти ва босма майдон ажратилиши, йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилиниши, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шартлиги кабиларда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда Президентлик институтининг халқимиз ҳаётига яқинлигини мустақиллик йилларида бўлиб ўтган Президент сайловларида сайловчиларнинг 90 % дан ортиғи иштирок этганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида бу рақам одатда ўртача 50-60 %дан ошмаслигини кўришимиз мумкин.

Шу маънода президентлик институти демократик институт ҳисобланиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли сайланади ва фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда вакиллигини таъминлашдек конституциявий функсияни бажаради. Иккинчидан, Президент лавозимига номзод бўлишда Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Учинчидан, Президент сайлови демократик стандартларда белгиланган ҳолда ҳалоллик билан очиқ, шаффоф ўтиши, эркин, ихтиёрий, ҳақиқий ва адолатли ташкил этилиши ва ўтказилиши Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган. Тўртинчидан, Президент ваколатлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилади. Яъни бунда демократик сайловлар орқали сайлаб қўйилган вакиллари орқали халқ иштирок этади. Бешинчидан, монархиядан фарқли ўлароқ, Конститутсимиз
1-моддасига асосан Ўзбекистон – суверен демократик республика бўлганлиги боис Президентнинг лавозимда бўлиш вақти конституциявий асосда маълум муддатлар билан чегараланган. Яъни Асосий қонунимизга асосан беш йил муддатга сайланади. Бу ҳам демократик стандартлардан бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида даврий асосда ўз номидан, яъни халқ номидан иш олиб бориши мумкин бўлган шахсни муқобиллик асосида сайлаб туриш имкониятига эга бўлиши лозим. Олтинчидан, республика Президенти лавозимга киришиш олдидан халқ сайлаган олий вакиллик органи – Олий Мажлисда қасамёд қабул қилиши ҳам ўз қасамёдида

биринчи жумла “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга” деган жумланинг ўзиёқ демократиянинг белгилари сифатида айтилган: демократия халқдан чиқиши, демократия халқ томонидан ва халқ манфаатлари йўлида оширилишига яққол мисол бўла олади. Еттинчидан, президентлик институти ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва ажралмас белгиси – ҳокимият бўлиниши принсипининг таркибий қисмидир.

Президент лавозимининг жорий этилиши ўзбек давлатчилиги тарихида янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Президент институтининг жорий этилиши – республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принсип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чунки шунчаки эмас, балки ҳақиқий давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга киритиш имкониятига эга. ... Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиғи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этди”[3].

Дастлабки босқичда президентлик институти давлат ҳокимияти тизимида марказий ўринни эгаллаб, сиёсий тизимнинг ўзагига айланди. Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини барпо этиш ҳамда давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши зарурати ўтиш даврида Президент зиммасига катта масъулият ва стратегик вазифаларни ҳал этиш заруратини юклаш баробарида унинг кенг ваколатларга эга бўлишини тақозо этди. Президент давлат ва айни вақтда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида ислоҳотларнинг ташаббускори, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ҳаракатга келтирувчи асосий кучга айланди.

Демократияга ўтиш жараёни стратегия ва тактик жиҳатдан кучли президентлик бўлишини тақозо этади, Президент нафақат модернизациялашни амалга ошириши, балки демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳақиқий кафили бўлиши, жамиятда бузғунчи жараёнларнинг таъсирини йўқ қилиш, бартараф қилиш имконига эга бўлиши лозим”[4] эди.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори яратилиб, демократик ислоҳотлар ортга қайтмас жараёнга айланди.

Ушбу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда. Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври (5) ҳисобланмиш ушбу босқичда давлат ҳокимияти тизимида ўзаро мутаносиб ва барқарор мувозанатни таъминлаш, ҳокимият тизимида президентлик институтининг ўрни ва ролига оид муҳим демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Миллий давлатчилигимиз ва биз учун янги бўлган эркин бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва қарор топаётган дастлабки йилларда Президентга берилган ҳуқуқ ва ваколатларнинг бир қисмини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тузилмаларига бериш ишлари

изчиллик билан олиб борилмоқда. Агар мустақиллик (6) йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 7 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган бўлса, уларнинг 5 таси билан Ўзбекистон Республикаси Президентига оид ХИХ бобдаги қатор моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани президентлик институтининг ҳуқуқий асослари сезиларли такомиллашаётганидан далолат қилади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда президентлик институти Ўзбекистонни давлат мустақиллигига эришишининг асосий омили бўлди, республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принсип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдирди ҳамда президентлик институти қайсидир маънода давлат мустақиллиги кафили ҳамда давлат рамзига айланди.


Президентлик институти таъсис этилишини ҳаётнинг ўзи, мураккаб ва зиддиятли жараёнлар ечими тақозо этди. Президентлик институти ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлган ҳокимият бўлиниши принсипининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий тизимимизга киритилди. Президент лавозими таъсис этилиши билан қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари фаолиятини ўзаро келиштириш, аввало қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмлари яратилди.

Президентлик институти жамиятдаги барқарорликнинг кафолати бўлгани ҳолда, янги ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчи вазифасини бажармоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990.– № 10-11, 197-модда.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.140.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 142, 144.
4. Гордиенко С.В. Институт Президентства в России, США, Франции: консептуалныэ основы, политико-административная практика (сравнительный анализ). – М. 2004. Дисс.канд.полит.наук. –С. 4.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH
Innovative Academy Research Support Center
www.innacademy.uz



COOPERATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH INTERNATIONAL ORGANIZATIONS IN THE FIELD OF HUMAN RIGHTS

Sotvoldiev Akbarjon Tokhirjon ugli [1]

[1] Master of Tashkent State Law University

https://doi.org/10.5281/zenodo.4742221

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021
Accepted: 25th April 2021
Online: 30th April 2021

KEY WORDS

Human rights, international documents, United Nations, treaty committees, international universal organization, regional organizations, international cooperation, political and legal rating, indices, strategy.

ABSTRACT

This article analyzes the cooperation of the Republic of Uzbekistan in the framework of international human rights organizations, the universal mechanism for the protection of human rights and international cooperation of the Republic of Uzbekistan in the framework of regional human rights organizations and makes recommendations for their development.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Сотволдиев Акбаржон Тохиржон ўғли [1]

[1] Тошкент давлат юридик университети магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021
Ma’qullandi: 25-aprel 2021
Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO’ZLAR

Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳужжатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шартномавий қўмиталар, халқаро универсал ташкилот, минтақавий ташкилотлар, халқаро ҳамкорлик, сиёсий-ҳуқуқий рейтинг, индекслар, стратегия.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро универсал ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал механизми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий ташкилотлар доирасидаги халқаро ҳамкорлиги таҳлил этилиб уларни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилади.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда — БМТ) 6 та асосий шартнома ва 4 та факултатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.[1]

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Халқаро универсал ташкилот сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал халқаро механизм мавжуд бўлиб, у кўп тармоқланган тузилмадан иборат. БМТнинг асосий органлари ҳам, ёрдамчи органлари ҳам у ёки бу даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишга тааллуқли масалалар билан шуғулланадилар.

БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқлари соҳасида резолюциялар қабул қилиш орқали аъзо-давлатлар эътиборини инсон ҳуқуқлари борасидаги муаммоларга қаратади ва бу борада ҳамкорлик қилишга даъват этади.

Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича институционал тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий (шартномавий) органлар инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида шартномалар асосида тузилган ва муайян шартнома қоидаларини, унга аъзо бўлган давлатлар томонидан қандай бажариб борилаётганлигини назорат қилиб боради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қуйидаги қўмиталар билан ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан ҳамкорлик олиб боради:

- Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита – “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”[2] бўйича тавсиялар – “Қўмита озодликдан маҳрум қилинган шахсларга, шу қаторда сиёсий айблов билан ҳибсга олинган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муасасаи раҳбарлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қийноққа солиниши ва шафқатсиз муносабатда

бўлиш, шу жумладан жинсий зўравонлик тўғрисидаги доимий хабарларидан хавотирда. Шунингдек, ушбу қонунбузарликлар тўғрисида хабар берганларга қарши репрессиялар ҳақидаги хабарлар ташвишга солмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳолатларда Жиноят кодексининг 235-моддаси бўйича тергов, прокуратура ва суд ҳукмлари сонининг камлиги билан намоён бўладиган жазосизликнинг юқори даражаси ва жиноятчиларга нисбатан тез-тез бериладиган енгилроқ жазолар ҳақида ташвишланмоқда. Омбудсманнинг озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг шикоятларини қабул қилиш ваколатлари кенгайтирилганлигини таъкидлаб, Қўмита бундай шикоятлар ҳар доим ҳам билдириш мумкин эмаслиги ва уни амалга ошириш хавфсиз эмаслиги сабабли келиб тушганлиги ҳақидаги шикоятлардан келиб чиқади ва келиб тушган шикоятлар ўз вақтида ва холис текширилмайди. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик бериш ва сохта денонсация қилиш учун жазо қўлланилиши қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалалар тўғрисидаги хабарларни сусайтириши хавотирга солмоқда (2, 7 ва 14-моддалар)” – деб кўрсатилган ташкилот сайтида;[3]

- Иқтисодий, ижтимой ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита – “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”[4] бўйича тавсиялар – “Қўмита Ўзбекистон Республикасини (кейинг ўринларда - иштирокчи давлатни) хавфсиз сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилаш учун кўпроқ маблағ сарфлашга, хусусан қишлоқ жойларига ва сувни, тупроқни ва ҳавони ифлосланишдан ҳимоя қилишга қаратилган тезкор чораларни кўришга ундайди. У иштирокчи давлатни сув ва ҳаводан юқадиган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун зарур чораларни кўришга, шу жумладан сиёсат ва хабардорликни ошириш чораларини кўришга чақиради. Бу иштирокчи давлатни Орол денгизи фалокатига қарши самарали ечимларни топиш мақсадида қўшни мамлакатлар билан сув ресурсларини бошқариш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга ундайди. У иштирок этувчи давлатга сувга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги 15-сонли (2002 й.) Умумий шарҳига ва санитария ҳуқуқи тўғрисидаги баёнотига ишора қилади”;[5]

- Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита - Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция[6] бўйича тавсиялар – “Жиноий адлия тизимини бошқариш ва амалга ошираётган фаолиятида ирқий камситишларнинг олдини олиш тўғрисидаги 31-сонли (2005) умумий тавсиясига ишора қилиб, Қўмита иштирокчи давлатга ирқий камситишлар тўғрисида шикоятларнинг йўқлиги ва қонуний чоралар кўрилиши мумкинлигини эслатади. тегишли қонунчиликнинг этишмаслиги, мавжуд ҳуқуқий воситаларнинг ёмон хабардорлиги, ҳокимият томонидан бундай хатти-ҳаракатларни содир этганларни жавобгарликка тортиш учун ироданинг этишмаслиги, жиноий адлия тизимига ишонмаслик ёки жабрланганларга қарши жазолардан қўрқиш. Қўмита иштирокчи давлатга жамоатчиликни, хусусан, этник гуруҳларни, бошпана изловчиларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўз ҳуқуқларини, шу жумладан, ирқий камситиш соҳасидаги барча қонуний воситаларни билишини таъминлаш учун қонунчилик ва маъмурий чоралар кўришни тавсия қилади”;[7]

- Қийноқларга қарши қўмита - Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг

қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция[8] бўйича тавсиялар – “Қўмита вояга етмаганлар учун адлия тизимини ислоҳ қилиш ва миллий қонунчиликка киритилган ўзгартиришларни эътиборга олади; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ва Бош прокуратуранинг вояга етмаган жиноятчилар учун қамоқхонага ва тўртта ахлоқ тузатиш муассасаларига қўшма ташрифлари; ва болалар учун қулай бўлган 32 та сўроқ хонасининг очилиши шу билан бирга, Қўмита ҳибсда сақланаётган болалар, шу жумладан, дастлабки тергов ҳибшонасида сақланаётганлар ва интизомий жазо сифатида якка тартибдаги камералар қўлланилиши билан боғлиқ ҳамда уларнинг оилаларга мунтазам равишда ташриф буюриш имкониятлари ва иккита ёпиқ, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида жойлашган 167 та қиз билан боғлиқ вазият бўйича(2, 11 ва 16-модда) хавотирда”;[9]

- Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита - Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенссия[10] бўйича тавсиялар – “Қўмита иштирокчи давлатни хотинлар ва эркаклар учун энг кам никоҳ ёшини 18 га кўтаришга ва унинг бутун мамлакат бўйлаб, шу жумладан қишлоқ жойларида бажарилишини таъминлашга чақиради. Бола ва мажбурий никоҳ, келин ўғирлаш каби ҳолатларга қарши курашиш учун барча чораларни кўришни тавсия қилади”;[11]

- Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита - Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция[12] бўйича тавсиялар – “2012 йилда ОИВ / ОИТСга қарши миллий дастур қабул қилинганлигини ва шу билан боғлиқ барча саъй-ҳаракатларни, хусусан, ўспиринларни ўқитиш ва шифокорларни ўқитишни кутиб олаётганда, Қўмита расмий статистик маълумотларга кўра ОИВ / ОИТС билан касалланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Қўмита шифокорлар касалликни аниқлашни истамаслиги мумкинлиги ҳақидаги хабарлардан хавотирда. Қўмита, шунингдек, қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ёки жамоатчиликка асосланган реабилитация дастурларининг этишмаслиги, хусусан Афғонистон ва Ўзбекистон билан чегарадош қишлоқ жойларда ОИТСнинг гиёҳвандликка учраган ота-онадан ўз фарзандларига юқиш даражаси юқори эканлиги ҳақида ташвишланмоқда”.[13]

Қўмиталарнинг асосий вазифаси пакт ва конвенциялар бажарилиши юзасидан аъзо-давлатларнинг қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чоралар тўғрисидаги маърузаларини кўриб чиқишдир. Барча аъзо давлатлар қўмиталарга ҳуқуқлар қай даражада таъминланаётгани тўғрисида миллий маърузаларни тақдим этиши шарт.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХҲТ) хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқда. У БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишга доир барча ҳужжатларни эътироф этиш ҳамда уларда белгиланган тамойилларни амалга оширишга интилмоқда. Унинг БМТ билан бу борадаги ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўламининг ошиб боришига ёрдам бермоқда.

ЙХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловларда кузатувчилик вазифасини

бажаради ва миллий сайлов органларининг вужудга келишида кўмаклашади, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланишига кўмаклашади ва техникавий ёрдам беради, турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради.

Низоларнинг олдини олиш ва тугатилишида ЙХҲТнинг кам сонли миллатлар бўйича Олий Комиссари институтининг ҳам роли катта. Олий комиссар низоларнинг иложи борича барвакт таҳлил қилиниши ва бартараф этилиши чораларини кўради. Консультациялар ўтказиш ва тавсиялар бериш йўли билан низодаги томонларни тўқнашувларга бормасликка чақиради.

ЙХҲТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади.[14]

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ЙХҲТ томонидан Ўзбекистон Республикасида бир неча лойиҳалар режалаштириб бир неча йиллардан буён амалга оширилиб келинмоқда, хусусан, 2020 йил, 6 октабрда ЙХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори (ПУз) пандемия билан боғлиқ ёрдам сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вирусология илмий-тадқиқот институтига ультрабинафша (УВ) антибактериал тизим ускуналарини топширди ва юртимиздаги соғлиқни сақлаш тизими ходимлари томонидан пандемияга қарши курашишда фаол фойдаланилиб келинмоқда. Кўчма пулсли ультрабинафша нурли антибактериал тизим ускуналари шифохоналарда ҳаво ва сиртни дезинфекциялашга ёрдам беради, бу тиббиёт ходимларини ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажаришда COVID-19 билан касалланиш ҳолатларини бартараф этишда кенг қўлланиши мумкин. Ускуналар соғлиқни сақлаш тизимида қўлланилади ва мамлакатда COVID-19 тарқалишининг олдини олишга ёрдам беради.

"COVID-19 тарқалишини қисқартириш Ўзбекистонга пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатлари ва хавфсизлик таъсирини яхшироқ ҳал қилишга имкон беради", деб тушунтирди ЙХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон МакГрегор. “COVID-19 билан боғлиқ пандемия кўп авлодлар учун глобал ва минтақавий хавфсизликка энг жиддий трансмиллий таҳдиддир. ЙХҲТнинг кенг қамровли хавфсизлик бўйича топшириғига биноан, ПУз ушбу трансмиллий таҳдидга қарши курашда Ўзбекистонга ёрдам бериш учун мобил пулсли ультрафиолет антибактериал тизимни тақдим этди”.[15]

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) дунёда мусулмонлар истиқомат қилувчи давлатларнинг энг йирик халқаро ташкилоти ҳисобланади. Ташкилотнинг инсон ҳуқуқларига ихтиссослашган органи сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси 2011 - йил ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ИҲТга аъзо давлатларнинг хотин-қизлар, ёшлар ва эҳтиёжманд кишиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу борада иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳуқуқларни таъминлаш, барча шаклдаги

зўравонлик ва камситишларга барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг бир неча халқаро даражадаги ҳужжатлари мавжуд бўлиб улар бевосита ҳукуматимиз томонидан имзоланиб, ижро этиш бўйича турли чора – тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Шулардан, “Ислом ҳамкорлик ташкилоти Меҳнат маркази тўғрисида”ги низом, “Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Ислом ташкилоти тўғрисида”ги низом, “Терроризмга қарши кураш бўйича конвенцияси” (1999-1420Ҳ) ва бошқалар.

